Ҳуқуқ ва тил доирасида олиб борилаётган амалий ишлар ўз самарасини кўрсатмай қолмади. Юрислингвистика замонавий йўналиш бўлишига қарамасдан, бу соҳадаги изланишлар анча аввал “ илдиз ота бошлаган”.Бир қанча тилшунос олимлар томонидан амалда мавжуд бўлган қонунлар ўрганилиб, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Қонун тилининг лингвистик жиҳатдан ўрганилишини вазиятнинг ўзи тақозо қилган эди. Сабаби, сотсиалистик тузум даврида қонунларнинг ўзбек тилига таржима қилинишида қонуннинг моҳиятидан келиб чиқиб эмас, қонунда мавжуд сўзларнинг тўғридан тўғри ўзбек тилига таржима қилиниши оқибатида аслида англашинилиши керак бўлган мазмун ўзгаришига олиб келинган.Таржима қилишдаги номутаносибликлардан ташқари, айрим мурожаат шакллари айнан русча шаклда олиб борилган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган санадан бошлаб, қонуншунослар зиммасига долзарб вазифа юкланди, яъни эндиликда янгича тизимда ўзбек миллий ҳуқуқ эталони(андозаси)ни тузиш масаласи ўртага ташланди. Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини уларнинг таркибида муомалада бўлиб келаётган рус тилидаги сўз ва иборалардан “тозалаш” энг асосий вазифа эди.Соҳа ривожи учун олиб борилаётган ҳаракатлар кишини қувонтиради, албатта, шунинг баробарида қонунларда истеъмолда бўлиб келаётган айрим терминлар қайта ислоҳ қилишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят протссесуал кодексида қўлланилиб келаётган *мурда, юзлаштириш, тамомлаш,малакалаш* каби тушунчалар ҳозирги кунга қадар қонун ҳужжатларида ўзининг ҳуқуқий асосига эга. Шунингдек, Жиноят протсессуал кодексининг 18-боби “Мурдани эксгуматсия қилиш “деб номланади. Бу ерда ифодаланган мурда тушунчаси

[4] Кучимов Ш. Юридик тил назарияси ва амалиёти. Ташкент-2003

анча салбий бўёққа эга бўлиб, маҳаллий аҳоли тилида фойдаланилган, ўлган жонсиз кишига нисбатан қўлланувчи лекцик бирликдир. Мурда тушунчаси ҳозирда нутқда деярли қўлланмайдиган , фақат айрим қонун ҳужжатларида муомалада бўлиб келаётган термин ҳисобланади. Мазкур атаманинг ўрнига “жасад” тушунчаси қўлланса, қонуннинг ифодалилик сифатини оширган ва қўлланиш доирасини анча кенгайтирган бўлар эди. Қонунларнинг ифодаланилаётган моҳиятига мос терминларнинг танланиши борасида тилшунослар ўз таклиф ва тавсияларини беришган: оқловчи, ҳимоячи,қораловчи, айбловчи, малакаламоқ, сўрайман каби сўзларни ишлатиш мақсадга мувофиқ эмаслиги, уларнинг ўрнига адвокат, прокурор, клавификатсия қилмоқ, талаб қиламан кабиларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.Тузилажак қонунларнинг мазмун-моҳияти билан биргаликда унинг имловий жиҳатдан тўғри қўлланишига ҳам эътибор бериш талаб қилинади. Lex.uz  да яъни Қонун ҳужжатларининг базасида:

- 2536 та ҳужжатда ***захира;***
- 96 та ҳужжатда ***заҳира;*** сўзи қўлланган.

Хўш, ушбу сўзларнинг қайси бири имловий жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Ўзбек тилининг имло луғатида сўзнинг ягона шакли сифатида ***захира*** қабул қилинган. Амалда қабул қилинган имло қоидаларига риоя қилинган ҳолда қонунлар шакллантирилса, ғеч қандай хилма-хилликка йўл қўйилмайди. Яна бир жиҳат эътиборни жалб қиладики, бу жиҳат терминлар қўлланишидаги турличаликдир. Хусусан, суд жараёнида жиноят содир қилган шахсга нисбатан бугунги кунда уч хил мурожаат шакли мавжуд. Булар судланувчи, айбланувчи, гумон қилинувчи терминларидир. Ҳуқушунослик жиҳатидан олиб қараладиган бўлса ҳар учала термин ҳам учта шахсга нисбатан қўлланувчи турли маъно-мазмун англатувчи тушунчалардир. Тилшунос олима М.Қосимованинг “Ўзбек юридик терминологиясининг таркибий тузилиши “деб номланган диссертатсиясида юридик терминлар тузилиши жиҳатидан таҳлил этилиб, уларнинг ясалиш йўллари ҳақида маълумот берилади. Тадқиқот соф филологик нуқтайи назаридан ёритилади. Шунинг учун айрим юридик терминларнинг

семантик маънолари юридик жиҳатдан тўғри изоҳланмайди. Жумладан, олима ўз кузатишларида судланган-маҳкум, судланувчи-айбланувчи каби терминларни жуфт (ҳар доим бирга қўлланиб, бир маънони англатувчи ) терминлар сифатида талқин этади.[5]Судланувчи- жиноят протссесида судга берилган айбланувчи;

Гумон қилинувчи- жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахс; Айбланувчи- Жиноят протссесуал кодексида белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида айблов қарори чиқарилган шахс; Мазкур терминлар моҳияти турлича талқин қилинса-да, суд жараёнида адвокатлар ҳимоя нутқларида уларнинг қўлланишида номутаносибликлар кўзга ташланади. Адвокатлар ўз ҳимоя нутқларида жиноят содир этган шахсга нисбатан ихтиёрий равишда судланувчи, айбланувчи ёки гумон қилинувчи терминларини амалда қўллаб келмоқдалар,айрим вазиятларда эса бу учала терминдан ҳам фойдаланмасдан, шахснинг ўз фамилияси билан мурожаат қилиш шакли ҳам мавжуддир. Юқоридаги каби ҳолатлар юзага келмаслиги учун, қонуншунослардан соҳага оид билимларнинг етук мутахассиси бўлишини ҳамда ишлаб чиқилаётган қонунларнинг моҳиятини тилшунослик жиҳатидан ҳам тадқиқ қилинишини талаб қилади. Юридик соҳа вакилларининг билимларини ошириш жараёнида уларда тилшунослик кўникмалари ҳам шакллантирилиб борилса, келтириб ўтган мулоҳазларимиз ўзининг мақбул ечимини топган бўлар эди. Жамиятда соф ҳуқуқий муҳитни юзага келтириш учун ,албатта, ҳуқуқшунос ва фуқаролар ўртасида мунтазам алоқа йўлга қўйилиши зарурий эҳтиёждир. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун нафақат юридик соҳа вакилларининг фаоллиги, балки аҳоли томонидан ҳам атрофда юз бераётган ўзгаришларга бефарқ бўлмасдан, ҳар бир сиёсий масалага огоҳлик билан ёндашиш талаб қилинади. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳуқуқ ва тил доимо биргаликда шаклланган ҳамда бир вазиятда

[5] Кучимов Ш. Юридик тил назарияси ва амалиёти Ташкент-2003

ривожланган бутунликдир. Уларнинг алоқаси бўйича турли хил қарашлар, турлича фикрлар бўлишига қарамасдан давр талаби нуқтайи назаридан келиб чиқиладиган бўлса, ҳуқуқнинг тилга, тилнинг ҳуқуққа бевосита таъсири фақатгина уларнинг тараққиёти учун хизмат қилади. Бугунги кунда Юрислингвистиканинг тадқиқот марказида кишилик жамиятида инсонлар онгига ҳуқуқнинг ҳаётимиздаги ўрни ниҳоятда беқиёс эканлигини сингдириш ва фуқаролардан ушбу йўналиш тараққиёти учун ўзларининг иштироки билан муносиб ҳисса қўшишга ундаш асосий ўринда туради. Зеро, қонунчилик тизимининг муносиб йўлга қўйилиши, аҳоли тинчлиги ва фаровонлигининг кафолатидир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кўчимов Ш.Н “Юридик тил назарияси ва амалиёти “ Тошкент-2013

2. Мўйдинов Қ.А “Ўзбек тилида суд нотиқлиги лекцикаси “ Тошкент-2015

3. Лех.уз ҳамда утек.уз сайти

4. Ўзбекистон адвокатлари ҳимоя нутқлари Адолат-2008

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят протссесуал кодекси

6. Икрамов Р. А & Мўйдинов К. А. (2021) ХУКУК ТИЛИ ВА НУТКИ Academic research in educational scienses 2(9), 719-727

7. А.Мўйдинова (2021) УЗБЕК МИЛЛИЙ УЙГОНИШ АДАБИЁТИДА МУВАШШАХЛИК Academic research in educational scienses, 2(11), 1219-1224

# YUMSHOQ TO’QIMALARDA PLASTIK OPERATSIYA O’TKAZISHNING ASOSIY XUSUSIYATLARI

**Mirzaliyeva Nilufar Sherali qizi**
Toshkent Pediatriya Tibbiyot Instituti 2-kurs talabasi

**Annotatsiya:** Plastik jarroxlik termini ko’p ishlatilishi xamda chet el davlatlarida plastik jarroxlik bo`yicha ko’p sonli monografiyalar chop etilganligiga qaramay mutaxassislar hozirgi kungacha izalnishda davom etishmoqda. Plastik jarroxlik bu xirurgiyaning bir bo’lagi bo`lib buning asosida tana yuzasi to’qimalaridagi operatsiyalar yotadi. Agar tanani qo’l va oyoqlardagi xamda qorin va ko’krak qismdagi nuqsonlarni kiyim yoki biror bir boylamalar bilan berkitishni ilojisi bo`lsa, yuz sohasidagi nuqsonlarni berkitish ancha qiyin masala hisoblanadi.

**Kalit so’zlar:** Rekonstruktiv jarroxlik, osteotomiya, estetik jarroxlik.

**Maqsad:** Plastik jarroxlik talab etiladigan to’qimani tiklash operatsiyalari ancha ko’p etapliligi va ancha vaqt ketishini inobatga olgan xolda bemor va shifokor o’rtasida o’zaro kelishuv bo’lishi lozim. Jarrox qilgan ishlar bir necha kriteriyalar bilan - qayta tiklanish vaqtining qisqaligi, funksional va kosmetik natijalarga qarab baholanadi

**Tadqiqot materiallari va usullari:** Xirurgiyada operatsiya jarayonida yo’qotilgan to’qimalarni bir qancha bandlar bilan qayta tiklash uchun ko’p sonli plastik materiallar olish imkoni tug‘ildi. Ushbu operatsiyalar ko’p ekanligini hisobga olgan xolda hamda maxsus o’lchamlar kerak bo’lishi va tikishda alohida e’tibor berish kerakligini inobatga olgan xolda maxsus ko’nikmalarga ega bo`lgan jarroxlarga extiyoj tug’ildi. Mikroxirurgiya yuzaga kelishi vaziyatni tubdan o’zgartirdi. Katta to’qimali bloklar autotranslantatsiyasi nuqson sohasini bir ikkita operatsiyadan keyin estetik jixatdan bartaraf qilish imkonini yaratdi. Gap shundaki bir necha marta bandlarni ko’chirib o’tish natijasida band o’z rangini o’zgartirgan va band yordamida

tiklangan nuqson sohalari atrof to’qimalardan o’z rangi va zichligi bilan ajralib turgan. Revaskulyarizatsiyalangan autotransplantatlarda tabiiy rang va to’qima elastikligi saqlanib qoladi. Bundan tashqari bundan oldingi operatsiyalar juda ko’p bosqichliligi va oqibati noaniqligi bo’lgan bo’lsa undan keyingi operatsiyalar juda yuqori effektliligi bilan ajralib turadi. Yuqorida aytib o’tilganiga qaramasdan “plastik jarroxlik” termini mustaqil yoki yakka holda qobiliyatlanishi mumkin emas. Kam xollarda yumshoq to’qimalarni tiklash yoki to’g’rilashga to’g’ri keladi. Ko’pincha anatomik sohalarni tiklash zarruriyati tug’iladi, va ko’pincha biror bir sohadagi suyak yoki tog’ay to’qimasini yo’qotilgandan keyingi rekonstruktiv operatsiyalar o’tkaziladi. Shuning uchun “plastik va rekonstruktiv jarroxlik” tushunchalari biri biri bilan ayrilmas hisoblanadi. Burun o’lchamlarini estetik jihatdan kichiklashtirishda osteotomiyasiz yoki yuzning turli sohalarini o’zgartirishda yuz yoki jag’ suyaklarini o’zgartirmasdan biror bir natijaga erishib bo’lmaydi. Bemor uchun operatsion jarayonning texnikasi muhim bo’lmasdan, u uchun operatsiyadan keyingi natija muhimroq sanaladi. Yuz sohasida nuqsonni maksimal ravishda yo’qotishda jarrox tanani boshqa qismlarini zararlab qo’ymasligi kerak. Shunig uchun pastki jag’ni nomsiz barmoqdan shakllantirish bizning nuqtai nazarimizda o’rinsiz bo’lib hisoblanadi. Buni boshqa metodlar bilan shunga o’xshash yo’qotishlarsiz ushbu nuqsonni bartaraf etsa bo’ladi. Nuqsonni analiz qilish vaqtida uni sababini aniqlash lozim, shulardan, chandiqli bitishmalarni va to’qimalarni ko’chish sababini, og’iz ochilishini chegaralanishini, nafas olishning buzilishi, ovqat yutishning buzilishi yoki gapirishning buzilish sabablarini, nuqson hajmi va shakli aniqlanishi lozim. Bundan tashqari nuqson sohasini berkitish uchun kerak bo’ladigan to’qima hajmini ham bilish lozim. Ayrim xolatlarda yo’qotilgan to’qima o’rnini tiklash uchun kerak bo’lgan to’qima miqdori estetik jihatdan to’la qonli funksiyani bajarish uchun kerak bo’lgan to’qima hajmiga to’g’ri kelmaydi.

**Natijalar:** Yuzda mahalliy to’qimalar bilan plastik jarroxlik o’tkazish ko’p afzalliklarga ega. Bu eng asosiysi plastika uchun turgorligi va rangi bo’yicha bir xil to’qimalarning ishlatilishi va estetik jihatdan buning yaxshi natija berishi hisoblanadi. Bundan tashqari operatsiya oldi texnikani rejalashtirish va atravmatik texnikalarning

qo’llanilishi operatsiyaning silliq o’tishi va operatsiyadan keyingi davrning yaxshi kechishini taminlaydi, operatsion jarohatning birlamchi bitishi va uncha bilinmaydigan chok bo’lishi bilan xarakterlanadi. Yuzda, bo’yin sohasi va qo’l barmoqlarida kuyish va mexanik ta’sirotlar natijasida yuzaga kelgan chandiqlarni bartaraf etishda uchrashuvchi uchburchakli laxtaklardan foydalanish yaxshi natija beradi. Kam travmali, uncha katta bo’lmagan operatsiyalarni estetik jarroxlik bo’yicha mutaxassis bajarishi mumkin, lekin bemorning yuz sohasini holatini rekonstruktiv va estetik jarroxlar kabi bir o’rinda turuvchi yuz-jag’ jarroxi aniqroq baholay oladi. Yevropa va AQSHda rekonstruktiv va plastik jarroxlik sohasida yetuk mutaxassislar estetik jarroxlik bo’yicha ham operatsiyalar o’tkazishadi. Yuzning ochiq sohalaridagi deformatsiyalar va nuqsonlar bemorning ruxiy xolatiga qattiq ta’sir ko’rsatadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Azimov M.I. Yuzning rivojlanishi va anomaliyalari. O‘quv qo‘llanma.-Toshkent. Ilm ziyo, 2018 yil
2. Kozlov B.A. Kagan I.I. operativnaya chelustno lisevaya xirurugiya I stomatologiya. Uchebnoe
   posobie. Moskva. GEOTAR – media 2014 g
3. www.chicagocentre.com www.implantplus.azerin.com

# O'ZBEKISTONDA MENINGOKOKK INFEKSIYASINING ZAMONAVIY EPIDEMIOLOGIK XUSUSIYATLARI VA UNING PROFILAKTIKASINI TAKOMILLASHTIRISH

**Mustanov A'zamat Yunusovich**
Toshkent Tibbiyot Akademiyasi epidemiolog-katta o'qituvchi
**G'oyibnazarova Kumush Sherali qizi**
Toshkent Tibbiyot Akademiyasi 3-bosqich talabasi

**Annotatsiya:** Meningokokk infeksiyasi epidemiyalari kutilmaganda yuzaga keladi va uni oldindan bashorat qilib bo'lmaydi. O'zbekiston hududida ushbu infeksiya bilan zararlanishning yillik ko'rsatkichlari o'sib bormoqda. Epidemiya o'chog'idagi kasallangan aholida 70-80% o'lim holatlari, 20% tuzalganlarda esa epilepsiya, intillektual rivojlanishdan ortda qolish, aqliy zaiflik, karlik holatlari jiddiy asorat sifatida namoyon bo'ladi.

**Kalit so'zlar:** meningokokk infeksiyasining tarqalgan va mahalliy(lokal) klinik shakllari, aerozol-antroponoz infeksiya, giperendemik zona,"meningit kamari", epidemik avj olish, umumiy intoksikatsiya, meningit, nazofaringit, meningokoksemiya, mavsumiy avjlanish, jinsga moyillik, sanatsiya, izolyatsiya, karantin.

Ma'lumki, hozirgi kunda dunyoning 150 dan ortiq mamlakatlarida aerozol-antroponoz infeksiyalardan biri hisoblangan meningokokk tufayli epidemik vaziyat barqarorligi buzilmoqda. Meningokokk infeksiyasi bilan kasallanishning eng yuqori ko'rsatkichi Afrika qit'asida qayd etilgan bo'lib, u yerda giperendemik zona mavjud va u "meningit kamari" deb ataladi. Mazkur zona Saharaning janubiga, g'arbda Senegaldan sharqda Efiopiyaga qadar cho'zilgan va o'z qamroviga 14 dan ortiq davlat hududini birlashtirgan.

Meningokokk infeksiyasiga chalinganlarning o'lim darajasi va nogironlik holatlari boshqa yuqumli kasalliklar ko'rsatkichidan yuqori bo'lganligi uchun ko'pchilik davlatlar sog'liqni saqlash tizimining jiddiy muammosiga aylangan. Buni quyidagi raqamlar orqali ko'rish mumkin:

- Infeksiyaning tarqoq shakli bilan kasallanganlar orasida o'lim darajasi70-80% ga yetgan;
- Davolashda antibiotiklardan foydalanish o'lim holatini 15% ga kamaytiradi;
- Tuzalganlarning taxminan 20% qismida jiddiy asoratlar kelib chiqadi;
- Yuzaga kelgan o'tkir asoratlarga epilepsiya, intillektual rivojlanishdan ortda qolish, aqliy zaiflik, karlik holatlari kiradi.

Meningokokkli infeksiya bilan yillik kasallanish ko'rsatkichi infeksiyaning asosiy o'chog'i bo'lmish Afrika qit'asi davlatlarida har 100 ming aholiga 300-700 kishini tashkil qilsa, tropik va subtropik zonadan holi mo'tadil kengliklarda, xususan Markaziy Osiyo mintaqasi va unga yaqin hududlarda har 100 ming aholiga 0,01-0,02 ni ko'rsatmoqda, ammo epidemiologik noxush holatlarda bu raqamlar 8-12 tagacha ko'tarilgani qayd etilgan. Keltirilgan ma'lumotlarga asosan dunyoning ko'plab mamlakatlarida meningokokk infeksiyasining tarqalgan og'ir kechuvchi klinik shakllarining ulushi yuqoriligi, bu yuqumli kasallikning navbatdagi epidemik ko'tarilish arafasida ekanligidan dalolat beradi.

So'nggi o'n yil ichida meningokokk infeksiyasi bilan kasallanish ko'rsatkichlari global pasayishi kuzatilsa-da, lekin epidemik avj olish, epidemiya va pandemiyalarning kelib chiqishi ortib bormoqda. Bunga sabab meningokokk infeksiya yashirin davrining oxiridayoq xavfliligi, butun kasallik davomida bemorda tashuvchilik, infeksiyaning yuqumliligi, qo'zg'atuvchi yuqori nafas yo'llarining burun-halqum qismida 3 haftagacha saqlanishi kabilardir. Kasal yoki bakteriya tashuvchi bilan muloqotda bo'lganlarning 1-3 % ida asosiy kasallik(umumiy intoksikatsiya, meningit), 10-30% ida nazofaringit rivojlanadi va 70-80% odamlar bakteriya tashuvchiga aylanadi. Nazofaringit shaklidagi bemorlar atrofdagilar uchun 3 haftagacha tashuvchi bo'lishlari mumkin. Shuning uchun epidemiya davrida odamlarni 95% i tashuvchi, faqat 1% i kasal bo'ladi. Infeksiya bian zararlanish 69-

80% holatlarda 1-5 yoshgacha bolalar orasida uchraydi( bu gematoensefalitik barer va immunologik reaktivlikning pastligi bilan bog’liq), ammo epidemiya vaqtida o’smirlar va kattalar ham kasallanishi mumkin. Bundan anglashiladiki, infeksiyaning epidemiya ko’rinishda tarqalishi nafaqat oddiy holatda ko’p kasallnadigan yosh bolalar, balki aholining barcha qatalamini zararlaydi. Meningokokk infeksiyalar 20-30 yilda qaytalanadi, mavsumiy avjlanish davri kuz-qish oylariga to’g’ri keladi. Demak, mazkur infeksiyaning epidemiyasi yuqorida keltirilgan vaqt oralig’ida takror kuzatiluvchi xususiyatga ega va bu qat’iy ravishda epidemiologik va profilaktik tadbirlar samaradorligini talab qiladi.

Hozirgi vaqtda odamlar ko’p to’planadigan yirik shaharlarda kasallikning bitta tarqalgan shaklidagi bemoriga yiliga 45000-50000 bakteriya tashuvchilar to’g’ri kelmoqda. Bakteriya tashuvchanlik meningokokk infeksiyasida epidemik jarayonning hal qiluvchi omili hisoblanadi. Kasallik yuqishining ko’pchilik hollari, shu jumladan tarqalgan shakllari ham bakteriya tashuvchilaridan yuqadi, biroq barcha bakteriya tashuvchilari ham bir xil epidemiologik ahamiyatga ega emas.

So’nggi kuzatuvlar natijasi shuni ko’rsatdiki, meningokokk qo’zg’atuvchisi Neiseria meningitidsni tashish ayollarga nisbatan erkaklarda ko’p uchramoqda, bu esa muloqot intensivligi bilan emas, balki jinsga moyillik bilan izohlanadi. Isbot sifatida 2019-yil ma’lumotlariga ko’ra erkaklarda ushbu infeksiya bilan zararlanish 74%, ayollarda esa 26% ko’rsatkichga ega bo’lganini keltirish mumkin.




| | г. Ташкент | Андижанская | Бухарская | Джизакская | Кашкадарьинская | Навоийская | Наманганская | Самаркандская | Сурхандарьинская | Сырдарьинская | Ташкентская | Ферганская | Хорезмская | Р.Каракалпакстан | Итого |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2019 | 4,6 | 0 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0 | 0,1 | 0 | 0 | 0 | 0,8 | 0 | 0 | 0,2 | 0,4 |
| 2020 | 0,27 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0,02 |
| Столбец1 | | | | | | | | | | | | | | | |

Meningokokk  infeksiyasi o’chog’i oilada, bolalar muassasi(bog’cha, ko’ngilochar maydonchalar, bolalar parklari), maktab va boshqa jamoalarda infeksiyaning tarqoq shakli bilan kasallangan bemor ekanligidan va epidemiyani yuzaga kelish xavfi yuqoriligidan kelib chiqib quyidagi epidemiologik va profilaktik chora-tadbirlar o’tkazilishi shart:

- Har bitta alohida holatda epidemiolog tomonidan o’choq chegarasi belgilanadi;
- Meningokokkli nazofaringit bemorlar va tashuvchilar to’liq aniqlanadi va izolyatsiya qilinadi;
- Kamquvvat, darmonsiz bolalarga gamma-globulin beriladi;
- Tashxis qo’yish uchun bemor yoki tashuvchi bilan aloqada bo’lgan aholi tibbiy nazoratga olinadi;
- Kontaktda bo’lgan shaxslarda bir martalik bakteriologik tekshiruv o’tkaziladi, natija manfiy bo’lgandagina jamoaga qo’shilishga ruhsat beriladi, aks holda sanatsiya qilinadi;
- Kasallik tashib yurishi gumon qilinganlar orasida maxsus polisaxaridlardan tayyorlangan meningokokkning kimyoviy vaksinasi infeksiyaning A va C hamda W-135 seroguruhlariga qarshi emlanadi;

- Zararlanish ma'lum muassasa hududida tarqalganligi aniqlangan holatda ma'lum muddatga mazkur muassasada karantin e'lon qilinadi;
- Infeksiya yuqtirgan bemorlar yuqumli kasalliklar shifoxonasining ixtisoslashtirilgan bo'limlariga yotqiziladi.

Xulosa: Meningokokk infeksiyasi epidemiyasining navbatdagi to'lqinini vaqtida oldini olish orqaligina kasallikning yuqori o'lim ko'rsatkichi, nogironlik holatlari va o'tkir asoratlarini bartaraf etish mumkin. Moliyaviy hisob-kitoblar jihatidan olib qaralganda ham bu statsionar davo choralari uchun sarflanadigan mablag'larning 5-7% ini tejashga erishishga sabab bo'ladi. Karantin e'lon qilingan muassasalardagi iqtisodiy o'sishga ta'sirini ko'rsatmaydi. Amaliy tavsiyalar sifatida shuningdek meningokokk infeksiyasiga qarshi an'anaviy emlash-vaksinatsiya uchun qator Yevropa davlatlari tajribasidan o'tgan yangi kimyoviy vaksinalarni qo'llashni taklif qilaman. Shu bilan bir qatorda aholi orasida infeksiyani yuqish yo'llari, undan organizmni himoya qilishning eng oddiy gigiyenik me'yorlarga mos usullari haqida targ'ibot ishlarini olib boorish zarur. Va bu natijalarga erishish uchun yuqorida ta'kidlangan epidimiologik va profilaktik chora-tadbirlarni o'z vaqtida amalga oshirish talab qilinadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.I.Muhammedov "Mikrobiologiya, virusologiya, immunologiya" Toshkent - 2006, 244-247 betlar

2.Акимкин В. Г. и др. Современные подходы к прогнозированию эпидемиологической ситуации по заболеваемости энтеровирусным менингитом //Медицинский алфавит. – 2020, С. 7-12.

3.Алифанова С. В. Бактериальные менингиты у детей //З турботою про дитину. – 2017, С. 15-19.

4. Астапов А. А. Менингококковая инфекция: инвазивные формы возможны в любое время, в любом месте, в любом возрасте //Приложение к журналу «Лечебное дело». – 2019. – С. 3.

5. Абрамцева М. В. Менингококковая инфекция. Современныепред- ставления о возбудителе, эпидемиологии, патогенезе и диагностике. Сообщение 1 /М. В. Абрамцева, А. П. Тарасов, Т. И. Немировская // Биопрепараты. — 2014, С. 4—10.

6. Белобородов В. Б. Нерешенные проблемы менингококковой инфекции //Инфекционные болезни: Новости. Мнения. Обучение. – 2018. – Т. 7. – №. 1 (24).

7.Бурганова А. Н., Семенова М. К. Клинико-эпидемические особенности генерализованной формы менингококковой инфекции на примере клинического случая //Молодежь в науке: Новые аргументы. – 2019. – С. 98-100.

**7.** Венгеров Ю. Я. и др. Актуальные аспекты патогенеза, диагностики и лечения бактериальных гнойных менингитов //Инфекционные болезни: Новости. Мнения. Обучение. – 2018. – Т. 7. – №. 1 (24).

8.https://www2c.cdc.gov/podcasts/player.asp?f=9956, https://www.cdc.gov/meningitis/index.html.

9. www.fhi.no Norwegian Institute of Public Health PO Box 222 N-0213 Oslo.

10.www.researchgate.net March 2020Journal Infectology 12(1):111-118 DOI:10.22625/2072-6732-2020-12-1-11-118.

# BOLALARDA TISHLARNING NOTEKIS O‘SISHINING OLDINI OLISH USULLARI

**Nodirov Nuriddin Shuhrat o‘g‘li**
Toshkent davlat stomatologiya instituti, ortodontiya yo‘nalishi 1-bosqich magistranti

**Annotatsiya:** Ko‘pchilik o‘sish yoshidagi bolalarni sut tishlari doimiy tishlariga almashinish jarayonida turli xil sabablar bilan o‘z o‘rnidan chiqmaydi yoki o‘rnidan chiqsa ham, noto‘g‘ri tarafga og‘gan holatda chiqadi. Shu bilan birga yuz, chaynov va lab mushaklaridagi kamchiliklar uchrab turadi. Buni ba’zi ota-onalar vaqtida sezishadi va malakali mutaxassis yordamida to‘g‘ri ko‘rsatmalar asosida vaqtida bartaraf etiladi. Ba’zi ota-onalar esa e’tiborsizligi oqibatida kelajakda farzandining tish jag‘ tizimida murakkab amaliyotlar evaziga bartaraf etilishi mumkin bo‘lgan o‘zgarishlar vujudga kelishiga yo‘l ochib berishadi. Aslida esa bu maqoladagi tavsiyalar bilan masalani oson hal etish ham mumkin bo‘ladi.

**Kalit so‘zlar:** miogimnastika, ortodont, protruziya, retruziya, mezial prikus, distal prikus.

Hurmatli ota-ona farzandingizni tishlariga diqqat bilan e’tibor bering! Almashayotgan tishlari bir-biriga mutanosibmi, tekismi yoki nomutanosibmi? Ba’zan tishlar oldinga bo‘rtib chiqadi, fanda buni protruziya deyiladi. Bu holatni bartafar etishda labning aylana mushaklaridan foydalanilsa bo‘ladi. Bola o‘sish vaqtida tishlarini holatini o‘zgartirish juda oson bo‘ladi, oldinga chiqib ketgan yuqori jag‘ tishini, pastki jag‘ tishlari yordamida yuqor labni tishlash tavsiya qilinadi. Bu holatda mushakdagi bosim hisobiga tishlar asta sekin o‘z joyiga qaytadi. Agar retruziya ya’ni ortga qarab og‘gan bo‘lsa tishlar bunda bizga til mushaklari yordamga keladi. Til bilan yuqori jag‘ tishlarini 3-4 daqiqa davomida tilning uchi bilan oldinga bosim

o'tkazing, keyin pauza qiling va yana takrorlang (2-3 martda). Bu usul bilan ma’lum vaqt davomida samarali natijaga erishilishi ham mumkin.

Pastki labni yuqori tishlar bilan 2-3 daqiqa tishlash. Bu usul yordamida bolaning o‘sayotgan tish jag‘ tizimidagi pastki jag‘ tishlaridagi muammoni bartaraf etiladi. Ya'ni pastki jag‘ tishlarini oldinga chiqib ketishi vaqtida oldi olinadi. Pastki labni yuqori tishlar va yuqori lab bilan ushlang, 4-5 daqiqa ushlab turing va qo‘yib yuboring, so‘ngra 2-3 daqiqa dam oling. Buni 3-4 marta takrorlang. Bu mashq yordamida ham yuqori ham pastki qator oldingi tishlarining oldinga chiqib ketishini davolashda qo‘llaniladi. Ba’zi o‘sish yoshidagi bolalarda yuqori jag‘ga nisbatan pastki jag‘ o‘sishdan orqada qoladi, natijada bir-biriga nomutanosib holat vujudga keladi yoki teskarisi yuqori jag‘ o‘sishdan orqada qoladi. Bu holatlar stomatologiyaning ortodontiya yo‘nalishida pastki jag‘ni yuqori jag‘ga nisbatan mezial va distal joylashuvi deb nomlanadi. Bu holatlarni ham miogimnastika evaziga erta aniqlangan xolatlarda bartaraf etsa bo‘ladi. Distal prikus holatlarida quyidagi mashqni bajarish maqsadga muofiq. Pastki jag‘ oldingi guruh tishlarini yuqori jag‘ oldingi guruh tishlarigacha tekizib oldinga suriladi. Shu holatda 10 soniya ushlab turiladi va sekin asta qo‘yib yuboriladi. Shu asnoda vaqtni sekin asta 60 soniyagacha oshirib boriladi, kuniga 4-5 marotaba bajariladi. Bu mashqni rivojlantirish uchun keyinchalik tik turgan holatda boshni bir oz ortga tashlagan holatda bajarilsa yuklama yana ham ortadi. Mezial prikusli bolalarda esa yuqori jag‘ni rivojlantirishga qaratilgan mashqlar bajariladi, bunda pastki jag‘ni ortga tortilgan xolatda yuqori jag‘ oldingi guruh tishlarini kesuv qirralariga tekkazilib turiladi, bu 30 soniya davom etadi va asta qo‘yib yuboriladi. Ma’lum vaqtdan so‘ng 60 soniyagacha uzaytirish mashqni samaradorligini oshiradi. Bundan tashqari yana tilni uchini tanglayni yuqori yumshoq qismiga tekkazib o‘rtacha bosim bilan oldinga qarab surish tavsiya etiladi va buni 10 marotabadan, kuniga 4-5 marta takrorlash kerak.

Miogimnastika - ortodontlar tomonidan maxsus ishlab chiqilgan mashqlar to‘plami bo‘lib, tish-jag‘ tizimiga chaynov, yuz mushaklari va til yordamida tasir ko‘rsatib davolash va prafilaktika ishlarini olib borishga qaratilgan. Muntazam mashqlar mushak apparati va suyak to‘qimalarini to‘g‘ri rivojlanishiga hizmat qiladi. Bu

mashqlarni bola va ota-onasi birgalikda bajarganlari maqsadga muofiq bo‘ladi. Kundalik mashqlar turli o‘yinlar sifatida bolani qiziqishini yanada orttirishga qaratilib borilishi maslahat beriladi. Bir necha oydan so‘ng natijani ko‘rgan ota-ona va bolaning o‘zi ham mashqlar samaradorligini orttirishga o‘zida ham qiziqish ortib boradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Ortodontiya. L.S. Persin. 2004
2. Uilyam R. Proffit.
3. Ortodont.mk.ue
4. Ru.dko.com.ue

**УЎТ: 631.633.379**

# МОШНИНГ(Phaseolus aureus Piper) КОЛЛЕКЦИЯ КЎЧАТЗОРИДАГИ НАВ НАМУНАЛАРИНИ, ҚИММАТ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

**Идрисов Хусанжон Абдужабборович**, қ.х.ф.ф.д (PhD)
ФарДУ АТСФ кафедраси ўқитувчи
**Мухаммаджонова Шукурона Шуҳрат қизи**
ФарДУ УМС факультети Анорчилик таълим йўналиши 3 босқич талабаси
**Email:** idrisovhusanzon@gmail.com

**Аннотация:** Мақолада мош коллекция кўчатзоридаги маҳаллий ва хорижий нав намуналар билан олиб борилган тажриба ёритилган бўлиб, стандарт навга нисбатан морфологик, биологик ва қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган 9 та нав намуна ажратиб олинган.

**Калит сўзлар:** Мош, оқсил, ёғ, витамин, ўтлоқи-ботқоқ тупроқ, бактерия, коллекция, чин барг, шона, гул, дуккак.

Дунёда бугунги кунда такрорий экин сифатида дуккакли-дон экинлари 91,6 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача дон ҳосилдорлиги 12,0 ц/га, ялпи ҳосил 206,4 млн тоннани ташкил этади. Экиладиган майдон ҳажми жиҳатидан жаҳонда соядан кейин иккинчи ўринда туради (25 млн гектар). Республикамизда эса ҳар йили такрорий экин сифатида 18-25 минг гектардан ортиқ майдонларда етиштирилади. Мош дунё бўйича 5,3 млн. тоннани ташкил этиб, мошни етакчи етиштирувчи ва истеъмолчи давлат Ҳиндистон ҳисобланади. Экин майдони 65 ва ялпи ҳосили 54 фоизни ташкил этади. Шунингдек, жаҳон бозорида мош экспортида Ўзбекистоннинг ҳам ўрни катта бўлиб, йилига 67 минг тоннагача мош экспорт қилинади. Мош қадим замонлардан Ҳиндистонда етиштириб келинади. Мошнинг келиб чиқиш ватани Жануби-ғарбий Осиё бўлиб, у 5-6 минг йил аввал қишлоқ хўжалигида етиштирила бошлаган. Мазкур экин ҳозир ҳам Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Бирма, Хитой, Вьетнам, Япония, Африка давлатлари, Жанубий Америка давлатлари, шунингдек, Австралияда катта ҳажмларда етиштирилади. Мош Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Кавказ ва

Жанубий Қозоғистонда (кичик майдонда) асосий экин ёки кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилади.

Маълумки, республикамизда қишлоқ хўжалиги асосий тармоқлардан бири бўлиб, ва у ҳар бир мамлакатдаги каби инсонларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом-ашё билан таъминловчи бош бўғин ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги кўҳна тарихга эга бўлиб, бундан минг йиллар аввал ҳам ота-боболаримиз қишлоқ хўжалик самарадорлигини ошириш деҳқончилик ва боғдорчилик ишларини яхшилаш борасида тинимсиз изланишлар олиб боришган. Ҳозир далаларимизда катта майдонларда етиштирилаётган турли-туман мева, сабзавот, ем-хашак ва бошқа техника экинлари авлод-аждодларимиз томонидан бир неча минг йиллар давомида турли-туман ёввойи ўсимликлар орасидан танлаш, чатиштириш, пайвандлаш усуллари билан яратилган. Демак, кўпчилик маданий ўсимликларнинг асосий бунёдкори инсонннинг ақл-заковати ва меҳнати ҳисобланади.

Серқуёш заминимизда жуда кўплаб кишлок хўжалиги экинларидан жумладан дуккакли дон экинлардан мўл ва сифатли хосил етиштириш учун жуда кулай иклим шароити мавжуд. Ахолини ўсиб бораётган талаб ва эхтиёжидан келиб чиққан холда таркибида оксил, витаминларга бой экинларни парваришлаб, экологик тоза махсулотлар етиштириш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Тажрибамизда суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиб асосий ва такрорий экиш учун мошнинг янги нав намуналарини танлаш, янги навлар яратиш.

**Тажрибанинг мақсади ва вазифалари**.

Ушбу илмий ишнинг мақсади аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш, оқсил танқислигини ҳал қилиш учун мош экинини ноқулай шароитларга чидамли, серҳосил, дон таркиби оқсил ва мой моддаларига бой, касалликларга чидамли янги навларини яратиш. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш талаб этилди: Мошнинг коллекция кўчатзоридаги нав намуналарни экиш, кузатиш, қимматли хўжалик

кўрсаткичлари юқори бўлган нав намуналарни баҳолаш, танлаш. Суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ечадиган, юқори хосилни таъминлайдиган янги тезпишар, серҳосилли, юқори сифатли, ноқулай шароитларга бардошли навларни яратиш ва уларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва ишлаб чикаришга тавсиялар тайёрлаш.

**Тажриба ўтказиш жойи, шароити ва услуби.**

Тажрибалар Шоличик илмий-тадқиқот институтининг тажриба майдони далаларида олиб борилди. Тажрибалар 13 картанинг 2 чекида олиб борилди Тупроқ қатламлари воҳа учун ҳарактерли бўлиб ботқоқ типидаги тупроқлардир. Ҳар хил чуқурлик қатламларида эса катта ва кичик тошлар ва қум аралашмалари ҳам мавжуд. Ушбу тупроқлар дарёнинг чап қирғоғидаги типик ортиқча намлик шароитларидан келиб чиққан ҳолда бўлиб, шоли экиш учун жуда мосдир. Тупрок-ўтлоқи.Тажриба даласининг тупроғи шўрланмаган, хайдов қатлами 30-40 см. Тупроқдаги эритмаларнинг pH миқдори 6,8-7,3 бирликларида бўлиб, механик таркиби бўйича оғир лойлидир. Ҳаводаги фойдали хаво ҳарорати йиғиндиси бўйича Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик экинларни суғориладиган минтақаларда етиштириш бўйича шартли равишда 3 та гурухга ажратилган (бунда 10 градусдан юқори суткалик ўртача ҳарорат ҳисобланган). Тошкент вилоятининг иқлими ҳам кескин континентал бўлиб, ёзи ниҳоятда иссиқ, қиши эса совуқ, ҳамда ҳавоси қуруқ ва табиий ёғингарчиликлар ўсимликлар ўсиб ривожланиши учун нихоятда камлиги билан таърифланади**.** Мош селекцияси қишлоқ хўжалик экинларининг Давлат Нав Синов комиссияси ва ЎзШИТИ томонидан ишлаб чиқилган тавсияномалар, дала тажриба методикаси асосида олиб борилди. Мошнинг нав танлов кўчатзорларида фенологик кузатувлар ўтказилди Бунда мошнинг ўсув давридаги асосий: униб чиқиши, биринчи учталик барг пайдо бўлиши, ғунчалаш, гуллаш, дуккак. ҳосил қилиш ва пишиш фазалари кузатилди ва амал даврининг давомийлиги аниқланди.

**Тажриба натижалари.** Мошнинг янги навларини яратиш учун коллекция кўчатзоридаги нав ва нав намуналари орасидан унинг муҳим қимматли ва хўжалик белги (ўсув даври, поясининг баландлиги, бир ўсимликдаги дуккаклар сони, пастки дуккакларнинг жойлашиши, ҳосилдорлиги, донларининг оқсил миқдори ва мойдорлиги юқорилиги ва хаказо) хусусиятларига кўра танлаб олиниб уларни кейинги тадқиқот кўчатзори яъни чатиштириш кўчатзорига ўтказилади. Сўнгра яратилган янги мош навларидан давлат нав синовига топшириш учун танлаб олинади

**1-жадвал**

**Коллекция кўчатзоридан танлаб олинган намуналарнинг тавсифномаси.**

| № | Каталог рақами ва келиб чиқиши | Ўсув даври, кун | Ўсимлик бўйи, см | Пастки дуккак жойланиши | Сони, дона | | Вазни, г | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | шох | бир ўсим. дуккак сони | бир ўсим. дон вазни, г. | 1000 дон оғирлиги |
| 1. | Радость-St Ўзбекистон | 107 | 125,6 | 10,9 | 2,6 | 44,6 | 35,6 | 41,8 |
| 2 | 231796 Козоғистон | 102 | 142,0 | 7,2 | 3,4 | 55,6 | 24,0 | 46,9 |
| 3 | 320558 Хиндистон | 98 | 152,4 | 55,8 | 4,2 | 72,4 | 28,9 | 42,0 |
| 4 | 412804 Филлипин | 95 | 156,0 | 12,4 | 4,2 | 85,0 | 26,5 | 48.8 |
| 5 | К-832 Таиланд | 94 | 148,6 | 11 | 4.4 | 76,4 | 27,9 | 34,6 |
| 6 | Қўйлик Ўзбекистон | 93 | 138,6 | 13,8 | 2,8 | 59,8 | 29,0 | 42,0 |
| 7 | Махаллий Ўзбекистон | 101 | 136,0 | 12,6 | 3.4 | 79,6 | 28,2 | 43.0 |
| 8 | 597 Ўзбекистон | 103 | 138,9 | 11,6 | 2,8 | 43,0 | 29,0 | 48,4 |

Мош маҳаллий ва жаҳон коллекцияси нав намуналаридан ташкил топган коллекция кўчатзорида йиллар бўйича 150 та мошнинг нав намунаси тадқиқот қилинди. Ҳар бири 1,8 $м^2$ майдонларда қайтариқсиз, мош уруғлари 18кг/га меъёрда, қатор оралиғи 60х10-2 схемасида апрель-май ойларида экилди. Назорат сифатида таққослаш учун мошнинг "Радость" нави ҳар 10 та намунадан кейин экилди.Ўсув даврида барча фенологик кузатишлар нав синов

комиссияси томонидан ишлаб чиқарилган қўлланма асосида олиб борилди шу жумладан ўсимликнинг униб чиқиши, шохланиши, гуллаши, дуккаклаши ва пишиш даврлари қайд этилди. Кузатувлар ўсимликнинг  ўсув давридаги барча фазаларида (униб чикиш, шохланиш, гуллаш, дуккаклаш, пишиш) олиб борилди ва пишиш даврида  коллекция кўчатзорининг ҳар бир нав намунасидан 5-тадан ўсимлик олиниб биометрик тахлиллар (ўсимлик  ўсув даври, бўйи, пастки дуккак жойланиши, шохлар сони, бир ўсимликда дуккак сони, дон вазни, 1000 та дон оғирлиги) қилинди ва асосий хўжалик кўрсаткичлари юқори бўлган мошнинг 7 та нав намуналари танлаб олинди ва тўлиқ тавсифномаси 1. жадвалда келтирилди. Бу коллекция кўчатзоридан ажратиб олинган нав намуналари морфологик ва биологик кўрсаткичлари билан назорат навига нисбатан яхши бўлиб, пояси тик ўсувчан, бир ўсимликда дуккаклар сони юқори ва пастки дуккакни жойланиши юқори бўлганлиги билан ажралиб туради.

**Хулоса**. Мошнинг коллекция кўчатзоридаги маҳаллий ва хорижий нав намуналар орасидан қимматли хўжалик белгилари билан ажралиб турган 9 т нав намуна ажратиб олинган ҳолда, келгуси йилда ҳам тажрибаларда селекция жараёнлари давом этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Атабаева Х.Н, Саттаров М.А, Идрисов Х.А Суғориладиган майдонларда мош етиштиришнинг интенсив технологияси бўйича тавсиянома. Тошкент 2019

2. Атабаева Х.Н, Худойқулов Ж.Б Ўсимликшунослик.Т "Фан ва технология". 2018

3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - М.: Колос, 1985. - 317 с.

4. Дала тажрибаларини олиб бориш методикаси ЎзПИТИ.2007 йил .

5. Саимназаров Й.Б. ва бошқалар. Ўзбекистонда дуккакли-дон экинлари етиштириш бўйича тавсиялар. Тошкент.2009й.

6. Халиқов.Б.М.Негматова.С Мош Монография.Тошкент.Н.2000 й 5-7 б

**УЎТ: 631.633.379**

# МОШНИНГ(Phaseolus aureus Piper) НАВ ТАНЛОВ КЎЧАТЗОРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

**Идрисов Хусанжон Абдужабборович**, қ.х.ф.ф.д (PhD)
ФарДУ АТСФ кафедраси ўқитувчиси
**Солиев Абдулвосит Миролим ўғли**
ФарДУ УМС факультети Анорчилик таълим йўналиши 4-босқич талабаси
**Email:** idrisovhusanzon@gmail.com

**Аннотация:** Мақолада мошни нав танлов кўчатзорида ўтказилган тадқиқотлар баён этилган бўлиб, биометрик кўрсаткичлар таҳлилларида шу нарса аниқландики, 414360(Филиппин), 412441(Филиппин), 430177 (Афғонистон) нав намуналари назорат навга нисбатан қимматли хўжалик белгилари юқори бўлгани кузатилди.

**Калит сўзлар**: Мош, оқсил, ёғ, витамин, бактерия, чин барг, шона, гул, дуккак.

Дунёда мошнинг серҳосил навлари яратиш, истиқболли деб топилган навларнинг агротехнологияларини такомиллаштириш, экиш усулларини тўғри белгилаш, минерал ўғитлар билан озиқлантиришни мақбуллаштириш ҳамда навбатлаб экишни тўғри тадбиқ этиш орқали тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, чорвани тўйимли озуқа билан таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Асосий дуккакли-дон экини бўлган мош етиштиришни кўпайтириш, бу маҳсулотга бўлган талабни қондириш, ҳосилдорлигини ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кўтариш учун серҳосил ва касаллик, зараркунандаларга чидамли навларни яратиш, районлашган навларнинг морфобиологик ва хўжалик хусусиятларини ҳисобга олиб, асосий ва такрорий экинлар сифатида етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, унинг асосий элементлари – экиш муддати ва меъёрларини белгилаш борасида изланишлар ўтказиш, илмий ва амалий жиҳатдан асослаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мош Phaseolus aureus ловиянинг (Phaseolus) бир тури бўлиб қимматли озиқ -овқат экинларидан ҳисобланади. Озиқ-овқат учун мошнинг уруғлари (дони) фойдаланилади. Доннинг таркибида яхши ҳазм бўладиган кўп миқдорда қимматли оқсил (24-28 %) азотсиз экстракт моддалар, ёғлар (1-2 %), клечатка (4 - 6 %), қанд моддаси ва витаминлар мавжуд.

Мош ем-хашак, сабзавот, дон экинлари учун ажратилган далаларга экилади. У жуда кўп экинлар, маккажўхори, кузги бошокли дон экинлари, картошка, сабзавот экинлари, ғўза учун яхши ўтмишдош экин. Мош сидерат экин сифатида хам экилади. Мошнинг илдизида жойлашган туганак бактериялар ёрдамида гектарига 50-100 кг гача атмосферадаги азотни тўплайди. Тўпланган азотнинг кўп қисми ҳосил билан чиқиб кетади, 25-40 % ангиз қолдиқлари билан органик модда ҳолда тупроқда қолади. Бир қисми денитрификация жараёнида йўқолади.

Мош-ловиянинг бир тури бўлганлиги учун унинг систематикаси ловия асосида кўриб чикилади. Phaseolus нинг 200 дан ортик тури бўлиб, шулардан 20 турга яқини маданий, экин сифатида фойдаланилади, қолганлари ёввойи турларидир.

Селекциянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнида ўсимликларнинг янги навларини яратишнинг бир қанча усуллари ишлаб чиқилган ҳамда амалда кенг қўлланилган. Селекциянинг мавжуд усуллари аналитик ва синтетик хилларига бўлинади. Аналитик усул-табиатда мавжуд бўлган ўсимлик популяциялари ёки маҳаллий навлардан танлаш йўли билан янги нав яратиш усули, синтетик усул-селекциянинг турли йўллар билан аввал ўсимликларнинг ирсиятини ўзгартириб, сўнгра ўзгарган ўсимликлар (дурагайлар, мутантлар, популяциялар) ичидан танлаш ўтказиш йўли билан нав яратиш усулига айтилади.

**Тажрибанинг мақсади ва вазифалари** Ушбу илмий ишнинг мақсади - мош нав намуналарининг суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида дон ҳосилини ва сифатини оширадиган мақбул экиш усули ва меъёрини аниқлаш, такрорий экишда соя навларини етиштириш технологияларини тадқиқот қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган.

Суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ечадиган, юқори ҳосилни таъминлайдиган технологик тадбирлар тадқиқот қилиниб ишлаб чиқаришга тавсиялар тайёрлаш. Ўзбекистонда яратилган соя навларини такрорий экишда экиш усулини ва меъёрини ҳосилдорликка, дон сифатига таъсирини ўрганиш, иқтисодий самарасини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш .

Мош ўзидан чангланувчи ўсимлик. Чангланиши гули очилмай ўтади. Гуллаш ўсимликнинг пастки ярусидан бошланиб юқорига қараб боради.

Мош селекциясининг асосий йуналиши-юқори симбиотик фаолли ва маҳсулдорли хамда вегетация даври қисқа (70-90 кун), совуққа чидамли, механизацияга мос, касалликларга чидамли, юқори кулинарли яхши таъмли ва озиқали хусусиятларга эга навларни яратиш.Бошланғич ашё сифатида асосан ВИРнинг жахон коллекциясидаги намуналаридан фойдаланилади. ВИР коллекциясида ловиянинг 14 туриининг 7 минг намуналари мавжуд. Бундан ташкари бошланғич ашё сифатида махаллий популяция навлари ва дурагай популяциялари ҳамда сунъий мутагенез усули билан яратилган шакллардан фойдаланилади. Мош селекциясининг мухим йуўналиши-тезпишар навларни яратиш. Тезпишарликни бахолашда униб чиқишдан-гуллашгача бўлган давр асос қилиб олинади. Тезпишарлик паст хароратга чидамли хусусияти билан чамбарчас боғлик. Хароратни қисқа муддатда 5 градусдан 0°С гача пасайиши аксарият навлар ўсимликларнинг физиологик фаоллиятида чуқур ўзгаришларга олиб келади. Натижада вегетация даври узаяди, маҳсулдорлик пасаяди. Шунинг учун паст хароратга чидамли навлар яратиш селекциянинг мухим вазифасига киради.

Навларнинг технологик хусусиятларига биринчидан пастдаги дуккакларининг баландрок жойланиши, бу эса механизация усулида (комбайн билан) ҳосилни йиғиб олишга қулайлик туғдиради. Мош селекциясининг йўналишларига бундан ташқари дуккакларини ёрилмаслигига, касалликларга чидамлигига ва ҳосилнинг сифатига- оқсилнинг микдори ва унинг аминокислоталар таркибига қаратилган. **Мош** (ловиянинг Осиё тури)

касалликларига ўта чидамли. Аммо бу тур ўсимликлари америкали гурух турларининг ўсимликлари билан чатишмайди. Мош селекциясида табиий дурагайлаш, тур чида ва узоқ шаклларни дурагайлаш, кимёвий ва радиацион мутагенез натижасида ҳосил бўлган популяцияларда якка ва оммавий танлаш катта ахамиятга эга. Ловиянинг (мошнинг) аксарият навлари махаллий ёки четдан интродукция қилинган нав ва популяцияларда бир мартали якка танлаш йўли билан яратилган. Якка танлашда далада энг юқори маҳсулотли, замбуруғ касалликларга, вирусли ва бактериал касалликларга чидамли, дуккаклари баланд жойлашган, ёрилмайдиган ўсимликлар танлаб олинади. Ҳар бир ўсимликнинг уруғи селекцион кўчатзорида алоҳида-алоҳида қилиб экилади ва йил давомида авлодлари ўрганилиб энг яхшиларининг уруғи ажратиб олиниб назорат кўчатзорда дастлабки ва конкурс нав синашида ўрганилади, синалади ва кўпайтирилади. Мош селекциясида тур ичида дурагайлаш кенг ривожланган. Бу билан барча турлараро дурагайлаш хам қўлланилади. Охирги йилларда мош селекциясида сунъий мутагенездан кенг фойдаланилмокда. Ўзбекистонда мош селекция ишлари натижасида Победа 104 ва Зилола, Маржона, Қахрабо, Наврўз, Радость навлари районлаштирилган ва Давлат реестрига киритилган.

**Тажриба ўтказиш жойи, шароити ва услуби** Тажрибалар Шоличик илмий-тадқиқот институтининг тажриба майдони далаларида олиб борилди. Тажрибалар 13 картанинг 2 чекида олиб борилди Тупроқ қатламлари воҳа учун ҳарактерли бўлиб ботқоқ типидаги тупроқлардир. Ҳар хил чуқурлик қатламларида эса катта ва кичик тошлар ва қум аралашмалари ҳам мавжуд. Ушбу тупроқлар дарёнинг чап қирғоғидаги типик ортиқча намлик шароитларидан келиб чиққан ҳолда бўлиб, шоли экиш учун жуда мосдир.Тупроқ-ўтлоқи.Тажриба даласининг тупроғи шўрланмаган, хайдов қатлами 30-40 см. Тупроқдаги эритмаларнинг pH миқдори 6,8-7,3 бирликларида бўлиб, механик таркиби бўйича оғир лойлидир. Ҳаводаги фойдали хаво ҳарорати йиғиндиси бўйича Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик экинларни суғориладиган минтақаларда етиштириш бўйича шартли равишда 3 та гурухга ажратилган (бунда 10 градусдан юқори суткалик ўртача ҳарорат

ҳисобланган).Тошкент вилоятининг иқлими ҳам кескин континентал бўлиб, ёзи ниҳоятда иссиқ, қиши эса совуқ, ҳамда ҳавоси қуруқ ва табиий ёғингарчиликлар ўсимликлар ўсиб ривожланиши учун нихоятда камлиги билан таърифланади**.** Мош селекцияси қишлоқ хўжалик экинларининг Давлат Нав Синов комиссияси ва ЎзШИТИ томонидан ишлаб чиқилган тавсияномалар, дала тажриба методикаси асосида олиб борилди. Мошнинг нав танлов кўчатзорларида фенологик кузатувлар ўтказилди Бунда мошнинг ўсув давридаги асосий: униб чиқиши, биринчи учталик барг пайдо бўлиши, ғунчалаш, гуллаш, дуккак. ҳосил қилиш ва пишиш фазалари кузатилди ва амал даврининг давомийлиги аниқланди. Биометрик кўрсаткичлар аниқланди.Олинган боғламларда ўсимлик бўйи, пастки дуккак жойлашиши, шохлар сони, бир ўсимликдаги дуккак сони, дон вазни, 1000 та дон оғирлиги аниқланди. Ҳар бир намунанинг ҳосили аниқланди. Бунинг учун ҳар намунанинг ҳосили ўриб олинди, янчилди, тортилди; Олинган натижаларда ҳосилдорлик кўрсаткичлари Доспехов Б.А.  қўлланмаси асосида тахлил қилинди.

**Тадқиқот натижалари** Нав танлов синашнинг асосий вазифаси дастлабки нав синаш асосида ажратиб олинган ва бошқа селекция муассасаларида яратилган энг яхши навларга нисбатан биологик, хўжалик белги ва хусусиятларга эга бўлган янги навларни давлат нав синашига ўтказишдан иборат. Шунинг учун нав танлов синаш асосий нав синаш ҳисобланиб, катта нав синаш ҳам дейилади. Бу нав синашда экин агротехникаси шу худудда қабул қилинганидек бўлади. Одатда 4-6 қайтариқли қилиб жойлаштирилади, пайкалчалар майдони донли экинлар учун 50-100 $м^2$ бўлади. Ҳар 5-10 навдан кейин стандарт экилади. Конкурс нав синаши уч йил даво мида ўтказилади. Стандартга нисбатан таққослаш натижаларига кўра, нав-намуналар Давлат нав синашига юборилади.

Нав танлов кўчатзорида 4 та намуна синаб ўрганилди. Назорат учун мошнинг «Радость» нави экилган. Намуналар 50$м^2$ майдонда тўрт қайтариқда экилиб ўрганилди.

**414360 (Филиппин)** – ўсув даври-133 кун, ўсимлик бўйи – 125 см, пастки дуккак жойланиши-6 – 22,4 см, хар бир ўсимликда 5 – 6 та гача шох хосил бўлади, $1м^2$ да доннинг вазни - 249,4 г, пояси тик ўсувчан. Механизм ёрдамида йиғиштириб олишга мослашган.

**412441 (Филиппин)** – ўсув даври-104 кун, ўсимлик бўйи –124 см, пастки дуккак жойланиши-7 – 21,4 см, хар бир ўсимликда 3–4 та гача шох хосил бўлади, $1м^2$ да доннинг вазни 247,4 г, пояси тик ўсувчан. Механизм ёрдамида йиғиштириб олишга мослашган.

**430147 (Афғонистон)** – ўсув даври-117 кун, ўсимлик бўйи –110 см, пастки дуккак жойланиши-12,1 см, хар бир ўсимликда 3–4 та гача шох хосил бўлади, $1м^2$ да доннинг вазни 230 г, пояси тик ўсувчан. Механизм ёрдамида йиғиштириб олишга мослашган.

**АГ - 92273 (Ҳиндистон)** – ўсув даври-117 кун, ўсимлик бўйи–126 см, пастки дуккак жойланиши-15 – 20 см, хар бир ўсимликда 3 – 4 та гача шох хосил бўлади, $1м^2$ да доннинг вазни 223 г, пояси тик ўсувчан. Механизм ёрдамида йиғиштириб олишга мослашган.

**1-жадвал**

**Мошнинг нав танлов кўчатзори биометрик кўрсатчиклари**

| № | Каталог рақами | Келиб чиқиши | Ўсув даври, кун | Ўсимлик бўйи, см | Пастки дуккак жойла шиши | Сони, дона | | Вазни, $м^2/г$ | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Шох Лар | 1та ўсим. дуккак | 1та ўсимликдаги дон | $м^2$ дон оғирлиги |
| 1 | Радость St. | Ўзбекистон | 124 | 124 | 14,3 | 2,7 | 37,2 | 43,8 | 312,3 |
| 2 | 414360 | Филиппин | 133 | 125 | 22,4 | 6,0 | 58,8 | 48,4 | 249,4 |
| 3 | 412441 | Филиппин | 107 | 124 | 21,4 | 3,2 | 55,4 | 49,4 | 247,4 |
| 4 | 430177 | Афғонистон | 117 | 110 | 12,1 | 3,2 | 54,7 | 48,8 | 230,0 |
| 5 | АГ - 92273 | Ҳиндистон | 117 | 126 | 20 | 3,3 | 62,3 | 19,0 | 223,0 |

. **Хулоса**. Нав танлов кўчатзорида ўтказилган тадқиқотларда қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган намуналарда тажрибалар келгуси йиллар давом эттирилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Атабаева Х.Н, Саттаров М.А, Идрисов Х.А Суғориладиган майдонларда мош етиштиришнинг интенсив технологияси бўйича тавсиянома. Тошкент 2019

2.Атабаева Х.Н, Худойқулов Ж.Б Ўсимликшунослик.Т "Фан ва технология". 2018

3.Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - М.: Колос, 1985. - 317 с.

4.Дала тажрибаларини олиб бориш методикаси ЎзПИТИ.2007 йил .

5.Саимназаров Й.Б. ва бошқалар. Ўзбекистонда дуккакли-дон экинлари етиштириш бўйича тавсиялар. Тошкент.2009 й.

**УЎТ: 631. 633**

# МОШ (Phaseolus aureus Piper) НИ “НАВРЎЗ” НАВИ БОШЛАНҒИЧ УРУҒЧИЛИГИНИ ЎТЛОҚИ-БОТҚОҚ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

**Идрисов Хусанжон Абдужабборович**, қ.х.ф.ф.д (PhD)
ФарДУ АТСФ кафедраси ўқитувчи
**Абдурахимова Маҳлиё Абдуманоб қизи**
ФарДУ УМС факультети Анорчилик таълим йўналиши 3-босқич талабаси
**Email:** idrisovhusanzon@gmail.com

**Annotation:** This article describes the research on the initial seeding of "Navruz" variety of mung bean, phenological observations and biometric indicators in the nursery.

**Keywords**: Mung bean, protein, vitamins, seeds, elite, superelite, family nursery, yield

Дуккакли экинларнинг бошланғич уруғчилигини тўғри йўлга қўйиш, тизимли ривожлантириш ҳозирги куннинг кечиктириб бўлмас долзарб масаласи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан дуккакли экинлар соя ва мош экинларининг уруғчилиги бўйича бир қатор илмий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Уруғчилик репродукция натижасида нав ва ҳосилдорлик сифатларини сақлаб қолишни, зарур миқдорда сифатли уруғ етиштиришни, уларни саралаш, сақлаш ва сифатини таъминлайдиган давлат тадбирларинининг қатъий усулидир. Уруғчиликни тўғри ташкил этиш мўл ҳосил етиштириш ва ялпи ҳосилни оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мош уруғчилиги вазифасига фақат уруғни кўпайтириш эмас, балки репродукциялаш процессида уларнинг сифат ва ҳосилдорлик хусусиятларини яхшилаш ва сақлаш ҳам киради.

Бошланғич уруғчилик тизими 3 та босқичда олиб борилади: биринчи йилги авлодни синаб кўриш (кўпайтириш) кўчатзори, суперэлита, элита уруғларини етиштириш. Якка танлашни олиб боришда ўсимликнинг морфоботаник (поянинг баландлиги, умумий маҳсулдорлиги, битта ўсимликдаги ва 1000 дон оғирлиги, доннинг сифати) бошқа хусусиятлари

бўйича таққослаганда пухта баҳолашга имкон берадиган бўлиши керак. Яъни уларни ҳаммаси селекционерлар томонидан навларга берилган тавсифномага тўғри келиши керак. Навга хос бўлмаган ўсимликларни чиқитга чиқарилади.

*Қиёсий тилшунослик методида* топонимларнинг қайси тилга мансублигини аниқлашда топонимик ва изохли луғатлар асосида унинг этимологияси ва этнологияси аниқлаштирилди ва шу орқали топонимларни қайси тил гуруҳига боғлиқлиги, жой номларининг тарихий ва этнографик аспектига аниқлик киритилди.

*Статистик метод* орқали XIX асрнинг оҳири ва XX асрнинг турли йилларида аҳолини руйхатга *(1897,1926,йиллар оралиғидаги)* олишга оид архив статистик маълумотлари таҳлили, аҳолининг таркиби, ва этнотопонимик тарихи, аҳолининг кўпайиш даражаси шунингдек янги жойларни ўзлаштириш натижасида ва мана шунга ўхшаган бошқа сабаблар билан янги аҳоли яшаш манзилларининг пайдо бўлиши ва янги жой номларининг номланиши статистикаси кўриб чиқилди.

*Дала тадқиқот методи* орқали Жиззах воҳасидаги аввалроқ ташкил этилган Бахмал ( Қорақишлоқ, Ўсмат Қатортол), Фориш, Зомин, Ғаллаорол, ва Янгиобод туманидаги барча қишлоқ номлари умумлаштирилди, шунунгдек Жиззах вилоятининг XX асрнинг иккинчи ярмида ташкил этилган янги Жиззах, Пахтакор, Зарбдор, Мирзачўл, Арнасой, Зафаробод туманларидаги

МФЙ ва ҚФЙ ларида истиқомат қилувчи кекса ёшдаги отахон ва онахонлар билан интервьюлар ўтказилиб, бу ҳудудларга аҳоли қачон ва қандай сабаблар билан келиб қолганлиги тўғрисида сўровномалар ташкил этилди. Тадқиқотимиз натижасида воҳа ахолисига оид фотосуратлар йиғма жилди шакллантирилди, ва кейинги авлод ва кенг қизиқувчиларга манба вазифасини ўташи учун аҳолининг шахсий архивида мавжуд бўлган маълумотлар йиғилиб барчаси умумлаштирилди.

Жиззах воҳасида мавжуд бўлган аҳоли манзилларини ўрганиш учун аввало, воҳанинг табиий-географик жойлашуви ва минтақада кечган тарихий воқеликларга, хусусан, воҳа ва унинг атрофида кечган этномаданий жараёнларга эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Маълумки, этник таркиб, этник тарих ва этнопонимлар мавзуси айнан бир хил масала бўлмаса-да, тематик жиҳатдан бир-бирига ўзаро узвий боғлиқликка эга эканлигини биламиз. Масалан, этнотопонимларни тадқиқ қилиб ўрганиш этник тарихнинг муайян бир йўналиши ҳисобланади. Кўплаб тармоқ соҳаларни қамраб олувчи этник тарихни ўрганиш учун албатта муайян илмий методик усуллар қўллаш талаб қилинади. Бугунги кунда жаҳонда шу фан билан шуғулланувчи олимлар тамонидан кўплаб илмий методлар ишлаб чиқилган бўлиб, турли мамлакатларда, хусусан, Европада халқ, миллат ва элатнинг шаклланиш босқичига конструктивлик (қурилма) назарияси асосида ёндашилади[2]. Совет мафкураси ҳукумурон бўлган мамлакатлар тадқиқотчилигида қарайдиган бўлсак бу жойда асосан этниклик, яъни халқ миллат ва элатларнинг ташкил топишига турли туман халқларнинг аралашуви  сифатида қаралади. Бу мамлакатларда ҳам охирги йилларда  конструктив ёндашув анча-мунча кўзга ташлана бошлади[3].

Маълумки, этнонимлар ҳар қандай ҳудуд топонимикасида турли халқлар яшайдиган ўлкаларнинг жой номларида сақланиб қолган. Одатда этнотопонимлар филологик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Аммо этнотопонимларни этнологик аснода тадқиқ қилиниши назарий жиҳатдан кам қўлланилган бу жараён айниқса Жиззах воҳасида яққол кўзга ташланади.

Топонимлар бошқа сўз категорияларидан фарқ қилиб, тарихнинг турли даврлари ва босқичлари ҳақида бой маълумотларни ўзида сақлайди. Уларни тегишли ишланмалардан сўнг тарихий-географик ва тарихий-этнографик тадқиқотлар учун манба сифатида қабул қилиш мумкин. Унда у ёки бу минтақа тарихининг бир қисми акс этган. Шунинг учун тарихчилар, археологлар, этнологлар тез-тез топонимларга мурожаат қиладилар ва топонимик материаллардан илк манба сифатида фойдаланадилар.

Албатта, тадқиқотда топонимик маълумотлардан тўғри фойдаланишда маълум бир тадқиқот услублари воситасида тарихий қиёсий таҳлилни амалга ошириш зарур. Бунинг учун бевосита аҳоли ўртасида тадқиқот ўтказилиб, жой номлари ва унинг мазмуни ҳақида маълумот тўпланади. Қўйилган масала моҳиятини ечишда ёрдам берадиган тарихий ва картографик услублардан фойдаланилади:

1) Тўпланган топонимлар, этнотопонимларни алфавит тартибида, картотека тизимига солиш, унинг аниқ географик нуқтасини кўрсатиш.

2) Ўрганилаётган ҳудудни этнотопонимик жиҳатдан районлаштириш, ҳудуддаги этнотопонимик қатламларни аниқлаш.

Демак, асосий мақсад топонимик, этнотопонимик маълумотларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва шу асосда ўзбек халқи этник тарихига, Зарафшон воҳасининг тарихий географияси ва аҳолисининг шаклланиш тарихига доир янги маълумотларни илмий истеъмолга киритиш.

Тадқиқот учун ўрганилаётган ҳудуднинг этнотопонимлари, этногидронимлари ва этнооронимлари асосий манба бўлса, ҳудуднинг хўжалик-иқтисодий хариталари, тарихий-этнографик атласлар, 1924 йилда ўтказилган Ўрта Осиё районлаштириш комиссияси материаллари, 1926 йилда ўтказилган аҳоли пунктлари рўйхати материаллари қўшимча манба ҳисобланади.Айниқса, ўз таркибида турли-туман уруғларга хос бўлган элементларни сақлаб келаётган тилларни ва улар тарқалган ҳудуддаги этнотопонимларни ўрганиш ишида фақат лингвистик услубларнинг ўзи камлик қилади албатта. Бунинг учун археологик, антропологик ҳамда фольклор ва тилга оид материаллар

мажмуасини тарихий-этнологик аспектда таҳлил этилиши лозим. Шу йўл билан этнотопонимларни таҳлил этилиши турли элатлар орасида мавжуд бўлган этник алоқаларни билишда катта аҳамиятга эга эканлигини англаб олишимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг этнонимлар билан боғлиқ равишда келиб чиққан географик номларининг маълум гуруҳини тадқиқ этилиши нафақат лингвистик балки этнология учун ҳам аҳамиятлидир. Лингвистик таҳлил деб ёзади С.Губаева топонимик аспектда олиб борган тадқиқотида туркий топонимларни сал бошқача ёндашув, яъни лексик-семантик, морфологик ва сўз ясалиш классификациясига кўра маълум бўлган услублар асосида ўрганади. Этнография учун эса у ёки бу минтақанинг этник тарихи ва этногенезини ўрганишда муҳим ва етарли даражада ишончли манба сифатида хизмат қилади[4]. Ҳозирги вақтда одатдаги этнографик услублари асосида аҳолининг этник таркибини ўрганиш анча қийин масала. Қолаверса узоқ асрлар олдин у ёки бу минтақада жойлашиб қолган этник гуруҳлар аллақачон ўтроқлашган ва уруғ номларини унутганлар. Шу сабабли ҳам аҳоли этник таркибининг ҳақиқий манзарасини тиклашда топонимларнинг манба сифатидаги роли салмоқлидир.

Умуман тарихчилар ҳамиша топонимларнинг туб вариантларини, уларнинг маъноларини, келиб чиқиш сабабларини ва жойлашув ўрни каби масалалар билан шуғулланадилар. Шу каби тадқиқотлар Ўрта Осиё халқлари бўйича шарқшунос олимлар В.В. Бартольд, В.Л. Вяткин, П.П.Иванов тарихчилар О.Д.Чехович, Р.Г.Муқминова, А.Р.Муҳаммаджонов, К.Шониёзов каби олимларнинг ишларида топонимик характердаги маълумотлардан фойдаланганликларини кўришимиз мумкин.

Этнонимлар билан боғлиқ бўлган жой номларини тадқиқ қилиш бўйича баъзи назарий ишланмалар ва тадқиқотлар бажарилган. Масалан, бу тадқиқотларни топонимия билан шуғулланган олимлар В.А. Никонов Э.М. Мурзаев, Е.М.Поспелов, С.Қ. Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов[5], Қ. Ҳакимов кабиларнинг қатор илмий ишларида кўришимиз мумкин. Ушбу тадқиқотларда муаллифлар этнотопонимларнинг пайдо бўлиши масаласида, турли фан тармоқлари айниқса этнография билан мустаҳкам боғлиқликда тадқиқотлар

олиб борилиши самарали эканлигини таъкидлашган. Жумладан, этнотопонимларнинг ташкил бўлиши мамлакат, вилоят, шаҳар, табиий объектларга турли этник бирликлардан иборат бўлган аҳолининг ўз этник номларини бериши билан боғлиқдир - деб, аниқлик киритади Е.М. Поспелов.[6] В.А. Никонов эса этнотопонимлар бирон миллат ёки халқ яхлит яшайдиган ҳудуднинг ички қисмида эмас, балки бу минтақанинг чекка қисмида, яъни икки халқ аралаш яшайдиган чегарадош зонадагина бўлади, деб ёзади[7]. Албатта бунга ўхшаш ҳолатлар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаган. Кўплаб тилшунос ва этнограф олимлар туркий этнонимлар ва улардан келиб чиққан топонимларни у ёки бу аспектда таҳлил этадилар. Этнолог олим Э.М.Мурзаев туркий этнотопонимларнинг ўрганилиши борасида махсус мақоласида[8], туркий халқлар - озарбайжон, бошқирд, татар, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман ва ўзбек халқларидаги этнонимлари асосида шаклланган топонимларнинг ўрганилиши бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиб берган. С.С.Губаеванинг [9] XIX аср охири–XX аср бошларида Фарғона водийси аҳолиси этник таркибига бағишланган иши, шунингдек У.Тўйчиевнинг[10] Зарафшон воҳаси топонимик материаллари асосида халқларнинг жойлашув тарихига бағишланган тадқиқотларидир.

Юқорида эслатиб ўтилган тадқиқотчилар тадқиқот объекти аҳолисининг этник таркиби манзарасини тўлиқроқ акс эттириш учун тарихий-этнографик мазмундаги манбалардан кенг фойдаланиш билан бир қаторда топонимик маълумотлардан ҳам самарали фойдаланадилар.

Тарихий-этнографик тадқиқотларда айниқса аҳолининг этник таркиби ва тарихини ўрганишда топонимик маълумотлардан фойдаланиш биринчидан, ҳар икки турдаги материаллар бир-бирини тўлдиради ва керакли ўринларда тўғри ва ишончлилигини тасдиқлайди. Иккинчидан, аҳолиси уруғларга бўлиниш принципи ва уларнинг этнонимлари, генонимлари сақланиб қолмаган айрим минтақаларда унинг этник таркибини ўрганишда материал етишмовчилигини тўлдиради.

Шу сабабли Фарғона водийси аҳолиси этник таркибини ўрганган С.Губаева этник номлардан келиб чиққан топонимик маълумотлардан самарали фойдаланади. У. Тўйчиев эса Зарафшон воҳаси топонимик қатламида этнотопонимлар юқори ўринда туришини ҳисобга олиб, этнотопонимик маълумотларни тарихий-этнографик (мазмундаги) характердаги материаллар билан тасдиқлашга харакат қилади. Кўплаб этнонимлар, генеонимларни аниқлайди ва улар қайси этник гуруҳга мансублиги масаласида ўз фикрларини билдириб ўтади.

Шунингдек, этнотопонимларнинг лингвистик аспектда ўрганилиши илмий мақолалар тарзида тилшунослик тадқиқотларида акс этмоқда. Уларга Н.Охунов, А.Отажонова, А. Туробов, А.Сарсенбеков[11] ва бошқа шу каби тадқиқотчиларнинг этнонимлар ва этнотопонимларни ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлари ва мақолаларини мисол келтириб ўтишимиз мумкин. Қадимий туркий ҳалқлар тарихини ўрганган Ғ.Бобоёровнинг фикрига қараганда қарийб икки минг йиллик давлатчилик тарихимизда минтақада ҳукм сурган ўнлаб бошқарувчи сулолаларнинг этник келиб чиқиши туркий бўлганлиги, қадимда ҳам, илк ва сўнгги ўрта асрларда ҳам ўзбек халқи уруғ-қабилавий тизимида асосан туркий этнонимлар етакчи бўлганлигига гувоҳ бўлиб турибмиздеб такидлаб ўтади[12]. Ҳусусан, Жиззах воҳаси халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи этник шаклланишида нафақат туркий ёки эроний этнослар, балки яна бир қатор этносларнинг у ёки бу даражада иштироки кузатилади. Айниқса, араблар ва мўғулларнинг минтақадаги этник жараёнларга таъсири анча сезиларли бўлган ва бу ҳолат ўзидан бирмунча тарихий излар қолдирганлигини бугунги жой номларида ҳам кўришимиз мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳусусан, Жиззах воҳасининг Янгиобод туманида ҳам ўзларининг этник келиб чиқишини араблар билан боғлайдиган аҳоли гурухи яшайди. Юртимизда юзлаб арабча жой номлари учраши "араб" этноними билан боғлиқ топонимларнинг Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида бир қанча номлари сақланиб қолганлиги ҳам бунингг исботидир[13]. Шунингдек, мамлакатимизнинг марказий ҳудудларидаги бир

қатор қишлоқларда асл келиб чиқишини араблар билан боғлайдиган ўзбек аҳоли борлиги ҳам маълум[14].

Хуллас, Жиззах воҳасида аҳоли этник таркибини ўрганишга оид тадқиқотларнинг айрим масалаларига қисқача тўхталиб ўтиб шуни айтмоқчимизки, сўнги йилларда мамлакатимиз олимлари, тадқиқотчилари бу масалада бир қанча илмий ютуқларни қўлга киритиб, бир қатор ўз ечимини кутаётган масалаларга ойдинлик киритишди. Шу билан биргаликда, халқимизнинг этник шаклланиш тарихи кўплаб жараёнларни қамраб олганлиги боис янада чуқур изланишлар олиб боришни талаб қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Низомов А., Рахимова Г., Расулова Н. Топонимика. Ўқув қўлланма (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри). – Т.: «Sharq», 2013. –Б. 62-63.

2.Хобсбаум Э. Изобретение традиций // Вестник Евразии. 2000, №1(8). – С. 60-61; Андерсон Б. Воображаемые сообщества: Размышления об истоках и распространении национализма. – М., 2001. – С. 24; Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: O'zbekiston, 2015. – Б. 34-37.

3.Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней Азии («проблема сартов» в XIX – начале XXI в.).: Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора исторических наук. – М., 2008. – С. 7-9.

4.Губаева С.С. Этнический состав населения Фергани в конце X1X – начале XX в. Тошкент, 1983. – С. 3-4.

5.Никонов В.А. Этнография и ономистика //СЭ. 1971. – №5; Яна у. Введение в топонимику. М.: 1965; Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. М.: 1975; Яна у.Тюркская этнотопонимия//Этническая топонимика. М.: 1987; – С. 32-61. Поспелов Е.М. Этноними в топонимика//Этническая топонимика. М.: 1987. – С. 5-13; Қораев С.К. Этнонимика. Ташкент. 1979; Географик номлар маъноси. Тошкент, 1978, Дўсимов З. Хоразм топонимлари Тошкент, 1985. Нафасов Т.

Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. – Тошкент, 1985.

6.Поспелов Е.М. Этнонимы в топонимике //Этническая топонимика. – М.: 1987. – С. 7.

7.Никонов В.А. Ведение в топонимику. – М.: 1965.

8.Туркий халқлар этнотопонимларини ўрганилиши ҳақида қаранг: Мурзаев Э.М. Тюркская этнотопонимия / Этническая топонимика. – М.: 1987. – С. 36-61.

9.Губаева С.С. Этнический состав населения Фергани в конце Х1Х– начале ХХ в. (по данным топонимии. Тошкент, 1983.

10.Туйчиев У. История расселения народов Узбекистана (по данным топонимии Зарафшанской долины) Рукопис кандидатский диссертация. Ташкент, 1990.

11.Охунов А. Фарғона водийси этноойконимлари//Ўзбек тили ва адабиёти. – 2000. – №1. – Б.21-23; Отажонова А. Арғин ва олчин этнотопонимларининг этимологиясига доир //ЎТА. – 1997. – №4. – Б. 66-68; Этнонимларнинг аталиш мотивларига кўра турлари (Хоразм материаллари асосида) // ЎТА. – 1996. – №5. – Б 19-23; Туробов А. Топонимик аниқлагичли этноойконимлар//ЎТА. – Б. 30-32; Яна у. Самарқанд этноойконимларининг этимологияси // ЎТА 1998. №4. – Б. 61-64; Саринбеков А. Туркий топонимларда «Қанғли» этноними//ЎТА. – Б. 68-70.

12.Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата ... – С. 19-21.

13.Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этноргафияси. – Т.: Sharq, 2012. – Б. 191-205.

14.Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи историей кварталов). – М., Наука, 1976. – С. 81-83; Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этноргафияси ... – Б. 191-219.

# ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЎЗБЕК УРУҒЛАРИНИНГ ЗООЛАТРИК САЖДАЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ВА ЭТНОЛОГИК МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА

**Алманов Қаҳрамон Облоқулович**

Гулистон давлат университети ўқитувчиси т.ф.ф.д (PhD)

**Жамшид Мамараджабов**

Гулду магистратура талабаси

## АННОТАЦИЯ

Мақолада Жиззах воҳаси аҳолисининг ижтимоий ва этник таркибидаги бўлган зоолатрик жараёнлар археологик этнологик материалларнинг натижаларидан олинган маълумотлар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада бугунги воҳа аҳолисининг зоолатрик саждалари дала тадқиқотлари асосида қўлга киритилган турли манбалар таҳлили ёрдамида кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Жиззах, номадолог, этнолог, Бушагар, Олтинарик, Сангзор, ит культи, итлик соч, С.П. Толстов, бўри чилласи.

Бугунги кундаги дунёнинг глобаллашув жараёни халқларининг тақдиридаги ўзига ҳосликлари, турмуш даражаси, маданиятлар равнақи, диний омилларнинг жонланиши, ассимиляцион жараёнларнинг кучайиши шароитида Марказий Осиё, хусусан Жиззах воҳаси ўзбек уруғларининг узоқ ўтмишидаги эътиқодий қарашлар билан боғлиқ удумий анъаналарни ўрганиш таҳлил қилиш номадолог ва этнолог олимларнинг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Биз тадқиқ қилаётган воҳадаги тоғли туманларда бу нарса ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаганини кўришимиз мумкин. Жиззах воҳасидаги, Зомин, Бахмал (Бурнамад), Ғаллаорол, Фориш туманидаги қишлоқлар аҳолиси ва уларнинг урф одатларида зоолатрик кўринишлар сақланганлигини археологик ёдгорликларни ўрганиш натижасида қўлга киритилган топилмалар ҳам тасдиқлаб турибди. Масалан, Бушагар (Шагара) деб аталган Уструшонанинг

умумий тоғ рустоқларидан бири бўлган худудда кўплаб ёдгорликлар жойлашган бўлиб, улар орасида Тўрткўлтўбатепа алохида ажралиб туради. А.А. Грицина берган маълумотларга кўра ёдгорлик қолдиқлари мусулмонликкача бўлган даврдаги ибодатхона қолдиқларидир. Бу ёдгорлик тўғрисида маҳаллий ахоли орасида турли ривоят ва маълумотлар сақланиб қолган. Унинг баъзи талқинларига кўра, қадим даврда Олтин исмли момо яшаган. У жуда бой аёл бўлган ва арик қаздирган. Яна бир талқинга кўра ушбу арикдан қадимда кўплаб инсонлар олтин топиб олишган. Шу сабабли “Олтинариқ” деб ном олган. “Олтин ариқ” сўзига монанд келувчи атама кўчманчи туркий халқлар вакиллари бўлмиш хакас халқи эпоси гўзаллик маъбудаси “Олтин-Ариғ” номи билан, олтой халқлари эпосидаги “Олтин Кушку” каби образлар номи билан топонимик жихатдан қиёсласак, маълум маънода сув илохаси ва унинг қадимда аёл образида улуғланганлиги билан боғлиқлик борлигини тахмин қилиш мумкин деб ҳисобланади[1]. Юқорида тилга олинган ёдгорликнинг жанубий ён бағрида ёдгорликдан 150 м масофада О.Мамиров тамонидан ўтказилган шурф қазиш ишлари чоғида IV ярус чуқурликда диаметри 40-50 см, чуқурлиги 20-25 см бўлган ўрача аниқланган. Ушбу ўрача ичида ит бош суяги ва унинг юқорисида чаппа қилиб қўйилган кичик хажмли хурмача аниқланганлиги ҳам бу тадқиқотимизни долзарблигини белгилаб беради. Шуни алоҳида такидлашимиз керакки, ит, бўри культи ва унга бағишланган маросимлар алохида иккита соха хисобланиб, улар биргаликда бугунга келиб битта ритуалга айланмоқда. Жиззах воҳаси ахолиси маънавий маданиятида ва эътиқодида зоолатрик тасаввурлар, культлар алохида ўрин эгаллайди. Жумладан, уларга тотем жониворларга уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларни қўй, бўри, от, буқа, ит, туяларни шунингдек парандаларни ҳам киритишимиз мумкин. Шулардан,бўри ва ит культи ҳусусида Уструшонашунос олим М.Пардаев ўз фикрларини билдириб ўтган[2]. Воҳа ахолисининг эътиқодида бу ҳайвонлар алохида ўрин эгаллайди. Одамзоднинг дастаб қўлга ўргатган жонивори ит ҳисобланади бу жонивор инсонларнинг энг содиқ дўсти сифатида инсонларга ҳизмат қилмоқда.

Итнинг воҳа аҳолиси орасида турли номлар билан аталишини кузатишимиз мумкин.*(Гидик,Кучук,Кўппак,Баппа,Бўрибосар,Сиртлон,Олапар,Бобик,Тўрткўз, воҳакоза)*Инсон ва итни бирга кўмиш ҳолатлари бир қанча археологик ёдгорликларни ўрганиш натижасида аниқлик киритилди. Бундай ҳолатларни тадқиқотчилар қадимги инсонлардаги эътиқодни англатиб, қабр орти дунёси дарвозабони учун совға сифатида қўйилган деган фаразни илгари суришган. Бизнингча ҳам бу фикрларда жон бор сабаби энг яхши совға сифатида бугунги воҳа аҳолиси чорвадорлари Итларни ва уларнинг болаларини тушунишади. Бахмал тумани Чубар қишлоғидаги чорвадор З. Имомурадовнинг берган маълумотларига қараганда бундай итларга бир от ёки бир қанча қўйларни ёки ундан кўп ҳажмдаги нарсаларни бартер қилишган. Яқин шарқ давлатлари ҳудудларидаги археологик ёдгорликларда ўлган итлар худди хўжайини сингари турли маросимлар билан дафн этилган. Одамларнинг эхтиёжлари ва хохишларини тўғри топган ит кўпроқ овқат ва мехрга эришган ва унга турли туман эркалаб номлар қўйишган. Манчжур халқларида ит (индахунь) соқчилик ва у дунёга боришда мархумнинг рухига йўлбошловчилик вазифасини ўтайди деб ишонилган. Баъзида хайвонлар тимсол сифатида фойдаланилганда ит образи ер ости салтанати тимсоли сифатида тасвирланади. Жумладан, литваликлар асотирларида дафн удумлари асосчиси Швинторог ўзи билан бирга лочин, от ва итни куйдиришни кейинги авлодларига васият қилганини кўрамиз[3]. Қадимги туркий халқларда ҳусусан, воҳа ўзбек уруғлари ритуал амалиётида ит алохида ўрин тутади. Бошқир, қозон татарлари, чуваш, туркман ва якутларда чақалоқликдан болаликка ўтиш даврида қўлланиладиган “сехргарлик маросимларида ит бош ролни ўйнаган”. Туркий халқлар эътиқодида ит янги туғилган чақалоқларнинг химоячиси ёки хомийси сифатида кўрилган. Воҳа аҳолисининг ёши улуғ момоларининг маълумотларига қараганда янги туғилган чақалоқнинг қирқ кунлик кийими “ит кўйлак”, сочлари эса “итлик соч” деб аталган ва ёши катта аёл киши тамонидан сочи олинган[4]. Ит билан боғлиқ удумлар қадимги туркий

халқлар маросимларининг марказида туради. Айни дамда ўзбек халқи уруғларидан бири бўлган воҳадаги қирқ, юз, ва қипчоқларда ит билан боғлиқ турли маросим ва удумлар жамланмаси ҳозирги кунда ҳам мавжуд. Жумладан, ёш боланинг қорни оғриб қолса,“кинна” кирган деб хисобланиб, боланинг қорин қисми сохасига ва бошига нон ушоғи силаниб сўнгра итга берилган. Бу одатларга кўра ёшболанинг қорнида ит рухи жойлашган бўлган. Ёвуз рухларни “кўчирма” қилишда итдан фойдаланилган. Аждодларимиз одам ёки бирор жонивор ўлгач, унинг руҳи танасининг муайян бир қисмларида сақланиб қолади, деб ишонишган[5]. Шунингдек воҳадаги қирқ ва юз уруғиниг оилаларида итнинг ўз уйи(катаги)га қараб увуллаши бирон бир фалокат белгиси сифатида кўрилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нафақат зооморф тимсолнинг яхлит ўзи (масалан, бўри), балки тана аъзолари ҳам алоҳида-алоҳида “илоҳий куч” сифатида қаралиб, хўжалик фаолияти ва ижтимоий турмушнинг мураккаб вазиятларида улардан фойдаланилган. Ҳаттоки ҳайвоннинг ҳар бир аъзоси ўзига хос культ сифатида номоён бўлган. М.Ҳ. Пардаев Тотемизм диний эътиқодининг юзага келиши, шаклланиши қўй ва бўри зооморф тасвирларига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлигини айтиб ўтади ва “қўй ва бўри топинчини биргаликда тадқиқ қилмоқ керак”-деган хулосага келган бўлса[6] С.П. Толстов “ит культи келиб чиқишига кўра бўри культи билан боғлиқ”-деган тахминга боради. Этнолог Т.Д.Баялиева қирғиз халқининг эътиқодий қарашлари билан боғлиқ тадқиқотида тотем итнинг калла суяги билан боғлиқ қизиқарли маълумотни келтиради. Қирғизларнинг қарашларига кўра, тотем ит табусига кўра, уни ўлдириш таъқиқланган, итга зарар етказган кишининг фарзанди рахит (итий) бўлиб туғилган. Рахит болани “даволашда” иссиқ сувга итни калласини солиб, етти кун давомида эрталаб болага ўша сувдан сепишган, сўнгра итнинг калла суягини тоза оқ матога ўраб қабристонга ёки одам оёғи тушмайдиган холи жойга кўмганлар[7].

Ит тотеми билан боғлиқ удумларнинг Шарқ халқларидаги кўринишлари А.П Окладников, С.П. Толстов каби муаррихлар томонидан ўрганилган

бўлиб[8], фикримизча итнинг калла суяги билан боғлиқ удумлар анъаналари ўтмишда бўри калла суяги культи билан боғлиқ бўлган. Воҳа ҳалқларининг орасида момақалдироқ гумбурласа бўри болалади деган гаплар юради шунингдек от ҳам воҳа аҳолиси ҳаётида юқори ўринда турган уни одамлар муқаддаслаштирган от нинг кауш қайтариши 1 йилда бир марта бўлади шу кавуш қайтарган вақтини кўрган одам ё жинни бўлади ёки бой бўлади деган фикрлар ҳам учрайди, шунингдек қуш бешик устидан айланиб учса ўша бешикдаги бола элга бош бўлади деган қарашлар ҳам мавжуд.

Элшунос олим У. Алибековнинг тадқиқотларига қарайдиган бўлсак кўчманчи туркий ҳалқларнинг муққаддас ҳайвони ҳисобланган бўри тотемини жиддий тадқиқ қилганлигини кўришимиз мумкин. Марказий Осиё халқларининг узоқ ўтмишидаги эътиқодий қарашлари билан боғлиқ бир қатор этнологик тадқиқотлар қилинган бўлсада[9]“...ҳозирга қадар Ўрта Осиё халқининг жумладан ўзбек халқи орасидаги тотемизм (шунингдек анимизм, магия, фетишизм ва ушбу диний эътиқодлар У.А.) билан у ёки бу даражада боғланган маросимлар таҳлилига оид бирор-бир жиддий иш яратилмаганлигин ҳақли равишда такидлаб ўтган[10].

Марказий Осиё халқларининг ҳаётида ҳусусан биз тадқиқ қилаётган вохада бўрига тотем сифатида сиғиниш кенг тарқалган бўлиб[11]бизнинг кузатувларимизга кўра, воҳа ўзбек уруғларининг оилавий турмушидаги “бўри чилла”си даври эътиқодий қарашлар билан боғлиқ тадқиқотларда ҳали ҳануз тахлилини топмаганлигин У. Алибеков ҳам такидлаб ўтган.Бахмал тумани ҳудудида яшовчи Б. Ўсаров, Э.Қиличбоев, У. Абдуқодировларнинг маълумотларига кўра, никоҳ тўйидан кейин келин ва куёвнинг илк қўшилган кечасида қишлоққа бўри ораласа икки ёшга “бўри чилласи” тушади деб ишонишганлигини такидлашади. Бунга мисол қилиб Чубар қишлоғида яшовчи Умар Бозоровнинг туғилишини айтиб ўтишади кекса ахборотчимиз Эргаш бобо Қиличбоевнинг айтишича У.Бозоровнинг онаси фарзандлари нобуд бўлавергач қишлоқда бўри овланганлигини эшитиб уларнинг ҳонадонига (Такли қишлоғига) ташриф буюради ва овланган бўрининг устидан бир неча маратоба

сакраб ўтганлигини эслаб, шунингдек бўрининг калла қисмидаги жағларини ўзи билан бирга олиб кетганлигини такидлайди, шу воқеалардан кейин У.Бозоров туғилганлигини айттиб ўтди. У.Бозоровнинг ўзи бу воқеаларни онасидан эшитганлиги учун Э.Қиличбоевни ўзининг тутинган акаси сифатида эзозлаб ҳурмат қилишини такидлаб ўтади. Шунинг учун асосан тўйлар ёз фаслида ўтказилган бу вақтда асосан воҳадаги чорвадорларнинг чорваси ўз уйидан олисроқдаги яйловларда ўз қўтонлари атрофида бўлган бу вақтда бўри қишлоққа ораламаган деган маълумотларни беришди. "Бўри чилла"си тушган ёш оилалар ҳаётида чилла даври турлича вақтларда давом этган. Масалан 3- 5-7-9-11 йилгача давом этиб улар фарзандсиз бўлган. Бундан биз шуни англашимиз кераки, чилла даври асосан тоқ йиллар бўлган. Бунинг сабаби сифатида бизнигча тотем сифатида муқаддас ҳайвон ҳисобланган бўрининг урғочи, ёки эркаги қишлоққа оралаган бўлса янги турмуш қурган оиладаги қиз ёки йигитнинг руҳи у билан кетган ва тоқ ўзи қолган бўлиши мумкин. Буни қирқ уруғи сўлоқой тўпининг кекса вакили И.Имомурадова (1940 йил туғилган) ва қирқнинг ўдамали тўпи вакиласи ҳисобланган Б.Азимова (1936 йил туғилган) ларнинг оғзаки ахбаротига кўра ҳулоса қилдик[12]. Мана шундай ҳолларда уруғнинг кекса авлод вакилларининг маслаҳати билан бўри овланиб келин куёвнинг тўшаги ости ери ковланиб бўрининг бош суяги кўмилган, бўрининг тиши теккан гўшт едирилган,*(бирсилос касалиги билан оғриган беморлар ҳозирги кунда бўри гўштини истемол қилишади)* бирор бир нарсаси келин ва куёвнинг ёнида доимо тумор сифатида тақиб юрилган ва одамларга кўрсатилмаган. Бу каби маълумотларни замонамизнинг элшунос олимлари А. Аширов ва У. Алибековлар ўз тадқиқотларида такидлаб ўтади. Ахборотчи Умиджон Мавлонов ва У. Алибековнинг айтишича "бўри чилласи" ўзбекларнинг эътиқодий қарашларига кўра бўри яшамайдиган жойларда ҳам бўлган ва юқоридаги удумий маросимлар бажарилган[13]. Мазкур ҳол бўри тотеми билан боғлиқ удумий қарашларнинг халқимизнинг илик-илигига сингиб кетганлигидан далолат беради деган фикрлари балки ўринлидир.Бўрига илоҳий ҳомий сифатида ишонишни Туркистон тоғ тизмаси ва Моргузар тоғ тизмалари

орасида истиқомат қилувчи аҳолининг бўри калла суяги воситасида турли хасталиклардан ҳоли бўлишда ҳам кўриш мумкин улар бўриниг ҳар бир азосини маълум бир дардга даво деб қарайди. Бўри билан боғлиқ воҳа қирқларида жуда кўплаб афсоналар юради. Масалан бўри инсоннинг устидан ёки бирор ҳайвоннинг устидан сакраса ўша ҳайвон шол бўлиб қолади деб ишонишган. Шунигдек воҳа аҳолиси чорвадорлари берган маълумотларга қараганда бўрига тиши теккан итнинг тиши тўкилиб кетиши, агарда тиши тўкилиб кетмаслиги учун чорвадор чорвасининг ичидан энг семизининг думбасидан итига сўйиб бериши керак деган афсаоналар юради*(муаллиф*). Шунингдек воҳанинг тоғлик ҳудудларидан бўлган Савот, Баландчақир, Мўғол каби қишлоқ аҳолиси билан дала тадқиқоти ўтказган УАлибековнинг такидлашича уйнинг остонасига бўри ёки ҳўкиз калла суягини кўмиш ирсий авлоддан- авлодга ўтадиган касалликлардан халос қилади деб билишган деб такидлайди[14].

Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманларида яшаётган аҳолининг этник таркиби ва урф одатларини кузатишимиз натижасида шу нарса аниқ бўлдики воҳадаги аҳолида зооастрик қарашлар ўҳшаш бўлган яни улар бир ҳил ҳайвонларни муқаддаслаштиришган аммо уларнинг этиқодий қарашларида турли туманлик кўзга ташланади. Бўрининг ва итнинг калла суяклари билан боғлиқ жуда кўплаб афсоналар борлигини кўрдик.Ўтган асрнинг бошларида вохаликларда оғир хасталанган кишига табиблар бўрининг калла суяги қириндисини турли зировор ўтлар бўтқасига қўшиб бериб даволашган. Болаларнинг тинч ухлаши, кучига куч қўшилиши учун крим татарларида у болаларнинг овқатига, нонига бўри калла суяги талқони қўшилган. Фарғона водийсида отамерос бўри калла суягини асраб ёйимчилик (табиблик) билан шуғулланувчилар кучли ҳисобланган. Улар бўрининг бош суяги воситасида кўз теккан, суқ кирган беморларни ёйиб даволашган деган шомонистик қарашлар мавжудлигини воҳа элшунос олими УАлибеков ўз тадқиқотларида такидлаб ўтади[15]. Сангзор Зомин минтақасида яшаётган ўзбек ва қирғиз уруғи оилаларининг кекса авлод вакиллари ўзларининг кўп касал бўлган хаста

болаларнинг бошидан табиблар бўрининг қуритилган бош суягини айлантириб дуолар ўқиб даволаган деган ота боболаридан эшитган оғзаки гапларни келтириб ўтишади. Ёки уйқусиз, уйқусида босинқирайдиган, алаҳсираб чўчиб қўрқадиган кишиларга бўрининг қуритилган мияси талқони нон талқонига қўшиб каплатишган деган қарашлар ҳам мавжудлигини кузатдик. Шунга ўхшаш ҳолатлар одамлар онгида асирлар давомида сақланиб қолган воҳадаги аҳоли бундай даво усулларини олгандан сўнг ўзини ҳар доимгидан ҳам тетик ва дадил ҳис қилган. Этнолог олим А.Аширов ҳам  Фарғона водийсида ўтказган тадқиқотларида “бўри бош суяги уйнинг кираверишига осиб қўйилса, кўз тегмайди ва турли бало қазолар ушбу хонадонга зарар етказмайди деган ният билдирган”[16] лигини такидлайди. Бу ўринда бўрининг бош суяги гўёки оилага омад ва хотиржамлик олиб келган деган қарашлар одамлар онгига авлодан авлодга ўтадиган оғзаки ривоятлар асосида сингдирилган бўлса керак. Бугунги воҳа аҳолисининг турмуш тарзида бундай урф одат ва ирим сиримлар бир қанча камайган, лекин, бўрининг калла суяги ўрнига йирик ёки майда шохли ҳайвонларнинг суякларидан фойдаланиш ҳоллари кўпайган.  Асосан кўз тегмаслиги назарланмаслиги учун хўжалиги,уйи,ҳовлиси,атрофига илиб қўйилган. Шунингдек Янгиобод туманида мавжуд бўлган яна бир одатни айтиб ўтишни жоиз деб топдик бу жойдаги Чаканд(асосан тожик аҳолиси яшайди Ворғин уруғи ва 7 та тўпдан иборат Зохчаҳор ва шунга ўхшаш), Пасткичақир, Намингон, Варқин,Савот каби қишлоқларда олиб борган дала тадқиқотларимиз га кўра болаларга ёшлигидан чаён қовурилган ва уни ялатишган бунда чаён захри тасир қилмайди иммунитет ҳосил бўлади деган қараш мавжуд бўлган[17]. Шунингдек бу қишлоқларда итларини ёшлигида отнинг узангисидан ўтказиб олиш ҳолатлари ҳам бўлган бунда узангидан ўтказиб олинган ит туғмаган бу нарса уруғни қирқиш каби ва шунга ўхшаш шомонистик қарашлар натижасида бўлган бўлиши мумкин.Бўрини овлаш ва ўлдириш асло яхшилик келтирмаслик тўғрисидаги азалдан мавжуд тақиқ-табулар, Марказий Осиё халқлари ўтмишида ваҳший ҳайвонот дунёси олдидаги қўрқиши оқибатида бўри билан боғлик табиат ҳукмдори культи мавжуд бўлганлигин деган У. Алибековнинг

фикрини тасдиқлаган ҳолда шуни қўшимча қилмоқчимизки, бўри, билан боғлиқ афсоналар жуда кўпи йўқолиб кетган маълум бир кишиларнинг дунё қарашидагина сақланиб қолганлигини кузатамиз. Бўрининг босган изидан ўлжасиз қайтмаслиги туфайли қўрқмаслик, жасурлик омадлилик рамзи ҳам ҳисобланган. Бўрининг ҳар бир азоси инсонга омад келтиради деган қарашлар авлодан авлодга ўтиб келаяпти.

Бўрининг калла суягини турли рамзлар сифатида ишлатилиши тўғрисида турли ҳалқларнинг ўз афсоналари бор. Зооастрик қарашларга асосий туртки бўлган қадимги туркий қавмларнинг Кўк тангри (шомонизм) раҳномалигида ижтимоий турмушда хукмронлигининг рамзи (туғаларидаги бўрининг олтин боши[18]) тасвирида ифодаланган, мазкур рамзнинг ибтидосида бўри калла суяги культи туради деган фикрларни тадқиқотчилар билдириб ўтишган. Шунингдек кўк тангирига атаб бир қанча ҳайвонларни қурбонли қилишган. Қора қашқа от, шунингдек оқ қўй, пешонасида қашқаси бор қўй, хўроз ни ҳам атаб қурбонлик қилиш одатлари воҳа аҳолисининг бир қанча урф одатларида сақланиб қолган уларнинг бу урф одатлари аждодлар руҳига уларнинг тинчлигига атаб маълум бир вақтда ва шу иш билан шуғулланадиган (*орқали*) кишилар воситасида амалга оширилган. Бўрининг калла суягини ва бошқа аъзоларини эзозлаб асрашнинг асосида унинг қайта дунёга келиши тушунчаси турган.

Фикримизча, воҳа аҳолисининг эътиқодий қарашларига кўра, бўри тириклигида тотем ҳисобланса, ўлдирилган бўрининг турли аъзолари фетишга айланиб[19], анимистик, магик ва ҳ. вазифаларни бажарган, ҳаттоки турли аъзолари ўзига хос культга айланган деган ҳулосага келишимизга У. Алибековнинг тадқиқотлари ҳам туртки бўлди. Бир қанча археологик ёдгорликлардан топилган хўкиз, бўри ва итнинг турли маданлардан олтиндан мисдан ишланган ҳайкалчалари ҳам фикримизни тасдиқлайди[20].

Ўзбек туркларидан бўлган элшунос олим У. Алибековнинг Зомин, Шаҳристонлик ўзбек туркларида тенгдошлар бир-бирларини ёки катта ёшликлар ёш болалар, ўсмирлар ёхуд йигитларни эркалаб, олқишлаб, қўллаб,

исмининг ўрнида “бўри боласи” деб мурожаат қилишади. Қадимий туркий қавмлардаги она бўрига шунингдек, ота бўрига топиниш, келиб чиқишини боғлаш, аждод сифатида қараш билан боғлиқ афсоналар[21]бўри ҳосилдорлик, униб-урчиш, серпуштлик ҳомийси бўлганини исботлайди деган фикрларига қўшимча сифатида Бахмал тумани ва Ғаллаорол туман аҳолисда ҳам шунга ўхшаш фарзандларга исм ва лақаблар қўйиш одатлари борлигинни айтиб ўтмоқчимиз.*(Бўрибосар,Бўрибой,Бўригул,Бойбўри бу исмлар фарзандга қўйилгани уларнинг тиш билан туғилиши билан боғлиқ бўлган,)*

Хулоса сифатида айтиш жоизки ит бўри культи ҳусусан зооастрик қарашлар Жиззах воҳаси ахолиси эътиқоди ва илоҳий тасаввурида турли ёвузликлардан сақловчи, авлод наслининг давомийлигини қўриқловчи омил сифатида шаклланган унсур хисобланган. Шунга ўхшаш атрибутлар ва тўпланган археологик маълумотлар юзасидан баъзи фикрлларни келтириш орқали олиб борилаётган тадқиқотимизнинг асосига юзландик. Шу нарсани алоҳида такидлашимиз керакки, этнографик ва археологик маълумотлар асосида чиқарилган илмий хулосалар Жиззах воҳаси ахолиси маънавий маданиятининг манзарасини яратишда бош омил бўлиб ҳизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Алтын-Арыг. Хакасский героический эпос. / Запись и подготовка текста, статья, перевод и комментарий В.В. Майногашевой М., 1988

2.Пардаев М.Ҳ. Қўй ва бўри руҳига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 5-6-7-8; Тошкент. 1995.

3.С.А. Токарев. М. Мифы народов мира. Энциклопедия. №2. Гл. ред. 1992.

4.Қ.Алманов . Жиззах воҳаси аҳолисида бола туғилиши билан боғлиқ ирим-сирим маросимлар ва уларнинг тарихий тараққиётдаги ўзига ҳосликлари // Мамун акедемияси журнали № 5-; Урганч. 2021.

5.Мирзаев Т., Жўраев М. “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди // Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 2001.

6.Пардаев М.Ҳ. Қўй ва бўри руҳига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 5-6-7-8; Тошкент. 1995.

7.Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их перижитки у киргизов. – Фрунзе: Илим, 1972. -Б. 19-20.

8.Окладников А.П. Истории Якутии. Том I. - Якутск, 1949. –С. 360-361; Толстов С.П. Пережитки тотемизма и дуальной организации у туркмен// ПИДО, 1935, №9-10. -С.3-35.

9.Баялиева Т.Д Доисламские верования и их перижитки у киргизов. – Фрунзе: Илим, 1972; Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. Отв. ред. Снесарев Г.П, Басилов В.Н. - М.: Наука, 1975; Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов (XIX-начало XX в). -Алма-Ата, 1991; Табышалисва А. Вера в Туркистане. - Бишкек, 1993; Джабборов И., Дресвянская Г. Духи, святые, богы Средней Азии. - Т.:Узбекистан, 1993, Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. - T.:Yangi asr avlodi, 2005; Аширов А. Ўзбек халкининг қадимги эътиқод ва маросимлари. - Т. 2007.

10.Аширов А. Ўзбек халкининг кадимги эътикод ва маросимлари. - Т. 2007. –Б.1; 73-104.

11.Потапов Л.П. Волк в старинных народных поверьях и преметах узбеков// КСИЭ АН СССР , вып. XXX, - М., 1958. –С.135-142; Его же. Героический эпос алтайцев.//СЭ.1949, №1, -С. 122; Толстов С.П. Пережитки тотемизма и дуальной организации у туркмен// ПИДО,1935, №9-10.- С.241-364.

12.Дала ёзувлари 2021 йил, Имомурадова Ирисгул, 1940 йилда туғилган Жиззах вил., Бахмал тум., Чубар қишлоғи; Бахмал Азимова, 1936 йилда туғилган, Жиззах вил., Бахмал тум., Чубар қишлоғи;.

13.Дала ёзувлари. 2013 йил. Мавлонов Умид, 1969 йилда туғилган. Сирдарё вил., Гулистон ш. Фарҳод -15.

14.Алибеков У. Ўзбек халқи этномаданиятида бўрининг “калла суяги культи” хусусида. Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказиладиган республика илмий-амалий анжумани материаллари Г.2016.б 156-161.

15.Қаранг ўша асар..

16.Аширов А. Ўзбек халқининг қадимги эътиқод ва маросимлари. - Т., 2007. –Б.19**.**

**17.** Дала ёзувлари 2021 йил, Жиззах вил., Янгиобод тум., Чаканд қишлоғи, Савот, Наминген,Пасткичақир қишлоғлари;.

18.Гумилев А.Н. Қадимги турклар. - Т.: Фан, 2007. –Б.28**.**

19.Тайлор Э.Б. Первобытная культура. - М.: Политиздат, 1989. -С. 338.

20.Массон В.М. Алтын-Депе. Труды ЮТАКЭ,Том XVIII.- Ленинград: Наука, 1981. –С. 65.

21.Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. I том. М-Л Изд АНССР. 1950, с 215-220. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Т. “Фан” 2007,28-29 б. Муртоз Ўроз. Турк асотирлари// Сирли олам. 1991, №6 11-6., Короглы Х. Огузский героический эпос. М. 1976. - С.38-39.

# "OTA" KONSEPTI VERBALLASHUVI U. HAMDAMNING "OTA" ROMANI MISOLIDA

**Raxmatova Nigora Valisher qizi**

Farg'ona davlat universiteti 2-bosqich magistranti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada "ota" konseptining morfologik va sintaktik sathda verballashuvi U. Hamdamning "Ota" romani misolida tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** konsept, "ota" konsepti, morfologik sath, sintaktik sath.

Mustaqillik davri o'zbek tilshunosligida antroposentrik paradigmaning shakllanishi psixolingvistika, pragmalingvistika, lingvokulturologiya, kognitiv tilshunoslik kabi yo'nalishlar masalalarini o'rganish, sohaning predmeti va vazifalari, metodlari va tushunchaviy-terminologik apparatini o'zlashtirish, til birliklarida madaniy jihatlarning aks etish tomonlarini aniqlash, o'zbek tilidagi frazeologik hamda parimeologik birliklarni til va madaniyat munosabati nuqtai nazaridan tadqiq qilishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. O'zbek tilshunosligida keyingi yillardagina til va madaniyat munosabati, til tizimidagi milliy o'ziga xos elementlar tadqiqiga bag'ishlangan ishlar shakllanmoqda.

Oxirgi o'n yillik ichida filologiya fanida **konsept** eng faol qo'llanuvchi terminga aylandi. Konsept nafaqat tilshunoslik, balki u adabiyotshunoslik, mantiq, falsafa va madaniyatshunoslik fanlarida ham qo'llanadi, biroq konsept termini hozirgacha aniq bir ta'rifga ega emas va turli sohalarda turlicha ta'riflanadi. "Konsept – tafakkur kategoriyasi bo'lib, o'ziga xos murakkab qurilishga ega".[10] Shuningdek, konsept –bu alohida bir xalq, ijtimoiy sinf, alohida maktab yoki aynan bir individning borliqdagi predmet yoki hodisaga bo'lgan qarashlari asosida yuzaga

[10] Попова З.Д., Стернин И.А. Понятие "концепт" в лингвистических исследованиях. – Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та.1999. – , 29 с.

kelgan mental hodisadir.[11] "Ota" konseptiga ham xalqlarning qarashlari o'zaro bir-biridan farq qiladi. Biz ushbu maqolada U. Hamdamning "Ota" romani asosida o'zbek xalqiga xos bo'lgan "ota" konseptini yoritib bermoqchimiz.

"Ota" konsepti verballashuvi tahlilini quyidagi sathlarda amalga oshirdik:

1) morfologik sath;
2) sintaktik sath.

**Morfologik sath**da quyidagicha holatlar uchraydi:

**Ot so'z turkumida** (ota nutqida farzandga nisbatan qo'llanilgan ot leksemalar):

**Qizim**: "***Qizim**! Men ham ota bo'ldimmi? Axir seni Xudoyimdan tilab olgandim!*" (95-b.)

**Polapon**: "*Ustiga-ustak, o'zi o't o'chiruvchi bo'la turib, yong'indan o'z qizini, yonginasidagi xonada uxlab yotgan birdan-bir **polapon**ini, jigarporasini asray olmasa-ya!*" (107-b.)

**Jigarpora**: "*U oqibat ko'rsa, Sevinchdan, ko'zining oq-u qorasi bo'lgan **jigarporasidan**, u uchun – qizi uchun barmog'inigina emas, aziz boshini sira ikkilanmay kundaga qo'yishga tayyor...*". (164-b.)

**Asal**: " – *Qalaysan, **asal** qizim? Mensiz zerikib qolmadingmi?*" (115-b)

**Jonim**: " - ***Jonim** qizim manim! – Po'lat Yog'duni „o'zingni tut!" degandek yelkasidan ushlab bir silkitdi-da, borib qizini vrachning qo'lidan olib dast ko'tardi*". (116-b.)

**Dilband**: "*Lekin u mening o'z qizim, ona qizim, pushti kamarimdan bo'lgan yakka-yu yagona **dilbandim** edi!*" (203-b.)

**Zurriyot**: "*O'z yaqinlarim, butun umr bir yostiqqa bosh qo'ygan jufti halolim aldadi, o'z pushti kamarimdan bo'lgan arzanda **zurriyodim** aldadi*". (165-b.)

Romanda sharqona muomala, murojaat shakli ham kiritilgan bo'lib, u quyidagicha keltirilgan:

---

[11] Болотов В.И. Из истории науки. А.А.Потебня и когнитивная лингвистика // Вопросы языкознания. – Москва, 2008. – №2. – С. 82.

“ – *Topilganda qandoq, **Po'latjon**! – er-u xotin vodiy tomondagi udumga ko'ra bir-birlariga to'ng'ich farzandning ismi bilan murojaat qilishar edi*”. (97-b.)

“Ota” konseptiga xos harakat bildiruvchi leksemalar esa romanda quyidagicha voqealanadi:

**Asramoq:** “*Ustiga-ustak, o'zi o't o'chiruvchi bo'la turib, yong'indan o'z qizini, yonginasidagi xonada uxlab yotgan birdan-bir polaponini, jigarporasini **asray olmasa-ya!***” (107-b.)

**Qo'rimoq:** “*Axir, men tug'ilganimdan beri bir ota bo'lib yolg'iz qizimni dunyoni borliq balo-qazolaridan zo'r berib **qo'rishga** harakat qilib kelaman*”. (100-b)

**Tirgak bo'lmoq**: “*Endi bilsam, aslida otang menga **tirgak bo'lgan ekan***”. (137-b.)

**Erkalamoq**: “*Yuzing kuyik, yuraging kuymasin dedim, **erkaladim**, papaladim*”. (157-b.)

**Papalamoq**: “*Yuzing kuyik, yuraging kuymasin dedim, erkaladim, **papaladim***”. (157-b.)

Asarda ko'p o'rinlarda “ota” konseptiga xos sintaksemalar qo'llanilgan bo'lib, biz ularni quyidagicha turlarga ajratgan holda tahlil qildik:

“Ota” konseptiga doir **so'z birikmalari** quyidagicha qo'llanilgan:

**Ota ko'ngli:** “*Po'latning ota ko'ngli qizalog'ini shu yaqin o'rtada ekanligini his qilar, ... edi*”. (96-b.)

**Ota mehri:** “*Sevinch, shu choqqacha **otang mehri**ni ko'rib kelding, ...* ”. (157-b.)

**Ota qahri:** “*... endi ota **qahrini ham** ko'r*!” (157-b.)

**Qahrli ota:** “*... , sengaki, - ey **qahrli ota,** - aziz bo'lmagan ekan, menga sira kerak emas, degandek qildi, ...* ”. (159-b.)

**Ko'zining oq-u qorasi**: “*U oqibat ko'rsa, Sevinchdan, **ko'zining oq-u qorasi** bo'lgan jigarporasidan, ... ko'rardi*”. (164-b.)

**Otalik burchi**: “*Zero, u yerda tamomila o'zga hislar jo'sh urardi: otalik hissi, **otalik burchi**, otalik..., otalik!..* ” (197-b.)

Romanda o'zbek otasi tushunchasi quyidagi gaplar orqali ochib berilgan:

*“Ortidan farzand qoldiribgina “Dunyoda men ham borman!” deya oladi erkak kish.”*. (22-b.)

*“Ha, bu sharqlik ota-onaning baxti bolada, Sevinchda edi, Sevinchning baxti esa, bolada, hali tug’ilmagan bolada”*. (141-b.) Ushbu qo’shma gap orqali o’zbek millatining bolajonligi, farzandsiz hayotini tasavvur ham qila olmasligi ochib berilgan.

*“Bu dunyo otalar qo’lida edi-ku yoki men tufayli chiqib ketdimi?”* (157-b.)

Quyidagi supersintaktik butunliklarda ham o’zbekona “ota” konsepti ochib berilgan:

“*Sevinch, qizim, tur endi yotavermay, kun chosh bo’ldi. Otangni oldida yaxshi emas, tur!*” (114-b.) Ushbu butunlik orqali otaning oiladagi o’rni, unga bo’lgan munosabat tasvirlangan.

“*...u mening o’z qizim, ona qizim, pushti kamarimdan bo’lgan yakka-yu yagonam dilbandim edi! Shunday bo’lgach, men uning o’sha xunuk , o’sha qo’rqinchli yuzini ham chiroyli yuzi kabi yaxshi ko’raveraman. Menga qizimning ikki beti birdek aziz, birdek qadrli*”. (203-b.)

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, U. Hamdamning “Ota” romanida o’zbek mentalitetiga xos bo’lgan “ota” konsepti morfologik va sintaktik sath birliklaridan foydalanilgan holda yoritib berilgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Болотов В.И. Из истории науки. А.А.Потебня и когнитивная лингвистика // Вопросы языкознания. – Москва, 2008. – №2. – С. 82.

2. Попова З.Д., Стернин И.А. Понятие “концепт” в лингвистических исследованиях. – Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та.1999. – , 29 с.

3. Улуғбек Ҳамдам, Ота, Т.: “Янги аср авлоди” , 2020.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР

**Тўрабоева Яйрахон Рустамжоновна**
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
Институти "Гуманитар фанлар" кафедраси ўқитувчиси
tyayraxon@mail.ru

**Масардинов Хушнудбек Бозорбой ўғли**
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
Институти 1-босқич магистранти.
xushnudbekmasardinov@gmail.com

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш, давлат иқтисодиёти, сиёсати ва маданиятига бевосита таъсир этувчи миллий туризм имкониятларини кенгайтириш, амалий ҳатти-ҳаракатларнинг стихияли давом эттирилиб келиши ва бошқа омиллар ҳақида илмий хулосалар ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар**. Туризм, миллий туризм, виза режими, зиёрат туризми, қадамжолар, туризм саноати.

Ўзбекистон ўз эркини ва дахлсиз хуқуқларини қўлга киритгач, янги, замонавий ҳамда жаҳон мамлакатлари тараққиётида самара ва натижа берган йўлни танлади. Шу маънода давлат иқтисодиёти, сиёсати ва маданиятига бирдек таъсир ўтказувчи соҳа сифатида туризм саноати ҳам жадаллик билан ривожлантирилмоқда. Чунончи, мамлакатда сўнги йилларарда туризмни миллий иқтисодиётини диверсификация қилиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар

босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу борадаги амалий ҳаракатлардан бири бу виза режимининг либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармоғини ривожлантириш учун имтиёз ва преференсиялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имкониятларини кенгайтириб, миллий туризм имкониятларига йўл очмоқда.

Ўзбекистоннинг дастлабки қадамлари турли жабҳалардаги миллий сиёсати, унинг янгича қараш ва ўзга хос тараққиёт йўли белгилаб, мақсадлари сари одимлаб борувчи давлат сиёсати, очиқлик, қонун усиворлиги, тенглик ва адолат принспларига асосланган фаровон ҳаёт сари одимлаб борувчи машаққатли йўлдан бошланди.

Мамлакатимиз жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга, унда жами 7,4 минг маданий мерос обектлари мавжуд, улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар — “Хива шаҳридаги Ичан-қалъа”, “Бухоро шаҳрининг тарихий маркази”, “Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази”, “Самарқанд шаҳри” ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Сўнгги йилларда ўлка имкониятларни тараннум этувчи туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди, уларга Тошкент шаҳрида “Нятт Регенсй Ташкент” ва “Лотте Ситй Нотел Ташкент Паласэ” брендли меҳмонхоналар очилиши, Андижон, Урганч ва Тошкент шаҳрида маданий-кўнгилочар боғларнинг ташкил этилиши, “Ангрен-Поп” темир йўли очилиши, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларига тезюрар поездлар учун электрлаштирилган темир йўллари очилишини фикримизни асослайди[1].

Ўзбеклар қадим замонлардан деярли ҳар бир қишлоқда ёки мамлакатимизнинг барча жойларида аҳоли учун муқаддас бўлган жойлари мавжуд бўлиб, миллий удумларга кўра, қадамжоларга кўплаб аҳоли ташриф буюради ва муайян тадбирлар амалга оширилади[2.300].

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига, энг ривожланган мамалакатлари миқёсида ўзининг бой маданий мероси, ўчмас тарихи, буюк саркарда ва қомусий алломалари билан донг таратган маскан сифатида барча эшикларини очди. Барқорор тараққиёт, иқтисодий мустақиллик, сокин ва осойишта жамият ҳар қандай шароитда миллий туризм имкониятларини ривожлантира олиши бор гап. Хусусан, дунёда туризм имкониятлари чекланган давлатлар ҳам айни кунларда янгича қараш ва инновацион ёндошувлар асосида туризмнинг янги имкониятлари топиб ўз иқтисодиётига муносиб хасса қўшаётгани маълум.

Республикамизда бугунги кунда 700 дан ортиқ туристик фирмалар фаолият кўрсатмоқда[3]. Шунингдек, хукуматимиз ва давлат раҳбари томонидан туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қатор қонун хужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар мамлакатимизда туризм имкониятларини янада такомиллаштириш, миллий анъана ва урф одатларни дунё халқларига борича намоён этиш, ташриф буюрувчиларга қулай шарт шароитлар яратиш учун ҳизмат қилади.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда туризм имкониятларини такомиллаштириш борасида комплекс чора тадбирларни босқичма-босқич амалга оширилиб бораётганлигидан далолат беради[4].

Ҳозирга кунда дунё мамалакатларида туризмнинг жуда кўплаб турлари мавжуд бўлиб, улар ичида барқарор ривожланиш тенденсиясини муқобил ушлаб туриб борувчи, ҳалқаро туризмнинг энг муҳим тармоқларидан бири диний яъни зиёрат туризми ҳисобланади[5].

Юртимизда мавжуд имом Бухорий, имом Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Занги ота каби зиёратгохларимиз мавжуд бўлиб, мусулмонлар бу зиёратгохларни зиёрат қилиб келишмоқда. Шуни қайд қилиш керакки, ҳозирги кунда ҳам Европанинг бошқа худудларида ҳам, жумладан Белгиянинг Брюге, Италиянинг Турин, Франсиянинг Лурд, Полшанинг Ясна-

Гуру шахарларидаги муқаддас қадамжо жойлар христиан динига эътиқод қилувчи миллионлаб зиёратчи сайёхларни ўзига жалб қилиб келмоқда[6].

Шуни қайд этиш жоизки, мусулмон оламида зиёрат қилиш маконлари ҳам анчагина. Жумладан, Марказий Осиёда, қолаверса Ўзбекистон Республикасида ҳам азиз авлиёлар яшаб, дафн этилган қадамжолар, зиёрат масканлари беқиёс кўп. Улар қаторига Жанубий Қозоғистон вилояти, Туркистон Шахридаги Ахмад Яссавий мақбараси; Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Зангиота мажмуаси; Тошкент шахридаги Шайх Хиванда Тахур мақбараси, Қалдирғоч-бия мақбараси, Юнусхон мақбараси; Хазрати Имом мажмуаси; Абубакр Мухаммад Каффал Шаши мақбараси; Шайх Зайниддин бобо мақбараси; Самарқанд вилояти Паярик тумани Хартанг қишлоғидаги Имом Ал-Бухорий мажмуаси; Оқдарё тумани Дахбед қўрғонидаги Махтуми Аъзам мақбараси; Самарқанд шахридаги Шохи Зинда, Амир Темур, Рухобод, Хўжа дониёр, Мотрудий, Мурод авлиё, Хўжа Ахрор вали, Оқ сарой, Чўпонота мақбаралари; Бухоро шахридаги –Исмоил Самоний, Чашмаи Аюб, Садриддин Бухарзи, Боховуддин Накшбандий, Буён Кулихон, Чор Бакр мақбаралари; Хоразм вилоятида Уч авлиё, Саид Алловуддин мақбараси; Қашқадарё вилоятида-Жахонгир, Дорус Саодат, Дорут Тиловат мажмуаси, Кўк гумбаз масжиди; Сурхондарё вилоятида – Ҳаким ат-Термизий мажмуаси; Султон авлиё (Авлиёота) мажмуаси; Фарғона вилоятида Дахмон Шахон ғорхонаси, Мозорихон мақбараси кабилар зиёратчи сайёхларни ўзига жалб қилб келадиган масканлар бўлиб ҳисобланади[7]. Бу зиёратгоҳлар ҳар йили минг-миллионлаб сайёҳларни ўзига жалб қилиб, юртимиз ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшмоқда. Ўзбекистонда ҳалқаро туризмни ривожлантиришда зиёрат туризимининг ҳам катта имкониятлари мавжуд бўлиб, бу борада юртбошимиз томонидан Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди ва бу борада ишлар жадал амалга оширилмоқда.[8.1]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, дунёдаги ҳар қандай миллат ёки элат ўзининг минг асрлик одат ва анъаналарини сақлаб қолган холда келажак авлодлар дунёқарашида миллатга меҳр, ватанга содақатлилик хиссини шакллантиришга эришиш йўлидаги ҳаракатларини доим қўллаб қувватлайди. Зеро ватан равнақи ва юрт тинчлиги бу ёш авлоднинг моҳир зеҳни, маънавий мукаммаллиги сабабли ривожланади ва тараққий этади. Туризм саноатини ривожлантириши воситаси сифатида бир қанча турли амалий ҳаракатлар билан бирга муаммолар ҳам талайгина.

Уларга, жойлаштириш воситалари ва инфратузилма обектларининг, айниқса туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда йўловчиларни ташиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос обектларининг ва зиёратнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида". // ПФ. https://lex.uz/docs/-4143188

2. T.Y. Rystamjanovna. CLASSIФICATION OФ ShRINES (on the эxample of Andijan region).//Euro-Asia Conferences 1 (1),300-303.//2021. http://papers.euroasiaconference.com/index.php/eac/article/viev/93

3. М. А Мирзаев, А.М Тўйчиевна.Туризм Асослари.// Тошкент, 2011 й,4-56-б

4."Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 05 январ, ПФ-5611 сон.

5. YR Turaboyeva.//TRADITIONS AND VALUES IN UZBEK FAMILIES. //НАУКА И ТЕХНИКА. МИРОВЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ, 32-34.// https://elibrary.ru/item.asp?id=42637357

6. TY Rustamjonovna. TRADITIONS AND MODERNIZATION IN THE SYSTEM OF "KINSHIP" IN UZBEK FAMILIES.// EPRA International Journal of Published By :EPRA Publishing CC License.//2020 https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=agJGf20AAAAJ&citation_for_view=agJGf20AAAAJ:3fE2CSJIrl8C

7. Х.М Маматқулов, И.С Тухлиев, А.Б Бектемиров. Халқаро Туризм. Дарслик.// Самарқанд. 2008 й. 156-157-159-161бет.

8 . М.Болтабоев, И.Тухлиев, Б.Сафаров, С.Абдухамидов .Туризм: Назария ва Амалиёт.// Тошкент.2018й. (332-333 бетлар)

# XIX ASR OXIRI QO‘QON ADABIY MUHITI VAKILI AZIM XOJA IJODIDA HIKMATNAVISLIK AN’ANASI

**Sharofat Ismoilova**
Erkin Vohidov nomidagi ijod maktabi o‘qituvchisi

**Annotatsiya:** Maqolada XII asrda yashab ijod qilgan hikmatnavislik an’anasi asoschisi Xoja Ahmad Yassaviy yo’nalishini davom ettirgan Qo’qon adabiy muhitida vakili  Azim Xo‘ja eshon ijodi va hikmatlari tahlili haqida gap boradi.

**Kalit so’zlar:** tasavvuf, hikmat, hikmatnavislik, Qo’qon adabiy muhiti, Azimiy, Azim Xo‘ja, “Murodul-oshiqin”, “Hikmat”.

Turkiy tasavvuf she’riyatida Xoja Ahmad Yassaviy boshlab bergan hikmatnavislik an’anasining davomchilari ko‘p bo‘lgan. Yassaviydan salkam sakkiz asr o‘tib u boshlab bergan ulug‘ ijod yo‘lini munosib davom ettirgan Qo‘qon adabiy muhiti vakili Azim Xoja eshon ijodi hikmatnavislik an’anasining yangi davrini tashkil qiladi.

Azim Xoja eshon ijodi haqida ilk yassaviyshunos olim, ma’rifatparvar ijodkor Abdurauf Fitratning ilmiy asarlarida ham ma’lumotlarga duch keldik. Olim o‘zining “Ahmad Yassaviy” maqolasida Yassaviydan keyin uning uslubida she’rlar yozish turk shoirlari va shayxlari orasida keng urfga kirganligi, ular uslub, vazn va g‘oyaviy jihatdan aynan Yassaviyga taqlidan “hikmat”lar yozib bu hikmatlar “jahr” kunlarida masjidlarda o‘qilganligini qayd etib o‘tadi.

Shuningdek, Fitrat o‘z maqolasida shunday yozadi: “Ahmad Yassaviyni ta’qib etgan kishilardan bizga ma’lum bo‘lganlaridan biri hijriy 1263-yilda vafot qilg‘an Azim Xo‘jadirkim, hikmatlari hijriy 1312 da Toshkentda “Hikmati eshoni Azim Xo‘ja” unvoni bilan tosh bosmada bosdirilg‘ondir”.

Azim Xoja eshon Azim - Azimiy taxalluslari bilan turkiy hamda forsiy tillarda ijod qilgan. Bundan ma’lum bo‘ladiki, Azim Xoja eshon zullisonayn shoirdir. U o‘z

she'rlarini jamlab 1837-yilda bir devon ham tuzgan bo'lib, bu devon nusxalarining biri "Kitobi murodul-oshiqin" ("Oshiqlarning murod kitobi") deb nomlanadi. Hozirgi kungacha Azimiy devonining o'n nusxasi topilgan. Olim O. Jo'raboyev o'z tadqiqotlaridan birida ilk marotaba Azim Xoja eshon devoni nusxalari haqida batafsil ma'lumotlar jamlab ilm ahliga havola etadi. Mazkur nusxalarning birinchisi O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Alisher Navoiy nomidagi Davlat Adabiyot muzeyida (189 raqamli qo'lyozma), keyingi uchtasi O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti fondida (5992/II, 2563/I, 2694, 6354 raqamli qo'lyozmalar), yana bir nusxa qo'qonlik ziyoli Abdulhofiz Muhammadxonov shaxsiy kutubxonasida, yana bir nusxasi olim Sayfiddin Rafiddinov shaxsiy kutubxonasida hamda qolgan uch nusxasi G'afur G'ulom nomidagi Farg'ona viloyati Adabiyot muzeyida (6209, 6750, 6806 raqamli qo'lyozmalar) saqlanmoqda.

Shoirning "Murodul-oshiqin" deya nomlangan ilk devonidan (birinchi nusxa 189 raqamli qo'lyozma) 158 ta g'azal (44 tasi o'zbekcha 114 tasi forsiy), 29 ta murabba (hammasi o'zbekcha hikmatlar tarzida), 3 ta mustahzod (2 tasi o'zbekcha 1 tasi forsiy), 7 ta muxammas (6 tasi o'zbekcha, 1 tasi forsiy), 13 ta musaddas (12 tasi o'zbekcha, 1 tasi forsiy), 2 ta masnaviy (forsiy) o'rin olgan bo'lib ja'mi 212 ta she'rdan iborat.

Garchi shoir devonidagi murabba janriga oid she'rlargina hikmat tarzida yozilgan bo'lsa-da, uning qolgan barcha she'rlarida ham tasavvufona ohang, chin orifona ruh sezilib turadi. Bu esa o'z navbatida Azim Xoja eshonni turkiy tasavvuf she'riyati, xususan, hikmatnavislik maktabining XIX asrdagi eng yorqin vakillaridan biri deb hisoblashimiz uchun asos bo'la oladi. Azim Xoja devoni nusxalarining matni ustida ishlagan olim O. Jo'raboyevning o'zi ham irfoniy mohiyatdagi devon tuzishni o'sha davr adabiyotidagi nodir hodisa deb baholaydi.

Mustaqillikning ilk yillarida 1993-yilda adabiyotshunos olim Sayfiddin Rafiddinov ilk marotaba Azim Xoja eshon ijodini ommalashtirdi. Olim Toshkentda "Kamenskiy" matbaasida chop etilgan Ahmad Yassaviy devonidan joy olgan Azim Xoja eshon hikmatlarini jamlab "Hikmat" nomi ostida so'zboshi bilan nashr ettirdi.

Bu o‘z navbatida Azim Xoja eshon ijodi va hayotini o‘rganish yo‘lidagi katta qadamdir. Bundan tashqari mazkur to‘plam ko‘plab yangi ilmiy va ijodiy izlanishlarga asos bo‘lib xizmat qiladi. Biz o‘z ilmiy tadqiqotimizda shoirning ushbu manbaa va hozirda uning qarindoshlari qo‘lida saqlanayotgan qo‘lyozma nusxasidagi hikmatlardan foydalandik.

Azim Xoja eshonning hikmatlari Yassaviy devonidan o‘rin olganligi ham alohida e’tirofga arziydigan jihat. Bu haqda olim S. Rafiddinov shoirning kitobiga yozgan muqaddimasida quyidagi fikrlarni ta’kidlaydi: “Azim Xoja eshon hikmatlarining inqilobdan oldin Ahmad Yassaviy hikmatlari oxiriga ilova qilib chop etilganligining o‘zi ham yuksak qadrlangani va sevib o‘qilganligidan dalolat beradi”. Darhaqiqat, hikmatnavislik an’anasining eng so‘nggi davomchilaridan hisoblangan Azim Xoja eshon ijod namunalarining, o‘zi chuqur muhabbat va e’tiqod qo‘ygan ulug‘ ustozi Ahmad Yassaviy hikmatlari bilan bir o‘rinda chop etilishi shoir ijodiga berilgan yuksak bahodir. Shoirning “Hikmat” kitobidagi hikmatlariga nazar tashlaganimizda ham Azim Xoja eshonning har taraflama Yassaviyga ergashganligi sezilib turadi. Garchi Azim Xoja eshon so‘fiylikning qaysi oqim va tariqatiga mansubligini she’rlarida ochiq aytmagan bo‘lsada, biroq hikmatlaridagi g‘oya, ramz va ma’nolarga e’tibor bersak shoirni Yassaviy suluki va tariqatiga mansub deyish mumkin.

Ammo olim O. Jo‘raboyev o‘z tadqiqotlarida Azim Xoja eshonni bir qator manbalarga tayanib naqshbandiya-xojagon tariqatiga mansub degan xulosani beradi. Qanday bo‘lganida ham tasavvuf va ijodning yagona maqsadi – poklanish, o‘z ruhini kamolga yetkazishdir. Shu ma’noda turkiy tasavvuf she’riyatiga asos solgan Xoja Ahmad Yassaviyning hikmatlari ham poklik va kamolotga intilishga bir da’vatdir. Azim Xoja eshon ham aynan shu da’vatlardan ilhom, ibrat olib ijod qilganligi qator hikmatlarida ko‘zga tashlanadi. Ayniqsa, shoirning nafs va ishq masalasi ilgari surilgan hikmatlari yassaviyona ohanglarni eslatib turadi. Xususan, bir she’rida shoir nafsni itga qiyoslab shunday yozadi:

*It tili tegsa etoginga namozing ma’n etar,*
*Bu namozingdur nechuk olsa yaqodin nafsi sag.*

Ko‘rinib turganidek, baytda xuddi Yassaviy ijodida bo‘lgani kabi nafs haqida qat’iy murojaat bor. Ya’ni, shoir “etagingga itning tili tegsa namoz o‘qish mumkin emas deydilar, ammo yoqangdan nafsning iti olib turganda o‘qigan namozing qanday bo‘ldi?!”, degan ritorik so‘roqni qo‘yadi va o‘quvchini (o‘z davrida tinglovchilarni) nafs bilan kurashga da’vat etadi. Shuningdek, baytda tamsil, tashbeh, tajohuli orifona kabi she’riy san’atlardan foydalanilgan.

P. Qayumov shoir ijodi haqida to‘xtalar ekan: “Nihoyat otashzabon kuchli shoir bo‘lsa ham, ash’ori navhali (mungli, nolali. I.Sh) bo‘lub tasavvuf ruhidadur. Ayrim devoni bordur. Xoja Ahmad Yassaviyga ergashib yozgan “Hikmati Azimxo‘ja” kitobi ham bordur. Devonida tojik tilida ham she’rlar uchraydi”, deb yozadi. Olimning “ash’ori navhali” degan tanqidini o‘sha davr talabi hamda tasavvufiy adabiyotga nisbatan shubhali qarashlardan kelib chiqqan holda qabul qilish mumkin. Zero, tasavvuf adabiyotining mohiyati ishq, ishq esa ijodkordan ana shunday nola va dardni talab qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**


1. Fitrat A. Tanlangan asarlar I (tom) jild. – Toshkent:Ma’naviyat, 2000, 20-bet.
2. O. Jo’raboyev. *Nizomiy Ho’qandiy va XIX asr irfoniy she’riyat matni bilan bog’liq bir jihat xususida*/ Adabiy matn tadqiqi masalalari. Ilmiy anjuman materiallari. –Toshkent, 2009. 13-17-betlar.
3. Azim Xoja Eshon. Hikmat. – Toshkent:O’zbekiston,1993, 14-bet.
4. O. Jo’raboyev. *Irfon she’riyatining sulolaviy namoyondalari*/ Sharq yulduzi. 2009, 2-son,164-171-betlar.
5. Ushbu tadqiqotda O’zRFA til, adabiyot va folklor instituti katta ilmiy xodimi S.Rafiddinovning shaxsiy kutubxonasida mavjud qo’lyozma nusxasidan foydalanildi.
6. Mannopov I. O’zbek mumtoz adabiyotida hikmatnavislik an’anasi va tadriji: filologiya fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD) diss. –Farg’ona, 2019, 63- bet.
7. Qayumov P.Tazkirayi Qayyumiy. I – II – III-jild. –Toshkent:O’zRFA Qo’lyozmalar instituti tahririy nashriyot bo’limi, 1998.

# SIFATLARNING STRUKTUR JIHATDAN TURLARI

**Hasanova Nargiza Abubakir qizi**
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

**Annotatsiya:** Maqola fors tilidagi sifatlar strukturasi haqidagi qarashlar asosida ushbu tizim tarkibi yuzasidan to'liq ma'lumotga ega bo'lishga imkon beradi. Shu jihatdanki, sodda, yasama va murakkab (qo'shma) sifatlar masalasi ancha muammoli hodisa hisoblanadi. Turli olimlarning dasturlarini o'rgangan holda mazkur masala tahlili bir qancha savollarni yuzaga keltiradi va o'z o'rnida uning yechimiga olib boradi. Ushbu holat maqolaning katta ilmiy ahamiyatini belgilaydi.

**Kalit so'zlar:** Sifatlar strukturasi, sodda, yasama, qo'shma (murakkab), asos (yetakchi morfema), qo'shimcha (ko'makchi morfema)

Fors tilida so'zlar struktur jihatdan tub so'z (واژه بسیط), yasama so'z (مشتق), qo'shma so'z (مرکب) va ibora (عبارت) kabilarga bo'linadi (Ahmadjon Quronbekov "Fors tili leksikologiyasi" Toshkent 2009, 6-bet). Buni sifat so'z turkumi doirasida oladigan bo'lsak uning sodda (جامد), yasama (مشتق), qo'shma (مرکب) shakllari mavjud (ابدالرحیم همایونفرخ «دستور جامع زبان فارسی» چاپ سوم ۱۳٦٤ صحفه ۲۹۰). صفت جامد، صفت ساده، بسیط sodda sifat terminiga to'g'ri keladi (Quronbekov Ahmadjon "Forscha-o'zbekcha tilshunoslik terminlar lug'ati" Toshkent 2012, 21- 48-betlar). Sifatning tuzilishiga ko'ra turlari 2 ta deb ko'rsatilgan holatlar ham mavjud. Bunda u صفت ساده (sodda sifat) va صفت مرکب (murakkab sifat)ga bo'linadi (http:// daneshnameh.roshd.ir).

Tarkibida fe'l o'zagi (negizi («ب» qo'shimchasisiz buyruq maylidagi shakli)) va مصدر مرخّم (o'tgan zamon fe'l negizi) bo'lmagan so'zlar صفت جامد deyiladi: کوچک، بزرگ، خوب، بد

کوچک دو کفت مه زدو دریای بزرگ است

بسیار نزار است مه از مردم فربه

(منوچهری)

به ایرانیان گفت کآن پاک زن
مگر نیست با این بزرگ انجمن
(فردوسی)

یکی جای خوبش فرودآورید
پس آنگاه خوردندهر دو نبید
(دقیقی)

نباشد زین زمانه بد شگفتی
اگر بر ما بیاید آذرخشا
(رودکی)

صفت مشتق shunday sifatdirki, uning qismlaridan biri ریشهء فعل مضارع ( fe’l o’zagi, negizi) yoki مصدر مرخّم (o’tgan zamon fe’l negizi) bo’ladi: پرستنده – bunda fe’l o’zagi bo’lgan «پرست» mavjud va uning oldiga (boshiga) «ب» shaklini qo’shish bilan fe’l hosil bo’ladi; خریدار – bunda o’tgan zamon fe’l negizi bo’lgan «خرید» o’zagi mavjud; بسیارگوی – bunda fe’l o’zagi bo’lgan «گوی» mavjud (lekin ushbu so’z صفت مرکب (qo’shma so’z)ga to’g’ri keladi, sababi ikki yoki undan ortiq asosdan iborat bo’lgan sifatlar qo’shma sifatlar deyiladi. Yuqoridagi leksema ham «بسیار» - ko’p va «گوی» - gapirmoq, so’zlamoq kabi ikki asosdan iborat (Ahmadjon Quronbekov “Fors tili leksikologiyasi” Toshkent 2009, 6-bet)); خواستار – bunda مصدر مرخّم (o’tgan zamon fe’l negizi, o’zagi) «خواست» mavjud.

Grammatika kitoblarida صفت ساده، صفت جامد، صفت بسیط alohida keltirilib, har biriga alohida ta’rif berilgan. Lekin uch termin ham sodda sifatga to’g’ri keladi. صفت ساده (sodda sifat) shunday sifatdirki, u faqat bir qism (asos)dan iborat bo’ladi: دروغ، کوچک، بزرگ، خوب، بد
(مهدی معینیان «دستور زبان فارسی» ۱۳۶۹ صحفه ۲۰۵). صفت جامد va صفت بسیط ga berilgan ta’rifga e’tibor beradigan bo’lsak, yuqoridagi ma’no kelib chiqadi.

صفت مرکّب shunday sifatdirki, u birdan ortiq qismdan iborat bo’ladi, lekin unda بن مضارع (fe’l o’zagi, negizi) bo’lmaydi: هنرمند، نابکار، با عقل، بدخو (مهدی معینیان «دستور زبان فارسی» ۱۳٦۹ صحفه ۲۰۵).

Aytib o’tganimizdek صفت مرکّب ikki yoki undan ortiq asosdan iborat bo’ladi. Lekin ushbu qoidada uning tarkibida fe’l o’zagi bo’lmaydi deyilgan va misollarda ham murakkab (qo’shma) sifatlar ifodalanmagan. Ular asos va qo’shimchadan iborat. Shundan kelib chiqqan holda, صفت مشتق (yasama so’z) hisoblanadi.

Ko’rinib turibdiki, sifatning tuzilishiga ko’ra turlari masalasi muammoli sanaladi. Uni atroflicha o’rganish muammoni yechishning eng samarali usulidir. Shu doirada "پنج استاد" da "صفات ترکیبی" nomli maxsus bob keltirilgan. Bunda ham qiziq holatga duch kelamiz. Ikki ism yoki ism va biror-bir qo'shimchaning birikishidan hosil bo‘lgan sifatlar murakkab sifatlar deyiladi va uning turlari quyidagilardir:

a) ترکیب تشبیهی (o’xshatishga asoslangan murakkab sifat): سروقد, مشکموی
b) ترکیب دو اسم بدون ادات – ikki ismning hech qanday qo’shimchasiz bog’lanishidan: جفاپیشه, هنرپیشه
c) ترکیب دو اسم به اضافهُ ادات - ikki ism va qo'shimchani birlashtirish bilan: نیزه بدست
d) ترکیب اسم با ادات - ism va yasovchi qo'shimcha bilan. Bu o’z navbatida bir necha turlarga bo’linadi:

a) "ب" shakli bilan: بنام, بخرد, بآیین, بنفرین
b) "با" shakli bilan: بانام, باعقل …
c) "هم" shakli bilan: همنشین, همکار, همدل …
d) "نا" و "نه" shakllari bilan: ناکام, ناچار, نامرد, نه مرد …
e) "بی" shakli bilan: بیخرد, بیهوش …
f) "مند" shakli bilan: هنرمند, خردمند …
g) "ور" shakli bilan: هنرور, دانشور …
h) "ناک" shakli bilan: نمناک, شوخناک …

Yuqoridagi 3 ta punktda keltirilgan misollar murakkab (qo’shma) sifatga misol bo’la oladi. Ammo 4 punktdan boshlab yasama so’z va uni hosil qiluvchi qo’shimchalar ifodalangan. Vaholanki, "پنج استاد" mualliflari tarkibning barchasini qo’shma sifatlarga kiritishgan.

(ملک الشعرای بهار "دستور زبان فارسی"چاپ چهارم ۱۳۶٦ صحفه ۵۹-۵۷)

دکترع خیّامپور dasturida "اقسام صفت قیاسی" (qiyosiy sifat qismlari) tarkibida صفت ترکیبی ( murakkab sifat)lar o’rganilgan va uni hosil qilishning 13 ta usuli ko’rsatilgan:

a) Ikki qarama-qarshi ma’noli sifat bilan: سیاه و سفید, حاضر و غایب
b) Bir "صفت مسند" va bir "اسم مسند الیه" bilan: روشندل, گمراه, خوبرو
c) Bir sifat va bir ism bilan (bunda obyekti ma’lum bo’lmagan sifat ifodalanadi): سیراب (سیر از آب (serob, mo’l-ko’l ma’nosida: aynan nimaning mo’l-ko’lligi ma’lum emas))
d) Bir "اسم مسند الیه" va bir "صفت مسند" bilan: دلازرده, رنگ پریده, گردن کلفت
e) Ism sifat uchun aniq (ma’lum)bo’lgan bir ism va bir sifat bilan: خداپرست
f) Ism sifat uchun aniq (ma’lum) bo’lmagan bir ism va bir sifat bilan: کارآگاه (از کار آگاه), گوشه نشین (در گوشه نشیننده), گلباز (با گل بازی کننده), خواب آلود (بخواب آلوده), انگشت نما(با انگشت نموده), انگشت شمار (با انگشت شمرده)
g) Ism sifat uchun "فاعل" bo’lgan bir ism va bir sifatdan: دلپذیر ( چیزی که وی را دل بپذیرد)
h) Birinchi ismga o’xshatishga asoslangan ikki ism bilan: سنگدل, گلرخ
i) Birinchi ismning ma’lum bir a’zosiga o’xshatishga asoslangan ikki ism bilan: آهوچشم, زنبورمیان (یعنی: چشمش مانند چشم آهو باشنده, میانش مانند میان زنبور باشنده)
j) Bir ravish va bir sifat bilan: خوشنویس, زودرنج, دیرجوش, پیشرو, تیزرو
k) از دو صفت مرکّب (ikki murakkab sifat bilan): درون تاری برون روشن
l) Sifatga ishora qiluvchi qismni olib tashlash bilan: نیزه بدست (نیزه بدست گرفته)
m) Bir ifoda etilgan sifat va uning taalluqlisi bilan: هرگز نیازرده آب

Guvohi bo’lganimizdek tilshunos olim qo’shma sifatlarni katta doirada bayon etgan va uning yondashuvi har tomonlama o’z tasdig’ini topadi.

علی مرزبان راد va سید اسماعیل عمادی حالری larning grammatikasida sifatlar tuzilishiga ko’ra بسیط و مرکب, جامد و مشتق turlariga bo’linadi (علی مرزبان راد ning kitobida sifatning tuzilishiga ko'ra turlari bo'limi "انواع صفت از لحاض لفظ" nomi ostida keltirilgan). سید اسماعیل عمادی حالری "صفت جامد" va "صفت بسیط" ga juda to’g’ri va aniq ta’rif bergan. Ammo صفت مشتق (yasama sifat) ta’rifida biroz kamchiliklar mavjud va shundan صفت مرکّب (murakkab sifat) ifodasida ham xatoliklar kelib chiqadi. Chunonchi, صفت مشتق

shundayki, boshqa kalimadan olingan bo'lsa, ya'ni u بن فعل (fe'l o'zagi (ikkinchi shaxs birlikdagi buyruq mayli fe'l shakli va o'tgan zamon fe'l negizi)dan hosil qilinadi: خندان ,رونده … Bunda yasama sifatlar faqat fe'l o'zagidan hosil bo'lishiga urg'u berilgan. Bu fikrni yoqlab bo'lmaydi. Murakkab sifatlar yasalishining esa 13 ta usuli ko'rsatilgan. Ammo 8- va 10- boblarda صفت مرکّب (murakkab sifat)lar emas, صفت مشتق (yasama sifatlar) ifodalangan. Chunonchi :

8) Ism va "نا" ,"بی" ,"با" prefikslari bilan: ناتوان ,بی خرد ,باادب ,باهوش …

10) Ism va suffikslar bilan: زهرآگین ,ستمگر ,غمگین ,غمناک ,گناهکار ,سخنور ,دانشمند …

Asl qoidaga ko'ra, asos (yetakchi morfema) va yasovchi qo'shimcha (ko'makchi morfema) vositasida hosil qilingan yangi so'zlar yasama sifatlar deyiladi. Ikki yoki undan ortiq yetakchi morfema (mustaqil asos) orqali yuzaga kelgan yangi so'zlar murakkab sifatlar deyiladi. Ushbu doirada علی مرزبان راد ning to'g'ri yondashganini ko'rishimiz mumkin. U sifatning struktur jihatdan har bir turiga to'g'ri va aniq ta'rif berib, (faqat صفت مشتق (yasama sifat) izohi e'tiborga molik: "Yasama sifat shundayki, boshqa leksemadan olingan bo'lsa". Bunda asos va yasovchi qo'shimcha ko'zda tutilishi kerak edi. Ammo «انواع صفت مشتق» (yasama sifat turlari) nomi ostida keltirilgan bo'limda uning tarkibi to'ppa-to'g'ri ko'rsatilgan: a) صفت فاعلی b) صیغه مبالغه d) صفت مفعولی e) صفت نسبی f) دیگر صفات پدید آمده از پیشوند و پسوند (prefiks va suffikslar bilan yasalgan boshqa sifatlar. Ushbularning har biri asos va yasovchi qo'shimcha vositasida hosil qilinadi ) misollar keltiradi:

a) صفت بسیط - خوب, زرد, صادق …

b) صفت مرکّب - خوشخط, فرشته خوی, توانفرسا, پریچهر, بلند قامت, از پیش ساخته شده, آسیب پذیر, خیراندیش, عاقبت بخیر …

c) صفت جامد - سخت, زشت, تلخ, بزرگ, بد …

d) صفت مشتق - خردمند, ایرانی, آموزگار …

این دو صادق خرد و رأی که میزان دلند

بر پی عقرب عصیان شدنم نگذارند

(خاقانی)

خوشا عاشقی خاصه وقت جوانی
خوشا با پری چهرگان زندگانی
(فرخی: ۳۹۲ )

برده دل من به دست عشق زبون است
سخت زبونی که جان و دلْش زبون است
(جلاب)

یکی چاره ساز ای خردمند پیر
نبایدچنین ماند بر خیرخیر
(دقیقی)

Xulosa qilib aytganda, sifatlar strukturasi yuzasidan bayon qilingan qarashlar xilma-xil bo’lishiga qaramay, grammatiklarning nazariyalarini o’rganib atroflicha ma’lumotga ega bo’lish mumkin. Bu jihatdan صفت ساده (sodda sifat) yuzasidan olimlarning qarashlari bir xil. Ammo صفت مشتق (yasama sifat) va صفت مرکّب (murakkab (qo’shma sifat)) to’g’risidagi mulohazalar ushbu punktni to’liq yorita olmaydi yoki zid keladi. Aytib o’tish joizki, صفت مرکّب (murakkab (qo’shma sifat)) haqidagi دکترع خیّامپور yondashuvi har tomonlama to’g’ri va ularning hosil qilinishi 13 ta punktda batafsil izohlangan. Shuningdek, علی مرزبان راد grammatikasida sifatning struktur jihatdan har bir turiga to’g’ri va aniq izoh berilgan hamda misollar keltirilgan. Demak, mana shu ikki olimning qarashlari asosida sifatlar strukturasiga yondashuv haqiqatga muvofiq bo’ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1) Ahmadjon Quronbekov “Fors tili leksikologiyasi” Toshkent 2009, 6-bet
2) Quronbekov Ahmadjon “Forscha-o’zbekcha tilshunoslik terminlar lug’ati” Toshkent 2012, 48-bet
3) ابدالرحیم همایونفرخ «دستور جامع زبان فارسی» چاپ سوم ۱۳٦٤ صحفه ۲۹۰
4) مهدی معینیان «دستور زبان فارسی» ۱۳٦۹ صحفه ۲۰۵

5) ملک الشعرای بهار "دستور زبان فارسی"چاپ چهارم ١٣٦٦ صحفه ٥٩-٥٧ (Ushbu kitob "پنج استاد" nomi bilan mashhur)
6) دکترع خیّامپور "دستور زبان فارسی" ١٣٤٤ صحفه ٥١-٥٠
7) علی مرزبان راد "دستور سودمند" ١٣٥٨ صحفه ٥٩
8) سید اسماعیل عمادی حالری "دستور زبان فارسی" ١٣٧٤ صفحه ٢٧
9) http:// daneshnameh.roshd.ir
10) (https:// abadis.ir)

# SHAHRISABZ SHEVASIDA DIALEKTIZMLARNING MA’NOVIY GURUHLARI

**To`ychiyeva Madina To`xtamurod qizi**
Qarshi davlat universitetining Pedagogika instituti
Tillar fakulteti talabasi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada adabiy tilning shevalarga yaqinlasha borishi bilan birgalikda shevalarning adabiy tilga yaqinlasha borishi izohlanadi. Shu bilan birga hozirda tilshunoslik sohasini o`rganayotgan talabalar uchun adabiy tildagi so`zlarning shevadagi variantlarini bilish, dialektologiya sohasida ko`nikma va malaka hosil qilishda ushbu maqola salmoqli o`rinni tashkil etadi.

**Kalit so‘zlar:** Sheva, dialektizm, adabiy til, jonli til, adabiy til, dialektologiya, variant, fonetik xususiyat.

Sheva – biror til doirasidagi xalq jonli tilining o`ziga xos fonetik, leksik va Grammatik xususiyatlariga ega bo`lgan eng kichik qismi hisoblanadi.[12]

Biz bugun so`z yuritmoqchi bo`lgan shevalarimizdan biri Qashqadaryo viloyati Shahrisabz shahri shevalari haqida bo`lib o`tadi. Qashqadaryo viloyati O`rta Osiyoning qadimdan rivojlangan shaharlaridan biri hisoblanadi. Qashqadaryo viloyatining Shahrisabz shahri dialektikasi o`ziga xos o`rinni egallaydi. Shahrisabz shevasi qarluq shevasining Qarshi guruhiga mansub. Shahar aholisi o`ziga xos shevada gaplashadi. Shahrisabz shevasining eng sezilarli belgilaridan biri **–chi** qo`shimchasining qo`shilishidir. Masalan, adabiy tildagi [**kelar edi]** leksemasi Shahrisabz shevasida [***kelaychiydi]*** tarzida ishlatiladi.

## Fonetik xususiyatlari

[12]B. To`ychiyev, B.Xasanov “O`zbek dialektologiyasi “ Toshkent, 2004. 4-5-bet

1. Hozirgi zamon davom fe`li **–opti** yoki **–yopti** shaklida yasaladi: **[kelopti], [o`qiyopti], [beropti].**

2. Qayerga so`roq olmoshi: [**qerga], [qayoqqa], [anaqqa]** tarzida talaffuz qilinadi.

3. So`zning oxiridagi **-k** tovushi **-y** ga aylanadi. Talaffuzda **eshik – eshiy, teshik – teshiy** kabi.

4. Ba`zi fe`llarda so`zning oxiridagi **–d** tovushi **-l, -t** tarzida talaffuz qilinadi: Masalan: **keldi - kelli, ketdi – ketti** kabi.

5. Qaratqich kelishigi qo`shimchasi **-ning** talaffuzda tushum kelishigi tarzida aytiladi: **ukamning kitobi – ukamni kitobi, daraxtning bargi – daraxtni bargi** kabi.

6. **-lar** ko`plik qo`shimchasining oxirgi **r** harfi tushib qoladi.**Ular [*ula*], kelinglar [*kelila*]**

7. **Siz** 2-shaxs ko`plik qo`shimchasida ham **–z** tushib qoladi: **qilyapsizlar [*qilopsila*], ketyapsizlarmi?, [*ketopsilami?*].** Bu o`z navbatida ba’zi tushunmovchilikka olib keladi. **Sizlar nima qilyapsizlar [*sila nima qilopsila?*]** jumlasi agar o`zidan kattalarga nisbatan aytilganda, xuddi hurmatsizlikdek tuyuladi. Lekin unday emas.

O`tgan zamon davom fe`li kamdan-kam hollarda [**boreydim], [ishlaydim]** tarzida qo`llaniladi.

Endi shevada so`zlarni guruhlarga bo`lgan holda adabiy tildagi variantlari bilan birgalikda ko`rib chiqamiz.

Ya`ni shevadagi uy-ro`zg`or buyumlari, kiyim-kechak, hayvonlar va hasharotlar, taom nomlari, belgi-xususiyat, harakat va holat nomlari, urf-odat, dehqonchilikka, bog`dorchilikka, binokorlikka oid so`zlar, shaxsni ifodalovchi, zoonimlarning nomlarini transkripsiyalari bilan berib o`tamiz.

**Transkripsiya (lotincha – *transkripsio-* qayta yozish) – dialekt va shevalarda uchraydigan tovushlarning turli ko`rinishlarini yozuvda ifodalash uchun**

**qo`llaniladigan ma`lum belgilar sistemasidir. Til tovushlarini aniq ifodalash uchun xizmat qiladigan yozuv – transkripsiya.**[13]

Hozirgi zamon

| | Birlik | | Ko`plik | |
|---|---|---|---|---|
| Shaxs | Qarluq shevasida | Adabiy tilda | Qarluq shevasida | Adabiy tilde |
| I | Qilomman | Qilyapman | Qilommiz | Qilyapmiz |
| II | Qilopsan | Qilyapsan | Qilopsiz | Qilyapsiz |
| III | Qilopti | Qilyapti | Qiloptilar | Qilyaptilar |

O`tgan zamon

| | Birlik | | Ko`plik | |
|---|---|---|---|---|
| Shaxs | Qarluq shevasida | Adabiy tilda | Qarluq shevasida | Adabiy tilde |
| I | Kellim | Keldim | Kellik | Keldik |
| II | Kelling | Kelding | Kelliz | Keldiz |
| III | Kelli | Keldi | Kellilar | Keldilar |

Kelasi zamon

| | Birlik | | Ko`plik | |
|---|---|---|---|---|
| Shaxs | Qarluq shevasida | Adabiy tilda | Qarluq shevasida | Adabiy tilde |

13

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| I | Qimoqchiman | Qilmoqchiman | Qimoqchimiz | Qilmoqchimiz |
| II | Qimoqchisan | Qilmoqchisan | Qimoqchisiz | Qilmoqchisiz |
| III | Qimoqchi | Qilmoqchi | Qimoqchilar | Qilmoqchilar |

**Shevadagi qush, hayvon, hasharot nomlari**

It – kuchuk [ k[u]chuk ]

Mushuk – pishak [ pьshək]

Chumoli – muchcha [chumolь]

O`rgimchak – tartanak [o`rgьmchək]

Ho`kiz – juvana (mol) [ho`kьz]

Tarakan – suvarak [suvərək]

Asalari – zombir [əsələrь]

Qurbaqa – qurvaqa [qurbəqə]

Tovuq - tovug` [tɵvuq]

Sigir – inak [sьgьr]

**Shevadagi taom nomlari**

Loviya – luya [lɵbyэ]

Qatiq – chakki [qatьg`]

Laxcha - to`rtburchak shaklda kesilib qaynatilib tayyorlanadigan hamir ovqat [ləxchə]

Ko`cha osh – bug`doydan qilinadigan ovqat [ko`chə ɔsh]

Chuvara – chuchvara [chuvərə]

Shula – shovla [shulə]

Qallama – qatlama [qətləmə]

Piyova – suyuq taom turi [pьyɵvə]

Chalpak – nonning bir turi [chəlpək]

Sirvirich – shirguruch [shьrvьrьch]

Halvoytar – xolvaytar [holvaytar]

G`inalay sho`rva – tiftel [g`ьnələy]

Qatiqli osh – bu taomni tayyorlash uchun suvga guruch solinib yarim soat qaynatiladi, so`ngra qatiq solinib aralashtiriladi. [qətьg`lь ɔsh]

Atala – un qovrilib keyin suv va tuxum solinadigan quyuq taom turi. [ətələ]

Sutli osh - [sutlь ɔsh]

Zardop-zaddop qatiqdan sizdirib olinadigan suyuqlik. [zərdөp]

Yalpiz – pudana ariqchalar ichida o`sadigan o`simlik [pudənə]

**Shevadagi belgi-xususiyat (rang) nomlari**

Bika - qizg`ish bika pomidor [bьkə]

Tutaki – zangori [tutəkь]

Ko`krang – zaynovi [zəynəvь]

Qara – qora rang [qərə]

Oqish – oppoq rang [Өqьsh]

Sovsani – siyohrang [səvsənь]

**Shevadagi harakat holat nomlari**

Aytayapman – aytuvdim, aytgan edim [əytəyəymən]

Boddim – bordim [bɘddьm]

Boromman – boryapman [bɔryəpmən]

Boraychiydim – bormoqchiman [bɘraychiydьm]

**Shevadagi urf-odat nomlari**

Non sindirar – fotiha [nɔn sьndьrər]

To`qqiz to`y - bo`lajak kelinga sep kelishi [to`qqьz tɔy]

Beshshami – ayollar yig`ini [beshshəmmь]

Mushkulkusho – chorshanba kuni o`tkaziladigan xayr [mushkulkushɔ]

Arvoypir – erkaklar tomonidan "ishlarim yurishib ketsin" degan maqsadda qishloq oqsoqollari-yu keksalarini yig`ib, ulardan duo olish uchun o`tkaziladigan marosim [ərvɵypьr]

Uchoqshom – marhum nomiga is qilinib, aza libosi kiyiladi [uch ɔqshɔm]

Qirq – osh berib maraka qilinadi [qыrqы]

Soch ikkita – sunnat to`yida to`y bolaning onasini sochi ikkita qilinadi [sɔchьkkьtь]

Yuz ochti - to`ydan keyin kelinning yuzini ochish marosimi bo`lib o`tadi [Yuz ɔchtь]

Kelin salom - to`ydan keyin kelinning qaynona-qaynotasiga salom berishi [kьlin sələm]

Tirnoq yog`lari marosimi – kelinning oqligi bichiladi [tьrnɵq yɵg`lər]

Beshikka solar – yangi tug`ilgan chaqaloqni beshikka solish marosimi [beshьkkə sɔlər]

Aqiqa to`yi – chaqaloq sharafiga uyushtiriladigan ziyofat [əqьqə]

Chaqiddi – kelinni to`ydan keyin onasinikiga birinchi marta mehmon bo`lib kelishi [chəqьddь]

**Shevadagi kasb-hunarga oid so`zlar**

Girgirchi – tabib tomoqqa qoladigan narsalarni oladigan [gьrуьr]

Podachi - cho`pon [pɔdəchь]

**Bog`dorchilik va dehqonchilikka oid so`zlar**

Oshqovoq – kadi [kədь]

Kartoshka – kartishka [kərtɵshkə]

Sabzi – sovzi [səbzь]

Baqlajon – boyimjon [bɔуьnjɔn]

Bulg`or qalampiri – balgariski [bulg`ɵr qələmpрьь]

Makkajo`xori - jo`g`ori [məkkəjo`xөrь]

Danak – donay [dɔnək]

O`rik – zadolli [o`rьk]

Olcha – alvoli [ɔlvɔlьɔ]

Olma – alma [ɔlmə]

Yong`oq – yangok [yөng`өq]

Gudolli – qaroli olxo`ri [guddɔlь]

Turshak – meva qoqi [turshək]

Lavlagi – lovlovi [ləvləgь]

Nashvati – nashvoti [nɔshvɔtь]

Ishkom – vayish uzum novdasi osilib o`sadigan joy [ьshkөm]

Xulosa o`rnida shuni aytish mumkin-ki, Shahrisabz shevasi o`zining leksik-grammatik, fonetik xususiyatlari bilan boshqa o`zbek shevalaridan tubdan farq qiladi. Bu shevalardagi so`zlarning qo`llanishiga e’tibor beradigan bo`lsak deyarli har bir so`z ma`noviy guruhlarga ajratiladigan holda tasniflangan.Ya’ni biz bu so`zlarni har birini o`z ichiga qo`llanish doirasiga ko`ra kiyim-kechak,rang,urf-odat,taom,harakat-holat va uy-ro`zg`or buyumlari nomlari kabi guruhlarga bo`lgan holda adabiy tildagi variantlarini bilan birgalikda o`rganib chiqdik. Bizning Shahrisabz shahridagi shevalardan, ayniqsa, taom nomlari va urf-odatiga oid qo`llaniladigan so`zlarimiz e`tiborga molikdir. Chunki ularda boshqa shevalarda uchramaydigan noodatiy udum va an`analar ko`pchilik o`zga sheva vakillarining diqqat-e`tiborini tortadi va bu shevaga bo`lgan qiziqishini uyg`otadi. Shunday qilib, shevalar adabiy tilimizning boyib borishiga va uning yanada rivojlanishiga o`z hissasini qo`shadi. Adabiy til ham o`z navbatida shevalardan oziqlangan holda takomillashib va boyib boradi, chunki sheva bo`lmasa adabiy tilimizning kelajagi bo`lmaydi. Hayotiy ozuqa olib turadigan asos bo`lmasa, har qanday adabiy til vaqt o`tishi bilan o`lik tilga aylanadi. Shuning uchun ham shevalar har qanday adabiy tilning asosiy va rivojlanish poydevoridir. To`g`ri, shevaga xos so`zlarimizdan foydalanish nutqimizga xos xususiyat. Lekin shevada so`zlar ekanman, deb o`z adabiy tilimizning qonun-qoidalarini buzish,

mening nazarimda, madaniyatsizlik, o`z ona tilioga hurmatsizlik hisoblanadi. Shunday ekan, milat ko`zgusi bo`lgan o`z ona tilimizni asrab avaylaylik. Bu nafaqat bo`lajak tilshunoslarning, balki millatimiz har bir a’zosining muqaddas burch va vazifasi hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ashirboyev.S “O`zbek dialektologiyasi”. T., 2011. 2.

3. Jo`rayev.B “O`zbek adabiy tili va o`zbek dialektlari”. T., 1963.

4. Jo`rayev.B “Yuqori Qashqadadaryo o`zbek shevalari”. T., 1969.

5. To`ychiboyev.B., Xasanov.B “O`zbek dialektologiyasi`”. T., 2004.

# FORMATION AND DEVELOPMENT OF PRONUNCIATION IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING IN SCHOOL STUDENTS (1-4 classes)

**Tuychieva Nodira**
Assistant of Jizzakh branch of National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, master of JSPI
**Tojiqulova Maxfirat**
Teacher of school №23

**Annotation.** This article is about learning English in primary school in our country and teaching-related processes, age-related psychophysiological characteristics of students revealing ways to organize successful and effective English language learning given. The article deals with the theory of English language teaching methods in primary school basics and methods of effective use of innovative pedagogical technologies.

**Key words:** didactic, general methodical, principle, authentic material, multisensor, speech pattern, correlation, approach, verbalization, visual, intermediary language.

The modern purpose and content of teaching English in primary education and technology improvements, for small school-age students traditional and foreign experience in English language teaching practice due to lack of textbooks to generalize in the process of training teachers for this field efficiency is not achieved.

Today, about 60 percent of the world's population is two or more people knows that they can speak different languages. Globalization processes in the world acceleration, transition to free market relations, and high productivity encouraging the introduction of technology into 'linguistic capital', i.e. foreign the need for professionals who are fluent in languages (especially English) intensifies.

The process and content of learning through play is the language of the children a poem that introduces the customs and traditions of the country being studied and songs. This concept is known in Europe as "Neighbor (brother). The course is mainly for English speakers carried out by. In addition, in European countries, student migration is frequent and they have the opportunity to live in an English-speaking environment for some time. In that sense, it is a far cry from Europe promotion in countries with different locations and cultures not expedient. Learn English as a Communication it has the same meaning for everyone all over the world at the same time, it is easy to "export" teaching methods. proved to be difficult to do.

It is known that English is successfully mastered in a natural environment. Communicate with geographers who are geographically distant in the process of learning English in an educational setting where opportunities are not available achieving a practical goal is complicated. This is exactly the situation with English language learning causes a number of difficulties in teaching the subject. That's why reading bringing the process closer to the natural environment, creating natural speech situations in the classroom. It is important to conduct research on:

- Expanding the number of study hours and leaving school use English as a means of communication outside (modern) communicating with foreign peers using communication tools, cartoon and through the screening of feature films);

- Motivation of students to learn English organization of role-playing, didactic and didactic games that serve to enhance;

- Classroom interior wall exhibitions, book corner, students by engaging with various albums and portfolios created by creating an English-speaking environment there;

- through spiritual and educational activities, mini-projects, staging of fairy tales students' enjoyment of working with a teacher stabilization

The goal usually defines the content, that is, the content in the learning process if it is an educational event to be mastered, its product will be achieved leads to the goal. The practical purpose of teaching English (speaking activities) use of specific

language material and language units in speech set clear boundaries for participation in the development of skills and competencies such methodological problems are solved.

The system of spiritual values of culture as the goal of English language teaching is understood as The culture here is the people who are learning the language or by society, from the social to the philosophical created and collected on all fronts, realized or not represents a set of spiritual values.

Methods of learning English for primary school students.Here are some suggestions on how to look or get an appointment for appointments can be generalized. It is known that a small school-age student learns something in his native language acquisition (instrumental function), behavior control (regulatory) function), interact with others (interactive function), expression of personal feelings and meanings (personal function), study and to discover (heuristic function), to create the world of one's imagination (imagination function), information exchange (communicative function).

In conclusion English is all about teaching English to elementary school students it is recommended that you be trained to use it for its intended purpose. Stress-free situations in learning English importance is important. The lower the stress, the more effective the study will be high. From the learners' own personal learning methods. It is advisable to take into account the strengths and weaknesses of the output.

**References**


1. Williams M., Burden R. L. Psychology for language Teachers. A social constructivist approach. – L.: Cambridge University Press, 2010. – 40 b.
2. Birdsong D., Bialystok E., Hakuta K. Second Language Acquisition and the Critical Period Hypothesis. – L.: Lawrence Erlbaum associates publishers, 1999. – 182 p
3. Usha Dutta. Teaching of English at Primary Level in Government Schools. – New Delhi.: EdCIL (India)LTD, 2012.– 110 p.

# O'ZLASHMA LEKSEMALAR IMLOSI

**Mirzatillayeva Sayyora Zokirovna**
Farg'ona Davlat Universiteti
Lingvistika: o'zbek tili II bosqich magistranti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada o'zlashma leksemalarning imlo masalasi Abdurauf Fitart merosi asosida tadqiq etilib, misollar asosida yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** o'zlashma leksema, termin, lisoniy kommunikatsiya, lisoniy kontakt.

Bizga ma'lumki, o'zlashma leksemalar tilga ikki xil usulda o'zlashadi. Ya'ni og'zaki va yozma. Og'zaki tarzda so'z o'tishini o'zlashmalarning quyi darajasi deb atash mumkin, chunki bunda, asosan, uncha murakkab bo'lmagan, kundalik turmushda ishlatiladigan so'zlar o'tadi.[1,68] [14] Bu esa o'sha davr imlosida aks etadi. Yuqori darajadagi so'z o'zlashishi esa yozma usulda sodir bo'ladi desak yanglishmagan bo'lamiz. Bunda turli xalqlarning fan va madaniyat, adabiyot, texnika va san'at sohalaridagi aloqalari natijasida so'zlar bir tildan ikkinchisiga o'tadi. Bunday yo'l bilan, asosan, murakkab va tushunilishi qiyin bo'lgan ma'nolarni ifodalovchi termin va so'zlar kirib keladi. Darhaqiqat, so'z o'zlashtirish millatlararo kommunikatsiya, ijtimoiy va madaniy o'zaro ta'sir hamda tillar o'rtasidagi lisoniy kontakt mahsuli[2,92] [15] hisoblanib bu jarayon bir joyda to'xtab qolmaydi,aksincha, rivojlanib boradi. O'zlashma so'zlar tilga fonetik, grafik, leksik-semantik, grammatik va stilistik jihatdan o'zlashadi.[3,60][16] L. S . Peysikovning fikricha, eng qiyin kechadigani fonetik jarayon hisoblanadi. Darhaqiqat, o'zlashma so'z o'zini dastlab talaffuzda namoyon etadi, og'zaki nutqda ko'p bora qo'llanilganidan keyin moslashtirilgan holatda yozma nutqqa olib kiriladi. O'zbek tiliga o'zlashma leksemalarning kirib kelishi har xil davrlarda turli darajada sodir bo'lgan. Ayniqsa,

---

[14] Иброҳимов А.Ўзлашмаларда имло масаласи. Ўзбек тили ва адабиёти 2007.1-сон 68-бет
[15] Сирожиддинов Ш.Сўз ўзлаштириш омиллари. Ўзбек тили ва адабиёти 2017.1-сон 92-бет
[16] Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка.М.,1975.с.60.

XX asrning boshlarida bu jarayon yanada jadallashgan. Bu davrda tilimizga rus tili va rus tili orqali boshqa tillardan oʻzlashma leksemalarning kirishi kuchaygani koʻzga tashlanadi. Bu holatni biz Abdurauf Fitratning publitsistik merosi asosida dalillashga harakat qildik. Har bir yangilik dastlab publitsistikada oʻzini namoyon qilganidek, oʻzlashma soʻzlar ham bu turdagi materiallarda koʻp oʻrinlarda qoʻllaniladi. Masalan, *angliz (ingliz), noʻmir (nomer), noʻyabr (noyabr), no'ta (nota), pilon (plan), gazit (gazeta), poʻp (pop), koʻnsulxona (konsulxona), teleg'rof (telegraf), imperatoʻr (imperator), fransoʻz (fransuz), sosializm, sutsiolizm (sotsializm)* va b.

Namunada keltirilgan soʻzlarni Fitrat oʻzi qanday talaffuz etgan boʻlsa, shunday holatda maqolalarida ifoda etgan. Bu soʻzlar oʻsha davr uchun oʻz yangilik boʻyog'iga ega hisoblanadi. Oʻzlashma va qo'llanma so'zlar iste'molchi tilga nafaqat leksik-semantik, balki imloviy jihatdan ham moslashadi.[17][4,25] Chunki biz fikrimizga davr jihatidan yondashganimizda bu soʻzlar yozuvchi yashab ijod etgan paytda tilimizda endigina keng tarzda qoʻllanilayotgan edi. Shuning uchun ham ularning talaffuzida qator oʻzgarishlar sodir boʻlgan. Yuqoridagilardan tashqari qator joy nomlarini ham Fitrat qanday talaffuz etgan bo'lsa, imloda ham shunday ifoda etgan.

| T/r | Joyning nomi | Yozuvchi tomonidan qoʻllanilgan shakli |
|---|---|---|
| 1 | Rossiya | Rusiya |
| 2 | Riga | Rig'o |
| 3 | Alp | Olp |
| 4 | Petrograd | Petrog'rad |
| 5 | Kavkaz | Qafqos |
| 6 | Tatar | Totor |
| 7 | Yaponiya | Japun |
| 8 | Amerika | Amriqo |
| 9 | Afrika | Afriqo |

[17] Омонов М. "Бобурнома" даги изофий бирикмаларниниг лисоний тадкики.(PhD)диссер автореф:.Ф-2020

| | | |
|---|---|---|
| 10 | Fransiya | Faransiya |
| 11 | Germaniya | Olmoniyo |
| 12 | Avstriya-Vengriya | Avstriya-Mojoriston |
| 13 | Hindiston | Hinduston |

Olim qo‘llagan *галос (голос)-ovoz, списка-ro‘yxat, килисо-*cherkov, *ангел–farishta* so‘zlariga e’tibor qilaylik. Bu so‘zlar olimning maqolalarida keltirilgan lekin ular o‘zlashma sifatida bizning leksikamizga qabul qilinmagan. Chunki bu so‘zlarning tilimizda o‘z muqobil variant mavjud. Bu so‘zlardan cherkov rustilidan, farishta esa arab tilidan kirib kelgan. Abdurauf Fitratning bunday chet so‘zlarni o‘z asarlarida qo‘llashini olim ijodining o‘ziga xosligi deb ham atash mumkin. Bu holat albatta “lisoniy kontakt” natijasida sodir bo‘lgan. Bunda ikki tilning bir-biriga ta’siri yaqqol sezilib turibdi, bu esa imloda o‘z ifodasini topgan. Til rivoj topib borar ekan imlo qoidalari ham o‘zgarib boradi, ular o‘zida til taraqqiyotining muayyan bosqichlarini namoyon etadi. Shuning uchun ham imlo me’yorlarini ishlab chiqish til rivojidan ortda qolmasligi kerak. Chunki imlo masalasi til taraqqiyotida yetakchi o‘rinda turadi. Unga befarqlik bilan munosabatda bo‘lish tilning yanada rivoj topishiga to‘sqinlik qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

**1.** *Иброҳимов А.*Ўзлашмаларда имло масаласи. Ўзбек тили ва адабиёти 2007.1-сон 68-бет.

**2.** *Сирожиддинов Ш.*Сўз ўзлаштириш омиллари. Ўзбек тили ва адабиёти 2017.1-сон 92-бет.

**3.** *Пейсиков Л.С.* Лексикология современного персидского языка.М.,1975.с.60.

**4.** *Омонов М.* “Бобурнома” даги изофий бирикмаларнииг лисоний тадқиқи.(PhD)диссер автореф:.Ф-2020

# ILK YOSHDAGI BOLALARDA EMAKLASHNING AHAMIYATI

**Ashirova O’g’iloy Abduvali qizi,**

**Mavlonova Sitorabonu Alisher qizi**

Guliston davlat universiteti, Ta’lim tarbiya nazariyasi va metodikasi (maktabgacha ta’lim) yo’nalishi magistrlari

**Annotatsiya:** Maqolada emaklashning foydali xususiyatlari tasvirlangan. Ota-onalarga bu borada tavsiyalar berilgan.

**Kalit so’zlar:** emaklash, rivojlanish davri, nutq qobiliyati, miya rivojlanishi, mental arifmetika.

Emaklash bola uchun muhim rivojlanish davridir. Bola sakkiz oylik bo’lgach emaklashni boshlaydi. Bola psixikasining rivojlanishida bu yangi harakatning ahamiyati kattadir. Emaklay boshlagach, bolaning atrofidagi narsalar bilan munosabatda bo’lish imkoniyati kengayadi. Biz bolani erta yurishga undab bu davrni tez o’tkazib yuborsak, bola muhim rivojlanish davridan mahrum bo’ladi.

“Bola o’zi mustaqil turishni o’rganmasdan turib vertikal (yotgan) holatidan majburiy gorizontal(tik) holatga o’tkazish bolaning umurtqasiga birikkan paylar va mushaklar yetarlicha rivojlanmaganligi hisobiga disk churralari kelib chiqishiga sabab bo’ladi. Bolada o’tirish, emaklash, yurish tabiiy fiziolgik jarayon bo’lib, bunda organizm har tomonlama suyak, pay, mushaklar, psixologik signal, miyadagi koordinatsion harakatlar uchun javobgar zonalar, muvozanat organlari, himoya reflekslari xullas qanchadan- qancha o’zgarishlar bo’lishi kerak. Bu narsani sizu- biz boshqara olmaymiz. Organizm shu qadar mukammal tuzilganki to shu tuzilmalar barchasi tayyor bo’lmaguncha bola yura olmaydi”.[2]

Sony korporatsiyasining asoschisi, muhandis, tadbirkor Masaru Ibuka o’zining “Uchgacha ayni vaqti” kitobida quyidagi fikrlarni ta’kidlab o’tgan: “Go’dak emaklaganida butun kuchi bilan boshini ko’tarishga va ushlab turishga harakat qiladi. Bu harakat bola orqa tomonida yotganida boshni ko’tarishidan farq qiladi. Chunki

emaklash uchun, xuddi uni orqaga otishga chog'langan kabi, bola boshini ko'kragidan ko'tarishi kerak. Emaklash miya rivojlanishini va bo'yin mushaklarini faollashtiradi, bu uning asab tizimi, ruhiyati uchun ham foydali sanaladi".[1]

Zamonaviy tibbiyotda qayd etilishicha, emaklash bosqichini o'tkazib yuborgan yoki tez o'tkazgan bolalar o'z tengqurlaridan nutqning rivojlanish darajasi bo'yicha ancha orqada bo'ladilar.[1]

Yaxshilab emaklab sekin- asta avval turishni, keyin stol va devorlarni ushlab yurishni o'rgangan bola kam yiqiladi, chunki u devor, qirra, burchak, balandlik, pastlik kabi narsalarni ajratishni paypaslab ushlab o'zini ehtiyotlab yurishni o'rganadi. Agar biz bolani majburan ertaroq yurishga undasak unda yuqoridagi kabi ko'nikmalar shakllanmay qoladi.

Bola emaklayotganda uning barmoqlari faol harakatda bo'ladi, bu orqali esa unda mayda motorika yaxshi rivojlanadi, nutqning rivojlanishi mayda matorika bilan uzviy bog'liq, shifokorlarning ta'kidlashicha, barmoq uchi va o'z harakatlarini boshqarish ko'nikmasi miyaning nutq uchun javob beruvchi qismlari bilan bevosita bog'liqdir.

So'nggi yillarda oyoq- qo'l harakati, ayniqsa, barmoqlar harakatiga e'tibor qaratmoqdalar. Barmoq uchlarini mashq qildirish miya hujayralari ishini yaxshi rag'batlantiradi, shuning uchun skripka yoki pianino chalishni erta o'rganganlar orasida aqilli bolalar juda ko'p.[1] Men mental arifmetikani ham shunday mashg'ulotlar sirasiga qo'shaman, sababi, mental arifmetikada ham asosan, barmoq uchlari ishlaydi, bu esa miyani yaxshi ishlashiga, aqliy faoliyatni o'sishiga yordam beradi.

Mayda motorikaning (barmoqlar harakati) ahamiyatini tushungan holda shifokorlar, masalan, barmoqlarning mayda va aniq harakatlari go'dak miyasining rivojlanishini rag'batlantiruvchi origami va ayatori mashg'ulotlarini tavsiya qiladilar. Oddiy bo'lmagan ishni to'g'ri bajarish uchun harakatlar tartibiga rioya etish kerak, bu esa boladan fikrni bir joyga jamlashni talab qiladi. Mayda motorika bo'yicha bunday murakkab mashqlar go'dakda chidamlilik va diqqatni jamlash qobiliyatini rivojlantiradi.[1]

Bu kabi ma’lumotlarni biladigan soha mutaxasisi sifatida men farzandimni ko’proq emaklashi tarafdori bo’ldim. Lekin turmush o’rtog’im farzandimizni tezroq yurishini hohlardi. Ammo bunday hodisalarni shoshiltirib bo’lmasligini tushuntirdim. Ko’p yillik kuzatuvlarim natijasida shuni bildimki, emaklamay yurgan jiyanlarim bilan, emaklash bosqichini yaxshi o’tkazgan jiyanlarim orasidagi farq, ularning nutqida va muvozanat saqlash holatlarida yaxshi bilinardi.

Farzandim bir yoshgacha emakladi, keyin yurishni boshladi. Yurayotganda o’zi uchun xavfli deb bilgan joyga yetganda yurishdan to’xtab, sekin o’tirib so’ngra emaklab shunday to’siqlardan o’tib olardi, bu bilan u qattiq jarohat olishdan saqlanardi. Bu orqali unda mustaqillik ko’nikmalari ham shakllanib bordi. Nutqi ham tengqurlariga nisbatan erta va yaxshi rivojlandi.

Amerikadagi “Inson imkoniyatiga erishish instituti” nomli tashkilot asoschisi, professor Glen Doman emaklamasdan yurishga o’tgan bolalarning nutq qobiliyati emaklash bosqichini o’tgan bolalardan farqlanishi haqidagi tadqiqotini e’lon qildi. U emaklash odam miyasiga naqadar ta’sir qilishiga e’tibor qaratdi. Olim hattoki aqliy zaiflik, ensefalopatiya va insultdan so’ng qisman shollikni davolashda emaklashdan foydalanishni taklif qildi.[1]

Xulosa qilib aytadigan bo’lsam, emaklashning shuncha foydali jihatlari bor, lekin hali- hanuzgacha ota- onalar farzandlarini emaklamasdan erta yurishga undashmoqda, bu juda yomon. Ota- onalarning bunday majburlashlari oqibatida bola bir muhim rivojlanish davridan mahrum bo’ladi va bu bolada turli kamchiliklar keltirib chiqarishi mumkin. Axir emaklash miya rivojlanishiga, bo’yin mushaklarini faollashuviga, nutq qobiliyatini yaxshilashga xizmat qiladi. Bu bosqichni “sakrab” o’tkazib yuborish mumkin emas.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

**1.** Masaru Ibuka: “Uchgacha ayni vaqti”. Toshkent “Akademnashr”2021. B:120-123; 165-166.

**2.** http://darakchi.uz.

# IMKONIYATI CHEKLANGAN INSONLARNI JAMIYATGA YO‘NALTIRISH VA IJTIMOIYLASHUVINI OSHIRISH

**Salimova Marjona Salomovna**

Termiz davlat universiteti, Ijtimoiy fanlar fakulteti, Amaliy Psixologiya yo‘nalishi 2-kurs, 211-guruh talabasi

**Annotatsiya:** Jamiyatning ijtimoiylashmagan qatlami, imkoniyati cheklangan insonlar, ularda uchraydigan muammolar, kamsitilish, moslasholmaslik holatlari. Imkoniyati cheklangan va sog‘lom talaba qizlar o‘rtasida “Optimizm” darajasini aniqlash maqsadida o‘tkazilgan kichik tadqiqot natijalari tahlili, muammo va yechim, imkoniyati cheklangan insonlarning ijtimoiylashmaganligi, moslasholmasligi sabablari va ularni jamiyatga yo‘naltirish kabi holatlarga to‘xtalib o‘tamiz.

**Kalit so‘zlar:** Moslashuvchanlik, ijtimoiylashuv, imkoniyati cheklangan insonlar, yakkalanish, kamsitilish, psixika, jismoniy nuqson, optimizm, pessimizm, psixologik.

Psixologiya insonlar ruhiyatini tadqiq qilar ekan, avvalo, shunga muhtojlarni ruhiyatini o‘rganishi va ularga yordam berishi kerak bo‘ladi. Anchadan buyon qo‘limga qalam tutishga chog‘lanaman, ammo nimadir sabab bo‘lib, bunga hech xafsala qilmay kelayotgan edim. Bugun duch kelgan vaziyatim qalbim tubida tosh qotgan og‘rig‘imni qog‘ozga, qog‘ozdan amalga ko‘chirishga undadi. Bas! bo‘lajak psixolog sifatida qismatdoshlarimning taqdiriga endi befarq bo‘la olmayman. Psixologiya sohasiga qadam qo‘yishimga sabab bo‘lgan motivimni qo‘zg’adi va maqsadimni yodimga soldi duch kelayotgan vaziyatlarim...

Jamiyatda, normal sharoitda yashayotgan sog‘lom insonlar bilan birga, jismoniy jihatdan yetuk bo‘lmagan imkoniyati cheklangan insonlar ham yashaydilar. Garchi ularda aqliy faoliyat me’yorida bo‘lsada, jismoniy holatlaridan kelib chiqqan ruhiy muvozanatning buzilishi, tushkunlik, odamovilik, moslashuvchanlikning pastligi, ijtimoiylashuvning sustligi kabi holatlar bu kabi insonlarni jamiyat hayotida

faol ishtirok eta olmasliklariga sabab bo‘ladi. Shundan kelib chiqqan holda ularni to‘laqonli hayotga qo‘shish bugungi psixologik xizmat ko‘rsatuvchi amaliyotchilarning oldida turgan dolzarb vazifalardan biridir.

Ayni damda tasdiqlangan raqamlar mavjud bo‘lmasada, lekin mamlakatimizda ham jismoniy imkoniyati cheklangan insonlarning ruhiy va ma’naviy muammolari borligi, jamiyatning faol a’zolari (sog‘lom qatlam) tomonidan tahqirlanishi, kamsitilishi, yoki ular o‘zlarini shu jamiyatning to‘laqonli a’zosi sifatida ko‘rmasliklari oydinlashib bormoqda.

Bugungi kunda mamlakatimizda ijtimoiy himoyaga muhtoj insonlarga yaratilgan imkoniyatlar bilan birga, imkoniyati cheklangan maktab yoshidagi bolalarni uy sharoitida yakka tartibda o‘qitish kabi amaliy ishlar yo‘lga qo‘yilgan. Bu kabi ishlar tahsinga sazovor albatta, ammo shu bilan birga bu holat imkoniyati cheklangan bolani yakkalanishi va ijtimoiylashuvining qiyinlashuviga, jamiyatdan uzilib qolishiga olib kelishi turgan gapdir. Shundog‘ ham o‘zini zaif xis qiladigan bolaning ruhiyati uchun bu psixologik zarba bo‘lishi mumkin. Uning ruhiyatida bolaligidan shakllanib kelgan "Men boshqalardek emasman" degan tushuncha yoniga endi "Men ulardek bo‘lolmayman" degan mafkura shakllanib boradi. Bu esa uning psixikasining rivojlanishida o‘z aksini topib kelajak hayotida iz qoldirib boradi.

Shu o‘rinda imkoniyati cheklangan murg‘ak qalbning yaqinlari, oila a’zolari, pedagok o‘qituvchilar va albatta psixologlar zimmasiga katta mas’uliyat yuklanadi. Shuningdek jamiyatning boshqa a’zolari ham o‘z qarashlarini o‘zgartirishlariga to‘g‘ri keladi.

Sharqona mentalitet – biz mehribon va shavqatli xalqmiz. Shu sababli miskinlarga, mazlumlarga, shavqat ko‘zi bilan qarash qon-qonimizga singib ketgan. Bu yaxshi, albatta. Dinimiz ham shuni buyuradi. Ammo meyoridan oshib ketgan mehr-shavqat, achinish hissi aqliy jihatdan yetuk, psixikasi sog‘lom, faqatgina jismoniy nuqsoni bo‘lgan insonning ruhiyatida buzilishlarni keltirib chiqaribgina qolmay, uning psixikasida shakllangan "Men boshqalardek emasman" "Men ulardek bo‘lolmayman" degan qarashlarning tasdiqlanishiga olib keladi.

Bugungi kunda psixologiyaning keng tarmoqlari turli sohalarni qamrab olar ekan, turli patalogiyalarni o‘rganish bilan birga, jismoniy jihatdan imkoniyati cheklangan shaxslarning ijtimoiylashuvini shakllantiradigan tarmog‘i ham vujudga kelishi kerak.

Konstitutsiyamizda belgilab qo‘yilganidek kemtik jismli insonlar ham jamiyat hayotida faol ishtirok etishga haqlidirlar...

Jismoniy nuqsonga ega bo‘lgan insonlar, sog‘lom fikrli, dunyo qarashi keng, sezgir bo‘lishiga qaramay, ularning ko‘pchiligidagi ijtimoiylashuvning sustligi sabab, yetuk shaxs sifatida qabul qilinmaydi. Shu sababdan birinchi galdagi vazifa ularni ijtimoiylashuvini ta'minlash, yangi muhitlarga adaptatsiyasini tezlashtirish, atrofdagilarning unga bo‘lgan munosabatlarini o‘zgartirish, ya'ni rahm-shafqatni motivatsion kuch berishga almashtirish...

Bu kabi ishlar qancha erta amalga oshirilsa o‘sha insonning hayotida shunchalik yaxshi tomonga o‘zgarishlar bo‘lishi aniq. Unga "Sen eplaysan" degan tushunchani shakllantirish lozim. Shundagina u- "Men boshqalardek emasman" yoki "Men ulardek bo‘lolmayman" degan tushunchalarni "Men jismoniy jihatdan nuqsonli bo‘lsam ham, aqliy jihatda yoki mehnat faoliyatida yetukman" degan g’oyaga aylantirishi mumkin bo‘ladi. Shu bilan birga, imkoniyati cheklangan shaxslarni sport, mehnat faoliyati, kasb-hunar, oliy ta’lim bilan qamrab olish ham ularda kelajakka bo‘lgan ishonchni, ruhiy barkamollikni taminlashga yordam beradi. Buning uchun ularni shu jarayonga moslashtirib, yo‘naltirib, ijobiy motivatsiyani shakllantirib borish lozim. Bunga misol qilib, shu kunlarda oliy ta’limda o‘qiydigan talaba qizlar o‘rtasida tor doirada, "Optimizim" ni aniqlash uchun o‘tkazilgan psixologik metodika natijalarini keltirishimiz mumkin:

Bunga ko‘ra imkoniyati cheklangan talaba qizlarda optimizm darajasi 67,5 % ni ko‘rsatmoqda. Vaholan-ki sog‘lom bo‘lgan talaba qizlarda -bu ko‘rsatgich 63,15 % ni ko‘rsatmoqda.  Ya’ni oliy ta’lim bilan qamrab olingan, hayotda maqsadi bor jismoniy imkoniyati cheklangan qizlarda optimizm darajasi sog‘lom qizlarga qaraganda baland. (Shu o‘rinda og‘riqli bir masala: talaba qizlarda umumiy o‘rtacha natijalar tahlil qilinganda "To‘liq optimizm" darajasi past).

Shu oʻrinda ushbu tadqiqot natijalariga bir oz toʻxtalib oʻtadigan boʻlsak:

Tadqiqotda ishtirokchilarning yosh chegarasi 18 yoshdan 33 yoshgacha boʻlgan jismoniy imkoniyati cheklangan va sogʻligida muammo boʻlmagan talaba qizlarni qamrab oldi. Shundan 23,3% ni 18-19 yosh, 30% ni 20 yoshdan 22 yoshgacha, 13,3% ni 22 dan-24 yoshgacha, 20% ni 24-26 yoshgacha, 3,3% ni 26 yoshdan 30 yoshgacha va 6,6% ni 33 yoshgacha boʻlgan talaba qizlar qamrab oldi.

Ishtirokchilarning maksimal balni toʻplash darajasiga koʻra koʻrsatgichi quyidagicha:

Sinaluvchilarning 3,3% maksimal ballning 50% ni toʻpladi, 30% ishtirokchi 60% dan yuqori, 26,6% sinaluvchi 70% yuqori, ishtirok etganlarning eng koʻp qismi, ya'ni 33,3% 80% dan yuqori ball toʻplagan boʻlsa, eng yuqori ballni, ya'ni 90% dan yuqori natijani 6,6% ishtirokchi koʻpsatdi. Umumiy natijalarni tahlil qiladigan boʻlsak ishtirokchilarning 13,3% "Toʻliq optimist", 80% "Pessimistdan koʻra Optimist", 3,3% "Optimistdan koʻra Pessimist", 3,3% "Toʻliq Pessimist" ekanligi koʻrildi.

Shuningdek umumiy natijalar ikkiga (imkoniyati cheklangan va cheklanmagan talaba qizlar) boʻlib tahlil qilinganda yuqorida aytib oʻtganimdek imkoniyati cheklangan talaba qizlarda Optimizm darajasi 67,5% ni, soʻgʻligida muammo boʻlmagan talaba qizlarda 63,15% ni koʻrsatdi. Sinov natijalariga koʻra yana shu narsani koʻrish mumkin boʻldiki, pedagogik sohada tahsin olayotgan talabalardan koʻra boʻlajak matematiklarda optimistik qarashlar yuqoriroq ekan. Bu narsa statistik tahlil qilinishi kerak boʻladi. Statistik tahlildan soʻnggina yakuniy xulosa qilish mumkin. Toʻgʻri tor doirada oʻtkazilgan tadqiqot natijalaridan xulosa yasashga erta, ammo- bu natijalar tahlili ijtimoiylashgan imkoniyati cheklanganlarda faol hayot darajasi oshishini koʻrsatmoqda. Tadqiqot keng miqyosda oʻtkazilib natijadan olingan xulosalar hayotga tadbiq qilinishi shart. Shu bilan birga – bu psixologik tadqiqot, "Ijtimoiylashgan" va "ljtimoiylashmagan" jismoniy imkoniyati cheklangan insonlar oʻrtasida oʻtkazilib, ular oʻrtasidagi tafovut solishtirilishi lozim.

Tadqiqotdan olinadigan natijalarni oldindan pragnoz qilish mumkin, ammo bu tafovut qancha farq bilan boʻladi ana shu muhim masala. Shu bilan birga

imkoniyati cheklangan insonlar uchun mos kasbni ularning jismoniy holatidan kelib chiqib moslashtirilishi va bu ijtimoiy so‘rovnomalar orqali aniqlab olinishi kerak bo‘ladi. Eng muhimi esa jamiyatning faol a’zolari (sog‘lom shaxslar) ular bilan bir qatorda shu jamiyatda ulardan kam salohiyatga ega bo‘lmagan o‘zga bir jamiyat kishilari ham yashayotganligini unutmasalar bas! Qarashlarni o‘zgartiradigan vaqt keldi!

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. Nogironligi bo‘lgan shaxslarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 1-avgustdagi F-5006 son farmoishi.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida PF-5847 son. 08.10.2019.
3. Ijtimoiy psixologiya. Vasila Karimova.
4. “Imkoniyati cheklangan o‘smirlarni ijtimoiy hayotga tayyorlashning pedagogik asoslari”. Maqsudova Nodira Alijonovna Magist darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. 2016-yil.

# TA’LIM SIFATINI OSHIRISHDA VIRTUAL DASTURIY VOSITALARDAN FOYDALANISHNI TASHKIL ETISH

**Aminov Istam Barnoyevich,**

**Doniyorova Gulshan Toshmirzayevna**

Sh.Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti

**Annotatsiya:** Zamonaviy virtual dasturiy vositalar ta’lim jarayonida keng qo‘llaniladi. Ushbu maqolada ta’lim sifatini oshirishda o‘qituvchilarning virtual dasturiy vositalardan foydalanish kompetentligini shakllantirishning uslubiy asoslari, samaradordigi va istiqbollari yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** kompyuter texnologiyalari, pedagogik virtual dasturiy vosita, masofaviy o‘qitish dasturlari.

Ta’lim jarayonida o‘quvchilarga turli fanlardan bilim beruvchi pedagog kadrlarni zamonaviy virtual dasturiy vositalalaridan foydalanishlari uchun, eng avvalo bu sohadagi kompetentligini shakllantirish, ta’lim tizimini texnik va virtual dasturiy jihatdan ta’minlash, internetdan foydalanish imkoniyatlarini to‘la yaratib berish orqaligina samarali natijaga erishish mumkin. Chunki ta’lim tizimi sifatini oshirish jarayonini zamonaviy virtual dasturiy vositalari asosida tashkil etish quyidagi talablarga javob bera olishi lozim [4]:

– fanning ilg‘or yutuqlari va elektron axborot vositalaridan foydalanish, dars jarayonini zamonaviy texnologiyalar asosida tashkil etish;

– ta’lim jarayonida virtual dasturiy vositalari yordamida barcha didaktik tamoyil va qoidalarning optimal nisbatlarini ta’minlash, o‘quvchilarning qiziqishlari, layoqati va talablarini hisobga olish asosida ular tomonidan bilimlarning puxta o‘zlashtirilishi uchun zarur shart sharoitlarni yaratish;

– virtual dasturiy vositalari asosida o‘quvchilar anglab etadigan fanlararo bog‘liqliklarni o‘rnatish, ilgari o‘rganilgan bilim va malakalari, shuningdek, o‘quvchilarning rivojlanish darajasiga tayanish;

– virtual dasturiy vositalari asosida zarur bilim, ko‘nikma va malakalar, fikrlash va faoliyat ratsional usullarini shakllantirish va mavjud bilimlarni doimo boyitib borish ehtiyojini yuzaga keltirish xamda har bir darsni puxta
loyihalashtirish, rejalashtirish, tashhis va bashorat qilish.

Ta’lim sifatini oshirishda o‘qituvchilarning virtual dasturiy vositalardan foydalanish kompetentligini shakllantirish maqsadida respublikamiz o‘quv yurtlarida ta’lim tizimini komputer, multimediali elektron qo‘llanmalar, internet, elektron ma’lumotlar bazasi, masofadan o‘qitish kabi yangi axborot texnologiyalari asosida tashkil etishni yanada yuqori darajaga olib chiqish hamda dars jarayonida o‘quv, o‘qitish, modellashtirish, amaliy, axborotli va boshqa dasturlardan keng foydalanish oid bir qator ishlar amalga oshirilmoqda.

Ma’lumki, birgina shaxsiy kompyuterlarning paydo bo‘lishi va ulardan barcha sohalarda keng foydalanish ta’lim tizimi imkoniyatlari tubdan o‘zgartirdi, shu bilan birga Internet tarmog‘i ta’lim tizimiga yangi elektron axborot vositalarini tatbiq etish bo‘yicha yanada katta imkoniyatlar yaratmoqda. Shuning uchun ham ta’lim sifatini oshirishda o‘qituvchilarning virtual dasturiy vositalardan foydalanish kompetentligini rivojlantirish eng avvalo, ilg‘or pedagogik va axborot texnologiyalarini ta’lim va tarbiya tizimiga tatbiq etish bilan bog‘liq bo‘lib komputerli ta’limning shakllanishiga imkon beradi. Ta’lim tizimida zamonaviy dasturlar bilan ta’minlangan komputerlarni deyarli barcha didaktik masalalarni, shu jumladan axborotni yig‘ish, saqlash va uzatish, o‘quv-tarbiyaviy jarayonini boshqarish, talabalar bilimini nazorat va tahlil qilish, mashqlarni bajarish, o‘quv jarayoni rivojlanishi haqida ma’lumotlarni to‘plash kabi boshqa masalalarni hal etishda tatbiq etish mumkin.

Ta’lim tizimida axborot va innovatsion texnologiyalaridan mukammal foydalanish uchun asosiy e’tibor, eng avvalo, o‘qituvchiga va talabaga zarur bo‘lgan

sharoitni yaratish hamda ta’lim -tarbiya jarayonlarida zamonaviy virtual dasturiy vositalaridan samarali foydalanishni o‘rganishlari lozim [2]:

– matn, jadval va taqdimot yaratish dasturlari:Word, Excel, Power Point, Access ;

– test yaratish dasturlari : MyTest, EasyQuizy, Hot Potatoes, iSpring Quiz Maker, SunRavTest, SunRavTestPro;

– multimediali hujjatlar yaratish dasturlari: Auto Play Media Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes **,** AutoPlay, AutoCAD **;**

– video taqdimotlarini yaratish dasturlari: Bandicam, Comtasiya Studio, Snagit, iSpring Conventor, iSpring Kinetics, iSpring Sute, iSpring Quiz Maker, iSpring Pro ;

– matematik hisoblashlar va modellashtirish dasturlari: Criocodile Physics, Crocodile Chemistry, Crocodile Technology, Crocodile Mathematics, Crocodile ICT, Astronomy;

– grafik dasturlari : Adobe Photoshop, Corel Draw, Adobe_Illustrator, Animator_Pro;

– uch o‘lchovli grafika: 3D Studio , 3D Studio MAX , Prisms, Three-D, SoftImage.

Hozirgi kunda ta’lim jarayoni sifatini oshirishning asosiy omillaridan biri, o‘qituvchilarning masofaviy o‘qitishning texnologiyalari va ularni tashkil qilish virtual dasturiy vositalaridan foydalanish kompetentligini shakllantirishdir. Bu esa o‘z navbatida ulardan masofaviy o‘qitish tizimini samarali yo‘lga qo‘yish, shu orqali ijobiy natijalarga erishish va zamonaviy virtual dasturiy vositalardan foydalanish kasbiy kompetentligini shakllantirish texnologiyasini yaratishda muayyan o‘zgarishlarni amalga oshirish zaruriyatini keltirib chiqaradi.

Hozirgi vaqtda keng tarqalgan masofaviy ta’limni boshqarish tizimlaridan biri - LMS Moodle Moodle (Модулярная Объектно-Ориентированная Динамическая Обучающая Среда) [3].

Moodle ochiq kodli (Open Source) virtual dasturiy ta’minot sifatida GNU Public License bilan tarqatiladi. Moodle o‘qitishni boshqarish tizimlari (Learning Management System) sinfiga tegishli bo‘lib, ko‘pchilikning birgalikda foydalanishiga imkon beruvchi online o‘quv materiallarni ishlab chiqish, boshqarish va tarqatish uchun xizmat qiladi. Ushbu o‘quv materiallar vizual o‘quv muhitda o‘rganish ketma-ketmaligini saqlagan holda yaratiladi.

O‘qituvchi Moodledan foydalanib o‘z kursini yaratishi, uni matn,

yordamchi fayllar, prezentatsiyalar, so‘rovnomalar va boshqa xil shakldagi materiallar bilan to‘ldirib borish imkoniyatiga ega. Kursning har bir modulidan so‘ng oraliq nazorat testi o‘tkazilishi mumkin. Talabalarning topshiriqlarni bajarish natijalariga asosan o‘qituvchi baholar qo‘yishi va javoblarga izohlar berishi mumkin. Boshqacha aytganda, Moodleni o‘quv materialini yaratish va o‘quv jarayoni ishtirokchilari o‘rtasida interaktiv aloqani ta’minlashga xizmat qiladigan bir markaz deyish mumkin. Moodle o‘qituvchiga nafaqat talabalar bilan teskari aloqani samarali ravishda tashkillashtirish va ularning bilimini baholash, balki ma’ruza materiallari va amaliy mashg‘ulotlar tuzilmasini osongina o‘zgartirish uchun vositalar taqdim etadi.

Zoom dasturi zamonaviy axborot, telekommunikatsiya va veb texno-logiyalar imkoniyatlariga ko‘ra rang-barangligi, kontentning barcha yoshdagi iste’molchilarga moslashtirilganligi bilan o‘ziga jalb etadi. Natijada, o‘quvchilarga karantin sharoitida mustaqil ta’lim olishga ko‘maklashish, elektron ta’lim resurslaridan samarali foydalanish, ularga yangiliklarni tezkor ravishda etkazish imkonini berishi jarayon ishtirokchilarida qiziqishni kuchaytiradi. Undan foydalanishning oson va oddiyligi, yoshidan qat’i nazar zamonaviy internet va axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan samarali foydalanib barcha ta’lim ishtirokchilariga masofadan yordam berish imkonini ta’minlaydi.

Ushbu virtual dasturiy vositalar masofaviy o‘qitishni yo‘lga qo‘yish va uni uzatishda asosiy roль o‘ynashiga qaramasdan, masofaviy o‘qitishda shtirok etayotgan o‘qituvchilar asosiy e’tiborlarini axborot tashish texnologiya-siga

emas, aksincha, o‘qitish natijasiga qaratishlari lozim. Samarali masofaviy o‘qitish jarayonini tashkil qilish yo‘lidagi birinchi qadamlarga o‘quvchilarning talablarini aniqlash, o‘quv materiallarining mazmunini tanlash va o‘qituvchi uchun o‘quv jarayonidagi mavjud chegaralarni aniqlash ishlari kiradi.

Xulosa qilib aytganda, o‘qituvchilarning virtual dasturiy vositalardan foydalanish kompetentligini shakllantirish ta’lim tizimi sifatini oshirishning

quyidagi asosiy yo‘nalishlarini aniqlashga imkon beradi:

– ta’lim tizimida o‘qitiladigan barcha fanlar bo‘yicha o‘zlashtirish darajasini oshirishni ta’minlash;

– ta’lim tizimida o‘quvchilarning qobiliyati, iqtidori, mustaqil fikrlash, kommunikativ malakalarni shakllantirish, fanlar bo‘yicha bilim egallashni rivojlantirish, malak va ko‘nikmani shakllantirishga imkon beruvchi jarayonlarga e’tiborni kuchaytirish;

– talabalar bilimini nazorat qilish uchun virtual dasturiy vositalaridan avtomatlashtirilgan test sinovlari o‘tkazish, baholash va boshqarishda keng foydalanish, ya’ni pedagogik jarayonning samaradorligini oshirish;

– o‘zlashtirilgan tajribalarni k,ayta ishlash, izlanuvchanlik va ijodkorlik faoliyatlarida namoyon bo‘ladigan anik, ifodalangan kasbiy yo‘naltirilganlik, bilimlarni egallash faolligini oshirish;

– kasbiy faoliyatda kup uchraydigan xar qanday nostandart vaziyatlarda mustaqil ravishda qaror qabul kila olishga, shuningdek, dars jarayoni virtual dasturiy vositalar asosida tashkil etish va natijalarini tahlil qila oladigan bilishga asos yaratadigan ilmiy tafakkurni rivojlantirish.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

**1.** «Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari» to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 24 aprel 2017 yil, Toshkent.

**2.** Аминов И.Б., Кадиров Т.Формирования информационной компетентности учителей математики с применением межпредмедной связи информатики и математики.//Научно –методический журнал «Вестник науки и образования», eLIBRARY, Академия Google, 2019, №22(76).Част 2. стр. 44-47.

**3.** Алькова Л.А. Система Moodle как средство реализации электронной информационно-образовательной среды вуза / Л.А. Алькова // Информация и образование: границы коммуникаций. – 2016. – № 8(16). – С. 58–59.

**4.** Савельева, С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе вуза: монография. – Воскресенск, 2012. – 218 с.

# IMPROVING STUDENTS' WRITING SKILLS BY USING SOCIAL MEDIA

**Makhsudova Munisa Jamol qizi**

Master, Uzbekistan State World Languages University

**Annotation**

The use of social media has impact on every student's life. This article aims to reveal the prospect of using social media to evolve undergraduate student's writing skills. To identify this issue, a variety of methods, a survey, group test, debates with students are experimented. After collecting the data, researcher analyzed the use of social media to develop writing skills of students. A survey helped to examine the trends of employing social media particularly Telegram, Facebook among university students. In group discussion, students helped to collect enough information about their opinion and attitude to use social media for improving writing skills.

**Keywords:** *Social medias, ESL learners, Facebook, Telegram, discussion group*

## Introduction

Writing is a core skill in academic field, in particular in a higher education while technology has affected all students' life, as well as, in education. In today, using social media is growing up day by day, which is also being used for educational purposes. The use of social media for educational purposes is little explored in our country. Although the popularity of social media as a tool for language teaching inside and outside class, the role of social media concentrated on investigating the trends of its use among students.

## Literature Review and Methodology

Developing the Internet illustrates to increase the use of social media throughout the globe. Safco states social media as "user-generated content; blogs, audio, video, music, news, photos, tweets—working together with digital technology in [an] environment [where] everything is accessible from everywhere and everything is connected". Grahl divided social media into six distinct groups including social news, social networks, bookmarking sites, blogging, micro blogging and media

sharing. Facebook, Instagram, Twitter, and Telegram are some of the Social Networking Sites resulting from social media technology. Technology helped instruction is more productive than traditional teaching methods to assist students in language acquisition. Using social media like Facebook and Twitter assisted students to develop their writing skills and vocabulary. (Li, 2010; Yunus et al. 2012). On the other hand, Schmidt and Brown mentioned that the use of social media ought to taken as combination of online and traditional classroom teaching. Warschauer used the laptops to improve writing skills. His findings revealed that there existed an important development in students’ writing as use of laptops assisted them to easily access the information to plan their writing, in drafting the papers and publishing their works after having immediate feedback and frequent revision.

Most of students have easy access to social media through their mobile phones, laptops and language teachers used some social media to improve writing skills. The result of study shows that active participation of students is in Telegram and Facebook helps them improve writing skills. During group discussion students conveyed their point of view that easy access to Telegram and Facebook made it convenient for them to use Telegram and Facebook for language practice than the limited time available in classroom. They could visit the writing group discussion chat groups on Telegram and Facebook. For the reason that Omar, Amin Embi, and Yunus are point of view that “Facebook has become a significant part of students’ lives, utilizing the tool in a pedagogically sound approach could benefit ESL learners in practicing the language outside their classrooms”. Facebook and Telegram provide a group for extending the traditional class by using technology in language acquisition according to students’ interest and participation in this digital age. Students shared their experience and enjoyment and expressed their opinion and ideas about a sort of topics on Telegram chat and Facebook rather than traditional classroom environment.

Telegram group enables students to communicate with other groupmates and talk with another friend without time control. Students emphasized they can read their groupmates’ post on the Telegram discussion group, and they were also encouraged

to share their personal opinions given the topics. Besides, they can ask several questions and take their replies from others. That group helped them read and comment on other student's questions. One student said that he read and reread her message from sending to the group which assisted her to self-correct her mistakes. As well as, when students write their comment on others post, they repeat this situation on Facebook. Majority of students shared their experience that when they read their friends' posts written in English, they became more conscious of their own writing. When they have some misunderstandings to the words, they consulted the dictionary to search the meanings or definitions of any new words employed by their groupmates on the discussion group. Students take this from motivation and they want to continue this activity to learn through interaction with groupmates and teacher. To sum up, using Facebook or Telegram as an innovative tool for language teaching helps to evolve amazing attitudes and relationships, attract students' attention, motivate them to participate, encourages a collaborative environment.

Most students are active on social media and there exist several ways of improving writing skills:

1. Engaging with the language
2. Expressing yourself succinctly
3. Developing a writing style
4. Learning from the experts
5. Building confidence
6. Being conscious of your grammar

Social media has a positive effect on students' writing skills as given ways. On social media, students are able to use creativity with the language. In other words, they have better understanding of how it works.

**Conclusion**

From point of view that our classes are needed to upgrade to incorporate social media in order to engage students in the digital period. The study displays that students' easy access to Telegram and Facebook makes it a potential tool to be employed in language teaching to facilitate language learning. The students could improve their

writing skills since they were encouraged to write in an organized way in a stress-free environment supplied by Telegram and Facebook. The use of them rose the student teacher interaction and cooperated the students to learn from their teachers and groupmates through collaborative learning experience. On the other hand, social media ought not to be seen as a replacement of traditional classroom learning but as a tool to help the language teaching in class.

## References

**1.** Amina Shahzadi (2020) "Using Social Media to Improve Students' English Writing Skills: A Mixed Method Study", 124-140

**2.** Grahl, B. (2013) 'The media of social media'. Retrieved from Http://tristantreadwell.wordpress.com/tag/grahl dated 13th April, 2016.

**3.** Liu, Y. (2010). Social media tools as a learning resource. *Journal of Educational Technology Development and Exchange*, *3*(1), 101-114.

**4.** Omar, H., Embi, M. A., & Yunus, M. M. (2012). ESL learners' interaction in an Online discussion via Facebook. *Asian Social Science*, *8*(11), 67-74.

**5.** Yunus, M., & Salehi, H. (2012). The effectiveness of Facebook groups on teaching and Improving writing: Students' perceptions. *International Journal of Education and information Technologies*, *6*(1), 87-96

# TYUTOR HAMKORLIGINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH

**Murodova Sarvigul Rahim qizi**
Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti

**Annotatsiya**: Ushbu maqolada tyutor hamkorligini amalga oshirishning bosqichlari va usullari muhokama etilgan. Tyutor – talaba va o’qituvchi o’rtasidagi bog’lovchi vosita hisoblanadi. Muvaffaqiyatli dars jarayoni bosqichlari ta’limning samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Diagnostik va motivatsion, loyihalash, amalga oshirish, analitik bosqich, trening, tarbiyaviy tadbir usullari haqida keng yoritilgan. Tyutorlik kasbining ahamiyati borasida fikrlar keltirilgan.

**Kalit so’zlar**: Kognitiv, shaxs, tyutor,diagnostik, motivatsion, analitik, trening, tadbir, usul, bosqich, universitet, loyiha

## EFFECTIVE IMPLEMENTATION OF TUTOR COOPERATION

**Abstract:**

This article discusses the stages and methods of implementing a tutor collaboration. A tutor is a means of communication between a student and a teacher. The stages of a successful learning process serve to increase the effectiveness of education. Diagnostic and motivational, design, implementation, analytical phase, training, educational activities are widely covered. Opinions are given on the importance of the tutoring profession.

**Keywords:** Cognitive, personality, tutor, diagnostic, motivational, analytical, training, event, method, stage, university, project

## KIRISH

Tyutor — talabalarning shaxsiy rivojlanishiga, universitet, respublika va xalqaro miqyosdagi tanlov va olimpiadalarda munosib ishtirok etishiga, shuningdek, ularning bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazishiga ko‘maklashuvchi inson bo‘lib, u yigit-qizlarni kasbga yo‘naltirish, Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash, turli ilmiy to‘garaklarga

jalb etish hamda muammo va kamchiliklarini o‘rganib, ularga atroflicha yechim topish bilan shug‘ullanadi.

Tyutorlarning asosiy maqsadi — ta’lim va tarbiya jarayonini samarali tashkil etishda universitet va talabalar o‘rtasidagi munosabatlarni mustahkamlash, talabalarning universitet hayoti va ta’lim jarayoniga moslashishiga ko‘maklashish, ularga uslubiy, ijtimoiy va psixologik yordam ko‘rsatish va talabalarda tanlagan kasbiga muhabbatni oshirishdir. Shu bilan birga ular yigit-qizlarning dars mashg‘ulotlarini muntazam tahlil qilib boradi va sifatini oshiradi, ularning darsdan bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazishini ta’minlaydi hamda ijtimoiy ahvolidan doimiy xabardor bo‘lib turadi.

Tyutor o`qituvchi va o`quvchi munosabatini bog`lovchi murabbiy ekan, u talaba va o’quvchilar bilan o’zaro ishonch, mehr-oqibat, ham psixologik ham pedagogik tomondan yaqin bo’la olishi kerak. Chunki barcha o’quvchilar ham murabbiyga qanday muammolari bor, oilaviy sharoiti qanday, qaysi holat uni bezovta qiladi, bu haqida ma’lumot bera olmasligi mumkin. Bu talabaning muammoli vaziyatlarda tyutorga ichki xissiyotlarini ochib berishga imkon yaratadi. Demak, tyutor qanday qilib talaba bilan muvaffaqiyatli munosabat o’rnatishi mumkin? Keling buni muvaffaqiyatli faoliyatini ko’rib chiqamiz. Tyutor hamkorligining asosiy bosqichlari:

**Diagnostik va motivatsion bosqich.** Ushbu bosqichda tyutorning o’z guruhi bilan birinchi uchrashuvi bo'lib o'tadi. Tyutor haqiqatda o'zining kognitiv qiziqishini o'qituvchiga taqdim etadi, o'zi haqida, uning qiziqish tarixi haqida gapiradi. Tyutor talabaning birlamchi ta'limga bo'lgan talabini, uning qiziqishlari, moyilligini aniqlaydi, ushbu qiziqishning ahamiyatini va ushbu yo'nalishdagi birgalikdagi ish istiqbollarini ko'rsatadi. Bu talabaning rejalari va orzu qilingan kelajak imidjiga aniqlik kiritadi. Bunda turli xil metodlardan foydalaniladi:

-so'roq;

-test;

-suhbatlar;

-tyutorning e'lon qilingan mavzu bo'yicha dastlabki bilim miqdorini aniqlash, qiziqish.

Tyutor hamkorligining ushbu boshlang'ich bosqichida, ayniqsa, "ijobiy muhit", psixologik qulaylik holatini yaratish juda muhimdir, bu esa o'quvchining tyutor bilan o'zaro munosabatiga kirishiga, hamkorlikni davom ettirishga tayyorligiga yordam beradi. Umuman olganda, ushbu bosqichdagi ish birinchi navbatda o'qituvchining keyingi ta'lim faoliyati uchun motivatsiyasini rivojlantirish va rag'batlantirishga qaratilgan.

**Loyihalash bosqichi.** - kelgusi ishning dizayni. Ular o'qituvchi va talaba tomonidan keyingi birgalikda tahlil qilish uchun mo'ljallangan materiallarni to'playdi. Ushbu bosqichda o'qituvchi, birinchi navbatda, talabaga kognitiv qiziqishning "xaritasi" ni tuzishda yordam beradi, maslahatlar beradi va bo'lajak loyiha mavzusini toraytirish yoki kengaytirish bilan bog'liq savollarni shakllantirishda zarur yordam beradi. Bu yerda tyutorning asosiy vazifalari mustaqillik va faollikni qo'llab-quvvatlashdir.

**Amalga oshirish bosqichi.** Ushbu bosqichda tyutor haqiqiy informatsiya yig’ish(loyiha, o'rganish)ni amalga oshiradi va keyin o'zi olgan ushbu qidiruv natijalarini (loyiha, o'rganish) taqdim etadi. Taqdimot turli yo'llar bilan tashkil etilishi mumkin:

- o'quv mashg'uloti davomida qisqa og'zaki taqdimot;
- sinf soati yoki darsida taqdimot (tyutor dars yoki dars soati mavzusi doirasida tyutorning nutqi yoki qisqa xabari bilan sinf rahbari yoki fan o‘qituvchisi bilan oldindan kelishib olishi mumkin);
- o'quv tadqiqot va loyihalash ishlarining yakuniy maktab konferentsiyasida maxsus tashkil etilgan taqdimot;
- ijodiy festival va boshqalar.

**Analitik bosqich.** Ushbu bosqichda taqdimot natijalari bo'yicha tyutor maslahati tashkil etiladi, unda tyutorning ish natijalari taqdim etiladi. Ma'ruza davomida yuzaga kelgan qiyinchiliklar tahlil qilinadi, har bir ma'ruzachi bo'yicha tinglovchilardan fikr-mulohazalarni olish uchun guruhli mulohaza yuritiladi. Iloji

bo'lsa, individual shaxs va agar talaba xohlasa, spektaklning o'zi videoyozuvini guruh muhokamasini tashkil qiladi (tyutor talaba bilan birgalikda muvaffaqiyatli chiqish mezonlarini oldindan ishlab chiqadi). Analitik bosqich kelajakdagi ishni rejalashtirish, mavzu tanlashda istaklarni, materialning tabiati, guruh yoki individual ish va undagi rolni aniqlash bilan yakunlanadi. Shunday qilib, umuman olganda, analitik (refleksiv) bosqich tarbiyachining o'zi bosib o'tgan yo'lini, bu bosqichda erishilgan natijalarini tarbiyachi yordamida aks ettirishga qaratilgan. Bu bosqich adekvat o'zini-o'zi hurmat qilish, o'z xatti-harakatlarini ham, boshqalarning usullarini ham tahlil qilish, o'zida va boshqalarda sodir bo'layotgan o'zgarishlarni tushunish qobiliyatini rivojlantirishga yordam beradi

Tyutor hamkorligining muvaffaqiyatli bo’lishida quyidagi usullardan foydalaniladi:

**Trening.** So'nggi paytlarda treninglar o'qituvchilar va tyutorlar tomonidan tyutor hamkorligini tashkil etishning eng samarali shakllaridan biri sifatida tobora ko'proq foydalanilmoqda. Mashg`ulot jarayonida zarur ko`nikma va malakalarni o`zlashtirish nafaqat ularni eslab qolish, balki mashg`ulot jarayonida darhol amaliyotda bevosita foydalanishni ham o`z ichiga oladi. Treningning asosi, qoida tariqasida, treningning har bir ishtirokchisini rivojlantirishga qaratilgan guruhli o'zaro hamkorlikdir.

**Tarbiyaviy tadbir.** Ta'lim faoliyatidan farqli o'laroq, o'quvchilarga tyutor hamkorligining ushbu shakli ta'lim motivatsiyasini rivojlantirish, individual ta'lim dasturlari, loyihalar va tadqiqotlarni yaratish va amalga oshirishga qaratilgan. Bular: tabiatga ekskursiyalar, ekspeditsiyalar, dala tadqiqotlari, tajribalar, laboratoriya ustaxonalari va boshqalar bo'lishi mumkin. Ta'lim tadbiri turli xil faoliyat turlari va turli ishtirokchilarni o'z ichiga oladi: unda talabalarning o'zidan tashqari, boshqa qiziqarli, jozibali, muvaffaqiyatli odamlar ("rahbarlar", "mualliflar", "mutaxassislar" va boshqalar) ishtirok etadilar. Tadbirlar tyutorni tyutorga bog'lash va tyutorning "o'qituvchi" ("maslahatchi", "rahbar") lavozimiga o'tish imkoniyatini beradi. Tyutor hamkorligi usullariga quyidagilar kiradi:

- amaliyotga yo'naltirilgan faoliyat usullari;
- muammoli ta'lim usullari (muammoli vaziyatlarni yechish, ishni o'qitish uslubi);

- loyihalash usullari (IEP, loyihaga muvofiq ishlab chiqish va himoya qilish).

**XULOSA**

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, tyutorlik hamkorligini amalga oshirishning muvaffaqiyatli bo’lishi ta’lim samaradorligini oshirishda muhim o’rin tutadi. Sababi, talabaning moddiy va ma’naviy, psixologik va pedagogik, ijtimoiy va shaxsiy holatlari jamiyatga o’z ta’sirini ko’rsatadi. Agar talaba va o’quvchi hayotida ma’lum bir muammo yoki kamchilik kuzatilsa, bundan habardor bo’lish tyutorning vazifalari sirasiga kiradi. Bu jihatlar insonning atrofidagi tabiiy jarayonlar ekan, ular inson faoliyatiga o’z ta’sirini ko’rsatmay qolmaydi. Shunday ekan, tyutorlik kasbini egallashda mas’uliyatli yondashish zarurligini xis qilishimiz lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

SamDCHTI Axborot xizmati @samdchtijamoasi

Javlon Vafoyev “Tyutor — talaba uchun ko‘makchi”

Kovaleva T. M. va boshqalar Kasb “TYUTOR”. - M. : MPGU, 2012. - S. 134-136.

Kovaleva T. M. va boshqalar. “TYUTOR" kasbi. - M. : MPGU, 2012. - S. 96-97.

Kovaleva T. M. va boshqalar. “TYUTOR" kasbi. - M. : MPGU, 2012. - S. 136-138.

Google.uz

Google.uz perevodchik

# ZAMONAVIY MASOFAVIY TA’LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING ASOSIY OMILLARI VA TALABLARI

**Aminov Istam Barnoyevich,**
**Qurbonov Pahlavon Sirojiddin o'g'li**
Sh.Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada o’quv jarayonini tashkil etishda, hamda talabalarni ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirishda yangi imkoniyatlarni yaratib berayotgan masofadan o’qitish texnologiyasi samaradorligini oshirish masalalari ko'rib chiqilgan.

**Kalit so’zlar**: masofadan o’qitish, masofadan o’qitishga qo’yiladigan talablar, didaktik tamoyil va qoidalar.

Bugungi kunda yurtimiz ta’lim tizimini tubdan isloh etish jarayonida ta’lim tizimining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va undan samarali foydalanishni ta’minlash, o’quv dasturlari va o’quv-uslubiy adabiyotlarni takomillashtirish masalasiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Ayni paytda ta’lim tizimiga zamonaviy texnologiyalarni keng joriy etish, o’quv jarayonini zamonaviy talab va mezonlar asosida tashkil etish yuzasidan keng qamrovli ishlar amalga oshirilayotgan sharoitda ta’lim muassasalarining barcha bo’limlarini texnik jihatdan ta’minlash, Internet tarmog’idan foydalanish imkoniyatlarini to’la yaratib berish orqaligini ijobiy natijaga erishish mumkin.

Ta’lim tizimida masofadan o’qitishdan foydalanish muhim ahamiyatga ega bo’lmoqda. Internet tarmog’idan masofali ta’limni amaliyotga tatbiq etishda foydalanish bir vaqtning o’zida an’anaviy hamda masofali ta’lim muhitini yaratadi, bu esa o’z o’rnida an’anaviy ta’lim tizimini sifatini oshiradi, chunki u ta’lim tizimida o’zining raqobat-bardoshligini ta’minlashga intiladi va ta’limning umumiy darajasini oshiradi.

Bugungi kunda ta’limni rivojlantirishning asosiy didaktik tamoyillari masofaviy ta’lim shakllari uchun ham asos bo’lib, ta’limning bunday texnologiyasi takomillashib, yangi o’quv muhiti uchun yangi shartlar va mezonlar bilan to’ldirib boriladi, ya’ni ta’lim tizimlarida kompьyuter, dasturiy vositalar, mulьtimediali elektron qo‘llanmalar, internet, elektron ma’lumotlar bazasi, masofadan o‘qitish kabi zamonaviy texnologiyalari asosida mashg‘ulotlarni tashkil etish quyidagi talablarga javob bera olishi lozim:

– fanning ilg‘or yutuqlari va zamonaviy texnologiyalar asosida mashg’ulotlarni o’quv-tarbiyaviy jarayonning zamonaviy qonuniyatlari asosida tashkil etish hamda unda barcha didaktik tamoyil va qoidalarning optimal nisbatlarini ta’minlash;

– talaba larning qiziqishlari, layoqati va talablarini hisobga olish asosida ular tomonidan bilimlarning puxta o’zlashtirilishi uchun zarur shart sharoitlarni yaratish hamda fanlararo bog’liqliklarni o’rnatish;

– ilgari o’rganilgan bilim va malakalari, shuningdek, talabalarning rivojlanish darajasiga tayanish;

– axborot texnologiyalar shaxsning har tomonlama rivojlantirishni motivatsiyalash va faollashtirish;

– axborot texnologiyalar asosida o’quv-tarbiyaviy faoliyatning barcha bosqichlari mantiqiyligi va emotsionalligini oshirish;

– axborot texnologiyalar vositalardan samarali foydalanish;

– axborot texnologiyalar asosida zarur bilim, ko’nikma va malakalar, fikrlash va faoliyat ratsional usullarini shakllantirish, mavjud bilim-larni doimo boyitib borish ehtiyojini yuzaga keltirish hamda har bir darsni puhta loyihalashtirish, rejalashtirish, tashhis va tahmin qilish.

Ta’lim tizimida masofali o’qitish texnologiyalaridan foydalanish ma’lum bir pedagogik va psixologik maqsadlarga ega bo’lib, quyidagilardan iboratdir:

– *talabalarning biror murakkab jarayonni amalga oshirishda mustaqil qarorlar qabul qilish, o’zining fikrini va mulohazasini bayon qilishga o’rgatish, hamda izlanuvchanlik faoliyatini shakllantirish;*

– barcha ta’lim tizimlarida o’qitish jarayonlarini tezlashtirish;

– axborot-kommunikatsion texnologiyalarining imkoniyatlarini joriy etishda ta’lim sohasining mukammalligi, unumdorligi, sifati va samaradorligini oshirish;

– axborot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanishda fanlar-aro aloqalarni chuqurlashtirish;

– tarmoq texnologiyalardan foydalanish asosida masofadan o’qitish tizimini yaratish va tadbiq etish.

Ta’lim tizimida o’quv mashg’ulotlarini masofali o’qitish texnologiyalari vositalaridan foydalanish asosida talabalar quyidagi-larga ega bo’ladilar:

– noan’anaviy manbalardan foydalanib o’qish va o’rganish;

– mustaqil ishlash samaradorligi va unumdorligini oshirish;

– faoliyat sohalarini kengaytirish va yangi imkoniyatlarni yaratish;

– ijodiy qobiliyatlarini namoyon etish;

– ro’y berayotgan hodisa, voqea va yangiliklardan xabardor bo’lish hamda ulardan pedagogik faoliyatlarida foydalanish.

Ta’lim tizimida masofadan o’qitish texnologiyasi samara-dorligini oshirish quyidagi shart-sharoitlarga va omillarga bog’liq bo’ladi:

– zamonaviy axborot va kompьyuter texnologiyalari bazasini mavjudligi va etarliligi;

– Internet tarmog‘ida ishlashning uzluksizligi;

– masaofadan bilim olayotgan o‘quvchilarning bilim olish ishtiyoqining va o‘zlashtirish darajasining yuqoriligi;

– masofadan o‘qitish tizimiga bilimli, malakali va tajribali o’qituvchilarning jalb etilishi;

– masofadan o’qitish tizimining kerakli va sifatli o’quv materiallari, elektron darsliklar va o’quva kurslari Bilan ta’minlanganligi va ularning etarliligi;

– masofadan o’qitish tizimida mashg’ulotlarni tizimli tarzda olib borish.

Masofadan o’qitish tizimi an’anaviy ta’lim tizimi kabi bir nechta tamoyillarni o’zida mujassam etadi.

SHu narsani ta’kidlash lozimki, har bir o’qituvchi o’ziga tegishli bo’lgan dars mashg’ulotlarini masofali o’qitish texnologiyalari asosida talab darajasida tashkillashtirishi uchun kerakli zamonaviy texnik yoki компьютер vositalariga ega bo‘lishi, ulardan foydalanish bilim va malakalarini egallashlari hamda ma’lum bir salohiyat va mahoratga ega bo‘lishi lozim. Bundan tashqari o‘qituvchilarning o‘zlarida ham dars jarayonlarini masofali o‘qitish texnologiyalari vositalari asosida tashkillashtirishga bo‘lgan intilishi va ishtiyoqi kuchli bo‘lishi kerak.

**Ta’lim** tizimida talabalarning zamonaviy axborot va компьютер texnologiyalarining mohiyatidan xabardorliklari hamda fanlarni o’qitishga yo’naltirilgan mashg’ulotlar jarayonini masofali o’qitish texnologiyalari asosida tashkil etish, ta’lim jarayonini mukammal andoza asosida loyihalashtirishga erishish, mazkur loyihalardan oqilona foydalana olish ko’nikmalariga ega bo’lishi ta’lim oluvchilar tomonidan nazariy bilimlarning puxta, chuqur o’zlashtirilishi, ularda amaliy ko’nikma va malakalarning hosil bo’lishining kafolati bo’la oladi.

Buning uchun esa ta’lim tizimida talabaning samarali faoliyat ko’rsatishga undovchi darsning uslubiy ishlanmasidan farqli o’laroq, o’quv jarayoniga zamonaviy ta’lim texnologiyalar yo’naltirish, talaba larning shaxsiy hamda o’qituvchi bilan birgalikdagi faoliyat-larini inobatga olgan holda, o’quv materiallarini mustaqil o’zlashtirish-lari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratib berish lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

**1.** «Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari» to’g’risida O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 24 апрель 2017 yil, Toshkent.

**2.** Bolotov V.A. O distantsionnom obrazovanii// Informatika i obrazovanie, №1, 1998 g.

**3.** Begimqulov U.SH. Pedagogik ta’limda zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari. –T.: “Fan” 2007.

**4.** Hamidov Yo.Yo. Ta’lim samaradorligini oshirishda elektron ta’lim resurslarining o‘rni // Молодой ученый. - 2019. -№ 21 (259). -С. 611-612.

**5.** Elektron ta’lim resurslariga umumiy talablar. – OO’MTV, 2013. -10, 14-b.

# YETIM VA OTA-ONA QARAMOG‘IDAN MAHRUM BO‘LGAN BOLALARNI IJTIMOIY HAYOTGA MOSLASHTIRISHDAGI MUAMMO VA YECHIMLAR

**Salimov Jozib Salomovich**
Termiz davlat universiteti Ijtimoiy fanlar fakulteti Amaliy Psixologiya yo‘nalishi 1-kurs, 321-guruh talabasi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada yetim va ota-ona qaramog‘idan mahrum bolalarni ijtimoiy hayotga yo‘naltirish, ular duch keladigan psixologik va ijtimoiy muammolar va ularning yechimlari, bu boradagi rivojlangan mamlakatlar tajribasi va ularning amaliyotda qo‘llanilishi, bunga muvofiq tarzda mamlakatimizda joriy etilgan yangi tizim, “ Mehr daftari” va uning mazmum mohiyati yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** Sotsial, individ, Ijtimoiy yetimlik, psixologik, metodlar, Ijtimoiy guruhlar, qarovsizlik, sotsiologik muammolar, mehr daftari, hayotiy ko‘nikmalar.

Oila jamiyatning asosiy bo‘g‘inidir. U sotsial jamoalarning ilk ko‘rinishi hosoblanadi. Har bir individ oilada, ota-ona qaramog‘ida voyaga yetar ekan, kelajakda uning tashqi jamoaviy guruhlarga moslashishi, Ijtimoiy muhitga ko‘nikishi, jamiyatning muhim, o‘z o‘rniga ega a’zosi sifatida shakllanishi osonlashadi. U ota-ona qaramog‘ida individual xususiyatlarga ega shaxs sifatida namoyon bo‘la boshlaydi. Oilada ya’ni, ota-ona qaramog‘ida voyaga yetgan bolalar, odatda, tashqi muhitga, jamiyatga osongina singib ketadi va o‘sha jamiyat, Ijtimoiy muhitning muhim bo‘lagi, barkamol shaxsi sifatida bo‘y ko‘rsatadi.

Ammo, jamiyatda ota-ona qaramog‘idan mahrum bolalar ham borki, ularning tashqi muhitga, sotsial jamoalarga birikishi, Ijtimoiy holat-hodisalarga ko‘nikishi, kasbiy va turli xil hayotiy ko‘nikmalarni egallashlari bir muncha qiyin kechadi. Ota-ona qaramog‘idan mahrum, yetim bolalar keyinchalik boshqa oila tomonidan asrab

olingandan so‘ng ham ularning ijtimoiy moslashish jarayoni yaxshilanmasligi, to‘laqonli fikr yuritish, bayon etish qobiliyati shakllanmasligi ham mumkin. Ota-onasidan, umuman, yaqinlaridan ajralgan bolaning ruhiy, aqliy va jismoniy holati ota-ona qaramog‘ida o‘sgan bolalardan farq qiladi. “Ilk davrlardanoq ota-ona mehridan mosivo bo‘lish bolaning keyingi hayoti va taqdirini oldindan belgilab beradi”- deydi bola psixologiyasi bilan shug‘ullangan pedagog-psixologlar. Darhaqiqat, shaxsning kelajakda qanday faoliyat yuritishi, jamiyatga moslashishi, shaxs sifatida shakllanishida bolalik davri asosiy o‘rin egallaydi. Negaki, aynan ilk bolalik davrida nutq, jismoniy harakatlar, aqliy faoliyat kabi inson umrining keyingi bosqichlarini ta’minlovchi faoliyat jarayonlari shakllanadi. Aynan shu davr bolaning butun hayot yo‘lini, kelajagini belgilab beradigan davr hisoblanadi. Chet el olimlarining, psixologlarining tadqiqotlarida, bolalar uyida yashovchi voyaga yetmaganlar, an’anaviy oilalarda o‘sadigan tengdoshlaridan farqli o‘laroq, nafaqat jismoniy, aqliy va ma’naviy rivojlanish kechikishlariga ega. Maktab enternati oiladan ayro holda, jamiyatga yetarli darajada moslashishga hissa qo‘shmaydi.

Bugungi kunda yetim va ota-ona qaramog‘isiz qolgan bolalarning ijtimoiy hayotga moslashtirish, ularni jamiyatning to‘laqonli, sog‘lom fikrlovchi, barkamol shaxsi sifatida tarbiyalab, voyaga yetkazish jahonhamjamiyati oldiga qo‘yilgan dolzarb masala. Hal qilinishi kerak bo‘lgan asosiy muammo. Zero, yoshlar kelajak poydevori. Xo‘sh, bu masala yuzasidan jahonhamjamiyatining chora tadbirlari qanday? Dunyoning yetakchi, ilg‘or, rivojlangan mamlakatlarida ota-ona qaramog‘isiz qolgan, yetim bolalarning ijtimoiy jarayonlarga, sotsial muhitga moslashtirish ishlarida qanday metodlardan foydalanilmoqda?

Dunyo bo‘ylab yetimlik masalasi ilmiy, sotsiologik muammo sifatida olimlarning tadqiqotlarida keng yoritilgan. Bu tadqiqotlar asosan, 20-asrning boshlarida olib borilgan. Bu tajribalar davomida bolalarning qarovsiz holga kelib qolish sabablari, qarovsizlikning oshib borishi sabablari va bunga qarshi chora-tadbirlar ishlab chiqilgan. Bu davrga kelib yetimlik muammosi aslida sotsiologik tadqiq etilishi kerak bo‘lgan masala ekanligi jahonhamjamiyati olimlari tomonidan e’tirof etilgan.

Yetim va ota-ona qaramogʻidan mahrum bolalarni ijtimoiy hayotga kirishi masalalari boʻyicha ish olib borgan Aripova Aziza Hasanovaning moqolasida xorij tajribalari haqida bir qator faktlar keltirilgan. Yetim va ota-ona qaramogʻidan mahrum bolalarni ijtimoiy guruhlarga kiritish, ularning ijtimoiy muloqot jarayoniga oson qoʻshilishini ta'minlash chora-tadbirlari yorqin namunasi sifatida Yaponiya tajribasini mosil qilib keltirish mumkin. Yaponiya tajribasida ota-ona qaramogʻidan mahrum, yetim bolalar bilan ishlashda befarzand oʻqituvchilarga bolalar biriktiriladi. Bolalar oddiy maktabda ta'lim oladilar. Kichik yoshdagi bolalar muassasa tashqarisidagi bolalar bogʻchasiga qatnaydi. Bunda hamma narsa uyga yaqin holatda moslashtiriladi.

Yuqorida keltirilgan tajribadan shuni anglash mumkinki, bolaning ilk bolalik davrlaridayoq toʻgʻri ijtimoiy muhitda tarbiyalanilishi shu orqali kafolatlanadi. Bu jarayonda bola mehribonlik uylari yoki maxsus internatlarda emas, balki oilaviy muhitda kamol topadi. Barcha ota-ona qaramogʻidagi oddiy bolalar singari  ular ham an'anaviy maktablarda ta'lim-tarbiya koʻnikmalarini oladilar. Bunda bolaning ijtimoiylashuv jarayoni oddiy bolalarnini kabi kechadi.

Yetim va ota-ona qaramogʻidan mahrum bolalarni ijtimoiy muhitga tayyorlash, ularni jamiyatning muhim a'zosi sifatida kamol toptirishda xorij tajribasi mamlakatimiz uchun ham poydevor boʻlib xizmat qiladi. Dunyo tajribasida samarali natijalarga ega boʻlgan usullardan andoza olgan holda, uni amaliyotga tadbiq etish yoʻli bilan bolalarning ijtimoiylashuv jarayonini sezilarli darajada yaxshilash mumkin.

Shu oʻrinda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 17-yanvardagi 26-son qaroriga koʻra yetim va ota-ona qaramogʻidan mahrum bolalarni har tomonlama qoʻllab-quvvatlashga qaratilgan  "Mehr daftari" tizimini joriy qilish toʻgʻrisidagi qarori tasdiqlandi. "Mehr daftari"ga koʻra yetim va ota-ona qaramogʻidan mahrum boʻlgan bolalarga moddiy va ma'naviy tomondan yordam koʻrsatish asosiy masala hisoblanadi. Bu tizim bolaning Ijtimoiy hayotda har tomonlama oʻz oʻrniga ega boʻlishi uchun qabul qilingan muhim qarordir.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, jahon tajribalaridan foydalangan holda, ularning samaradorligi yuqori bo‘lgan metodlari bilan o‘zimizdagi joriy amaliyotlarni umumlashtirib, yetim va ota-ona qaramog‘idan mahrum bo‘lgan bolalarni ijtimoiylashuv jarayonlarini sezilarli darajada yaxshilash mumkin. Bu usullar yordamida bolalarda kechadigan, jamiyatdan chetlashish, Ijtimoiy muhitga qo‘shila olmaslik kabi salbiy holatlarni bartaraf etish mumkin. Mahallalarda oilalar bilan ishlash bo‘yicha psixologlar shtabini joriy etish orqali esa iktimoiy yetimlik va uning sabablarini bartaraf etish mumkin. Mehrga, ijtimoiy ko‘makka muhtoj, yetim ota-ona qaramog‘idan mahrum bolalarning hayotini yuqorida keltirilganlar yaxshilaydi, ularning ijtimoiy mavqeini belgilashga xizmat qiladi. Ularga uzatiluvchi har qanday qo‘l ularning ertasini belgilashi, kelajagini ta’minlashi, jamiyatning ongli, individual xususiyatlarga ega bo‘lgan muhim shaxsi sifatida kamol topishi uchun asosiy omil bo‘lib xizmat qiladi. Shu o‘rinda esa bolajon xalqimizning yorqin namunasi bo‘lgan o‘sha “Shomahmudovlar” oilasini eslash kifoya...

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. “Yetim hamda ota-ona qaramog‘isiz qolgan bolalarni hayotda o‘z o‘rinlarini topishlari maqsadida xorijiy tajriba implementatsiyasi”. Aripova Aziza Hasanova, Toshkent davlat yuridik universitetining Ixtisoslashtirilgan filiali Umumta’lim fanlar kafedrasi mudiri, f.f.n, PhD.
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazifalar Mahkamasining 2022-yil 17-yanvar 26-son, “Yetim bolalar va ota ona qaramog‘idan mahrum bo‘lgan bolalarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan “Mehr daftari” tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida qarori.
3. Sotsialnaya Psixologiya. G.M.Antreeva.

# МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ТАЛАБАЛАРДА МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Рахматуллаева Гавҳар Илҳомовна**
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат маркази" мутахассиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада Олий таълим муассасаларида миллий тарбияни тарғиб қилиш ва такомиллаштиришда медиатехнологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти ва медиакомпетентликни ривожлантириш лозимлиги ҳусусида сўз боради. Медиатехнологиялар асосида амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг самарадорлиги юзасидан маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Медиатаълим, медиакомпетентлик, компетентлик, медиатехнологиялар, ижтимоий маданий, медиамаданият, медиатарғибот, медиаахборот, компьютер маданияти, медиасаводхонлик.

**Медиакомпетентлик тушунчаси** (media competence) таълимга кириб келаётган янги атама ҳисобланиб, у медиа маълумотларни турли кўринишда узатиш ва баҳолаш, ўрганиш, етказа билиш каби маъноларни ўз ичига олади[1].

Хориж педагогикасида ***медиакомпетентлик*** атамаси (нем. *medienkompetenz*, ингл. *media competence* ва ҳ.к.) аллақачон фаол қўлланилиб келинмоқда (Қ-нг: масалан, Baake, 1999; Blumeke, 2000; Pottinger, 1997). Германияда медиакомпетентлик деб, медиага нисбатан малакали, мустақил, ижодий ва ижтимоий-масъулиятли муносабат тушунилади[2].

Педагогнинг медиакомпетентлик, яъни унга медиатаълим фаолиятини олиб бориш учун зарур касбий билим ва малакаларнинг ривожланиш кўрсаткичлари таснифини ишлаб чиқиш шунинг учун ҳам зарур[3].

Миллий-тарбия жараёнини ташкил қилишда илғор миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар ва мезонлар асос бўлиши лозим. Комил инсон тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Бўлажак

ўқитувчиларнинг шахсий компетентлилиги ўқувчиларга нисбатан гуманистик мавқеда бўлиш лаёқати сифатида намоён бўлади. Бундай муносабат бўлажак ўқитувчининг ўз-ўзига нисбатан ҳам ҳосил бўлиши кузатилади. Бу эса ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасидаги ҳамкорлик муносабатларининг шаклланишига асос бўлади. Ўқувчининг идроки ўқитувчилар томонидан асосий қадрият сифатида эъзозланиб, унга бўлган муносабат доирасида болаларнинг қизиқишлари, ички олами, эҳтиёжлари, лаёқатлари, имкониятлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини билиш бўлажак ўқитувчилар касбий-шахсий лаёқатининг ижтимоий аҳамиятига эга бўлган муҳим таркибий қисми ҳисобланади[4].

"Медиакомпетентлик" — шахс медиамаданиятининг узвий қисми сифатида гавдаланиб, қадриятли, технологик ва шахсий-ижодий таркибий қисмларни ўз ичига оладиган ҳамда ўзаро таъсир (ҳамкорлик) субъектларининг ривожланишига олиб келадиган ахборот ҳамжамияти билан ўзаро таъсир (ҳамкорлик)нинг диалог усули сифатида тушунилади[5].

Олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни такомиллаштиришда медиатехнологиялардан фойдаланиш, нафақат талаба ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият кераклигини ҳис этган ҳолда хорижий илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш орқали, замонавий илм ва техниканинг чўққиларига эришиши учун тўлиқ имкониятлар яратилди.

"Медиатаълим талабаларга ўзларининг ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш имконини беради, бу нафақат уларнинг шахсий ўсишига кўмаклашади, балки ижтимоий (ҳаётда) иштироки ва интерфаоллигини оширади. Бу маънода медиатаълим демократик фуқаролик ва сиёсий тушунишга тайёрлаб боради. Медиатаълимни инсоннинг бутун ҳаёти мобайнидаги таълим концепциясининг қисми сифатида ривожлантириш зарур"[6].

Олиб бораётган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, медиакомпетентлик тушунчаси остида ётадиган бир нечта атамалар, жумладан, медиамаданият, медиатарғибот, медиатаълим, медиаахборот, компьютер

маданияти, медиасаводхонлик каби атамаларга эътиборлироқ бўлиш баркамол авлодни вояга етказишда муҳим ўрин эгаллайди.

Медиакомпетентликнинг йўналишларидан бири бўлган телевидение орқали ахборот қабул қилишда кўплаб телеканаллардаги медиалойиҳалар, видеороликлар, клиплар ва томошаларни намойиш қилиниши, ундаги ёшларнинг кийиниш одоби, қўшиқларнинг маъноси ва савиясининг юқори даражада эканлиги, кўрсатувни олиб борувчиларнинг ўзини тутиши ва улар томонидан фойдаланадиган сўзлар миллий тарбиямиз-қадриятларимизни акс эттириши, ёшларга ижобий таъсир кўрсатиб миллий тарбияни шакллантиришига замин бўлади.

Медиатаълим натижаси аудиториянинг медиакомпетентлиги, медиасаводхонлиги даражасининг ортишидан иборат бўлади. Медиакомпетентлик кўп ўлчамли бўлиб, билимларнинг ривожланган структурасига асосланган кенг истиқболларни талаб этади. Компетентлик даражасини инсоннинг бутун ҳаёти давомида билишга оид, миллий тарбия, миллий маданият ва ахлоқий медиаахборотни идрок қилиш, талқин қилиш, креатив ёндашиш орқали ошириб бориш мумкин.

Компетентлик – талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятини амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади[7]. Тадқиқот натижаларидан кўриш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам креатив ёндашув асосида олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни такомиллаштиришда инновацион, адаптацион шароитда ишлашини, тез ўзгарувчан шароитларга нисбатан қайишқоқ бўлишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис ҳам креатив ёндашув асосида олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни такомиллаштиришда медиатехнологиялардан фойдаланиш, таълимни тубдан ислоҳ қилиш, мазкур тизимни янги сифат босқичига кўтариш муҳим.

Айрим тадқиқотларда медиакомпетентлик медиасаводхонликнинг синоними (маънодоши) сифатида ҳам қаралади. Мисол учун, Андреев В.И. педагогика олийгоҳлари талабаларида креатив қобилиятни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида - таълим жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш, анъанавий ўқитиш методикаларини интерфаол ўқитиш усуллари билан алмаштириш, педагогик жараёнда “ўқитувчи-талаба”нинг мақсадли интерфаол хамкорлигини йўлга қўйиш ғоясини илгари суради. “Интерфаол ўқитиш, дейди муаллиф, бу- бўлажак ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик яратиш, ташаббускорлик ва мустақил фаолиятлари хусусиятлари билан белгиланади. Интерфаол ўқитиш жараёнида энг муҳим масалалардан бири – талаба шахсидир. Шу боис, интерфаол ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга”[8].

“Competence” сўзи “to compete” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ”[9], деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса, “мусобақалашишга лаёқатлилик” маъносида келади[10].

Компетентлик – ўқувчида таркиб топган шахсий сифатлар ва берилган соҳадаги фаолияти бўйича тўплаган минимал тажрибаси[11]. Компетентлик – шахс хусусиятлари ва ҳолатининг мураккаб мажмуи бўлиб, маълум соҳадаги билим, кўникма ва тажрибани мужассамлаштириш, инсонга муайян масалаларда фикр билдириш, маълум қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ѐки ўзи қарор қабул қилиш имконини беради. Компетентлик – маълум ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритиш имкониятини берадиган билимга эга бўлиш, далил-исботли фикр, кишининг муайян соҳада савиясини ифода этадиган атама[12].

Компетентлик – ўқувчининг шахсий сифатлари тўплами (билимлар, кўникмалар, малакалар, лаёқатлар) бўлиб, белгиланган ижтимоий ва шахсий соҳадаги фаолиятида орттирган тажрибаси билан белгиланади[13].

Компетентлик талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади.

“Компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятини амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади”[14].

Медиа оламида турли хил интернет сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали борган сари тарғиб этилаётган миллий анъаналарга ва урф одатларимизга ҳамда аҳлоқ нормаларига, умуман, тўғри келмайдиган филм ва клиплар ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатиб, оила деган муқаддас тушунчанинг парчаланишига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида танқидий онг даражаси пасаяди, моддий-ахлоқий қиймат тизимида атроф оламни қабул қилиш, шунингдек, маълумотларни анализ ва синтез қилиш қобилиятида ўзгаришлар юз беради. Ҳозирда илмий-техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда талаба-ёшларнинг ахборот технологиялари борасидаги билимларини такомиллаштириш орқали медиакомпетентликни шакллантириш ва ривожлантириш йўналишларини белгилаш лозим.

Медиатехнологиялар асосида амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг самарадорлиги талаба шахсини педагогик ва психологик жиҳатдан ўрганиш уларнинг индивидуал типологик хусусиятларини билиш билан боғлиқ. Ўрганиш махсус дастур асосида ташкил этилиши ва унда талаба шахсининг тарбияси ва тақдири омиллари, инсонлар билан мулоқот тажрибаси, атроф-муҳит, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, меҳнатга муносабати, ички ва ташқи дунёси, ҳатти-ҳаракати, онги ва тафаккури даражаси, ахлоқ-одоби акс этиши лозим. У талаба ёшларнинг маданиятида, идрок ва тафаккурида, эҳтиёжларида, қизиқишларида, характери ва темпераментида, одатларида, фикрлаш хусусиятларида, мулоқотида, муносабатида намоён бўлади. Шундагина талабаларнинг қайси гуруҳга мансублиги ёки майлини билиш ва тарбиявий таъсир йўлларини аниқлаш мумкин. Бизнинг фикримизча, бугунги кундаги

техник ва илмий ўсиш, бир томондан, талаба ёшларнинг турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатаётган бўлса, иккинчи томондан, айнан инсон ҳаётига бўлган янги таҳдидларни келтириб чиқармоқда (виртуал борлиқда яшаш, психологик жиҳатдан виртуал борлиқни афзал кўриш, виртуал таҳдидлар в.б.). Шу нуқтаи назардан, олий таълим муассасаларида миллий-тарбиявий тадбирларни ташкил этишга тайёрлашда бўлган муносабат аслида миллий ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг асосий категориясига айланиб бормоқда.

Олий таълим муассасалари талабаларини миллий руҳда тарбиялашда қуйидаги ижтимоий компетенцияларни ривожлантиришга эътибор қаратилади:

- шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси – доимий равишда китобхонликни тарғиб қилиш, миллий урф одат, қадриятларни ўқиб-ўрганиш, билиш, ўзини-ўзи маънавий ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллаши;

- ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси – жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш, уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурчи ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ҳамда ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини ривожлантириш;

- миллий ва умуммаданий компетенция – ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ҳамда соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Инсон тарбияси узоқ муддатли, узлуксиз давом этадиган мураккаб жараён. У тарбиячи (ота-она, устоз-мураббий, педагог)лардан доимо ҳушёрлик, сергаклик, маҳорат ва билим талаб қилади. Шу тарзда инсоннинг аста-секин ақлий салоҳияти такомиллашиб, комилликка интилиб боради.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, "олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий

фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш”, улар ғоявий ва ҳуқуқий, таъбир жоиз бўлса техник саводхонлигини ўсиши билан муштарак ҳолда кечади. Бу муаммо жамиятимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ислоҳотлар амалга оширилаётган, янгиланиш жараёни кечаётган ҳозирги даврда, айниқса долзарблик касб этади. Чунки оламшумул воқеаларга бой, интеллектуал ва ахборот технологиялари ривож топаётган медиа таълим тизими ривожланаётган, ғарб оммавий ахборот воситаларидаги ахлоқсизлик тарғиботи, ўзининг демократия моделини олға силжитишнинг асл мақсад-муддаолари билан кириб келаётган ҳозирги даврда ёшлар маънавий-маърифий, ахлоқий тарбиялаш, улардан юқори даражадаги дунёвий маданиятга эга бўлиш талаб этилади.

“Таълимда янги тадқиқот йўналиши бўлган компетентли ёндошувнинг пайдо бўлиши ҳамда хорижий педагогик ва методик манбаларда «компетентлик» ва «компетенция» тушнчалари 1960 йилларнинг охири - 1970 йилларнинг бошларида АҚШда пайдо бўлди ва олий таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг касбий тайёргарлиги назарияси ва амалиётига кенг кириб борди”[15].

Талаба ёшларнинг юқори даражадаги дунёвий маданиятга эга бўлиши бевосита уларда китобхонлик маданиятини тарбиялаш жараёни билан уйғун ҳолда кечиши мақсадга мувофиқдир. Педагогик адабиётлар таҳлили ва кузатувларимиз шуни кўрсатмоқдаки, таълим жараёнида медиатехнологиялардан фойдаланиш талабаларнинг муайян бир янгиликни ҳис этишларига мавзуни назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштиришларига кўмаклашади. Айтиш жоизки, медиа ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳар доим таълим олувчиларнинг ривожланиши, яратувчилик ва ижодкорлик кўникмаларини эгаллашлари учун қулай педагогик муҳит яратади. Медиатехнологиялардан таълим жараёнида фойдаланиш шахс ижод эркинлиги ва ривожланишини таъминловчи асосий омилдир. Шу нуқтаи назардан ёндашганда таълим олувчиларни интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларда

ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантириш таълим жараёнининг биринчи даражали вазифасига айланиши керак. Бунда қуйидагича йўл тутиш мақсадга мувофиқдир:

– педагогларнинг яратувчилик имкониятларининг вужудга келиши учун мустақилликни таъминлаш;

– янги таълим турлари ва илғор ўқув воситалари ўртасидаги ўзаро бирлик механизмини ишлаб чиқиш; (мавзу моҳиятидан келиб чиқиб талабаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш,

– креатив ёндашув асосида олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни такомиллаштиришдаги узвийликни таъминлашла ижтимоий заруриятнинг юзага келиши;

– креатив ёндашув асосида олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни такомиллаштиришда медиатехнологиялардан фойдаланишда илғор ўқув воситаларининг яратилиши;

– креатив ёндашув асосида олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни такомиллаштиришда медиа технологиялардан фойдаланишда илғор ўқув воситаларини қўллаш технология (усул)ларининг асосланиши;

– креатив ёндашув асосида олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни такомиллаштиришда медиатехнологиялардан фойдаланишда таълим тамойиллари (янги дидактик қоидалар) тизимининг яратилиши.

Хулоса қилиб айтадиган бўдсак, медиакомпетентликни шакллантириш (ривожлантириш)-ижтимоий маданий компетентликнинг муҳим қисми ҳисобланади. Медиакомпетентлик педагогнинг медиа соҳасидаги фаолиятининг турли босқичларида ахборот ва медиаматнларнинг ҳар хил турларига нисбатан ўрин тутади.

Олий таълим муассасаларида миллий тарбияни тарғиб қилиш ва такомиллаштиришда медиатехнологиялардан фойдаланишда тарбиявий тадбирларнинг мақсади ва ўқув дастурининг мазмуни ва ўқув материалларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шуни назарда тутган ҳолда, олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни такомиллаштиришда машғулот ва дарс

мақсадини аниқлашда таҳсил олувчиларнинг ўқув материаллари билан ишлашга оид фаолиятларининг таснифи, ташкил этиладиган ўқув вазиятлари ҳам аниқ ҳисобга олиниши муҳим педагогик аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**


1. Психология общения. Энциклопедический словарь [Электронный ресурс] // 2016.
2. Федоров А.В. Медиаобразование в зарубежных странах. Монография // – Таганрог: Изд-во Кучма, 2003. – С. 238.
3. Бабаджонов С.С. Информатика ва ахборот технологиялари фани орқали педагогика олий таълим муассасаси талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш тизими. – Т.: ―”Педагогика” илмий- назарий ва методик журнал. 2017 йил 5-сон, 93 б.
4. Раченко И.П. Технология развития педагогического творчества: Принципы и методы организации педагогической деятельности: Уч. Пособ. - Пятигорск. 1997.
5. Коновалова Н.А. Развитие медиакультуры студентов педагогического вуза. Дис.…канд. пед. наук. – Вологда, 2004. – С.9.
6. Council of Europe (2000). Recommendation. Media Education. In: http://assembly.coe.int/Documents/AdoptedText/TA00/EREC1466.htm
7. Асадов Ю. М., Турдиев Н. Ш., Акбарова С. Н., Темиров Д. Ш., Бабаджонов С. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикалари. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2016. 160 б.
8. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. Инновационный курс. Книга 1. -Казань: Изд.-во Казанского ун-та,1996.-570 с.
9. Стерденко С.М. Роль семьи в формировании медиакультуры подростков. Ученые записки Таврицкого национального университета им.

В.И.Вернадского. Серия ―Филология. Социальная коммуникация. Том 21(60). 2008, №1. – С. 344.

**10.** Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2015. 160 б.

**11.** Иванова Д.И. Компетентности и компетентностный подход в современном образовании /Д.И. Иванова // журнал ―Воспитание. Образование. Педагогика‖. 2007. № 6 (12). – С. 32.

**12.** Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2015. 160 б.

**13.** Турдиев Н.Ш.. Компетентлик ва медиатаълим. Глобаллашув шароитида ёшларнинг медиасаводхонлигини ошириш. Республика илмийамалий семинари материаллари. Наманган, 2015, 88-92 б..

**14.** Асадов Ю. М., Турдиев Н. Ш., Акбарова С. Н., Темиров Д. Ш., Бабаджонов С. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикалари. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2016. 160 б.

**15.** Universities in Change: Managing Higher Education Institutions in the Age of Globalization (Innovation,Technology,and KnowledgeManagement) 2013th Edition.

# MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG’RIKENGLIK O’ZBEK XALQINING YUKSAK QADRIYATLARIDANDIR

**Ibrohimova Marhabo Ulug’bek qizi**
O’zbekiston davlat jahon tillari universiteti 1-bosqich talabasi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada hozirgi davrda ancha global muammoga aylangan millatlararo tinchlik, bag’rikenglik g’oyalari singdirilgan va ko’plab mamlakatlar misol tariqasida sanab o’tilgan. Millatlararo hamjihatlik, tinchlik-totuvlik g’oyalari bu bir kunda paydo bo’ladigan tushunchalar emas va shaksiz, bu necha yillardan buyon shakllanib kelgan. Maqola mazmunida dunyoda qancha millat va elat vakillari yashayotgan bo’lishsa-da, hammalari teng huquqda ekanliklari va har bir xalq, elat bir-birlarining urf-odat va an’analarini hurmat qilib yashashlari lozimligi aytib o’tiladi.

**Kalit so’zlar:** YUNESKO, Afg’oniston, Yaponiya, barqarorlik, xalqaro do’stlik, diniy bag’rikenglik, siyosiy maydon, hamjamiyat, ijtimoiy taraqqiyot.

O’zbekiston- milliy uyimiz. Dunyoda qancha millat va elat bo‘lmasin, har birining o‘ziga xos milliy urf-odat va an’analari bor. Bugungi globallashuv davrida, millatlar o‘rtasida turli qarama-qarshiliklar hukm surayotgan bir paytda 130 dan ortiq millat vakillari istiqomat qilayotgan O‘zbekistondagi millatlararo totuvlik bilan faxrlansak arziydi. Mamlakatimizda millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta’minlash yo‘lida olib borilayotgan oqilona siyosat jahon hamjamiyati tomonidan e’tirof etilgani barchamizni g‘ururlantirmoqda. Bu esa o‘z navbatida,yurtimiz tinchligi va taraqqiyoti uchun, umumbashariy madaniyat va ma’naviyatning yuksalishiga xizmat qilmoqda.[1, 1-bet **Ошибка! Источник ссылки не найден.Ошибка! Источник ссылки не найден.Ошибка! Источник ссылки не найден.Ошибка! Источник ссылки не найден.Ошибка! Источник ссылки не найден.Ошибка! Источник ссылки не найден.**]

Millatlararo hamjihatlik-umuminsoniy qadriyat. U bir jamiyatda yashab, yagona maqsad yo‘lida mehnat qilgan xalqdir, turli millat va elatlar birligini mustahkamlaydigan, tinchlik va taraqqiyotning muhim omili bo‘lib xizmat qiladigan omildir. Dunyodagi har bir xalq va millat vakillari- Yaratganning buyuk mo’jizasi. Chunki har bir xalq o‘ziga xos insoniy fazilatlarni o‘z tilida, an’ana va qadriyatlarida, o‘ziga xos turmush tarzida namoyon etadi. Millatlararo hamjihatlik to'g'ridan-to'g'ri umuminsoniy qadriyat, xalqlarning birlashgan hayotiy harakati va davlatlarning milliy taraqqiyot omili bo'lib, u yerda tinchlik va barqarorlik kafolati bo'lib xizmat qiladi. Ijtimoiy taraqqiyotning eng muhim jihatlaridan biri - muayyan mamlakat nomining mavjudligi. O‘zbekistonda milliy va diniy bag‘rikenglik hukm surmoqda. Bag‘rikenglik – turli millat va elatning, turli din vakillarining, bir Vatanning, bir yurtning, bir mintaqaning eng ezgu g‘oyasi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyev xalqimiz dunyoqarashida mustahkam o‘rin egallagan bag‘rikenglik tushunchasi haqida qadimiy va saxovatli diyorimizda ko‘p asrlar davomida turli millat va elatlar, madaniyat va din vakillari tinch-totuv yashab kelmoqdalar, shuningdek, mehmondo‘stlik, mehr-oqibat, bag‘rikenglik tushunchalari va shu kabi omillar qatorida bag‘rikenglik tushunchasi ham azaldan xalqimiz mentalitetiga asos bo‘lib kelganligini alohida ta’kidlagan. O‘zbekistonning kelajagi tinchlik va bag‘rikenglik, madaniyatlararo va millatlararo totuvlik tushunchalari bilan chambarchas bog‘liqdir. O‘zbekistonda diniy qadriyatlarni asrab-avaylash, barcha fuqarolarning o‘z e’tiqodiga amal qilishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, dinlar va millatlarni yanada takomillashtirish, ular o‘rtasidagi azaliy mushtarak an’analarni takomillashtirishga xizmat qilmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 18-moddasida quyidagi qonun mavjud: „O’zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo’lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e’tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeidan qat’i nazar, qonun oldida tengdirlar”. Davlatimiz rahbarining 2020-yil 29-dekabrdagi Oliy Majlisdagi Murojaatnomasida ham millatlararo totuvlik va do‘stlikni yanada rivojlantirish masalalari alohida ta’kidlangan. Prezidentimizning parlamentga Murojaatnomasida ko‘tarilgan masalalar qatorida uning siyosati namunasi ekani yana

bir karra isbotlandi. Murojaatnomada 30-iyul – Xalqaro do‘stlik kuni munosabati bilan “Do‘stlik” haftaligini tashkil etish, uning doirasida “Do‘stlik” xalqaro forum-festivalini o‘tkazish taklif etilgan edi. “Xalqlar do‘stligi” ko‘krak nishonini ta’sis etish tashabbusi ham qo‘llab-quvvatlandi. Joriy yilda ushbu sanani O‘zbekistonda “Xalqlar do‘stligi kuni” sifatida belgilash taklifi ilgari surilgan tashabbuslarning mantiqiy davomi bo‘ldi.Bu masala Respublika Oliy Majlisi Senatining XII yalpi majlisida muhokama qilindi va ma’qullandi. O‘zbekiston Respublikasi Parlamentning har ikki palatasi tomonidan qabul qilingan “Xalqlar do‘stligi kunini belgilash to‘g‘risida”gi qonun Prezident tomonidan imzolandi va matbuotda e’lon qilingan kundan boshlab qonuniy kuchga kirdi. Ushbu qabul qilingan qonunlarning barchasi O’zbekiston davlatining naqadar hamdo’st va bag’rikeng ekanligini isbotlaydi.

Qolaversa, tarixiy misollar ham buni tasdiqlaydi. Masalan, yaqin o‘tmishda fashizm dunyo xalqlari hayoti uchun tahdid slogan va insoniyat unga qarshi kurashni boshladi. 2011-yilning mart oyida Yaponiyada kuchli zilzila sodir bo‘ldi, shahar va qishloqlar vayron bo‘ldi, minglab odamlar halok bo‘ldi, va bu mudhish kunlarda dunyodagi barcha millat va xalq vakillari muammoga duch kelgan barcha yapon xalqiga yordam berishdan tortinmadi. Milliy g‘oyamiz xalqimiz orzularini ro‘yobga chiqarishdan iborat. Bizning xalqimiz azaldan do‘stlik va qardoshlik g‘oyalarini ulug‘lab, boshqa xalqlar bilan hamkorlik, hamjihatlik va mehr-oqibat asosida yashaydi. Inson o‘zga xalqning hayoti va turmush tarzi bilan tanishar ekan, yangi bilim va yutuqlarga ega bo‘ladi. Millatlar va elatlarning ko’pligi va xilma-xilligi insonga o'zlikni anglash, milliy va umuminsoniy qadriyatlarning inson hayotidagi o'rni va ahamiyatini tushunib yetish imkonini bajaradi. Ma’lumki, barcha insoniyatning qadimiy ildizlari umumiy va mushtarakdir. Dunyodagi turli xalqlarning tillari, turmush tarzi, urf-odatlari bir-biridan farq qilsa-da, ularning intilishlari, moddiy va ma’naviy ehtiyojlari, hayot falsafasi bir-biriga yaqin. Butun xalq erkin va ozod yashashni, turmush qurishni, farzand ko‘rishni, munosib avlod qoldirishni, kuy-qo’shiqlar kuylab hayotdan zavqlanishni, baxtli bo‘lishni xohlaydi. Shu bilan birga, bunday xalq yaxshilikni qadrlaydi va yomonlikni qoralaydi.

1995-yil 16-noyabrda YUNESKO Bosh konferensiyasining 28-sessiyasida bag'rikenglik tamoyillari to'g'risidagi Deklaratsiya qabul qilingan. Bu konferensiyaning asosiy maqsadi 16-fevral sanasini "Xalqaro bag'rikenglik kuni" sifatida nishonlash va dunyo xalqlarini bag'rikenglikka, tinchlikni asrashga, ijtimoiy-iqtisodiy farovonlikka erishishga da'vat etishdir.Ba'zi mamlakatlarda, xususan, Afg'oniston hududida yuz bergan voqealar sababli ko'plab Xalqaro tashkilotlar va bir qator mamlakatlar o'z ko'maklarini berishdi.Shu o'rinda Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan yuborilgan gumanitar yordam O'zbekiston orqali Afg'onistonga yetkazildi. Oziq- ovqat va kiyim kechaklar ortilgan uchta samolyot Termiz shahri orqali Xayraton nazorat- o'tkazish punkti orqali Mozori Sharifga yetkazildi.Bu haqda BMT saytida xabar berilgan.[2, 2-bet]Yillar davomidako'plab xalqaro tashkilotlar va davlatlar tomonidan shu kabi yordamga muhtoj mamlakatlarga yordam qo'li cho'zilmoqda va O'zbekiston doim o'z bag'rikengligi va ochiqqo'lligi bilan har doim birinchilardan bo'lib yordam beradigan davlatlar ro'yxatida. Jumladan, 2021-yil 14-sentabr kuni Afg'onistonning Xayraton shahrida Afg'oniston xalqiga insonparvarlik yordami topshirilishi munosabati bilan tantanali marosim bo'lib o'tdi. Marosimda so'zga chiqqan Afg'oniston muvaqqat hukumati matbuot kotibi Zabihulloh Mujohid ushbu sinovli davrlarda mamlakatga ko'rsatilayotgan yuksak e'tibor, qo'llab-quvvatlash va birdamlik uchun Prezident Shavkat Mirziyoyevga butun afg'on xalqi nomidan minnatdorlik bildirdi. O'zbekiston rahbari afg'on xalqiga yordam berishda birinchilardan bo'lib e'tibor qaratgani, uning siyosati ko'pmillatli afg'on xalqining chinakam insonparvarligi, qardoshligi va yaxshi qo'shnichiligining yorqin ifodasi ekani ta'kidlandi. Uning so'zlariga ko'ra, bu yordam Afg'onistonga pandemiya oqibatlarini yengishda yordam beradi, shuningdek, mamlakatda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan gumanitar va oziq-ovqat inqirozining oldini oladi.[3, 5-bet] Bu kabi yordam va ko'maklar orqali O'zbekiston davlatining naqadar bag'rikeng va do'stona ekanligini bilishimiz mumkin va eng muhimi ko'rsatilayotgan ko'maklar orqali ba'zi mamlakatlardagi vaziyatlar yaxshilanmoqda.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, mamlakatimizda millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik sohasida ijobiy va o'zaro hurmatga asoslangan muhitni mustahkamlash

borasida olib borilayotgan islohotlar natijasida millatlararo va dinlararo munosabatlarning yangi modeli yaratildi. Bu model turli millat vadinlarning o‘ziga xos millatlararo va dinlararo muloqotiga, konstruktiv yondashuv va barcha fuqarolarning qonun oldida tengligiga asoslanadi. O‘zbekistonning kelajagi tinchlik va bag‘rikenglik, madaniyatlararo uyg’unlik va millatlararo totuvlik bilan chambarchas bog‘liq.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**


1. https://interkomitet.uz/bosh-sahifa/bag-rikenglik-o-zbek-xalqining-yuksak-fazilati/?lang=uk
2. https://uzreport.news/world/bmt-ozbekiston-orqali-afgonistonga-gumanitar-yordam-yuboradi
3. https://zarnews.uz/uz/post/ozbekiston-afgonistonga-gumanitar-yordam-korsatdi

# NOQOBIL OILALARDAGI DEVIANTLIK MUAMMOLARI

**Kandaxorova Madina Ishratovna**
Mirzo Ulug’bek nomidagi O’zbekiston Milliy universiteti
**Kandaxarov Zafar Ishratovich**
Toshkent davlat irrigatsiya qishloq xo’jaligini mexanizatsiyalash muhandislari milliy tadqiqot universiteti

**Annotatsiya:** ushbu maqolada notinch , noqobil oilalardagi deviatsiya ya`ni og`ma xulq- atvor masalalari yoritilgan.

**Kalit so’zlar** : deviantlik , deviatsiya, suitsid.

Bugungi kunda mamlakatimizda xalqning farovonligini ta`minlash masalalariga jiddiy e`tibor qaratilmoqda. Oila – jamiyatning asosini tashkil etadigan muqaddas qo`rg`on. Oila tinch, baxtli va mustahkam bo`lsa , jamiyat tinch-totuv bo`ladi, jamiyatda tinchlik-farovonlik hukm sursa, xalq baxtiyor bo`ladi. Ammo jamiyatimizda ma`naviy jihatdan yordamga muhtoj oilalar ham bor. Deviantlik yoki deviatsiya[1] –lotin tilidan olingan bo’lib, chetga og`uvchi fe`l-atvor, ya`ni og`ma xulq-atvor degan ma`nolarni anglatadi. Deviant xulq-atvor esa jamiyatda o`rnatilgan axloq me`yorlariga mos kelmaydigan insoniy faoliyat, xatti-harakat hisoblanadi. Bugungi kunda shuni aytish kerakki, qanchalik harakat qilmaylik oilalarda turli muammolar, jumladan, xalqimizga xos bo`lmagan ayrim illatlar –oilaviy ajrashishlar, turli nizoli vaziyatlar, jinoyatchilik, ma`naviy tushkunlik kabi holatlar ko`payib ketmoqda. Bu esa oilalarning notinch, noqobil, kemtik bo’lishiga hamda oilada nosog`lom muhitning yuzaga kelishiga sabab bo`lmoqda. Buni quyidagi 3 ta omil asosida tahlil qilishimiz mumkin: Psixologik omil – bir-birini tushunmaslik oqibatida nizolar kelib chiqishi, befarqlik, begonalar aralashuvi.

Ijtimoiy omil – ichkilikbozlik , giyohvandlik, fohishabozlik kabi yomon illatlar, befarzandlik.

Ma`naviy omil – er yoki ayolning begonalar bilan aloqalari. Bundan tashqari jinoyatchilik, kashandalik, fohishabozlik kabi illatlar deviant holatlar hisoblanadi,oilaning noqobilligi, hattoki oilaning barbod bo`lishiga ham sabab bo’ladi. Gollandiya, Niderlandiya va Germaniyada ko’plab deviatsiyaning eng yuqori darajasi kuzatiladi. Quyidagi shaharlar deviatsiyaning turlaridan biri bo’lgan fohishabozlik eng avj olgan shaharlar sanaladi: Almaar, Deventer, Roerstraat, Eyndxoven, Xarlem, Groningen, Nijmegen, Gaaga, Leyvarden, Rotterdam. Yer yuzida chekuvchilar soni hozirda 1.2 mlrd, 2025- yilda 1.6 mlrdga yetishi taxmin qilinmoqda, yiliga 5 mlndan ortiq odam chekish tufayli vafot etmoqda. 2000-yilda dunyoda 140 mln ga yaqin odam alkogolizmga chalingan, 2010-yilda 208 mln, 2050- yilga kelib esa 500 mln kishiga yetishi mumkin. Statistik ma’lumotlarga ko`ra, har yili dunyoda taxminan 2.5 mln kishi alkogoldan vafot etadi. Jinoyatlarning 50 % ga yaqini alkogolizm ta`sirida sodir bo`ladi. Ichkilikbozlik natijasida har yili 500 ga yaqin oila buziladi. Dunyoda 2020-yilda 275 millionga yaqin inson giyohvand moddalarni iste`mol qilgan.[18]

Yosh oilalardagi og’ma xulq- atvor omillari yosh bo`yicha:




Jahon Sog`liqni saqlash tashkiloti bergan bayonotga qaraganda, har yili 800 mingdan ortiq kishi o`z joniga qasd qiladi, bu esa har 40 daqiqada bitta kishi o`z joniga qasd qilishini anglatadi. Asosan 15 yoshdan 29 yoshgacha bo`lgan

[18] https: bugun.uz

shaxslar o`z joniga qasd qilishga moyil bo’ladi. O`z joniga qasd qilish rasmiy tilda Suitsid[19] ( lotincha sui caedere – o`zini o`ldirmoq) deb ataladi. Erkaklar ayollarga nisbatan uch barobar ko`p suitsid qurboni bo`ladi. Sharqiy Yevropa mamlakatlari suitsid bo’yicha 1-o`rinni egallaydi, Yaponiyada bu ko`rsatkich 30 ming kishi yiliga, Yevropa mintaqasida esa 140 ming kishi. AQSH da o`z joniga qasd qilishlar o`qotar qurollardan –52.1 % , o`zlarini osish va bo`g`ish –22.2 % , zaharlanish – 17.6 % va boshqa metodlar –8.1 % dan foydalanishadi. O`z joniga qasd qilishning 79 % i kam va o`rta daromadli mamlakatlarda sodir bo`ladi. Rus sotsiolog olimi A.Antonovning ta`kidlashicha, oila ijtimoiy-psixologik yaxlitlik sifatida shaxsga me`yortiv va axborot ta`sirlarini ko`rsatadi. Oila qanchalik inoq, uyushgan va mustahkam bo`lsa, uning me`yortiv ta`siri ham shunchalik samarali bo`ladi. Oilaning to`liq bo`lishi , ya`ni ota-onaning o`zaro tinch-totuv yashashi, ular orasida me`yoriy insoniy munosabatlar va sog`lom ma`naviy muhitning mavjudligi farzandlarining ma`naviy va ruhiy jihatdan barkamol bo`lib shakllanishiga zamin yaratadi. Bugungi kunda O’zbekistonda oilalardagi muammolarni bartaraf etishga jiddiy e`tibor qaratilmoqda. Mahmudxo`ja Behbudiy, Abdurauf Fitrat, Abdulla Avloniy, Abdulla Qodiriy, Cho`lpon, Munavvarqori Abdurashidxonov kabi ma`rifatparvarlarimiz oilani mustahkamlamasdan davlat va jamiyat taraqqiyotiga erishib bo`lmasligini ta`kidlashgan. Prezidentimizning 2020-yilning 2-fevralidagi “Xotin-qizlarni qo`llab- quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to`g`risida” gi Farmonga binoan, Vazirlar Mahkamasi huzurida “Oila” ilmiy-amaliy tadqiqot markazi tashkil etildi. Uning asosiy vazifalaridan biri O`zbekiston oilalarini mustahkamlash g`oyasini targ`ib etish, mamlakatda faqat sog`lom oila –sog`lom jamiyat ustuni bo`la olishini aholi ongiga singdirish,

---

19 Sotsiologik atamalar lug`ati. Rahimov I. G . : Ichki Ishlar Akademiyasi : o`quv qo`llanma :. Toshkent 2014

“ Oila jamiyat va davlat himoyasida” konstitutsiyaviy prinsipini keng targ`ib etish va jamiyatga singdirish hisoblanadi. Xususan, oilani mustahkamlash, ma`naviy-axloqiy muhitni yaxshilash, jamiyatda eng ibratli oilalarni moddiy va ma`naviy jihatdan rag`batlantirish, noqobil oilalarga o`rnak sifatida ko`rsatish, qadriyat va an`ana, urf-odatlarimizni targ`ib etish orqali noqobil oilalardagi turli xil deviantlik holatlariga ijobiy yechim topish mumkin. Shu orqaligina, oilada sog`lom va barqaror, osoyishta psixologik muhitga hamda oilalarning tinch- totuv hamda mustahkam bo’lishiga erishishimiz mumkin. Har bir oilaning huquq va manfaatlarini to`liq ro`yobga chiqarish, ular uchun munosib turmush sharoitini yaratish, oilaviy munosabatlar muvozanatini ta`minlash , oila farovonligini ta`minlash va oshirish, davlatning izchil va barqaror taraqqiyotiga erishish uchun yo`llanma vazifasini o`taydi, desak mubolag`a bo`lmaydi. Zero, oila jamiyatning asosiy bo`g`ini ekan, uning mustahkam bo`lishi , farovonligi davlatimiz va jamiyatimiz ravnaqiga xizmat qilishi, shubhasizdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati**

**1.** Https: bugun.uz

**2.** Sotsiologik atamalar lug`ati. Rahimov I. G . : Ichki Ishlar Akademiyasi : o’quv qo`llanma :. Toshkent 2014 .

# МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЕ СОГЛАСИЕ И РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ – ВЫСОКОЕ КАЧЕСТВО УЗБЕКСКОГО НАРОДА

**Иномалиева Зилола Фуркат кизи**
Студентка 303 группы образовательного направления по узбекскому языку и литературе, ТГПУ им. Низами
E-mail: inomaliyevazilola@gmail.com

**Аннотация:** В данной статье вкратце раскрыты особенности социально-политического развития Узбекистана в годы независимости, в особенности, принятые за годы независимости руководством страны меры и созданные условия для благоприятного и мирного развития межнациональных и межконфессиональных отношений в нашей стране, а также отличительные признаки узбекского народа в вопросах обеспечения религиозной толерантности и межнационального согласия в Узбекистане.

**Ключевые слова:** религиозная толерантность, независимость, узбекский народ, национальность, религия, закон, ценность, межнациональное согласие.

С обретением независимости в Узбекистане возникла новая социально-экономическая и социально-политическая ситуация в развитии межнационациональных и межконфессиональных отношений. Началась эпоха возрождения национальных и общечеловеческих ценностей многонационального и многоконфессионального народа.

В годы независимости, главным во взаимоотношениях между всеми национальностями, проживающими в Узбекистане, стала забота и внимание узбекского народа, высокая гражданская ответственность за физическое и духовное выживание, сохранение каждой нацией своего собственного

неповторимого национального облика и духа, достоинства и чести, признание права равности, принципа паритетности, чувства сотрудничества.[20]

Для обеспечения стабильности в государстве, выбравшим собственный путь социально-экономического развития в трудных условиях перехода к рыночным отношениям, руководству страны во главе с первым Президентом Узбекистана Исламом Каримовым необходимо было с самого начала проводить взвешенную политику, которая не ущемляла бы права и интересы более чем 130 наций и народностей, проживающих в нашей республике.

Мудрая политика руководства государства, направленная на объединение людей всех национальностей, ментальная толерантность и гуманность узбекской нации не дали возможности развиться порокам национализма и национального противостояния, распространить среди мирного населения вражду на религиозной и национальной почве, посеянных деструктивными силами в первые годы становления независимости Узбекистана.

Указанное говорит о том, что мудрый узбекский народ, сохраняя и оберегая свою духовность и нравственность на протяжении веков, жил гордо, трудился, стремился обрести свободу и волю. Народ освобожденный, достигший независимости, не может угнетать других, не может допустить их унижения и оскорбления.

Именно это национальное самосознание и национальную гордость стали сегодня золотым фундаментом независимости. Этот фундамент заложили Ширак и Томарис, Беруни и Фараби, Абу Али Ибн Сино и Аль Хорезми, Амир Темур и Бабур, Навои и Улугбек, сотни других замечательных наших предков.[21] Именно развитие культуры толерантности и гуманизма, укрепление межнационального и гражданского взаимопонимания и согласия, воспитание молодого поколения на этой основе, в духе любви и преданности Родине было

---

[20] Муртазаева Р.Х. Проявление толерантности узбекского народа в полиэтничном Узбекистане в условиях независимости// Наука, техника и образование, 2018. – С.75.

[21] Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т.1, - Т.: «Узбекистан», 1996 – С.35.

определено в качестве одного из важнейших приоритетов государственной политики в Узбекистане.

Необходимо подчеркнуть, что за годы независимости в нашей стране не произошло ни одного межнационального и межконфессионального конфликта. Этому способствовала большая кропотливая работа органов государственной власти, общественных организаций и народа Узбекистана. Как отметил Президент Узбекистана Ш. Мирзиёев: «Царящая в нашей республике атмосфера дружбы и сплоченности – важнейший фактор мира и стабильности, повышения эффективности проводимых реформ, роста авторитета Узбекистана на международной арене. Мы все хорошо знаем и высоко ценим заслуги Первого Президента Узбекистана Ислама Абдуганиевича Каримова в создании и приумножении этого нашего поистине бесценного богатства».[22]

Как показывает мировая практика, устойчивость государства во многом зависит от способности решать различного рода проблемы межнациональных отношений. Особенно важным это стало в последнее время, когда в глобализующемся мире наблюдается эскалация конфликтов, в том числе межэтнических. В силу этого, межнациональное согласие приобретает кардинальное значение для любого многонационального государства.

В настоящее время усиление негативных тенденций создало острую потребность в утверждении культуры толерантности, вызвало к жизни общественное движение за антидискриминацию и толерантность здесь также надо отметить, что толерантность- результат процесса воспитания культуры мира, являющегося профилактикой экстремизма. Это система воспитания на идеях и принципах ненасилия.[23]

[22]«Межнациональное согласие и дружба – важный фактор мира и процветания нашей страны». Выступление Президента Узбекистана Ш.М. Мирзиёева на встрече, посвященной 25-летию образования Республиканского интернационального культурного центра. https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-mezhnatsionalnoe-soglasie-i-druzhba-vazhnyiy-faktor-mira-i-protsvetaniya-nashey-stranyi

[23] Бакиев, К. Т. Толерантность как основа межнационального согласия и мира в Узбекистане / К. Т. Бакиев, Г. Ю. Ташбаева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2016. — № 9 (113). — С. 1226-1228. — URL: https://moluch.ru/archive/113/29154/ (дата обращения: 13.01.2022).

Учитывая, что сегодня все больше возрастают угрозы таких чрезвычайно опасных явлений, как религиозный экстремизм, терроризм, наркомания, торговля людьми, незаконная миграция, «массовая культура», мы еще глубже понимаем истинный смысл и значение этих слов. Нынешнее стремительно меняющееся время, расширяющаяся глобализация открывают перед человечеством, особенно молодежью, все новые и новые, огромные возможности. Вместе с тем появляются различные угрозы и вызовы, с которыми ранее мы не сталкивались. Мы не вправе допустить, чтобы наши дети оказались орудием в чужих руках.[24]

В подобных условиях Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев в своих выступлениях и докладах неоднократно отмечал необходимость обеспечения межнационального согласия и религиозной толерантности в нашей стране, продолжив тем самым начатую миролюбивую политику руководства в первые дни независимости нашей страны, подчеркивая, что «гостеприимство, доброта, щедрость души и подлинная толерантность всегда были присущи нашему народу и стали основой его менталитета».[25]

Межнациональные отношения в современном Узбекистане строятся на основе национальной политики государства, в которой исторически сложившаяся многонациональность страны рассматривается как благоприятный фактор ее социально-экономического развития, источник духовно- интеллектуального обогащения всех наций и народностей, проживающих в республике, благоприятное условие для интеграции республики в мировое сообщество. В нашей стране сегодня представлены равные права и возможности всем ее гражданам независимо от их национальности, социального статуса, расовой или религиозной принадлежности, что закреплено в Конституции Узбекистана.

---

[24] Мирзиёев Ш.М. «2017 год – год стремительных реформ» - Т. «Адолат», 2017 г.. – С.90. https://strategy.uz/files/news/45467/rus.pdf

[25]«Межнациональное согласие и дружба – важный фактор мира и процветания нашей страны». Выступление Президента Узбекистана Ш.М. Мирзиёева на встрече, посвященной 25-летию образования Республиканского интернационального культурного центра.

Если Основной закон государства гарантирует свободу совести и убеждений, национальное законодательство, опирающееся на Конституцию Узбекистана, создает условия для удовлетворения религиозных потребностей всех граждан, позволяет обеспечить права и интересы граждан, независимо от национальной и религиозной принадлежности, эффективно противодействовать дискриминации по данным признакам.

Наряду с этим, приняты Законы «О государственном языке», «Об основах государственной независимости Республики Узбекистан», «О гражданстве», «О свободе совести и религиозных организациях» и др., ратифицированы все основные международные договоры в области прав человека, а также подписаны двусторонние и многосторонние межгосударственные соглашения, которые регулируют статус этнических меньшинств.

Совершенствуя национальное законодательство, в Узбекистане созданы и успешно осуществляют свою деятельность специальные государственные структуры. В частности, действуют Уполномоченный по правам человека, при котором образована Комиссия по соблюдению конституционных прав и свобод граждан, функционирует Национальный центр по правам человека.

Одним из главных гарантий сохранения национальной самобытности проживающих в республике народов является уважение национальных традиций. В Узбекистане созданы все необходимые условия для развития всех национальных языков и культур. Особенно это выражается в поддержке 137 национально-культурных центров, образующих систему специфических прав национальных меньшинств, связанных с реализацией их языкового суверенитета, сохранением культурных традиций. Из них 15 являются республиканскими, созданными представителями 27 наций и народностей. При этом, первые национальные культурные центры появились в городах и областях Узбекистана еще в 1989 году.

Для координации их деятельности был создан Республиканский межнациональный культурный центр, преобразованный в январе 1992 г.

в Республиканский интернациональный культурный центр. Указом Президента Узбекистана Ш. Мирзиёева от 21 мая 2017 г. в целях всесторонней поддержки и развития деятельности данных центров и обществ дружбы был создан Комитет по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при Кабинете Министров Республики Узбекистан. На Комитет возложено решение задач по реализации государственной политики в области обеспечения межнационального согласия и толерантности в обществе, широкому разъяснению миролюбивой политики, достигнутых рубежей и успехов во всех сферах жизни страны.

В настоящее время в обязанности комитета входит координация деятельности всех 137 национальных культурных центров и 36 обществ дружбы с зарубежными странами, а также работа с нашими соотечественниками, проживающими за рубежом.

Примечательно также то, что среди государств СНГ такая структура создана только в Узбекистане.

Кроме того, в стране действуют 2276 религиозных организаций, в том числе 183 неисламские религиозные организации, которые представляют 16 различных конфессий.

Все это говорит о том, что в нашей стране сформирована уникальная система неправительственных организаций в области межнациональных отношений. Их многогранная деятельность способствует обеспечению спокойной и благополучной жизни в республике, решению важных культурно-просветительских задач, а также развитию сотрудничества с зарубежными государствами.

Упрочнение атмосферы дружественности различных наций и народностей, проживающих в нашей стране, нашло свое отражение в реформировании всех сфер жизни, проводимых в Узбекистане. Так, в феврале 2017 г. была принята Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 гг., пятое направление которого посвящено решению проблем обеспечения религиозной толерантности и

межнационального согласия в стране. Указанное является наглядным примером пристального внимания Президента страны к задачам всего народа Узбекистана, определенным в национальном законодательстве и принятых международных договорах.

Наряду с этим, в рамках реализации данной Стратегии в апреле 2018 года принял Указ Президента Узбекистана «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере».[26] Указанный документ направлен на широкую пропаганду издревле присущих нашему народу таких благородных качеств и ценностей, как просветительство, толерантность, любовь и милосердие, созидание, дальнейшее повышение роли и участия представителей религиозно-просветительской сферы в обеспечении стабильной социально-духовной атмосферы в обществе.

Одним из главных нормативных документов, давшим импульс в дело укрепления, сохранения и развития межконфессиональной и межнациональной дружбы в нашей стране стал Указ Президента «Об утверждении Концепции государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений» от 15 ноября 2019 г. № УП-5876. Концепция всецело отражает присущие узбекскому народу чувство многовекового добрососедства, гуманизма и толерантность. Она представляет из себя единую систему взглядов, определяющих цели, принципы, основные направления и механизмы реализации государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений и всецело отражает присущие узбекскому народу чувство многовекового добрососедства, гуманизма и толерантность.

Таким образом, анализ развития межнациональных и межконфессиональных отношений за годы независимости Узбекистана свидетельствует о собственном пути нашего государства в межэтнических отношениях, который базируется на вековых традициях толерантности, дружелюбного и уважительного отношения узбекского народа к другим нациям

[26] Указ Президента Республики Узбекистан от 16.04.2018 г. № УП-5416 // www.lex.uz

и народностям в Узбекистане. В свою очередь, общественная и политическая стабильность, достигнутая в Узбекистане, есть результат глубоко продуманной политики, направленной на обеспечение межнационального мира и гражданского согласия в стране.

**СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т.1, - Т.: «Узбекистан», 1996 – С.35.

The work of kindergarten has its own difficulties in the implementation of labor education: a large part of adult labor is not in front of children. Therefore, it is important for them to find ways and forms of addressing adult labor in kindergarten, to enhance its impact on "the formation of children's labor skills", to identify the most

effective conditions of exposure in the example of adults and the principles, forms of adult labor in children and It is necessary to determine the composition. or with them.

The pattern of adult household chores (cleaning, cooking, various behaviors of medical staff, laundry, laundry, etc.) has a strong impact on children, especially young and middle-aged children. This work is understandable for children because it is aimed at meeting their personal needs, it has a lot of fun activities that can often be observed. Children’s games show that they imitate the work of adults on their own initiative. The older the children, the more they are involved in activities outside the walls of the kindergarten. In games, children imitate the actions of builders and transport workers. Skillful, organized monitoring of this work is of great importance in the general work and the formation of children's own activities. .

It is very important to arouse in children a sense of wonder at the wonderful changes that occur as a result of labor: the old dirty walls are covered with new plaster, the paint becomes beautiful and attractive; Once cleared, the snow-covered street will again open up the space, allowing vehicles and pedestrians to move freely, the fabric in the seamstress’s hand will turn into clothing, and so on.

**CONCLUSION**

Thus, introducing children to adult work is a difficult type of labor training for preschool educators and therefore requires specially organized activities that can be methodically properly organized and conducted in a kindergarten setting.

**REFERENCES**

1. "Practical Guide to the Study of the Convention on the Rights of the Child". -1993
2. Otavaliyeva 0. Kindergarten and family partnership in child rearing. T: Teacher, 1994.
3. Spravochnik «Rukovoditelya doshkolnogo obrazovatel nogo uchrejdeniya». T.2006.
4. Hasanboyeva O., Tadjieva M., Toshpulatova Sh and others. Pedagogy of preschool education. T . Ilm - ziyo, 2012.

5. Hasanboyeva O. and others. A harmoniously developed generation in the family. - T .Uzbekistan, 2010.
6. State requirements for the development of children of primary and preschool age in the Republic of Uzbekistan. T., 2018.
7. Law of the Republic of Uzbekistan "On guarantees of the rights of the child". T.2008.

# АЁЛЛАР НУТҚИНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА ТУРЛАРИ

**Дилдора Рустам қизи Ҳўжамбердиева**

Чирчиқ давлат педагогика институти Гуманитар фанлар факультети

Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши 1-босқич талабаси

Илмий раҳбар: **Қодиржон Мўйдинов Абдурасулович**

**Аннотатция:** Мақолада аёллар нутқининг ёш хусусияти кўра лингво маданий таҳлили ёритилган. Аёллар нутқини ёш хусусиятлари кўра ўсмир қизлар нутқи, ўрта ёшли аёллар нутқи ва ёши улуғ аёллар нутқига ажратиб олинган. Ўзбек аёллари нутқида кенг қўлланадиган сўзларга муносабат билдирилади ҳамда уларнинг ёш билан боғлиқ ўзига хосликлари, нутқларидаги фарқлари мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар**: лингвокултурологик тадқиқ,лингво маданий нутқ, ёш муносабати, гендер хусусият, нутқ маданийлиги, психолингвистик омиллар.

# TYPES OF WOMEN’S SPEECH ACCORDING TO AGE CHARACTERISTICS

**Abstract:** In the article ,lingvo malata is melted according to the women’s speech a feature.Women’s speech a features teenage girls speech according to features.Middle-aged women are divided into speech and the greatest women’s speech.In the speech uzbek women is illustrated by their age-specific features,diffirence in their speech with the of examples.

**Key words:** Lingvkultoroligic research,lingvocultural speech,age attitude,gender feature,speech cultural,psycholinguistics.

Аёл инсоният мўжизаси бўлган хилқатдир. Унинг очилмаган қирралари, кашф этилмаган жиҳатлари мислсиздир. Аёлга берилган таърифлар шунчалик кўпки, унинг адоғига етиб бўлмайди. Қадимдан аёлларга бўлган ҳурмат барча миллатларда юқори бўлган. Туркий халқларнинг кўплаб достонларида аёл унга

эришиб бўлмайдиган илоҳий мавжудот сифатида тасвирланади. ,,Яратилиш”достонида аёл борлиқнинг яратилишига сабаб бўлган илҳом париси тарзида намоён бўлади. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг дурдоналаридан бўлган ,,Ойсулув”достони ва ,,Тўмарис”, афсоналарида маълумки аёллар қабила ва уруғга ҳукмдор эдилар, улар барча ижтимоий-сиёсий, хўжалик, оилавий масаларни ҳал қиларди.Таникли файласуф олимимиз Виктор Алимасовнинг ,,Фалсафа ёҳуд фикрлаш лаззати” китобида:,,Агар аёллар дунёга ҳукмдор бўлганда эди. Дунёда ҳеч бир қабиҳлик юз бермаган бўларди”.

Аёл ҳар жиҳатдан тадқиқ этилишга муносибдир. Илмий жиҳатдан аёл нутқини тадқиқ этиш жамият ривожининг омилларини кашф этишга туртки бўлади. Аёллар нутқ маданийлиги алоҳида эътиборга моликдир. Гендер тилшунослигида ҳам аҳамиятли йўналиш ҳисобланади. Аёллар нутқини таҳлил этадиган бўлсак, аввало гендер жиҳатга эътибор беришимиз лозим. Аёл жинси вакилларининг нутқи эркак жинси вакилларидан мулоқот жараёнинг давомийлиги, бир хил фикрларни кўп қўллаш, ҳиссиётларни очиқ ифодалаш, бошқа инсонлар нутқидан фойдаланиш, муболаға билан гапириш, кўчма маънодан сўзларни қўллаш, мулоқот жараёнида сукутнинг деярли бўлмаслиги, жумлаларнинг бўлиши билан фарқланади. Аёллар ижтимоий мавқейи ва ёш даражасига кўра ҳам нутқлари бир-биридан фарқлидир.Бу мақолада аёллар нутқини ёш хусусиятига кўра таҳлил қилинади. Ўсмир қизлар, ўрта ёшли аёллар ва катта ёшли аёллар нутқи бир- биридан кескин фарқланади. Ўсмир қизлар нутқи ҳиссиётга бойлиги, кўп маъноли сўзларни кенг қўлланиши ва фикрни чиройли ифодалашга ҳаракат қилиниши билан ажралиб туради.

Масалан: -*Ўртоқжон,-деди, -отам авродда ўтириб қолди, шекилли, шунақа одати бор. Ендиёқ кириб келса керак. Хафа бўлманг-а? (Чўлпон ,,Кеча ва Кундуз” романи )*

-*Энажон,*туринг, келиб қолдик! (Чўлпон ,,Кеча ва Кундуз” романи)

Ўрта ёшли аёллар нутқида бир қадар босиқлик, мулоҳаза билан, сўзларни ўз ўрнида қўллаш ва шу билан бирга бирор-бир мақсадда гапираётган

пайтларида фикрлаини тўғридан-тўғри ифодаламаслик, таг маъноларда кенг фойдаланиш кузатилади.

*Масалан: -Ойдинкўлдаги Халфа эшонимизнинг кичик қизлари бир-иккита ўртоғини ,,Баҳорлашиб келинглар”, деб чақиртирган эканлар. Шуларнинг биттаси Зеби, яна биттаси унинг ўртоғи Салтанатхон экан. Салтанатхон аравани қўштириб қўйиб, ўзи Зебини айтгали келибди.,,Йўқ”,десак қандай бўлади.(Чўлпон ,,Кеча ва Кундуз” романи)*

Масалан: -*Нега индамайсиз? Хўп денг! Катта одам, уят бўлади. Бир яхши хотинлари, бир отинча қизлари борки…(Чўлпон ,,Кеча ва кундуз” роман)*

Ёши катта аёллар, нуроний улуғ ёшли онахонлар нутқида ҳикматли сўзларни қўллаш, дуо мамунидаги қарғишлардан фойдаланиш, гапларни ўз ўрнида қўллаш, насиҳатлар қилиш кўп учрайди. Ёши катта аёлларнинг нутқи ёш қизлар ва ўрта ёшли аёллар нутқидан тубдан фарқ қилади. Қизлар ва ўрта ёшли аёллар нутқида бироз бўлса-да, ўхшашлик бир-бирига яқин жиҳатлар жуда кўп. Ёши катта аёллар нутқида айланай, қоқиндиқ, ўргилай *гиргиттон* каби сўзлар ҳам кўп қўлланади.

*-Албатта, айланай!Ўзлари ёлғиз боришадиган бўлса жавоб йўқ!..(Чўлпон ,,Кеча ва кундуз романи....)*

*-Ҳозир айланай…хўп,тураман…(Чўлпон ,,Кеча ва кундуз”романи )*

Аёллар нутқини лингво-маданий жиҳатдан ўрганишда уларнинг ёш хусусиятларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.Аёллар нутқи лингво-маданийлиги биргина унинг ёшига эмас, балки, уларнинг психологик(руҳий) ҳолатларига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Аёллар нутқининг маданийлигига зарар етказувчи ғийбат, чақимчилик, муболаға, қарғиш сўзлардан фойдаланишдан чекланиш тавсия этилади. Хулоса сифатида гендер тилшуносликнинг таркибий кўринишларидан бир бўлган аёллар нутқининг илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бугунги замонавий тилшунослигимиз олдида турган қизиқарли ва ечимини кутиб турган масалаларидан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.Усманова „Лингвокултурология"дарслик,Тошкент 2019

2. Абдулҳамид Чўлпон „Кеча ва кундуз"романи www.ziyouz.com

3.В.Алимасов „Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати", „Маьнавият".Тошкент 2001

4. Қ.Мўйдинов „Ўзбек тили суд нутқи лексикаси", „Нодирабегим".Тошкент 2020

5. Мўйдинов Қ.(2021) ҲУКМ СЎЗНИНГ ТИЛ ВА НУТҚДА ИФОДАЛАНИШИ.*Асадемис ресеарч ин эдусатионал ссиенсес*,2(11),1253-1258.

6. Икрамов Р.А.,&Мўйдинов Қ.А.(2021) ҲУҚУҚ ТИЛИ ВА НУТҚИ.Асадемис ресеарчин эдусатионал ссиенсес2(9),719-727.

7.А.Муйдинова(2021) УЗБЕК МИЛЛИЙ УЙГОНИШ АДАБИЁТИДА МУВАШШАХЧИЛИК.Academic research in educational sciences,2(11),1219-1224.

**UDK. 662.997:697.1**

# INDUSTRIAL RECYCLING IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN EFFICIENCY OF RENEWABLE ENERGY SOURCES AND ACCESS OPTIONS

**Eshmatov Mansur Musulnomovich,**

**Barotov Qobuljon Nizomjon o'g'li**

Samarkand State Architectural and Construction Mirzo Ulugbek Institute

**Abstract:** This article discusses the secondary type of energy consumed during human daily needs and the new energy sources that can be obtained through its use.

**Key words**: wind and solar energy, bioenergy, renewable energy sources, hydroelectric power plants, solar panels.

**Energy resources** are divided into two.

1. Renewable
2. Non-renewable (oil, gas, shale, coal, peat, etc.)

Thermal energy resources include non-renewable resources such as oil, gas, coal and firewood.

There are 2 different types of energy.

1. Conventional (non-renewable energy)
2. Non-conventional (renewable energy) is a type of environmentally friendly energy.

Using thermal energy resources, thermal power plants generate electricity and require a separate thermal power plant.

For non-traditional ones, ES (Power Plant) is not required. You can also install an object to support a specific object. This is only for solar and wind energy**.**

When an object (solid, liquid, or gaseous) moves again by transferring its energy to a device that converts it into another type, and does not disappear by itself, it is called a

renewable energy source (wind, solar). , rising and falling water levels, waves, small- and mini- and microHPPs, geothermal, space, biofuels, hydrogen and quantum).

Non-conventional energy sources (wind, solar, water levels) 'shrinkage, waves, small- and mini- and microHPPs, geothermal, space, biofuels, hydrogen and quantum).

Wind energy is the process of taking mechanical energy from the wind and then converting it into electrical energy. There are vertical and horizontal rotary shaft wind turbines. Wind energy can be used successfully when the wind speed is 5 m / s or more. The downside is the big noise.

The potential of wind energy in the world is huge. Theoretically, this energy could meet all the demands of Europe. Recent engineering successes in the construction of low-speed wind generators show that the use of wind is economically justified. But restrictions on the construction of SHES, especially the population in densely populated areas, this reduces the potential of the energy source.

Wind energy prices are declining by 15% per year and are even more competitive in the market today, with the potential to decline in the future, in contrast to energy prices, which are mainly derived from nuclear power plants (increasing by 5% per year); at the same time, the growth rate of wind energy is more than 25% per year. The use of wind energy is increasing in different countries. The development of wind energy in developed countries shows that wind turbines with a capacity of more than 100 kW, especially in the range of 200-500 kW, are the most optimal. In Denmark, for example, 1 kWh of electricity generated at a wind farm is cheaper than at a thermal power plant.




**Solar energy.** There are several technologies of solar energy. Collected from a large number of series and parallel connected elements, photovoltaic generators that directly convert the radiant energy of the Sun are called solar cells.

Obtaining energy from sunlight does not emit harmful emissions into the atmosphere, and the production of standard silicone solar cells is also less harmful. However, the large-scale use of multi-layered elements from unusual materials such as gallium arsenide or cadmium sulfide is associated with harmful emissions.

Solar panels take up a lot of space. But compared to other sources, such as coal, they are completely appropriate. In addition, solar panels can be placed on the roofs of houses, along highways, and can be used in solar-rich deserts.

The features of solar panels allow them to be placed over long distances, while modular structures can be easily carried and placed elsewhere. Therefore, solar panels used in rural and remote areas provide much cheaper electricity.

People in remote areas use solar energy for lighting, radio broadcasting and other household needs, and solar energy is practically used to lift water from wells and for health needs.

The main reason that stops the widespread use of solar energy is its high cost. This will decrease in the future as a result of the development of cheap and efficient technologies. The current price of solar electricity is $ 4.5 per 1 watt, and the price of 1.0 kWh of electricity is six times higher than that of conventional fossil fuels. When

the price of solar energy is equal to the price of fossil fuels, it can spread, but since the 1990s, the rate of development of solar energy has been 6% per year, while world oil consumption is 1.5% per year.

Solar energy can be used to generate heat, especially for residential heating.

**Bioenergy** is energy based on the use of biofuels. These include plant waste, artificial biomass (aquatic plants, fast-growing trees) and biogas production. Biogas is a mixture of combustible gases formed during the biological decomposition of biomass or organic household waste (technical composition: - 55-65% methane, 35-45% - a mixture of carbon dioxide, nitrogen, hydrogen and hydrogen sulfide). The method of obtaining biogas in industry was known in 1885 before the last century. There are more than 8 million biogas plants in the world.

**Biomass-** is the cheapest and largest form of renewable energy. The term "biomass" refers to nutrients and organic wastes of any biological origin. Biomass, the annual increase in organic matter in the earth, which is always present as long as there is life on earth, is equivalent to the amount of energy that at the present stage is 10 times more than the energy consumed by all mankind in a year.

Sources of biomass for our country can be divided into three main groups:

- natural growth nutrients (wood, wood waste, leaves, etc.);
- taking into account human waste and production activities (solid waste, industrial waste, etc.);
- Specially grown high-yielding plants.

**Hydropower**.Hydroelectric power stations (HPP) - a complex of hydraulic structures and power equipment, through which the energy of water flow is converted into electricity. As a result of the construction of hydropower plants, the environment will be damaged: the flow of rivers will change their course, a large area will be flooded, and flora and fauna will be severely damaged. One of the main features of water flow energy compared to thermal energy is its reproducibility.

Another type of HPP is a hydroaccumulation HPP, where pumps and turbines are used interlocking. The upper reaches of such hydropower plants can be a reservoir or a river.

The energy of the waves. There are two types of wave energy: wave energy and rising and falling energy. Using the energy of waves in the oceans and seas.

**References:**

1. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan. On measures to streamline control and accounting for the rational use of groundwater reserves for 2017-2021.

Tashkent, May 4, 2017, No. PP-2954

2. Timothy K. Shih, Jason C. Hung "Fiture direktions in distance learning and communication technologies" 2007. Taiwan, USA.

3. QMQ 2.01.01-94. Climatic for design and physical geological data. Uzbekistan Republic State Architecture and Construction committee. - Tashkent, 1996.

4. Martysyuk A. "Features of the organization of riverside urban territories of rivers: the experience of the countries of near and far abroad" Bulletin of Polodsk State University. - 2015, article.

5. The Law of the Republic of Uzbekistan "On Water and Water Use". Tashkent, 1993

# XORIJIY TILLARNI O'RGANISHDA MOTIVATSIYANING ROLI

**Ismoilova Mamlakat Qurbonovna**
Teacher of Karshi State University
**Nuftillayev Bekzod Ubaydillo o'g'li**
Student of Karshi State University

**Annotatsiya:** Zamonaviy dunyoda xorijiy tillarning o'quv jarayonidagi o'rni sezilarli darajada oshmoqda. Jamiyat hayotining ijtimoiy-madaniy tarkibidagi o'zgarishlar jamiyatning umuman ta'limga, xususan til bilimlariga qo'yadigan talablarining o'zgarishiga olib keladi. Bunday vaziyatda xorijiy tillarga "tabiiy ehtiyoj" mavjud emasligi sababli, xorijiy tillarni o'rganishga turtki beruvchi omil hisoblanadi. O'qituvchi xorijiy tillarini chuqur o'rganishga, ularni takomillashtirishga, xorijiy tillarni bilish ehtiyojini rivojlantirish va intilishga ijobiy munosabatda bo'lgan taqdirda, ma'rifiy faoliyatni yo'naltiruvchi harakatlar tizimi tushuniladi.

**Kalit so'zlar:** motivatsiya, zarurat, sub'ektivlik, o'quv vazifasi.

Motivatsiya xorijiy tillarini o'rganish jarayonining eng muhim bosqichlaridan bo'lib, uning samaradorligini ta'minlaydi. Shuni ham ta'kidlash kerakki, motivatsiya o'quvchining sub'ektiv dunyosining bir tomoni bo'lib, u o'zining motivlari va imtiyozlari bilan belgilanadi. O'qituvchi faqat bilvosita ta'sir qilishi mumkin, bu shart sharoitlarni yaratib, talabalar ishda shaxsiy qiziqish uyg'otadigan asosni yaratishi mumkin, ya'ni, o'quv jarayonini maqbul tashkil etish uchun o'quvchilarning motivlarini va ularni to'g'ri aniqlash va ularni oqilona boshqarish qobiliyatini bilish muhimdir.

A. Zimnyaya ta'rifiga ko'ra, "motiv bu nutq harakatlarining mohiyatini ochib beradigan narsa, kommunikativ niyatlar ma'ruzachining qanday kommunikativ maqsadga intilishini ifoda etganda, men tinglovchiga qandaydir ta'sir turini rejalashtiraman". Motivatsiyani oshirish masalasining murakkabligi va xilma-xilligi,

ko'plab metodistlar talabaning "xorijiy tili" faniga bo'lgan qiziqishini saqlab qolish va rivojlantirishga urg'u berishadi va shunga mos ravishda ushbu muammoni hal qilish uchun turli xil yondashuvlar taklif etiladi. Yechimlar quyidagilar bilan bog'liq:

1) Maxsus ishlab chiqilgan mashqlar tizimini yaratish, talabalar o'z faoliyati natijalarini his etadigan mashg'ulotlarni bajarish;

2) o'quv jarayoniga hissiy sohani jalb qilish;

3) O'qituvchining pedagogik ta'sirining tabiati, ichida xususan, rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlash mavjudligi;

4) sinfda audiovizual vositalardan foydalanish;

5) Shaxsiylashtirishdan foydalanish.

Shuni ham ta'kidlash mumkinki, ortib borayotgan motivatsiya quyidagilar orqali o'tadi:

1) o'quvchilarni darsga mustaqil ishlashga jalb qilish;

2) vazifalar va vaziyatlar muammosi;

3) ko'nikmalar to'g'risidagi bilimlarni nazorat qilish;

4) mintaqaviy geografik materialning mavjudligi;

5) talabalarga do'stona munosabat.

Ichki motivatsiya talabalarning mavzuga bo'lgan munosabatini belgilaydi va xorijiy tilni o'zlashtirishda ilgarilanishni ta'minlaydi. Agar talaba gapirishni, o'qishni, xorijiy tilni tinglashni, yangi narsalarni o'rganishni yaxshi ko'rsa, u holda "xorijiy tili" faniga qiziqishi borligini aytishimiz mumkin va muayyan yutuqlarga erishish uchun sharoitlar yaratilgan deyish to’g’ri bo’ladi.

O'quv materialining mazmuni talabalar uchun ochiq bo'lishi kerak, ular allaqachon mavjud bo'lgan bilimlarga asoslanishi va ularga tayanishi kerak, ammo ayni paytda material qiyin va murakkab bo'lishi lozim.

O'quv dasturining har bir mavzusini o'rganish quyidagilardan iborat bo'lishi kerak uchta asosiy bosqich: motivatsion; operatsion-kognitiv; reflektiv-baholovchi.

**Motivatsion bosqich** talabalarga dasturning ushbu qismini nima uchun kerakligini tushunishga yordam beradi. Odatda motivatsion bosqich quyidagi o'quv mashg'ulotlarini o'z ichiga oladi.

1) o'quv-muammoli vaziyatni yaratish, yaqinlashib kelayotgan ya’ni o’tilishi rejalashtirilayotgan mavzuni o'rganish uchun olib boradigan vaziyat yaratib berish.

2) Asosiy o'quv vazifasining ta'rifi. O'quv vazifasi talabalarni ushbu mavzuni o'rganish jarayonida o'z faoliyatini yo'naltirishi kerak bo'lgan ko'rsatmalarni ko'rsatadi.

3) O'z-o'zini boshqarish va kelajakdagi imkoniyatlarni o'z-o'zini baholash ushbu mavzuni o'rganish bo'yicha tadbirlar. O'qituvchi sizga mavzuni o'rganishga ajratilgan vaqtni, nimani bilishingiz va uni o'rganishingiz uchun nimalar lozimligini tushuntiradi.

**Operatsion-kognitiv bosqichda** talabalar o'rganadilar mavzuning mazmunini o'rganish va uning tarkibiga kiritilgan o'quv faoliyati va operatsiyalarini o'zlashtirish (talabalarga asosiy ta'lim vazifasini hal qilish uchun barcha tarkib va uning alohida qismlariga bo'lgan ehtiyoj tushunarli bo'lishi).

**Reflektiv-baholash bosqichi**. O'tilgan materialni o'rganishni yakunlash bo'yicha ishlar talabalar o'zlari qilgan ishlaridan hissiy qoniqish, qiyinchiliklarni yengib o'tish g'alabasi va yangi materialni o'rganishdan zavqlanishlari uchun tashkil etilishi kerak. Bir nechta doimiy usullardan foydalanish tavsiya etiladi (og'zaki so'rov, test). Endi biz o'rganish paytida yuzaga keladigan motivatsiya turlarini, xususan, xorijiy tilini o’rganishdagi motivatsiyalarni tavsiflaymiz. Ular birgalikda ta'lim motivatsiyasini tashkil etadilar.

Ta'lim motivatsiyasi bir qator o'ziga xos omillar bilan belgilanadi:

- talabaning o'ziga xos xususiyatlari (jinsi, o'zini o'zi anglash darajasi, intellektual rivojlanish darajasi)
- o'qituvchining xususiyatlari va uning o'qitishga munosabati
- pedagogik jarayonni tashkil etish
- mavzuning o'ziga xos xususiyatlari (bu holda xorijiy til).

Yuqoridagi omillarga asoslanib, ta'lim motivatsiyasini tashqi va ichki bo'linishi mumkin. Tashqi motivatsiya predmetning mazmuniga bevosita bog'liq emas, balki tashqi sharoitga bog'liq. Misollar o'z ichiga oladi:

- yutuq motivi - inson maqsadga erishishni istashi tufayli har qanday faoliyatda, shu jumladan xorijiy tilini o'rganishda muvaffaqiyat va yuqori natijalarga intilishi. Masalan, a'lo baholar uchun, diplom olish va boshqalar.

- o'z-o'zini tasdiqlashning maqsadi o'zini ishontirish, boshqa odamlarning roziligini olish istagi. Biror kishi jamiyatda ma'lum maqomga ega bo'lish uchun xorijiy tilini o’rganadi;

- identifikatsiyalash motivi - odamning boshqa odamga o'xshab qolishi, shuningdek uning butlari va qahramonlariga yaqinroq bo'lish istagi (masalan, sevimli guruhning so'zlarini tushunish);

- Qarindoshlik motivi - bu boshqa odamlar bilan muloqot qilish istagi. Biror kishi yoki xorijiy ellik do'stlar bilan muloqot qilish uchun xorijiy tilini o'rganishi mumkin;

- o'z-o'zini rivojlantirishning motivi - o'zini takomillashtirish istagi. Xorijiy tili insonning ma'naviy boyishi va umumiy rivojlanishi uchun vosita bo'lib xizmat qiladi;

- ijtimoiylik motivi - jamoatchilikdan xabardor bo’lib turish bilan bog'liq faoliyat. Biror inson xorijiy tilini o'rganadi, chunki u o'rganishning ijtimoiy ahamiyatini biladi.

Ichki motivatsiya tashqi sharoitlar bilan bog'liq emas, balki bevosita sub'ektning o'zi bilan bog'liq. Uni ko'pincha protsessual motivatsiya deb atashadi. Biror kishi to'g'ridan-to'g'ri xorijiy tilini yaxshi ko'radi, intellektual faoliyatini namoyish qilishni yaxshi ko'radi. Tashqi motivlarning harakati (obro'-e'tibor, o'zini o'zi tasdiqlash va boshqalar) ichki motivatsiyani kuchaytirishi mumkin, ammo ularda mavjud emas faoliyatning mazmuni va jarayoniga bevosita bog'liqlik. Bundan tashqari, ta'lim motivatsiyasini quyidagilarga bo'lish mumkin ijobiy va salbiy. Masalan, “agar men ingliz tilini o'rgansam, imtihondan a'lo baho olaman” dizayni ijobiy motivatsiya hisoblanadi. "Agar men ingliz tilini o'rgansam, imtihondan o'taman va ular meni haydab chiqarishmaydi" - salbiy. Endi biz institutimizda ingliz tili fani nomutaxassis bo’lgan talabalari o'rtasida o'tkazilgan so'rov natijalariga, ularni xorijiy tilini o'rganishga nima undashini aniqlash maqsadida murojaat etamiz. Jami 180 kishi

bilan suhbat o'tkazildi va o'z-o'zidan namuna olishdan foydalanildi. Respondentlarning javoblari quyidagicha taqsimlandi:

- "Men ushbu fanni dars o'quv rejasida bo'lganligi uchun o'rganaman" - 57%

- "Haydalmaslik uchun" - 17%

- "Men yaxshi ish topib, muvaffaqiyat qozonishni xohlayman Mansab uchun "- 11%

- "Xorijiy elga sayohat qilish, xorijiy elliklar bilan muloqot qilish" - 5%

- "Qiziqganligim sababli" - 10%

Albatta, og'zaki so'roq qilish usuli vaziyatni har tomonlama yoritish va yashirin subyektiv ma'nolarni ochib berish kabi ko'rinmaydi, lekin ba'zi xulosalar qilish mumkin: universitetda xorijiy tilini o'rganayotgan talabalarning aksariyati provotsial motivga asoslangan ("o'quv rejasi" "haydalmasligi" kerak). Ya'ni aytishimiz mumkinki talabalar uchun o'quv faoliyatining ushbu sohasi ular uchun: yoki bir odatiy faoliyat turi: yoki majburiy faoliyat deb qabul qilinayapti.

Asosiy xulosa shundaki, talabalar asosan tashqi motivlarga asoslangan, shu bilan birga salbiy motivatsiyaning katta qismi mavjud ("haydalib ketmaslik", "ikki baho olmaslik"). Bu qarama-qarshilik, chunki xorijiy tilida gaplashish nufuzi va uning jamoat hayotidagi ahamiyati o'sib bordi va, ehtimol, ijobiy motivatsiya bo'lishi kerak. Bundan tashqari, oliy ta'lim muassasasida talabalarning ichki motivatsiyasini uyg'otishga qaratilgan harakatlar talab qilinishi aniq. Ya'ni, talabalarning shaxsiy qiziqishi va xorijiy tilini o'rganishi kerak bo'lgan sharoitlarni yaratish kerak. O'qishga bo'lgan ehtiyoj kommunikativ (to'g'ridan-to'g'ri aloqa) kabi ichki turtki turlariga mos kelishi kerak tilda), lingvistik-kognitiv (tilga ijobiy munosabat) va instrumental (turli xil ishlarga ijobiy munosabat).

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ismoilova, M. Q. (2022). Turizmga oid leksikaning lingvomadaniy jihatlarida tarjimaning nazariy va amaliy masalalari. Scientific progress, 3(1),166p.

2. Qurbonovna, I. M. (2021). The Importance of Teaching Creative Writing in English Classes. Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching, *1*(1), 8p.

3. Qurbonovna, I. M., & Ubaydillo o’g’li, N. B. (2021). Effective Strategies of Learning Vocabulary. Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching, 1(1), 1-3.

4. Qurbonovna, I. M., & Ubaydillo o’g’li, N. B. (2021). How to Develop Productive Speaking Skills in ESP and EGP. Boshqaruv va Etika qoidalari onlayn ilmiy jurnali, *1*(1), 5-9.

5. Qurbonovna, I. M. (2021). The Importance of ICT in the Teaching English Language. Ijtimoiy fanlarda Innovatsiya onlayn ilmiy jurnali, 1(1), 95p.

6.Зимняя И.А. «Психологические аспекты обучения говорению на ин. яз.»- М. Просвещение 1978 й.

7. Назаренко Н.С. «Психологические детерминанты овладения иностранным языком в вузе». – АКД М.1986 й.

# SAMARQAND SHAHRIDAGI MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING HOVLI MUHITINI O'RGANISH HAMDA AMALIY TAKLIFLAR BERISH

**Islomova Charos Islom qizi**
Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti magistranti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Samarqand shahridagi maktabgacha ta'lim tashkilotlarining, xususan, 40-MTT, 37-MTT, 117-MTTlar va "Intellekt" xususiy bog'chasining hovli muhitini, landshaft yechimlarini o'rganib, bir qator amaliy taklif va tavsiyalar berilgan.

**Kalit so'zlar:** besedkalar, salviya, barxatsilar, petuniya, floks, ko'p yillik astralar, klarkiya, portulak, kosmeya, delfinium, beshbargli devichiy vinograd, xo'jalik hovlisi, tirik burchak, hovuz, ariqlar.

Samarqand shahridagi maktabgacha ta'lim tashkilotlari soni 201 tani tashkil etadi. Shundan 100 tasi davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari, 40 tasi nodavlat (xususiy) maktabgacha ta'lim tashkiloti, 59 tasi oilaviy bog'chalar, 2 tasi davlat va xususiy sherikchilik asosidagi maktabgacha ta'lim tashkilotlari va 1 tasi IIB tasarrufidagi bog'chlar hisoblanadi. Men shulardan davlat va xususiy maktabgacha ta'lim tashkilotlarining ayrimlarini borib, o'z ko'zim bilan ko'rgan holda o'rgandim.

**40-MTT.** 40-maktabgacha ta'lim muassasasi Samarqand shahrining shimoliy qismida joylashgan bo'ib, u 100 o'ringa mo'ljallangan, unda 4 ta guruh faoliyat ko'rsatadi. Bog'cha yangi qurilgan bo'lib, aholi yashash uylarining o'rtasida asosiy binosi sharqdan g'arbga qaratib joylashtirilgan. Binosi esa 2 qavatlik etib qurilgan. 40-maktabgacha ta'lim muassasasining guruhlar uchun o'yin maydonchasi asosiy binodan oldin, bog'chaga kirish eshigining oldida bunyod etilgan. U yerda 4 ta guruh uchun besedkalar, bolalar uchun atraksionlar mavjud. Shuningdek, kirish eshigi yonida ko'kalamzor bunyod etilgan bo'lib, u yerda turfa xil gular va butalarni

uchratish mumkin. Masalan, salviya, barxatsilar, petuniya, floks, ko'p yillik astralar kabilar.

O’zbekiston sharoitida bog’chalar landshaftini tashkil etishda K.D. Raximov va A.S. Uralovlarning “Landshaft arxitekturasi obyektlarini loyihalash” kitobida bog’cha hududi perimetri bo'ylab 2 qator butalar ekilishi va eni 5 metrni tashkil qiladigan qatorlarda daraxtlar o'tqazilishi lozimligi, bu bog'cha hududini tashqaridan keladigan shovqin va chang-to'zondan himoyalash imkonini berishi to’g’risida to’xtalib o’tilgan[1]. 40-bog’chaning landshaftini tashkil etishda bu qoidaga amal qilinmagan va bu o’z navbatida bog’cha hududining tashqaridan keladigan chang -to’zon va mashinalar shovqinidan himoyalanmaganligiga ahamiyat berish zarurligini ko’rsatadi. Bunday sharoit yaratilmaganligiga, ehtimol, bog’cha hududi maydoning yetarli darajada katta emasligi va talab qilingan qoidani bajarish uchun yer maydoning kichikligi sabab bo’lishi mumkin.

40-maktabgacha ta’lim muassasasining xo’jalik hovlisi bog’cha asosiy binosining g’arb qismida joylashgan. D. Isamuxammedova va L. Adilovalarning “Landshaft arxitekturasi” kitobida quyidagicha keltirilgan: “Xo'jalik hovlisi bog'cha hovlisi hududiga bevosita tutashtirilib shunday joylashtirilishi kerakki, bolalar u yerga kira olmasliklari hisobga olinishi kerak. Xo'jalik hovlisi axlat yig'ish qurilmalari, kir quritadigan maydonchalar va xo'jalik omboridan tashkil topadi”[2]. Bog’chaning xo’jalik hovlisi bunday talablarga to’laligicha mos keladi.

**117-MTT.** 117-maktabgacha ta’lim muassasasi Samarqand shahrining janubi-g’arb qismida joylashgan davlatga qarashli bog’chalardan biri hisoblanadi. Bog’cha Ahmad Yassaviy ko’chasida joylashgan va to’g’ri to’rtburchak shaklidagi maydonni egallaydi, uning to’rtala tomonida aholi yashaydigan uy-joylar joylashgan. Maydoni 2665.64 $m^2$ bo’lib, relyefi tekis hisoblanadi. U joylashgan yerga davlat tomonidan doimiy foydalanish huquqi berilgan va shuni alohida ta’kidlash kerakki, bog’cha binosi 1935-yilda qurilgan bo’lib, oldindan maktab sifatida foydalanib kelingan. Bog’chaning asosiy binosi ikki qavat qilib qurilgan va qurilishda pishiq g’isht, beton, shifer, yog’och hamda plita kabi materiallardan foydalanilgan.

117-maktabgacha ta’lim muassasasining hovli muhitiga to’xtaladigan bo’lsak, bog’cha landshaftini turli-tuman gular hamda daraxt va butalar bezab turibdi. Jumladan, daraxtlar va butalardan o’rik, gilos, olcha, tut, anor, na’matak, archalarni, gullardan esa klarkiya, portulak, kosmeya kabilarni uchratish mumkin. Yana shuni alohida ta’kidlash lozimki, bog’cha hududining quyosh nuri bilan yetarli ta’minlanishi uchun daraxt va butalar shunday joylashtirilishi kerakki, maydon hududining katta qismiga (55%) kun davomida quyosh tushishi lozim[3]. Bog’cha hududida daraxtlarning miqdori bunga juda yaxshi imkon beradi va sersoyalik bilan birgalikda, bog’cha maydonining yetarli quyosh nurlarini qabul qilishiga ham birdek imkon beradi. Shuningdek, bog’cha tashqarisida ham juda ko’plab daraxt va butalarning turlarini ko’rish mumkin. Ushbu yashil o’simliklar bir qator qilib ekilgan bo’lib, tashqaridan keladigan shovqin va changdan samarali himoya qiladi.

Bog’cha hovlisining o’rta qismida kichik hovuz ham joylashtirilgan bo’lib, unda bolalar yilning issiq fasllarida cho’milishlari va maroq bilan o’ynashlari mumkin. Uning o’lchamlari D. Isamuxammedova va L. Adilova muallifligidagi “Shaharsozlik asoslari va landshaft arxitekturasi” kitobining II qismida keltirilganidek yuzi 25-30 $m^2$ va 25-50 sm chuqurlikdadir. Shu bilan birgalikda, bog’cha landshaftini bezatishda kichik haykalchalar hamda arxitekturaviy kichik formalardan ham unumli foydalanilgan.

**37-MTT.** 37-maktabgacha ta’lim tashkiloti Samarqand shahrining shimoli-sharqiy qismida Siyob bozoriga yaqin yerda joylashgan bo’lib, uning atrofini turar-joy uylari o’rab turadi hamda yonida bitta 21-sonli umumta’lim maktab bor. Bog’cha 100 o’ringa mo’ljallangan bo’lib, 4 ta guruhni o’z ichiga oladi, binosi ikki qavatdan iborat. Bog’chaga kiraverishga, uning orqa tomoni va burchaklarida manzarali daraxtlar ekilgan. 4 ta guruh uchun mo’ljallangan besedkalar atroflari esa daraxtlar bilan ta’minlanmagan. Bu kunning yorug’ qismida besedkalar quyosh nuridan to’silmaganligini, bolalar o’ynashlari uchun yetarli soya-salqinni yaratib berilmaganligini ko’rsatadi. Besedkalar yon tomonlari bo’ylab beshbargli devichiy vinograd butasi chirmashib o’sgan, ammo u ham o’yin ayvonchasini yetarli soya bilan ta’minlamaydi, sentabr-oktabr oylariga borib, uning barglari to’kiladi. Sentabr-

oktabr oylarida ham o’lkamizda havo harorati yuqori bo’lishi va bolalar bu paytda ham yozgi ayvonlarda o’yin faoliyatlarini davom ettirishlarini hisobga oladigan bo’lsak, qishin-yozin yashilligini saqlab turadigan daraxt va butalardan foydalanish maqsadga muvofiq bo’lar edi.

**“Intellekt” xususiy MTT.** Intellekt xususiy bolalar bog’chasi Samarqand shahrining shimoli-g’arbiy qismida yangi bunyod etilayotgan Qorasuv massivida qurilgan bog’cha bo’lib, u yangi qurilib, 2021-yilda foydalanishga topshirilgan. Maydoni 9 088 $m^2$, deyarli kvadrat shahklidagi hududni egallagan. Intellekt xususiy bog’chasining sig’imi 220 o’rinli, unda 7 ta guruh faoliyat ko’rsatadi.

Maktabgacha ta’lim muassasasining hovli muhitida ko’plab bir yillik, ikki yillik va ko’p yillik gullarni uchratamiz. Misol uchun, portulak, kosmeya, delfinium, ko’p yillik astralar bog’cha hovlisini chiroyga burkab turibdi. Bog’cha yangi qurilgan, manzarali daraxt hamda butalar bisyor, ammo ekilgan yashil o’simliklarning balandligi yuqori emas. Misol uchun, archalarning bo’yi 1-1,5 metrdan oshmaydi. Umid qilamizki, bir necha yillardan so’ng bog’cha landshaftidagi daraxt va butalar bo’y cho’zib, muassasa so’lim bir maskanga aylanadi.

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, yuqorida sanab o’tilgan bog’chalarda maktabgacha ta’lim tashkilotlarining hovli muhitini tashkil qilishga oid qoida va normalarga javob beradigan bir qator jihatlari bilan birga ularning ushbu talablarga javob bermaydigan ayrim tomonlari ham mavjud. Xususan, yuqorida sanab o’tilgan bog’chalarning birortasida (117-MTTdan tashqari) bolalarning suv bilan o’ynashlari, yozda cho’milishlari uchun hovuz mavjud emas. Yana shuningdek, bolajonlarning o’z qo’llari bilan qog’ozdan yasagan kemalari suzishi uchun ariqchalar ham o’tkazilmagan. Bu ariqchalar bog’cha hovlisi bo’ylab hamda guruhlar maydonlari yonidan o’tkazilishi kerak edi.

Bog’chalar landshaftini samarali tashkil etishda ahamiyat qaratilishi lozim bo’lgan jihatlardan yana biri, xo’jalik hovlisi bilan birgalikda uning yonida tirik burchak ham tashkil qilishdir. Uning maydoni 20 $m^2$ ni tashkil qilib, unda quyon, tipratikan, toshbaqa, tovuqlar va turli xil sayroqi qushlarni parvarish qilinsa hamda ko’paytirilsa maqsadga muvofiq bo’ladi. Bunday tirik burchaklarni tashkil qilish

bolalarda tabiatga, undagi tirik jonzotlarga mehr uyg'otishi bilan birgalikda, hayvonlarning vegetatsiya davrlari, oziqlanishi va o'sishi haqida bir qator bilim va tasavvurlarga ega bo'lishlariga yordam beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

**1.** K.D. Raximov, A.S. Uralov "Landshaft arxitekturasi obyektlarini loyihalash". "Sano-standart" nashriyoti. Toshkent – 2015

**2.** D. Isamuxammedova, L. Adilova "Landshaft arxitekturasi". "Fan va texnologiya" nashriyoti. Toshkent – 2010

**3.** D. Isamuxammedova, L. Adilova "Shaharsozlik asoslari va landshaft arxitekturasi" II qism. "Fan va texnologiya" nashriyoti. Toshkent–2010.

# O‘QUV JARAYONIDA ELEKTRON TA’LIM MUHITIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH

**Chorshanbiyev Choriyor Ismadullo o‘g‘li,**

**Aminov Istam Barnoyevich**

Sh.Rashidov nomidagi Samarqand davlat universitetining O’zbekiston-Finladiya pedagogika instituti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada zamonaviy kompyuter texnologiyalari-dan keng foydalanish va uning sifatiy va miqdoriy ko‘rsatkichlarini aniqlash, hamda olingan natijalarni tahlil va bashorat qilish masalalar yoritiladi.

**Kalit so‘zlar:** axborot tizimlari, sifatiy va miqdoriy ko‘rsat-kichlari,natijalarni tahlil va bashorat qilish.

Bugungi kunda barcha sohalarda zamonaviy kompyuter texnologiyalaridan keng foydalanish va uning sifatiy va miqdoriy ko‘rsatkichlarini aniqlash, hamda olingan natijalarni tahlil va bashorat qilish kerak bo‘ladi. Buning uchun shu ko‘rsatkichlarni o‘z ichiga oluvchi axborot tizimini yaratish kerak bo‘ladi. Bu axborot tizimida yuqori malakali, tajribali va faol o‘qituvchi-mutaxassislar jamoasi tomonidan qabul qilingan har bir qarorlar har doim ham kerakli samarani bermaydi. Jamiyatni taraqqiy etishi natijasida bu muammolar yildan yilga ortib borib o‘z yechimini kutib turmoqda. Bu aytilganlarning hammasi ham to‘lig‘incha o‘quv va tarbiyaviy jarayonlarida kompyuter texnologiyalaridan foydalanishga ham tegishlidir.

Oliy ta’lim muassasalarining o‘quv va tarbiyaviy jarayonining barcha turlarida kompyuter texnologiyalaridan foydalanish va uning samaradorligini oshirish ko‘plab miqdoriy va sifatiy ko‘rsatkichlari bilan baholanadi va shular asosida tahlil qilinadi[1]. Ana shu ko‘rsatkichlarni baholash, tahlil va bashorat qilish uchun oliy ta’lim muassasalarining axborot tizimini yaratish muhim vazifalardan biridir.

Oliy ta’lim muassasalarining o‘quv va tarbiyaviy jarayonining axborot tizimining sifati va samaradorligi quyidagilar orqali aniqlanadi[2]:

– axborot tizimi uzluksiz ta’lim jarayoniga qo‘yilgan talabga mos kelishi hamda uning maqsad va mohiyatni o‘zida aks ettirishi lozim;

– elektron axborot resurslari va dasturiy ta’minotdan foydalanish imkoniyatinig mavjudligi, undan foylanishning engilligi, soddaligi va
sifatining turliligi;

– foydalaniladigan elektron axborot resurslarining to‘liqligi, tezkorligi va ishonchliligi, axborot olishning qulayligi va ixchamligi.

Oliy ta’lim muassasalarida o‘quv va tarbiyaviy jarayonini sifatiy va miqdoriy ko‘rsatkichlari samaradorligini oshirish uchun u yuqori darajali axborot tizimi bilan ta’minlanilishi hamda quyidagi sifatlarga ega bo‘lishi lozim:

– agar elektron axborot resurslarni to‘plovchi, saqlovchi va xizmat ko‘rsatuvchi tashkiliy tuzilma mavjud bo‘lishi, o‘quv-tarbiya jarayonini samaradorligini ta’minlash axborot tizimi boshqa elektron axborot resurslari bilan integrallashgan bo‘lishi;

– ta’lim sifatini boshqarish jarayonining asosiy qismi bo‘lgan oliy ta’lim muassasalarining axborot tizimi sifatini tahlil qilish va baholash tizimi yaratilgan va faoliyat ko‘rsatayotgan bo‘lishi;

– oliy ta’lim muassasalari o‘qituvchilari va talabalarini axborot texnologiyalari bo‘yicha savodxonligini talab darajasiga oshirish uchun maxsus o‘quv kurslari faoliyat ko‘rsatishi, turli darajadagi foydalanuvchilar uchun mo‘ljallangan va turli ko‘rinishidagi elektron axborot resurslari mavjud bo‘lishi;

– axborot tizimidan foydalanish uchun ilmiy va o‘quv-uslubiy adabiyotlar bilan ta’minlangan elektron kutubxona bo‘lishi hamda Internet tarmog‘ida yuqori tezlikda ishlash imkoniyatining mavjud bo‘lishi, lokal tarmoqlar zamonaviy kompyuterlar va dasturiy vositalar bilan ta’minlangan bo‘lishi lozim.

Oliy ta’lim muassasalarining kompyuter va axborot texnologiyalari-dan foydalanish samaradorligi bilan bog‘liq bo‘lgan axborot muhitining tashkil etuvchilarining sifatiy va miqdoriy ko‘rsatkichlarini quyidagi ko‘rinishda ifodalash mumkin[2]:

– kompyuter texnikasining va undagi o‘rinlarning umumiy soni;

– bitta kompyuterga to‘g‘ri keladigan talabalar soni;

– serverlar va global tarmoqqa ulangan kompyuterlar soni;

– lokal kompyuter tarmoqlar va web-saytlarning mavjudligi;

– global kompyuter tarmog‘i orqali murojoat qilish mumkin bo‘lgan elektron o‘quv materiallar, darsliklar, qo‘llanmalar, ya’ni elektron kutubxona katalogining mavjudligi;

– dars jarayonida foydalanish uchun mo‘ljallangan o‘rgatuvchi , o‘qitish va namoyish dasturlari soni;

– o‘qituvchi va talabalarning axborot texnologiyalari savodxonligini oshirish bo‘yicha o‘quv kurslarining mavjudligi;

– boshqa ta’lim muassasalari va tashkilotlaridan oliy ta’lim muassasaining tarmog‘iga murojoat qilish imkoniyatining ta’minlanganligi.

Oliy ta’lim muassasalarining axborot tizimida quyidagi ko‘rinishda dasturiy vositalar mavjud bo‘ladi:

– tizimli va amaliy dasturlar;

– barcha umumta’lim fanlari bo‘yicha o‘qitish dasturlari ;

– talabalar bilimini nazorat qilish test-dasturlari;

– o‘qituvchilar ilmiy va pedagogik salohiyatini aniqlovchi dasturlar;

– oliy ta’lim muassasasini bitiruvchilarini sifatiy va miqdoriy ko‘rsatkichlarini aniqlovchi dasturlar.

Oliy ta’lim muassasalarida o‘quv-tarbiyaviy jarayonlarni sifatiy va miqdoriy ko‘rsatkichlarini yaxshilashda axborot tizimining intranet va Internet-serverning axborot-uslubiy ta’minoti - Intranet ichki foydalanuvchilar uchun mavjud elektron axborot resurslardan, Internet esa ichki va tashqi foydalanuvchilar uchun ham elektron axborot resurslaridan foydalanish imkonini beradi. Chunki axborot tizimining ma’muriy tarmog‘i intranet-serverda joylashgan bo‘ladi, hamda axborot-ma’lumotlar funksiyasini bajaradi, ya’ni ma’muriy xodimlarning ishchi o‘rinlarini o‘quv-tarbiyaviy jarayonga tegishli kerakli me’yoriy hujjatlar, hisobot, ma’lumotli

axborotlar, ya’ni me’yoriy-boshqarish hujjatlarining axborot to‘plami, buyruqlar, qarorlar, ko‘rsatmalar , hujjatlar, bir yilga mo‘ljallangan o‘quv-tarbiyaviy ish rejasi, soatlar hajmi va taqsimoti, ma’naviy-ma’rifiy ishlar bo‘yicha o‘qituvchilarga uslubiy ko‘rsatma, reja va buyruqlardan iborat bo‘lgan tarbiyaviy ish, ilg‘or pedagogik tajribalarini o‘rganish va umumlashtirish, o‘quv-metodik adabiyotlarning tahlili, o‘qituvchilarning uslubiy ishlanmalari bo‘yicha qarorlardan iborat uslubiy ish, o‘quv jarayoni, o‘qituvchilarning o‘quv-tarbiyaviy faoliyati, malaka oshirish, o‘qituvchilarning attestatsiyasining nazorati natijalari va hakozalardan iborat bo‘lgan axborotlar bilan ta’minlaydi.

Oliy ta’lim muassasalari shaxsiy web-server va web-saytlariga ega bo‘lishlari zarur, chunki bu oliy ta’lim muassasaida olib borilayotgan o‘quv-tarbiyaviy jarayonlarni va barcha turdagi ish faoliyatlarini reklama qilish, o‘qituvchilarning pedagogik ish tajribalarini ommalashtirish, o‘quv-tarbiyaviy jarayoni uchun kerakli zamonaviy dasturiy vositalar bilan ta’minlash, shu bilan birga Internet tarmog‘ida ishlash imkoniyatini yaratuvchi tarmoq elektron axborot resurslaridan foydalanish imkonini beruvchi vositadir.

Umuman aytganda, oliy ta’lim muassasalarida kompyuter texnologiyalari va dasturiy vositalardan foydalanish sifati va samaradorligini oshirish uning axbort tizimini tashkil etgan elektron axborot resurslari hamda texnik va dasturiy vositalaridan unumli foydalanishga bog‘liq bo‘ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

**1.** «Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari» to’g’risida O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 24-aprel 2017-yil, Toshkent.

**2.** Василев В. Н. Модели управления вузом на основе информационных технологий. Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2000.

**3.** Нестеров В. Л., Радченко В. И. Критерии учебной деятельности вуза // Информатика и образование. 2004. № 3. С. 113–114

# SERVITUT HUQUQI TUSHUNCHASI, UNING AHAMIYATI VA JAMIYATDA TUTGAN O’RNI

**Ilimbayev Sardor Damir o’g’li**
Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi

**Annotatsiya:** Ma’lumki, fuqarolik huquqida mulk huquqi shaxsning o‘ziga qarashli mol-mulkka o‘z xohishi bilan va o‘z manfaatlarini ko‘zlab egalik qilish, undan foydalanish va uni tasarruf etish, shuningdek, o‘zining mulk huquqini, kim tomonidan bo‘lmasin, har qanday buzishni bartaraf etishni talab qilish huquqidan iborat ekanligi ma’lumdir. Lekin shu narsani hisobga olish kerakki, mulk huquqi bilan bir qatorda mulkdor bo’lmagan shaxslarning ashyoviy huquqlari ham mavjud. O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida fuqarolik muomalasining boshqa shaxslariga ham tegishli bo’lishi mumkin bo’lgan cheklangan ashyoviy huquqlarga “servitut” huquqi ham kiritilishi nazarda tutilgan. Shu bois o`zganing mulkidan cheklangan tarzda foydalanish huquqining (servitut huquqini) jamiyatda tutgan o`rni va ahamiyatini ko`rib o`tamiz.

**Kalit so’zlar:** mulk huquqi, ashyoviy huquq, servitut huquqi, fuqaro, taraflar, yer uchastkasi, da’vo, cheklangan ashyoviy huquqlar.

Dastavval, servitut haqida so‘z yuritganimizda, uning dastlabki vujudga kelishi Rim huquqiga bog‘liq hodisa ekanligini ta’kidlab o’tmog’imiz joiz. Servitut huquqiga bo‘lgan ehtiyojning zarurligi asosan xususiy mulk huquqining vujudga kelishi bilan ifodalanadi. Mulk huquqidan farqli o‘laroq maxsus ashyoviy huquqlarning predmeti mulk yoki ashyo emas, uning alohida vazifasi o‘zganing mulkidan cheklangan tarzda bevosita va to‘g‘ridan-to‘g‘ri foydalanish hisoblanadi. Bu vazifadan hatto mulkdorning o‘zi ham (servitut huquqining obyekti sifatida) foydalana olmasligi yoki, aksincha, o‘zida mulkdor vakolatlaridan birining predmetini ifodalashi mumkin

bo'lgan[49]. Demak, servitut huquqini Rim huquqida aytib o'tilganidek, umumiy qilgan holda o'zganing mulkidan cheklangan tarzda foydalanish deya tushunishimiz mumkin.

Har qanday atamani lug'aviy ma'nosi va mohiyati tushunib olinsa, foydadan holi bo'lmaydi, albatta. Servitut (lot. servitus, **servitutis - bo'ysunuvchi lavozim**, ba'zi manbalarda esa **"servire" – xizmat ko'rsatish**) - yer munosabatlarida birovning yer uchastkasidan foydalanishning cheklangan huquqi. Shu narsa aniq bo'ldiki, bunday huquq biror kishining yer uchastkasidan foydalanish ehtiyoji yuzga kelganda undan foydalanishni cheklangan tarzda amalga oshirilib, tartibga solar ekan.

Ushbu atamani mohiyatini keng ko'lamda ifodalab berish maqsadida olimlarning fikrlariga nazar tashlaymiz. Mashhur rus tadqiqotchisi **I.B.Novitskiy** fikricha, ayrim yer maydonlari har doim ham undan foydalanishdagi zarur xususiyatlarga ega bo'lavermaydi. Masalan, muayyan yer maydonida suv bo'lmaganligi sababli qo'shni yerdan ariq kovlab suv o'tkazishga ehtiyoj tug'iladi. Shuning uchun ham shu yer xo'jalikda iqtisodiy samaradorligini oshirish maqsadida qo'shni yer maydonidan qisman foydalanish huquqiga ega bo'lishga erishish kabi muammolari paydo bo'la boshlagan. Bunday muammolar yer jamoa mulki hisoblangan davrda osongina hal qilingan[50]. Yana bir mashhur rus olimi **E.A. Suxanov** esa cheklangan ashyoviy huquqlarni umumiy vazifalariga ko'ra quyidagicha tasniflashni taklif qiladi, mulkdorning mulkini boshqarish sifatida yuridik shaxslarning ashyoviy huquqlari, servitutga xos huquq ya'ni iste'mol maqsadlariga ko'ra, mulkdan cheklangan tarzda foydalanish qanday bo'lsa, xo'jalik maqsadlariga ko'ra ham xuddi shunday deb talqin qilgan[51].

Olimlarning fikridan shuni xulosa qilib umumlashtirib aytishmiz lozimki, servitut huquqi bu birovning mulkida bo'lgan ko'chmas mulkdan, narsadan yoki yerdan cheklangan tarzda foydalanish uchun yaratilgan imkoniyat sifatida o'ziga xos o'ringa egadir. Yerga xususiy mulk huquqi e'tirof etilishi va uning fuqarolik

---

[49] Fuqarolik huquqi: [o'quv qo'llanma]. Umumiy qism / R.Dj.Ruziyev, V.R. Topildiyev; T.:Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. — 274 b.
[50] Новицкий И.Б. Римское право Москва. – Гуманитарное право.1994.
[51] Гражданское право: учебник Е.А. Суханов. Т.: Москва. 1993

muomalasiga qo'shilishi munosabati bilan servitut tizimi tobora takomillashib borayotganini kuzatishimiz mumkin. Hozirgi kunda ham ko'plab nizolar ular ma'lum servitutlarning mazmuni va chegaralarini belgilash to'g'risidagi nizolarga aylanayotganligiga guvoh bo’lamiz. Demak, bu nizolar yurtimizda qay tariqa tartibga solinadi, qanday normalar hamda me’yoriy huquqiy hujjatlar mavjudligini ko’rib, yuridik sharh berish orqali tahlil qilib o’tamiz.

Umuman, fuqarolik huquqining mohiyati u tomonidan tartibga solinadigan ijtimoiy munosabatlar mazmunida o‘z ifodasini topadi. Shuningdek, fuqarolik qonun hujjatlari fuqarolik muomalasi ishtirokchilarining huquqiy holatini ko’rsatib beradi, ularning mulk huquqi va boshqa ashyoviy huquqlardan qay tarzda egalik qilish, ulardan foydalanish, tasarruf etish va boshqa jihatlarini namoyish qiladi. **Professor X.R.Raxmonqulov ta’kidlaganlaridek,** mol-mulkka nisbatan ashyoviy huquqlar nafaqat mulkdorlarga, balki fuqarolik muomalasining boshqa shaxslariga ham tegishli bo‘lishi mumkin, shuning uchun ular “cheklangan ashyoviy huquqlar” deb nomlanadilar. Cheklangan ashyoviy huquqlar har doim mulk huquqining hosilasi bo‘lib, ular kamroq huquqlar hajmi bilan farq qiladilar. Mulkdor cheklangan ashyoviy huquqlar amal qilish vaqtida mol-mulkka nisbatan mulk huquqini saqlab qoladi, lekin u yoki vaqtincha yoki muddatsiz yoki muayyan darajada ushbu huquqni amalga oshirishda o‘zini cheklab qo‘yadi”.

Xorijiy olimlar fikriga yuzlansak, **ingliz professori Timoti Deyl** servitut xususida shunday deb aytgan: “Servitut ko'pchilik uchun notanish atamadir, lekin sizning mulkiy huquqlaringizni va servitutlar sizning mulkingiz bilan qanday bog'liqligini tushunish muhimdir. Servitut asosan jismoniy shaxs yoki kompaniyaga mulkingizning bir qismidan servitut doirasida foydalanishga ruxsat beruvchi qonuniy kirish va servitut huquqlarini beruvchi shartnomadir. Misol uchun, qo'shningiz sizning mulkingizning bir qismini shiypon yoki garaj uchun ishlatish uchun servitut talab qilishi mumkin. Devor yoki shiypon kabi qurilish loyihalari qisman mulk chizig'i bo'ylab qurilganida bunday vaziyat nisbatan keng tarqalgan. Servitut qo'shniga mulkning ushbu qismiga kirish huquqini beradi va ularga undan foydalanish huquqini beradi. Garchi dushmanlik bilan servitutlar ham sodir bo'lishi

mumkin. Bu tomonlardan biri doimiy ravishda mulkning bir qismidan ruxsatsiz doimiy ravishda foydalansa, keyin ularga mulkning ushbu qismiga qonuniy kirish va servitut huquqlarini berish uchun servitut o'rnatishni so'raganda sodir bo'ladi”[52].

Demak, cheklangan ashyoviy huquqlar mavjudligi mulkdorning huquqlarini o‘ziga xos cheklanishidir. Bundan shuni anglashimiz mumkinki, O’zbekiston Respublikasi **Fuqarolik kodeksining 165-moddasida** fuqarolik muomalasining boshqa shaxslariga ham tegishli bo’lishi mumkin bo’lgan cheklangan ashyoviy huquqlar huquqlarga **“servitut” huquqi** ham kiritilganini ko’ramiz. Xo’sh, servitut huquqi fuqarolarning qanday ehtiyojlarni qondirish maqsadida belgilanadi?

Bugungi kunda ushbu huquq bo’yicha juda ko’p muammolar kelib chiqmoqda desak yanglishmagan bo’lamiz. Masalan, elektr uzatish vositalari, aloqa va quvur liniyalarini o‘tkazish hamda suvdan foydalanish bilan bog’liq nizolarni keltirishimiz mumkin. Jamiyatimizda servitut huquqidan foydalanish mumkin yoki mumkin emasligini bilib olsak, foydadan holi bo’lmasdi. Xususan, O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 173-moddasida ko‘chmas mulk (yer uchastkasi, boshqa ko‘chmas mulk) egasi qo‘shni yer uchastkasining egasidan, zarur hollarda esa — boshqa yer uchastkasining egasidan ham o‘zganing yer uchastkasidan cheklangan tarzda foydalanish (servitut) huquqini berishni talab qilishga haqliligi, shuningdek, o‘zganing yer uchastkasidan piyoda va transportda o‘ta olishni ta'minlash, elektr uzatgich, aloqa va quvur liniyalarini o‘tkazish va ulardan foydalanish, suv bilan ta'minlash uchun, shuningdek ko‘chmas mulk egasining ehtiyojlarini servitut belgilamay turib ta'minlanishi mumkin bo‘lmagan boshqa ehtiyojlarini qondirish uchun servitut belgilanishi mumkinligi belgilab qo’yilganligiga shohid bo’ldik. Mazkur tartibdagi barcha nizolar mamlakatimizda fuqarolik sudlari tomonidan hal qilinadi. Yanada kengroq tasavvurga ega bo’lishimiz uchun amaliy misolga tayanga holda tushuntirish berib o’tamiz. Aytaylik, fuqaro A. o‘zining yer-uchastkasiga taalluqli hududdan imorat tiklashi oqibatida uyning oldidan o‘tuvchi suv kanali ko‘milib qoldi hamda undan keyingi yer-uchastkalariga o‘tuvchi suv ta'minoti to‘xtab qolishiga sabab bo’ldi. Qo’shnilari esa o’zlarining yer-uchastkalaridagi ekinlarga suv

[52] www.bobvila.com

o‘tmayotganini sababli yerni qayta qazib quvur joylash kerakligi xususida taklif kiritdi, lekin fuqaro A. rozi bo’lmadi. Bunday vaziyatda O’zbekiston Respublikasi **Fuqarolik kodeksi 173-moddaning 4-qismiga binoan,** servitut belgilashni talab qilayotgan shaxs bilan o‘zga yer uchastkasining egasi o‘rtasidagi bitimga muvofiq servitut belgilanishi va u ko‘chmas mulkka bo‘lgan huquqlarni ro‘yxatdan o‘tkazish uchun belgilangan tartibda ro‘yxatdan o‘tkazilishi lozim. Agar servitutni belgilash xususida taraflar kelisha olinmasa yoki uning shartlarida murosaga kelinmasa, bahs servitut belgilashni talab qilayotgan shaxsning da'vosi bo‘yicha (qo’shnilarning) sud tomonidan hal etilishi ko’zda tutilgan. Yanada kengroq talqin qilish uchun O‘zbekiston Respublikasi **Oliy Sudi Plenumining 2006 yil 3-fevraldagi 3-sonli “Yer kodeksini tatbiq qilishda sud amaliyotida vujudga keladigan ayrim masalalar to‘g‘risida”gi qarorining 16-bandiga** e’tiborimizni qaratamiz, unda O‘zbekiston Respublikasi Yer kodeksining 30-moddasiga asosan, servitut, uni belgilashni talab qilgan shaxslar bilan o‘zga yer uchastkasining egalik qiluvchisi, foydalanuvchisi, ijarachisi va mulkdori o‘rtasidagi kelishuvga muvofiq, agar ular servitut to‘g‘risida o‘zaro kelisha olmasalar, unda servitut cheklangan tarzda foydalanuvchining da'vosi bo‘yicha sudning, ya’ni fuqarolik sudining hal qiluv qarori bilan belgilanadi desak aslo mubolag’a bo’lmaydi. Bunda sud servitut belgilanishi va uning shartlari xususidagi ishlarni hal qilishda tegishli vakolatli organlarni ishga jalb etishlari va servitut belgilash yuzasidan ularning xulosasini olishi shart. Shundan keyin servitut to‘g‘risidagi kelishuv davlat ro‘yxatiga olinishi kerak. Shunda yer uchastkasi boshqa shaxsga o‘tgan vaqtda servitut saqlanib qoladi. Qachonki servitutni belgilashga sabab bo‘lgan asoslar barham topsa, belgilangan servitut sud tartibida bekor qilinishi mumkin.

Xulosa o’rnida aytishimiz joizki, o’zganing yer uchastkasidan cheklangan tarzda foydalanish huquqida taraflar fuqarolik huquqiy munosabatiga kirishganda, eng avvalombor, ikkala tomonga ham zarar keltirmaydigan tarzda kelishib olsalar, bunday ishlarning sud tomonidan qonuniy tartibda hal qilinishiga, noqonuniy xatti-harakatni amalga oshirgan tarafga jabr bo’lishiga sabab bo’lmaydi desak ta’bir joiz bo’lmaydi. O’z navbatida, qonunga zid bo’lgan harakatni amalga oshirmoqchi

bo’lgan shaxs o’z manfaatini o’zgalar manfaatidan ustun qo’yib, ularning huquqlariga ziyon yetkazmasligi darkor.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

**Normativ-huquqiy hujjatlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi. – T.: “Adolat”. 2018. 568 bet.
2. Oliy Sudi Plenumining 2006 yil 3-fevraldagi 3-sonli “Yer kodeksini tatbiq qilishda sud amaliyotida vujudga keladigan ayrim masalalar to‘g‘risida”gi qarori

**Asosiy adabiyotlar:**

1. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism. Mualliflar jamoasi. – T.: TDYU nashriyoti, 2017. 311bet.
2. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga sharh. 1-jild (birinchi qism) Adliya vazirligi. – T.: “Vektor-Press”, 2010. 816 bet.
3. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga sharh. 2-jild (birinchi qism) Adliya vazirligi. – T.: “Vektor-Press”, 2013. 912 bet.
4. Zokirov I.B. Fuqarolik huquqi (darslik). Qayta ishlangan to‘ldirilgan beshinchi nashr, – T.: TDYI, 2009, 611 bet.

**Internet web-saytlar:**

1. www.lex.uz
2. www.yurida.uz
3. www.norma.uz
4. www.bobvila.com

# YANGI O‘ZBEKISTON YOSHLARINING SHAKILLANISHIDA JADID MA’RIFATPARVARLARI ME’ROSINING AHAMIYATI

**O‘rmonov Husniddin Baxriddin o‘g‘li**
Guliston davlat universiteti 1-bosqich magistranti
E-mail: urmonov94@list.ru

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada jadidchi marifatparvarlarimizning yoshlar tabiyasida o‘z fikr mulohazalari, yozib qoldirgan ilmiy me’roslaridagi nuqtai nazarlar, ularning bola tarbiyasidagi yangicha qarashlari atroflicha tahlil qilindi va yoritib berildi.

**Kalit so‘zlar:** Sog‘lom, barkamol, nasl, tavallud, fuqaro, kuarsh, musulmon, jamiyat, isloh.

Har bir jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy rivojlanishida sog‘lom turmush tarzini shalklantirish muxim rol o‘ynaydi. Bu vazifa boshqa omillar qatorda oilaviy, milliy-axloqiy normalarni takomillashtirish va ularga qat’iy amal qilish orqali amalga oshiriladi. Shunday ekan, eng avvalo, oilada bola tarbiyasiga katta e’tibor qaratish lozim. Zero, oiladagi sog‘lom munosabatlar nafaqat oila, mahalla, tarbiya maskanlari, balki, jamiyat sog‘lomligini belgilovchi asosiy omillardan biridir. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev aytganlaridek, “Yosh avlod tarbiyasi hamma zamonlarda ham g‘oyat muhim va dolzarb ahamiyatga ega bo‘lib kelgan”[1].

Jadidchilik namoyondalaridan Mahmudho‘ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, Abdurauf Fitrat va boshqalar tomonidan e’lon qilingan qator maqolalarda tarbiya masalalari taxlil etiladi. Ma’rifatparvarlar o‘z maqolalarida, jamiyat taqdiri oila muxitiga bog‘liq bo‘lsa, oila ma’naviyatining o‘zi kimga yoki nimaga bog‘liq, degan haqli savollarni o‘rtaga qo‘yadilar. Ularning fikricha, agar oilada sog‘lom turmush tarzi ustivor bo‘lib, farzand har jihatdan to‘g‘ri tarbiya topgan bo‘lsa, u shubhasiz, uyidagi ijobiy fazilatlarni xizmat jarayoniga ko‘chiradi, ijtimoiy mehnat faoliyatida qo‘llaydi, natijada jamityadagi barcha munosabatlarga ta’sir o‘tkazadi. Jumladan, Azimiy o‘zining “Ta’lim va tarbiya” maqolasida bu borada firk yuritib shunday

deydi: “Bolaga ona birinchi omil va murabbiydir. Onani ta’siri bolaga, otani ta’siridan ziyodadur. Chunki ona bolani bir necha oylar qoni birla himoyalantirur. Va ba’daz tavallud sanalarcha suti birla parvarish etur. Va muddatlarcha og‘ushimushfihonaisga tarbiya etur.”

Xuddi shu nuqtai nazardan, jadidchilik harakati namoyondalari yangi davr va yangi tuzim kuarshada ya’ni mustamlakchilk zulmidan qutilish uchun, eng avvalo, oilani isloh qilishdan boshlamoq zarur, deb hisobladilar. Ularning fikricha, oilaning asosini to‘g‘ri qurmay turib va yosh avlodni to‘la qonli to‘g‘ri yo‘lda tarbiyalamasdan turib, jamiyatni isloh qilish, uning rivojini taraqqiyot sari yo‘naltirish mumkin emas va oxir oqibatda millat taqdiri uning oilasi xolatiga bog‘liq. Zero bugungi globallashuv davrida oilalarda farzandlarimizga kerakli ta’limni berib birish jamiyatimiz, millatimiz rivoji uchun dastlabki qadamdir.

Masalani biz yuqorida tarbiya so‘zining ahamiyatini umumiy kontekstda ko‘rib chiqdik, endi shu masalani jadid mutafakkirlarining bevosita ijodiga murojaat qilgan xolda taxlil qilamiz. Dastlab, Abdulla Avloniydan boshlasak, sababi hech qaysi mutafakkir Avloniychalik tarbiya xususiyada ko‘p gapirmagan. Uning juda ko‘p maqolalari va asarlari aynan ma’naviy, axloqiy tarbiya masalalariga bag’ishlangan. Uning inson tarbiyasiga bag‘ishglangan eng katta asari “Turkiy guliston yoxud axloq” deb nomlanadi. Ushbu asarda an’anaviy-falsafiy yondashuv bo‘lmish antropologik nuqtai nazar bo‘rtib ko‘zga tashlanadi. Ammo bu yondashuvning yangilangan mohiyati shunda ediki, tadqiqot ob’ekti sifatida makon va zamondagi umumiy mavhumiy inson emas, balki, muayyan, XX asr boshlaridagi, milliy ozodlikka, yangicha hayot tarziga intilishni o‘z oldiga niyat qilib qo‘ygan Turkiston fuqarosi olinadi. Ana shu yangi inson tarbiyasi bosh masala tarzida o‘rtaga tashlanadi. Bugungi kunda ham bizni yurtimizda axborot texnologiyalari eng yoqori cho‘qqisiga qarab borayotgan bir davrda yangi O‘zbekiston yoshlarini shakillantirish masalasi Prezidentimiz boshchiligida o‘z yechimini topib bormoqda.

Avloniy tarbiyani, qadimgi va O‘rta asrlar musulmon Sharqi mutafakkirlari an’analariga suyanib, uchga bo‘ladi: badan tarbiyasi, fikr tarbiyasi, axloq tarbiyasi. Shular orasidan axloq tarbiyasiga alohida urg’u berib, uni “insonlarga eng

muhim, ziyoda sharaf, baland daraja berguvchi” tarbiya deb baholaydi. Fazilatlarni faylasuf-pedagog yaxshi xulqlar, illatlarni esa - yomon xulqlar deb ataydi. Matonat, diyonat, sharaf, hayo singari musulmon Sharqi uchun an’anaviy bo‘lgan fazilatlar sharhi bilan birgalikda Avloniy vijdon, Vatanni suymak singari Turkiston mintaqasi uchun yangi talqinda taqdim etilgan fazilatlar haqida alohida to‘xtaladi. Vatanni suymoq, lozim bo‘lsa, uning yo‘lida jonini fido etmoq yuksak axloqiy insonga xos fazilatdir. Inson Vatanni tanlamaydi. “Biz turkistonliklar o‘z Vatanimizni jonimizdan ortiq suyganimiz kabi, arablar Arabistonlarini, qumlik issiq cho‘llarini, eskimo‘lar shimol taraflarini, eng sovuq qor va muzlik yerlarini boshqa yerlardan ziyoda suyarlar. Agar suymasalar edi, havosi yaxshi, tiriklik oson yerlarga o‘z vatanlarini tashlab hijrat qilur edilar” [2,94-b]. Anashunday ekan yurtimizda alloxning nazari tushgan jannatmakon O‘zbekistonimizda yashab uning nomini butun dunyoga tanitish Yangi O‘zbekiston yoshlarining bizning eng yuksak maqsadimiz bo‘lmog‘i lozim.

Vijdon esa Avloniy nazdida, inson niyatlari va qilmishlarini aks ettiruvchi eng musaffo axloqiy ko‘zgudir, “inson aqli va fikrining haqiqiy mezoni” [3,54-b]. Shuningdek, mutafakkir intizom, iqtisod, idrok va zako singari o‘sha davrlarda hali ko‘p quloq o‘rganmagan fazilatlarni ham alohida e’tibor bilan nazariy-amaliy tahlildan o‘tkazadi, yoshlarga iloji boricha qisqa va lo‘nda tarzda taqdim etishga intiladi.

Abdulla Avloniy o‘z risolasida “yomon xulqlar”ga - illatlar tahliliga katta o‘rin ajratadi. Millat taraqqiyotiga eng kuchli to‘siq bo‘ladigan illatlardan biri sifatida alloma jaholatni keltiradi, jaholatni “insoniyatning eng zo‘r dushmani va yomon xulqlarning boshlig‘i”[3,73-74-b], deb ta’riflaydi. Avloniy g‘azab, shahvat, hasad, kizb, tama singari illatlarga ham atroflicha to‘xtaladi. Avloniy oiladagi tarbiyani maktab tarbiyasi uchun katta madad deya baholaydi. U ota-onalar va bolalar o‘rtasidagi munosabatlarga yangicha yondashadi. U bola shaxsini oyoq osti qiladigan, bola qalbiga, xissiga shikast yetkazadigan jismoniy jazoni qoralaydi. Bolani sevish va unga ustalik bilan ta’sir ko‘rstaish zarur. Uni ishontirish vositasi bilan burchni anglash yo‘liga solish kerak, deb hisoblaydi [4,277-b]. Muallifning bu

boradagi fikrlariga xulosa yasab, shuni aytish mumkinki, Avloniy o‘sha davr tarbiya usullarini zamonga mos emsligi to‘g‘ri tushunganlar va ulrani isloh etish zaruratini to‘la anglab yetganlar. Zero, zamonga mos tarbiyagina yosh avlodni millit jonkuyariga, vatan taraqqiyoti o‘zining taraqqiyoti deb biladigan yoshlarni tarbiyalash mumkin.

Jadid mutafakkirlari oraisda Abdurauf Fitrat ham o‘zining tarbiya boraisdagi fikr-mulohazalari bilan alohida o‘rin tutadi. Uning “Najot yo‘li” (“Rahbari najot”), “Oila yoki oila boshqarish tartiblari”, “Hind sayyohining qissasi” asarlarida tarbiya masalalari keng o‘rin olgan. Fitrat ushbu asarlarida ilm-ma’rifatning inson kamoloti va jamiyat taraqqiyotidagi, shuningdek, ma’naviyat rivojidagi hayotbaxsh mohiyatiga katta ahamiyat beradi. Bu borada ilm-fan, o‘qish va o‘qitishning zamonaviy ilmiy asosda yo‘lga qo‘yilishini ma’rifatli hayot uchun kurashda eng qudratli vosita deb bilgan.

Fitrat har doim maorif ishlari bilan band bo‘lgan va bu ishlarga jiddiy yondashagn. Turkistonlik talabalarni xorijga yuborish ishlariga bosh bo‘lgan. U faqat maorif ishlari bilan band bo‘lmay, Samarqand Pedakademiyasida, Toshkent Davlat Pedagogika institutida, 1934 yilda O‘zbekiston fanlar komiteti qoshida ochilgan ilmiy tadqiqot institutlarida mumtoz Sharq adabiyoti tarixidan, ona tilidan dars beradi.

Abdurauf Fitrat o‘z asarlarida insonlar o‘rtasidagi do‘stlik va birodarlik masalasiga alohida to‘htalib o‘tadi. “Hech shubha yo‘qki, - deydi adib, - odamlar nechalab din, mazhab, qavm va millatga bo‘linmasinlar bir otaning farzandlaridir, bir tomirdir”[4,262-b]. U millat tinchligi va ravnaqi har qanday qadriyatdan ustin ekanligini ta’kidlaydi. Va buni ta’minlash har bir millat vakili uchun ham farz, ham qarz ekanligini alohida uqtiradi. U millatning intizomi haqida gapirib, shunday deydi: “har bir imllatning saodati va izzati, albatta, shu xalqning ichki intizomi va totuvligiga bog‘liq. Tinchlik va totuvlik esa, shu millat oilalarining intizomiga tayanadi. Qayerda oila munosabati kuchli intizomga tayansa, mamlakat va millat ham shuncha kuchli va muazzam bo‘ladi”[5,4-b].

Fitratning taribya xususidagi qarashlari uning “Oila” asrida kengroq o‘rin egallagan. Ushbu kitob ikki qismlan iborat bo‘lib, muallif kitobning birinchi qismiga, ma’lum ma’noda me’yoriy dasturilamal tarzida tartib beradi. Undan har bir yangi oila qurmoqchi bo‘lgan turkistonlik kichik hajmdagi axloqiy-maishiy, gigienik-salomatlik qomusi sifatida foydalanishi mumkin edi. Bundan tashqari, asarda oilaning moddiy tomonlari, tashkil topgandan boshlab, buzilishigacha bo‘lgan holatlarning ma’naviy, axloqiy, iqtisodiy asoslari to‘g‘risida ham to‘xtalib o‘tadi.

Umuman olganda, Fitratning “Oila” kitobida jamiyatdagi ijtimoiy va ma’naviy muammolar uyg‘unlashib ketgan. Lekin unda pedagogik-didaktik uslub emas, jangovar chorlov uslubi ustun. Fitrat uchun yuksak axloqiylik erk va erksevarlik bilan mustahkam bog‘liq; Turkiston va turkistonlikni ozod ko‘rish, ya’ni milliy mustaqillik mafkurasi kitobning ruhiga singdirib yuborilgan. Uni o‘qigan kishi nafaqat axloqiy fazilatlar nimalardan iborat va ularga qanday erishish kerakligini, balki milliy ozodlik, shaxsiy erkinlik nima-yu, uni qanday qilib qo‘lga kiritish mumkinligini anglab oladi. Shu bois mutafakkir-jadid Abdurauf Fitratning “Oila” asari Turkiston milliy uyg‘onishida benihoya katta rol o‘ynadi, deyish mumkin. Ayni paytda u hozir ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan ajoyib axloqiy-ma’rifiy risola sifatida alohida e’tiborga molik.

Jadid ma’rifatparvarlarimizdan yana biri bu Mahmudho‘ja Behbudiydir u ham tarbiya xususida juda ko‘p fikr-mulohazalar bildirgan. U o‘zining qator asarlari va maqolalarida tarbiya muammolarini ko‘taradi. “Padarkush yohud o‘qimagan bolaning xoli” deb nomlangan p’esasi buning yorqin misolidir. U ushbu dramasida ma’rifatsizlik, jaxolat, axloqsizlik, hamda farzand tarbiyasiga noto‘g‘ri yondashuv qanday og‘ir oqibatlarga olib kelishi haqida bayon qiladi. U tom ma’noda millatning dardini ko‘rsatishga harakat qiladi. U ushbu asarida ziyoli tilidan shunday deydi: “Bizlarni xonavayron, bachagiryon, bevatan va bandi qilg‘on tarbiyasizlik va jaholatdur: bevatanga darbadarlik, asorat, faqru zarurat va xorliklar hammasi ilmsizlik va betarbiyaning mevasi va natijasidir. Dunyoga tarqqiy qilgan xalq ilm vositasi ila taraqqiyot qiladi. Asir va zabun bo‘lganlarida beilmlikdan. Modomiki, bizlar tarbiyasiz va bolalarimizni o‘qitmaymiz, bul tariqa yomon xodisalar va

badbaxtliklar oramizda doimo xukm-farmon bo‘lsa kerak. Bu ishlarni yo‘q bo‘lmog‘iga o‘qimoq va o‘qitmoqdan boshqa iloj yo‘q”[6,50b].

Mutafakkir kuyunganida jon bor. Sababi, o‘sha davrlarda boylar o‘zlarining boyliklarini faqat bazmu jamshid va kayfu safoga sarflar o‘zlarning farzandlari tarbiyasiga mutalaqo ahamiyat bermasdilar. Umuman olganda, Behbudiyning boshlab bergan teatr ishini ahamiyatini tushungan jadidlar bu faoliyatga jiddiy e’tibor bera boshlaganlar.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, yoshlar tarbiyasi, kamoloti nafaqat ota-onalar tashvishi balki bu millat va jamiyat muammosi hamdir. Unga befarqlik esa, yuqorida biz so‘z yuritgan muammolarni keltirib chiqarishi tabiiy. Shuning uchun har bir davrda yoshlar tarbiyasi jamiyat oldida turadigan eng muxim masala bo‘lib qolaveradi. Zero bugun bizning yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlar yoshlarni kelajakda oliy ma’lumotli bo‘lish bilan birgalikda bilimli va zukko bo‘lib yetishishlariga undaydi. Yangi O‘zbekiston yoshlari uchinchi renasans davrida barcha sohalarda eng mukammal bo‘lmog‘i lozimdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mirziyoyev Sh. Vatanimiz taqdiri va kelajagi yo‘lida yanada hamjihat bo‘lib, qat’iyat bilan harakat qilaylik. – T.: O‘zbekiston, 2017- B

2.Авлоний А. Ўсон миллат. Т., Шарқ, 1993 й.

3.Авлоний А. Танланган асарлар. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: Маънавият. 2006 й.

4. Муаллифлар жамоаси. Ўрта Осиѐ педогогик фикр тараққиѐтидан лавҳалар. Т: Фан., 1996 й.

5. *Фитрат А. Оила* ёки оилани бошқариш тартиблари. - *Т.*: *Маънавият*, 2000 й.

6. Маҳмудхўжа Беҳбудий Танланган асралар. Т.: Маънавият. 2006 й.

# YANGI O‘ZBEKISTON YOSHLARI KELAJAK BUNYODKORI

**Rayimjonov Ismoil Xoshimjon o‘g‘li**
Guliston davlat universiteti 1-bosqich magistranti
E-mail: irayimjonov@list.ru

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada yangi O‘zbekiston Yoshlariga qaratilayotgan e’tibor, mamlakatda yoshlar tomonidan amalga oshirilayotgan loyihalar ularning mazmun mohiyati, mamlakatimiz rahbarining yoshlarga ko‘rsatayotgan g‘amxo‘rliklari, yoshlarning erishayotgan yutuqlari, jahon arenalarida ularning ko‘rsatayotgan rekordlari va kelajakda qilinishi kerak bo‘lgan vazifalar o‘rganildi, atroflicha tahlil qilindi.

**Kalit so‘zlar:** Yoshlar, Yangi O‘zbekiston, islohot, kelajak, renesans, tahsil, jamg‘arma, qatlam, serqirra.

**Kirish:**

Bizga yaxshi ma’lumki har qanday jamiyat taraqqiyotida hal qiluvchi rolni ushbu jamiyatning kelajagi bilan bog‘liq bo‘lgan yosh avlodning sog‘lom va barkamol rivojlanishi o‘ynaydi. Bugungi kunda yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlarimizni kengaytirish va samaradorligini yanada oshirish masalalarida biz zamonaviy bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lgan g‘ayratli, tashabbuskor, har tomonlama ko‘nikmalarga ega bo‘lgan yoshlarimizni yurtimizga tayanch sifatida tarbiyalamog‘imiz lozim. Bu borada muxtaram prezidentimzi Sh.Mirziyoyev “Men har gal yoshlarimiz bilan uchrashganimda sizlarning g‘ayrat-shijoatingizdan kuch-quvvat olaman, ko‘nglim tog‘day ko‘tariladi. Har biringiz jonajon Vatanimiz va xalqimizga sidqidildan xizmat qilish orzusi bilan yonib yashayotganingizni yaxshi bilaman. Sizlarni O‘zbekistonning eng katta boyligi, bebaho xazinasi sifatida qadrlayman”[1][53] deb bejiz aytmaganlar.

**Mavzuga oid adabiyotlar sharhi**

[53] Shavkat Mirziyoyev yoshlar bilan uchrashdi – Gazeta.uz.18.01.2022

O‘rganilayotgan mavzu doirasida yurtimizda ko‘plab tarixchi, siyosatchi, faylasuf olimlar o‘z qarashlarini bayon etganlar. Bundan tashqari mazkur mavzu hamma davrlar uchun eng muhim mavzu sifatida o‘rganilib kelingan. Qaysiki mamlakatning yoshlari dunyo uchun eng qiziq marralarni zabt etar ekan anashu yoshlar yashayotgan mamlakat butun dunyo tadqiqotchilarning nigohida bo‘laveradi.

Mamlakatimiz yoshlari keyingi yillarda barcha jabhalarda o‘zlarining faolliklarini ko‘rsatib kerlishmoqda. Bu faolliklar dunyo tadqiqotchilarini O‘zbekiston yoshlariga bo‘lgan qiziqishlari ortishiga sabab bo‘lmoqda.

Mamlakatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning Niyati ulug‘ xalqning ishi ham ulug‘, hayoti yorug‘ va kelajagi farovon bo‘ladi. - Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2019. - 400 b nomli kitobida O‘zbekiston yoshlari to‘g‘risida so‘z yuritib, yurtimiz yoshlari Indoneziyada bo‘lib o‘tgan Osiyo va Paraosiyo o‘yinlarida, Argentinada o‘tkazilgan o‘smirlar Olimpiadasida yuqori o‘rinlami olgani, yoshlarimizga munosib ta’lim berish, ularning ilm-fanga bo‘lgan intilishlarini ro‘yobga chiqarish, yoshlarga yanada qulaylik bo‘lishi uchun bir nechta oliy o‘quv yurtiga xujjat topshirish tizimi va yoshlarni davlat tomonidan ijtimoiy qo‘llab-quvatlashni yanada kuchaytirish to‘g‘risida aniq va asosli fikrlarni bildirganlar.

Bundan tashqari prezidentimizning Yangi O‘zbekiston strategiyasi. - Toshkent: “O‘zbekiston”, 2021. - 464 b kitobining Yoshlar - Yangi O‘zbekiston bunyodkorlari bo‘limida yurtimizda mutlaqo yangicha shakl va mazmundagi Prezident maktablari, ijod va ixtisoslashgan maktablar tizmi yaratilganligi, ushbu maktablarda tahsil olayotgan ko‘plab yoshlar nufuzli xalqaro tanlovlarda yuqori natijalarni qo‘lga kiritganliklari, yoshlarni mexnat bozorida talab yuqori bo‘lgan kasb va xunarlarda o‘qitish tizimini yo‘lga qo‘yish borasida fikrlar bildirganlar.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentligiga nomzod Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning saylovoldi dasturi. - Toshkent: “O‘zbekiston”, 2021. - 144 b dasturda, aholimizning qariyb 55 foizini yoshlar tashkil etishi va har yili mehnat bozoriga kamida 600 ming yoshlar kirib kelayotganligi, “El-yurt umidi” jamg‘armasi orqali yoshlarni nufuzli xorijiy oliy ta’lim tashkilotlaridagi bakalavriat, magistratura

va doktoranturaga yuborish ko‘lami 2 marta oshirilishi va yoshlarga e’tibor, g‘amxo‘rlik yangi bosqichga ko‘tarilishi to‘g‘risida aytib o‘tganlar.

**Tahlil va natijalar**

Hamma davrlarda ham jamiyat taraqqiyotida hal qiluvchi rolni ushbu jamiyatning kelajagi bilan bog‘liq bo‘lgan yosh avlodning sog‘lom va barkamol rivojlanishi o‘ynaydi. Budungi kunda yosh avlodga qaratilayotgan e’tibor mamlakat kelajagiga qaratilayotgan e’tibor desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Yurtimizda amalga oshirilayotgan yangilanish kelajakka sarmoya desak ayni xaqiatni aytgan bo‘lamiz. Ayni damda murakkab bir zamonda yashab turib yoshlarni jismoniy va ma’naviy barkamol insonlar etib tarbiyalash davlatning asosiy muhim vazifasi bo‘lib kelmoqda. Bugungi kunda yurtimizda yoshlar forumlarining yuksak darajada o‘tkazilayotganligi ham fikrimizning yaqqol tasdig‘idir.

Albatta hammamizga sir emaski yurtimizda yoshlarga qaratilayotga e’tibor davlat siyosati darajasidagi mavzuga aylangani. Biz yoshlar davlatning ertangi kuni uchun asosiy qatlam ekanimiz va ushbu yo‘lda serqirra ijod va g‘ayrat bilan o‘zimiz yashayotgan mamlakat kindik qoni to‘kilgan diyor uchun bor imkoniyatni ishga solmog‘imiz lozim. Bu borada Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev so‘zlari bilan aytganda Tomirlarida buyuk bobolarimizning qoni oqayotgan yoshlarimiz ulug‘ ajdodlarimizning munosib vorislari bo‘lishi, ular kabi ulkan maqsadlar sari intilib yashashi va yuksak marralarga erishishi uchun barcha zarur shart-sharoitlarni yaratishimiz zarur deb, Yangi O‘zbekiston yoshlari ana shunday yuksak darajalarga ko‘tarilishi uchun barcha imkoniyatlarni ishga solish to‘g‘risida aytgan gaplari yoshlarni chinakam ruxlantirdi desak ayni haqiqatdir[3, b 263].

Yuksak marralar uchun eng avvalo yurtimizning tinchligi asosiy o‘rinda turadi. Chegaradosh mamlakatlarda tez-tez bo‘lib turgan teraktlar, norozilik namoyishlari o‘sha mamlakatlar rivojining ortga ketishiga olib keladi. Yurtimizda amalga oshirilayotgan isloxotlar, yangilanishlarning hammasi inson qadrini ulug‘lash uchun bo‘layotgani, yosh avlodni mustahkam vatanparvarlik g‘oyasi hamda qat’iy fuqarolik

pozitsiyasini shakillantirishgan qaratilayotgani boshqa davlatlarga ham o'rnak bo'ladigan darajada desak mubolag'a bo'lmaydi.

Yoshlar siymosida eng qimmatli va o'ta muhim resurslar mujassam topgan bo'lib, unga har qancha investitsiya kiritsa arziydi, chunki bu sarmoyalar bir necha barobar bo'lib qaytadi[3, b 262]. Zeroki yoshlarning intilishlari barchasi chin manoda davlatimiz yuksalishi uchun, farovon turmushimizni yanada yuksaltirish uchun xizmat qilmog'i lozim.

Davlat organlarining xalqqa bevosita xizmat qilishi ustuvor tamoyil etib belgilangani natijasida aholining bandligi oshdi, ilm-fan, ta'lim-tarbiya, sog'liqni saqlash, madaniyat va san'at sohalari tubdan isloh qilindi, keksa avlod vakillari, ayollar va yoshlarga e'tibor va g'amxo'rlik yangi bosqichga ko'tarildi[4, b 7]. Shu bilan birgalikda ijtimoiy ximoyaga muxtoj bo'lgan, boquvchisini yo'qotgan yoshlarni "Yoshlar daftari"ga kiritish, ushbu ro'yxatga kirgan yoshlarga aniq reja va dasturlar asosida rag'batlantirish ishlari amalga oshirilib kelinmoqda. Keying yillardagiga nisbata yoshlarni "El-yurt umidi" jamg'armasi orqali nufuzli oliy bilim yurtlariga yuborish ishlari yanada jadallashtirilgan.

Bugungi kunda yoshlarimizning bilim va ma'lumot olishining asosiy manbayi Internet ekani hech kimga sir emas. Shu sababli tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlagan holda, jamoat joylarida bepul "vay-fay" hududlarini tashkil etish choralarini ko'rish to'g'risida topshiriqlar berilgan[2, b 34]. Bugun bu yangiliklar yoshlarga ko'rsatilayotgan g'amxo'rliklar dunyoning ayrim rivojlangan davlatlarida ham amalga oshirilayotgani bizning mamlakat jannatmakon ekanining tasdig'idir. Shunday ekan bu qulayliklardan oqilona foydalanib ko'rsatilayotgan e'tiborlarga javoban Yangi O'zbekistonni uchinchi renesansi uchun biz yoshlar asosiy ustun bo'lmog'imiz lozim.

**Xulosa va takliflar**

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, bizning yashab turgan mamlakatimiz jannatmakon ekani uning xar bir xududi turli hil tabiiy ne'matlar bilan boyitilgani hammasi biz yoshlarning boshimizga Xumo qushi qo'ngandek gap. Prezidentimiz tomonida bugungi kunda asosiy e'tibibor yoshlarga qaratilayotgani biz uchun eng

katta baxt bo‘1mog‘i lozim. O‘zbekiston bayrog‘ini yuqori ko‘tarib dunyo arenalarida o‘z o‘rnimiz borligini ko‘rsatib kelayotgan tengdoshlarimiz bilan faxrlaib ularda kuch qudrat olib biz ham yangi marralarni zabt etishga bor kuch, bilim va saloxiyatimizni sarflaymiz.

Bizning yurtimizdan chiqqan fan arboblari, ilmu ulamolar, jahongirlar, Beruniy, Xorazmiy, Ibn Siyno singari ajdodlarimizni yo’lini olib ular singari vatanimizni dunyoga tanitish biz yoshlar uchun eng odil ishdir. Biz yangi O‘zbekiston yoshlari uchinchi renesansning asosiy ustuni bo’lishimiz lozimdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Shavkat Mirziyoyev yoshlar bilan uchrashdi - Gazeta.uz.18.01.2022.
2. Shavkat Mirziyoyev Niyati ulug‘ xalqning ishi ham ulug‘, hayoti yorug‘ va kelajagi farovon bo‘ladi. - Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2019. - 400 b.
3. Shavkat Mirziyoyev. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. - Toshkent: “O‘zbekiston”, 2021. - 464 b.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentligiga nomzod Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning saylovoldi dasturi. - Toshkent: “O‘zbekiston”, 2021. - 144 b

# JAHON IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA NOQONUNIY MEHNAT MIGRATSIYASINING SALBIY TA’SIRI

**Nuraliyev Mexrojiddin Choriyor o`g`li**

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti talabasi

**Annotatsiya:** Noqonuniy migratsiya, shartnomasiz mehnatni bir mamlakatdan boshqa mamlakatga mehnat faoliyatini amalga oshirib xufiya iqtisodiy faoliyatni vujudga keltiradigan g`ayri qonuniy faoliyat.

**Kalit so`zlar:** Import, eksport, valyuta, migratsiya, ishchi kuchi, noqonuniy migratsiya, transformatsiyalashuv, retsepiyent

Jahon iqtisodiyotini rivojlantirishda mamlakatlararo iqtisodiy aloqalarni kuchaytirish katta ahamyatga ega bo’lib bormoqda, hozirda jahon iqtisodiyotining transformatsiyalashuvi sharoitida migratsiyaning yuqori darajadagi oqimi rivojlangan mamlakatlar tomon yo‘naltirilmoqda. Rivojlangan mamlakatlar, rivojlanayotgan mamlakatlar hamda iqtisodiy qoloq mamlakatlar o‘rtasidagi farqlarning doimiy ortib borayotgani, ular o`rtasida ishchi kuchi importi va eksportini rivojlanishiga ta’sir ko`rsatmoqda. Mehnat migratsiyasi kishilik jamiyati taraqqiyotining hozirgi bosqichida **migratsiya-** o‘ziga munosib ish va yuqori daromad topish maqsadida amalga oshirilgan alohida turi bo‘lib, iqtisodiyoti og‘ir ahvolda bo‘lgan sekin rivojlanayotgan mamlakatlarda bandlik va ish haqinig o‘tkir muammolarini hal etishning asosiy vositalaridan biriga aylandi. Albata qonuniy migratsiya iqtisodiy jihatdan mamlakatlar uchun foydali. Iqtisodiyoti qoloq va ayrim rivojlanayotgan mamlakatlar uchun ishchi kuchi eksporti valyuta siosatiga ijobiy ta’sir ko`rsatadi. Hamda import qilayotgon mamlakatlarning tavar va xizmatlarining ishlab chiqish jarayonida taxchil bo`lyatgan ishchi kuchini qondirishga samarali yordam beradi. 2020-yilda taxminan 281 million kishi, ya'ni dunyo aholisining taxminan 3,6 foizi bular qonuniy va noqonuniy migratlar hisoblanadi. Ishchi kuchi migratsiyasi donor

mamlakatlar va ishchi kuchini qabul qilayotgan retsepiyent mamlakatlarga bir vaqtning o‘zida ijobiy afzalliklarni ta’minlash bilan birga, noqonuniy migratsiya ma’lum bir salbiy muammolarni ham keltirib chiqarmoqda. Bir tomondan ishchi kuchi bozorida arzon ishchi kuchi ko`payishi mehnatgta munosib haq to`lash mutanosibligiga salbiy jihatga o`zgartiradi. Va mamlakatda yashovchi fuqorolar o`rtasida ish uchun kurash jarayoni vujudgakeltiradi. Agar bo`sh ish o`rni va ishchi kuchi muozanati noqouniy mehnat migratlari hisobiga buzilsa aholi o`rtasida iqtisodiy qashoqlik ortadi. Shu sababli Janubiy Korea, Yaponiya va arim rivojlangan davlatlar mehnat migrantlarini qonuniy tarzda mamlakatga bo`sh ish o`rnini hisobga olgan holda ishchi kuchi eksport qilayotgan mamlakatlardan malakali mutaxasislarni jalb qiladi, shu tarzda ish o`rni kerakli miqdorda qondiriladi. Bunday harakatlar qonuniy migratsiyani rivojlanishiga ta’sir ko`rsatadi. Lekin bugungi kunda qonuniy va noqonuniy migratsiya mavjud, albatda bularning ta’sir kuchi turlicha. Noqonuniy mehnat migratsiyasi rivojlangan mamlakatlarga iqtisodiy muamolar bilan bir qatorda migrantlarning turli oqimlarga kirishi, aldanib sotilishi, boshqa davlatlarda yuz berayotga teroristik harakatlarga qo`shilishi hamda o`zi anglamagan holda siyosiy mojarolar kelib chiqishiga sabab bo`lib qolmoqda, shuningdek hayoti xavsizligi kafolatli sug`urta qilinmagan tarzda mehnat faoliyatini amalga oshirish, moddiy va ma’naviy zararlar yetqazmoqda, albatda bunga sabab mamlakatlar o`rtasida qonuniy migratsiya samarali yo`lga qo`yilmagani va aholining malakasizligi ta’sir ko`rsatmoqda.

Agar ishchi kuchi eksport va import qilayotgan mamlakatlar o`rtasida qonuniy mehnat faoliyati amalga oshirilib, eksport qilayotgan mamlakat mehnat migrantlarini kasbiy salohiyatini oshirib huquqiy savotxonlik va ishga borayotgan mamlakatining tilini bilish darajasiga e’tibor qaratsa yuqoridagi muamolar o`z yechimini topadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar va internet saytlari:**

1. **Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar** Nilufar Ismailova, Ulug`bek Shagazatov,

**2.** Бобожонова Н. Аҳоли миллий таркибининг ўзгаришига миграция жараёнларининг таъсири.// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.

**3.** Ishchi kuchi migratsiyasining mamlakat milliy iqtisodiyotiga ...

http://www.sharqjurnali.uz › files › Ishchi kuchi ...

**4.** Migratsiyaning iqtisodiyot uchun ijobiy va salbiy oqibatlari ...

https://egoist24.ru › uy › PayPal

**5.**^ Immigratsion talabalar muvaffaqiyatga erishgan joyda - PISA 2003-dagi faoliyat va ishtirokning qiyosiy sharhi. Parij: OECD Publications, 2006 (17-19).

**6.**^ OECD International Migration Outlook, 2007, Parij: OECD Publications, 2007, SourceOECD
18.07.2007 http://www.oecd.org/about/0,3347,en_2649_33931_1_1_1_1_1,00.html.

# ZAMONAVIY KOREYS TILIDA ISH JOYIDA RASMIY SALOMLASHISH VA XAYRLASHISH NUTQ ETIKETI FORMULALARI

**Jo'rayeva Niginabonu Umirzoq qizi**
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti 1-bosqich magistranti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada koreys tilida ish joyida qo'llaniladigan salomlashish va xayrlashish nutq etiketi formulalari, koreys madaniyatining bir qismi bo'lgan tazm qilishning besh ko'rinishdagi turlari, koreys va o'zbek xalqlarining salomlashish odobi yoshga, sharoitga, mavqega, marosimlarga ko'ra turli shakllanishi, koreyscha salomlashish konfutsiychilik ta'limotiga asoslanganligi haqida yoritildi. Shuningdek, kundalik hayotda, rasmiy usuldagi salomlashish, jamoat oldida chiqishda, yuqori martabali odamlar bilan salomlashganda ishlatiladigan salomlashish etiketining ishlatilishi haqida bayon etildi. Xitoy madaniyatining ta'siri mujassamlashgan salomdan so'ng qo'llaniladigan etiket formulalari misoli ko'rsatildi. Shu asosda misollar nutq etiketi formulalari, salomlashish va hayrlashish etiketiga mansub formulalar, rasmiy va norasmiy uslublardagi nutq etiketiga doir misollar va ularning kelib chiqishi haqida bayon qilindi.

**Kalit so'zlar:** salomlashish, xayrlashish, ish joyi, nutq, etiket, iyeroglif, odob-axloq, murojaat, hurmat, formula, madaniyat, urf-odat, an'ana.

**Аннотация:** В данной статье формулы приветствия и прощания, используемые на рабочем месте на корейском языке, пять видов поклонов, являющихся частью корейской культуры, приветственный этикет корейского и узбекского народов различаются в зависимости от возраста, обстоятельств, положения, формирования ритуалов, что корейские приветствия основаны на конфуцианском учении. Также было разъяснено использование этикета приветствия, используемого в повседневной жизни, официальных приветствий, публичных выступлений, приветствий с высокопоставленными лицами. Приведен пример этикетных формул, используемых после приветствия,

сочетающих в себе влияние китайской культуры. На этой основе на примерах объяснялись примеры речевого этикета, формулы этикета приветствия и прощания, примеры речевого этикета в формальном и неформальном стилях и их происхождение.

**Ключевые слова:** приветствие, прощание, рабочее место, речь, этикет, иероглифы, этикет, обращение, уважение, формула, культура, обычай, традиция.

**Annotation:** In this article, the greeting and farewell speech etiquette formulas used in the workplace in Korean, the five types of bowing that are part of Korean culture, the greeting etiquette of the Korean and Uzbek peoples vary according to age, circumstances, position, rituals formation, that Korean greetings are based on Confucian teachings. It was also explained about the use of greeting etiquette used in daily life, formal greetings, public appearances, greetings with high-ranking people. An example of etiquette formulas used after a greeting that combines the influence of Chinese culture is given. On this basis, examples of speech etiquette, formulas of greeting and farewell etiquette, examples of speech etiquette in formal and informal styles and their origins were explained through examples.

**Key words:** greeting, farewell, workplace, speech, etiquette, hieroglyphics, etiquette, appeal, respect, formula, culture, custom, tradition.

Barcha madaniy xalqlar o'zaro insoniy munosabat, muomila va muloqotni salomlashishdan boshlab xayrlashish bilan tugatishadi. Har bir xalqning salomlashish bilan bog'liq urf-odatlari bo'ladi. Salomlashish jarayonida Yevropa xalqlari bir-birlarining o'ng qo'llarini siqadilar. Hindistonda salomlashish belgisi sifatida ikki kaftini yuz oldiga juftlashtiradilar, eskimoslar esa salomlashish uchun bir-birlarining burunlarini ishqalaydilar. Qadimgi Xitoyda esa yuqori tabaqa vakillari uchrashganda har biri o'z o'ng qo'li bilan chap qo'lini siqqan ekan[54].

[54] Александр А. Пожмем друг-друга руки. Новая строительная газета, 1992 № 16

Nutq odob-axloq me'yorlarini o'rganish muayyan muloqot harakatida muvaffaqiyatga erishishga qaratilgan amaliy maqsadga aylanadi. Har bir millat nutq odobi o'z madaniyati vakillariga ma'lum talablarni qo'yadi va o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'ladi. Har bir madaniy va lingvistik guruhda salomlashish va iltimos qilishda ma'lum formulalar mavjud.

Salomlashish ham ma'lum bir millatning milliyligini, bir-biriga bo'lgan hurmatni ifodalaydi. Ularning millatidagi hurmatni, shu bilan bir qatorda, milliy mentalitetni ochib berishga ham katta xizmat qiladi.

Koreyada salomlashish odobi joyga, yoshga, sharoitga, mavqega, marosimlarga ko'ra turli shakllarga bo'linadi. Koreyada rasmiy uchrashuvlar, ish muhiti va lavozimga qarab salomlashish va xayrlashish etiketi turli xil ko'rinishda ifodalaniladi. Koreys jamiyatida etiket qoidalari o'zbek etiket qoidalaridan farqli o'laroq, milliy an'analar bilan ham, Konfutsiy axloqining kuchli ta'siri bilan ham belgilanadi.

Yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek koreyscha salomlashish konfutsiychilik ta'limotiga asoslanadi. Koreys millati salomlashishganda bosh hamda gavdalarining butun yuqori qismini egib, bukilib ta'zim qilishadi. Ta'zim qilish jarayonida suhbatdoshning yoshi, jinsi, mansabi, mavqeiga qaraladi. Erkaklar qo'llari yonda, erkin holda, ayollar bo'lsa, erkaklardan farqli o'laroq nisbatan ko'proq egilgan holatda ta'zim qilib "안녕하세요? [Annonghaseyo?] " yoki "안녕하십니까? [Annonghashimnikka?] " yoki bo'lmasa "안녕? [Annong?]"deb salomlashishadi.

Tazm qilish besh turga bo'linadi: 목례 [Mokrye)] 약례 [Yakrye], 보통례 [Botongrye], 정중례 [Jongjungre], 가장 정중례 [Gajang jongjungre]. Odatda 약 [Yak] tazm usuli (15°), 보통 [Botong] tazm usuli (30°) va 정중 [Jongjung] tazm usuli (45°) dan foydalaniladi. Salomlashish jarayonida qo'llar birlashtiriladi yoki yon tomonga qo'yiladi. Faqat oyoqlarni qimirlatish va qo'llarni berkitish kerak emas[55].

[55] https://namu.wiki/w/%EC%9D%B8%EC%82%AC

O‘zbek tiliga ham savol sifatida : “Siz tinchlik va osoyishtalikdamisiz? Sizda hammasi joyidami? deb tarjima qilish mumkin. Ushbu salomlashishning ma’nosini tushunish uchun so‘zni iyeroglif shaklida ko‘rib chiqish kerak. 安察하세요? [ānnyeonghaeseyeo?] va 安察하십니까? [ānnyeonghaeshimnikka?] Birinchi iyeroglif 安 [ān] tom ostidagi ayolni anglatadi, bu xitoychadan tarjima qilinganda xavfsizlikni anglatadi, ikkinchi iyeroglif 察 [nyeong] ham qalbdagi osoyishtalik va tinchlikni anglatadi. Yagona salomlashish so‘roq shaklida beriladi. Ikkalasining farqi shundaki, birinchisi norasmiy hurmat shaklidagi salomlashish bo‘lsa, ikkinchisi esa rasmiy hurmat shaklidagi salomlashishdir. Birinchi salomlashish usuli kundalik hayotda, ikkinchi salomlashish usuli rasmiy muhitda, jamoat oldida chiqishda yoki yuqori martabali odamlar bilan salomlashganda ishlatiladi[56].

Bundan tashqari, Yun San Xyen o‘zining “Chet ellik talabalarni o‘qitishda nutq odob-axloq qoidalarini o‘rganish” avtoreferatida koreys tilshunosi Mun Gumxyunning “bo‘sh nutq etiketi” atamasini qo‘llaydi va uning ma’nosiga quyidagicha ta’rif beradi: “Bo‘sh nutq etiketi - bu o‘z adresatiga kamtarligini ko‘rsatish uchun rasmiy ifoda yoki harakatlardir”[57]. Bo‘sh nutq etiketi misollariga etiket qoidalarining formulalari: “아침 드셨어요? [Achim deusyessoyo?]” “Nonushta qildingizmi?” “어디 가세요?“ [Odi gaseyo?] “Qayerga ketyapsiz?” “어디 가“ [Odi ga?] “Qayerga ketyapsan?” kabilar kiradi.

Umuman olganda yuqoridagi kabi salomlashish – “Assalomu aleykum!” ma’nosi bilan bir xil. Rasmiy nutq etiketi qoidalarining qoliplari shakl jihatidan bir xil, ammo ularning maqsadi va ma’nosi bir-biriga juda yaqin.

Koreyada ish joyida rasmiy salomlashish etiketi kundalik hayotdagi salomlashish etiketidan rasmiy usulda ifodalanishi bilan farq qiladi. Misol uchun

---

[56] Юн Сан Хён. Исследование речевого этикета для обучения иностранных учащихся: автореф. дис. …д-ра филол. Наук. – Сеул: седжонг ун-т, – С.112
[57] Юн Сан Хён. Исследование речевого этикета для обучения иностранных учащихся: автореф. дис. …д-ра филол. Наук. – Сеул: седжонг ун-т, – С. 113.

o'zidan yuqori mansab egasi bo'lgan insonlar bilan salomlashayotganda ularda yaxshi taassurot qoldirmoqchi bo'lsa, birinchi navbatda ko'z bilan aloqa qilish kerak. Ko'z bilan aloqa qilgandan so'ng, gavdani biroz egib ya'ni tazim qilib salomlashish kerak. Odatda 보통 [Botong] tazm usuli (30°) dan foydalanib salomlashiladi. Agar salomlashishni chuqur ifodalamoqchi ya'ni minnatdorchilik yoki kechirim so'ramoqchi bo'lganda 정중 [Jongjung] tazm usuli (45°) dan foydalaniladi.

Shuningdek, koreys tilida yana bir qancha salomlashish etiketi mavjud.

Ertalab hamkasblar bilan salomlashish vaqtida:

"잘 지내십니까? 어떻게 지내세요?" [Chal chineoshimnikka?] - Yaxshimisiz? qo'llaniladi.

Hamkasbning hol-axvolini so'ragan vaqtda:

"사업(일)은 잘 되십니까?" [Saob(il)in chal deoshimnikka?] - Ishlaringiz yaxshimi? yoki bo'lmasa "건강은 어떠십니까?" [Gonggangin ottoshimnikka?] - Sog'ligingiz qanaqa? kabi salomlashish usullaridan foydalaniladi.

"Ishlaringiz qalay?" degan savolga zamonaviy koreys tili etiketi bilan bog'liq so'rashish usulining to'rt xil formasi mavjud:

요즘 하시는 일은 어떻습니까? [Yeojimenin hashinin irin oettosimnikka?] - hurmat shakli, 요즘 하시는 일은 어때요? [Yeojimenin hashinin irin oettoeyo?] - tinglovchiga nisbatan do'stona norasmiy hurmat shakli, 요즘 하는 일은 어때요? [Yeojimenin hanin irin oettoeyo?] - tinglovchiga nisbatan norasmiy hurmat shakli, 요즘 하는 일은 어때? [Yeojimenin hanin irin oettoe?] - norasmiy do'stona shakl.

Javoblar guruhini uchga bo'lish mumkin. Agarda ishlar yaxshi demoqchi bo'lsa:

네, 잘 지냅니다. [Ne, jal jinemnida]. - Ha, ishlarim yaxshi. Bu hurmat shakli hisoblanadi.

Ikkinchi koʻrinish 네, 잘 지내요. [Ne, jal jinoeyo]. - Ha ishlarim yaxshi. Bu norasmiy hurmat shakli.

응, 잘 지내. [Ne, jal jinoe]. - Ha, ishlarim yaxshi. Bu esa norasmiy doʻstona shakl.

Yuqorida keltirilgan misollardan koreys xalqining kamtarligini koʻrish mumkin. Kamdan-kam hollarda “Ajoyib!” soʻzini ishlatilganini koʻrish mumkin.

Koreyslar nutq etiketining ikkinchi guruhdagi javoblarda quyidagi nutq etiketini qoʻllaydilar:

네,괜찮습니다. [Ne, gwenhchansimnida]. - Ha, yaxshi. Bu yerda gap rasmiy hurmat shaklda.

네,괜찮아요. [Ne, gwenhchanayo]. - Ha, yaxshi. Bu yerda gap norasmiy shaklda berilgan[58].

응, 괜찮아. – [Ne, gwenhchana]. Ha, yaxshi. Bu yerda esa doʻstona norasmiy shaklda kelgan.

Uchinchi guruhdagi javoblar koʻrinishida “yaxshi emas” ma’nosida kelishini koʻrib chiqamiz. Bu koʻrinishdagi usulda birgina muhim koreys nutq etiketini belgilash mumkin. Soʻzlovchining holati yaxshi boʻlmasa ham koreys millati “Mening ahvolim yaxshi emas” deb aytmaydi. Agar tinglovchiga soʻzlovchi yaqin boʻlsagina bu haqda ma’lum qilishi mumkin. Misol uchun:

그리 좋지는 않습니다. [Kiri joahtjiman ansimnida]. - Unchalik yaxshi emas. Bu yerda gap rasmiy hurmat shaklda berilgan.

그리 좋지는 않아요. [Kiri joaxtjiman anahyo]. - Unchalik yaxshi emas. Bu yerda gap norasmiy shaklda berilgan.

[58] Юн Сан Хён. Исследование речевого этикета для обучения иностранных учащихся: автореф. дис. …д-ра филол. Наук. – Сеул: седжонг ун-т, – С.114

그리 좋지는 않아. [Kiri joaxtjiman anha]. - Unchalik yaxshi emas. Bu yerda esa do‘stona norasmiy shaklda berilgan[59].

Shuni alohida ta’kidlash joizki, koreys an’analarida Xitoy madaniyatining ta’sirida “salom”dan keyin 식사하셨어요? [Siksahasyeosseoyo?] - “Ovqat yedingizmi?” yoki 밥 먹었어? [Bap meogeosseo?] - “Ovqat yedingizmi?”, deb so‘rash odat tusiga kirgan. Zotan xitoyliklar ham “Ovqat yedingizmi?”, deb so‘rashadi. Buni xitoy va koreys xalqlarining ko‘p asrlik tarixida yashash uchun olib borilgan kurashi bilan izohlash mumkin (Shuni alohida ta’kidlash joizki, Koreyada 1945-yillarda, Xitoyda 1960-yillarda ocharchilik keng tarqalgan edi)[60].

Koreys xalqining salomlashish etiketida ularning urf-odatlari, madaniyati va axloqiy an’analari aks etadi. Koreys xalqining odob-axloqida tushunchasida “xushmuomalalik” tushunchasi muhim rol o‘ynaydi. Koreys rasmiy nutqiy etiket qoidalari J. Lichning “Xushmuomalalik printsipi” bilan bog‘lash mumkin. Zero, tadqiqotchi “xushmuomalalik printsipi”ni “ehtirom bilan muloyim suhbat va o‘zini tutish tarzida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan muammolarni kamaytirishga urunish” deb ta’riflaydi[61].

Koreys tilini o‘rganayotgan shaxs koreys xalqining tili bilan bir qatorda madaniyatini ham o‘rganishi muhim. Koreyslar bilan muloqot jarayonida madaniy xatolarga yo‘l qo‘ymaslik uchun koreys nutqiy etiket qoidalarini bilishi shart.

Nutq etiketdga suhbatdosh bilan tanishib u bilan tanishgandan mamnun ekanligi yoki rahmat minnatdorchilik bildirganda, biror narsani so‘ramoqchi bo‘lgan vaqtda ishlatiladigan murojaat so‘zlarini ham kiritish mumkin. Masalan:

Suhbatdosh bilan birinchi ilk uchrashuvdan so‘ng un bilan tanishgandan mamnun ekanligini ifodalashda: 만나서 반갑습니다. [Mannasoe bangapsimnida] aytiladi.

---

[59] Юн Сан Хён. Исследование речевого этикета для обучения иностранных учащихся: автореф. дис. …д-ра филол. Наук. – Сеул: седжонг ун-т, – С.114

[60] Usmanova Sh.R. Xitoy lingvomadaniyatida tanovul qilish taomilining o‘ziga xos xususiyatlari // Xitoyshunoslikning dolzarb masalalari: filologiya, falsafa, tarix, iqtisod va siyosat. XII ilmiy-amaliy konfrensiya materialllari. – Toshkent, TDSHI, 2015. – B. 32.

[61] Leech G. N. Principles of Pragmatics. – London and New York: Longman, 1983. – P. 110.

Hamkasblarga yangi kunning boshida boshlanib unga kun davomida yaxshi kayfiyat hamroh bo‘lsin digan niyatda: 좋은 날 보내세요. [Joehin nal boneseyeo]. Kuningiz yaxshi o‘tsin deb tilak bildiriladi.

Tanish bo‘lmagan insonga murojaat qilganda yoki biror narsa so‘ramoqchi bo‘lganda: 실례합니다. [Sillyehamnida]. Kechirasiz, deb murojaat qilinadi.

Ma’lumki sharq xalqlari g‘arb xalqlaridan o‘zining takrorlanmas madaniyati, urf-odatlari, an’analari bilan ajralib turadi. Nutq odobi esa sharq xalqlarining muhim jihatlarini ko‘rinishini ochib beradi. Koreys nutq etiketida salomlashish nutq etiketi kabi xayrlashish nutq etiketi ham muhim hisoblanadi. Salomlashish nutq etiketi kabi xayrlashish etiketida ham bir qator murojaat so‘zlaridan foydalanish mumkin. Xayrlashish nutq etiketi ham salomlashish nutq etiketi singari qo‘llanilishi jihatidan suhbatdoshning yoshi, mansabi, mavqei, sharoitiga qarab turli shakllarga bo‘linadi. Salomlashish nutq etiketida mavjud tazm qilish usuli xayrlashish jarayonida ham qo‘llaniladi. Suhbat yakuniga yetgach, yaxshi qoling, yaxshi boring, ko‘rishguncha, o‘zingizni ehtiyot qiling kabi murojaat so‘zlaridan foydalaniladi.

Ish joyida xayrlashish etiketi ham salomlashish etiketi kabi rasmiy usulda ifodalaniladi. Ish tugagach yuqori mansab egasiga murojaat qilganda oddiy usulda xayrlashish etiketini qo‘llash odobdan emas. Xayrlashayotgan안녕히 계세요. [Annonghi kyeseyeo] - yaxshi qoling deb emas, aksincha 내일 뵙겠습니다 [ Neil beobgeosimnida] ertagacha deb xayrlashish odobdan hisoblanadi.

Ishdan tashqari joyda yoki hamkasblar bilan xayrlashish jarayonida ikki xil ko‘rinishda murojaat qilish mumkin. Misol uchun: 안녕히 계세요. [Annonghi kyeseyeo] - yaxshi qoling. 안녕히 가세요. [Annonghi gaseoyo] - yaxshi boring.

Ikki xil ko‘rinishdagi xayrlashish nutq etiketining bir-biridan farqi shundaki, birinchi misolda “yaxshi qoling” ya’ni suhbatdoshdan biri suhbat yakuniga yetgandan so‘ng o‘sha joyning o‘zida qolgan vaqtda unga nisbatan ikkinchi suhbatdosh xayrlashishidir. Ikkinchi misolda “yaxshi boring” birinchi misolning aksi ya’ni

suhbatdoshdan biri suhbat yakuniga yetganidan so‘ng jo‘nab ketsa, o‘tirgan suhbatdoshning murojaatidir. Bu ko‘rinish yaqin insonga, do‘stlarga nisbatan xayrlashgan vaqtda ishlatiladi. Salomlashish va hayrlashish nutq etiketidagi eng muhim jihatlardan biri suhbatdoshga bo‘lgan hurmat ekanligini keltirilgan misollar orqali ko‘rib chiqildi.

Xulosa qilib aytganda, koreys tilida ish joyida salomlashish va xayrlashish nutq etiketi muloqotchining yoshi, jinsi, mansabi, maqomi, mavqei, holatiga bog‘liq. Salomlashish va xayrlashish millatning milliyligini, madaniyatini, kelib chiqish tarixini, boshidan o‘tkazgan voqealari o‘z ichiga jamlagan holda ifodalaniladi. Ish joyida salomlashish nutq etiketining o‘zi bir qancha ko‘rinishlarga ega. Ish joyida salomlashish nutq etiketida eng muhim bu murojaat qilinayotgan shaxsga bo‘lgan hurmat. Koreys nutq etiketida tazm hurmat belgisi hisoblanadi. Tazm salomlashish jarayonida, minnatdorchilik belgisi sifatida, xayrlashish, uzr so‘rash jarayonlarida keng foydalaniladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. Александр А. Пожмем друг-друга руки. Новая строительная газета, 1992 № 16
2. Leech G. N. Principles of Pragmatics. – London and New York: Longman, 1983
3. Usmanova Sh. Xitoy lingvomadaniyatida tanovul qilish taomilining o‘ziga xos xususiyatlari // Xitoyshunoslikning dolzarb masalalari: filologiya, falsafa, tarix, iqtisod va siyosat. XII ilmiy-amaliy konfrensiya materialllari. – Toshkent, TDSHI, 2015.
4. Юн Сан Хён. Исследование речевого этикета для обучения иностранных учащихся: автореф. дис. …д-ра филол. Наук. – Сеул: седжонг ун-т.
5. https://namu.wiki/w/%EC%9D%B8%EC%82%AC

# YANGI O‘ZBEKISTONDA MADANIY INNOVATSIYALAR VA ULARNING MUZEYLARDA QO‘LLANILISHI

**Usmonova Gulnoza Jaxongirovna**
O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti 1-bosqich magistranti

**Annotatsiya:** Bugungi kunda zamonaviy texnologiyalarni hayotga tadbiq qilgan holda, muzeylarda xam innovatsiyalarni qo‘llash lozim. Bir nechta yangi qabul qilingan qarorlar esa muzey sohasini rivojlantirish va ularni raqamlashtirish imkonini yaratadi. Yaqin yillarda xorijdan turib bizni yurtimiz muzeylarini kuzatish imkoni yaratiladi.

**Kalit so‘zlar:** innovatsiya, kashfiyotlar, yangi loyihalar, eksponatlar, madaniy meros, audiogid, videogid, smart muzeylar, ixtirolar.

**Аннотация:** сегодня, внедряя в жизнь современные технологии, необходимо применять инновации и в музеях. Несколько новых решений позволят развивать музейную сферу и оцифровывать ее. В ближайшие годы у нас будет возможность наблюдать за музеями нашей страны из-за рубежа.

**Ключевые слова:** инновации, открытия, новые проекты, экспонаты, культурное наследие, аудиогид, Видеогид, умные музеи, изобретения.

**Annotation:** today, with the introduction of modern technologies into life, it is necessary to apply both innovations in museums. A number of new decisions will create an opportunity to develop and digitize the museum sector. In the coming years, we will be able to observe the museums of our country while staying abroad.

**Keywords:** innovation, discoveries, new projects, exhibits, cultural heritage, audiogid, videogid, smart museums, inventions.

O‘zbekiston mustaqillikka erishgan ilk kunlaridan boshlab, dunyo davlatlari orasidan o‘z o‘rni va rivojlanish tamoyillarini aniq belgilab olgan edi. O‘ttiz yillik bu rivojlanish davrida ko‘p sonli aholining uning yashash tarzini va hayot sifatini oshirishga qaratilgan ko‘plab qaror va farmonlar qulay shart-sharoitlarning yaratilishi

esa yoshlarning intellektual salohiyatini oshirish, ularga sifatli ta‘lim olishlari uchun zamonaviy har tomonlama qulay bo‘lgan o‘quv muassasalarning barpo qilinishi bugungi kun yoshlari orasidan olimlarimizni yetishib chiqishiga sabab bo‘lmoqda. Bugungi kunda informatsion texnologiyalarga bo‘lgan talabning oshishi yangidan yangi loyihalar, elektron ilovalar va turli xil dasturlarning yaratilishiga olib keladi. Bu esa o‘z navbatida aholi va uning hayotida o‘zining qulayligini ko‘rsatadi.

**Innovatsiya** (ing . innovationas — kiritilgan yangilik, ixtiro) — 1) texnika va texnologiya avlodlarini almashtirishni ta’minlash uchun iqtisodiyotga sarflangan mablag‘lar; 2) ilmiy-texnika yutuqlari va ilg‘or tajribalarga asoslangan texnika, texnologiya, boshqarish va mehnatni tashkil etish kabi sohalardagi yangiliklar, shuningdek, ularning turli sohalar va faoliyat doiralarida qo‘llanilishi.

Kashfiyotlar va yangiliklar boshqa madaniyatlarga uch vositalar asosida tarqaladi.

1. Madaniy o‘zlashtirish (maqsadli yo‘nalish)
   - Bir xalq boshqasidan barcha narsalarni to‘liq o ‘zlashtirish emas, balki:
   - A) o‘zlariga yaqin va tushunarli bo‘lgan, foydalanish va baholash imkoniyati darajasidagi o‘z madaniyatiga daxldor bo‘lgan.
   - B) o ‘zlashtirish aniq yoki foyda berishi, xalqning obroyini ko‘tarish, boshqa xalqlar oldida ma‘lum ustuvorlik imkoniyati.
   - V) millatning o ‘sib borayotgan extiyojlariga mos keladigan, madaniy komplekslarini qondiradigan madaniyatlar.

2. Madaniy innovatsiya - yangi elementlarining paydo bo‘lishi - madaniy ijod.
   - Innovatsiya kategoriyasiga dunyo haqidagi yangi bilimlar yoxud yangililarni o‘zlashtirishga qaratilgan texnologiyalar, kashfiyotlar kiradi. Novatorlik olib yuruvchilar asosan ijodkor shaxslar yoki ijodkor guruhlar bo ‘lib, ular jamiyatdagi qabul qilingan tartiblardan farq qiladigan yangi g‘oyalarni, normalarni, faoliyat turlarini ilgari suradi. Mazkur g‘oyalarni amalga tatbiq etishda jamiyat tomonidan tushunilmasa qabul bo‘lmaydi, inkor etiladi. Ba’zida yangiliklarga jamiyat an’analari to‘sqinlik qiladi.

Kuni kecha yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev Turkiy tilli davlatlar xamkorlik kengashining sakkizinchi sammitida ishtirok etib o ‘z nutqida raqmlashtirish ekologiya madaniyat va yoshlar masalalari borasida ham muhim tashabbuslarni ilgari surdi.

-“aqlli shahar”larni barpo etish bo‘yicha tajriba almashish va innovatsiyalarni transfer qilish maqsadida ekspertlar va IT- mutahassislar uchun doimiy platforma yaratish;

-Birlashgan Millatlar Tashkiloti bilan xamkorlikda Turkiy mamlakatlarning atrof-muhit muhofazasi bo‘yicha tuzilmasini tuzish;

-“Turkiy dunyo turizmi” va “Tabarruk ziyorat” sayyohlik loyihalarini amalga oshirish, hunarmandchilik ko‘rgazmalari va etnosport musobaqalarini o‘tkazish, madaniy meros obyektlarini saqlash, restavratsiya qilish va boshqa yo‘nalishlarini qamrab olgan “Yo‘l xaritasini” birgalikda ishlab chiqish;

-turkiy tilli davlatlarning tarixiy, ilmiy va madaniy merosini o ‘rganish tadqiqot markazini tashkil etish;

-2022 yilning Turkiy dunyoda “YOSHLAR TASHABBUSLARINI QO‘LLAB – QUVVATLASH YILI” deb e’lon qilish.

Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashi Turkiy davlatlar tashkiloti etib qayta nomlandi va 2022 yilda O‘zbekistonda **“turkiy davlatlar sanoat haftaligi”** o‘tkaziladi.[62]

2021-yil 19-iyunda **“O‘zbekiston Respublikasi turizm va sport vazirligi huzuridagi madaniy meros agentligi faoliyatini tashkil etish hamda sohani innovatsion rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-5150 sonli** qarorni qabul qilinishi esa ko ‘plab yangi tashabbuslarni amalga oshirishga qaratilgandir.[63]

O‘zbekiston xalqining boy tarixi va madaniyatini aks ettiruvchi noyob va nodir madaniy merosini asrab-avaylashni kuchaytirish, sohani raqamlashtirish, innovatsion rivojlantirish va moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, jahonning

---

[62] Shavkat Mirziyoyev. Turkiy tilli davlatlar xamkorlik kengashining sakkizinchi sammitidagi so‘zlagan nutqidan 2021- yil noyabr

[63] “O‘zbekiston Respublikasi Turizm va Sport Vazirligi huzuridagi madaniy meros agentligi faoliyatini tashkil etish hamda sohani innovatsion rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-5150 sonli qaror 2021-yil 19-iyun

ilg‘or tajribalarini samarali qo‘llash, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 6-apreldagi “Turizm, sport va madaniy meros sohalarida davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6199-son Farmoni ijrosini ta’minlash maqsadida:

1. Turizm va sport vazirligi huzurida Madaniy meros agentligi (keyingi o‘rinlarda — Agentlik) hamda uning Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar boshqarmalari tashkil etildi. Ushbu agentlik quyigadagi vazifalarni amalga oshiradi:

a) moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasida: madaniy meros obyektlarini aniqlash, hisobga olish va muhofaza qilish, targ‘ib qilish, davlat reyestri, elektron katalogi, pasporti va davlat kadastrini yuritish va davlat nazoratini amalga oshirish;

moddiy madaniy meros obyektlaridan oqilona foydalanish, shu jumladan ularni davlat-xususiy sheriklik asosida samarali boshqarish, sohani raqamlashtirish va zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish;

moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk obyektlarida asrashga doir ishlarni amalga oshirish, buyurtmachi funksiyasini bajarish, uzluksiz ravishda ilmiy-texnik nazorat qilish, tarixiy-madaniy ekspertiza va loyiha-smeta hujjatlarining tarixiy-madaniy qimmatga ta’siri bo‘yicha ekspertizasini amalga oshirish;

b) muzeylar sohasida:

milliy muzey fondining davlat katalogini yuritish, muzey ashyolari va muzey kolleksiyalarini milliy muzey fondi tarkibiga kiritish, undan chiqarish, universal huquqiy vorislik tartibida yoxud boshqa usulda bir shaxsdan ikkinchi shaxsga o‘tkazish hamda sohada davlat nazoratini amalga oshirish;

muzeylar faoliyatini muvofiqlashtirish, rivojlantirish, muzey xodimlarining malakasini oshirish, qayta tayyorlash, attestatsiyadan o‘tkazish, muzeylarning toifalarini belgilash, milliy muzey fondining ochiqligini ta’minlash va muzey ashyolari hamda muzey kolleksiyalarini o‘rganish, ommalashtirish, restavratsiya va asrashga doir ishlarni amalga oshirish;

g) arxeologiya sohasida:

arxeologiya tadqiqotlarini qo‘llab-quvvatlash, muvofiqlashtirish, nazorat qilish, arxeologiya tadqiqoti uchun ruxsatnoma berish, ilmiy hisobotni ekspertizadan o‘tkazish va uning saqlanishini ta’minlash;

Arxeologiya ashyolari davlat katalogini yuritish, arxeologiya ashyolarining davlatga topshirilishini tashkil qilish hamda fan, madaniyat va ta’lim muassasalariga biriktirib qo‘yish va tasarrufdan chiqarish;

arxeologiya merosi obyektlarini muhofaza qilish, halokat yoqasidagi arxeologiya obyektlarida zudlik bilan tadqiqot o‘tkazilishini ta’minlash, arxeologiya obyektlarini konservatsiyalash, muzeylashtirish hamda arxeologiya parklarini yaratish;

d) mamlakatimiz va xorijdagi madaniy boyliklar sohasida:

madaniy boyliklarni muhofaza qilish, shu jumladan ularning O‘zbekiston Respublikasi hududidan olib chiqilishi va uning hududiga olib kirilishi bo‘yicha sertifikat berish va realizatsiya qilishni muvofiqlashtirish, madaniy boyliklarni badiiy ekspertizadan o‘tkazish, ularning toifasini aniqlash, davlat reyestrini yuritish, sohada davlat nazoratini amalga oshirish;

mamlakatimiz tarixi va madaniyatiga oid xorijdagi madaniy boyliklarni aniqlash, ularning to‘liq ma’lumotlar bazasini yaratish, muntazam yangilab borish hamda asl yoki ko‘chirma nusxalari, foto va videotasvirlarini yurtimizga olib kelish;

ilmiy o‘rganish asosida olingan ilmiy ma’lumotlar va ularning tahliliy natijalariga oid bibliografik to‘plamlar, kataloglar,kitob-albomlar, axborot byulletenlari va boshqa matbaa mahsulotlarini turli tillarda nashr etish, ommaviy axborot vositalari va Internet tarmog‘ida keng yoritish, xalqaro va xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlik qilish.

**Agentlik** - moddiy madaniy meros, muzeylar, arxeologiya, madaniy boyliklarning olib chiqilishi va olib kirilishi sohasida maxsus vakolatli davlat boshqaruv organi hisoblanadi;

o‘z vakolatlari doirasida qabul qilgan qarorlari davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, boshqa tashkilotlar va ularning

mansabdor shaxslari, shuningdek, fuqarolar tomonidan bajarilishi majburiy hisoblanadi;

moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk obyektlarida, alohida muhofaza qilinadigan tarixiy-madaniy hududlarda, Umumjahon merosi ro‘yxatiga kiritilgan hududlarda va ularning qo‘riqlanadigan tegralarida obyektlarni qurish, buzish va obodonlashtirish ishlarining loyihalari Agentlik bilan majburiy tartibda kelishiladi. Bunda, Umumjahon merosi ro‘yxatiga kiritilgan hududlar (obyektlar) bo‘yicha loyihalar Agentlik tomonidan YUNESKO ishlari bo‘yicha Milliy komissiya orqali YUNESKOning Umumjahon merosi markazi bilan kelishiladi;

moddiy madaniy meros ko‘chmas mulk obyektlarining davlat reyestri Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlanadi;

moddiy madaniy meros obyektlarini, shu jumladan arxeologiya merosi obyektlari, madaniy boyliklar hamda muzey ashyolari va kolleksiyalarini muhofaza qilish, konservatsiyalash, restavratsiya qilish, tuzatish, ta’mirlash, hozirgi zamonda foydalanishga moslashtirish, shuningdek, ular bilan bog‘liq ilmiy va ilmiy-texnik tadqiqotlar, loyihalash hamda ishlab chiqarish ishlarini amalga oshirish;

moddiy madaniy meros obyektlarining davlat kadastrini, arxeologiya ashyolari, milliy muzey fondining davlat kataloglari va pasportlarini yuritish, muzeylar faoliyati va arxeologiya tadqiqotlarini qo‘llab-quvvatlash, targ‘ibot va ommalashtirish ishlarini tashkil etish;

2021 — 2023-yillarda davlat muzeylaridagi muzey ashyolari va muzey kolleksiyalarini elektron identifikatsiya qilish .

Yangi tartibga muvofiq moddiy madaniy meros obyektlari va muzeylar sohasidagi davlat xizmatlari 2023-yil 1-yanvardan boshlab elektron shaklda ko‘rsatiladi. Bunda, ushbu ro‘yxatga kiritilgan davlat xizmatlarini ko‘rsatishda:

Moddiy madaniy meros obyektlari, muzey, sport majmualari va boshqa namoyish obyektlari ( namoyish obyektlari):

ro‘yxatiga kiritilgan namoyish obyektlariga kirish-chiqish joylarida 2021-yil 1-oktabrga qadar elektron turniketlar yoki tashrif buyuruvchilarni avtomatik hisobga olishga mo‘ljallangan boshqa moslamalar “Raqamlashtirish va avtomatlashtirish

markazi” DUK tomonidan, jumladan, davlat-xususiy sheriklik asosida o‘rnatilishi hamda ular tegishli yagona elektron tizimga integratsiya qilinishi shart.

2022-yil 1-yanvardan boshlab namoyish obyektlari ro‘yxatiga kiritilgan namoyish obyektlarida chiptalar savdosini tegishli yagona elektron tizimga integratsiya qilmagan holda amalga oshirish nazorat-kassa texnikasini va hisob-kitob terminallarini qo‘llash tartibini buzish deb baholanadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot strategiyasi yetti yo‘nalishdan iborat etib belgilanadi:

1. Erkin fuqarolik jamiyatini rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etiladi, inson qadri-qimmati va uning qonuniy manfaatlarini ta’minlashga qaratilgan keng ko‘lamli islohatlar yangi pog‘onaga ko‘tariladi.
2. Adolat va qonun ustuvorligi-xalqchil davlat qurish, inson qadr-qimmatini ta’minlashning eng asosiy va zaruriy sharti bo‘ladi.
3. Milliy iqtisodiyotni uning o‘sish suratlarini zamon talablari darajasida rivojlantirish ustuvor vazifalardan biri bo‘ladi.
4. Adolatli ijtimoiy siyosat yuritiladi, inson kapitalini rivojlantirishning eng muhim omili hisoblangan sifatli ta’lim –tarbiya masalasi bundan buyon ham doimiy e’tibor markazida bo‘ladi.
5. Ma’naviy va ma‘rifiy sohalarda amalga oshirilayotgan islohatlar g‘oyat muhim ahamiyatga ega bo‘ladi.
6. Iqlim o‘zgarishi, ekologik muammolar, radikalizm, ekstremizm va terrorizm, odam savdosi kabi umumbashariy muammolarga yechim topish dolzarb bo‘lib qoladi.
7. Mamlakatda tinchlik va havfsizlikni ta’minlashning ishonchli kafolati bo‘lgan Qurolli Kuchlar qudratini yanada oshirish ustuvor maqsad bo‘lib qoladi.

Ushbu taqaqqiyot strategiyasidagi barcha yo‘nalishlar inson qadri va uning erkin demokratik davlatda yaratilayotgan islohatlardan imkoniyatlardan to‘laqonli foydalanib, mamlakat rivojiga va ma’naviy-ma’rifiy sohalarda amalga oshirilishi lozim bo’lgan bir qator muammolarni odam savdosi terrorizm va ekstremizm kabi

umumbashariy muammolarni bartaraf etish, tichlik va havfsizligimizni ta'minlashda Qurolli Kuchlar tizimini yanada qudratini oshirishga e'tibor qaratish ustuvor vazifa etib belgilandi.

Joriy yilning o'ttizinchi oktabr sanasida Yurtboshimiz tomonida imzolangan **"Turizm, madaniy meros va muzeyshunoslik sohalarida malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"**gi Prezident qarori ham so'zimizning mantiqiy davomi sifatida e'tirof etishimiz mumkin.[64]

Ushbu qarorda O'zbekiston Respublikasida turizm, madaniy meros va muzeyshunoslik sohalarida xalqaro standartlarga mos uzluksiz ta'lim tizimini takomillashtirish, mehnat bozorining zamonaviy talablariga muvofiq yuqori malakali raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash jarayonini yo'lga qo'yish, fan, ta'lim va ishlab chiqarishni ta'minlash maqsadida:

- "Ipak yo'li" turizm xalqaro universitetini "Ipak yo'li " turizm va madaniy meros xalqaro universiteti etib qayta nomlash;
- "Ipak yo'li " turizm va madaniy meros xalqaro universitetini **Shanxay *Xamkorlik Tashkilotiga a'zo davlatlarning turizm, madaniy merosni boshqarish va muzeyshunoslik sohalarida kadrlar tayyorlovchi tayanch oliy ta'lim muassasasi hamda ushbu sohalarni ilmiy va innovatsion tadqiq etish bo 'yicha ilmiy muassasasiga aylantirish;***
- *2022-2023 o'quv yilidan boshlab* ***Shaxrisabz, Marg'ilon va Xiva turizm va madaniy meros texnikumlarini tashkil etish;***
- Ipak yo'li davlatlari tarixi, san'ati va sivilizatsiyalarini tadqiq va namoyish etish uchun Universitet huzurida:

  -"Ipak yo'li " xalqaro tadqiqot instituti;

  -"Ipak yo'li" muzeyi;

  -"Ipak yo'li" art rezidensiyasi;

  -"Ipak yo 'li" san'at gallereyasi;

---

[64] "Turizm, madaniy meros va muzeyshunoslik sohalarida malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Prezident qarori 2021 yil 30 oktabr

Restavratorlarni qayta o ‘qitish va malakasini oshirish markazini tashkil etish to‘g‘risidagi takliflari maqullansin va ushbu tashkilotlarning nizomlarini tasdiqlash, shunigdek, ular boshqaruv xodimlarini cheklangan sonini belgilash.

Turizm, madaniy meros sohasidagi istiqbolli mutahassislar, ayniqsa pedagoglar, ilmiy kadrlar va restavratorlarni tanlash va ularning ta‘lim olishini tashkil etish uchun el-yurt umidi jamg‘armasining 2022-2026 yillarda xorijdagi nufuzli ta‘lim muassasalarida turizm va madaniy meros va muzeyshunoslik yo‘nalishlarida doktorantura va magistraturada o ‘qitish dasturi joriy qilinadi.

Bu qarorni ishlab chiqishdan maqsad madaniyat sohasida yangidan yangi innovatsiyalarni yarata oladigan yetuk va malakali kadrlarni jamiyatga tayyorlash.

Muzey tarixiy va madaniy yodgorliklarni o‘rganish, saqlash va targ‘ib qilish ishlarini amalga oshiruvchi ilmiy-ma’rifiy muassasadir. Muzeylarning asosi ekspozitsiya hisoblanadi. Muzey ekspozitsiyasi kompozitsion tashkillashtirilgan, sharxlar bilan boyitilgan, texnik va badiiy muzey predmetlarini maqsadli va ilmiy asoslangan namoyishi hisoblanadi.

Hozirgi kunda dunyo muzeylarida ekspozitsiya amalyotida informatsion texnologiyalardan keng foydalanilmoqda. Muzeyning ma’daniy-ma’rifiy faoliyatining avvali va yetakchi shakli ekskursiya hisoblanadi. Tashrifchiga to’la ma’lumotni ekskursovod beradi. O‘zbekiston muzeylarida audiogid, videogid, va SMART muzey ilovalarining yaratilishi tashrifchilar uchun ko‘plab qulayliklarni yaratmoqda. Audiogid nima? **“Audiogid”- bu** maxsus moslama bo‘lib, tashrifchi vaqtinchalik foydalanishuchun olib uni ma’lum auditoriyada ma’lumotni ovoz shaklida yetkazishdir. Audiogidni muomalaga kiritishning dastlabki tarafdorlaridan Marshall Maklyuen va Villem Sandbergni aytib o‘tish joizdir. Ular audiogidlarni muzeylarda qo‘llash ahamiyatini yuqori baholaganlar va o‘zlari faoliyat yuritayotgan Stedelijk muzeyida (1952 yilda Amsterdam) dastlabki audioturlarini taqdim qilishgan. Videogid esa belgilangan muzey ekspozitsiyasini QR kod orqali mobil ilova yordamida smartfondan video ko‘rinishda ma’lumot olish imkonini beradi.

2020-yilning ilk kunlarida O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Temuriylar tarixi davlat muzeyida Smart texnologiyalar joriy qilindi. Tashrifchilar va sayyohlar zamonaviy interaktiv vositalar yordamida muzeydagi noyob eksponatlar va muzey haqida tarixiy ma’lumotlarni bayon etishi bilan qiziqarlidir. NazzAR-innovatsion ilovasi yordamida real elementlar bilan boyitildi. Muzeyning 21 ta nuqtasiga o‘rnatilgan eksponat tasviri tushirilgan AR belgili maxsus taxtachalarga yo‘naltirib, eksponat haqidagi ma’lumotlarga o‘zbek, rus, ingliz fransuz tillaridagi audio va videogid yordamida ega bo‘lish mumkin. Shuningdek 3 D dinamikali galogrammalar ham aks etib, u turli effektlar bilan to‘ldirilgan.

Bugun globallashuv asrida muzeylardagi saqlanayotgan eksponatlarning ommaga namoyishi hali-xanuz biroz eskirgan holda saqlanib turibdi. Eksponatlarni saqlaydigan ekspozitsiyadagi vitrinalarni va ularni yoritish tizimlarini yangilash yanada qiziqarli ko’rinishga keltirish lozim. Zamonaviy instalyatsiyalar bilan boyitib yanada tashrifchilar diqqatini jalb qilish lozim. Xaqiqiy eksponatlar bilan ekspozitsiyani boyitish va ular haqidagi ma’lumotlarni 3 tilda berish lozim. Xodimlar malakasini oshirish yangi texnologiyalarni amaliyotga joriy qilishni o‘rgatish lozim. Muzey fondini eksponatlar uchun qulay jihozlar bilan jihozlash va mo‘tadil iqlimni yaratgan holda to‘g‘ri saqlash qoidalariga rioya qilish lozim. Muzeylar orasida ko‘plab tajriba almashish maqsadida muntazam o‘quv seminarlarini tashkil etish. Ekspozitsiyadagi barcha eksponatlarni soz va toza xolda saqlash lozim.

Xulosa va takliflarim esa, dunyo muzeylari tajribalaridan andoza olib, O‘zbekiston muzeylari ham o‘zining boy tarixini  har bir sayyoh va tashrifchiga namoyish etishi uchun zamonaviy texnologiyalarni keng qo‘llashi va uni keng ommaga targ‘ib qilish asosiy maqsad qilib belgilash bilan birga muzeylarni infratuzilmasi uni moddiy texnik bazasini yanada mustahkamlash lozim. Muzeylarda ham yangidan yangi diarammalar va  instalyatsiyalar yaratib yanada tashrifchilarda muzeyga bo‘lgan qiziqishni oshirish lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:**

1. Shavkat Mirziyoyev. Turkiy tilli davlatlar xamkorlik kengashining sakkizinchi sammitidagi so‘zlagan nutqidan 2021- yil noyabr
2. “O‘zbekiston Respublikasi Turizm va Sport Vazirligi huzuridagi madaniy meros agentligi faoliyatini tashkil etish hamda sohani innovatsion rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-5150 sonli qaror 2021-yil 19-iyun
3. “Turizm, madaniy meros va muzeyshunoslik sohalarida malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Prezident qarori 2021 yil 30 oktabr

# MAHALLIY EKOLOGIK MUAMMOLARDAN; TUPROQNING CHO’LLANISHI

**Boboqulova Manzura Ishmuxamadovna**
Termiz Muhandislik-texnologiya instituti 1-bosqich magistri
**Mamaraimova Umida O'ralovna**
Termiz Muhandislik-texnologiya instituti 1-bosqich magistri

**Annotatsiya:** Jamiyat taraqqiyotining barcha bosqichlarida inson tabiatga turlicha ta’sir ko’rsatgan. Atrof muhitga bo’lgan e’tiborsiz oqibatlar natijasida, ekologik muammolar mahalliy mintaqaviylik chegarasidan chiqib umumbashariy ekologik muammolar darajasiga etdi. Shu o’rinda tuproqning unumdorligi keskin pasaygan, tarkibi o’zgarib ekologik muammolar darajasida bormoqda . Tuproqning cho’llanish xodisasi ro’y bermoqda, bunda kurashga qarshi etarlicha ishlar qilinmasligi sababli shamol va suv eroziyasi oqibatida, tuproq unumdorligi keskin kamayib ketishi o’ta achinarli holatdir.

**Kalit so’zlar***:* Tuproq, cho’llar, o’simliklar, shamol, Qum,ekologik vaziyat, iqlim,chang ,tuzlar,Orol, yemirilish.

,, Aholining ekologik madaniyatini yuksaltirish, ekologik ta’lim va tarbiya tizimini rivojlantirish; zamon talabidir.”

Asosiy qism:

Mustaqillik yillarida O’zbekiston Respublikasida ekologik havfsizlikni ta’minlash bo’yicha bir qator chora tadbirlar ishlab chiqildi va amalga oshirildi. XX asr oxirida yerning tabiiy ravishda cho’lga aylanishi yuqori darajada o’sishi hamda insoniyatni munosabati tufayli bu yanada muammmolarni keltirib chiqarishini kuchaytirib bormoqda.

- Cho’l tuproqlarida iqlim o’ta issiq
- yog’ingarchilik kamligi,
- bug’lanish yuqoriligi,

- chirindi kamligi
- efemer va efemeroid o’simliklarning o’ta kamligi bilan cho’l zonasi ajralib turadi.

Qumli cho’llarda tabiiy boyliklardan foydalanish, ishlab chiqarish obe’ktlarini rivojlanishi, chorvachilikning keng miqiyosida o’sib borishi , tabiiy boyliklardan oqilona foydalanmaslik cho’llanish oqibatlarini kuchaytirib bormoqda. Yillar davomida orol fojiasi, uni sathi keskin kamayishi natijasida qurigan yerlarga qumli cho’llar paydo bo’ldi. Tuzlar, chang to’zonlarni uzoq masofagacha tarqalishi mamlakat iqtisodiyotiga katta zarar yetkazish bilan bir qatorda insonlar salomatligiga ham ta’sirini ko’rsatmay qo’ymadi.

O’zbekiston respublikasi prezidenti Sh.Mirziyoyevning Yangi O’zbekistonning 2022-2026 yillarga mo’ljallangan taraqqiyot strategiyasi loyihasining 6 yo’nalishini 75-maqsadida ham Ekologik va atrof muhitni muhofaza qilish Shahar va tumanlarda ekologik ahvolni yaxshilash, “Yashil makon” umummilliy loyihasini amalga oshirish haqida aytib o’tilgan.

Orol dengizining qurib borishi va mintaqaning cho’lga aylanishi faqat shu yerdagi yashovchi mahalliy aholini emas balki barcha xalqlarnig xavotiriga solayotgan, o’ylantirayotgan ekologik fojiadir. Orol bo’yidagi barcha tabiiy cho’llarni saqlab qolish imkoniyatini keng doirada o’rganib, imkoniyatlarni qo’llash lozim.

Cho’llardan to’g’ri foydalanishda chiqib qolgan yaylovlarida qo’y boqilishining chegaralash o’simliklarning ushbu joyda o’suvchi turlarini qayta tiklanishni yaxshilash shu erda o’suvchi cho’l hududiga mos bo’lgan o’simliklarni saqlash va ko’paytirish lozim. Ekologik vaziyat gidro texnik inshoatlarni qurulishi natijasida ham kutilmagan cho’l hududlarini eko tizimini buzulishiga olib keladi. Qumli tuproq qazib olingan joylar shamol ta’sirida har tomonga uchib qumlarning joyidan ko’chishiga ta’sir qiladi. Texnik mashinalar natijasida o’simliklar bosilib, ezilib yo’qolishiga sabab bo’ladi. Demak, ekologik sharoitda buni oldini olib qumni mustahkamlovchi cherkez, qandim o’simliklari ekilishi, ma’lum yerlarga shamolni to’suvchi mexanik to’siqlar o’rnatilishi yangi sharoitni ma’lum bir sharoitda muvozanatga keltiradi.

O’zbekistonning janubiy qismida joylashgan okrukning eng yirik cho’lllari hisoblanmish Katta qum va Kichik qumlari va vohaning janubiy qismini egallaydi.Bu zonalarda mahalliy shamol eroziyasi har bir hududga hos bo’lib hafta yoki 10-15 kunda esib turadi. Masalan “Avg’on shamoli” . Bu zona quruq iqlik bo’lganligi sababli shamolning ta’siri kuchliroq bo’lib turdi. Shamol mahalliy aholiga, atrof muhitga katta zara etkazadi. Shamol eroziyasini oldini olish uchun ma’lum chora tadbirlar qo’llaniladi.

- Shamolning yo’lini to’sish uchun –“Ixotalar” barpo qilish ;
- Tuproqning ustki qatlamini yemirilishining oldini olishda almashlab ekin ekish .
- Cho’l hududlariga mos ekinlarni ko’paytirish
- Qumli tuproqlarda saksavul , jim,yo’llarning atrofiga chi qamishlar yotqizish va choralar ko’rilishi maqsadga mofiqdir.

*Xulosa:*

Shu o’rinda to’g’ri hulosa qilib, har bir inson o’zi yashayotgan zaminining ne’matini ko’z qorachig’idek asrab avaylashi kelajak avlodlar uchun ham, ardoqlab etkazishini o’z oldiga maqsad qilib olsa qadrdon ona zaminimiz zavolga yuz tutmaydi degan bo’lardik. Cho’llardan to’g’ri foydalanishda chiqib qolgan yaylovlarida qo’y boqilishining chegaralash o’simliklarning ushbu joyda o’suvchi turlarini qayta tiklanishni yaxshilash shu yerda o’suvchi cho’l hududiga mos bo’lgan o’simliklarni saqlash va ko’paytirish lozim.

**Foydalangan adabiyotlar:**


1. Murziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mart va oliyjanob halqimiz bilan quramiz. Toshkent, O’zbekiston nashriyoti 2017 yil
2. https://www.strategy.uz. Yangi O’zbekistonning 2022-2026 yillarga mo’ljallangan taraqqiyot strategiyasi.
3. To’xtayev A.S. Ekologiya. “o’qituvchi” nashriyoti 1998 yil
4. X.X.Zokirov. Tabiiy resurislardan oqilona foydalanish.”Surxon-Nashr” nashriyoti 2020 yil

# ERKIN VOHIDOV DRAMATURG VA MIXAIL BULGAKOV IJODIDAGI MAVZULAR O`XSHASHLIGI

(“Ikkinchi tumor” tragikomedya hamda “Ityurak” qissasi asosida)

**Similarities between the themes of the playwrights Erkin Vahidov and Mikhail Bulgakov**

(Based on the tragicomedy "Ikkinchi Tumor" and the story "Ityurak")

**Сходство тем в творчестве  Эркина Вохидова и Михаила Булгакова**

(На примере трагикомедии "Второй талисман" и повести "Собачье сердце")

**Karimova Nilufar**

O’zbekiston san’at va madaniyat instituti  talabasi

**Annotasiya:** Maqolada O`zbekiston xalq shoiri, mutafakkiri, dramaturgi Erkin Vohidovning “Ikkinchi tumor” tragikomedyasi va rus adabiyoti namoyondasi Mixail Bulgakovning “It yurak” qissasidagi mavzular o`xshashligi. “Ikkinchi tumor” tragikomedyadagi ilmning qadri va ilmsizlik fojeasi badiiy,falsafiy ,mafkuraviy jihatlari asoslanadi.

**Kalit so`zlar:**  Shoir, dramaturg, peyesa, badiiylik, falsafa, mafkura, milliylik.

**Annotation:** The article is similarities of  the tragic comedy "Ikkinchi Tumor" by the great poet of Uzbekistan, thinker, playwright Erkin Vahidov and the story "Dog Heart" by Mikhail Bulgakov, a representative of Russian literature. The value of science in the tragicomedy "IkkinchiTumor" and the tragedy of ignorance are based on artistic, philosophical and ideological aspects.

**Аннотация:** В статье рассматривается сходство тем трагикомедии "Второй талисман"  драматурга, мыслителя, народного поэта Узбекистана Эркина Вахидова и повести "Собачье сердце" представителя русской литературы Михаила Булгакова. В статье обосновываются художественнные,

философские, умственные особенности ценности знания и трагичности невежества в трагикомедии "Второй талисман"

Xalqimizning sevimli shoiri, serqirra ijodkori, jamoat arbobi,O`zbekiston xalq shoiri E. Vohidov, nafaqat, shoir balki el suygan dramaturg hamdir. Uning pyesalari butun ijodiyotini qamrab olgan milliylik, falsafiylik, tarixiylik, kulguli ixtezo kabi g’oyalar tamoyili kitobxonni beixtiyor poetik mushohadaga chorlaydi. Hayot haqiqatini murakkabligi va to`lig’icha ziddiyatlari bilan boricha nomoyon etish , murakkab ijtimoiy masalalarni dadil ko`tarib chiqish , ma’naviy va estetik ruh erkinligini badiiy tasvirlash shoir ijodiyotining asosiy xususiyatlaridan biridir. Shuningdek, uning badiiy tarjima, adabiyotshunoslik, tilshunoslik, hajviyot qatorida, dramaturgiya yo`nalishida yozgan asarlari ham tahsinga loyiq. Yillar davomida inson dardini kuylagan, odamlar orasidagi turfa illatlarni, jamiyatning yetarlicha yutuq va kamchiliklarini o`rgangan ijodkor, umumbashariy mavzularnigina qalamga oladi . Shunday mavzulardan biri bu –insonni to`gri tarbiyalash masalasidir.

Dunyodagi eng og’ir va og’riqli vazifalardan biri bo`lgan – inson va uning o`zligini shakllantirish masalasi har doim Erkin Vohidov ijodining bosh mavzusi bo`lgan. Ijodkor nainki, she’rlari balki, oddiy xalq orasiga kirib borishi ancha oson bo`lgan dramalari orqali ham ushbu mavzuga qayta-qayta murojaat qilgan . Xususan, Erkin Vohidov ijodiyoti yorqin nomoyon bo`lgan “Oltin devor” komedyasidan so`ng 1970-yilda yozilgan “Ikkinchi tumor” tragikomedyasir. Muallif “Ikkinchi tumor” asarida asosan ijtimoiy –falsafiy muammolarning, inson va tafakkurning milliy omillarini qay darajada ekanligini ko`tarib chiqadi.

Erkin Vohidov ijodida shaxs va jamiyat psixologiyasini yaqqol aks ettirish yetakchilik qiladi. Xususan, inson umrining qadr-qiymati , falsafasi bilan bog’liq badiiy fikr evolutsiyasini –“Ikkinchi tumor” pyesasi misolida ko`rishimiz mumkin.

Bu asarda yozuvchi ijtimoiy hayot fojeasini hajviy usulda tasvirlab beradi. Masalan, psixolog Mahmudiy jahonshumul ilmiy tadqiqot qilish maqsadida tanlagan mavzunisini amaliyotda sinovdan o`tkazmoqni reja qiladi va uning hayotini o`zgartirishni tanlaydi. Xuddi shunday ijtimoiy holat Mixayil Bulgakovning ham “It yurak” qissasida qalamga olingan. Ushbu qissada ham ilmiy mashhurlikka erishishni

istagan professor Flip Flipovich it va inson azolarini almashtirish orqali meditsina tarixidagi qaltis tajribalardan biriga qo`l uradi. Mahmudiy esa 22 yoshli o`qishni ,yozishni bilmaydigan , ilm tafakkurdan xabari yo`q ,sodda, savodsiz Matmusani bir yil davomida o`qitib, kombinat direktori darajasiga ko`tarmoqchi bo`ladi. Vaholanki, ilmni misqollab , yillar davomida mashaqqat chekib olgandagina u o`zining haqiqiy samarasini beradi.

Matmusa qisqa fursatda erishgan mansab soxta va yuzaki ko`rinish edi. Mahmudiy o`z xatosini, ya’ni insonga tafakkur qilish ne’mati faqat Alloh tomonidan berilishini, harqanday yutuq,mavaffaqiyat ilm va mehnat evazigaligini o`z natijasini, hamda samarasini berishini Matmusa timsolida ko`radi. Shuningdek, yozuvchi asarda olimnining ikkinchi xatosi 18 yoshli singlisining zavol taqdiri ostida o`zbek milliy qadriyatlari hayotimizga qanchalik kerakligini yoritib beradi. Muallif Mahmudiyning ilmga berilib , yevropalashib ketgan hayoti misolida beradi. Pyesada yozuvchining bosh maqsadi personajlar o`rtasidagi bahslarda ochib boriladi. Xususan, bir o`rinda Matmusa: “Siz dahriysiz-ku, meni ham o`zingizdek dahriy qildingiz. Avvallari Xudodan qo`rqar edim, endi hech narsadan qo`rqmayman”,[1.] Degan daxshatli fikrlarni aytadi. Bu fikr orqali Mahmudiyning o`zbek bo`lsa-da ateistik tarzda fikrlashi oydinlashadi. Matmusaning fikirlari Mahmudiyga yashash tarzi xato ekanligini anglashga yordam beradi.Yana bir o`rinda, Matmusa o`zining akademik Pavlov tajriba uchun tanlagan it emasligini va inson ekanligini ham ta’kidlaydi. Mixayil Bulgakovning asarida esa, nainki inson, balki it ustida tajriba o`tkazish ham ilohiy qonuniyatlarga zidligini yana bir karra isbotlaydi. Bulgakovning “It yurak” qissasida shunday parcha keltiriladi : “Insonga va hayvonga ishontirish yo`li bilan ta’sir o`tkazish mumkin”.[2.] Bu fikrning amaliy ifodasini E Vohidovning “Ikkinchi tumor” tragikomedyasida ham ko`rishimiz mumkin. Pyesada Matmusa o`zini kombinat direktori bo`lishiga shunchalik ishonar ediki, vaqt o`tib, o`zining darajasini unitib,asta-sekin o`zini kombinat direktori rahbaridek tuta boshladi va xohish–istaklari yanada kattalashdi. “It yurak” qissasidagi itdan insonga aylangan Sharikov ham o`tmish hayotini butunlay unutib, o`zini zamonaviy chin insonday tutib,haq-huquqini talab qila boshlaydi. Masalan, uni yaratgan professor Flip Flipovichdan

o`ziga nisbatan hurmat, e’tibor, fuqorolik hujjati va uy joyga egaligi haqidagi asoslovchi dalil huquqini ham talab qiladi. Aynan “Ikkinchi tumor” pyesasida ham Matmusaning o`zini tajribaga topshirishdan avval, Mahmudiydan hujjat sifatida tilxat yozib berishini talab qiladi. Ikkala asar qahramoni ham qandaydir hujjatga ega bo`lsam, insoniylik qadr-qiymatim osha boradi degan fikrda edi. Xususan “It yurak” asaridagi Sharikov “Hujjat –bu dunyodagi eng muhim narsa” [3.]deb hisoblagan. Vaholanki, ikki qahramon ham o`z o`tmishida o`z-o`zligiga ega edi. Ular tajriba asosida o`zgartirilganiga qaramay hayotida haqiqiy, baxtga erisha olmadilar. Buni “Ikkinchi tumor” pyesasi qahramoni Matmusaning quyidagi fikrlari ham tasdiqlaydi “Men go`l, savodsiz bo`lsam ham odam edim . O`z ungan joyim, o`z hayotim, o`z maqsadim bor edi.” [4.] Ha darhaqiqat, xulosa o`rnida shuni aytish joizki, psixolog Mahmudiyning do`sti ham “Inson miyasining xaritasini tuzish mumkindir-u, ammo yurakning xaritasini chizib bo`lmas” ,[5.] deb ta’kidlaydi. Shunda o`zining xatoliklarini tan olgan Mahmudiy “O`z yuragiga quloq solgan odamgina, boshqalarnig yuragini eshitish mumkin. Men ko`kragimda nima borligini esdan chiqarib qo`yibman”,[6.] deya hammadan o`z uzrini so`raydi. Asarda esa tajribaning inqirozi,olimning tavba-tazarrusi o`sha vaqt dardi, muammosi inson umrining mohiyatini anglash bilan yakun topadi.

Erkin Vohidov qalamiga mansub “Ikkinchi tumor” tragikomedyasi 1995-yili Xorazm viloyat musiqali drama teatrida sahna yuzini ko`rdi. Asarni, O`zbekistonda xizmat ko`rsatgan san’at arbobi, rejissyor Mahkam Muhamedov sahnalashtirdi. Ushbu spektaklda na hayotiy, na rahbarlik tajribasiga ega bo`lmagan sohadan mutlaqo yiroq va bexabar kimsani boshliq qilib qo`yish orqali sinov va tajribalar o`tkazish naqadar beo`xshov, taragik fojealar oqibatlarga olib kelish haqida hikoya qilinadi. Rejissyor rassom, O`zbekistonda xizmat ko`rsatgan san’at arbobi O.Olaberganov bilan birgalikda yangi badiiy-sahnaviy ifoda vositalarini izlab topishga intildi. Bu holat ba’zi o`rinlarda voqealar shartli, xayoliy va ramziy ishoralar orqali talqin qilinishida nomoyon bo`ladi. Shuningdek, o`rni bilan Erkin Vohidov she’rlaridan namunalar kiritilgani, yengil hazil, yumor va ba’zan satirik lavhalarning “sachrab” turishi spektaklning emotsional-estetik ta’sirchanligini oshirgan. [7.]

Xulosa qilib aytganda, ushbu tarixiy-adabiy hodisa yuz berganligiga ellik yildan oshsa ham o‘tgan davr davomida insoniyat zamon va taraqqiyot pillapoyalaridan ilgarilashda jadal rivojlanayotgan bo‘lsa-da, adib qalamiga mansub tragikomediya o‘zining badiiy,tarbiyaviy, estetik ahamiyatini yo`qotmagan. Shunday ekan, ushbu pyesaning ilmiy tahlilini keng jamoatchilik orasida yoyilishi adabiyotshunoslar, drammaturglar,rejissiyorlar hamda ushbu soha safidagi barcha insonlar oldida turgan vazifalardan biri hisoblanadi.

Tahlilchi sifatida “Ikkinchi tumor” tragikomediyasi yana boshqa musiqali drama teatrlarda ham sahnalashtirilsa, xalqqa, ayniqsa, yoshlarga bir ibrat namunasi bo`lishiga ishonaman. Sababi,bugungi o‘sib kelayotgan yoshlarning barchasi o‘z kelajagining porloq bo‘lishini, rahbarlik lavozimlarida ishlashni istaydi. Ular pyesada ilgari surilgan g’oyani, insonning ilmsizligini hech qanday sabab bilan xaspo‘shlab bo‘lmasligini, martaba va rahbarlikning katta ma’suliyati borligini, anglab yetsa, tanlagan sohasi talablarini ihlos bilan o`rgana boshlardi, deb umid qilamiz. Bu esa inson va uning hayotida ilmning o‘rni qanchalik muhimligi abadiy, o‘zgarmas mavzu ekanligini bildiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Vohidov.E She’r dunyosi Toshkent “Sharq” nashriyot matbaa 2001

2.Bulgakov .M. It yurak Toshkent Yangi asr avlodi 2020

3. Bulgakov .M. It yurak Toshkent Yangi asr avlodi 2020

4. Vohidov.E. She’r dunyosi Toshkent “Sharq” nashriyot matbaa 2001

5. Vohidov.E. She’r dunyosi Toshkent “Sharq” nashriyot matbaa 2001

6. Vohidov.E. She’r dunyosi Toshkent “Sharq” nashriyot matbaa 2001

7. https://saviya.uz.>adabiyotshunoslik.Omonilla Rizayev san’atshunoslik fanlar nomzodi.

# SPORTCHILARDA HISSIY-IRODAVIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH

**Yo’ldoshboy Masharipov**

Ilmiy rahbar dotsent, Sh.Rashidov nomli SamDUning O’zbekiston-Finlandiya Pedagogika Instituti

**Haydarova Nazokat Rustam qizi**

Magistrant, Sh.Rashidov nomli SamDUning O’zbekiston-Finlandiya Pedagogika Instituti

**Annotatsiya:** Sportchilar hayoti va sport mashg‘uloti va musobaqalari jarayonida irodaviy sifatlarni rivojlantirish asosida o’zini-o’zi boshqarish, takomillashtirish imkoniyatlarini kengaytirish mumkin.

**Kalit so’zlar:** Mehnatsevarlik, o’z-o’zini tarbiyalash, mustaqillik, qat’yatlilik, jasurlik, maqsadga intiluvchanlik, irodaviy sifatlar, chidamlilikni o’stirish, jamoatchilik.

Sport jamoalari (sport guruhlari va sport jamoalari)da sportchilarda hissiy-irodaviy sifatlarni rivojlantirishda irodani shakllantirishning ahamiyati juda kattadir. Bu masalani kuchli taassurot qoldirarli darajada hal etish uchun irodaviy psixologik qonuniyatlarning rivojlanish jihatlarini hisobga olish zarur. Iroda sportchilaming qiyinchiliklarni yengish jarayonida shakllanib boradi. Bu irodaviy sifatlar sportchilarning quyidagi faoliyat turlarida: sport mashg'ulotlari rejasi mazmunini o'zlashtirishlarida, turli xil jismoniy mashqlarni bajarishlarida, tashqi va ichki qiyinchiliklarni yengishlarida hamda ushbu jarayonda namoyon bo'ladigan turli subyektiv munosabatlarda vujudga keladi:

1. Sport mashg'ulotlari rejasi bilan bog'liq bo'lgan qiyinchilik (gimnastika, yengil atletika, basketbol, suzish va h.k.)lar.
2. Mashg’ulotlarni tashkil qilishda sport zali va maydonchalarining yetishmasligi bilan bog'liq bo'lgan qiyinchiliklar.

3. Mashg'ulotlar o'tkazishda sport anjomlarining yetishmasligi bilan bog'liq bo'lgan qiyinchiliklar.

4. Yosh va individual xususiyatlarga bog'liqligi hamda sportchilarning mashg'ulotlarii tashkil qilishda umumiy sharoitlarga subyektiv munosabati.

5. Sportchilaming gimnastika, yengil atletika va harakatli o'yin mashqlarini bajarishda individual va yosh xususiyatlari bilan bog'liq subyektiv munosabatlar.

6. Sportchilarda aniq harakatlarni bajarishda irodaviy sifatlarni vujudga keltirish va yo 'naltirishda individual va yosh xususiyatlari bilan bog'liq bo'lgan subyektiv munosabatlar.

Aralash uslublardan foydalanib, irodaviy sifatlarni tarbiyalashda ichki qiyinchiliklarni yengib o'tishni hisobga olish lozim. Sport mashg'ulotlari va mashqlar jarayonida tashqi va ichki ruhiy qiyinchiliklarni bartaraf etish o'quv materiallari xarakteriga, rejadagi me‟yor talablariga hamda sportchilaming individual xususiyatlariga qarab belgilanadi.Qiziqarli tashkil etilgan mashg'ulot va mashqlar sportchilarda ijobiy irodaviy sifatlarni shakllantiradi. Shuningdek, har bir mashg'ulotda bajariladigan maxsus jismoniy mashqlar sportchilaming irodaviy faolliklarini o'stirishga kuchli ta‟sir etadi.

Shuningdek, sportchilarda irodaviy sifatlarni vujudga keltirish maqsadida maxsus mashqlarni bor kuchini sarf qilish asosida o'z-o'zini irodaviy majburlashga o'rgatish ham juda muhimdir.

Irodaviy kuch uslubini tashqi va ichki turlarga ajratish mumkin:

1) tashqi irodaviy kuch sportchining sezgi organlariga ta‟sir etib turgan tashqi hodisaga va qo„zg„ovchilarga bogliq bo'ladi;

2) ichki irodaviy kuch mashg'ulotlar jarayonida va musobaqalarda sportchining o'zida mavjud bo'lgan yo'nalishlar asosida paydo bo'ladi.

Mashg'ulotlar jarayonida va musobaqalarda sportchilarda irodaviy chidamlilikni tarbiyalashda murabbiyga quyidagi usullardan foydalanishni tavsiya qilamiz:

a) uyga berilgan mashqlarni to'g'ri bajarishni talab qitish;

b) sportchilarni o'z kuchiga ishonch ruhida tarbiyalash;

d) to'g'ri bajarilgan mashqlarni baholash;

e) majburlash, musobaqalashish, maqtash;

d) sportchilarda o'z-o'zini rag'batlantirish malakalarini hosil qilish;

e) qiyin mashqlarni mustaqil bajarishga o 'rgatish;

f) o'ziga-o'zi ta‟sir etish, o'zini-o'zi xursand qilish, o'ziga-o'zi buyruq berish v.b.

Sport mashg’ulotlarining asosiy maqsadi yuqori malakali sportchilar, sport mutaxassislari, chempionlar tayyorlash asosida yosh avlodni sog’lom o'sishiga ko'maklashish yoki sog'lomlashtirishdir. Jismoniy madaniyat va sport har bir sportchining shaxsiy ishi bo'lmasdan, balki jamiyat talabi ekanligini murabbiylar ongli ravishda his etmog’i zarur.

O'zini-o'zi tarbiyalash quyidagi bosqichlar to'g'ri tashkil etilgan taqdirdagina ijobiy natijalar beradi:

**I bosqichda** sportchilarda axloqiy, irodaviy va jismoniy sifatlarning uyg'un rivojlanmaganligini, jismoniy mashqlar bilan doimo shug'ullanish uchun ularga nimalar xalaqit berayotganligini aniq hisobga olib, sportchilarni bu kamchiliklarni bartaraf qilishga o'rgatish; ularda o'zini- o'zi tarbiyalashning g'oyaviy tomonlarini o'stirish, o'zini-o'zi himoya qilish xususiyatlarini shakllantirish, o'zining jismoniy kuchlilik sifatlarini yanada kamol toptirish uchun mustaqil ishlashga odatlantirish, sport musobaqalarida faol ishtirok etish ehtiyojlarini shakllantirish talab qilinadi.

**II bosqichda** sportchilarning o'zini-o'zi tarbiyalash faoliyatining amaliy tomonlarini tashkil etishda quyidagi uslublardan foydalanish mumkin:

a) sportchi o'zining xohishi bilan yozma majburiyat-vazifalarni qabul qilish;

b) ma ‟lum bir vaqt davomida, o „zining xulq-atvorini baholash, o „zi qabul qilgan vazifalarni o„z vaqtida bajarish hamda o „zidagi axloqiy, irodaviy va jismoniy sifatlar to'g'risida hisobot berish;

d) sportchining o'zi olgan majburiyatlarini yozma tahlil qilish: musobaqalarda erishgan muvaffaqiyatlari va mag'lubiyatlarining sabablarini anglash malakalarini shakllantirish;

e) sportchi o'zini-o'zi baholashda o'zida yetishmaydigan xususiyatlarni to'g'ri his etish yordamida xulosa chiqarishga o'rganish.

**III bosqichda** sportchini o'zini-o'zi har tomonlama mustaqil ravishda kamol toptirish ehtiyoji bilan yashashga odatlantirish lozim.

Tajribali murabbiylar sport mashg'ulotlari jarayonini juda yaxshi idrok qilishi va shogirdlaridagi mavjud kamchiliklarni o'z vaqtida his qilishi va uni o'z vaqtida bartaraf etib borishi lozim. Bulardan tashqari, murabbiyning harakat xotirasi keng hajmda qabul qilish imkoniyatiga ham ega bo'lishi, bajariladigan har xil harakatlaming obrazlarini xotirasida saqlay bilishi, mashg'ulotlar davomida sportchilaming nima bilan mashg'ulligini kuzatib turib, ularni tez, qisqa vaqt davomida to'g'ri yo'lga solishi hamda aniq bir qarorga kelishi talab etiladi.

**Xulosa.**

Sport mashg'ulotlari va rivojlantiruvchi mashqlarni talab darajasida aniq rejalashtirib olgan murabbiy sportchilar jamoasi bilan to'g'ri muloqot olib boradi, mashg'ulotlarni oqilona tashkil etadi, ularni har tomonlama jismoniy va ruhiy rivojlantira oladi, sportchilaming axloqiy va irodaviy sifatlarini shakllantirishda muvaffaqiyatlarga erishadi. Yuqorida ta‘‛kidlangan ishlarning to'g'ri bajarilmasligi sport mashg'ulotlarining sifatsiz o'tilishiga sabab bo'ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Masharipov Y. Sport psixalogiyasi. O'quv qo'llanma. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent-2010 yil. 54-59 betlar.
2. Masharipov Y. Psixalogiya va sport psixalogiyasi. O'quv qo'llanma. Toshkent "Ilm ziyo"-2017 yil 207-210 betlar.
3. Masharipov Y. Umumiy va sport psixalogiyasi. Darslik Samarqand-2020 yil 120-123 betlar

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ЙЎҚОТИШНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ УЧУН ТРАНСФОРМАТОРЛАРНИНГ ИШ РЕЖИМЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

# ОПТИМИЗАЦИЯ РЕЖИМОВ РАБОТЫ ТРАНСФОРМАТОРА ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ МИНИМАЛЬНЫХ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ ПОТЕРЬ

# OPTIMIZATION OF TRANSFORMER OPERATION MODES FOR ACHIEVING MINIMAL ELECTRICAL LOSSES

**Абдуғани Джумабекович Рахматов,** доцент

**Менгноров Шохруҳ Алибой ўғли,** магистр

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” Миллий тадқиқот университети

**Аннотация**

Електр енергиясини йўқотишни камайтириш учун қувват трансформаторларининг иш режимларини оптималлаштириш чоралари таклиф етилади. Қувват трансформаторларининг ҳақиқий кучланиш қийматининг уларнинг ишлаш муддатига таъсири аниқланади. Ушбу омиллар ва ишларнинг давомийлиги ва юкламалар жадвали шаклини ҳисобга олган ҳолда, Сурхондарё вилояти електр тармоқлари ҳудудий корхонаси шароитлари учун қувват трансформаторларининг иқтисодий қувватини аниқлаш усули таклиф етилади.

**Калит иборалар**: электр тармоқлари, электр тармоқлар режимларини оптималлаштириш, Трансформаторларнинг иш режимларини оптималлаштириш, Онлайн электрик.

**Аннотация**

Для снижения потерь электрической энергии предложены меры по оптимизации рабочих режимов силовых трансформаторов. Пределены влияние действительного значения капряжения  силовых трансформаторов на их срок

службы. Учитывая этих факторов и продолжительность работы и формы графика нагрузки предложена методика определения экономической мощности силовых трансформаторов для условий территориального предприятия электрических сетей Сурхандарьинской области.

**Ключевые слова**: электрические сети, оптимизация режимов электрических сетей, оптимизация режимов работы трансформаторов, электроэнергия в сети.

**Abstract**

Measures to optimize the operating modes of power transformers have been proposed to reduce power losses. The effect of the actual voltage value of power transformers on their service life was determined. Taking into account these factors and the duration of the work and the form of the load schedule, a method for determining the economic capacity of power transformers for the conditions of the regional enterprise of electricity networks of Surkhandarya region was proposed.

**Keywords:** Power grid, Grid modes optimization, Optimization of the transformer operating modes, Online elektrik software.

**Кириш.** Электр таъминоти тизимларини бошқаришни оптималлаштириш муаммоларига биринчи автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари ва компютерга асосланган автоматлаштирилган бошқарув тизимлари пайдо бўлгандан бери катта эътибор берилди. Операцион дастурий таъминот тизимлари аниқ технологик муаммоларни ҳал қилиш орқали алоҳида энергетика объектлари учун дизайн ечимларининг ҳақиқати ва оптималлигини, шунингдек, бутун операцион энергия тизимининг ишлашининг ишончлилигини текшириш имконини беради. Дастурий таъминот, шунингдек, электр тармоғининг ҳолати ва режим параметрлари асосида қарор қабул қилишда

турли хил дизайн, ўрнатиш, оптималлаштириш ва ишлаш стратегияларини қиёсий таҳлил қилиш учун ишлатилади.

**Изланишлар методикаси.** Электр тармоғининг асосий элементлари подстансиялар ва электр узатиш линияларининг қувват трансформаторлари ҳисобланади. Ҳар қандай аналитик ёки синтетик дастурий маҳсулотдаги бу элементлар уларнинг математик моделлари билан ифодаланади. Умумий ҳолда, барча моделлар тўпламидан вазифаларни ҳал қилишда ишлатиладиган иккита асосий турни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Энергия тизимининг электр даврининг умумий қабул қилинган график модели (шу жумладан қувват трансформаторлари ва електр узатиш линиялари);

2) Энергетика тизимининг электр тармоғи схемасини қўлланиладиган математик усуллар ва аниқ технологик вазифалар талаблари даражасида тавсифловчи лойиҳа схемаларининг ихтисослаштирилган моделлари.

Турли объектларнинг электр таъминоти тизимларининг энергия самарадорлигини ошириш вазифалари кўпинча муҳандислик ҳисоб-китоблари билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Энергияни тежаш соҳасидаги муҳандислик ҳисоб-китоблари машаққатли жараёндир. Бундай ишларнинг мураккаблиги ва юқори нархини ҳисобга олган ҳолда, энергия тежаш чора-тадбирларининг зарурлиги ва фойдалилиги ҳар доим ҳам корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбариятига аён бўлавермайди.

Қабул қилинган қарорларнинг аксарияти қонунлар, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан қатъий тартибга солинади. Бу кўплаб хусусий ва мураккаб вазифаларни, жумладан, ишлайдиган қувват трансформаторларининг энергия самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал қилишни автоматлаштириш имконини беради.

Трансформатор подстансияларида, қоида тариқасида, иккита қувват трансформатори ўрнатилади. подстансиянинг умумий қувватига қараб, истеъмол қуввати кам вақтларда битта трансформаторни ўчириш фойдалидир. Бундай иш режими энергия тежаш чораси сифатида кўриб чиқилиши керак,

чунки ишлаётган трансформаторнинг самарадорлиги унинг максимал қийматига яқинлашади.

**Изланишлар натижалари.** Максимал мумкин бўлган самарадорликка мос келадиган $S_{ном}$ трансформаторининг оптимал қувватини формула (1) бўйича топиш мумкин:

$$S_{ном} = S_{ном}\sqrt{\frac{\Delta P_{xx}}{\Delta P_{кз}}} \qquad (1)$$

$S_{ном}$- трансформаторнинг номинал қуввати кВА;

$\Delta P_{xx}$- ҳалостой ишлагандаги исроф кВт;

$\Delta P_{кз}$- қисқа туташувдаги исроф кВт;

Трансформаторнинг оптимал қуввати ва унинг номинал қуввати нисбати трансформаторнинг оптимал қувват коеффициенти; $к_з$.

$$к_з = \frac{S_{опт}}{S_{ном}} \qquad (2)$$

(1) ва (2) формулалардан фойдаланганда трансформаторларнинг қувват коеффициенти жуда паст (0,45 ÷ 0,55 ичида) бўлиб чиқади, чунки трансформаторлар истеъмол йўқ ва қисқа туташув йўқотишлари нисбати 3,3 ÷5.0 оралиғида ишлаб чиқарилади. Одатда, лойиҳада улар максимал қуввати қийматларидан фойдаланадилар, унга кўра трансформаторларнинг қуввати ҳам аниқланади. Қувват коеффициенти оптимал қийматдан анча паст, шунинг учун ҳозирда ишлайдиган қувват трансформаторлари кам юкланган ва уларнинг кўпчилиги суб-оптимал режимда ишлайди.

Қувват трансформаторидаги қувват йўқотишлари формула (3) бўйича аниқланади:

$$\Delta P = \Delta P_{xx}\left[\frac{U}{U_{ном}}\right]^2 + \Delta P_{кз}k_з^2 \qquad (3)$$

Қувват трансформаторидаги электр йўқотишлари трансформатор ёқилган пайтдан бошлаб қайд этилади, электр қувватларининг графиги шакли ва формула (4) билан аниқланади:

$$\Delta W = \Delta P_{xx}\left[\frac{U}{U_{\text{ном}}}\right]^2 T_{\text{йил}} + \Delta P_{\text{кз}} k_{\text{з}}^2 \tau \qquad (4)$$

$T_{\text{йил}}$- Трансформаторнинг бир йилда ишлаш соатлари сони;

$\tau$- энг катта йўқотиш вақти, ҳақиқий истеъмол эгри чизиғига кўра ёки максимал қувват фойдаланиш соатлари сонининг мос қиймати орқали аниқланади.

Йил давомида трансформаторда минимал энергия йўқотилиши истеъмолсиз энергия ва қисқа туташув энергиясининг йўқотишлари тенг бўлганда бўлади. Трансформатор қувватини, $T_{\text{йил}}$ электр қувват графигининг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, т ва минимал қувват йўқотишига мос келадиган, $U_{\text{ном}}$ да (4) ни ҳисобга олган ҳолда топиш мумкин:

$$S_{\text{опт}} = S_{\text{ном}}\sqrt{\frac{\Delta P_{xx} T_{\text{йил}}}{\Delta P_{\text{кз}} \tau}} \qquad (5)$$

Қиёсий ҳисоб-китоблар (1) ва (5) формулалар ёрдамида саноатда максимал юкдан фойдаланиш давомийлигининг ўртача қийматларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, пастга тушадиган трансформаторлар амалда бўлганидан кўра кўпроқ қувватни талаб қилади.

Баъзи ҳолларда, умумий қувват $S_{\text{н}}$ да ишлайдиган трансформаторларнинг бир қисмини ўчириш ўринли бўлиши мумкин. Трансформаторларнинг энг фойдали юкланишига эришиладиган иш пайтида $S_{\text{эк},\Delta P}$ нинг иқтисодий фойдали қувватини аниқлаймиз. қувват нолдан $S_{\text{эк},\Delta P}$ га ўзгарганда битта трансформаторнинг ишлаши мақсадга мувофиқ, қувват $S_{ek,\Delta P}$ га ўзгарганда битта трансформаторнинг ишлаши мақсадга мувофиқ, дан ошганда иккита трансформаторнинг ишлаши иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлади. Трансформаторлардан бирини ўчириш мақсадга мувофиқ ва битта ва иккита трансформаторнинг ишлаши пайтида қувват йўқотишларининг тенглиги сабабли $S_{\text{эк},\Delta P}$ қувват қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S_{\text{эк},\Delta P} = S_{\text{ном}}\sqrt{\frac{2\Delta P_{xx}}{\Delta P_{\text{кз}}}} \qquad (6)$$

$S_{\text{эк},\Delta P}$ қувват, битта ва иккита трансформаторнинг ишлаши пайтида қувват йўқотишларининг тенглиги сабабли, (6) га ўхшаш тарзда трансформаторни

ёқиш вақтини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш ва электр энергияларининг графигини шакллантириш таклиф етилади. формула бўйича

$$S_{\text{эк},\Delta W} = S_{\text{ном}}\sqrt{\frac{2\Delta P_{xx}T_{\text{йил}}}{\Delta P_{\text{кз}}\tau}} \qquad (7)$$

Расмда (3) ва (4) тенгламаларга кўра, иккита трансформаторли подстансиянинг қувват трансформаторларидаги қувват йўқотишлари ва электр энергиясининг $S_{\text{н}}$ паст кучланишли чўлғамидаги истеъмолидагига боғлиқлиги кўрсатилган.

**Чизма:** электр энергиясининг энергия йўқотишларини минималлаштириш мезонлари бўйича трансформаторларнинг иқтисодий қувватини аниқлаш




$\Delta P_1, \Delta W_1 -$ битта трансформаторнинг ишлаши пайтида қувват ва энергия йўқотишлари;

$\Delta P_2, \Delta W_2 -$ иккита трансформаторнинг ишлаши пайтида қувват ва энергия йўқотишлари;

$\Delta P$ $(S_N)$ ва $\Delta W$ $(S_N)$ боғлиқликларининг таҳлили трансформаторни ёқиш вақтини ва электр қувватларининг ҳақиқий жадвалини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий қувватнинг унинг ўсишига қараб силжишини кўрсатади. (7) га биноан $S_{\text{эк},\Delta W}$ ни ҳисоблашда иқтисодий қувват оралиғи ортади. Бундай ҳолда, битта трансформаторли подстансиянинг ишлаш муддати нотекис қувват жадвали билан ортади. Ўчирилган трансформаторнинг ишсиз йўқотишлари йўқлиги туфайли тежашга эришилади.

Трансформатор терминалларидаги ҳақиқий кучланиш U нинг қувват ва энергия йўқотишларига таъсири (3) ва (4) формулалар билан акс эттирилган. Йўқотишларни камайтириш учун юқори кучланишли ўрамларда кучланиш

номинал қийматдан ошмайдиган трансформатор режимини ўрнатиш тавсия этилади. Кучланишнинг сезиларли даражада пасайиши ҳам қабул қилиниши мумкин эмас, чунки у истеъмолчида кучланишнинг оғиши учун ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги мумкин. подстансияларда кучланишнинг пасайиши электр узатиш линияларида ҳам электр йўқотишларининг ошишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш керакки, қувват трансформаторининг ишлаш даврида электр пўлатнинг магнит хусусиятларининг ўзгариши ва $\Delta P_{xx}$ истеъмолсиз йўқотишларнинг кўпайиши кузатилади. Қувват трансформаторларида қувват йўқотишларини ҳисоблашда иш шароитида ўлчовлар натижасида олинган ҳақиқий истеъмолсиз йўқотишлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу, биринчи навбатда, узоқ муддатли ишлайдиган қувват трансформаторлари гуруҳларига тегишли. Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хизмат муддати йигирма йилдан ортиқ бўлган қувват трансформаторлари учун $\Delta P_{xx,\text{пасп}}$ истеъмолсиз паспорт йўқотишлари ҳисоб-китобларда 20 йилдан ортиқ ишлаган ҳар бир йил учун 1,75% га оширилиши керак.

$$\Delta P_{xx,\text{расч}} = \Delta P_{xx\ \text{пасп}}(1 + 0.0175(T_{\text{сл}} - 20))\left[\frac{U}{U_{\text{ном}}}\right]^2 \quad (8)$$

$T_{\text{сл}}$- трансформаторнинг экспулатация йили;

(2), (4), (5) ва (8) ни ҳисобга олган ҳолда, 20 йилдан ортиқ ишлаган қувват трансформаторининг узоқ муддатли қуватининг оптимал коеффициентини (9) формула билан аниқланиши керак.

$$k_{z\ opt} = \sqrt{\frac{\Delta P_{xxPASP} T_{yil}(1+0.0175(T_{sl}-20))\left[\frac{U}{U_{nom}}\right]^2}{\Delta P_k \tau}} \quad (9)$$

Трансформаторларнинг бир қисмини иқтисодий сабабларга кўра узиб қўйиш истеъмолчиларнинг электр таъминоти ишончлилигига таъсир қилмаслиги аниқ. Шу мақсадда ишдан чиқарилган трансформаторлар автоматик узатиш мосламалари билан бирга бўлиши керак. Трансформаторларни ўчириш ва ёқиш операцияларини автоматлаштириш мақсадга мувофиқдир. Операцион коммутация сонини камайтириш учун трансформаторларни заҳирага қўйиш

частотаси кунига 2-3 мартадан ошмаслиги керак. Бундан ташқари, (7) ва (9) формулалар билан белгиланган трансформаторларнинг юкланиши рухсат этилган қийматлардан ошмаслиги керак. Самарадорлик ва ишончлилик кўрсаткичлари нисбатига асосланиб, ушбу мақолада кўриб чиқилган ёндашувлар мавсумий қувват тебранишлари бўлган подстансиялар учун жуда долзарбдир.

**Хулоса.**

Трансформаторларнинг иш режимларини оптималлаштириш учун ушбу мақолада келтирилган қоидалар дастурий таъминот шаклида амалга оширилади. Онлайн электрик веб-хизмати корхона ва муассасалар раҳбарларига трансформатор ускуналарининг енергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини тезкор баҳолаш ва уларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш имконини беради, энергетика аудиторларига эса бинолар ва Онлайн электрик иншоотларнинг энергия паспортларини сифат жиҳатидан тўлдириш ва асослаш имконини беради.

муаммоларни "қўлда" ёки шахсий компютерларда ўрнатилган дастурий таъминотда классик ҳал қилиш билан солиштирганда бир қатор афзалликларга эга, хусусан:

1) копютерда амалий дастурларни сотиб олиш ва ўрнатишнинг ҳожати йўқ;

2) дунёнинг исталган нуқтасидан тизимга уланиш мумкин;

3) фойдаланувчи дастурий таъминот версияларини кузатиш ва доимий равишда янгилаб туриши шарт эмас;

4) фойдаланилган формулалар кўрсатилган ҳисоботлар ҳисоб-китобларнинг ишончлилигини текшириш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Раҳматов А.Д. “Электр ускуналарнинг техник холатини масофадан назорат қилиш” Талабалар ва магистрлар анжумани. Т:.ТИҚХММИ, 2018. Май (тезисиларда ) 112-115 б.г.) 2-Часть. С. 218-223.
2. Бохмат И.С., Воротницкий В.Э., Татаринов Е.П. Снижение коммерческих потерь в электроэнергетических системах // Электрические станции.– 1998.– № 9.
3. Шайхутдинов Р.Р., Грачёва Е.И. СНИЖЕНИЕ ПОТЕРЬ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ ЭНЕРГИИ В РАСПРЕДЕЛИТЕЛЬНЫХ СЕТЯХ 2015г.
4. АНАЛИЗ ПОТЕРЬ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ ЭНЕРГИИ И ПУТИ ИХ СНИЖЕНИЯ В ГОРОДСКИХ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СЕТЯХ Г. МАХАЧКАЛЫ. НОРМИРОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПОТЕРЬ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ ЭНЕРГИИ. Садыкова Ф.М., ст. преподаватель кафедры электротехники Институт (филиал) ФГБОУ ВПО «МГОУ имени В.С. Черномырдина» в г.Махачкале 2014г.
5. Fedotov A.I., Vagapov G.V. [Electric Power Cost Optimization With a View to Production with Continuous Running Duty]. Industrial Power Engineering, 2010, no. 10, pp. 2–6. (in Russ.).
6. Варганова, А.В. О методах оптимизации режимов работы электроэнергетических систем и сетей / А.В. Варганова // Вестник ЮУрГУ. Серия «Энергетика». – 2017. – Т. 17, № 3. – С. 76–85. DOI: 10.14529/power170309.
7. Igumenshhev V.A., Malafeev A.V. [Optimization of Industrial Power Station Operation Modes]. Magnitogorsk, Nosov Magnitogorsk St. Technical Univ. Publ., 2011. 126 p.

# MAQSUD SHAYXZODANING OBRAZ YARATISH MAHORATI VA “JALOLIDDIN MANGUBERDI” DRAMASIDA OBRAZLAR TALQINI

**Islomov Shohijahon**

shoxjaxonislomov@gmail.com

Denov tadirkorlik va pedagogika instituti talabasi

**Annotatsiya:** Bu maqolada sho’rolar davrida yaratilgan va istiqlol yillarida deyarli unutilgan yozuvchi M.Shayxzodaning tarixiy “Jaloliddin Manguberdi” dramasini yaratilish tarixi va dramani tahlil qilish asosida bu dramani bugungi kun o’zbek adabiyotida muayyan o’rni borligini e’tirof etish ko’zda tutilgan. Yana bir yangilik shundan iboratki, yuqorida tilga olingan tarixiy drama sho’rolar davrida yozilgan va sahnalashtirilgan, biz bu dramani mustaqillik mafkurasi nuqtai nazaridan tahlil qilishga urindik. “Jaloliddin Manguberdi — buyuk sarkarda bobomiz, millatimizning faxru g‘ururi.” – **Sh.Mirziyoyev**

**Kalit so’zlar**: Obraz, dramma, o’zbek drammaturgiyasi, tragediya, tarixiy voqelar

Moziyga qaytib ish ko’rmoq xayrlidir, deyishadi. Shu manoda istiqloldan keyin mamlakatimizda ko’plab xayrli ishlar amalga oshirildi. Avvalo tarix, moziyni o’rgnish davlat ahamiyatiga molik ish deb belgilandi. Tarixga, moziyga nisbatan munosaba butunlay o’zgardi, endilika tarixni yaxshi yomonlarga ajratmay, har-xil siniflarga bo’lmay qanday bo’lsa shunday yaxlit holda xolis, xaqqoniy , aniq faktlar asosida dunyo tarix bilan birdalikda o’rganish talab qilib qo’yildi. Mamlakatimizning birinchi prezidenti yurtimiz tarixini o’rganish, xalqimizni o’tmish qadryatlaridan bahramand etishda yana bir ulug’vor ishni amalga oshirdi. 1999-yilda Jaloliddin Manguberdi tavalludining 800 yilligini nishonlash to’g’rishidagi farmon chiqardi. Shu asosda Respublika Vazirlar Mahkamasinining bu xaqda qarori qabul qilindi. Farmon va qarorda ulug’ yurtdoshimiz xotirasini abadiylashtirish borasida ko’p ishlar qilish belgilandi. Vatan ozodligi yo’lida jonini fido qilgan dovyurak kurashchi,

milliy qahramon, jahon xalqlari tarixida o’chmas iz qoldirgan buyuk inson, vatanparvarning xayoti, faoliyati, ajdodlar tarixini tadqiq etish, u haqdagi tarixiy xaqiqatni tiklash asosiy maqsad qilib qo’yildi.

Maqsad ulug’, niyat katta edi. Lekin bu tarixiy haqiqatni, o’lmas merosimizni tiklash oson emas edi. Ochig’ini aytish kerak, xalqimiz Jaloliddin Manguberdinining qahramonligi, vatanprvarligidan, bosqinchilarga qarshi kurashidan qanchlik faxrlanmasin, nomini qancha ulug’lamasin, keyimgi salkam 150 yil davomida xaqiqiy tarixdan bexabar bo’lib keldi. Uning hayoti haqidagi asarlar, bitiklar o’tmishning uzoq yillik qatlamlarida goh unitildi, goh o’rganish taqiqlandi. Tadqiqotlar qilinmadi. Shuning uchun mamlakatimiz prezidentining Jaloliddin Manguberdi 800 yilligini nishonlash xaqidagi farmoni uning hayoti, faoliyati, yurt ozodligi uchun kurashi xaqidagi tarixiy xaqiqatni xalqimizga yetqazish yo’lidagi dastlabki eng katta tadbir bo’ldi, deyish mumkin.

**1. Asarning yaratilish tarixi xaqida.**

Maqsud Shayxzoda 1944-yilda, ayni ikkinchi jahon urrrushi payti, keyinchalik boshiga ko‘p g‘avg‘olar (o‘zbek xalqining “feodal o‘tmishini ideallashtirish”da ayblanib, hibsga olingan) kelishiga sababchi bo‘lgan «Jaloliddin Manguberdi» tarixiy dramasini nega yozgan edi?

Taniqli adabiyotshunos Naim Karimovning fikriga ko‘ra, urush yillarida hokimiyat vakillari yozuvchilarni o‘tmishdagi mashhur sarkardalar haqida asar yozishga da'vat etishgan. Ular bunday asarlar xalq va armiyani o‘tmishdagi jasur sarkardalardan, xalq qahramonlaridan ibrat olishga da'vat etishi, ularni bu mashhur shaxslarning vatanparvarlik fazilatlari ruhida tarbiyalashi mumkin degan qarashda bo‘lishgan. Shunday ijodiy buyurtmani olgan Shayxzoda o‘zbek xalqining jasur farzandlaridan biri Jaloliddin Manguberdi haqida sahna asari yozishga kirishgan. Respublikaning o‘sha paytlardagi rahbari Usmon Yusupov shoirning asarini tezroq yakunlashi uchun uni yurtimizning xushmanzara maksanlaridan biri Farg‘ona viloyatiga yuboradi. “Boshqa ishlar bilan xayolingni bo‘lma. Xalq sendan Jaloliddin to‘g‘risidagi asarni intizorlik bilan kutmoqda. Vodiyga borib, uni tezroq tugallab

qayt!" deya rahbar shoirni ruhlantiradi. Shunday qilib, Maqsud Shayxzoda rafiqasi Sakinaxonim bilan Farg‘onaga borib, olti oy ichida tarixiy dramani yozadi.

Shu o‘rinda ta'kidlash joizki, bunday tarixiy-qahramonlik asarlari o‘sha davr tuzumi o‘ylagandek bo‘lib chiqmadi. Bu asarlar xalqda o‘zligini anglash, millati bilan g‘ururlanish ruhini uyg‘ota boshladi. Shundan so‘ng garchi buyurtma asosida yozdirilgan bo‘lsa-da bunday asarlar mualliflarini, jumladan Maqsud Shayxzodani ham o‘tmishni ideallashtirishda ayblab qamoqqa olishdi...

...Buni qarangki, odamlar qalbida vatanparvarlik tuyg‘usini jo‘sh urdiruvchi, qahramonlik ruhidagi bu asar bugun ham o‘z ahamiyatini yo‘qotgani yo‘q. Oradan ko‘p yillar o‘tsa ham M.Shayxzoda asarlari o‘z kuch-qudratini namoyon etib kelmoqda. Yaqinda shoir Botir Ergashevning aynan "Jaloliddin Manguberdi" dramasidagi "Ulug‘vor niyatlarga kor qilmas ajal, Kim yurtdan yovni quvsa, mendirman o‘shal" misrasidan ilhomlanib yozgan she'ri Ozodbek Nazarbekov tomonidan maromiga yetkazib kuylanishi va bu qo‘shiq xalqimiz ko‘nglidan chuqur o‘rin egallagani bunga yorqin misol.

Asarda sulton Jaloliddinning oxirgi so‘zi sifatida quyidagi satrlar keltiriladi:

Bir kun paydo bo‘laman shu yurt, shu yerda,
Yurt shaydosi ko‘rinmas g‘urbatda – go‘rda.
Kim yurtdan yovni quvsa, mendurman o‘shal!
Ulug‘vor niyatlarga kor qilmas ajal.

**2. Asar haqida.**

O'zbek drammaturgiyasi o'zining mavzular xilma-xilligi bilan o'zbek adabiyoti osmonida alohida o'rin tutadi. Ayniqsa tarixiy janrda yozilgan asarlar doim katta qiziqish bilan kutiladi va o'qib o'rganiladi.Xususan M.Shayxzodaning tarixiy "Jaloliddin Manguberdi" drammasida tasvirlangan obrazlar xarakterini tolaqonli ochib bera olgan. Yozuvchi bu asarni yozishga kirishar ekan oldiga katta maqsad qoyadi chunki tanlangan janr va mavzu xazil mavzu emas edi. Hamma davrlarda ham tarixiy asarlarni yaratish mushkul vazifa bolib qolmoqda sababi yozuvchi yoritilajak voqea va xodisalarga o'zgartirish,qoshimcha va o'z munosabatini bera

olmaydi. Qo’shimcha qilib aytadigan bo’lsak “Jaloliddin Manguberdi” shaxsi ustida ko’plab tarixiy izlanishalar o’tqazilgan. Daramma o’tqazilgan izlanishlar va qo’lyozmalarda bizgacha yetib kelgan tarixiy ma’lumotlarga zid bo’lmasligi kerak edi. Drammani yaratishdan oldin yozuvchi Jaloliddin Manguberdini xarakterini,oila va o’z safdoshlari davrasida ozini qanday tutishi va yashagan davrdagi ijtimoiy,madaniy va siyosiy vaziyatni to’laqonli o’rganib chiqadi.

Drammaturgiyada tragediya mavzusida asosan o’zining ziddiyatli vaziyatli bilan ajralib turadi. Bu janrlardagi asarlar ozining qahramonlarini koplab noqulay,noiloj vaziyatlarda sinovdan o’tqazadi. Boshiga turli o’gir kunlarni soladi. Qahramonlarni birmuncha turmush xunikliklariga tushurdi, hayotida koplab ikkilanish,qaror qabul qila olmaslik kabi azoblar bilan qiynaydi. Bunday vaziyatlarda asar qahramoni ko’rsatgan mardonavorligi, o’zini tutishi, hayotga teran qarashi, hayot qiyinchikilarni sabr bilan yegib otishi, o’z maqsadiga yetish uchun  o’limdan ham tap tortmasligi kabi ko’rsatgan qahramonliklari tomoshabin va kitobxon qalbida bir olam tassurot qoldiradi.

Tragediya janrida yozilgan asar asosida tragic g’oya yotishi, asar voqealari fojiali tarizda yakun topishi kerak. Fojia g’oyasi aks ettirilar ekan qahramonga qarshi turgan yovuz kuchlar uning faqatgina shani va manfaatlariga qarshi chiqmay, oilasiga va hatto  el-yurti  manfatlariga tajovuz etish holatlari kitobxon qalbida tragediyaga nisbatan biroz nafratni uyg’otishi mumkin. Aynan mana shunday voqealar rivoji tragediya uchun asos bolib xizmat qiladi. Aks holda tragediyani tassavur qilib bolimaydi.

Jaloliddin Mangu Berdi bosib o’tgan hayot yo’li,  uning boshiga tushgan o’g’ir sinovli vaziyatlar va fojiali yakun tragediya talablariga to’laqonli mos keldi. Buni yaxshi anglagan M.Shayxzoda urush yillarida bu asarni yozib kitobxon e’tiboriga xavola etdi. Maqsud Shayxzoda - doimo an’anviylikdan qochgan ijodkor. U ijod dardi biln yonganda, kundalik hayotida va hatto turmushning ba’zi xuniklilklariga robaro kelganda ham yangilik izlashga urunadi, bu holat uning asarlarida yaqqol ko’zga tashlanadi. Bu gaplarimiz isboti o’laroq:  Maskvada davolanayotgan paytlarida shifoxonaning bosh vrachidan tortib xamshirasigacha Shayxzodani sevib

qolishgan edi. Ayniqsa, bemor shoirga qarovchi shifokor ayol har safar uni palataga kirib ko'rganida, latif ovoz bilan sog'ligini va kayfiyatini so'rardi. Shunday kunlarning birida an'anviylikdan qochib shunday javob qaytaradi: "Bugungi axvolim kechagidan yaxshi, ammo ertangiga qaraganda yomonroq." Yaratuvchalikka chanqoq yozuvchi uchun Jalolliddin Mangu berdi obrazini yaratish har tomonlama kutilgan va mos kelgan obraz edi.

Aslida Jaloliddin kim? Nima uchun Maqsud Shayxzoda o'zining drammasiga bosh obraz sifatida uni tanladi? Uning qismati shu qadar ayanchlimidi? Yurt ozodligi uchun kechgan ozodlik kurashlarida uning o'rni qanday bo'lgan? Shu kabi savollarga quyidagi fikrlarda tolaqonli javob olish mumkin.

1218-yilda O'rta Osiyo xalqlarining hayoti tahlika ostida qoldi. Sharqdan Chingizxon (1152-1227) qo'shinlari quyuq tumandek yurt ustiga yopirilib kela boshladi. Ammo o'sha davrdagi sharq feodal monarxiyalari ichida ulkan saltanat hukmdori Xorazmshoh Sulton Muhammad Aloviddin amir va beklarning so'ziga kirib, o'z kuchlarini birlashtirib, yovga zarba berish o'rniga, ko'p sonli qo'shinlarini mamlakatning turli qal'alariga bo'lib yuboradi. Iste'dodli sarkarda va bag'oyat dovyurak o'g'li Jaloliddinni qo'shinga qo'mondon qilib tayinlash o'rniga, onasi Turkan Xotun va tog'alari bo'lmish qipchoq beklarining tazyiqi ostida uni valiahdlikdan mahrum etadi.O'zi esa qo'rqoqlik qilib, o'z jonini avaylab, muttasil chekinib boradi. Natijada, juda katta bir mamlakatda parokandalik yuz beradi,xalq kimga itoat etishini va nima ish qilish kerakligini bilmay sarosimaga tushib qoladi. Bunday parokandalik va besaranjomlikdan foydalangan mo'g'ul istilochilari birin ketin mamlakatning O'tror, Samarqand, Buxoro va Urganch kabi yirik shaharlarini zabt etib,xalqni qilichdan o'tkazib,el-yurtning kulini ko'kka sovura boshladilar. Xorazmshohning qo'rqoqligi va qipchoq amirlarining xoinligidan g'azablangan oddiy xalq,garchand, uyushmagan tarzda bo'lsada,mo'g'ullarga qarshi o'z ozodligi uchun kurashga otlandi. Otasining uyqusizligi va saroy a'yonlarining sotqinligi bilan Jaloliddin dovyurak Temur Malik kabi sarkardalarini o'z atrofiga to'plab, Chingizxon qo'shinlariga qarshi kurashga otlanadi va birin-ketin dushmanga zarba

bera boshlaydi. Jaloliddinning jiddiy dushman ekanligini tan olgan Chingizxon 1221-yil,24-noyabrda Sind daryosi bo'yida bo'lgan jangga asosiy kuchini tashladi. Jangni bevosita o'zi boshqarib turdi. Bir necha kun davom etgan bu jangda Jaloliddinning qo'li baland kela boshladi. Mana shunday mas'ulyatli bir paytda afg'on amirlari arzimagan sabab bilan arazlab,janggohni tashlab ketadilar. Bundan foydalangan Chingiz shiddatli hujumga o'tadi. Jaloliddin yengilishini aniq sezgach,mo'g'ullarga asir bo'lgandan ko'ra erkin o'lim topgan afzal deya onasi,xotinlari va singlisi Sultonbegimni Sind daryosiga g'arq qildi.
O'zi esa oti bilan tik qoyadan daryoga tashlab, narigi qirg'oqqa suzib o'tdi. Uning ketidan 4 mingdan ortiq sodiq sipohilari ham daryodan o'tib,Jaloliddinga qo'shilishdi. Shundan keyin Jaloliddin asosan oddiy xalqdan qayta-qayta kuch to'plab,mo'g'ul bosqinchilariga bir necha bor jiddiy zarbalar berdi. Lekin feodal tarqoqligi, o'zi qilgan jiddiy xatolar natijasida, o'z kurashini markaziy bir nuqta atrofiga jipslashtirishga muvaffaq bo'lolmadi. 1231-yilda ov paytida Kurdiston tog'larida fojiona halok bo'ldi. Jaloliddinning shahzodaligi, kurashining maqsadi va xarakteri ayrim xatolardan qat'iy nazar, harqalay, uning kurashda O'rta Osiyo xalqlarining erksevar ruhi, yurt mustaqilligiga tahdid solib, elni qullik zanjiriga band etishga intilgan mo'g'ul bosqinchilariga qarshi cheksiz g'azab-nafrati o'z ifodasini topdi. Xuddi shuning uchun ham xalqimizning yorqin qahramonlik sahifalaridan biri bo'lmish mazkur tarixiy voqealarni Maqsud Shayxzoda o'z dramasi uchun asosiy material sifatida tanladi.

Yuqorida tilga olinganidek Xorazimshohning shaxsiyatidagi kibr va oziga haddan ko'p ishonchni yozuvchi asarda shunday ochib bera olgan. Samarqand, Amir Badriddin va Sultonbegimlarni to'y marosimi. To'satdan Chingiz elchilari kelib itoat talab qiladi shunda mag'rur shoh shunday javob qaytaradi:

Qulasa qal'amda bir devor.
Ostida ming chingiz bo'lar xokisor.

Bu javobda ko'ngli taskin topmagan Jaloliddin qattiyat bilan deydi:

Bag’oyat zo’ravon g’animdir Chingiz,
Bunga ko’z yummayin rostin bilingiz.
Dedingiz: qulasa qal’amda devor
Ostida chingizlar bo’lur tor-mor
Lekin u yotmaydi devor ostiga
Yo’q qilib chiqadi qal’a ustiga
Sirdaryo bo’yida bor kuchingizni
Musht qilib qaytaring qonli Chingizni!
-degan jiddiy mulohazada bayon qiladi

Besh pardali bu drama 1217-1224-yillar oralig’ida bo’lib o’tgan tarixiy voqealarni o’z ichiga oladi.Asosiy qatnashuvchilari 12 kishini tashkil etgan (Muhammad Xorazmshoh,Jaloliddin,uning singlisi Sultonbegim,Temur Malik, Chingizxon, Amir Badriddin, Elbars Pahlavon, Muhammad Nasafiy, Ona, Imom Shahobiddin Xivaqiy, Yaroqbek,Qedeg’on No’yon) bu asarda shoir o’sha davrning haqqoniy manzarasini aks ettirishga muvaffaq bo’lgan.Jaloliddinni taxt tamasida ish tutmoqda degan ig’vo bilan (amir Badriddin) valiahdlikdan mahrum etishga muvaffaq bo’ladilar. Asar voqeasidagi jiddiy va fojiona hodisalar mana shunday yuzaga keladi. Jaloliddin obraziga xos mardlik, el qayg’usi, tadbirkorlik, sarkardalik iste’dodi va yurt daxlsizligini muqaddas deb bilish fazilatlari ham xuddi mazkur voqealar boshlanmasida namoyon bo’lib, drama syujetining rivoji davomida u poyma-poya kamolotga erisha boradi. Otasi taxtadan mahrum qilganidan zarracha afsuslanmasdan, bu haqda quyidagicha fikr bildiradi:

Kishi tug’ilmaydi boshda toj bilan,
Tug’ilar erklikka ehtiyoj bilan….
El-o’lka sog’ bo’lsin, toj kelib-ketar…
Odamlar o’ylarki bo’lmasa tojim,
Qalandar bo’lurman,qolmas ilojim

Voqealar rivoji o’zing avj nuqtasiga  xotima qismida chiqadi va muallif o’zi o’ylagan maqsadga ayni shu pallada erishadi. O’zga yurtga ketishga majbur bo’lgan Jaloliddinning ushbu so’zlarni  g’aflatdagi shiori bo’lib yangraydi.

Yo’q… qasosni oliy deya yashamoq kerak!

Jaloliddin sarosima va tahlikaga tushib, esankirab qolmaydi. Yashash va yovdan qasos olish ishtiyoqi uning qalbida ustivor. Bu yuqorida so’zlardan aks etib turadi. Yurtdan quvilgan Jaloliddinning barcha his-tuyg’ulari quyidagi monologda aks etib turadi.

G’urbatlarga yo’l olmoq ulug’ musibat
G’urbatda ham armondir: Vatanga xizmat!
Bir bo’lsaydi saltanat,el-urug’lar bir,
Dahshat sochib bo’lardik jangda olamgir.
Mangulikdan joy olgan –yashar abadiy,
Men-ku mangu berdiman,olam biladi.
Ko’klardanmi, suvdanmi, yo yer tagidan,
Balki sahro bag’ridan, tog’ etagidan.
Bir kun paydo bo’laman shu yurt, shu yerda,
Yurt shaydosi ko’milmas g’urbatda, go’rda.
Ulug’vor niyatlarga kor qilmas ajal
Kim yurtdan yovni quvsa- mendurman o’shal !

Jaloliddin Manguberdi Chingizxonga qarshi kurashda sadoqatli sarkardasi Temur Malik, el polvoni Elbors (to‘qima obraz), singlisi dovyurak malika Sultonbegim, Imom Shahobiddin Xivaqiy va umuman, bahodir sadoqatli sipohlarga tayanib ish tutadi.

Sultonbegim ham xuddi og‘asi Jaloliddin kabi, tarixiy shaxsning qayta ishlanib, umumlashma darajasiga ko‘tarilgan badiiy portretidan iborat. Sultonbegim jasoratli, irodali, yurtga benihoya sodiq qiz. U saroy muhitida tarbiya olgan bo‘lishiga qaramay, aysh-ishrat, zebu ziynat shaydosi emas. Yurt boshiga og‘ir kun tushganda har qanday orzu-havasdan ko‘ra erkinlikni afzal, ona yer tuprog‘ini muqaddas deb biladi. Samarqanddan qo‘rqoqlik va xoinlik bilan qochib kelgan eri amir Badriddin sovg‘a qilgan qimmatbaho uzukni rad etib, ta’na qiladi:

Samarqand siynamni ilk ochgan shahar,
Sevgimni qutladi u yerda sahar.
Oh, eri yarasin silab bog‘lagan,
Baxtli kelinlarga hasad qilaman.
Oh, koshki shunchalar ziynatdan ko‘ra,
Keltirsang u yerdan bitta bitta g‘isht parcha!
Ne kerak Samarqand la’lu tillasi?!
Rahmat derdim bo‘lsa mo‘g‘ul kallasi!

Asarning so‘ngi pardasida Badridriddinning sotqinligi fosh etilgach, Sultonbegim qalbidagi sevgi hislaridan yurtga muhabbat va sadoqat tuyg‘ulari ustun keladi. Iztirobli Sultonbegim og‘asiga g‘azab bilan xitob qiladi:

U ishqdan aynidi, aynidim undan,
Uning yuzin unutdim men o‘sha kunda!
Qalbaki bir toj uchun toptaldi ko‘nglim,
Shu xo‘rlangan sevgi der: xoinga o‘im!

Asardagi Temur Malik obrazi ham eng baquvvat obrazlardan biri. Dramada Temur Malik faoliyatini ifodalovchi tarixiy voqealarning asosiy chizig‘i saqlangan holda, asar uning shaxsiy fazilatlariga mos xarakter belgilari bilan to‘ldirilgan. Kitobxon va tomoshabin nazarida Temur Malik el-yurtga sodiq, jasur va dovyurak xalq qahramoni sifatida namoyon bo‘ladi. Temur Malik xarakteridagi yuksak bashariy fazilatlar – jasorat, dushmanlarga cheksiz nafrat va bulinmas iroda uni Chingizxon asirligidagi xatti-xarakatlari tasvirida qiyomiga yetadi. Chingizxon uni katta vadalar evaziga o‘z xizmatiga o‘tishga davat etadi. Ammo Temur Malik:

... Yurtimga navkarlik- ulug‘vorlikdir!
Qal’amda erk tug‘i chin tug‘dorlikdir!
Vatanga qulchilik – shohona mansab,
... Sharafdan ko‘z yumib topilgan najot
O‘g‘ridan sadaqa olishday uyat!-

U Jaloliddindek o’g’li bo’lishini orzu qilib,Xorazmshohning ahmoqona qilig’iga kuladi:

Ko’p ham taajjubdir dunyoning ishi:
Yaxshi in’om olar noloyiq kishi,
Xorazmshoh uchun shunday bir farzand,
Otasi ne anglar,ne bo’lar xursand
Oh,koshki to’rt o’g’il o’rniga falakMenga birin bersa
Jaloliddindek.

Chingizxon judaham vahshiy va qonxo’r. Inson boshiga og’ir kun tushganini va qiynalganini ko’rsa u roxatlanadi.Ha bu yovuz odam nazarida insoniy his-tuyg‘ular, olijanobliklar va bashariy fazilatlarning sariq chaqalik qadri yo‘q.

Falaklar yozganday bo‘ldim olamgir,
Odamzod tug‘ilgan bo‘lay deb asir.
Oyog‘im tagida qadimgi tojlar,
O‘lka ham uluslar, to‘lar bojlar.
Meni jallod deydi olam barisi,
Xatodir, men o‘izm o‘lim tangrisi.
Adolat yo insof? Nima degan u?!
Tupurdim bularga, ming karra tfu!
Ranglarda – shirin rang – rangi xunniydur,
Kim nola tinglasa, uniki huzur,
Birdan o‘ldirmasam deyman kishini,
Darhol bitirmasam san’at ishini;
Dastavval kessamu, olmasam jonin,
Menga yolvorsayu, men ichsam qonin,
Qo‘limda ingrasa, endi men bo‘g‘sam,
O‘lmasdan burunroq otashda yoqsam,

Va so‘ngra kullarin olib hidlasam,
Ana kayfu, lazzat, ana baxtli dam!

Chingizxon shunchalar vahshiy bo’lganki uning ismining o’zi xalq ichida qorquv uyg’ota olgan. Xalq ichida Bu jirkanchni xarakterini ochib berish uchun shunday maqollar ham yaratildi.

Bo‘ji keldi, bo‘ji keldi,
Chingiz bilan Jo‘ji keldi.

Muallif asar qahramonlarini turli vaziyatlarga tushgan paytdagi nutqiga chuqur falsafiy ma’nolarni jo qilaoldi. Bularga bir nechta misollar:

**1**.”Birobning davlatin olarkan xudo,
Dastavval aqlidan qilarkan judo”.
”Kishi tug‘ilmaydi boshida toj bilan,
Tug‘ilar erklikka ehtiyoj bilan.”
**2**.”Ulug‘davlat tiz cho‘kmas, botir yolvormas,
Chinor sinar egilmas, bedov ot horimas!”
**3**.”Onamizning onasi bo‘lsa shu Vatan,
Ko‘rlik afzal bu yurtni asir ko‘rmoqdan!”

**Xulosa**: Xulosa o’rnida shuni takidlash joizki “Jaloliddin Manguberdi” drammasi dunyoga kelishi M.Shayxzodani ijodini yana bir ulkan cho’qqiga olib chiqaoldi. Drammada tarixiy qahramonni ichki dunyosi va tashqi qiyofasini tasvirlashda yangi ijod maktabi bo’laoldi. Bu asar haqida: ”Jaloliddin” – deb yozgan edilar Oybek va G‘afur G‘ulom yuqorida ko‘rib o‘tilgan maqolalarida, -o‘sayotgan o‘zbek dramaturgiyasida shubhasiz hodisadir. O‘zining fikriy va badiiy to‘laqonliligi, yuksakligi jihatidan ”Jaloliddin” bizning dramaturgiyamizda yuqori poyani ishg‘ol etadi... Ko‘pdan beri uzun umrli fikriy va badiiy salmoqdor sahna asarlarini orzu qilar edik. ”Jaloliddin” bu orzumizga javob berishga qodir”.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

**1.** Shixobiddin Muxammad an-Nasafiy. Sulton Jaloliddin Manguberi hayoti tafsiloti. /K.Matyoqubov tarjimasi/-Toshkent “O’zbekiston” 2006

**2.** G’.Atajonov “Tarixiy drammalarda sujet va obraz yaratish mahorati” Dessertatsiya Nukus 2016.

**3.** Naim Karimov. Maqsud Shayxzoda: Ma’rifiy-biografik roman. Toshkent “Sharq”, 2009.

**4.** Sultonmurodov.O; Ahmedov.S; Rahmonov.Q Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 8-sinf uchun darslik. G’afur Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi Toshkent-2019

**Internet saytlari:**

1. https:\\kun.uz sayti “ Kim yurtidan yovni quvsa, mendurman o’sha” 28.03.2018
2. https:\\xs.uz sayti “Prezidentning Xorazmga safari yakunlandi” 13.03.2020
3. https:\\Ipb.uz sayti

# ZOKIRJON FURQAT G’AZALIYOTINING MAVZUIY TASNIFI

# THEMATIC CLASSIFICATION OF THE Z. FURKAT'S POETRY

**Alimqulova Ma’rifat Baxtiyorovna,**
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o’zbek tili va adabiyoti universiteti magistranti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Furqat lirikasi mavzuiy tasnifi, poetik mazmun va poetik shakllar talqini xususida fikrlar berildi. Asosan shoir janrlari orasida g’azallari tahlilga tortildi. Uning nazmiy merosidagi ishqiy, ijtimoiy hamda diniy-tasavvufiy g’azallari haqida muxtasar fikrlar berildi.

**Kalit so’zlar:** Ijtimoiy mazmun, “Ahvolot”, fuzuliyona uslub, ishqiy lirika, muxammas, musaddas, murabba, Sayyid Qusam, Bahouddin Naqshband.

O’zbek mumtoz adabiyotining zabardast vakili, milliy uyg’onish adabiyotining poydevorini qo’ygan mashhur ijodkorlardan biri Zokirjon Xolmuhammad o’g’li Furqat ijodini o’rganish, uni yangicha talqin qilish, uning hayot va jamiyat, inson falsafasiga oid qarashlarini tahlil qilish kabi yana ko’plab masalalarni o’rganib hayotga tatbiq etish o’sib kelayotgan yosh avlod xususan yosh furqatshunoslar oldidagi asosiy vazifalardandir. Furqatshunos Sh. Yusupovning mana bu fikrlari ham buni tasdiqlaydi: *“ bu betakror iste’dod sohibining ko’p qirrali ijodi yana o’n yillar, yuz yillar davomida o’rganilajagi turgan gap. Buning boisi shundaki, ijtimoy taraqqiyotning har bir yangi bosqichida Furqat merosiga yangidan murojaat qiladigan avlod uni yangicha o’qib, yangicha talqin etadi, yangi davr kun tartibiga qo’ygan dolzarb muammolarni hal etishda undan katta ko’mak oladi”.*[65]

Zokirjon Furqat lirik merosining salmoqli qismi asosan g’azallar bo’lib, ularning umumiy soni 286 tani tashkil qiladi. Mumtoz nazm an’analarini munosib

[65] Sharipov Yu., Tarix va adab bo'stoni, T:, Ma'naviyat. 2003: 108-bet.

davom ettirgan Furqat she’riyati mavzu jihatidan rang-barang qolaversa, ijodiy ko’lami keng va badiiyati yuksakdir.Shoir she’riy merosining mavzu ko’lamini quyidagicha guruhlashtirish mumkin:

1. *Ishqiy*
2. *Ijtimoiy*
3. *Diniy-falsafiy*

Darhaqiqat, ishq mavzusi Sharq she’riyati, jumladan, o’zbek she’riyatining asosiy mavzularidan biri hisoblanadi. Adabiyot tarixiga nazar soladigan bo’lsak, ishq mavzusi har bir ijodkorning ijodiy jarayonidan yangi tashbehlar bilan bezanganini ko’ramiz. Zero, tatar shoiri Hodi Toqtosh abziyning: “Muxabbat ul o’zi eski narsa, Ammo har bir yurak uni yang’orta” deganlaridek, bu ko’hna mavzuning har bir qalbda alohida yangilik kasb etganini kuzatish mumkin. Adabiyotshunos Rahim Vohidovning ham bu boradagi fikrlari ahamiyatlidir: “Ishqni kuylamagan shoirni va ishq dardi aralashmagan she’rni topish mutlaqo mumkin emas”.[66] Furqat adabiy merosining salmoqli qismini ishqiy lirika tashkil etgan bo’lib, ularda asosan, ishq tarannum etilgan.

Shoir ijodiyoti xorij olimlari tomonidan ham tadqiq etilgan bolib, shunday tadqiqotlardan biri venger olimi Yanosh Ekkman qalamiga mansub Turkiyada nashr etilgan “Harezm, kipcak va cagatay turkcesi uzerine arastirmalar. (Xorazm, qipchoq va chigatoy turkchasga oid tadqiqotlar) dir. Asarda Zokirjon Furqat ijodiga ham alohida o’rin ajratilgan bo’lib shuningdek, tadqiqotda Yanosh Ekkman Furqatning eng avvalo, lirik shoir ekanligini takidlar ekan, uning juda kop gazallar, bir necha muxammas, musaddas, murabba va bir mustazod yozganligini qayd etadi”[67], “Klassik tarzda, arabcha va forscha so’zlar bilan qorishiq bir tilda yozilgan bu she’rlarning bosh mavzui ishqdir”[68] – deya Furqatning ishq tarannum etilgan g’azallariga baho beradi tadqiqotchi olim Yanosh Ekkman. Shuningdek, olim fikrining dalili sifatida Furqatning quyidagi matlasi bilan boshlanadigan g’azalida to’liq keltiradi.

---

[66] Vohidov. R. Alisher Navoiy va ilohiyot. Buxoro, 1996. –b. 142.

[67] Jabborov. N. “Furqatning xorijdagi hayoti va ijodiy merosi: manbalari, matniy tadqiqi, poetikasi”. -Toshkent, 2004. b. 235

[68] Harezm, kipcak va cagatay turkcesi uzerine arastirmalar.Ankara, 1996, B-223.

*Bir qamar siymoni ko’rdim baldai kashmirda,*
*Ko’zlari maxsuru yuz jodu erur tasxirda,* -

Furqat Sharq she’riyatining buyuk darg’alari Lutfiy, Navoiy, Bobur, Mashrab, Fuzuliy va Ogahiy kabi shoirlarning ijodini mukammal o’rgandi. Ularning an’analarini munosib davom ettirishga harakat qildi. Darvoqe, shoir ijodida fors-tojik adabiy merosining ham o’rni alohidadir. Jumladan “Chor darvesh”, “Nuh manzar” kabi yirik epik asarlarning Furqat tomonidan fors tilidan nazm yo’lida tarjima qilinganligi fikrimiz dalilidir. Buyuk ozarbayjon shoiri Muhammad Fuzuliy asarlarini zo’r qiziqish hamda chin ixlos bilan mutolaa qilgan Furqat bir necha g’azallarida unga taxmislar bog’laydi. Shoirning:

*Surmadin ko’zlar qaro, qo’llar xinodin lolarang,*
*G’ozadin yuzlarda tobu o’smadin qoshlar tarang*

Misrasi bilan boshlanguvchi mashhur g’azali fuzuliyona uslubda yaratilgan go’zal san’atning namunasidir. “Fuzuliy misrasi Furqatni o’zbek ayolining go’zal portretini chizuvchi sof milliy g’azal yaratishga ilhomlantirgan”.[69]

Muhabbat mavzuining badiiy talqini har qanday shoir ijodining asosini tashkil etadi. Darhaqiqat, Furqat lirik shoir sifatida ishq-muhabbat mavzusining badiiy talqiniga alohida e’tibor qaratdi. Professor Abdurasul Abdug’afurovning yozishicha: “Furqat lirikasida ishq-muhabbat mavzui juda chuqur va nihoyatda keng planda ishlanadi” Shoir g’azallarining ko’pchiligi ishq muhabbat mavzuida bitilgan. U o’z lirikasining mavzui, xarakteri va maqsadi haqida so’z yuritar ekan, quiydagi misralarni yozishga batamom haqli edi:

*Ey muhabbat ahli ramzi ishq fahm aylay desang,*
*Yozilgan xuni jigardin, Furqat, ash’orimga boq!*”[70]

Furqat she’riyatida ijtimoiy mavzu ham yetakchi o‘rinni egallaydi. Shoir o‘zi yashayotgan davrdagi hukmron adolatsizliklar-u xunrezliklarni yaxshi tushungan. Vaholanki, bunday tartib hamda tuzumning zaminida albatta boylik –“sarig’ oltun” yotishini aniq tahlil qila olgan:

---

[69] Abdurasul Abdug’afurov. Zokirjon Furqat. Toshkent. Fan. 1977, 107-bet.
[70] Abdurasul Abdug’afurov. Zokirjon Furqat. Toshkent. Fan. 1977, 107-bet.

*Charxi kajraftorning bir shevasidin dog’men,*
*Ayshni nodon surib, kulfatni dono tortadur.*
*Sorug’ oltun kasrati ko’ngilni aylaydi qaro,*
*Chunki safro bo’lsa g’olib-o’zga savdo tortadur.*

Yoki mana bu satrlar tagmatnida ifodalangan mazmunga diqqat qilinsa, shoirning jamiyatdagi “bechoralar” ahvoli, mulkdorlar hamda shavqatsiz g’addorlarning yaramas odatlari haqidagi haqiqati bayon etilgan:

*Kecha -kunduz jon uzar bechoralar bir pul uchun,*
*Aylamak chashmi karam tujjorlardindur g’alat.*
*Furqat abnoi zamondin shikva qilmoqlik na sud,*
*Chunki ummidi vafo g’addorlardindur g’alat.*

Furqat ijtimoiy mazmunni, ayrim g‘azallarida ramzlar, istioralar zamirida ifodalaydi. Bu hol shoir yashagan davr va uni o‘rab turgan muhit taqozosi sifatida tushunilmog‘i darkor:

*Naylayki, haq yaratmish, Furqat, meni siyahro‘z,*
*Shomimda bor uzun* ***tun,*** *lekin anga* ***sahar*** *yo‘q!*

Baytda ifodalangan “tun” va “sahar” so‘zlari chuqur ramziy obrazlar darajasiga ko‘tarilgan. Shoir bir-birini inkor etuvchi so’zlarni mahorat bilan qo’llab tazod (zidlantirish) san’atini yuzaga keltirgan.

Bu kabi ijtimoiy mazmun ifodalovchi g’azallarni Furqat merosidan ko’plab keltirishimiz mumkin. Shu mazmundagi she’rlarni tahlil etgan furqatshunos olim A. Abdug’afurovning yozishicha: “Shu ayniqsa muhimki, shoirning o’zi aytganidek, “xuni jigardin yozilgan ash’ori” orasida davrning jafosi va uning oddiy inson boshiga solayotgan kulfat hasratlarini realistik aks ettirishga bag’ishlangan butun-butun ga’zallar ham anchagina uchraydi”[71]

Zokirjon Furqatning “Ahvolot”idan ma’lumki, kichik yoshidan Qur’onni yod olgan, islom va tasavvuf axloqini mukammal o’rgangan. Shuningdek shoir sheriyatida ushbu mavzu yetakchi o’rinni egallaydi.Yuqorida keltirilgan g’azal misolida ham islom ma’naviyati olamidagi buyuk shaxslar xususan ikki olam sarvari

[71] Abdurasul Abdug’afurov. Zokirjon Furqat. Toshkent. Fan. 1977,114-b.

Payg’ambarimiz Muhammad s.a.v, sahobalar: Abu Bakr r.a, Umar r.a, Usmon r.a.lar hamda muborak shayx va pirlardan: Sayyid Qusam, Ibn Abbos, Bahouddin Naqshband, Xoja Nuriddin, Zangi oto, Hazrati Mo’yi muborak va boshqa bir qancha shayxlarning muborak nomlari zikr etilgan.

*Ummati sargashtaman, yo Mustafo, aylang madad,*
*Umari odil ayni bosafo, aylang madad.*
*Yori sevvum jomi’ul Qur’on – Usmoni g’ani,*
*Shahsuvor ahli ato, sheri Xud, aylang madad.*
*Xoki poyingiz erurtoji sari har avliyo,*
*Shayx Muhyiddin mahbubi Xudo, aylang madad.*
*Kulfate boshimg’a tushti, turfa hojatmandman,*
*Yo Bahouddin vali, mushkulkusho, aylang madad.*
*Dar Samarqand Shohi Zinda – hazrati Sayyid Qusam,*
*Ibn Abbos sokini g’ori fano aylang madad.*
*Ilgim oling, yo’lda qoldim, yo imomi Shahrisabz,*
*Yana Xoja Imkana shayxi safo, aylang madad.*

Lirik she’rlarida diniy-ma’rifiy va tasavvufiy mavzularni yoritar ekan, Furqat butun iste’dodini insonni ulug’lashga, uning boy ichki olamini – siyratini, xulqu odobini vasf etishga intilgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

1. Abdurasul Abdug’afurov. Zokirjon Furqat. Toshkent. Fan. 1977,114-b.
2. Furqat. Tanlangan asarlar. (nashrga tayyorlovchi X. Rasul) T.:G’afur G’ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1975. 106-b.
3. Hojiahmedov. A., Furqat aruzi. T.: Fan, 1990. 84-b.
4. " Ishqingda kuyib, jono... (nashrga tayyorlovchi N. Jabborov) T.: Adabiyot 2021. 17-b
5. Jabborov. N. Furqatning xorijdagi hayoti va ijodiy merosi: manbalari, matniy tadqiqi, poetikasi. Filo.fan. d-ridiss. T .,2004. 158-b.

6. Qosimov. B.,Yusupov. Sh., Dolimov. U. va b. Milliy uyg’onish davri ozbek adabiyoti Universitetelar va pedogogika oliy o’quv yurtlarining filologiya fakultetlari uchun darslik. T. : Manaviyat, 2004. 120-b.

7. Otanova . S., Mumtoz sheriyatda gul va rang tasviri. T.: 2006. 92-b.

8. Vohidov.H., Furqat va Muqimiyning ijtimoiy-siyosiy qarashlari. T,:O’zSSR, 1959. 24-b.

9. Vohidov. R. Alisher Navoiy va ilohiyot. Buxoro, 1996. b. 142.

10. Yanosh Ekkman Harezm, kipcak va cagatay turkcesi uzerine arastirmalar.Ankara, 1996, B-223.

11. Yusupova. D., Aruz va Mumtoz poetikaga kirish. T.:Akademnashr, 2020. 44-b.

12. Yusupov. Sh., Tarix va adab bo’stoni. T.: Manaviyat, 2003. 108-b.

13. Zohidov. I., Furqat ijodi va zamonamiz. T.: Badiiy adabiyot nashriyoti, 1959. 6-b.

14. http.WWW. uza.uz

# COMPARATIVE ANALYSIS OF SIMPLE SENTENCE AND ITS TYPES IN ENGLISH AND KARAKALPAK LANGUAGES

**Miyassar Qalmuratova** – a master student of
Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

**Abstract**. The article deals with the comparison of simple sentences and types of simple sentences in two different system languages, namely English and Karakalpak. As the aim is to investigate thoroughly and make comparisons, simple sentence is defined firstly, and the types of simple sentences according to the aim of interlocutor and grammatical structure are compared within the examples of English and Karakalpak languages.

**Key words**: simple sentence, classification, types, English language, Karakalpak language.

**Annotatsiya**. Ushbu maqola har xil tizimli tillar, ya'ni ingliz va qoraqalpoq tilida sodda gap va uning turlarini taqqoslashga bag'ishlangan. Maqola maqsadi chuqur o'rganish va taqqoslash bo'lganidek, avvalo sodda gap yuritiladi, so'ngra sodda gapning ifoda maqsadiga va strukturasiga ko'ra turlari ingliz va qoraqalpoq tillarida misollar bilan solishtiriladi.

**Kalit so'zlar**: sodda gap, tasnif, turlari, ingliz tili, qoraqalpoq tili.

**Introduction.** Sentence as one of main constituents of grammar in all languages, it is of high importance and interest to investigate and compare. Therefore, the researcher is going to compare and differentiate simple sentences of English and Karakalpak languages.

The research serves with it contribution mostly to the investigators and followers of comparative linguistics, in particular, comparative typology and contrastive linguistics. Simple sentence as a basic unit of language has been taken as the theme of the study. Although a lot of researches related to simple sentences have been done

recently, the comparison of them in the perspective of English and Karakalpak languages have not been widely opened yet.

**Literature review.** As the topic of the research is dedicated to simple sentence of English and Karakalpak languages, it is necessary to provide definitions suggested by scholars. As scientists approach from various aspects, distinctive definitions exist on the term what is called as a simple sentence. They are as follows:

According to Blokh, The basic predicative meanings of the typical English Sentence are expressed by the finite verb which is immediately connected with the subject of the sentence. This predicative connection is commonly referred to as the "predicative line" of the sentence. Depending on their predicative complexity, sentences can feature one predicative line or several (more than one) predicative lines; in other words, sentences may be, respectively, "monopredicative" and "polypredicative". Using this distinction, we must say that the simple sentence is a sentence in which only one predicative line is expressed. (see p 268. Blokh. Theoretical grammar of English language)

"A simple sentence pattern consists first of all of a subject and a predicate. These are called the immediate constituents of the sentence. They are constituents in the sense that they constitute, or make up, the sentence. They are immediate in the sense that they act immediately on one another: the whole meaning of the one applies to the whole meaning of the other." said N. M. Rayevska.( see p 187. Modern English Grammar)

"Simple sentences are formed with words and collocations. They mainly contain one subject and one predicate. They are one type of syntax" said A.Dawletov, M.Dawletov, M.Qudaybergenov (see p40. Ha'zirgi qaraqalpaq a'debiy tili)

As for the classification of simple sentence, also various scholars approached differently. Simple sentences are usually classified into one-member and two-member sentences according to composition of sentences. This distinction is based on a difference in the main parts of a sentence.

One-member sentences do not contain two separate parts; in these sentences there is only one main part. Such sentences contain neither the subject nor the predicate.

Instead there is only one main part. It is a disputed point whether the main part of a sentence should, or should not, be termed subject in some cases, and predicate in others.. As it was pointed out by academician V.Vinogradov, grammatical subject and grammatical predicate are correlative notions and the terms are meaningless outside their relation to each other. He suggested that for one-member sentences, the term “main part” should be used, without giving it any more specific name.

Prof. Blokh, however, does not accept this approach because, in his view, it is based on an inadequate presupposition that in the system of language there is a stricktly defined, “absolute” demarcation line between the two types of constructions. Instead he suggests that all simple sentences of English be divided into two-axis constructions and one-axis constructions.

Apart from that, Seely John classified simple sentence into four types by their purpose which are declarative (statement), interrogative (question), imperative (command) and exclamative (exclamation).

From the point of scientist A.Bekbergenov, simple sentences are different according to their formation and function. For instance,

- positive and negative sentences in accordance with the attitude of the idea to the reality
- declarative, interrogative and exclamatory sentences for the purpose of aim of speech
- one-compound and two-compound sentences according to the composition of sentences. (see p 68, Qaraqalpaq tilinin’ stilistikasi).

**Research methodology.** The research based on the comparison of types of simple sentence in English and Uzbek languages was analyzed deeply on the basis of the works of scholars such as Vinogradov, Blokh, Rayevskaya, Seely for English examples and Dawletov, Qudaybergenov and Bekbergenov for the illustration of simple sentences in Karakalpak language.

For the sake of comparing types of simple sentences in two different system languages, the researcher has used analytical, descriptive and comparative methods of research. From this perspective, the researcher provides with the analysis of types of

simple sentences from the aspect of composition of sentences as well as in accordance with the aim of speech of sentences.

**Analysis and result**. In order to show the similarities and differences of types of simple sentences, the researcher has studied the classification of simple sentences in terms of composition of sentences and aim of speech. Let us see the examples in table:

**Types of simple sentences**

| English | Karakalpak |
|---|---|
| According to composition of sentences | |
| a) one-member sentence | |
| Night. A lady's bed-chamber In Bulgaria, in a small town near the Dragoman Pass, late in November in the year 1885. (SHAW)<br>Living room in the house of Philip Phillimore. (L. MITCHELL) | Qaqaman qis. Jilitiw pechlerin jaqsi isletiw kerek.<br>Du’t tog’ay.<br>Jaz ayi. Qapiriq issi. |
| b) Two-member sentence | |
| The level of unemployment increased.<br>The course includes practical report writing.<br>The report, commissioned by the Ministry of Education, identified four areas for improvement. | Ko’p uzamay g’awashalar appaq shag’aladay bolip ashildi.<br>Ku’n ko’k gu’mbezinin’ qoynina kirgendey ko’zden g’ayip boldi.<br>Ko’kte qiya ushqan qarlig’ashlar qanat qaqpaqta. |
| According to the aim of speech | |
| a) Declarative sentence | |
| Lucy opens the door.<br>My uncle has won the lottery. | Ba’ha’r baslandi.<br>Tisqarida qar borasinlap jawip tur. |
| b)Interrogative sentence | |

| | |
|---|---|
| Do you study at Institute?<br>Are you a student? | Sizler bug’an isenesizler me?<br>Siz qaysi ma’wsimdi unatasiz? |
| c) Exclamatory sentence | |
| What a lovely night!<br>How beautiful it is here! | Duris, aytqani kelgen-da’!<br>Yashasin! |
| d) Imperative sentence | |
| Open the door.<br>Wash your hands | |

As can be seen in the table, even though the compared languages belong to different language groups, the comparison of simple sentences was quite easy. Firstly, types of simple sentence according to the category of composition of sentences, both languages include typology of one-member and two-member sentences.

As for the difference of them, it is expedient to say that according to the aim of speech, English language has four types of sentences which are declarative, interrogative, exclamatory and imperative, whereas in Karakalpak language there are only three of them which are declarative, interrogative and exclamatory. As it is visible that there is no imperative sentence in Karakalpak language.

**Conclusion.** At the end, it should be noted that despite being two different system languages, English andd Karakalpak languages have nearly similar features in terms of simple sentence and its types. However, some distinctive features were also observed.

It is also expedient to mention that when simple sentences of English and Karakalpak languages are analyzed according to composition of sentences, we can see some similarities such as both languages have one-member and two-member sentences. On the other hand, in typology in the perspective of aim of speech, they are quite different that English language has four types like declarative, interrogative, imperative and exclamatory, while Karakalpak language has three of them as declarative, interrogative and exclamatory sentences.

**References:**


**1.** Blokh. Theoretical grammar of English language. M., 1976.

**2.** Bekbergenov A. Qaraqalpaq tilinin’ stilistikasi. No’kis 1990

**3.** Dawletov A., Dawletov M., Qudaybergenov M., Ha’zirgi qaraqalpaq a’debiy tili. No’kis 2009.

**4.** Ilyish B. The structure of Modern English. Moscow 1965

**5.** *Khaimovich B. S., Rogovskaya B. I.* A Course in English Grammar. Moscow,1967.

**6.** Rayevskaya N. Modern English Grammar.

**7.** Seely, John. Grammar for teachers. Oxpecker 2006

# GANDBOLCHILARNI TAYYORLASHDA JISMONIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI

**Ermatov Sherzod Saidovich**
SamDU o’qituvchisi
**Musurmonov Husan To‘raqul o‘g‘li**
SamDU magistri

**Annotatsiya**. Quyidagi qayd etilgan ilmiy ma’lumotlar tadqiqotlar tahlili shuni isbotlamoqdaki, yuqori malakali gandbolchilarni tayyorlashda umumiy va maxsus jismoniy sifatlarni dastlabki o’rganish bosqichidan boshlab shakllantira borish muhim ahamiyat kasb etar ekan. Ko’p yillik tayyorgarlik jarayonida jismoniy sifatlarni rivojlantira borgan sari tanlangan sport turi xususiyatiga moslashtirilishi (ixtisoslashtirilishi) va uning spesifik talablariga javob berishi zarur.

**Kalit so’zlar:** Covid-19, texnik malaka, jismoniy va psixik hislar, taktik kombinatsiyalar, V.I.Izaak ilgari surgan ilmiy g’oyasi, ixtisoslashtirilgan jismoniy sifatlar.

Hozirgi kunda butun dunyo miqiyosida jismoniy sifatlar namoyon etadigan har bir sport turi bilan shug’illanuvchilarning jismoniy holatini saqlash, uning mashg’ulotlarda qatnashishi ham eng katta muommolardan biri bo’lib qoldi. Bunga asosiy sabab 2019-yil paydo bo’lgan COVID-19 Koronovirus shtammining tarqalishi, uning qoldirgan asoratlari, organizmning jismoniy va funksional xolatlarini izdan chiqarishini yuzaga keltirdi, Bu esa o’z navbatida Pandemiya-Lokdaun holatnining joriy etlishini talab etdi. COVID-19 mashg’ulotlar, sport musobaqalari, Jahon va Osiyo birinchiliklari, hattoki Olimpiada musobaqalarining taqvimiy kalendar rejasining o’zgarishiga olib keldi. Bu o’zgarishlar natijasida sportchilarni tayyorlash taqvimiy haftalik, oylik, yillik, mashg’ulotlar o’tkazish sxemasida ham bir muncha o’zgarishlar kuzatildi. Gandbol o’yinida harakat faoliyati turli vaziyatlarga mos

bo'lgan o'zgaruvchan asosida amalga oshiriladi. Keskin qarama- qarshiliklar bilan bog'liq bo'lgan ushbu vaziyatlarda yuqori natijaga erishish gandbolchilardan shakllangan tezkorlik-kuch, chaqqonlik, chidamkorlik sifatlari bilan bir qatorda turg'un aniq harakat qobiliyatini namoyish etish talab etiladi.

Qator tadqiqotchi olimlar (F.A. Abduraxmanov, V.L. Lemeshkov, A.N. Liviskiy, Sh.K. Pavlov, A.I. Yaroskiy, 1992) malakali gandbolchilarni tayyorlashda jismoniy nagruzkalarga moslashuv, jismoniy sifatlarni rivojlantirish, o'quv-trenirovka mashg'ulotlarini tashkil qilish, funksional va texnik-taktik tayyorgarlik jarayonlarini boshqarish hamda bu jarayonni ilmiy qirralarini batafsil ochib bergan.

Sport o'yinlarida texnik malakalarni aniq, tez va samarali ijro etish, taktik kombinatsiyalarni vaziyatga mos mo'ljallangan maqsad sari amalga oshirish har bir sport o'yini turining o'ziga xos xususiyatiga mos jismoniy sifatlar bilan chambarchas bog'liqligi ilmiy asoslab berilgan (L.R. Ayrapetyans, M.A. Godik, 1991). Mazkur mualliflar ayrim sport o'yinlari (futbol, voleybol, gandbol) xususiyatiga mos jismoniy sifatlarni rivojlantirishga mo'ljallangan ko'pgina mashqlar majmualarini alohida-alohida guruhlashtirib qo'llashni tavsiya etishgan. Jumladan, 1-guruh mashqlari o'yin qoidalari doirasida ijro etiladi. 2-guruh – o'yin qoidalari doirasidan tashqari vaziyatda, 3-guruh mashqlari yakuniy zarba yoki to'p otish (gandbol, basketbol) bilan tugamaydi (shug'ullanuvchilar faqat bir-biriga to'p uzatishadi). 4-guruh – har bir shug'ullanuvchi yakka holda o'z mahoratini shakllantiruvchi mashqlarni bajaradi.

V.I. Izaak (1974) e'tiborni jalb qiluvchi ilmiy g'oyani ilgari surgan. Uning fikriga ko'ra, gandbolchi tomonidan trenirovka va musobaqa davomida ijro etiladigan harakat malakalari o'z mohiyati va tuzilishi (strukturasi) jihatidan bir-biridan talaygina farq qilar ekan. Demak, muvofiq malakalar trenirovka va musobaqa davomida turlicha jismoniy sifat asosida ijro etiladi, ya'ni trenirovkada ijro etiladigan sifat va malaka musobaqa davomida ijro etiladigan sifat va malakadan anchagina farq qiladi. Ushbu tadqiqotchining ma'lumotlariga qaraganda, bir o'yin davomida gandbolchi o'rtacha 4945 m masofani bosib o'tar ekan. Shu jumladan 1225 m qisqa masofalarga, 3720 m uzoq oraliqlarga

yugurish to’g’ri keladi. Har bir hujum harakatida 4-10 m, himoya harakatida 2-4 m dan masofa bosiladi. Maydonda harkatlanish tezligi va masofa gandbolchilarning o’yin funksiyalariga bog’liqligi ayon bo’ldi. Bir o’yin mobaynida 44,8 marta hujum qilinsa, bir bora hujumga o’rtacha 27,8 s vaqt ketar ekan, 385 tadan 545 tagacha to’p uzatish 18 dan 22 holatgacha to’pni urib yugurish va 28 tadan 36 tagacha darvozaga to’p yo’llanar ekan. Qizig’i shundaki, o’yinchilarning malakasi qancha yuqori bo’lsa, ular shuncha to’p bilan yugurish harakatini kam bajarar ekanlar. Bu o’yinchilarning bir-biriga tez va aniq to’p uzatish bilan harakat qilishlari evaziga amalga oshirilishi oshkor bo’ldi. Yuqorida qayd etilgan malakalarning soni, texnik qiymati, shiddati va aniqligi maxsus jismoniy sifatlarning qanchalik shakllanganligi va ixtisoslashganligiga bog’liqligi isbot qilindi.

L.F. Morarenko (1975) o’z tadqiqotlariga asoslangan holda gandbolchilarning taktik harakati va ijro etiladigan taktik kombinasiyalarning samaradorligi ko’p jihatdan jismoniy sifatlarga, ayniqsa tezkorlik o’yin vaziyatini tez payqay olish va munosib reaksiya asosida tez va aniq harakat qilish kabi sifat va hislatlarni yuqori darajada rivojlangan bo’lishini talab qiladi deb hisoblaydi.

I.A. Latiyshkevich, N.I. Xomutov (1978)lar gandbolchilar jismoniy tayyorgarligini baholashda jismoniy sifatlarni ko’p tomonlama ifoda etuvchi kompleks mohiyatga ega me’yoriy test mashqlaridan foydalanish kerakligini ta’kidlaganlar.

V.I. Izaak, T.E. Nabiyev (2005) lar gandbolchilarning musobaqa faoliyatini atroflicha talqin etib, musobaqa samaradorligini oshirish uchun ixtisoslashgan jismoniy sifatlarni alohida shakllantirish zaruriyatini e’tirof etganlar. V.V. Toropov, I.Yu. Kolenkova, V.Ye. Yefremova (2005)lar ham musobaqa davomida yuqori natijaga erishish imkoniyati ko’p jihatdan jismoniy va psixik hislatlarga bog’liq ekanligiga e’tibor qaratishgan.

**XULOSA**

Yuqoridagi qayd etilgan ilmiy ma’lumotlar tadqiqotlar tahlili shuni isbotlamoqdaki, yuqori malakali gandbolchilarni tayyorlashda umumiy va maxsus

jismoniy sifatlarni dastlabki o’rganish bosqichidan boshlab shakllantira borish muhim ahamiyat kasb etar ekan. Ko’p yillik tayyorgarlik jarayonida jismoniy sifatlarni rivojlantira borgan sari tanlangan sport turi xususiyatiga moslashtirilishi (ixtisoslashtirilishi) va uning spesifik talablariga javob berishi zarur. Ana shundagina muayyan sport turida texnik-taktik mahoratni shakllantirish va yukori sport natijasiga erishish imkoniyati ortib boradi. Shu bilan bir qatorda adabiyotlar tahlili shuni ko’rsatadiki, gandbol yo’nalishida va xususan gandbolga dastlabki o’rgatish bosqichida maxsus jismoniy sifatlarni rivojlantirish nazariyasi va uslubiyatini ilmiy asoslab beruvchi tadqiqotlar hajmi va doirasi juda chegaralangan ekanligi ma’lum bo’ldi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.Goncharova O.V. “Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish”. T., O’zDJTI matbaa nashriyoti bo’limi, 2005 y. 57-b

2.Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati. Prof. R.Salomovning umumiy tahriri ostida. 1 tom. T., “ITA Press” nashr., 2014. 78-b.

3. Ayrapetyans L.R., Godik M.A “ Sport o’yinlari “ T., 1991

4. Akramov J.A Gandbol JTI uchun darslik, T., 2008

# TABIATNI SEVISHGINA EMAS, UNI SAQLAB QOLISH UCHUN KURASH HAM YOZUVCHINING MUQADDAS BURCHI YOXUD PIRIMQUL QODIROVNING “OLMOS KAMAR” ROMANI HAQIDA

**Jalilova Muxlisa**
Samarqand davlat universiteti 3-bosqich talabasi
dinaraislamova777@gmail.com

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada O’zbekiston xalq yozuvchisi Pirimqul Qodirovning mashhur romanlaridan biri “Olmos kamar” romanining ayrim jihatlari tahlilga tortilgan.

**Kalit so‘zlar:** roman, syujet, Xanoye, modern, ekologik roman, erk, hayo.

Odatda, men kayfiyatimga qarab kitob tanlayman. Ba’zida klassika, ba’zida esa tarixiy, ba’zida esa o’ta zamonaviy-modern asarlarning chanqog’i tutadi. Tabiat tasviri bilan bog’liq ya’ni peyzaj asarlarni mutolaasini uncha xushlamayman. Biroq, bu safar ushbu kitobni menga bayram arafasida bir kursdoshim sovg’a qildi. Sovg’a bahona ushbu kitob mutolaasiga kirishdim. Romanlarni uzoqroq muddat o’qirdim. Negadir, bu safar unday bo’lmadi. Asar syujeti qiziqligi va o’ta tarbiyaliligi, ishonarli faktlarga boyligi bilan meni maftun etgan edi. Bu roman Pirimqul Qodirovning eng mashhur asarlari sirasiga kiradi. “Olmos kamar” adabiyotda kam uchraydigan ekologik romanlardan biridir. Asar 1983 yil SSSR Yozuvchilar uyushmasining mukofotiga sazovor bo‘lgan va 1987 yil vetnam tiliga tarjima qilinib, Xanoyeda chop etilgan. Asar tabiatning go’zal tasvirlari bilan boshlanadi. Bosh qahramon Abrorning hayoti yaxshi. Bir qizi va bir o’gli bo’ladi. Kasbi arxitetktor bo’lgan bu obraz o’z sohasi bo’yicha yaxshi mutaxassis, olim bo’ladi. Uning kursdoshi Sherzod ham arxitektor, yaxshi lavozim egasi edi. Biroq, u Abrordan qaysidir ma’noda nafratlanadi. Sababi, Abror Sherzod talabaligida ko’ngil bergan qizi Vaziraga uylanadi. Sherzodning muhabbatini Vazira rad etadi. Shu-shu sabab Sherzod Abror

bilan doim qarama-qarshiliklarga uchraydi. Abror Toshkentning Bo'zsuv kanalini tarixiy qismini saqlab qolishni xohlaydi, Sherzod esa barchasini buzib, uning o'rniga yangi uylar qurishni yoqlab chiqadi. Va shu yo'lda u Abrorni "mahalliychilik", "maddohlik", "eski urf-odatlarga sodiq qadimchi" kabi ayblar bilan ayblaydi. Abrorning ayoli Vazira ham hatto bir muddat uni shunday deb o'ylaydi. Sherzod hatto Abrorning ayolini ham yo'ldan urib, uning oilasini buzishga harakat qiladi. Ammo, abror o'zining ham, ukasining ham, qaynisi Alibekning oilasini ham mustahkam saqlab qoladi. Asar oxirida Sherzodning asl qiyofasi ochilib, ichi qoraligi va manmanligining jazosini oladi. Abror esa o'ziga xos ijobiy hislatlarga ega obraz sifatida gavdalanadi. "Olmos kamar" tarixiy roman. Romanda bosh qahramonlar Abror va Sherzodning ma'naviyat, kasb, ruhiyat, shuurdagi kurashlarini, hayot, oila, el-yurtga qarashlari aro ziddiyatlarni ko'rsatish asosiga qurilgan. Abrorning turmush o'rtog'i Vazira ham ziyoli ayol. Oilaparvar ayol bo'lish bilan birga, el-yurt dardi bilan yashaydi. Bu yo'lda qiyinchiliklarga, turli xushomadlarga duch keladi. Biroq, oilasi va yurtining sha'nini saqlab qoladi. Abror va Sherzod ham arxitektor - yangi shahar bunyod etuvchi va uni obodonlashtiruvchi mutaxassis. Lekin tarbiyasi, tabiati, burch va ma'suliyatga munosabati, muhabbatga, oilaga qarashda farq kuchli. Abror elparvar, adolatgo'y, maydonlarga ko'rk berishda milliy udumlarimiz, an'analarimizga rioya qilish tarafdori. Bahrom esa ishni o'zboshimchalik bilan amalga oshirishga moyil. Yozuvchi ularni murakkab kechinmalar, iztiroblar, adashishlar, to'g'ri yo'lni topa olish natijasidagi quvonchlar ichida ko'rsatadi. Abror Toshkentdagi Bo'zsuv anhorining juda qadimiy anhorlardan biri ekanligini, uni tarixiy qismini saqlab qolish yo'lida Sherzod bilan qarama-qarshilikka uchraydi. Biroq, yaxshilik va yomonlik bilan kurashda doimo ezgulikning qo'li baland kelishi oqibatida uning ezgu fikrlari amalga oshadi. Asar bilan tanishgan kitobxon muallif atrof muhitni muhofaza qilish, tabiatni asrash,shaharni ko'kalamzorlashtirish masalasini birinchi va asosiy muammo deb hisoblaydi, shuning uchun"Olmos kamar" ekologik roman degan tushuncha paydo bo'lishi mumkin. O.Sharafiddinovning yozishicha, Pirimqul Qodirov "butun ijodi davomida ona tabiat kuychisi sifatida ham ko'rinadi. Pirimqul tabiatni sevishgina emas, uni saqlab qolish uchun kurash yozuvchining muqaddas burchi ham

ekanini tushundi... Pirimqul so'nggi romanlaridan biri "Olmos kamar"ni ham shu masalaga bag'ishladi". Umuman, ma’lum bir sohani qamrab olgan asar yaratishda, ayniqsa u ekologiya va atrof-muhit bilan aloqador asar bo’lsa, juda katta ilmiy bilimga ham ega bo’lish talab etiladi. Syujet davomida ekologiyaga oid shunday tushunchalarga duch kelasizki, ularni albatta, soha ensiklopediyasidan axtarib, ma’nosini chaqishga to’g’ri keladi. Bu, yozuvchining boshqa soha vakili bo’lishiga qaramay, o’sha tushunchalarning mohiyatini kitobxonga yetkazib berishdagi salohiyatiga bog’liq. Pirimqul Qodirov, bu mas’uliyatni a’lo darajada uddalagan. Siz asarni o’qish bilan nafaqat ma’naviy hordiq, balki ancha bilimlarga ham ega bo’lasiz. Milliy an’ana va udumlarni zamonaviylik bilan uyg’unlashtirgan holda yaratilgan san’at asralarining bir qancha g’oyasi bilan ham tanishasiz. Abror obrazida esa, an’ana va udumlarga sodiq, haqiqiy elparvar faol jamiyat a’zosini ko’rasiz.

Roman insonlarni oila muqaddas va ma’naviyatli qo’rg’on ekanligi, uni asrab avaylash esa asosiy burch ekanligini ko’rsatib bergan. Ona tabiatimizni ham ana shu oilani asraganday asrash esa insoniy fazilatlarning biridir. O’z sohasining ustasi, diyonatli va sabrli insonlarning obrazi har bir kitobxon uchun tarbiya vositasi bo’ladi deya olaman. Zero, haqiqat – bukiladi, egiladi ammo sinmaydi. Insonning oxirgi daqiqagacha o’ziga ishonishi, vijdoni oldidagi mas’uliyati ham komil inson qiyoasining bir shaklidir. Yaxshi oila - odamni ichdan mahkam tutib turadigan bebaho bir kamar. Yaxshi oilalarda ham odamni ichdan mahkam tutib turadigan ma’naviy fazilatlar Kamari bo’ladi. Odam bolalik yillaridan boshlab ota-onasidan, mahalla-ko’ydan, butun xalqidan qanday yaxshi fazilatlarni meros olsa, qanday yaxshi odatlar-u ana’anlarni o’rgansa, hammasi olmos qirralariga o’xshab, mana shu kamrga yig’ilib boradi. Avlodlar orasidagi mehr-oqibat – olmos kamarning eng yirik gavhari.Kichik oylik olish, hatto kambag’al bo’lish ayb emas, lekin ma’naviy jihatdan qashshoq bo’lib yashash – ayb. Olmos kamarni hech sovg’a qilmaydi. Uni pulga olib bo’lmaydi. Uni har bir kishi o’z kuchi bilan umr bo’yi qalbida zarralab to’plab, ma’naviy boylik qilib yig’adi. Erkning bo’lgani yaxshi. Lekin shu erkning hayo degan bir chegarasi bo’lishi kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.P.Qodirov, “Olmos kamar”, Toshkent, 2019.

2.O.Sharafiddinov “Davondagi o’ylar”, Toshkent.

# COVID-19 PADEMIYASI DAVRIDA ISPANIYADA TURIZM RIVOJLANISHINING O’ZIGA HOS XUSUSIYATLARI

**Muxtorov Rashidjon Ravshanjon o’g’li**
TDShU talabasi
muhktarovrashidkhan@gmail.com

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Ispaniyaning turistik imkoniyatlari va turistlarning oqimi haqida yoritilgan bo’lib, Covid-19 pandemiyasining turizm sohasiga ta’siri va oqibatlari, qabul qilingan dasturlar keltirib o’tilgan.

**Kalit so’zlar:** Covid-19, turizm, turistik markazlar, sayyohlar, turist, turagentliklar, turoperatorlar, Nuetsra Señora de Kandelariya.

**Аннотации:** В этой статье обсуждаются туристические возможности Испании и приток туристов, влияние и последствия пандемии Covid-19 для туристической индустрии, а также принятые программы.

**Ключевые слова:** Covid-19, туризм, туристические центры, туристы, туристические агентства, туроператоры, Nuetsra Señora de Candelaria.

**Annotation:** This article discusses Spain’s tourism opportunities and influx of tourists, the impact and consequences of the Covid-19 pandemic on the tourism industry, and the programs adopted.

**Keywords:** Covid-19, tourism, tourist centers, tourists, tourists, travel agencies, tour operators, Nuetsra Señora de Candelaria.

Ispaniya dunyoning eng katta turistik markazlaridan biridir. Statistik ma’lumotlarga ko'ra bu yerda yiliga 280 kun quyosh charaqlaydi. Ushbu fakt sayyohlarni magnitdek o'ziga tortadi. Sayyohlar orasida juda mashhur bolgan Ispaniya yiliga keladigan chet elliklar sayyohlar soni bo'yicha qo'shni Fransiyadan

so'ng ikkinchi o'rinda turadi. Ammo koronavirus pandemiyasi sababli ko'pkina dunyo mamlakatlari qatori Ispaniya uchun ham 2020-yil og'ir, sinovli yil bo'ldi. Davlat chegaralarining yopilishi, yuzaga kelgan iqtisodiy tanglikni bartaraf etish mamlakatning asosan o'z ichki imkoniyatlaridan kelib chiqib, vaziyatni barqaror ushlab turishni, birinchi navbatda oziq-ovqat xafsizligini taminlashni taqozo etadi. Bunday payitda odamlar ko'ngliga sayir-u sayohat sig'madi, istaganlarida ham bunga imkonyat bo'lmadi. Tabiki, bu nafaqat Ispaniya balki butun dunyo turizm industiryasiga ham o'z tasirini ko'rsatdi. Ko'pgina dunyo mamlakatlari qatori Ispaniyada ham infeksiyaning oldini olish bo'yicha ko'plab ishlar amalga oshirldi afsuski, butun insoniyatga xavf solgan bu ofat Ipaniya uchun ham o'z tasirini ko'rsatsdi. Mamlakatda dastlabki COVID-19 bilan kasallanish holati 2020- yil 31-yanvarda Kanar orollaridagi La Gomera shahrida aniqlandi. Germaniyalik sayyoh ijobiy natijalarni sinab ko'rldi va Nuetsra Señora de Kandelariya Unversitet kasalxonasiga yotqizildi. Ikkinchi holat esa 9-fevralda Palear de Mallorcoda shahridagi Biritanyalik sayyoh tegishliligi anqlangandan so'ng mamlakatda barcha mamlakat sayyohlari uchun qattiy karantin cheklovlari joriy etildi. Ispaniya chegaralar yopilishishi bilan sayyohlarning sevimli joylari huvillab qoldi. Mamlakat koronavirusga qarshi samarali kurashdi, ammo pandemiyaning iqtisodiyotga tasiri izsiz o'tmadi. Iqtsdiyotning katta daromadlaridan biri bo'lgan turizm sohasi deyarli to'xtadi. Pandemiya natijasida Ispaniya iqtisodiyoti joriy yilning birinchi choragida 5,2 foizga qisqargan. Markaziy bank sayyohlikdan katta daromad ko'ruvchi bu mamlakatda yil davomida iqtisodiyot 12,4 foizga tushushini bashorat qilmoqda. Mamlakatda birinchi o'lim holati Nepalda bo'lgan 69 yoshli kishida qayd etildi. Jon Hopkins unversiteti tomonidan e'lon qilingan so'nggi statistik malumotlarga ko'ra Ispaniya koronavirus infeksiyasin bilan kasallanish holatlari soni boyicha butun dunyoda 5- o'rinda bormoqda. Mamlakatda 234 mingdan ziyod odamda COVID-19 infeksiyasi aniqlangan, 28 mingdan ko'proq bemor kasallik asoratlari oqibatida vafot etgan. Ispaniyada karantindan chiqshning to'rt bosqichli strategiyasi qabul qilingan. Hukumat rahbari endilikda Ispaniya turizimi ikki asosiy jihat: ekologik barqarorlik va sog'liq xavfsizligining taminlaganlik darajasi yuqoriligi bilan ajiralib turishini

takidlamoqda 2021- yil aprel oyi o'rtalaridan koronavirus infekdiyasi bilan kasallanishlar soni va mamlakatda COVID-19 dan o'lim ko'rsatkichi kamaya boshlagan.2- maydan pandemiya sabab joriy qilingan karantin me'yorlari yumshatila boshlangan. Jumladan, mamlakat aholisining sayirga chiqishi va ko'chada sport bilan shugullanishga ruxsat berildi.11- mayda Ispaniyada bir sutkada virusdan vafot etganlar soni 123 kishigacha kamayganligi xabar qilingan. 2020-yil butun statistikalar tarixida jahon turizimi uchun eng yomon yil boldi. Chegarani bosib o'tuvchi turistlar soni 2019-yilga nisbatan 1 milliardga kamaygan. 2019-yilda bu ko'rsatkich 1,5 milliard turistni tashkil etgan edi.

Hozirda mamlakatdagi epidiamolgik holat yahshilanmoqda lekin butun insoniyatga xavf solgan bu balo Ispaniya iqtsodi va turizmi uchun ham katta fojiya boldi. Mamlakat qo'shni davlatlar bilan hamkorlikda xavfsiz turizm yonalishlarini ishlab chiqmoqda va turizmni qayta tiklash yolida ko'plab ishlar amalga oshirlmoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.www.mfa.gov.tr

2.tr.euronews.com

3.https//kun.uz

4.https//BBC.com

# A QUICK AND EASY METHOD OF TEACHING ENGLISH FOR PRIMARY SCHOOL

**Asadova Chehrangiz Salimovna**
**Timirxanova Nazokhat Valixon qizi**
Student of Samarkand state institute of Foreign Language

**Abstract:** This article focuses on methods that are of interest to primary schoolers , rathan than as an obligation to teach them English language.

**Key words:** Education, pedagogical, knowlege, teching, teacher, primary, method.

As we live in the process of globalization today, we are witnessing that the education of the younger generation has risen to the level of public policy of educating them in all respects mature and perfect.

One of the decisions that has led to positive changes, especially in primary education, is the Resolution of the First President of the Republic of Uzbekistan dated December 10, 2012 No. PP-1875 "On measures to further improve the system of learning foreign languages.in accordance with this decision to teach foreign languages, mainly English from the primary school, to increase their interest in teaching foreign languages in all secondary schools from the 1st grade to teach English in a variety of fun games and at the same timeThe development of students' oral speech, and from the 2nd grade onwards, the teaching of the alphabet and grammar through modern methods and innovative technologies began in stages.

In recent years, more and more people are learning English. Living without knowing the language is also a challenge. For example, many parents are unable to help their children with the tasks given by the teacher because they do not know English, and as a result, the child has to go to extra classes to learn what he or she

understandswhich in turn requires additional funding.Scientists have proven in many studies that age plays an important role in language learning.

One of the main reasons for this is that children have a strong tendency to learn a language and have more time than adults to remember what they have heard and seen, and to memorize what they have learned.

according to research by American scientists, "a child's brain can have an infinite amount of information." It is these 6-7 year olds who do not understand the meaning of the data, but memorize it mechanically as they wish. therefore, starting grammar for primary school students can be very tedious and can weaken their desire to learn a language, as it is difficult to teach a foreign language to primary school students, but it is also a responsible task.

These techniques can be used to quickly and accurately teach English to elementary schoolers.

- Pronunciation - most language learners find it difficult to pronounce in English, and face many problems in this regard. It is more effective to prevent this and to teach children to pronounce words correctly by means of poems and songs, so that they can pronounce such words correctly and memorize them.
- Teaching through cartoons. It helps children develop hearing and comprehension in English and from this children will never get tired and bored. It is fun for the kids to see their favorite characters speak English. Because imitation is so powerful in children, they can memorize every word and gesture of the protagonist very well.
- Fun games. We all know that children love games. An example of this is the game of "pantomime". .The teacher should show the word to the students through facial expressions and they should find the word and say its English name. The purpose of such games is to attract passive students to the lesson and to involve them actively.

Learning through sensory organs.using this method we will need a number of fruits and vegetables, we will be able to cut the vegetables and fruits into pieces and find the name in English by feeling what kind of fruit or vegetable the student is tasting and holding while closing his eyes.

- Mixed technique. such a method covers all games, children can choose the direction of their choice. children can draw, describe, sing and use new words to tell different riddles. There is only one thing that students can donot limited to. As a result, such methods allow children to say the English name when asked by the teacher what size, color, taste and smell the body feels through the senses, and students retain such tastes and shapes in their memories for a long time.

In conclusion, teaching language to primary school students is not an obligation, but can serve as a foundation for their future knowledge if different methods are used in the form of fun games. In order for our children to become educated adults, we are constantly researching how future teachers can contribute to the development of new methods and technologies.

**References:**

1. Resolution #PR-1875 of the 1st president of the republic of Uzbekistan on 10 december in 2012

2. Teaching intercultural communication in English.

3. Positive Trains of Teaching Language Through Literature [2020].

# ABDULLA QAHHORNING SO‘Z TANLASH MAHORATI

**Umida Baxtiyor qizi Odamboyeva**
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti 1-bosqich talabasi
Ilmiy rahbar: **Qodirjon Abdurasulovich Mo‘ydinov**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Abdulla Qahhor ijodi bilan tanishgan holda uning asarlarida qo‘llanilgan so‘zlar, birikmalar va iboralar tahlilga tortiladi. Yozuvchining mahorati haqida fikr yuritiladi.

**Kalit so‘zlar:** Abdulla Qahhor ijodi , badiiy so‘z , adabiy tahlil , obrazli tasvir , yozuvchining mahorati , so‘zlarning siqiqligi .

## ABDULLAH QAHHOR’S SPEECH SELECTION SKILLS

**Abstract**

In this article, the words, combinations and phrases used in Abdullah Qahhor‘s works are analyzed . The skill of the writer is discussed.

**Key words:** Abdullah Qahhor**‘s** work, artistic word, literary analysis, figurative image, writer’s skill, word density .

**KIRISH**

Har bir ijod sohibi bevosita so‘zga murojaat qiladi. Adabiyotning quroli bo‘lmish so‘z yordamida o‘zining xayoliy olamini qog‘ozga tushiradi va shu tarzda yangi bir asar dunyoga keladi.

Adibning o‘z asarlarida qo‘llagan so‘z va iboralari qaysidir ma’noda uning ma’naviy olamini ochib berishga xizmat qiladi. Bu haqida Abdulla Qodiriy shunday deydi: “Yozuvchini, garchi shaxsan tanilmasa ham, asarlarini o‘qib, qanday tabiatli shaxs ekanini g’oyibona bilish, tasavvur qilish mumkin.Chunki u asarlarida, asosan o‘z tabiatini, ruhini tasvirlaydi ” [1]. Shunday yozuvchilarimizdan biri bu – Abdulla Qahhordir.

**ASOSIY QISM**

Uning asarlarida tasvirlangan so‘zlar miqdorini ko‘rib hayratda qolasan kishi. Abdulla Qahhor asarlarida so‘zlar siqiqligi va ma’noning kengligi o‘zaro uyg‘unlashib go‘zal badiiyat yaratgan. Yozuvchi so‘zga shunchalik xasiski, agar bu mitti durdonalarning har birini qayta hikoya qilgudek bo‘lsa, hikoyaning o‘zidan ko‘ra ancha ko‘p joyni egallagan bo‘lar edi, yozuvchi tilining hayratomuz ramziyligini , o‘z qahramonlari qalbiga teran kirib borishini , ularning qayg‘u va alamlariga chuqur insoniy munosabatda bo‘lishini aytmaysizmi ?!

Misol uchun “O‘g‘ri ” hikoyasini olaylik. Qobil boboning ho‘kizini o‘g‘ri urib ketgan … Chol ellikboshiga arz qilib boradi. Albatta, ellikboshinikiga quruq qo‘l bilan borib bo‘lmaydi. Sovg‘ani olib ellikboshi bu haqda mingboshiga xabar berajagini aytadi, o‘z-o‘zidan ma’lumki, bu ish ham sovg‘asiz bitishi qiyin . Har qalay, sovg‘a o‘z kuchini ko‘rsatmay qolmaydi: mingboshi qoziga xabar qilishga va’da beradi. Shunda busiz ham ro‘shnolik nimaligini bilmagan cholning “qora kun ” ga atab olib qo‘ygan so‘nggi bisotlarini oxirigacha qoqib –suqib olib borishdan o‘zga chorasi qolmaydi… To‘rachilikka asoslangan mazkur jamiyatning eng yuqori, mo‘tabar dargohiga yetganda Qobil bobo o‘sha davr uchun mutlaqo xos bo‘lgan birgina javobni eshitadi : “ Ho’kizing yo’qolmasdan ilgari bormidi o’zi ? ”

Juda katta fosh etuvchi kuchga ega bo’lgan, hayotning og’ir yuki ostida ezilib, adoyi tamom bo’lgan bir kichik odamga nisbatan mehr va xayrixohlik hissi bilan sug’orilgan bu hikoya bor- yo’g’i uch betdan iborat , xolos ![2] Lekin shu ixchamlik bag’rida olam-olam ma’no mujassam .

Abdulla Qahhorning “Nurli cho’qqilar” hikoyasida ham yozuvchining ijodiy mahorati yaqqol namoyon bo’ladi. Bu hikoyada to’qqizinchi sinfning a’lochi qizlaridan, ota-onasiga rahmatlar eshittirgan qiz (Zuhra) birdan yo’qolib qoladi. Yozuvchi farzandi yo’qolgan ota-ona holatini shunday tasvirlaydi: “Chol-kampir boshqa xunuk xayollarga bormaslik uchun bir-birini ovutdi: Zuhra qoqvosh, ta’bi nozik, dimog’dor qiz bo’lib, maktabdoshlariga qo’shilmas edi, shahardan lola tergani chiqqan qizlardan birontasi ta’biga yoqib, o’sha bilan ketgan bo’lsa ajab

emas . ("Biron yigit bilan qochib ketmadimikan", deganda til bormas edi.) Ko'ngliga yo'l berish mumkin bo'lgan va birdan bir xayriyatli gumon shu bo'lib qoldi" . Yuqorida ko'rsatilgan satrdagi har bir so'z ortida ma'no yashirin. Bu ma'nolardan asosiysi: o'zbek qizlarining iffati va hayosi hamda ota-onaning el-u yurt oldidagi nomusidir. Chunki har birimizga ma'lumki, o'zbek xonadonida qiz farzandning birdan yo'q bo'lib qolishi oddiy hodisa emas.Shu narsani teran anglagan yozuvchi bu hodisani "xayriyatli gumon" tarzida qisqalik ortiga mohirona yashirgan.

Abdulla Qahhor asarlariga qisqalik bilan birgalikda soddalik va jo'nlikni ham uyg'unlashtira olgan yozuvchidir. Buni uning "Mahalla" nomli hikoyasi misolida ham ko'rishimiz mumkin. Hikoya Hikmat buvaning ayoli, Rohat buvining vafoti bilan boshlanadi. Yozuvchi bu jarayonni shunday tasvirlaydi: "Kampir shu yotganicha ertasiga ham turgisi kelmadi, indiniga turolmadi, uchinchi kuni yuragi birpas qattiq urib turdi-yu, birdan bo'shashib, o'ldi–qoldi …" Abdulla Qahhor qahramon o'limigacha bo'lgan uch kunni shu darajada soddalik va qisqalik bilan tasvirlaganki, bir qarashda kitobxonga ta'sirsizdek tuyuladi. Lekin jumlalarni takror o'qigan va mag'zini chaqqan kitobxon qisqalik va chuqur mazmun uyg'unlashuviga guvoh bo'ladi. Hikoya davomida ayolidan ayrilgan Hikmat buvaning holatini tasvirlashda quyidagi jumla qo'llanadi: "… har bir tovush o'lim bo'lib uning miya qopqog'ini chertar edi". Qarigan chog'ida suyangan insonidan ayrilgan qahramon kechinmalarini tasvirlashda qisqalik va chuqur mazmun uyg'unlashuvidan iborat shu kabi birliklardan foydalanish, uni o'qiguvchi inson onggi va qalbiga ta'sirchan qilib yetkazish Abdulla Qahhorning mahoratidan darakdir .

Abdulla Qahhor uchun uning "Qisqalik – iste'dodning singlisi" degan iborasi juda aziz edi. Suhbatlaridan birida u "Bemor" hikoyasining birinchi jumlasi qanday yozilganini , o'ttizga yaqin va-rag'ini qora qilib ( Abdulla Qahhor yozilgan so'zining ustidan chiziq tortmas edi , jumla buzilsa so'z yoki harf xato bo'lsa , yangi varaqqa yozib chiqar edi ), nihoyat eng qisqa, eng aniq ifoda topganini aytib bergan edi: "Sotvoldining xotini og'rib qoldi"." Bu jumlaning fazilati bitta, -degan edi , - fikr to'rtta so'zda bayon qilingan " [3].

**XULOSA**

“Bemor” hikoyasining nafaqat so’zlari va gaplari, balki, sarlavhasida ham chuqur ma’no mavjud. Garchi hikoya nomi beshta harf va beshta tovushdan iborat bo’lsa-da, u kitobxonni uzoq mushohada qilishga chorlaydi. Ushbu hikoyani o’qigan inson shuni anglaydiki, yozuvchi hikoyadan ko’ra uning nomiga ko’proq ter to’kkan. Sababi, Abdulla Qahhor qisqalik yordamida insonni fikrlashga chorlaydigan asarlar yaratishning ustasi, shu tufayli u uchun asardagi mayda detallardan tortib sarlavhagacha muhim ahamiyat kasb etadi.

Abdulla Qahhor asarlari, xususan, mashhur hikoyalarining sehri ularda hayot haqiqatining hamda ba’zi holatlarda hayot haqiqatidan ham ko’ra badiiy haqiqatning kuchliroq, chuqurroq, teranroq ekanligidir [4].

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.11-sinf adabiyot 2-qism. “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti , Toshkent ,2018 .

2. Odil Yokubov, Adabiyotimiz faxri ,Toshkent, “O’zbekiston” ,2007.

3.Erkin Vohidov Adabiyotimiz faxri ,Toshkent, “O’zbekiston” ,2007.

4.Baxtiyor Nazarov,Adabiyotimiz faxri .Toshkent .

A.Qahhor “Ming bir jon ”. “ Ziyo nashr ” , Toshkent , 2019.

# OROL DENGIZI QURISHI YOHUD EKOLOGIK MUAMMO

**Xolmatova Barno**

Farg`ona Jamoat Salomatligi Tibbiyot Instituti, Davolash ishi 3-kurs talabasi

## ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada Orol dengizning ekologik ahvoli va muammolari,fojianing ilk sabablari nimada? Fojiaga o`zi nima olib keldi? Orol yana tiriladimi degan savollarga javob topishingiz mumkun. Shuningdek orol dengizning bugungi ahvoli va ekologik muammoni qay yo`sinda hal qilish haqida ma`lumot berilgan.

**Kalit so`zlar:** Markaziy Osiyo, Amudaryo, Sirdaryo, Zarafshon, sazan, oshqozon raki, pestidsid, tif, gepatid .

Kirish. Orol dengizi – O`rta Osiyodagi eng katta berk sho`r ko`l . Ma`muriy jihatdan yarmidan ko`proq janubi - g`arbiy qismi Qozog`iston hududida joylashgan. Maydoni 690 ming km.kv ,hajmi 1000 km.kub, uzunligi 428 km, chuqurligi 16,5 metr. Yozda yuqori temperaturasi 27 c ga yetadi. Orol dengizi sazan, cho`rtan, so`vyan, sudak, laqqa, pilmay, kabi baliqlarga boy edi. 1960- yillargacha maydoni 68,000km.kv bo`lib, dunyoda, kattaligi bo`yicha to`rtinchi ( Kaspiy dengizi , Amerikadagi Yuqori ko`l va Afrikadagi Viktoriya ko`lidan keyin, Yevrosiyo materigida ikkinchi o`rinda . Biroq , uni ta`minlovchi Amudaryo va Sirdaryo suvalarining ko`p miqdorda irrigatsiyaga sarflanishi uning hajmini keskin kamaytirdi. 2007- yilga kelib Orol dengizi maydoni 50 yil avvaliga nisbatan 90% qismini yo`qotib, uchta alohida ko`lga aylandi. Sho`rlik oshishi nabodot va hayvonot qirilishiga sabab bo`ldi.

Mahalliy iqlim o`zagardi: yoz issiqroq, qish esa quruq va sovuqroq bo`la boshladi.

Orol dengizi maydoni 2010- yildagi ma`lumotlarga ko`ra 13,900 km.kv . Hozirda Orol dengizini maydoni suv sathi ortishi bilan maydoni ham kengaymoqda.

Mavzuning dolzarbligi. Ilm - fan olaming rivojlanishi geografiya fanini ham chetlab o`tmadi. Fan sohasida ilmiy ishlar olib borildi okean ortiga sayohatlar uyishtirildi. O`rta Osiyoning yirik ekologik muammosiga aylanib

borayotgan Orol dengiz muammosini hal qilish ustida bir necha bor ilmiy izlanishlar olib borildi. Izlanishlar shuni ko`rsatdiki suzvning sho`rligi 10-11% ga , dengiz tubidan ko`tarilgan chang – tuz to`zoni 5% ga yetgan, tuzlarning ko`proq qismini osh tuzi va magniy sulfat tashkil etadi. Orol dengizi suvining tarkibidagi suvning tarkibidagi tuz miqdori 11 mlrd tonnaga yaqin . Shuningdek o`nlab kasalliklar avj olgan , 4 milliondan ortiq aholi suvsiz qolgan. Aholi orasida kasallanish kunsayin avj olib bormoqda . Havoga ko`tarilgan chang - to`zon , suvdagi sho`rlanish gipertoniya , allergiya , poliartrit va markaziy nerv sistemasi bilan bog`liq kasalliklarni vujudga keltirmoqda . Rus olimi Langning ta`kidlashicha arterial gipertenziyani sababchisi bo`lgan psixoemostsianal zo`riqishga organizmda osh tuzining miqdori normadan ortib ketganda yuzaga keladi va oliy nerv faoliyatida nevrotik buzilishlarga olib keladi, shuningdek arterial bosimni ortishiga olib keladi.

Bagam orollarida yashovchi negrlar, Yaponiyaning ayrim hududlarida yashovchi insonlar sutkasiga 20-25 gr osh tuzi istemol qiladilar, shuning uchun ham aholi orasida gipertoniya kasalligi keng tarqalgan. Hayvonlarda ham ushbu kasallik keng tarqalgan va hayvonlarda ham ushbu kasallikni modellashtirish mumkun. Orol fijiasiga befarq bo`lmay , qayta tiklanishi yechimini topsak gipertoniya , allergiya , poliartritning surunkali bo`lishini oldini olgan bo`lardik . Agar Orol qayta tirilsa yuqorida sanab o`tilgan kasalliklar o`z yechimini topadi. Ushbu yechim ustida ilk tashabbusni birinchi prezidentimiz I.A.Karimov tomonidan Markaziy Osiyo mamlakatlari o`rtasida ekologik holatni yaxshilashga doir shartnoma imzolandi.

Maqsad va vaziflari: Orol fojiasi yer sayyorasiga tushgan xunuk tirtiq edi. Dengiz bizga baliqchilikni , transportni berdi. Havoni tuz va qum bo`ronlari bilan emas, kislorod bila boyitdi.

Markaziy Osiyoni o`z xomashyo bzasiga aylantirgan Sovet Ittifoqi shu asnoda Orol dengizini, uning tubidagi baliqlarni, uning atrofidagi tabiat va jonzotlarni xarob qilgan. Zavod va fabrikalarning zaxarli mahsulotlarini daryoga oqizish natijasida suvning tarkibidagi pestidsidlarning miqdori keskin ortdi. Oshqozon raki, tif, gepatid bilan kasallanish qariyb o`n barobar oshdi. Bu kasalliklar biz bo`lajak tibbiyot xodimlarini ham befarq qoldirmadi. Xo`sh, sizningcha sabab nima?. Bu borada shuni aytish mumkunki o`tgan asrning 60-yillarida O`rta Osiyoning barcha respublikalarida yiliga 70- 80 ming gektar yer o`zlashtirilar edi. Aynan o`sha davrda avj olgan yirik korxonalar qurish Orol dengiziga o`z ta`sirini ko`rsatmay qolmadi. Tarozning bir pallasida ekologik muammo, ikkinchisida qishloq xo`jaligi va raqamli iqtisodiyotni rivojlanishi

turadi. Ikkala pallaga qanday teng ta`sir etish haqida o`ylayapsizmi donishmand xalqimizni izlanishlari besamar ketmadi. Qishloq xo`jaligi ekinlarini tomchilab sug`orishni yo`lga qo`ydik va minglab tonna suvni tejashga muofaq boldik. Orol dengizning oldingi ko`lamini 30% gacha tiklashga muofaq bo`ldik. Kelajakda baliqchilik va sayyohlikni yo`lga qo`yish ustida ish olib borilmoqda. Orol shaharchasi kelajakda Toshkent kabi farovon va boy shaharga aylanadi.

Xulosa: Erol dengizi va uning ekolok muammolarini o`rganar ekanmanmiz bo`lajak tibbiyot xodimida quyidagi xulosalarni chiqardi:

- Orol fojiasi inson hayotiga juda katta xavf solmoqda ayniqsa arterial giperteniya kasalligi kundan kun ortib bormoqda buni oldini olish uchun ekologik muammoga barham berish va havodagi tuz miqdorini nazorat qilish. Bilamizki Giperteniya kasalligini tuzning normadan ko`p bo`lishi ham keltirib chiqaradi.
  Inson uchun birinchi baxt - uning sog`ligi,

  Ikkinchisi-go`zallikdir

**Arastu**

Suv - hayot manbai . Suvning tirik mavjudot hayotida tutgan o`rni benihoya katta. Shuning uchun suvni isrof qilmasligimiz lozim. Ota-bobolarimizdan qolgan bir naql naql bor. Nonning ushog`i ham non shunday ekan suvning bir tomchisni ham isrof qilmay asrab avaylaylik.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

-Uz . m . vikipedia . org
- www . hozir . org
- www . bbc . com
- https://kun.uz
- Gazeta . uz
- https:// daryo . uz
- www.natlib . uz
- www . edupartal . uz
- www . uzscince.uz

# ALISHER NAVOIYNING “NASOYIM UL-MUHABBAT” ASARIDA ORIFA AYOLLAR TALQINI

**Payziyeva Nilufar Zokir qizi**
QarDUPI magistranti
nilufaroripovaagmail.com

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada A.Navoiyning “Nasoyim ul- muhabbat” tazkirasida ayollar talqini, xususan tariximizda o’z o’rniga ega bo’lgan ma’rifatli ayollar va ularning ibratli hayot yo’llari atroflicha o’rganilgan.

**Kalit so’zlar:** tazkira, ulug’ siymolar, ma’rifatli ayollar, obraz

Alisher Navoiy yozgan tazkiraning ahamiyatli jihati shundaki, ungacha yozilgan tazkiralar arab va fors tillarida edi. Navoiy esa sof turkiy tilda “Nasoyim ul- muhabbat” nomli tazkira yozdi. Tazkirada 770 mutasavvuf (735 erkak, 35 ayol) haqida ma’lumot keltirilgan. Abdurahmon Jomiyning “Nafohat ul-uns” asarida 618 ta mutasavvuf zotlar haqida ma’lumot berilgan bo’lsa, Navoiy ularni 770 taga yetkazadi. Ahamiyatli jihati, Navoiy tazkirasida orifa ayollarga bag’ishlangan maxsus qism bo’lib, u Robiya Adaviya ta’rifidan boshlanadi. “Nasoyim ul-muhabbat” asari Abdurahmon Jomiyning “Nafahot ul-uns” tazkirasidan ta’sirlanib yozilgan, mustaqil novatorlik xususiyatlariga ega bo’lgan mukammal tazkiradir. “Nasoyim ul- muhabbat” ning juda ko’p o’rinlarida “Nafahot” ga ishoralar bor. Bu esa ikki tazkiraning mushtarak xususiyatlarini belgilaydi. Navoiy ijodida ayollar obrazi ham alohida ahamiyatga egadir. Alisher Navoiy “Nasoyim ul- muhabbat” da hurmat bilan e’tirof etgan orifa ayollarning fazilatlarini o’zining tarixiy va badiiy obrazlariga ham singdirib yuborgan degan fikrga kelish mumkin. “Farhod va Shirin” dostonida tasvirlangan ,o’zining adolati va donoligi bilan nom chiqargan Mehinbonu obrazi bunga misol bo’la oladi.

Zohidona va so‘fiyona juda ham ko‘p ayollar yashab o‘tganiga qaramay, tasavvufiy manbalarda ular haqida juda ham kam ma’lumot berilgan. Navoiy “Nasoyim” ni

yozishda manbaa sifatida foydalangan Farididdin Attorning “Tazkirat ul- avliyo” asarida orifa ayol Robiya Adaviya haqida batafsil ma’lumot berilgan, ammo boshqa so’fiy ayollar haqida to’xtalmagan. Balki shu boisdan ham Navoiy dastlab Robiya Adaviya ta’rifini keltirgandir. Alisher Navoiy ma’rifatli ayollar haqidagi bo’limni “***Erkaklar martabasiga yetgan orifa ayollar zikri*** “ deb nomlagan. Zikrlarning boshlanish qismida Navoiy shunday keltiradi: “Agar ayollar biz aytgandek bo’lsalar, erkaklardan afzaldurlar. Quyoshning muannas ism ekanligi unga ayb emas, oyning muzakkar ism ekanligi unga faxr emas”.

Navoiy zikr etgan ayollar Basra (Robiya Adaviya, Maryam Basriya, Rayhonayi Voliha, Ufayrayi Obida, Kurdiya ), Bayt ul-muqaddas (Lubobat ulmuta’abbida ), Ajam (Sha’vona), Shom (Hakimayi Dimishqiya), Kufa (Ummi Hasson), Xuroson (Fotimayi Nisoburiya), Ardabil (Fotimai Badriyya), Marv (Bibiyaki Marviya ), Misr (Imra’tun Misriya, Imra’tun Misriyayi Uxro) va Xorazm ( Imra’tun Xorazmiya) hududlarida yashagan. Ko’pchiligining yashagan joyi haqida ma’lumot berilmagan. Navoiy ular haqida qisqacha ma’lumot berish yoki biron ibratli hikoyani keltirish bilan cheklanadi.

Bu qismda birinchi bo’lib, mashhur orifa ayol Robiya Adaviya haqida hikoyat keltiriladi. ***Robiya al-Adaviya*** (713/714 — 801) — zohidlikning ilk vakilasi. Qashshoq arab oilasida tug‘ilib, cho‘ri qilib sotilgan. Keyinchalik xudojo‘yligi va zohidlarga xos turmush tarziga ixlos bilan rioya etgani sababli ozodlikka chiqarilgan. Bir necha yil sahroda yolg‘izlikda kun kechirgan, keyin Basrada yashagan. Robiya Adaviya Allohni sevishdan boshqa jamiki narsalarni rad etish tarafdori bo‘lgan. Allohdan hech bir ta’ma — manfaat ko‘zlamay, uni mutlaq sevish — inson ma’naviy hayotining mohiyati ekanini zohidlardan birinchi bo‘lib ta’kidlagan. Uning g‘oyalari keyingi avlod so’fiylari orasida keng tarqalib, Bistomiy, Mansur Halloj, Ibn Farid, Ibn Arabiy va boshqa so’fiylar ta’limotining asosini tashkil etgan. Robiya Adaviya taqvodorlik, Allohni sevish namunasi deb bilinib, avliyo sifatida ulug‘lanadi. Bu mashhur orifa ayol haqida boshqa manbalarda ham ma’lumotlar bor. Jumladan, “Fariddidun Attorning “Tazkirat ul-avliyo”sida, Navoiyning “Hayrat ul-abror” dostonida ham u bilan bog’liq hikoyatlar uchraydi.

Robiya Adaviya shunday ta’limotni ilgari surdiki, u o’zigacha bo’lgan va unga zamondosh bo’lgan mutasavvuflarga qarshi g’oya edi. Ya’niki, qilinayotgan ibodatlari uchun Allohdan jannatni ta’ma qilish haqiqiy g’ofillikdir. U o’z duolarida shunday derdi: “Ey, Allohim, agarda sening do’zaxingdan qo’rqib, ibodat qiladigan bo’lsam meni abadiy do’zaxingda qoldir, agarda jannat ta’masida duo qiladigan bo’sam ham meni azobingga duchor et. Lekin o’tinaman , yolg’iz sening vaslingga yetish uchun senga iltijo qilsam jamolingdan mahrum etma!” Robiya Adaviya tasavvuf tarixiga *“ilohiy ishq”* tushunchasini olib kirgan birinchi zohid deyiladi.Ya’ni ilohiy muhabbat o’zlikdan voz kechib, dunyoviy orzu – niyatlarni yo’qotish- mahv etishni talab qiladi. Robiya Adaviya dunyo muhabbatidan ko’ngil uzmasdan Iloh muhabbatini qozonish mumkin emas, deb hisoblaydi. Dunyo muhabbati va Iloh muhabbati bir-birini inkor etadigan tushunchlardir. Bunday ilohiy ishq esa faqat xos kishilargagina nasib etadi. Robiya Adaviya shariatni kezib tariqat va hatto ma’rifat zinasini egallagan so’fiy ayol edi. U hol darajasining oxirgi pog’onasida Allohga yaqin turib, uni his etdi, abadiyatga erishdi va yaratganni kashf etdi. Bu manzil esa Alloh yaratgan har xil jannatu do’zax va yeru osmondan ustun edi va shu bois orifa yaratgan jamoliga muhabbat bog’lab, uni qalbi bilan bildi va uning yuziga yuzini qo’ydi. Bu holatda jannat kerak bo’lmasdi, zero Robiya haqiqiy jannatni haq visolidan topdi. Bu holat do’zax qo’rquvini ham rad etardi. Shuning uchun uning vahimasi ham bartaraf bo’lgan edi va u to’g’ridan- to’g’ri Allohga yuz o’girib “seni sevganim do’zaxing vahimasidan emas, vaholanki, uni men hech narsaga arzitmayman, balki sening yuzingga erishganim va unda abadiyat topganimdadir” deydi.

Ma’lumki, “Nasoyim” da nomlari tilga olingan ayollarning ko’pchiligi tasavvufning zohidlik davrida yashaganlar. Shuning uchun ular taqvo va parhezkorlikni bosh maqsad deb bilganlar. Tasavvufda holning qurb, muhabbat, shavq, uns, mujohida, mushohida va mukoshifa kabi bosqichlari e’tirof etiladi.Navoiy tazkirada zikr etgan ayollar orasida islom dini tamadduniga hissa qo’shgan ma’rifatli ayollarning borligi ham katta ahamiyatga ega. Jumladan, tazkirada Bibichayi Munajjima haqida shunday ma’lumot keltiriladi: “Kirmon mulkidandir.Tasavvuf ilmida o’z

davrining eng ilg'ori edi, ammo ko'ngli darveshlikni mayl etgandi. Zamona podshohi va uning haram ahli bu ayolni bag'oyat hurmat qilardilar. U xiyobon boshida, o'z uyi atrofida masjidi jome' qurdi va unga bor boyligini vaqf qilib berdi. U masjid hozirgacha bor va ko'p xaloyiq unda namoz o'qiydi…".

Bibichayi Munajjimani Navoiy "Majolis un-nafois" ning 6- majlisida ham o'z ismi bilan eslatadi. Orifa ayollar zikrida ham xuddi shunday fazilat va karomat egalaridan bir nechasi haqida batafsil ma'lumot berilgan. Jumladan, Hafsa binti Sirinning shunday karomatlari bor ekanki, namozg'a deb chiroq yoqarkanlar va chirog'i o'chib qolsa ham uylaridan nur chiqib turaverar ekan. Ummi Muhammad ya'ni Shayx Abdulqodir Giloniyning ammasi esa o'z karomati bilan yomg'ir yog'dirib Gilon ahlini qurg'oqchilik balosidan asrab qolgan o'zgacha zakovatli yollardan hisoblangan . Bu haqida "Nasoyim" dagi hikoyani o'qigan o'quvchi batafsil ma'lumotga ega bo'ladi.

Navoiy "Nasoyim ul-muhabbat" ning ma'rifatli ayollarga bag'ishlangan qismida pir-murshid masalasiga doir hikoyatlarni ham keltirib o'tadi. Navoiy ijodida ayolga, ayniqsa, onaga alohida ehtirom ruhi sezilib turadi. Uning ijodi mazmun-mundarijasida, g'oyalarida ona roziligi, ona ko'ngli shodligi bilan bog'liq butun nozik masalalar yoritilgan. Navoiy o'z kitobxoniga onalar haqqi- hurmatini, rozilik darajasini hatto islomning farz amallaridan biri bo'lgan haj orqali topgan savobning darajasidan ham yuksak tutish kerakligini uqtiradi. Navoiyning "Nasoyim ul-muhabbat" asarida ma'lumot berilgan barcha valiylar o'ziga xos fazilatlarni kamol toptirgan. Jumladan, orifa ayollar ham bashariyatga o'rnak bo'ladigan yuksak xislatlarga ega. Shunday qilib, tasavvuf ilmi axloq ilmi bilan baqamti va birgalikda jarayon topib, umuminsoniy fazilatlarga boy va olam -u odam taqdiri bilan bog'liq muammolarni targ'ib-tashviq etadi. Insonni kamolotga yetkazishda insoniy fazilatlarni tarbiyalashga e'tibor qaratadi. Kamolotga erishish jarayonida esa ayollarning o'rni beqiyosdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar**:


1. Alisher Navoiy. "Nasoyim ul- muhabbat"
2. Bahriddin Umrzoq "Soliha ayollar" Toshkent.2003
3. Navoiy asarlari lug'ati. Toshkent.1972.
4. Rajabova B. "Nasoyim ul-muhabbat" da onalar obrazi. O'zbek tili va adabiyoti,2013, 3-son
5. Ramazonov N. "Nasoyim ul-muhabbat" va uning manbalari. O'zbek tili va adabiyoti. 2001, 1-son.
6. Qayumov A. "Nasoyim" ni varaqlaganda. O'zbek tili va adabiyoti. 1980, 1-son.

# QAFFOL ASH-SHOSHIY – FAQIH VA DIPLOMAT

**Sobirov Feruz Xalil o'g'li**

**Jizzax Davlat Pedagogika instituti talabasi**

feruzsobirov91@gmail.com

**Annotatsiya**: Davlat va huquq nazariyasi va tarixi yurisprudensiyaning eng muhim fanlaridan biri hisoblanadi. Ushbu fan yurisprudensiyaning barcha fanlari uchun katta ahamiyatga ega bo'lib, hamma huquqshunoslar uni to'liq ravishda egallashga, o'zlashtirishga intiladilar. Bugungi kunda O'zbekiston davlati va huquqi tarixida juda ham yirik bir tarixiy davrni egallovchi Islom huquqi (fiqh)ni o'rganish yurist-mutaxassislar uchun yanada muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu maqola milodiy X asrda yashab ijod etgan ulug' faqih, faylasuf, mantiqshunos, tilshunos, shoir va hadis ilmi bilimdoni Qaffol ash-Shoshiy ijodi haqidagi ma'lumotlarni o'z ichiga qamrab olgan bo'lib, unda asosan, allomaning fiqhiy(diniy-huquqiy) asarlari tahlil etiladi. Shuningdek, maqolada allomaning o'ziga xos diplomatik vazifani bajarish yo'li bilan Arab xalifaligi xalqi uchun ulkan xavfni bartaraf etganligi to'g'risida hamda xalifa Usmon Mus'hafining yurtimizga olib kelinishi bilan bog'liq rivoyatlar taqdim etiladi.

**Kalit so'zlar**: Fiqh, fiqhiy mazhablar, ilm ul-xilof, adab ul-qozi, Arab xalifasining diplomatik topshirig'i, xalifa Usmon Mus'hafi.

# КАФФАЛ АШ-ШАШИ – ФАКИХ И ДИПЛОМАТ

**Собиров Феруз**

**Студент Джизакского государственного педагогического института**

**Аннотация**: Теория и история государства и права является одной из важных дисциплин юриспруденции. Эта дисциплина имеет большое значение для всех дисциплин юриспруденции, все правоведы стараются овладеть,

освоить её полностью. В сегодняшний день изучение Исламское право (фикх) охватывающее целый огромный исторический период в истории государства и права Узбекистана становится ещё более важным значимым для юрист-специалистов. Эта статья охватывает в себе информации о творчестве великого факиха, философа, логика, языковеда, поэта знатока науки хадис Каффал аш-Шаши, который жил и творил в X веке, в ней в принципе, анализируются религиозноправовые(фикхи) произведения учёного. А также в статье представится сведения о рассказах о том, что как была привезена в нашу родину Мусхаф халифа Усмана и как ученый смог спасать народа Арабского халифата от угрозы войны с выполнением дипломатического задания.

**Ключевые слова**: Фикх, религиозно-правовые(фикхи) мазхабы, илм ул-хилаф (компаративистика), адаб ул-кази(правила судей), дипломатическое поручение Арабского халифа, Мусхаф халифа Усмана.

## KAFFAL ASH-SHASHI – AN ISLAMIC LAWYER AND DIPLOMAT

**Sobirov Feruz Khalil ugli**

**Student of the Jizzakh State Pedagogical Institute**

**Abstract**: The theory and history of state and law is one of important disciplines of jurisprudence. This discipline has a great importance for all disciplines of jurisprudence, all lawyers try to get into, acclimate it. Nowadays the learning Islamic law (fikh) embracing a total great historical period in history of state and law of Uzbekistan is becoming more significant for jurist-specialists. This paper covers to himself information about creation of great fakih, philosopher, logician, linguist, poet and fancier of khadis Kaffal ash-Shashi, which lived and created in X century, in the paper in principle, analyzable religious-legal (fikhi) books of scientist. As well as, in the article will be present information about stories how Mus'haf of Usman caliph was brought to our motherland and how the scientist could save people of Arabic caliphate from war denunciation.

**Keywords**: Fikh, religious-legal(fikhi) maskhabs, ilm ul-xilaf (comparative law), adab ul-kazi(magistrate’s regulations), the diplomatic errand of Arabian caliph, Mus’haf of Usman caliph.

Muoviya roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

“Nabiy sollallohu alayhi vasallam: **Alloh kimga yaxshilikni iroda qilsa, uni dinda faqih qilib qo‘yadi**”, - dedilar.

To‘rtovlari rivoyat qilishgan. Qadimiy Turon diyorida nabiyimiz Muhammad Mustafo (s.a.v.) aytgan ana shunday Alloh yaxshilikni iroda etib, dinda faqihlik darajasiga yetish baxtiga muyassar bo‘lgan insonlar, ya’ni Islom huquqshunoslari ko‘plab yetishib chiqdilar. Ular butun Islom olamida fiqhning rivojiga o‘zlarining ulkan va munosib hissalarini qo‘shdilar. Samarqand, Buxoro, Termiz va shu kabi ko‘plab shaharlarimiz o‘zlarining fiqh madrasalari va ularda tahsil olgan faqihlar bilan butun musulmon olamiga tanildilar. Jumladan, mamlakatimizning poytaxti bo‘lmish Toshkent shahri ham o‘zining qadimiy va boy tarixiga ega bo‘lib, uzoq asrlar davomida musulmonolamining ilm-fan, madaniyat va ma’rifat o‘choqlari, markazlaridan biri sifatida mashhur bo‘lgan. Toshkent qadimiy arab manbalarida Shosh deb ham atalgan, u ko‘plab jahonga mashhur olim-u fuzalolar, alloma va adiblar, shoir va faqihlar yetishtirgan shahar bo‘lgan. Ana shunday alloma va faqihlardan biri Qaffol ashShoshiy hisoblanadi.

Afsuski, ko‘pincha Vatanimiz – ko‘hna Turon (Turkiston) diyorida tug’ilib o‘sgan, unda ta’lim olib Islom olamida mashhurlikka erishgan faqihlar haqida gazeta va jurnallarimizda turli ruknlarda maqolalar yozilganida, ular orasida Qaffol Shoshiy nomi juda kam tilga olinadi yoxud ayrim hollarda umuman tilga olinmaydi ham. Bu taajjublanarli holat bo‘lib, bunga yagona sabab, bizning fikrimizcha, u kishining Hanafiy mazhabida emas, Shofe’iy mazhabida bo‘lganliklaridadir.

Shubhasiz, yurtimizda yashovchi musulmonlar qadim davrlardan beri Hanafiy mazhabi qonun-qoidalariga rioya va amal qilib kelmoqdalar. Shuning uchun Turon zaminidan asosan, ushbu mazhab namoyandalari bo‘lgan faqihlar ko‘plab yetishib chiqqanlar. Ammo Qaffol Shoshiy ham dono va buyuk xalqimizning farzandi bo‘lib,

Shofe’iy mazhabida bo‘lganliklari u kishining ulug’ faqih bo‘lmaganliklarini anglatmaydi, albatta.

Sunna, ya’ni sunniylik yo‘nalishining bugungi kunda tan olingan va keng tarqalgan to‘rtta fiqhiy mazhablari mavjud bo‘lib, ushbu mazhablardan tashqari yana uchta fiqhiy mazhablar mavjud bo‘lgan. Biroq ular bugungi kunlargacha yetib kelmagan, ya’ni ular e’tibordan qolgan va ularning qonun-qoidalariga amal qilinmay qo‘yilgan. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf hazratlari o‘zlarining “Mazhablar – birlik ramzi” kitoblarida Hanafiy, Shofe’iy, Molikiy va Hanbaliy mazhablari, ularning asoschilari – ulug’ mujtahidlar haqida va ularning o‘zaro ixtiloflari haqida quyidagi fikrlarni bildiradilar:

“Islomdagi mazkur aqida, fiqh va ruhiy tarbiya yo‘llarining barchasi Qur’oni Karim va Sunnat asosidagi yo‘llardir. Ularda barcha narsa ochiq-oydin va ravshan bayon qilib qo‘yilgan. Bu yo‘llarning tashqi ko‘rinishida o‘ziga xosliklar mavjud, lekin ularning barchasi bir maqsadga – Alloh taoloning roziligiga olib boradi. Shuning uchun ham asl mujtahidlar turli masalalarda turlicha ijtihod qilsalar ham, o‘zaro bir-birlariga nisbatan hurmat va ehtirom ila munosabatda bo‘lganlar. Qaytaga ularning aqida, fiqh va ruhiy tarbiya borasidagi ixtiloflari oralaridagi do‘stlik, ulfatchilik va muhabbatlarining ziyoda bo‘lishiga sabab bo‘lgan. Bu holat Nabiy sollallohu alayhi vasallam sahobalarida ham kuzatilgan”[72].

Fiqhiy masalalarda avvallari ham turli ixtiloflar bo‘lgan, ammo ushbu holat hech qachon odob (ixtilof odobi) doirasidan chetga chiqmagan. Mazhablar shakllanayotgan davrda ham, siz bilan biz yashayotgan bugungi kunlarda ham Islom ummatining ulamolari ittifoq qilib, bu kabi fiqhiy masalalarda ixtilof joiz, degan qarorga kelganlar va bu borada ulamolarning ijmo’si ham qabul qilingan. Fiqhiy masalalarda faqihlarning ixtiloflari joiz ekani barcha ulamolar tarafidan e’tirof etilgan va aqida kitoblariga yozib ham qo‘yilgan. Bundan xulosa qilib aytishimiz mumkinki, ulug’ vatandoshimiz Imom Qaffol ash-Shoshiy ilmiy merosini o‘rganish bugungi

[72] Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. “Mazhablar – birlik ramzi” – Toshkent, “Hilol-nashr”, 2018.– 216 bet.

kunda ham dolzarb ahamiyatga ega bo‘lib, biz uchun ushbu qadimiy ilmiy merosni o‘rganish va tadqiq etish uning merosxo‘rlari sifatida sharafli ishdir.

Qaffol ash-Shoshiyning to‘la ismi Abu Bakr Muhammad ibn Ali ibn Ismoil Qaffol ash-Shoshiy bo‘lib, arab manbalarida uning hurmatini bajo keltirish uchun nomiga katta, ulug’ yoki muhtaram ma’nosini ifodalaydigan **"al-Kabir"** so‘zini qo‘shib yozadilar. Bu bilan o‘tmishdoshlarimiz Qaffol ash-Shoshiyga nisbatan buyuk hurmat ifoda etganlar.

Qaffol ash-Shoshiy hunarmand oilada dunyoga kelgan. Shu sababdan olim **"qaffol"**, ya’ni qulfsoz nomi bilan mashhur bo‘lgan. Qaffol ash-Shoshiy asli qulfsoz usta bo‘lib, kichik va nozik qulflar yasaydigan, qo‘li gul kishi bo‘lgan. Ulug’ faqih milodiy 903-yilda(hijriy 291-yilda) Toshkentda tug’ilganlar.

Ash-Shoshiy dastlabki ta’limni o‘z yurtida, keyinchalik Markaziy Osiyoda mavjud ma’rifat o‘choqlarida oladi. Ilm talabida Samarqand, Buxoro, Termiz kabi yirik shaharlarni kezadi. Bu yerlarda undan sal oldinroq o‘tgan va o‘zlaridan anchagina boy meros qoldirgan yirik mutafakkir, olimlar asarlari bilan tanishadi, ulardan bahramand bo‘ladi. Jumladan, Imom Muhammad ibn Ismoil alBuxoriy(810-870) va Imom Abu Iso Muhammad at-Termiziy(824-892) asarlarini chuqur o‘zlashtirishga harakat qiladi. Chunki ushbu muhaddis allomalar Mazkaziy Osiyoning Islom huquqshunosligini o‘rgangan ilk faqihlari edi. X asrga kelib fiqh ilmi mustaqil fan sifatida to‘la shakllanadi. Fiqhning mustaqil fanga aylanishida ulug’ muhaddis va faqihlarimizning hissasi katta bo‘ldi. Imom Shoshiy birmuncha vaqt Samarqandda yashab, u yerda ta’lim oladi. So‘ngra qattiq kirishib, fiqhshunoslikni o‘rganadi. Qaffol ash-Shoshiy fiqh ilmini egallash bilan birgalikda fikr doirasi o‘ta keng olim bo‘lib yetishadi. U falsafa, mantiq, adabiyot sohalarini ham puxta egallagan, bu sohalarda ham eng bilimdonlar bilan munozara qila oladigan qudratga ega bo‘lgan bir zot edi. Manbalarning guvohlik berishicha, olim Sharqning deyarli barcha yirik shaharlarida bo‘lib, u yerlarda ta’lim oladi. Jumladan, Bag’dod shahrida ko‘p marotaba bo‘lganliklarini tasdiqlovchi ma’lumotlar talaygina topiladi.

Qaffol ash-Shoshiyning ustozlariga qarab ham uning bilimi, qanday fanlarni o‘rganganligini bilish mumkin. Manbalarning ko‘rsatishicha, Qaffol ashShoshiyning

qonunshunoslik va tarix sohasidagi ustozi mashhur olim at-Tabariy (839-923) edi. Ma’lum bo‘lishicha, Abu Ja’far Muhammad ibn Jarir at-Tabariy musulmon Sharq mamlakatlarining eng yirik tarixchisi bo‘lib, ko‘p jildlik asarlar muallifi edi. U ayni paytda ham faqih, ham mufassir va tilshunos bo‘lgan. “Qur’oni Karim bo‘yicha juda ko‘p tafsirlar yozilgan bo‘lib, ularning eng mashhuri buyuk tarixchi Muhammad ibn Jarir at-Tabariy qalamiga mansub “Tafsiri Tabariy” nomi bilan shuhrat qozongan “Jomi’ul-bayon fi tafsiril-Qur’on”dir”[73]. Ushbu tafsir 30 jildlik qilib yozilgan. Tabariy sunniylik yo‘nalishining yettita fiqhiy mazhablaridan birining asoschisi sanaladi.

Qaffol ash-Shoshiyning ikkinchi yirik ustozi Abul-Hasan Ali ibn Abu Muso al-Ash’ariy (873-941) edi. Bu kishi Sharqda kalomchilar oqimining asoschisi bo‘lib, bu sohada anchagina asarlar yozgan edi. Al-Ash’ariy aslida islom falsafasida mashhur bo‘lgan Ash’ariya aqidaviy mazhabi asoschisi sanaladi. Ash’ariya aqidaviy mazhabi ulamolari musulmonlar e’tiqodini, aqidasini to‘g’irlashda ulkan xizmatlar qilishgan. Usulul fiqh bilimdonlaridan biri, fiqhning turli fanlarini o‘zida jamlagan “Al-ashboh van-nazoir” kitobi muallifi Tojiddin Abu Nasr Abdulvahhob asSubkiyning (tug’ilgan yili 1327-yil) xabar berishicha, “Qaffol ash-Shoshiy olim al Ash’ariydan kalom ilmini o‘rganar va o‘z navbatida al-Ash’ariy undan qonunshunoslik sohasini o‘rgananar ekan”.

“Uchinchi-to‘rtinchi hijriy asrlarda Markaziy Osiyoda Shofi’iy mazhabi Hanafiy mazhabi bilan raqobat qilardi”. (“Islomda huquq”, 72-bet. To‘plovchilar Majid Hadduriy va Herbert J.Libesni. Mualliflar guruhi Sharq va G’arbning 12 ta mashhur huquqshunos, islomshunos va sharqshunos olimlari. Shu jumladan, Muhammad Abu Zahra, Subhiy Muhassamoniy, Shukriy Qardoshiy, Abul-Alo Mordin, Jozef Shaxt va b. Tehron-Nyu-York, 1955-y.) Shofi’iy mazhabining shu davrdagi yirik vakili toshkentlik buyuk olim Muhammad ibn Ali ibn Ismoil al-Qaffol ash-Shoshiy edi.

---

[73] A.Sh.Jo‘zjoniy. “Islom huquqshunosligi, Hanafiy mazhabi va O‘rta Osiyo faqihlari”. – Toshkent, “TIU” nashriyoti, 2002. – 256 bet.

Hayruddin Zarkaliy yozishicha, u fiqh, hadis, lug'at va adabiyot bo'yicha o'z asrining mashhur olimlaridan edi. Usulul-fiqh bo'yicha uning asari mashhur. Toshkentda vafot etib, qabri Hastimom (Hazrati Imom) madrasasi yonidadir.

"Arab olimi va bibliografi ibn Xallikon (1211-1282) o'zining "Vafoyot ala'yon" ("Ulug' kishilar vafoti") degan asarida Qaffol ash-Shoshiy haqida to'xtalib shularni yozadi: "Qaffol ash-Shoshiy hadis ilmini bilgan, tilshunos, shoir odam edi. O'sha vaqtda Movarounnahrda u kishiga teng keladigan olim yo'q edi. Bu kishi Xuroson, Iroq, Hijoz, Shom(Suriya) va boshqa o'lkalarga sayohat qilib, hamma yerda ham nom taratdi... u kishining ko'p asarlari bo'lgan"[74].

Qaffol ash-Shoshiy qonunshunoslik, mantiq kabi sohalarga oid asarlar yozgan. Uning **"Odob al-qozi"** yoxud **"Adab ul-qozi"**(Qozining fe'l-atvori), **"Odob al-bahs"**("Bahs odobi") degan ta'lifi bo'lib, arab tilidagi she'rlari ma'lum. Bu xususda yuqorida zikr etilgan arab olimi ibn Xallikon yozadi: "Qonunshunoslardan dastlab otilib chiqib **"Husni jadal"**("Dialektika go'zalligi")degan asar yozgan kishi ham shu Qaffol ash-Shoshiy edi".

Qaffol ash-Shoshiy yaxshi shoir ham bo'lib, o'z she'rlarini arab tilida yozgan. Ammo uning she'riy ijodi davrimizgacha yetib kelmagan, faqatgina as-Subhiyning "Tabaqot ash-Shofiyya"("Shofi'iy mazhabi darajalari") degan kitobida she'rlaridan parchalar saqlanib qolgan. O'sha she'rlarda shunday satrlar bor bo'lib, quyida uning nasriy bayoni keltirilgan: "*Kimki uyimga mehmon bo'lib keladigan bo'lsa, dasturxonim doimo uning uchun yozilgan bo'ladi. Kimki mening dasturxonimdan biror narsa yesa, (bilsinki) undagi barcha noz-ne'mat peshona terim bilan topilgan, (ya'ni) halol bo'ladi.*

*Biz bor-budimizni mehmon oldiga qo'yamiz. Bordi-yu (qo'yishga) narsa topolmasak, u holda sabzavot bilan sirka qo'yamiz. Shunda beg'araz, ko'ngli ochiq odam bo'lsa, u bunga rozi bo'lib ko'nadi; bordi-yu baxil bo'lsa, u holda uni men tuzata olmayman*".

---

[74] "Ma'naviyat yulduzlari". O'zR FA akademigi M.M.Xayrullayev mas'ul muharrirligida. – Toshkent, A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2001. – 408 bet.

Qaffol ash-Shoshiyning qalamiga mansub aksariyat she'rlar as-Subhiy asariga kirib qolgan. As-Subhiy keltirgan parchalardan ma'lum bo'lishicha, Vizantiya imperatori bilan Arab xalifasi o'rtasida janjalli yozishmalar bo'ladi. Bu yozishmalarda Vizantiya imperatori Arab xalifaligiga do'q va po'pisa bilan murojaat qilib, bir vaqtlar uning yerlari bo'lgan, hozir esa Arab xalifasi egallab turgan o'lkalarni tinchlik bilan, osonlikcha ularga qaytarib berishni talab qiladi. Vizantiya hukmdorlari maktubni balandparvoz chiqishi uchun uni arab tilida she'r bilan bitadilar. She'r Hoshimiylar xonadonidan bo'lmish hukmron xalifaga deb atalgan. Maktubda shunday satrlar ham bor:

"Biz sherdek otilib chiqib, o'z yerlarimizni egalladik. Damashq o'lkasi esa ota-bobolarimiz maskani edi, biz bu diyor mol-mulkiga ega bo'lamiz, Misrni ham qilichimiz tig'i bilan egallaymiz. Hijoz, Bag'dod, Sheroz, Ray, Xuroson, Quddus, Sharq-u G'arb hammasini egallaymiz", deb xalifa va uning sarkardalariga dag'dag'a soladi, ularni ayyorlik bilan qo'rqitmoqchi va nihoyat ularni osonlikcha qo'lga kiritmoqchi bo'ladi. Xuddi mana shu voqealar bo'lgan kezda Qaffol ash-Shoshiy Bag'dod shahrida bo'ladi. U xalifalikda iqtidori zo'r olim, saroy a'yonlari o'rtasida yaxshigina qonunshunos, zabardast shoir sifatida tanilgan edi. Shu sababdan Vizantiya hukmdorining lashkarboshisi Tag'fur (arab manbalarida Takfur) xatiga javob yozish xalifalik nomidan Qaffol ash-Shoshiyga topshiriladi. Bu ham alloma ash-Shoshiyga nisbatan katta ehtirom edi.

Qaffol ash-Shoshiy maktubni o'qib ko'rib, o'sha maktub yozilgan she'r vaznida va o'sha tarzdagi qofiyada Tag'fur nomiga arab tilida javob she'rini yozadi. Vizantiyaliklarga mana shu ash-Shoshiy yozgan javob xatining 74 bayti (148 yo'li) yuqorida zikr qilingan Tojiddin as-Subhiyning "Tabaqot ash-Shofiyya" asari ichida saqlanib qolgan. As-Subhiyning yozishicha, vizantiyaliklar, xususan, uning lashkarboshisi Tag'fur ash-Shoshiyning bu javob she'rini o'qib, dahshatga tushadi. So'ng lashkarboshilar bundan taajjubga tushib, bir-birlaridan so'rashibdi:

"Bu javobni yozgan kishi kim bo'ldi ekan, u qaysi yurtdan ekan, xalifalikda biz bunday iste'dodli zot borligini bilmas edik-ku?!"

Xullas, Vizantiya lashkarboshilarini Qaffol ash-Shoshiyning o‘ziga xos diplomatik usulda yozilgan javob maktubi esankiratib qo‘yadi. Chunki vizantiyaliklar javob she’rining bunday tazrda yozilishiga ishonmagan edilar. U kishining birgina javob qasidasi vaziyatni o‘zgartirib yuboradi. Imomning o‘ziga yuklatilgan diplomatik vazifani sharaf bilan ado etishi xalifalik xalqini urush xavfidan va o‘lpon to‘lashdan saqlab qolish uchun qaratilgan edi. Voqeaning nima bilan tugaganligining bugungi kunda ahamiyati yo‘qdir balki, lekin bu birgina misol orqali Qaffol ash-Shoshiyning zabardast diplomat, hozirjavob shoir ekanligi ma’lum bo‘ladi.

Qaffol ash-Shoshiy shunday ulug’vor va dovyurak shoir, ajoyib bir shaxs bo‘lgan. Afsuski, uning adiblik, shoirlik, tilshunoslik, mantiqshunoslik faoliyati bilan deyarli hech kim shug’ullanmagan, uning jadal dialektikaga oid asari ham o‘rganilgan emas. Shu bilan bir birgalikda, fiqhiy asarlari ham yetarli darajada tadqiq qilinmagan. Davlat va huquq tarixini o‘rganish davomida Imomning asarlari musulmon Sharqida mashhurligini bilib olamiz, ammo ushbu asarlar biz, ya’ni uning avlodlari uchun noma’lumligicha qolmoqda.

Manbalarning ko‘rsatishicha, bag’dodlik Xo‘ja Muhammad Nomiy degan olim Qaffol ash-Shoshiy qo‘lida o‘qigan, natijada u bilan qalin do‘st bo‘lib qolgan ekan. Shu kishi oilasi bilan birga ash-Shoshiyga ergashib Toshkentga kelgan, umrining oxirigacha shu yerda qolib ketgan. Qaffol ash-Shoshiy 976-yili (hijriy 364-365 yy.) Toshkentda vafot etgan va shu yerda dafn etilgan. Hozir Toshkentning xalq orasida **“Hastimom”** deb ataladigan joy shu mo‘tabar zotga nisbatan aytiladigan nom “Hazrati imom”ning qisgargan shakli bo‘ladi. Aslida bu joyning nomi **Hazrati Imom Qaffol ash-Shoshiy**dir. U kishining qabrlari tegrasida Toshkentda mashhur bo‘lgan mo‘tabar zotlar dafn etilgan. Ular orasida yana bir faqih Sulton Muhammad Hofiz Toshkandiy (Hofiz Ko‘hakiy) ham bor.

Qaffol ash-Shoshiyning qonunshunoslikka doir asarlari davr taqozasiga ko‘ra Islom tarqalgan mamlakatlarda keng ko‘lamda yoyildi. Ma’lumki fiqh bo‘yicha kitoblar ham bir necha turlarga bo‘linadi. Imom Shoshiydan davrimizgacha 4 ta huquqiy asar yetib kelgan. Ular quyidagilar:

1.**"Odob al-qozi"(Qozining fe'l-atvori)**. Ushbu kitob bugungi kunda protsessual huquq yo'nalishiga to'g'ri keladi. Uning yozilishi Imom Shoshiyning qozilik masalalaridan xabardorligini anglatadi. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf hazratlari o'zining "Fiqhiy yo'nalishlar va kitoblar" asarida bu kitobni alohida qayd etgan[75].

2.**"Husni jadal"("Dialektika go'zalligi")**.

3.**"Hulyatul ulamo fiy ixtilofil fuqaho"**. Ilm ul-xilof bo'yicha asar. Qiyosiy huquqshunoslikka oid sanaladi. Fuqaholarning ixtilofi haqidagi kitoblar ikki yo'nalishga ajratiladi. Qaffol Shoshiyning asari birinchi yo'nalishga mansub bo'lib, unda imomlarning barcha ixtiloflarini qamrab olishga harakat qilinadi. Ba'zilarida ixtilofchilarning dalillari keltiriladi, ba'zilarida keltirilmaydi. Bu kitobning ibodatlar qismi doktor Ahmad Ibrohim Darovka tomonidan tahqiq qilinib, hijriy 1400-yili Iordaniya poytaxti Ammon shahrida chop etilgan. **"Mustazhiriy"** nomi bilan ham ataladi. Bu kitob faqihning Sunniylikning boshqa mazhablari ta'limotlaridan ham xabari bo'lganligini bildiradi.

4.**"Mo'tamad"**. Bu kitob yuqorida tilga olingan kitobning sharhi hisoblanadi. U haqida taniqli usmonli turk olimi Hoji Xalifa "Kashfuz-zunun" asarida quyidagilarni yozadi: "Bu kitob("Hulyatul ulamo fiy ixtilofil fuqaho")ni xalifa Mustazhir billahi Abbosiyga atab yozgan. U bunga xursand bo'lgan va shuning uchun bu kitob "Mustazhiriy" deb ataladi. Har bir masalada ulamolar orasida voqe' bo'lgan ixtilofni zikr qilgan. Keyin "Mo'tamad"ni tasniyf qildi. U "Mustazhiriy"ning sharhi kabidir".

Imom Shoshiy xalq orasida juda mashhur bo'lgan. Shu bois bugungi kunda Toshkentda saqlanayotgan xalifa Usmon Mus'hafining yurtimizga olib kelinishi to'g'risidagi ayrim rivoyatlar u kishining nomi bilan bog'lanadi. Mus'hafning bizning mamlakatimizga qanday kelib qolganligi borasida o'ndan ortiq rivoyat mavjud. Shayx Ismoil Maxdum Sotti Oxund Namangoniy 1971-yil (hijriy 1391-yil) yozgan "Toshkentdagi Usmon Mus'hafining tarixi" kitobi o'ziga ma'lum bo'lgan to'qqizta

---

[75] Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. "Fiqhiy yo'nalishlar va kitoblar" – Toshkent, "Sharq", 2011.– 304 bet.

rivoyat haqida batafsil ma’lumot beradi. Ulardan ikkitasi Qaffol ashShoshiy bilan bog’liq.

1.Mus’hafi Usmoniyning diyorimizga kelishiga oid rivoyatlardan biri shayx Abu Ahmad Muhammad qozi Andijoniy-Shoshiyning **“Silsilatul orifin”** nomli kitoblarida keltirilgan. Ul zot Xo‘ja Ahror valiyning xalifalaridan bo‘lib, shunday yozadilar:

“Hijriy 364-yilda vafot etgan Abu Bakr Muhammad ibn Ali Qaffol ashShoshiy al-Kabir shofe’iy mazhabining mashhur ulamolaridan bo‘lib, o‘zlari tug’ilgan Shosh(Toshkent) shahrida istiqomat qilar edilar. U zot ko‘p marotaba hajga safar qilib, borishda va qaytishda Bag’dodga kirib o‘tar edilar. Aksar ilmlarini ham shu shaharda olgan edilar. Bir galgi safarlarida Bag’dodga kelib, ulamolarning nihoyatda sarosimada ekanligini ko‘radilar. Chunki Rum podshohi Qaysar xalifaga arab tilida bir ajoyib qasida yuborib, “Yo shu qasidaga munosib javob yozinglar, yo har yili o‘lpon to‘laysizlar yoki urushga tayyorlanaveringlar” deb talab qilgan edi. O‘sha paytda ularning Rum bilan urushishga imkonlari yo‘qligi va talab qilingan o‘lponni to‘lash uchun yetarli mablag’lari bo‘lmaganligidan, qasidaga javob yozishga majbur bo‘ldilar. Bag’dodning jamiki ulamo va fozillari yig’ildilar. Lekin ular o‘sha qasidaga mos keladigan javob yozishga ojiz bo‘lib turgan edilar. Rum elchisi ularni shoshiltirar edi. Shayx Bag’dodga kirib kelganlarida, “Turklar yurtidan Bag’dodga bir zabardast olim kelibdi”, degan xabar tarqaldi. Xalifa odam yuborib, u kishi javob qasidasi yozsalar, evaziga xohlagan narsalarini berishini aytadi. Shayx rozi bo‘lib, shunday deydilar: “Men bu vazifani sizlar uchun ado etyapman, lekin bir shartim bor. U ham bo‘lsa, oldin menga Hazrati Usmon Mus’haflarini berasizlar”. Birmuncha taradduddan so‘ng bu talabga rozi bo‘ladilar va Mus’hafni shayxga beradilar ...”

2. Rivoyatlarning yana birini Umar Rizo hazratlari o‘zlarining **“Mal Qur’an”** nomli kitoblarida zikr qilganlar. Islom olamida mavjud bo‘lgan Usmon Mus’haflarini birma-bir sanab o‘tib Umar Rizo quyidagilarni aytadilar: “Xuddi shunday Mus’haflardan biri 1904-yilda Buxorodan Moskvaga olib ketilib, bir muddat o‘tgach, yana Buxoroga qaytarilgan edi. Bolsheviklar Turkistonda hokimiyatni qo‘lga olganlaridan keyin uni ikkinchi marta yana Moskvaga olib ketdilar. Lekin musulmonlarning uni qaytarish uchun qilgan sa’y-harakatlari va jidd-u jahdlari

muvaffaqiyat bilan yakunlandi. Aytishlariga qaraganda, bu nusxa Abu Bakr Shoshiy tomonlaridan olib kelingan boʻlib, keyinchalik Xoʻja Ahror Valiyning qabrlari yoniga qoʻyilgan emish. Bolsheviklar uni oʻsha yerdan olishgan, deyishadi".

Albatta, uchinchi xalifa Usmon ibn Affon (r.a.) tomonidan yozdirilgan Qur'oni Karimning noyob qoʻlyozmasini yurtimizga aynan Imom Shoshiy olib kelgan, degan fikrdan yiroqmiz. Bunga yetarlicha asoslarimiz ham yoʻq. Ammo bu ma'lumotlardan anglashimiz mumkinki, Qaffol Shoshiyning obroʻsi baland boʻlgan. Nima boʻlgan taqdirda ham, ayni paytda Usmon Mus'hafining noyob qoʻlyozmasi Hazrati Imom Qaffol ash-Shoshiy majmuasi tarkibiga kiruvchi Moʻyi muborak madrasasida saqlanmoqda. Qur'oni Karim ziyoratchilari bir paytda allomaning maqbarasini ham ziyorat qiladilar.

Xulosa oʻrnida aytishimiz mumkinki, qomusiy olimlikka intilgan bobomiz Imom Abu Bakr Muhammad ibn Ali Qaffol Shoshiy fiqh ilmida ulkan yutuqlarga erishgan va oʻz davrining barcha faqihlari tomonidan e'tirof etilgan. Hazrati Imomning asarlarini, xususan, fiqhiy(huquqiy) asarlarini tadqiq etish bizning zamonimizda ham muhim ahamiyatga ega boʻlib, uning asarlari davlat va huquq tarixi fanining bebaho boyligiga aylanishiga shubha yoʻq.

**Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:**

**1.** Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. "Mazhablar – birlik ramzi" – Toshkent, "Hilol-nashr", 2018.– 216 bet.

**2.** A.Sh.Joʻzjoniy. "Islom huquqshunosligi, Hanafiy mazhabi va Oʻrta Osiyo faqihlari". – Toshkent, "TIU" nashriyoti, 2002. – 256 bet.

**3.** "Ma'naviyat yulduzlari". OʻzR FA akademigi M.M.Xayrullayev mas'ul muharrirligida. – Toshkent, A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2001. – 408 bet.

**4.** Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. "Fiqhiy yoʻnalishlar va kitoblar" – Toshkent, "Sharq", 2011.– 304 bet.

**5.** Shayx Ismoil Maxdum. "Toshkentdagi Usmon Mus'hafining tarixi" – Toshkent, "Hilol-nashr", 2019. – 112 bet.

# BOSHLANG’ICH SINF O’QUVCHILARIDA KITOBXONLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH ORQALI ULARNI MUSTAQIL FIKRLASHGA O’RGATISH

**Qayumova Odina Buvarayim qizi**
Guliston Davlat universiteti, Pedagogika fakulteti magistri

**Annotatsiya:** Bugungi kunda zamonaviy texnologiyalar rivojlanib borayotgan davrda kitobning ahamiyatini oshirish muhimdir. O‘quvchilarni kitob mutolaasiga qiziqtirish yo‘llari haqida kitobxonlik ko‘nikmalarini shakllantirish orqali o‘quvchilarni tarbiyalash omillarini oshirish, ularni dunyoqarashini kengaytirish va shu bilan bir qatorda mustaqil fikrlashga o’rgatish lozim. Boshlang’ich sinflarda kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish va qo’llab-quvvatlash, yangi bosqichga olib chiqish ustuvor vazifalardan biridir. O’quvchilarda kitobxonlik madaniyatini shakllantirishda nafaqat o’qituvchilar balki ota-onalar ham birdek mas’uldirlar. Shunday ekan yoshlarni kitobga bo’lgan muhabbatini, kitobxonlik madaniyatini oiladan boshlash maqsadga muvofiqdir.

**Kalit so’zlar:** Oila, ma’naviy yuksalish, tarbiya, kutubxona, ertak, hikoya, barkamol avlod, zamonaviy texnologiyalar, ota-ona, badiiy kitoblar.

Malumki, Vazirlar mahkamasining “2020-2025 yillarga mo’ljallangan kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish va qo’llab-quvvatlash milliy dasturi to’g’risida’’gi qarori loyihasi e’lon qilindi. Bunga ko’ra yurtimizda barcha sohada kitobxonlikni targ’ib etish, turli xil loyihalar va tanlovlar ishlab chiqish , u orqali yoshlarda kitob mutolaasiga qiziqish uyg’otish maqsad qilib qo’yildi. Kitob inson aqlini charxlaydigan,ma’naviy kamolot sari yetaklaydigan vositadir. Kitob o’qish inson dunyoqarashini kengaytirib, bilimini oshiradi, fikrlash qobilyatini yuksaltiradi. Insonning ma’naviy kamolotini ta’minlashda kitobchalik kuchli qudratga ega vosita yo’q nazarimda.

O’sib kelayotgan yosh avlodning bilimli, aqlli, ma’nan yetuk qilib tarbiyalashda ota-onalarining, ustozlarning o’rni beqiyosdir. Zero ,,Yoshlikda olingan bilim, toshga o’yilgan naqsh kabidir’’. Bolalar go’daklikdan boshlab ota-onalarining aytgan allalari va o’sha allada o’z aksini topgan ezgu niyatlar orqali, keyinchalik esa bobo-buvilaridan turli xil ertak, afsona, hikoyalarini eshitib ulg’ayadilar. Maktabda esa boshlang’ich sinfda o’zlari o’qishni boshlagan hikoya, ertaklar orqali kitob va kitob mutolaasi dunyosiga kirib boradilar. Shu sababli bu davrlar bolalarda alohida e’tiborni talab qiladi. Bu davrda bolada borliqdagi jamiki narsalar haqida dastlabki tushunchalar shakllana boshlaydi.

Bolada kitobga muhabbat uyg’otish avvalo oilada ota-ona tomonidan amalga oshirilishi kerak. Buning uchun esa ota-onalar birinchi navbatda o’zlari na’muna bo’lishlari lozimdir. Bolalarda kitobga qiziqishni oshirishda albatta ularni maktabga chiqib harf yoki so’zlarni o’zlari mustaqil o’qishlarini kutish shart emas, balki ularga go’daklik davrlaridan boshlab turli xildagi rasmlarga boy bo’lgan kitoblarni ota-onalar tomonidan o’qib berish, hamda ulardan o’yin tarzida o’qilgan kitob mazmunini so’rash maqsadga muvofiqdir. Bu orqali bolalarning yoshligidan boshlab hotirasini rivojlantirish, nutqini o’stirish, ularda turli soxalarga qiziqishlarini uyg’otish hamda o’z fiktini erkin, mustaqil ifodalay olish qobilyatlarini shakillantirish mumkin.

Hozirgi globallashuv davrda o’zimizni gadjetlarsiz tasavvur qila olmaymiz. Boshlang’ich sinf o’quvchilari o’yinqaroq , ko’proq kompyuter o’yinlari ,telefon o’yinlarini o’ynashni yoqtirishadi , ota-onalari esa bolalarini kitob o’qishlarini xohlashadi. Ota-onalar bolalariga zamonaviy texnologiyalardan foydalanib audio ertaklar, rasmli kitoblar quyib berishlari maqsadga muvofiqdir.

Bolalarga kitob o’qitishda ular uchun qiziqarli bo’lgan kitoblarni tanlash muhim ahamiyatga ega. Boshlang’ich sinf o’quvchilari hayvonot dunyosiga qiziqish bildirsa, hayvonlar hayoti haqida ertaklarni, sarguzasht kitoblarni yoqtirsa sarguzasht ertaklarni o’qib berish maqsadga muvofiqdir. Vaqtni ayamasdan kitob o’qib berilsa, bola ham asta-sekin o’zi muntazam mustaqil tarzda kitob o’qiy boshlaydi. Bolajonlarga turli tuman rasmlarga boy bo’lgan kitoblarni olib berish

tavsiya etiladi. Sababi kitobdagi rasmlar orqali asar syujetini aniqroq tushunib yetadilar. Bolajonlarni tez- tez kutubxonaga olib borish lozim. Bolalarda doimiy ravishda kitob o’qish malakasini shakllantirish maqsadida, haftasiga hech bo’lmaganda bir marta kutubxonaga olib bormoq lozim. Ota-onalar tomonidan bolalarning dars xonalarida mo’jazgina kutubxona tashkil etish ham kitobga mehr uyg’otishda yaxshi samara beradi.

Kitoblarni birgalikda ko’rib chiqib, birgalikda tanlab, birgalikda o’qish samara beradi. Kitoblar haqida tez-tez suhbatlashish muhim ahamiyat kasb etadi. Agar bolalarni kitob o’qishga mehrini, g’ayratini oshirmoqchi bo’lsak, tez-tez ertaklar, hikoyalar aytib berish, umuman kitoblar va ularning mazmun-mohiyati haqida suhbatlashib turish lozim. Hayotda sodir bo’lgan haqiqiy voqealarni bolalarga ertak va hikoyalarga bog’lashga harakat qilish kerak. Bundan tashqari ma’lum bir kitobning kino, multfilm ko’rinishin birgalikda tomosha qilib, so’ng solishtirishi, kitob va kinodan olgan fikrlarini bilib olish mumkin. Bu bolalarda nafaqat kitob mutolaasiga balki, mushohada qilishga o’rgatadi, tahlil qilish qobilyatini ham oshiradi. Bolalarga tinch xona qilib berish muhimdir. Bolalarni chalg’itmaydigan, tashqi shovqin -surondan holi bo’lgan o’zi uchun qulay bo’lgan xona yoki burchak tashkil qilib berish. Bolalar ota-onasidan namuna oladilar. Agar ota-onalar muntazam ravishda kitob mutolaa qilishsa, boshqa oila a’zolari bilan turli kitoblar to’g’risida tez-tez suhbatlashsa, kitobdan zavq olganligini namoyon qilsa, bolalarga o’rnak bo’lgan bo’ladi. Kitob o’qish asta -sekin bolalarni sevimli mashg’ulotiga aylanadi. Boshlang’ich sinf o’quvchilarini rag’batlantirish, bunda ularning qiziqishlari yanada oshadi. Ota-onalar bolalarni bilan turli xil o’yinlar orqali kitob mutolaasiga qiziqtirish mumkin. Bolalarda o’zining kutubxonasini yaratishni oz bulsada kitoblarni o’qib to’ldirib borishini aytish yaxshi samara beradi. Boshlang’ich sinf o’quvchilariga ertak, hikoya o’qib berish davomida uni eng qiziq joyida to’xtatilsa, ular keying voqealar nima bo’lishiga qiziqadi va bu kitob o’qishiga yaxshi samara beradi. Bir kitobni o’qigandan so’ng bolajonlar bilan rolga kirishib shu ertakni jonli ijro etish ham bir qancha qiziqish uyg’otadi. Bunda bola yana sahnada yangi qahramonlar yaratish uchun yangi kitoblar

o’qishga kirishadi. Ertakdan so’ng ertak qahramonlarini suratlarini chizish bolada yangi tasavvurlarni uyg’otadi.

Boshlang’ich sinflarda sinfran tashqari o’qish uchun mo’ljallangan kitoblar, borliqdagi narsa va hodisalar haqidagi dastlabki tushunchalarni o’zida jamlagan kitoblar,misol uchun “U kim-bu nima?” kitobi yoki kichik yoshdagi o’quvchilar uchun mo’ljallangan “Ensiklopediya” larni aytishimiz mumkin. Qolaversa ertak va hikoyalar ham boshlang’ich sinf o’quvchilari uchun juda qiziqarli b’lib tarbiyaviy ahamiyati ham kattadir. Masalan “Yaxshilik ketidan yaxshilik keladi”, “Qizil qalpoqcha”, “Til tig’dan o’tkir”, “Tulkining jazosi” , “Yaxshivoy bilan Yomonvoy” va boshqalar.

Xulosa qilib aytganda kitob inson aqlini charxlaydigan, uni ma’naviy kamolot sari yetaklaydigan,dunyoqarashini kengaytirib, mustaqil fikrlash qobilyatini oshiradigan, har qanday vaziyatda ham hamroh bo’luvchi sodiq do’stdir. Hozirgi kunda kitobxonlik davlat siyosati darajasiga chiqqan ekan, uni ijrosini ta’minlashda oila, maktab va maxalla birgalikda harakat qilmog’i lozim. Zero millat kelajagi yoshlar qo’lidadir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Xalqaro tadqiqotlarda boshlang’ich sinf o’quvchilarining o’qish savodxonligini baholash (Boshlang’ich sinf o’qituvchilari, metodistlari uchun metodik qo’llanma.) Sharq nashriyoti- 2019

2. Sh. Mirziyoyev ,,Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz’’T: O’zbekiston ,2017

3.www.ziyonet.com

# O’QUVCHILARNI IJTIMOIY FAOL FIKRLASHGA O'RGATISH USULLARI VA UNGA TA'SIR QILUVCHI PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK OMILLAR

**Qayumova Samigul Zokir qizi**
TerDUPI pedagogika va psixologiya yo‘nalishi magistranti

**Annotatsiya:** O’quvchi shaxsini shakllantirish hamda mustaqil fikrlashga yo’naltirishning pedagogik-psixologik asoslarini ishlab chiqish hamda uning yaxlit tizimini yaratish.

**Tayanch iboralar:** ijtimoiy faol fikr, ta’lim metodlari, pedagogik-psixologik omillar, didaktik o’yinlar, harakatli o’yinlar, ta’limiy o’yinlar, muammoli metodlar.

O’quvchilarini ijtimoiy faollikka o’rgatish bir kunda yoki bir soatlik dars davomida amalga oshirilmasdan, balki yillar davomida bosqichma-bosqich turli omillar ta'sirida amalga oshiriladigan jarayondir. Olib borilgan kuzatishlarga qaraganda ta'lim metodlarining barchasi ham o’quvchilarni ijtimoiy faollikka o’rgatish vositasi bo’la olmaydi. Ammo darsda turli metodlarni qo’llash orqali ta'lim samaradorligini oshirishga, bilimlarni egallash jarayonining zerikarli bo’lmasligiga erishish mumkin. Ta'lim metodlari xilma-xil bo’lib, o’xshash xususiyatlariga ko’ra guruhlarga birlashtiriladi. Ta'lim metodlarining tasnifiga oid turli qarashlar mavjud: ba'zi mutaxassislar ta'lim metodlarini tasnif etishda bilim manbalarini hisobga olishsa, ayrim olimlar o’qituvchi faoliyati xususiyatlaridan kelib chiqishadi, uchinchi bir guruh olimlar esa o’quvchilar faoliyatini e'tiborga olishadi. Ta'lim metodlariga bunday qarashlarning ko’p va rang-barang bo’lishi tabiiy. Chunki ta'lim metodlari mazmunan boy hodisa bo’lib, ular ma'lumot mazmuni bilan ham, o’qituvchi va o’quvchi faoliyati bilan ham, bilim va malakalar bilan ham, shuningdek, ijodiy qobiliyatlarni, munosabatlarni rivojlantirish bilan ham chambarchas bog’liqdir. Masalan, Yu.K.Babanskiy ta'lim metodlarini o’quvchilarning faoliyati nuqtai nazaridan tasnif etadi. U ta'lim metodlarini uch guruhga ajratadi:

- o’quv-biluv faoliyatini uyushtirish va amalga oshirish metodlari;

- o'quv-biluv faoliyatini rag'batlantirish va asoslash metodlari;
- o'quv-biluv faoliyati samaradorligini nazorat qilish metodlari.

Har bir guruh, o'z navbatida, yana kichikroq guruhlarga ajratiladi. Masalan, birinchi guruh metodlariga quyidagilar kiradi: og'zaki bayon qilish, ko'rgazmali metodlar, amaliy metodlar, induktiv va deduktiv metodlar, muammoli-izlanishmetodlari, ijtimoiy faol ishlash metodlari. Rag'batlantirish va nazorat qilish metodlari ham o'z tarkibida guruhlarga ajratiladi. Ta'limning muammoli metodi faqat o'qituvchini bilimlarni bayon etishga emas, balki o'quvchilarni ijtimoiy faol ravishda izlanishga, fikr yuritishga yo'naltirishi lozim. A.G'ulomov va M.Qodirovlar xususiy metodlar, ya'ni ona tili ta'limi jarayonida qo'llaniladigan metodlar borasida to'xtalib o'tadilar. Ular ta'limni ikkiyoqlama jarayon ekanligini hisobga olib, ta'lim metodlarini ikki katta guruhga ajratadilar:

- o'qituvchi faoliyati bilan bog'liq metodlar.
- o'quvchi faoliyati bilan bog'liq metodlar.

O'qituvchi faoliyati bilan bog'liq metodlar bilimlarni tayyor holda bayon etish va muammoli bayon qilish metodlariga ajratilgan. O'quvchi faoliyati bilan bog'liq metodlar guruhiga qayta xotirlash, qisman izlanuvchanlik va izlanishga asoslangan metodlar kiradi. Ta'lim metodlarini tahlil qilib chiqar ekanmiz, ulardan unumli va o'rnida foydalanish o'quvchilarni ijtimoiy faollikka o'rgatishda juda qo'l kelishini ko'ramiz. Ammo ta'lim metodlarining barchasi ham sinf o'quvchilarida ijtimoiy faol fikrlash qobiliyatini shakllantirishga xizmat qilmaydi. Binobarin, reproduktiv metod o'quvchilarda ijtimoiy faollikni shakllantirishga ta'sir etmasa, muammoli izlanish metodi orqali bu borada yuqori natijalarga erishish mumkin. Ta'lim jarayonida o'quvchilarning xilma-xil o'quv materiallarini hal qilishlari orqali izlanish g'oyasining joriy qilinishi ijtimoiy faollikka o'rgatish usullaridan biridir. O'quvchilar tafakkurining ijtimoiy faolligini shakllantirishda bu usuldan oqilona foydalanish nihoyatda samarali bo'lib, tadqiqotchilik ko'nikmalari va ishga ijodiy yondashishga yordam beradi. Muammo - mohiyatiga ko'ra, zudlik bilan hal etilishi lozim bo'lgan masaladir. O'qituvchi o'quvchi oldiga muammo qo'yar ekan, uni hal qilish yo'lidagi harakat davomida o'quvchi izlanadi, ijod qilishga intiladi,

muammo ustida avvalgi tajriba va bilimga tayangan holda fikr yuritadi. O’quvchilar ta'lim ob'ekti bo’lib qolmay, sub'ekti ham bo’lishlari lozimligi davr talabidir. Ular o’qituvchining talabini shunchaki o’zlashtirmay, balki o’zshaxsiy tajribalari, aqliy rivojlanish darajalariga qarab faol o’zlashtirishlari, qayta ishlashlari lozim. Ta'lim jarayonida ijtimoiy faollikka harakat qilishga qobil yosh avlodni tarbiyalash lozim. Shu bois ko’pgina olimlar va ilg’or o’qituvchilar o’quvchilarda o’quv faoliyatiga ijtimoiy faol va ijodiy yondashuvni tarkib toptirish yo’lida izlanmoqdalar. Bu borada olib borgan izlanishlarimiz natijasi o’laroq, ta'limning muammoli metodining o’quvchilarni ijtimoiy faollikka o’rgatishdagi o’rni ustida alohida to’xtalib o’tish joiz. Bu metoddan foydalanish bilish jarayonining samaradorligini oshiradi, bilimlarni chuqur, ongli, mustahkam o’zlashtirishga, ijtimoiy faollik va izlanishlar natijasida o’ziga xos kashfiyotlar qilish imkonini beradi. Ta'limda muammolilikning bo’lishi mutlaqo tabiiydir. Shu bois darsda muammoli ta'limning material va o’quvchilar tayyorgarligiga imkon beradigan barcha muammolilik elementlaridan foydalanishga intilish lozim. Biroq tegishli o’quv qo’llanmalari va metodik ko’rsatmalar ishlab chiqilmas ekan, muammoli ta'lim muammoligicha qolaveradi. Shu munosabat bilan nafaqat muammoli yondashuvga katta e'tibor berish kerak, balki shaxsiy tajriba va ilmiy izlanishlarga suyangan holda sinflarning ona tili darslarida muammoli ta'limdan unumli foydalanish bo’yicha tegishli o’quv qo’llanmalari va metodik tavsiyalar ishlab chiqish muhimdir. O’qituvchi muammoli vaziyat yaratib o’quvchilarni uning hal qilinishi tomon yo’naltirar ekan, tahlil qilish, taqqoslash, umumlashtirish kabi tafakkur jarayonlaridan biriga ongli ravishda jalb qilish orqali bilimlarni mexanik tarzda eslab qolishdan ongli o’zlashtirishga yo’l ochadi. Bunda muammoli izlanish metodi mantiqiy tadqiqot metodlari bilan qo’shilib ketadi va o’quvchilarni ijtimoiy faollikka o’rgatish vositasi bo’lib xizmat qiladi. L.V.Artemova ta'limiy o’yinlarning muhim jihatlari, vazifasi va ahamiyati haqida shunday deydi: Didaktik o’yinlarning muhim jihatlari shundaki, o’quv topshiriqlari bolalarga o’yin shaklida taqdim etiladi. Bolalar o’yin jarayonida bilimlarni o’zlashtirayotganlari, ma'lum predmetlardan foydalanish malakalarini va o’zaro muomala madaniyatini egallayotganlarini sezmaydilar. Har bir didaktik

o’yin ta'limiy va tarbiyaviy mazmuni, o’yin topshiriqlari, o’yin harakatlari, o’yin va tashkiliy munosabatlardan iborat bo’ladi .

Biz didaktik o’yinlarni mazmuniga ko’ra tinch o’yinlar, harakatli o’yinlar, aralash tipdagi o’yinlar; shakliga ko’ra musobaqa o’yinlari, sahna o’yinlariga ajratdik.

*Harakatli o‘yin*larga ta'lim jarayonida qo’llaniladigan musiqali o’yinlar va sahna o’yinlarini misol qilib keltirish mumkin.

*Aralash o‘yinlar* o’zida ham harakatli o’yinlar, ham tinch o’yinlar elementlarini aks ettiradi. Tarqatma materiallar asosida uyushtiriladigan o’yinlar, so’z o’yinlari, kesma harflar bilan o’tkaziladigan o’yinlar tinch o’yinlarga misol bo’la oladi.

O’rganilgan ilmiy, pedagogik-psixologik va metodik manbalar shundan dalolat beradiki, o’quvchilarini darslarda ijtimoiy faol fikrlashga o’rgatish dolzarb muammo bo’lib, xususan metodika nazariyasida bu masalaga yetarli e'tibor qaratilishi lozim. Tadqiqot asosida turgan ilmiy farazlar tajriba-sinov ishlari jarayonida o’z tasdig’ini topdi. O’quvchilarini ijtimoiy faollikka o’rgatish haqiqatda ham zaruriy sharoitlar yaratish, har bir darsda ijtimoiy faollikka oid didaktik o’yinlar, mashqlar va topshiriqlardan foydalanish, ijtimoiy faol ishlarni izchil va muntazam o’tkazish, muammoli vaziyatlar yaratish va o’quvchilarni muammolarni hal etishga jalb etish, o’qituvchi va o’quvchilar o’rtasida sub'ekt-sub'ekt munosabatini o’rnatish bilan chambarchas bog’liq. Faqat shundagina o’quvchilarni ijtimoiy faollikka o’rgatish jarayonini to’g’ri tashkil etish, uning samarali yo’llarini izlash, ijod qilishga imkon yaratiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O’zbekiston Respublikasining Ta'lim to’g’risida gi Qonuni. Barkamol avlod orzusi. Toshkent: O’zbekiston, 1998. 20-29 b.

2. Ibragimov R. maktab o’quvchilarida bilish faoliyatini shakllantirishning didaktik asoslari: Ped. fan. nom. ... dis. - Toshkent, 2002.

4. Karimova V., Sunnatova R. Ijtimoiy faollik bo’yicha mashgulotlarni tashkil etish yuzasidan uslubiy qo’llanma. - Toshkent: Sharq, 2000.

5. G’afforova T, Qurbonov A. Ta'limning ilg’or texnologiyalari. Qarshi:Nasaf,2003

# XORIJIY TILLARNI O`RGANISHDA ASOSIY KAMCHILIKLARNI BARTARAF ETISH

**Qurbonova Gulnoza Ahmadjon qizi**
Andijon Davlat Universiteti Chet tillar fakulteti

**Annotatsiya:** Mamlakatimizda bugungi kunda chet tillarini o‘rganishga juda kata imkoniyatlar yaratilmoqda. Va bu uchun yurtimizda turli xil xususiy va davlat muassasalari ish olib bormoqda. Ammo ba’zan ko‘ramizki ko‘p yoshlar biror bir xorijiy tilni o‘rganish davrida ba’zi qiyinchilik yoki muammolarga duch kelsa til o‘rganishga qiziqishi kamayib boradi. Va bu tilni yaxshi ko‘rganidan emas majburlikdan o‘rganishga togri keladi. Buning natijasida o‘zlariko‘zlagan muvaffaqqiyatlariga erisha olmaganliklariga ko‘p bor guvoh bo‘lganmiz. Yuqoridagidek vaziyatlarga duch kelmaslik va oldini olish maqsadida bir nechta asosiy sabablarni ko’rib chiqamiz.

**Kalit so’zlar:** Motivatsiya, har kunlik mashg’ulot, metodika, passive lug’at, active lug’at.

Hozirgi kundan kunga rivojlanib borayotgan dunyoyimizni chet tillarisiz tasavvur qilib bo`lmaydi. Globalizatsiya jarayoni tezlashgan sari chet tilini o`rganish zamon talabi bo`lib boraveradi. Bugun har qanday sohada yaxshi mutaxassis bo`lish uchun ingliz tilini bilish oddiy zamon talabiga aylanib ulgurgan.

Qachonki men birinchi marta ingliz tilini o`rganmoqchi bo`lganimda birinchi bo`lib o`zimga bergan savolim quyidagicha edi:

1.Chet tilida qanday qilib oz muddat ichida o`rganib olsam bo`ladi.

2. Chet tilida qanday qilib ravon xuddi haqiqiy inglizlardek gapira olishim mumkin.

3. Nima uchun bir tilga o`zlashtirilgan muassalarda o`qiydigan talabalar bir necha yil davomida bosh ko`tarmasdan chet tilini o`ganadiyu, ba`zilari uch-to`rt og`iz murakkab gap gapira olmayotgan bir paytda, bu sohaga umuman aloqasi bo`lmagan o`quvchilar kuniga 2-3 soat til o`rganishga vaqt sarflab ravon gapira olyapdi.

Bir necha yildan beri, ya`ni til o`rganishni boshlagan paytimdan beri ko`plab duch kelgan muammolarimni bartaraf qilish uchun izlanishlarim natijasida shuni tushundimki, muammoning asosiy sababi til o`rganishga bo`lgan yondashuvda ekanligini anglab yetdim. Hozirgi kunda aksar ta`lim muassasalarida qo`llanilayotgan siyqasi chiqib ketgan metodlardan foydalanish eskichilik sarqiti bo`lib qoldi.

Bugun zamonaviylik va qulaylikga intilayotgan davrda tilni o`rganish o`qituvchidan ko`ra o`quvchining aynan o`ziga bo`gliqdir. O`quvchining yaxshi natijaga erishishiga turtki bo`luvchi asosoiy omillarni ko`rib chiqamiz.

**Motivatisiya:** Biror tilni o`rganish uchun eng muhimi hayotdagi har bir sohada bo`lganidek kuchli ishtiyoqdir. Har doim o`zingizga bu tilni nima uchun o`rganish kerak degan savolni bering va har qanday qiyin vaziyatingizda yoki ikkilanganingizda bu tilni mukammal o`gansangiz sizni qanday muvaffaqiyatlar kutayotganini va maqsadlaringizni eslang. Eng muhimi bu qo`lingizdan kelishiga, hammasi sodda, unchalik ham qiyin emasligini anglab yetishdir. Agar siz yuqoridagi barchasini eplay olishga ko`zingiz yetsa siz til o`rganishga tayyorsiz.

**Har kunlik mashg`ulot:** Hozirgi kunda juda ko`plab til kurslari haftada 3 marta, 2 soatdan dars tashkillashtiradi. Va kundalik hayot ishlari bilan band bo`lgan har qanday til o`rganuvchi boshqa kunlarda tilga vaqt ajrata olmaydi. Bu keyinga darsgacha oldingi mavzular esdan chiqishiga va til o`ganish jarayoniga sekinlashishiga olib keladi. Shuning uchun ham xohlagan bir chet tilini o`rganayotganda uni har kuni takrorlash ta`lab qilinadi. Shundagina til o`rganish jarayoni ancha tezlashadi. Bundan tushunish mumkunki har qanday tilni yaxshi o`zlashtirmoqchi bo`lgan inson kunlik majburyatini ya`ni har kuni har qanday vaziyatda ham kuniga o`rtacha 2-3 soat vaqtini o`sha til bilan shug`ullanishga sarflashi kerak. Shundagina tilni eslab qolish imkoniyati keskin oshadi.

**Zerikishdan qutulish:** Siz o`z topshiriqlaringizdan zerikkan yoki charchagan paytingizda o`zingiz qiziqqan turli xil mashg`ulotlar: Televizor ko`rish, do`stlar bilan suhbatlashish yoki o`zingiz qiziqqan xobbiyingiz haqida turli xil malumotlar o`ganish va shunga o`xshash mashg`ulotlarni faqat o`rganayotgan tilingizda bajarishga harakat qiling. Chunki, bu sizga ham energiya, ham o`zingiz bilmagan ravishda

o`rganayotgan tilingizda listening- tinglash, Reading- o`qib tushunish, Speaking- Gapirish, Writing- yozish qobilyatlaringizda tabiiy holatda ko`nikma shakllanishiga sabab bo`ladi va bu vaqtdan unumli foydalanishdir. Umuman olganda "bir o`q bilan ikki quyonni urish" dir.

**Passiv lug`atlarni aktivga olib kirish:** Ko`p holatlarda bizga judako`pchilik so`z boyligini oshirish uchun ko`p lug`at yodlash samara beradi deb maslahat berishadi. Ammo bu mutlaqo noto`g`ri fikrdir. Chunki har bir til o`rganuvchisi kuniga 50 tadan so`z yodlab undan qanday va qay vaziyatda foydalanishni bilmagandan ko`ra, har kuni 10 yoki 20 tagacha so`z o`rganib uni matnga olib kirishni o`rgangan afzal.

Misol uchun siz har kuni eat-yemoq, drink- ichmoq kabi lug`at 50 talab so`z yodlash befoyda. Chunki bunday yodlangan so`z inson xotirasida uzoq muddat saqlanib qolmaydi. Qachonki u manashu so`zlardan foydalanishga to`gri kelganda qiyinchilikga duch kelish ehtimoli ko`proq. Uning o`rniga siz kunlik rejalashtirgan ishlaringizni bugungi yodlagan lug`atlaringizni kiritib matn tuzishni boshlang. Shundagina so`zlarni qayta takrorlash va bugungi so`zni qayerda qo`llay olish imkoniyatini beradi. Siz har qanday inson bilan suhbatlashayotganingizda yoki o`zingiz yoqtirgan turli xil dasturlarni ko`rayotganingizda tabiiy ravishda ravon Grammatik xatolarsiz gapira olish va mukammal ravishda tushuna oladiganlar safida bo`lasiz.

Bu narsa shuni anglatadiki bugungi kunda 6 oyda chet tilini o`gatishni va`da berayotgan o`quv markazlari sizni aldamayapti, balki to`g`ri tanlangan metodika evaziga yuqori ko`rsatkichlarga erisha olyapti. Bu faqat ozingizga bo`lgan ishtiyoq va tog`ri tanlangan metodikaga bog`liqdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1-F.M.Muhammadjonov. "O'quvchilarni ingliz tilini o'rganishda duch keladigan qiyinchiliklari"

2-T.Robins. "Maqsadga qanday erishiladi"

3-Z.Po'latova "Xorijiy tillarni o'rganishdagi muammolar.

# AYOLLARNING JAMIYATDA TUTGAN O`RNI VA ROLI

**Rajabova Tursunoy Nasimovna,**

**Axadova Nilufar Nodir qizi**

Samarqand davlat universteti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Ijtimoiy-siyosiy hamda ijtimoiy-iqtisodiy hayotda ayollarning o'rni va maqomini oshirish O'zbekistonda davlat siyosatidagi o`rnini oshirilayotganligi,shu maqsadlarda ayollarning ijtimoiy faolligini kuchaytirish, ularning bandligini ta'minlash, oila institutini, onalik va bolalik muhofazasini yanada kuchaytirish bo'yicha samarali chora-tadbirlar qay darajada olib borilayotganligi, jamiyatda xotin-qizlarga tazyiq va zo'ravonlikka nisbatan murosasizlik muhitini yaratish, xotin-qizlarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini ta'minlash.Gender tenglikni ta'minlash siyosatini davom ettirish, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ularni qo'llab-quvvatlashga doir islohotlarni amalga oshirish.Xotin-qizlarning ta'lim va kasbiy ko'nikmalar olishlari, munosib ish topishlariga Og'ir ijtimoiy ahvolga tushib qolgan xotin-qizlarga ijtimoiy-huquqiy, psixologik yordam ko'rsatish, ularni manzilli qo'llab-quvvatlash masalalari qonunlar bilan o`rganilgan.

**Tayanch so`zlar:**Ayol, xotin-qizlar, huquq-majburiyatlar,"Gender tenglik" tushunchasi,

## Kirish.

Biz yashayotgan jamiyatda ayollarning o`rni beqiyos. 2019 yil 2 sentyabrda qabul qilingan "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasining qonuni xotin-qizlarning jamiyatdagi o'rniga qaratilgan huquqiy himoya, huquqiy kafolat siaftida ma'qullangandi.Quvonarli tomoni shundaki, ming yillardan buyon jamiyatda ayol va erkak o'rtasidagi tengsizlik va uni hal etish masalasi hamisha dolzarb bo'lib kelgan huquqiy munosabatlarning nechog'lik dolzarbligiga qaratilgan qonundir. Jumladan, qonunning 1-moddasida qayd etilganidek, qonunning maqsadi xotin-qizlar va erkaklar uchun

teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iborat.

To'g'ri, hozir biz yashayotgan davr yangilanayotgan O'zbekistonning islohotlarida inson manfaatlarining ustunligiga qaratilgan bir paytda, hali ham oilaviy nizolarning juda katta qismi erkaklar tomonidan ayol huquqlarining tan olinmaslik holatlari shuningdek, ayrim holatlarda jamiyatda ham xotin-qizlarning huquq hamda imkoniyatlariga etarlicha ahamiyat berilmayotgani haqiqatdir.

SHuningdek, qonunda gender tushunchasi ham qayd etilgan bo'lib, unga ko'ra, gender — xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi munosabatlarning jamiyat hayoti va faoliyatining barcha sohalarida, shu jumladan siyosat, iqtisodiyot, huquq, mafkura va madaniyat, ta'lim hamda ilm-fan sohalarida namoyon bo'ladigan ijtimoiy jihati ko'rsatilgan. Demak, gender tushunchasi faqat ayollar manfaatlarini ifodalamaydi. Balki har ikki jins vakillarining o'z orzu va maqsadlari sari dadil odimlashi, hayot sifatini oshirish uchun bir xil imkon berish kerakligini ilgari suradi, xolos. Aynan rivojlangan jamiyatning talablaridan biri bu erkak va ayol huquqlari tengligining ta'minlanishidadir.

**Asosiy qisim**

**Fuqarolik jamiyati muammolari tadqiqot markazining (Ukraina) direktori Vitaliy Kulik** qayd etishicha, gender munosabatlari butun madaniyatni, jamiyat qurilishi, davlat institutlari, qaror qabul qilish usullari va fikrlash uslubini o’zida mujassam etadi. Ular tilda, urf-odatlarda, san’at va hatto ishlab chiqarishda ham o’zining o’chmas izini qoldiradi.

V.Kulik o’tgan yillar davomida O’zbekistonda ayollarning ijtimoiy siyosiy faolligini, jamiyat va davlat qurilishi vazifalarini hal etishda ularning o’rni va maqomini oshirish yuzasidan salmoqli o’zgarishlar ro’y berganini ta’kidladi.

“Gender munosabatlarini uyg’unlashtirishga umum demokratik jarayonning ajralmas bo’lagi sifatida qaraladi, deydi komil ishonch bilan ekspert. Biroq demokratlashtirish o’z-o’zidan avtomatik tarzda gender muammolarining hal qilinishiga olib keladi, deb hisoblash mumkin emas. Jahon tajribasi shuni ko’rsatmoqdaki, buning uchun alohida harakat lozim. Va bu masala bo’yicha O’zbekiston butun Markaziy Osiyo

mintaqasiga namuna bo'lishi mumkin. Bugungi kunda O'zbekiston kasaba uyushmalari tizimida maxsus tuzilma - Ayollar kengashi, tarmoq va hududiy kasaba uyushmalari tashkilotlarining huzurida esa ayollar bilan ishlash komissiyalari faoliyat ko'rsatmoqda. Ular tomonidan ishchi ayollar ijtimoiy himoyasini yanada kuchaytirish yuzasidan tizimli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, jamoa shartnomalari va bitimlar vositasida ular uchun qo'shimcha imtiyoz va kafolatlar yaratilmoqda. Bunday tajriba hatto Yevropa qonunchiligida ham mavjud emas".

Ekspertning aytishicha, O'zbekistonda maksimal darajadagi bandlikni ta'minlashga, ishlaydigan ayollarning daromadlarini oshirishga yo'naltirilgan samarali gender siyosati ishlab chiqilgan va u hayotga tadbiq etilmoqda, kasb-hunar kollejlari va oliy o'quv yurtlarining bitiruvchi qizlari bandligi ta'minlanishiga ko'maklashish amalga oshirilmoqda. "Ayollarning huquq va erkinliklari ta'minlanishi, ularning farovonligi va ijtimoiy himoyasi yaxshilanishi bo'yicha majmuaviy chora-tadbirlarning amalga oshirilishi bo'yicha O'zbekiston tajribasi Markaziy Osiyo davlatlari uchun davlat gender siyosatining modeli bo'lishi mumkin, ayrim masalalarda esa u jinslar teng huquqliligi ta'minlanishidagi Yevropa tajribasini ham boyitadi", deb hisoblaydi V.Kulik.

**Dehli universiteti (Hindiston) Indraprastxa xotin-qizlar kollejining Tarix kafedrasi dotsenti Minakshi Kxanna** mustaqil rivojlanish yillari davomida O'zbekistonda ayollarning ijtimoiy-siyosiy holati sezilarli darajada o'sganini e'tirof etdi.

— Bugungi kunda ular mamlakatning ijtimoiy-siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotida muhim o'rin tutmoqda, - dedi u. - Respublikada ayollarni har tomonlama qo'llab-quvvatlashga qaratilayotgan e'tibor, ularning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish yuzasidan amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar yuqori bahoga loyiqdir. Siyosiy partiyalar hokimiyatning qonun chiqaruvchi va vakillik organlariga nomzodlar umumiy sonidan kamida 30 foizi ayollarning nomzodlarini ko'rsatishlari lozimligi qonun bilan mustahkamlab qo'yilgani menda katta taassurot qoldirgan. Shu o'rinda, O'zbekiston kasaba uyushmalari tashkilotlari ayollarning ijtimoiy-iqtisodiy

manfaatlari va mehnat huquqlarini ta’minlash jarayonida faol ishtirok etayotganini ham ta’kidlashni istar edim.

O’zbekiston Respublikasida ayollarni har tomonlama qo’llab-quvvatlash, ularning bandligini ta’minlash va sog’ligi mustahkamlash bo’yicha hayotga tadbiq etilayotgan chora-tadbirlar xorijiy ommaviy axborot vositalarida ham keng yoritilmoqda.

YUNESKOning STEM va gender bo‘yicha bo‘yicha hisobotiga (SAGA) ko‘ra, bunga asosiy sabablar quyidagilar bo‘lishi mumkin:

- Kasb tanlashdagi farqlar;
- Hayotiy qadriyatlardagi farq;
- Ishonch va o‘z-o‘zini anglash;
- Gender stereotiplari;
- Gender tarafkashligi.

Turli dasturlar va tadqiqotchilar bo‘yicha oliy ma’lumotli ayol va erkak bitiruvchilarning ulushiga e’tibor beradigan bo‘lsak, bakalavr va magistr darajalariga ega ayollar soni erkaklardan ko‘proq bo‘lishi mumkin, lekin fan nomzodlari va tadqiqotchilar orasida erkaklar soni ayollar sonidan ancha ko‘proq ekanligini ko‘rishimiz mumkin.

**Xulosa**

Xulosa o`rnida shuni ta`kidlash joizki, har bir jamiyatda ayollarni o`rni va roli beqiyos bo`lmog`I lozim. Darhaqiqat, qadim yunon Suqrot, Arastu, Aflotun kabi olimlari eng yaxshi davlat sifatida jamiyatda tenglik va adolat hukm surgan polisni nazarda tutishgan. eng yaxshi qonunlar sifatida ham barcha tengligini kafolatlagan qonunlarni ilgari surishgan. erkak va ayollar tengligi g'oyasini yunon olimi Antifont o'z asarlarida qo'llagan holda: «Tabiat barchani: ayollarni ham, erkaklarni ham teng qilib yaratadi, lekin odamlar insonlarni tengsiz holatga soluvchi qonunlarni ishlab chiqishadi», deb ta'kidlagan.SHarq qomusiy olimlardan Abu Nasr Forobiy “Fozil odamlar shahri” asarida tenglik hukm surgan davlatni fozillikka intilgan davlat sifatida qayd etgan bo'lsa, 1791 yilda Olimpiya De Guj tomonidan tayyorlangan

fuqarolik va ayol huquqi deklaratsiyasida ilk bor ayollarning erkin fikrlash va o'z fikrini bildirish huquqiga ega ekanligi  e'tirof etilgan. Shunday qilib, oliy ma'lumotli mutaxassis, bunyodkor va ijodkor bo'lgan bugungi O'zbekiston xotin-qizlari o'zining mehnatkashligi, iqtidori va salohiyati bilan ulkan natijalarga erishmoqda. Ayni paytda ular oila va jamiyatimizda tinchlik, totuvlik, farovonlik va hamjihatlikni ta'minlashdek mas'uliyatli vazifalarni o'zining nozik yelkasida ko'tarib kelmoqda.Davlat tomonidan xotin-qizlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning iste'dod va intilishlarini yuzaga chiqarish uchun barcha sharoit yaratish borasida izchil ishlar olib borilmoqda. Bu yo'nalishdagi islohotlarning natijalari xalqaro hamjamiyat tomonidan yuqori baholangani holda O'zbekiston ayollari alohida e'zoz va hurmat topgan mamlakat sifatida nom qozondi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:**

**1 O**`zbekiston Respublikasining 2022-2026-yillarga mo`ljallangan " Taraqqiyot strategiyasi"

**2.** Abu Nasr Forobiy "Fozil odamlar shahri"

**3.** "Xotin-qizlarni kamsitishining barcha shakllariga barham berish to'g'risida" Konvensiya

**4.** Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"qonuni.

# INSON RIVOJLANISHIDA RANGLARNING O‘RNI VA AHAMIYATI

**Babaqulova Adiba Baxromqulovna**
Samarqand viloyati Samarqand tumani 52-umumiy o‘rta ta’lim maktabi o‘qituvchisi

**Annotatasiya:** Ushbu maqolada ranglarning inson hayotiga psixologik ta’siri, ranglarning ahamiyati, hamda aholi turmush tarziga ta’siri, shaxs rivojlanishida uning ruhiyatiga va aqliy rivojlanishidagi o‘rni bo‘yicha fikrlar keltirilgan hamda taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Kalit so‘zlar:** Ranglar, politra, davolovchi, kolorit, ranglar jilosi, rangtasvir, gloukoma, psixologik ta’sir, o‘rta to‘lqinli, uzun to‘lqinli, qisqa to‘lqinli, animiya, rang va inson.

Ma’lumki, mamlakat taraqqiyoti, yurt va millat kelajagi bevosita o‘sib kelayotgan yosh avlodning jismoniy, ruhiy va ma’naviy barkamolligi hamda ilmiy, intellektual salohiyati muhim o‘rin tutadi. Bu borada, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev rahbarligida 2019-yil 19-martda “Yoshlar bilan ishlashni samarali tashkil etishda madaniyat, san’at, sport, axborot texnologiyalari, kitobxonlikga qiziqishini oshirish bo‘yicha 5 ta muhim tashabbusni amalga oshirish to‘g‘risida”[76] o‘tkazilgan videoselektor yig‘ilishida yoshlarni rivojlantirishga qaratilgan masalalar muhokama qilindi va sohalarga ta’luqli 5 ta muhim tashabbus ilgari surildi. Mazkur 5 tashabbusning birinchisi, yoshlarning musiqa, rassomlik, teatr va san’atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirish kabi muhim masalalari ilgri surilgan. Birinchi tashabbus yoshlarni tasviriy san’at, rassomchilik sohasini rivojlantirish, yoshlar o’rtasida keng targ’ib qilish, iste’dodli yoshlarni yuzaga chiqarishga xizmat qiladi.

Keltirilgan fikrlarga asoslangan holatda san’at sohasini yoshlar o‘rtasida ommaviyligini ta’minlash hozirgi kunning muhim masalalaridan biri hisoblanadi. Tasviriy san’atning ta’sir etuvchi kuchi insonning dunyoqarashini tubdan o‘zgartira

[76] Sh.M.Mirziyoyev Yoshlar bilan ishlashni samarali tashkil etishda madaniyat, san’at, sport, axborot texnologiyalari, kitobxonlikga qiziqishini oshirish bo‘yicha 5 ta muhim tashabbusni amalga oshirish to‘g‘risida” 2019-yil 19-mart. www.lex.uz

oladigan, uning ichki dunyosi shakllanishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadigan eng katta kuch bo‘lib, ular ongining eng yashirin burchaklariga kirib, haqiqiy qadriyatlar urug‘ini ekishga qodir.



**1.1-rasm. “Qish” asari[77].**

Fikrimizcha, zamonaviy jamiyat visual idrok etish darajasining oshganligi bilan ajralib turadi, bu yerda visual tasvirlar kundalik hayotning yetakchi qismiga, dunyoni bilish usuliga aylanadi. Insonlarning his-tuyg‘u organlari nafaqat atrofdagi muhitni tahlil qiladi, balki ma’lumotni qabul qiluvchidir. Shu jihatdan ranglar bizning tanamizga ma’lum miqdorda ta’sir ko‘rsatadi. Ranglar hayot beruvchi va davolovchi kuchga ega (1.1-rasm).

Shu o‘rinda zamonaviy olimlarning fikricha, rang terapiyasi davolash va tiklanishning eng istiqbolli va ishonchli usullaridan biri hisoblanadi. Bizning miyamiz, oshqozon ovqatlanishiga o‘xshab rangni o‘z ichiga oladi. Ranglar issiq va sovuqqa bo‘linganligi ma’lum. Issiq - qizil, to‘q sariq, sariq soyalar kiradi; Sovuq - ko‘k, ko‘k va binafsha rangga bo’linishi olimlar tamonidan isbotlangan.

Ranglarning hayotda insonlarga psixologik ta’siri kattadir, oddiy misol: ko‘cha harakati qonuniyati, tabiat harakati qonuniyatlari har bir faslda inson qalbida o‘zgacha his uyg‘onadi. Kuz faslida inson ushalmagan orzularini, qalbga turtki bo‘ladiga hislarni tuyadi. Bahor fasli esa mutlaqo o‘zgacha fasldir, xalqimiz bekorga

[77] Ushbu rasm muallif tamonidan chizilgan.

uyg‘onish fasli demaydilar sababi, bu faslda insonlar tabiat o‘zgarishiga qarab hislari jumbushga keladi atrof yangilanadi daraxtlar gullaydi, atrof olam gullarga burkanadi. Atrofdagi ranglar jilosi kishi qalbida mehr-muhabbat uyg‘otadi. Mana ko‘rdingizmi tabiatdagi bu o‘zgarishlar, bu ranglar kishi psixologiyasiga tez va katta ta’sir qiladi. Agarda tarix voqealarga nazar tashlasak, juda ko‘p hayotiy yaxshiliklar bo‘lib, oilada to‘ylar, tug‘ilgan bolalarning beshik to‘yi, nikoh to‘ylari va katta bayramlar bo‘lib o‘tadi. Shunday mavzularda ishlangan rassomlarning rangtasvir asarlariga nazar tashlasak, unda sur’atning umumiy rang tuzilishida yorqin, sho‘xchan, rangdagi bo‘yoqlar ishlatganini ko‘ramiz. Och havorang, och sariq, to‘q sariq, zarg‘aldoq, och qizil, pushti va shunga o‘xshash ranglarga ko‘zimiz tushadi.

Bularning hammasi yaxshilik, xursandchilik, quvnoq, jo‘shqin hayotni ko‘rsatuvchi voqealardir. O‘zbekiston Respublikasi Badiiy Akademiyasining akademigi O‘rol Tansiqboyevning asarlaridan; “Jonajon o‘lkam”, “Qayroq suv ombori”, “Mening qo‘shig‘im” kabi asarlari bizga ma’lum. ”Mening qo‘shig‘im” manzara janridagi asari shunday ishlanganki, bir qarashda kishini o‘ziga maftun qiladi, shunday joylarga borib bu go‘zallikdan bahramand bo‘lish hissini uyg‘otadi. Manzaraning oldingi planida ochilib turgan yorqin sariq rangli tog‘ guli, orqa tomonda tog‘ manzarasi, yaraqlab ko‘rinib turgan qishloqni ko‘ramiz. Moviy manzara tomoshabinlarni o‘z bag‘riga chorlayotganday deb his qilasiz. O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan madaniyat xodimi Hikmat Raxmonovning “Yozgi sevinch” asarida, haqiqatdan ham bolalar issiq yozda, quyosh nurida, yoz ne’matlarini sevib, mazza qilib tarvuz tanovvul qilmoqdalar, bolalar ahil, xushchaqchaq, rang-barang kiyimlarda, ular tomoshabinni quvontiradi, sur’atning umumiy ranggi xushchang, yorqin bo‘yoqlarda ishlangan, jozibali bo‘lib, bolalik davrini kuylaydi. N.G.Qoraxonning “Oltin kuz” asarlari ham tomoshabinlarga estetik ta’siri kattadir. Hayotimiz tarixida va ayrim hozirgi vaqtlarda, oilada, ayrim tashkilotlarda ziddiyatlar, tarixda daxshatli siyosiy voqealar, urushlar bo‘lganini bilamiz.

Ranglarni qadim zamonlardayoq iliq va sovuq ranglarga ajratganlar. O‘rta asr tabiblari ba’zi ranglarning sehri kuchiga ishonib ko‘pgina kishilarni rang bilan

davolamoqchi bo'lganlar. Davolanishning bunday usullari hozir ham qisman saqlanib qolgan. Masalan ba'zi fransuz tabiblari ruhiy kasallarni devorlari maxsus ranglarga bo'yalgan xonalarga joylashtirib davolaydilar.

Shuningdek, gloukoma kasalligiga chalingan kishilar uchun hozir ko'k shishali ko'zoynak ishlab chiqariladi. Bularning hammasi va boshqa faktlar turli rang kishi organizmiga nerv sistemasiga va avvalo ko'zga turlicha ta'sir qilishdan dalolat beradi. Ko'zimiz juda murakkab va eng takomilashgan optik asbob, asosiy sezgi organlaridan biridir. Odamlar hayot tajribasining 80–90% ni ko'z orqali o'rganishni psixologlar aniqlaganlar. Ko'zning sezgirligi ham hayron qolarlidir. Agar havo musaffo bo'lganda edi, inson 2000 kilometr uzoklikda yonayotgan shamni ko'rishi mumki bo'lardi. Ko'z bir daqiqaning mingdan uch qismi davomida yaltiragan yorug'likni seza oladi, quyoshning spektorida ko'z bir – biridan farq qiladigan 25 ming rangni ajrata oladi. Ko'zning adoptatsiya xususiyati, ya'ni kamayadi xolos, buni ko'zning rangni sezishidan charchashi deyiladi.

Yuqoridagi fikrlarga asoslangan holda tasviriy san'at faoliyatini rivojlantish va yoshlar o'rtasida keng targ'ib qilish orqali aholi salomatligini yuksalishiga xizmat qilishi mumkin. Shuningdek, hozirgi global rivojlanish sharoitida yoshlarni tarbiyalash, milliy an'analarimizni targ'ib qilish, barkamol avlodni shakllantirishda o'zining beqiyos o'rniga egaligi ko'rishimiz mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

**1.** Sh.M.Mirziyoyev Yoshlar bilan ishlashni samarali tashkil etishda madaniyat, san'at, sport, axborot texnologiyalari, kitobxonlikga qiziqishini oshirish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni amalga oshirish to'g'risida" 2019-yil 19-mart. www.lex.uz

**2.** S.Abdurasulov, N.Tolipov. "Rangtasvir" «Yangi asr avlodi» -Toshkent, 2005.

**3.** N.U.Abdullaev "San'at tarixi" «San'at», -Toshkent, 200l.

**4.** S.Abdurasulov, N.Tolipov "Rangtasvir" (II-qism) –Toshkent, «Yangi asr avlodi», 2003 yil, 12-bet.

**5.** Y.M.Kirsev "Risunok i jivopis". –Moskva, «Iskustvo», 2008.

**6.** www.lex.uz

**7.** www.stat.uz

# RUS TILINI O’QITISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR

**Musayeva Maftunabegim Fahriddin qizi**

Farg'ona Davlat Universiteti, Filologiya fakulteti, Rus tili va adabiyoti o'zga tilli guruhlarda yo'nalishining 3-bosqich talabasi

**Annotatsiya:** mazkur maqola rus tilini o`qitishda pedagogik texnologiyalardan dars davomida o`yin shaklida foydalanishlikning o`quvchi va o`qituvchilar uchun naqadar manfaatli ekanligi yoritildi.

**Kalit so`zlar:** Pantomima, innovatsion usullar, “Tezkor javob”, “Hikoya zanjiri”, “Allomalar yig`ini”, psixologik mexanizm.

O‘yin texnologiyasidan foydalanishning asosini o‘quvchini faollashtiruvchi va jadallashtiruvchi faoliyat tashkil etadi. Psixologlarning ta‘kidlashlaricha, o‘yinli faoliyatning psixologik mexanizmlari shaxsning o‘zini namoyon qilish, hayotda barqaror o‘rnini topish, o‘zini o‘zi boshqarish, o‘z imkoniyatlarini amalga oshirishning fundamental ehtiyojlariga tayanadi. Har qanday o‘yin zamirida umumiy qabul qilingan ta‘lim prinsiplari, taktikasi yotishi kerak. O‘quv o‘yinlariga o‘quv predmetlari asos qilib olinishi kerak. O‘yinlar jarayonida o‘quvchi oddiy darsga qaraganda bu mashg‘ulotga qiziqibroq yondashadi va bemalol faoliyat ko‘rsatadi.

Ta‘kidlash lozimki, o‘yin eng avallo, o‘qitishning bir usulidir. O‘quvchilar o‘yinli darslarga qiziqib qatnashadilar, g‘alaba qozonishga intiladilar, o‘qituvchi ular orqali o‘quvchiga ta‘lim-tarbiya ham beradi. O‘quvchi ruscha o‘yin o‘ynab, gapira olarkanman, tinglab tushuna olarkanman, yoza olarkanman, deb ishonadi, qiziqadi.

Tajriba shundan dalolat beradiki, har qanday o‘yinda ishtirokchilarning malakasi va yoshidan qat‘iy nazar, ular o‘ng‘aysiz holatga tushib qoladilar. Shuning uchun o‘yinni o‘quv amaliyotiga tadbiq qilishdan avval quyidagi pedagogik-psixologik masalalar hal etilishi zarur. Har bir o‘quvchi o‘yinga tayyorgarlik ko‘rayotganda quyidagilarni bilishi kerak:

- o‘yinning maqsadini;

- o‘yinning vazifasini;
- o‘yinning rejadagi qaysi mavzuga taalluqliligini;
- avvalgi o‘yinlarda shakllangan malaka va ko‘nikmalarni keyingi o‘yinlarda ham qo‘llay olishi.

Bizga ma`lumki, hozirgi ta‘lim jaroyonida o‘quvchi sub‘ekt bo‘lishi lozim. Bunda ko‘proq interfaol metodlarga e‘tiborni qaratish ta‘lim samaradorligini oshiradi. Rus tili darslariga qo‘yilgan eng muhim talablardan biri mustaqil fikrlashga o‘rgatishdir.

Bugungi kunda rus tili o‘qituvchilari Rossiya pedagoglari tajribasiga tayangan holda, quyidagi innovatsion metodlardan foydalanib kelmoqda:

**“Muammoli vaziyat yechimi”** bu usulni qo‘llash uchun hikoyaning boshlanishi o‘qib beriladi qanday yakun topishi o‘quvchilar, talabalar hukmiga havola qilinadi;

**“Quvnoq topishmoqlar”** o‘quvchilarga topishmoqlar o‘rgatish rus tilini o‘rgatishda muhim ahamiyatga ega, ular o‘zlariga notanish bo‘lgan so‘zlarni o‘rganadilar va o‘ylab topishmoq javobini topadilar;

**“Tezkor javob”** o‘tilgan dars samaradorligini oshirishda yordam beradi;

**“Chigil yozdi”** o‘quvchilarni darsga qiziqtirish uchun sinfda har xil o‘yinlardan foydalanish;

**“Pantomima”** bu usul juda qiyin mavzular tushuntirilishi kerak bo‘lgan darsda yoki yozma mashqlar bajarilib, o`quvchilarning charchagan vaqtida foydalanilsa bo‘ladi;

**“Hikoya zanjiri”** usuli o‘quvchilarning og‘zaki nutqini oshirishda va xotirani mustahkamlashda yordam beradi;

**“Rolli o`yinlar”** bu usul darsning barcha tiplarida qo‘llanilishi mumkin. Hunarga o‘rgatish uchun turli kasbdagi kishilar darsda ishtirok etishib o‘quvchilar bilan suhbatlashishlari mumkin;

**“Allomalar yig`ini”** U.Shekspir, A.Navoiy, R.Burns kabi shoirlar va yozuvchilarni —taklif qilish mumkin. Bunday paytda ular aytib ketgan hikmatli

so‘zlardan darsda foydalanish yoshlarni komil inson bo‘lib tarbiyalanishiga yordam beradi;

**“Rasmlar so`zlaganda”** usuli ancha qulay bo‘lib, rus tilini o‘rgatishda, talaba, o‘quvchilarning o‘g‘zaki nutqini rivojlantirishda yordam beradi, buning uchun mavzuga oid rasmlardan foydalanish lozim;

**“Kviz kartochkalari”** o‘quvchilarning soniga qarab kartochkalar tarqatiladi va hamma talabalar bir vaqtda darsda ishtirok etish imkonini beradi bu esa vaqtni tejaydi.

Ushbu interfaol o‘yinlarning maqsadi, o‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasidagi hamkorlik, o‘quvchining ta‘lim jarayonida faol harakati, ziyrakligi asosiysi esa darsni qiziqarli tarzda o‘zlashtirib, yodda saqlab qolishidir.

Xulosa qilib aytganda, rus tili darslarida innovatsion usullarni qo‘llash natijasida o‘quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi, nutqi ravonlashadi, tez va to‘g‘ri javob berish malakasi shakllanadi. Bunday usullar va o‘yinlar o‘quvchida bilimga ishtiyoq uyg‘otadi. O‘quvchi darslarga puxta hozirlik ko‘rishga intiladi. Bu esa o‘quvchilarni ta‘lim jarayonining sub‘yektlariga aylantiradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Шахматов А. А. «Синтаксис русского языка» М. 1941.-345b

2. Смирнидский А. С. «Синтаксис английского языка» Изд-до лит. На иностр. языках. 1957.-354b.

# RUS TILI DARSLARIDA O`QUVCHILARNING RUS TILIDA NUTQ KO`NIKMALARNI TAKOMILLASHTIRISH USULLARI

**Rustamova Mavludaxon Alisher qizi**

Farg'ona Davlat Universiteti, Filologiya fakulteti, rus tili va adabiyoti o'zga tilli guruhlarda yo'nalishining 3-bosqich talabasi

**Annotatsiya:** Ushbu maqola rus tilida nutq o`stirishning asosiy maqsadi: o`quvchilarning rus tilidagi og`zaki nutqini rivojlantirishdan, atrofdagilar bilan nutqiy muloqotda bo`lish malakasini shakllantirishdan iborat.

**Kalit so'zlar:** Grammatik shakllar, nutq, xorijiy til, hodisalar, , nutqini rivojlantirish, tovush madaniyati, grammatika.

Til o`rganishlik har qaysi zamonda ham muhim omil hissoblangan. Moziyga nazar soladigan bo`lsak buyuk ajdodlarimi o`z ona tillaridan tashqari bir qancha tillarni puxta egallash bilan cheklanmay, balki ularda ijod ham qilganlar. Hammamizga malumki til o`rganish, hususan bilim olish judayam mashaqqatli ishdir.

O`rta umumta`lim maktablari rus tili darslarida og`zaki nutq mashqlarini tahlili va o`quvchilarida rus tili og`zaki nutq ko`nikmalarini shakllantirish va uning nutqiy muloqotda qo`llash malakasini egallashga ko`maklashish maqsadida tez va oson erishishning asosiy omili xorijiy til ta`limini uni qanday maqsadda va yo`nalishda o`rganilishiga nisbatan tashkil qilish bilan bog`liqligi haqida. Maktablarda boshlang'ich sinf o'quvchilariga ta'lim – tarbiya berishda eng asosiy vazifalardan biri o'quvchilarga ona tilini o'rgatish bilan bir qatorda xorijiy tillarni o'rgatish, shu nuqtaiy nazardan rus tilini o'rgatishdir. O'quvchini rus tiliga qiziqtira olish, rus tilida nutqini rivojlantirish, nutqiy munosabatga, muomalaga o'rgatishdir.

Nutq o'stirishning asosiy maqsadi: o'quvchilarning rus tilidagi og'zaki nutqini rivojlantirishdan, atrofdagilar bilan nutqiy muloqotda bo'lish malakasini shakllantirishdan iborat.

Nutq o'stirish vazifasi o'z ichiga bir qancha maxsus vazifalarni oladi:

- O'quvchilarni sinf xonasi va tevarak-atrof bilan tanishtirish, nutqini o'stirish, lug'atini boyitish
- Nutqning grammatik tomonini shakllantirish.
- nutqning tovush madaniyatini tarbiyalash.

Lug'at ustida ishlash ko'rgazmali qurollardan tahqari sinf xonasidagi ko'rgazmalardan hamda tevarak-atrof bilan tanishtirish orqali ham amalgam oshiriladi. O'quvchilarni tevarak - tarofdagi buyumlar, hodisalar, o'simliklar, hayvonot dunyosi va hokozolar bilan tanishtirish jarayonida ularning nomlarini, sifatlarini, hususiyatlarini ruschaa so'zlar bilan aytamiz.

Rus tili darslaida lug'at bilan ishlash juda muhim bo'lib, o'qituvchi o'quvchilarga o'rtoqlari bilan rus tilida nutqiy muloqotga kirishib keta olishiga yordam beradigan tanlab hamda diologik nutq yordamida ular nutqiga kiritib boradilar. O'quvchilarni so'zlarning tarjimasini tushunishga o'rgatibgina qolmay, balki bu so'zlarni nutqlarni faol ishkatishga ham odatlanib boradilar.Lug'at tilning qurilish materiali hisoblanadi. Grammatika esa gapda so'zlarning o'zgarishi va ularning bog'lanish usullarini belgilaydi. Bundan tashqari, grammatika tilning qurilish modelini (so'z yasovchi, so'z o'zgartiruvchi) belgilaydi.O'quvchi rus tilining barcha grammatik shakllarini qancha erta o'zlashtirsa, u aqliy jihatdan ham, nutqiy jihatdan ham shunchalik tez rivojlanadi. Agar o'quvchida nutqning grammatik tomoni noto'g'ri shakllansa, aqliy rivojlanishi kechkadi.O'qituvch har bir mashg'ulot va o'yin turlarida bolalar nutqidagi grammatik xatolarni tuzatishi kerak. O'z vaqtida tuzatilmagan grammatik xato bola nutqida mustahkamlanib, uni tinglayotgan boshqa bolalar nutqida ham grammatik xatolarning paydo bo'lishiga sabab bo'ladi. Biroq maxsus tashkil etiladigan o'yinlarda bola nutqidagiu yoki bu salbiy jihatlarni ogohlantirish bo'yicha ish olib, bola nutqida paydo bo'lgan grammatik hatolarni o'z vaqtida bartaraf etish lozim.

Xulosa o`rnida shuni takidlash joizki, mahsus tashkil etiladigan o'yin va mashg'ulotlarda bolaning diqqati faqat kerakli grammatik shakllarga jalb qilinadi. So'z, uning shakl jihatdan o'zgarishi, so'z birikmasi yoki gaplar ular aqliy faoliyatining mazmuni bo'lib qoladi. Shunday mashg'ulotlarni izchillik va ketma-

ketlik bilan olib barish natijasida bolalar qanday gapirish kerakligini o`rganadilar, savodli tarzda chiroyli gapirishga harakat qiladilar. Qulay ishchanlik ruhida tashkil etiladigan mashg'ulotlar bola diqqatini chalg'ib ketishining oldini oladi, ular o'qituvchining tushuntirishlarini, ko'rsatmalarini diqqat bilan tinglaydilar, o'rtoqlarini nutqini kuzatadilar. Mashg'ulotda nutq namunasini oladilar va o'z nutqlarida undan foydalanadilar. Aksariyat o'quvchilar o'z o'rtoqlarining xatolarini tuzatishda o'qituvchining eng yaqin yordamchisiga aylanib qoladilar.Bolalar nutqidagi grammatik xatolarni ogohlantirish, tuzatish maqsadida tashkil etiladigan maxsus mashg'ulotlar olib borishlik uchun yuqoridagi metodik ko'rsatmalarga amal qilish lozim.

**Foydanilgan adabiyotlar:**

1.Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1983. –232

2.Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. –Т.: Адабиѐт ва санъат, 1983. – 192 б.

3.Сатторов Т.Қ. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси (инглиз тили материалида). –Т.:ТДЮИ, 2003. – 192 б.

4.Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе / Под ред. А.Д. Климентенко, А.А. Миролюбова. –М.: Педагогика, 1981. – 456 с.

# QASHQADARYO VOHASINING GEOGRAFIK JOYLASHUVI VA QADIMIY ZIROATCHILIKDAGI O’ZIGA XOS JIHATLAR

**Haqqulov Sarvar Abdualimovich**
Qarshi davlat universiteti

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada qadimiy sivilizatsiya o’choqlaridan biri hisoblangan Qashqadaryo vohasining geografik joylashuvi, voha aholisining asosiy xo’jalik mashg’ulotlaridan bo’lgan ziroatchilik bilan bog’liq o’ziga xos jihatlar qisqacha talqin qilingan.

**Kalit so’zlar:** Qashqadaryo, voha, hudud, ziroatchilik, xo’jalik, omoch, sivilizatsiya, joylashuv, davr, taraqqiyot, etnik madaniyat.

O’zbekistonning janubiy sarhadlarida joylashgan Qashqadaryo vohasi jahon sivilizatsiyasining qadimiy oltin beshiklaridan biri sanaladi. Voha O’zbekistonning geografik xaritasida o’ziga xos qulay hududda joylashgan bo’lib, bu qadimdan aholining dehqonchilik, chorvachilik, hunarmandchilik kabi an’anaviy xo’jalik mashg’ulotlari bilan shug’ullanishlari uchun qulay imkoniyat yaratib elgan. Shu bilan birga voha aholisining etnik tarkibi xilma – xilligi bilan boshqa hududlardan ajralib turadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganidek “2700 yildan ziyod qadimiy tarixga, qadimiy madaniyat va sivilizatsiya durdonalariga ega bo’lgan Qashqadaryo zamini bizga Yaratganni marhamati bilan ato etilgan bebaho va buyuk zamindir”[1].

Qashqadaryo vohasi dunyo madaniyati taraqqiyotining oltin belbog‘i bo‘lmish Buyuk Ipak yo‘lining eng muhim nuqtalaridan birida joylashganligini hammamiz yaxshi bilamiz. Bu serfayz zamin o‘zining beqiyos moddiy va ma’naviy ne’matlari bilan mashhurdir. Qadimiy Nasaf va Shahrisabz, Kitob Yakkabog‘ xalqi madaniyati voha taraqqiyotida alohida o‘rin tutadi.

Qashqadaryo vohasi, Pomir – Oloy tog‘ tizmasining g‘arbiy chekkasida, Amudaryo va Zarafshon daryolari, Hisor va Zarafshon tizma tog‘lari orasida. Shimoli – g‘arbda Buxoro, janubi –sharqdan Surxondaryo, janubi–g‘arb va g‘arbdan Turkmaniston, sharqdan Tojikiston va Samarqand viloyatlari bilan chegaradosh, tarixiy taraqqiyoti ko‘p jihatdan Buxoro va Samarqand viloyatlari bilan chambarchas bog‘liq bo‘lgan. Qashqadaryoning yuqori qismi qadim va o‘rta asrlarda So‘g‘dning bir qismi hisoblanib kelgan, daryoning quyi oqimidagi hududlar ko‘pincha Buxoro viloyati tarkibiga kirgan. Lekin shunga qaramasdan Qashqadaryo viloyati o‘ziga xos iqtisodiy, madaniy va etnik taraqqiyotga ega bo‘lgan mintaqa hisoblangan. Vohaning aksariyat qismi keng cho‘ldan (Qarshi cho‘li), faqat janubi–sharqiy hududlari tog‘lar bilan o‘ralgan. Arab geograflari Istahriy (850–934), Ibn Havqal (X asr) Qashqadaryo vohasini ikki viloyatga: Kesh va Nasaf viloyatiga bo‘ladilar. Vohaning yuqori hududlari Kesh, daryoning quyi oqimidagi hududlar esa Nasaf viloyati tarkibiga kirgan.

Akademik K.Shoniyozovning ma’lumotlariga ko‘ra, qadimgi Shi viloyatining janubi-g‘arbiy chegarasi hozirgi Qarshi hududlariga yaqin bo‘lgan. Ayrim davrlarda, ehtimolki VI-VII asr o‘rtalarigacha, hozirgi Qashqadaryo vohasi ham Shi viloyati tarkibiga kirgan. Xitoy solnomalarida Nashebo (kichik Shi) ning egallagan yerlari oldingi Tuxolo (Toxariston)ga qarashli bo‘lganligi qayd etiladi.

Darhaqiqat, voha milodiy I-V asrlargacha Toxaristonda hukmdorlik qilayotgan Kushonlar qo‘lida bo‘lgan. Nihoyat, Shi viloyati kuchayib, VI asrning oxirida vohani o‘ziga tobe etgan. Hokimlari yabg‘u (jabg‘u) unvoniga ega bo‘lib, Kan (Samarqand viloyati) hokimlari urug‘laridan edi. Aholining asosiy qismi o‘troq holda yashab, dehqonchilik bilan shug‘ullangan. Urf-odatlari va udumlari ko‘proq Kan aholisiga o‘xshash bo‘lgan. Bu holat Qashqadaryo vohasi va Zarafshon vodiysi aholisi etnomadaniyati mushtarak ekanligidan dalolat beradi[2].

Vohaning qadimgi tarixidan ma’lumki aholining asosiy xo’jalik yumushlaridan biri ziroatchilik hisoblangan.Ziroatchilik xo‘jaligining rivoji birinchi galda uning texnikaviy jihozlanishi va agrotexnik bilim darajasiga bog‘liq.Voha ziroatchiligi XX asr arafasida nisbatan qoloq moddiy texnika

bazasiga ega bo‘lgan edi. Arxeologik ma’lumotlarga qaraganda, bu yerda ziroatchilik qurollarining ko‘pchiligi, ayniqsa, yer haydash va ekin, o‘rish qurollari  ming yillar davomida o‘zgarmay hozirgacha yetib kelgan.

Qashqadaryo vohasining jamoa va shaxsiy xo‘jaliklarida yerga ishlov berish qurollarining an’anaviy turlari hozir ham ishlatilmoqda. Masalan, yerni haydashda yog‘ochdan yasalgan omoch (ba’zi yerlarda sipor, azal) kabi qurollar ishlatiladi. Omoch bo‘yinturuq va tirkash bilan molga qo‘sh ilgan. Haydalgan yerni tekislash va kesaklarni yanchish uchun  taxta mola yoki tishli sixmola (dandana) ishlatilgan. Yer ishlarida bel, ketmon, kapcha (kichik bel), hosil yig‘ishda o‘roq va xirmonda panshaxa, yog‘och bel, zag‘ama (tir) kabi  qurollar XX asrning 30-yillari o‘rtalarigacha juda keng foydalanilgan, ayrim joylarda ular hozirgacha saqlanib kelmoqda.

Qishloq  xo‘jaligining barcha sohalarida, ayniqsa, ziroatchilikda eng muhim mehnat qurollari omoch, ketmon, barana, bel va o‘roq hisoblangan. Mazkur  qurollarning mahalliy turlari  biroz farq qilgan. Omoch butun O‘rta Osiyoda deyarli bir xilda bo‘lsada, tabiiy-geografik sharoitga qarab ayrim xususiyatlarga ega. U ikki qismdan iborat. Yaxlit tut yoki o‘rik yog‘ochidan, pasti tekis poyli temir yoki cho‘yandan yasalgan  tish (poza) o‘rnatilgan asosiy qismi va unga tik holda ho‘kiz yoki ot qo‘shiladigan yakka shoti berkitilgan qismi. Og‘ir toshloq yerlarda katta omoch, yengil tuproqli yerlarda kichik omoch ishlatilgan.

Odatda omochga ikkita ho‘kiz, ba’zi joylarda ot yoki tuya qo‘shilgan. Buning uchun bo‘yterak yog‘ochdan yasalgan bo‘yinturuq omochga o‘rnatilib, unga ho‘kizlar qo‘shilgan. Bir  qo‘shho‘kiz bilan  bir  kunda o‘rtacha 1-2 tanob (yarim gektargacha) yer haydalgan. Omoch yerni ag‘darmay, faqat yumshatganligi va begona o‘tlarni birdan qirqmaganligi uchun yer 5-6 marta haydalgan.

Haydalgan yerni tekislab urug‘ni sepgach, ustidan tuproq tortish uchun  mola ishlatilgan. Asli ikki  xil  mola  bo‘lgan: biri katta, og‘ir  tut

yoki o'rik yog'ochidan yasalgan, uzunligi ikki metrgacha keladi, temir yoki cho'yan tishlar o'rnatilgan (six, mola, dandana) va ikkinchisi oddiy taxtadan (2,5 m va undan uzunroq) yasalgan, tishsiz mola, quruq qatqal va ajriqli yerlarda hamda sholikorlikda ishlatilgan. Bu moladan boshqa yer ishlarida ham foydalanilgan. Lalmikor (bahorgi) yerlarda moladan tashqari shox-shabbalardan yasalgan chapar bilan ham yerni molalaganlar. Ayrim kambag'al xo'jaliklarda omoch ko'ndalang yotqizilib, oddiy mola shaklida ishlatilgan. Molaga ham bo'yinturuq o'rnatilgan qo'sh ho'kiz yoki ot qo'shilgan.

Qadimdan voha aholisining 70 foizga yaqini qishloq xo'jaligida band bo'lgan. Vohaning suvga bo'gan ehtiyojini asosan qashqadaryo daryosi ta'minlab kelgan. Akademik V.V.Bartold asarlarida Qashqa vohasida sholi II asrdan ham ancha oldin etishtirila boshlangan degan fikr bildiriladi. Zarafshon va Qashqadaryo vohalarida miloddan oldingi va milodning boshlarida yetishtirila boshlangan. Naxshabga qarashli manzillarda milodning III-VI asrlarida sug'orma dehqonchilik rivojlana boshlaydi. Shu davrdan boshlab qishloq xo'jaligining boshqa ekinlari ham etishtirila boshlangan. Yuqori Qashqadaryo vohasida tuproqning melerativ holatiga qarab qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirish yo'lga qo'yilgan. Masalan: G'uzor vohasida och bo'z tuproqlar, gilli va gips tuproqlar, Kitob, Shahrisabz va Yakkabog' soyliklarida toshli, qumoq tuproqlar, tog'li hududlar va balandlik mintaqalarida to'q bo'z, jigarrang va tog' o'tloqi tuproqlari ko'p uchraydi. Shu sababli tog'li hududlarda ko'proq kartoshka, nuxat, mosh, anzir piyozi, qora zira, murch, loviya, piyoz kabi mahsulotlar bilan birgalikda 1200 xildan ziyod turli dorivor o'simliklar o'sadi. Bog'dorchilikda esa, yong'oq, anor, uzum, bodom, pista, zirk, do'lana kabi bir qancha mevalar yetishtiriladi[3].

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mirziyoyev SH. M. "Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz". T;. 2017.
2. Shoniyozov K. Qang' davlati va qang'lilar.-T;. "Fan" , 1991.B.57-59.
3. O'zbekiston Milliy Ensklopediyasi: 2 TOM.

# O’ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA INVESTITSIYALARNI JALB QILISH MASALALARI VA TASHQI IQTISODIY FAOLIYATDA TUTGAN O’RNI

# ВОПРОСЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА И ИХ РОЛЬ ВО ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ

# ISSUES OF ATTRACTING INVESTMENTS IN THE ECONOMY OF UZBEKISTAN AND ITS ROLE IN FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY

Ilmiy rahbar: **Tursunova Munisxon Rahimjanovna** -
"Sanoat iqtisodiyoti va menejmenti" kafedrasi katta o'qituvchisi,
Toshkent kimyo texnologiya instituti.
Talaba: **Rahimova Nozimaxon Jahongirovna** guruh: DMXM-3
"Davlat moliyasi va xalqaro moliya", Toshkent moliya instituti,
Islom Karimov nomidagi davlat stipendiyasi sovrindori

Научный руководитель: **Турсунова Мунисхон Рахимжановна** -
Старший преподаватель кафедры "Экономика и управление в промышленности",
Ташкентский химико-технологический институт.
Студент: **Рахимова Нозимахон Джахонгировна** группа: ДМХМ-3
"Государственные финансы и международные финансы", Ташкентский финансовый институт, Лауреат Государственной стипендии имени Ислама Каримова

Scientific leader: **Tursunova Muniskhon Rahimjanovna** -
Senior lecturer of the Department" Industrial Economics and management",
Tashkent Institute of Chemical Technology.
Student: **Rahimova Nozimakhon Jahongirovna** group: DMXM-3
"State finance and international finance", Tashkent Institute of Finance,
Winner of the state scholarship named after Islam Karimov

**Annotatsiya:** Mamlakatimizda bozor iqtisodiyoti shakllanishi, iste’mol talabiga oid yangi muammolarni kelib chiqishiga sabab bo’ladi. Bozor munosabatlariga o’tish bozor ishtirokchilariga yangi talablarni qo’ymoqda – ularni ma’lum iste’mol talabi uchun foydalanilgan mahsulotlarni ishlab chiqarish va sotishga majbur qilmoqda. O’zbekiston Respublikasining ijtimoiy yo’naltirilgan

bozor iqtisodiyotiga bosqichma-bosqich o’tishiga asoslangan hozirgi siyosati korxonalar, firmalar va tashkilotlar faoliyatini samarali tashkil qilish, ularning ichki va tashqi iqtisodiy munosabatlarining bozor talablariga moslashtirish zaruriyatini keltirib chiqaradi. Ushbu maqolada investitsiya va tashqi iqtisodiy faoliyatning iqtisodiy mazmun-mohiyati, uning barqaror iqtisodiy yuksalishni ta'minlashda muhim omil sifatida ahamiyati va faol investitsiya siyosatini yuritishda davlat boshqaruvi, shuningdek O'zbekiston iqtisodiyotida investitsion jarayonlar to'g'risida malumotlar keltirilgan.

**Kalit so’zlar:** eksport, import, yalpi ichki mahsulot, bozor, tashqi iqtisodiy siyosat, tashqi iqtisodiy faoliyat, xalqaro kompaniya, tashqi savdo, investitsiya, marketing, raqobat.

**Аннотация:** Становление рыночной экономики в нашей стране вызывает появление новых проблем, связанных с потребительским спросом. Переход к рыночным отношениям предъявляет новые требования к участникам рынка-вынуждает их производить и реализовывать продукцию, использованную для определенного потребительского спроса. Нынешняя политика Республики Узбекистан, основанная на поэтапном переходе к социально ориентированной рыночной экономике, обуславливает необходимость эффективной организации деятельности предприятий, фирм и организаций, адаптации их внутренних и внешних экономических отношений к требованиям рынка. В данной статье представлена информация об экономическом содержании инвестиционной деятельности, ее роли как важного фактора обеспечения устойчивого экономического роста и государственного управления в проведении активной инвестиционной политики, а также об инвестиционных процессах в экономике Узбекистана.

**Ключевые слова:** экспорт, импорт, валовой внутренний продукт, рынок, внешнеэкономическая политика, внешнеэкономическая деятельность, международная компания, внешняя торговля, инвестиции, маркетинг, конкуренция.

**Annotation:** The formation of a market economy in our country causes the emergence of new problems related to consumer demand. The transition to market Relations puts new demands on market participants – forcing them to produce and sell products that have been used for certain consumer demand. The current policy of the Republic of Uzbekistan, based on the gradual transition to a socially oriented market economy, effectively organizes the activities of enterprises, firms and organizations, derives from the need to adapt their internal and external economic

relations to market requirements. This article provides information on the economic content of investment activities, its role as an important factor in ensuring sustainable economic growth and public administration in pursuing an active investment policy, as well as investment processes in the economy of Uzbekistan.

**Keywords:** Export, import, gross domestic product, market, foreign economic policy, foreign economic activity, international company, foreign trade, investment, marketing, competition.

**Kirish.**

Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida investitsiya faoliyati muhim ahamiyat kasb etadi. Har bir mamlakatning rivojlanish darajasi, ya'ni iqtisodiyotning rivojlanishi va iqtisodiy o'sishi ko'p jihatdan mamlakatdagi investitsion jarayonlarga bog'liq. Har qanday jamiyatning baraqaror iqtisodiy jivojlanishini investitsiyalarsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Ayniqsa, bugungi kunda bu narsa yaqqol namoyon bo'lmoqdaki, har qanday mamlakatning bundan keyingi yuksalishi investitsiyalarni jalb etish holatiga bog'liq.

Barchamizga ma’lum, islohotlar va yangilanishlar o‘z-o‘zicha amaliyotga tadbiq qilinganda oxirgi, ya’ni yakuniy samara kutilganidek bo‘lmasligi yoki kutilgan natijaga keyinroq erishish mumkin bo‘ladi. Shuning uchun, yangi iqtisodiy tizim va munosabatlarning qaror topishida barcha tarmoqlar kerakli darajada hukumat tomonidan qo‘llab-quvvatlab boriladi, bu olib borilayotgan islohotlarninig samarali bo‘lishini kafolatlaydi. Mamlakatimizda iqtisodiy islohotlar va yangilanishlarni bosqichma-bosqich asta-sekinlik bilan amalga oshirish va bu jarayonda davlatning bosh islohotchi vazifasini bajarishi mamlakatimizning bozor iqtisodiyotiga o‘tishida o‘ziga xos turtki bo‘lib hisoblanadi. Bu jarayon investitsiyalarni jalb qilish va ularni boshqarishni tartibga solish borasida ko‘plab yangi va mamlakatimiz iqtisodiyoti uchun muhim qarorlar qabul qilishni talab qiladi.

“Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish faoliyati samaradorligini oshirish, xorijiy investorlarni mamlakatimiz imkoniyatlari va salohiyati to‘g‘risida xabardor qilish, xorijiy investitsiyalarni jalb etish va o‘zlashtirish sohasida davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari, mahalliy ijro hokimiyati organlari faoliyatini muvofiqlashtirishni yaxshilash, shuningdek, 2017-2021 yillarda

O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturida belgilangan vazifalarni amalga oshirish maqsadida” ko’plab ishlar amalga oshirilmoqda.[1]

Mamlakatizmizda amalga oshirilayotgan bozor islohotlarining hozirgi bosqichida investitsiya siyosati iqtisodiyotdagi barqarorlik, tarkibiy va sifat o’zgarishlarini belgilovchi muhim omil bo’lmoqda. Doimiy olib borilayotgan investitsiya siyosati yurtimizda xorijiy va mahalliy investorlar uchun har tomonlama qulay investitsiya muhitini yaratish imkonini yaratmoqda.

**Mavzuga oid adabiyotlar taxlili.**

Investitsiyalaming iqtisodiy mohiyati va mazmun to'g'risida iqtisodchi olimlar o'rtasida xilma-xil qarashlar va flkrlar mavjud. Bu so'zning ham keng ma'nosidan, ham tor ma'nosidan foydalanish mumkin. «lnvestitsiya» tushunchasining ma'no-mazmuniga hozirgacha yakuniy bir ta'rif berilmagan va iqtisodiy fanning turli sohalarida investitsiyaning maqsadi, vazifalari, manbasi, mablag' kiritish sohalari va obyektlarining xususiyatlaridan kelib chiqib turlicha ta'rif berilmoqda.

Rossiyalik iqtisodchi olim L.Igoshina tomonidan: «investitsiyalar - pulni saqlash, ko'paytirish yoki ijobiy miqdordagi daromadni ta'minlashni hisobga olgan holda uni joylashtirish mumkin bo'lgan har qanday vosita sifatida ifodalalladi»,[2] deb ta'riflangan. «Инвестиции» darsligining muallifi, professor A.Neshitoy investitsiyalarning mazmunini quyidagicha tavsiflaydi: «foyda olish yoki boshqa samaralarga erishish maqsadida o'z yoki o'zga mamlakatning turli tarmoqlariga, tadbirkorlik loyihalari, ijtimoiy-iqtisodiy dasturlar hamda innovatsiya loyihalarini amalga oshirishga yo'naltirilgan pul mablag'larini (kapitalni) uzoq muddatga joylashtirishdir».[3]

Investitsiya atamasining iqtisodiy mohiyati yana bir qator rus olimlari tomonidan quyidagicha tavsiflangan:

- «investitsiyalar iqtisodiy foyda va ijtimoiy samara olish maqsadida investitsiya sohasi obyektlariga kiritiladigan barcha turdagi mulkiy va intellektual boyliklarni aks ettiradi»[4];

- «investitsiyalar deganda foyda (daromad) olish va investorlaming individual maqsadlari singari ijobiy ijtimoiy samaraga erishish maqsadida iqtisodiyotning turli tarmoqlari va sohalariga, tadbirkorlik va boshqa turdagi faoliyat obyektlariga muayyan muddatga kapitalning maqsadli yo'naltirilgan qo'yilmasi shaklida amalga oshiriladigan xarajatlar yig'indisi tushuniladi»[5];

Xorijlik iqtisodchi olimlardan U.Sharp, Kempbell RMillonell, Stanli, L.Bryu kabilar investitsiyalaming mazmun-mohiyati yuzasidan turlicha ta’riflarni bayon etishgan. Jumladan, Nobel mukofotining iqtisodiyot bo 'yicha laureati ( 1990-yil)

U. Sharp ta'kidlashicha: «investitsiyalar kelgusida (ehtimol, nomuayyan) qiymatlik olish maqsadida hozirgi vaqtda muayyan qiymatlikdan voz kechishdir»[6]. «Investitsiyalash» atamasining rna' nosini mana bunday sharhlaydilar: “Kelajakda foyda olish uchun bugun puldan ajralishdir» va hisoblaydilarki, mablag'lami yoki real yoxud moliyaviy aktivlarga investitsiyalash mumkin. Ular investitsiyalash atamasi mazmunini kelajakda foyda olish maqsadida bugun pul bilan “xayrlashish”da ko'radilar.

Mamlakatimiz iqtisodchi olimlaridan A Vaxabov , Sh.Xajibakiyev, N.Muminov, D.G'ozibekov, D.Tojiboyeva, G.Maxmudovalar tomonidan investitsiyalarning iqtisodiy mohiyati yuzasidan ilmiy izlanishlar olib borilgan va munosabat bildirilgan. Jumladan, A.Vaxabov, Sh.Xajibakiyev, N.Muminovlar tomonidan investilsiyalaming mazmun-mohiyati bo'yicha bayon etilgan ta'rifda: «investitsiyalar - foyda olish hamda ijobiy ijtimoiy samaraga erishish maqsadida tadbirkorlik obyektlariga va boshqa [aoliyat turlariga qo'yiladigan pul mablag'lari, banklarning maqsadli omonatlari, aksiyalar, boshqa qimmatli qog'ozIar, texnologiyalar, mashinalar, uskunalar, litsenziyalar, kreditlar, har qanday boshqa mol-mulk yoki mulkiy huquqlar, intellektual boyliklar», deb ta'riflangan.[7]

Prof.D.G’ozibekov tomonidan investitsiyalarning mazmuniga quyidagicha ta'rif berilgan: «aniq va ishonchli manbalardan mablag'lar olish, ularni asosli holda safarbar etish, risklar darajasini hisobga olgan holda kapital qiymatini saqlash va ko'zlangan samarani olishdan iborat bo'ladi. Ana shu belgilariga ko'ra investitsiyalar boshqa qo'yilmalardan mazmunan farq qiladi. Bular barchasining asosida kapitalning

harakatlanish jarayoniga jalb etilishi investitsiyalarning mohiyatini aks ettiradi»[8]. Shuni ham ta'kidlash joizki, D.G'ozibekov tomonidan investitsiyalarning makroiqtisodiy darajadagi, makro darajadagi va moliya nazariyasidagi mohiyati to'g'risida ham fikrlar bildirilgan.

Ishlab chiqarish nazariyasi va umuman, makroiqtisodiyotda investitsiyalar yangi kapitalni (ishlab chiqarish vositalarini hamda inson kapitalini qo'shib hisoblaganda) yaratish jarayonidir. Moliya nazariyasida esa investitsiya deganda real yoki moliyaviy aktivlarni olish tushuniladi, ya'ni bugungi sarf-xarajatlarning maqsadi kelajakda daromad olishdir. Demak, bizningcha, "Investitsiyalar - bo'sh turgan kapitalni iqtisodiy-ijtimoiy samara olish maqsadida harakatga keltirishdir"

Bizga ma'lumki, iqtisodiy o'sish investitsiya resurslarisiz bo'lishi mumkin emas, bu resurslar o'z mohiyati bilan ishlab chiqarishni rivojlantirishga qaratilgan mablag'dir. Pul mablag'lari shaklidagi investitsiyalar nominal investitsiyalardir. Bu investitsiyalar moddiylashib, amalda ishlab chiqarishga jalb etilgandan so'ng real investitsiyalarga aylanadi va iqtisodiy o'sishni ta'minlaydi.

**Tadqiqot metodikasi**.

Tadqiqot jarayonida statistik, analitik, qiyosiy, kuzatuv, induktiv, deduktiv, mantiqiy, monitoring, ekspress-baholash va boshqa tahlil usullaridan foydalanildi.

**Tahlil va natijalar.**

Investitsiya siyosati - bu iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarini rivojlantirish, qo'llab-quvatlash, markazlashgan investitsiya jarayonidan nomarkazlashgan investitsiya jarayoniga o'tish, ustuvor investitsion loyihalarni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan mexanizm, uslublar yig'indisi hisoblanadi. Davlat investitsiya siyosatini amalga oshirishda ko'proq ustuvorlik kichik biznes subyektlari, xorijiy investitsiya ishtirokidagi korxonalar tuzishga hamda mavjud kamchiliklarni bartaraf etish, muammolarni tezkorlik bilan hal etish va shu asnoda investitsiya ishtirokchilarining erkin harakat qila olishlari uchun qulay iqtisodiy, investitsion muhit yaratishga qaratilgan.

Davlat investitsiya siyosati hududlar, tarmoq va korxona investitsiya siyosatidan tarkib topib, ular o'zaro bag'liqdir. Hududlar investitsiya siyosati

investitsiyani sariflashda aholi, hudud va investor manfa'tlarini hisobga olgan holda samarali ishlatishga imkon beruvchi hududda olib boriladiga chora-tadbirlar majmuyi. Tarmoq investitsiya siyosati esa bu mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishini ta'minlovchi tarmoqlar, sanoat mahsulotlarini eskport qilish, import o'rnini bosuvchi ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish, ilmiy-texnika taraqqiyotini investitsiya yo'li bilan qo'llab-quvvatlash hisoblanadi.

O'zbekiston iqtisodiyotiga investitsiyalar kiritish, avvalo, ichki manbalarni safarbar etish hisobidan iqtisodiyotimizning muhim tarmoqlarini jadal modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta jihozlash, transport va aloqa sohasini yanada rivojlantirish hamda ijtimoiy infratuzilma ob'yektlarini barpo etish hal qiluvchi ustuvor yo'nalishlarga aylandi.

Respublika iqtisodiyotining ustuvor tarmoqlarida investitsiya loyihalarini amalga oshirishning zaruriyati quyidagilardan kelib chiqadi:

- ishlab chiqarish quvvatlarining jismoniy va ma'naviy eskirganligi, ularning qayta tiklashga yoki texnik jihatdan qayta jihozlashga yoki umuman yangilashga oid bo'lib qolganligi;
- sanoat tarmog'ida moddiy texnika bazasining o'ta pastligi va ko'pgina zarar ko'rib ishlaydigan korxonalarning mavjudligi; respublika milliy daromadida jamg'arish bilan iste'mol o'rtasidagi nisbatning iste'mol tomonga ko'plab sarflanayotgani va jamg'arishning investitsiya manbayi sifatida kamayib borayotganligi;
- O'zbekistonning tabiiy boyliklarga boyligi va bu erda ko'plab qayta ishlovchi korxonalarni qurish imkoniyating mavjudligi;
- aholi sonining o'sib borayotganligi (mehnat resurslari) va kichik zamonaviy ixcham korxonalarni barpo etish, ularni mehnat resurslarining manbayi bo'lmish qishloqqa yaqinlashtirish zarurligi; respublika eksportida xom ashyo salmog'ini kamaytirish va ko'plab tayyor mahsulotlar chiqarish imkoniyatiga ega bo'lish zarurligi va boshqalar.

Mahalliy investorlar - investitsiya faoliyatini amalga oshiruvchi O'zbekiston Respublikasi fuqarolari, O'zbekiston Respublikasi rezidenti maqomiga ega bo'lgan

chet ellik fuqarolar va fuqaroligi boʻlmagan shaxslar, shu jumladan yakka tartibdagi tadbirkorlar, shuningdek Oʻzbekiston Respublikasining yuridik shaxslaridir. 2020 - yilning yanvar-dekabr oylarida investitsion faollikni pasaygani kuzatilib, asosiy kapitalga oʻzlashtirilgan investitsiyalar hajmini 2019- yilga mos davriga nisbatan oʻsish sur’ati 91,8 % ni tashkil etdi. 2020- yilning yanvar-dekabr oylarida 202,0 trln. soʻm asosiy kapitalga investitsiyalar oʻzlashtirilib, ularning 65,4 % i yoki 132,0 trln. soʻmi jalb etilgan mablagʻlar hisobidan moliyalashtirilgan boʻlsa, korxona, tashkilot va aholining oʻz mablagʻlari hisobidan 34,6 % yoki 70,0 trln. soʻm moliyalashtirildi. Jami investitsiyalar hajmida, markazlashgan moliyalashtirish manbalari hisobidan moliyalashtirilgan asosiy kapitalga investitsiyalarning ulushi, 2020 - yilning mos davridagi ulushiga nibatan 8,0 % punktga kamayib, 19,5 % ni yoki 39 310,2 mlrd. soʻmni tashkil etdi. Mos ravishda, markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobidan 162 289,9 mlrd. soʻm yoki jami investitsiyalarning 80,5 % investitsiyalari oʻzlashtirilib, oʻtgan yilning mos davridagi koʻrsatkichga nisbatan 8,0 % punktga koʻpaydi. Markazlshmagan investitsiyalar - 162 689,9 mlrd. soʻm. Oʻzbekiston Respublikasi kafolati ostida xorijiy kreditlar - 22 467,1 mlrd. soʻm. Asosiy kapitalga oʻzlashtirilgan xorijiy investitsiya va kreditlar - 86 647,0 mlrd. soʻm. Toʻgʻridan-toʻgʻri xorijiy investitsiya va kreditlar 64 179,9 mlrd. soʻm. 2020 - yilning yanvar-dekabr oylarida korxona va tashkilotlarning oʻz mablagʻlari hisobidan moliyalashtirilgan asosiy kapitalga investitsiyalar - 51 911,3 mlrd. soʻm yoki jami asosiy kapitalga investitsiyalarning 25,7 % ini tashkil etdi. Aholi mablagʻlari hisobidan jami asosiy kapitalga investitsiyalarning 8,9 % i yoki 18 077,8 mlrd. soʻmi oʻzlashtirildi. Toʻgʻridan-toʻgʻri xorijiy investitsiyalar hisobidan oʻzlashtirilgan investitsiyalar hajmi 28 740,5 mlrd. soʻmni tashkil etdi va 2019 yilning mos davriga nisbatan 5,3 % punktga kamayib, 14,2 % ni tashkil etdi. Shuningdek, tijorat banklari kreditlari va boshqa qarz mablagʻlari hisobidan 28 520,9 mlrd. soʻm (jami asosiy kapitalga investitsiyalarning 14,1 % ini tashkil etib, 2019 yilning mos davriga nisbatan 0,3 % punktga kamaydi), Oʻzbekiston Respublikasi kafolati ostidagi xorijiy kreditlar 22 467,1 mlrd. soʻm (11,1 % va 3,1% punktiga kamaydi), kafolatlanmagan va boshqa xorijiy investitsiya va kreditlar  35 439,4 mlrd. soʻm (17,6 % va 7,6 %

punktga ko'paydi), Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi 1 814,6 mlrd. so'm (0,9 % va 2,5 % punktga kamaydi), Respublika budjeti 13 081,3 mlrd. so'm (6,5 % va 2,5 % punktga kamaygan), Suv ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish jamg'armasi tomonidan 1 947,2 mlrd.so'm (1,0 % va 0,1 % punktga ko'payish) miqdorida asosiy kapitalga inestitsiyalar o'zlashtirildi. Asosiy kapitalga investitsiyalar o'sish sur'atlarini moliyalastirish manbalari bo'yicha eng yuqori ko'rsatkich kafolatlanmagan va boshqa xorijiy investitsiya va kreditlarda kuzatilib, 2019- yilga nisbatan 63,2 % ga ko'paydi. Bunday yuqori o'sishga sement ishlab chiqarishni tashkil etish, elektron gaz hisoblagichlar, kalava, infuziya va inyeksion qorishma ko'rinishidagi dori vositalarini ishlab chiqarishni tashkil etish, Auminzo-Amantoy konlari hududida oltin mavjud konlarda qazib chiqarish va qayta ishlash bo'yicha qurilish ishlari I-II bosqich, "Muruntau" karyeriga qayta ishlov berish (Vnavbat) I bosqich, texnogen chiqindilarni qayta ishlash bo'yicha majmua qurilishi (I-II bosqichlar), Toshkent metall zavodi qurilishi va boshqa yirik investitsiya loyihalari doirasida o'zlashtirilgan investitsiyalar sabab bo'ldi. Shuningdek, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hisobidan o'zlashtirilgan ivestitsiyalar 2019-yilga nisbatan 32,7 %ga kamaydi. Buni o'tgan yilda amalga oshirilgan sement ishlab chiqarishini tashkil etish, "Tashkent city" XIM hududida "Congress Hall" va besh yulduzli Hilton mehmonhonasining qurilishi, metallni qayta ishlash zavodi qurilishi, to'qimachilik fabrikasi qurilishi va boshqa loyihalar bo'yicha investitsion faollik bilan izohlash mumkin. 2020- yil yanvar-dekabr oylarida 86 647,0 mlrd. so'm yoki asosiy kapitalga investitsiyalarning 42,9 % i xorijiy investitsiya va kreditlar hisobidan o'zlashtirildi. Jami xorijiy investitsiya va kreditlar tarkibida xorijiy investitsiyalar 32 847,2 mlrd.so'mni tashkil etdi va qolgan 53 799,8 mlrd. so'm xorijiy kreditlar hisobiga to'g'ri keldi. To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya va kreditlar hisobidan joriy davrda 64179,9 mlrd. so'm o'zlashtirilgan bo'lsa, O'zbekiston Respublikasi kafolati ostida 22 467,1 mlrd. so'm xorijiy kreditlar o'zlashtirildi. Asosiy kapitalga xorijiy investitsiya va kreditlarning 2019- yilning mos davriga nisbatan o'sish sur'ati 90,6% ni tashkil etdi.[10]

**Tashqi iqtisodiy faoliyat deganda** - O‘zbekiston Respublikasi yuridik va jismoniy shaxslarining xorijiy davlatlarning yuridik va jismoniy shaxslari, shuningdek xalqaro tashkilotlar bilan o‘zaro foydali iqtisodiy aloqalarni o‘rnatish va rivojlantirishga qaratilgan faoliyati tushuniladi. “Tashqi iqtisodiy faoliyat deganda O’zbekiston Respublikasi yuridik va jismoniy shaxslarining xorijiy davlatlarning yuridik va jismoniy shaxslari, shuningdek xalqaro tashkilotlar bilan o’zaro foydali iqtisodiy aloqalarni o’rnatish va rivojlantirishga qaratilgan faoliyati tushuniladi”.[10] O‘zbekiston Respublikasida ro‘yxatga olingan yuridik shaxslar, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining hududida doimiy yashash joyiga ega bo‘lgan va yakka tartibdagi tadbirkor sifatida ro‘yxatga olingan jismoniy shaxslar tashqi iqtisodiy faoliyat bilan shug‘ullanishga haqlidir.

Tashqi iqtisodiy faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish quyidagi yo‘llar bilan amalga oshiriladi:

-tashqi iqtisodiy faoliyatning qonunchilik negizini shakllantirish va takomillashtirish;

-valyuta bilan tartibga solish;

-soliq bilan tartibga solish;

-tarif va notarif tartibga solish;

-O‘zbekiston Respublikasining iqtisodiy manfaatlariga rioya etilishi uchun himoya, kompensatsiya va dempingga qarshi choralarni qo‘llash;

-tashqi savdo faoliyatini amalga oshirish tartibini belgilash, shu jumladan, miqdoriy cheklovlar o‘rnatish hamda tovarlarning ayrim turlari eksport va import qilinishi ustidan davlat monopoliyasini o‘rnatish;

-eksport-import operatsiyalarini amalga oshirishda talab qilinadigan hujjatlarning to‘liq ro‘yxatini belgilash;

-o‘z xossa hamda xususiyatlariga ko‘ra yalpi qirg‘in qurolini (yadroviy, kimyoviy, bakteriologik (biologik) va zaharlovchi qurol) hamda uni yetkazib berish vositalarini (raketalar va yalpi qirg‘in qurolini yetkazib berishga qodir boshqa texnika vositalarini), boshqa turdagi qurol-yarog‘ hamda harbiy texnikani yaratishda muhim

hissa qo‘shishi mumkin bo‘lgan, eksport nazorati obyektlari ro‘yxatlarida ko‘rsatilgan tovarlar, asbob-uskunalar, ilmiy-texnika axboroti, ishlar va xizmatlar, intellektual faoliyat natijalariga nisbatan eksport nazoratini o‘rnatish;

-olib kiriladigan va olib chiqiladigan tovarlarni sertifikatlash;

-texnikaviy, farmakologiya, sanitariya, veterinariya, veterinariya-sanitariya, fitosanitariya, ekologiya standartlari, talablari, qoidalari va normalarini belgilash; tashqi iqtisodiy faoliyat subyektlari uchun preferensiya va imtiyozlar berish. [10].

Tashqi iqtisodiy faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish qonun hujjatlariga muvofiq boshqacha usullarda ham amalga oshirilishi mumkin.

TIF ni davlat tomonidan boshqarish uni moliyaviy, valyuta, kredit, bojxona tariff va tarifdan tashqari tartibga solish,eksport nazoratini ta‘minlashni, tovarlarni olib kirish va olib ketish munosabati bilan sertifikatsiyalash sohasidagi siyosatini belgilab olishdan iborat. Bunday boshqarishning barcha yo‘nalishlari amaldagi qonunchilikka asoslanadi. Davlatning eng muhim vazifalaridan biri tashqi iqtisodiy faoliyat va u asosida tashqi iqtisodiy siyosatning boshqa mamlakatlar bilan hamkorlik qiladigan qoidasini ishlab chiqishdir. Davlat tomonidan boshqarish (tartibga solish) ning maqsadi-barcha darajadagi ,foydali tashqi iqtisodiy faoliyatni ta‘minlovchi huquqiy iqtisodiy va tashkiliy sharoitlarni yaratishdir. Bu bosqichda eksportni rivojlantirish davlat dasturida belgilangan strategik maqsadni amalga oshirish uchun sharoit yaratish zarur: eksport qilinadigan mahsulot sifatini yaratish, eksportning tovar va geografik strukturasini takomillashtirish kerak.Xalqaro amaliyotga ko‘ra, O‘zbekiston o‘z strategik maqsadlarga erishishiga yordam beradigan tashqi savdo sohasidagi masalalarni yechishi zarur.

Bunda, **birinchidan**, Respublikaning Umumjahon Savdo Tashkilotiga kirishi to‘g‘risida boradi, ya‘ni O‘zbekistonning har qanday mamlakat bilan ikki tomonlama tashqi savdo siyosati borasida UST tizimlarida savdo bahslarini ko‘rib chiqish imkoniyatlari, O‘zbekiston tovarlariga miqdoriy cheklashlar kiritish jarayonini murakkablashtirish, qarshi talablarni kelishish va boshqa ko‘plab imkoniyatlarni beruvchi ko‘p tomonlama siyosatga aylandi.

**Ikkinchidan**, bu xorijiy mamlakatlar bilan o‘zaro savdoni erkinlashtirish, manfaatdor mamlakatlar orasidagi savdo oqimining tuzilishi va o’zgarishi masalalarini savdo-iqtisodiy hamkorlik bo‘yicha hukumatlararo komissiyalar darajasida yechishdir. O‘zbekiston va YeI orasida imzolangan hamkorlik to‘g‘risidagi bitim o‘zbek tovarlarining YeIga a‘zo mamlakatlar bozorlariga kirishiga yordam beradi, uning asosida O‘zbekiston va bir qancha Yevropa mamlakatlari o‘rtasida milliy buyumlarni GFR xududiga kiritishning sharoitlari to‘g‘risidagi bitim imzolandi.

**Uchinchidan,** tashqi siyosat sohasidagi vazifa mintaqaviy guruhlarga a‘zo mamlakatlarning kollektiv protektsionizmga qarshi turish imkonini beruvchi savdo-siyosiy birlashmalar tuzishdir. Ikki tomonlama soliq solishni istisno qilish va kapital kiritishni himoya qilish, TIF qatnashchilarining konsultatsiyasi va xabardorligi bo‘yicha o‘zbek savdo vakolatxonalari hamda davlat organlari va ijtimoiy birlashmalar masalalari bo‘yicha tuzilgan bitimlar muhim ahamiyat kasb etadi. Savdo-iqtisodiy munosabatlar sohasida islohotlar erkin savdo mintaqasini shakllantirish jarayoni va Bojxona ittifoqini yaratish jarayonida amalga oshiriladi.[10].

Bugungi kunda O'zbekiston, jahonning 170 dan ortiq mamlakatlari bilan savdo aloqalarini amalga oshirib kelmoqda. TSAning nisbatan salmoqli hissasi Rossiya Federatsiyasida (16,7 foiz), Xitoy Xalq Respublikasida (16,6 foiz), Qozog'istonda (8,3 foiz), Koreya Respublikasida (7,4 foiz), Turkiyada (5,6 foiz), Qirg'iziston Respublikasida (2,0 foiz) va Germaniyada (2,0 foiz) qayd etilgan.

Tashqi iqtisodiy faoliyat bo'yicha 20 ta yirik hamkor-davlatlar orasidan oltita davlatda faol tashqi savdo balansi kuzatilgan, xususan, Afg'oniston (213,7 mln. AQSh dollari), Qirg'iziston Respublikasi (138,8 mln. AQSh dollari), Tojikiston (93,7 mln. AQSh dollari), Turkiya (42,8 mln. AQSh dollari), Frantsiya (23,6 mln. AQSh dollari) va Eron (8,0 mln. AQSh dollari) shular jumlasidandir. Qolgan 14 ta davlat bilan passiv tashqi savdo balansi saqlanib qolmoqda.[10]

Mamlakatning tashqi iqtisodiy faoliyati, xususan tashqi savdo sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning pirovard natijasi aholining turmush darajasi o’sishiga bevosita o'z ta'sirini o'tkazadi.

**O'zbekiston Respublikasi tashqi savdo aylanmasi va balansi**
**(2020 yil yanvar-dekabr, AQSh dollari.)**

**1-jadval**

| **Ko’rsatkichlar** | **2019 yil** | **2020 yil** | **O’sish sur’ati, % da** | **Jamiga nisbatan, % da** |
|---|---|---|---|---|
| **Tashqi savdo aylanmasi** | **41 751,0** | **36 299,3** | **86,9 %** | **x** |
| **Eksport** | **17 458,7** | **15 127,7** | **86,6 %** | **100,0** |
| Tovarlar | 9 105,6 | 7 319,4 | 80,4 | 48,4 |
| Xizmatlar | 3 434,8 | 2 003,9 | 58,3 | 13,2 |
| Oltin | 4 918,3 | 5 804,4 | 118,0 | 38,4 |
| **Import** | **24 292,3** | **21 171,5** | **87,2 %** | **100,0** |
| Tovarlar | 21 866,5 | 19 955,1 | 91,3 | 94,3 |
| Xizmatlar | 2 425,9 | 1 216,4 | 50,1 | 5,7 |
| Saldo | -6 833,6 | -6 043,8 | x | x |
| **Eksport (oltinsiz hajm)** | **12 540,4** | **9 323,3** | **74,3%** | **x** |

2020 yilning yanvar-dekabr oylari O'zbekiston tashqi savdo aylanmasida Mustaqil davlatlar Hamdo'stligi (MDH) davlatlari ulushi 32,6 foizni, Yevrosiyo iqtisodiy ittifoqi(EOII) davlatlarining ulushi 27,1 foizni tashkil qilgan.

**O'zbekiston Respublikasi bilan tashqi savdo aylanmasi eng yuqori bo'lgan davlatlar**

***(2020 yil yanvar-dekabr, AQSh dollari.)***

***2-jadval***

| Top 5 davlatlar | TSA | Eksport | Import |
|---|---|---|---|
|  **Xitoy Xalq Respublikasi** | **4 610,4 mln.** | **1 371,5 mln.** | **3 239,0 mln.** |
|  **Rossiya Federatsiyasi** | **4,5 mlrd** | **1,2 mlrd** | **3,3 mlrd** |
|  **Qozog’iston** | **2,3 mlrd** | **729,4 mln** | **1,5 mlrd** |
|  **Koreya Respublikasi** | **1,8 mlrd** | **38,4 mln** | **1735,1 mln** |
|  **Turkiya** | **1654,8 mln** | **785,8 mln** | **869 mln.** |

Tashqi savdo aylanmasida eksport hajmi 13,3 mlrd dollar, import esa 16,7 mlrd dollarni tashkil etdi. Bunda tovarlar eksporti 5,9 mlrd dollarga yetgan bo‘lib, ularning eng katta qismi sanoat tovarlariga to‘g‘ri kelgan. Tovarlar importi esa jami 15,7 mlrd dollarni tashkil qilgan bo‘lib, ularning 37,8 foizini mashinalar va transport asbob-uskunalari egallagan. O‘tgan davr mobaynida O‘zbekistonning eng yirik savdo hamkori Xitoy Xalq Respublikasi bo‘ldi. Ikki davlat o‘rtasidagi tashqi savdo aylanmasining umumiy hajmi 5,1 mlrd dollarni tashkil qilib, shuning 1,57 mlrd dollari eksport, 3,5 mlrd dollari esa importga to‘g‘ri keladi. DSQ ma’lumotlariga ko‘ra, tashqi iqtisodiy faoliyat bo‘yicha 20 ta yirik hamkor-davlatlar orasidan beshta davlatda faol tashqi savdo balansi kuzatilgan. Xususan, Afg‘oniston (607,7 mln dollar), Qirg‘iziston (508,4 mln dollar), Tojikiston (242,3 mln dollari), va Eron (40,9 mln dollar) shular jumlasidandir. Qolgan 16 ta davlatlar bilan passiv tashqi savdo balansi saqlanib qolmoqda. [11]

**Xulosa va takliflar.**

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, mamlakatimizda o’tkazilayotgan iqtisodiy islohotlarning mazmuni ijtimoiy yo’naltirilgan bozor iqtisodiyoti muvaffaqiyatli joriy etish hisoblanadi. Mamlakatimizda qabul qilingan qonunlar ijtimoy yo’naltirilgan bozor munosabatlarini keng qo’llashga imkon beradigan ko’p ukladli iqtisodiyotni shakllantirishda aniq ijtimoiy-huquqiy asoslar yaratadi.

O’zbekistonning xalqaro iqtisodiy maydondagi nufuzi va mavqei sezilarli darajada va muntazam oshib bormoqda. Bunda mamlakatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev tomonidan ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish strategiyasining puxta ishlab chiqilganligi, iqtisodiy islohotlar maqsadi va vazifalari, amalga oshirish yo’llarining aniq va to’g’ri ko’rsatib berilganligi bosh maqsad yo’lidagi yutuq va marralarning salmoqli bo’lishiga imkon yaratdi.

Investitsiya loyihalarini amalga oshirish orqali iqtisodiyotda tub o'zgarishlarni amalga oshirish imkonini beradi va bu iqtisodiyotda yangi ish o'rinlarini tashkil etish va rivojlanish garovi bo'lib xizmat qiladi. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoyitida yurtimizga zamonaviy texnoligiyalar olib kelib, sanoat ishlab chiqarishini yangilash va modernizatsiyalash jarayonlarini olib borishni investitsiya faoliyatisiz tasavvuz etib bo'lmaydi. Investitsiya loyihalarini jalb qilish nafaqat davlat iqtisodiyotini yuksaltiradi, balki aholi turmish darajasini yaxshilashda ham katta samara beradi. Yani maishiy muhtojliklarning katta bo'limi qanoatlantiriladi, ishlab chiqarish kengayadi, yangi mehnat kuchlari shakillanadi, eski va og'ir mehnat turmishidan yangi, yengil va samarali mehnat faoliyatiga o'tiladi. Davlatning kelajakdagi iqtisodiy yuksalish darajasini bugingi jalb qilingan investitsiya loyihalari va investitsion jarayonlar belgilab beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. **O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning** “Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori Toshkent shahri, 2019 yil 29 aprel
2. Игошина Л.Л. Инвестиции.Уч.пис.М.:Экономист,2005,с23.

3. Нешитой А.С. Инвестиции. Учебник. 4-е изд. М.:Дашков и К.2006.С 13
4. Староверова Г.С., Медведов А.Ю., Сорокина И.В. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие.М.:КНОРУС,2006.С 11.
5. Подшинваленко и др.Инвестиции. Учеб.пос.3-е изд. М.:КНОРУС,2006.С 7.
6. Шарп У., Александр Г, Бейли Дж. Инвестиции.Пер.с англ.М.:Инфра-М,1997.С16,979
7. Vaxabov AV., Xajibakiyev Sh.X, Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O'quv qo’llanma. T.: “Moliya”, 2010.-B 303
8. G'ozibekov D. G', Investitsiyaiarni moliyalashtirish masalalari. T.: “Moliya”, 2003.-B 26
9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tashqi iqtisodiy faoliyatni amalga oshirishda ma’muriy tartib-taomillarni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2019-yil 23-apreldagi PQ-4297-son Qarori.
10. Tursunova M.R. Xalqaro menejement. O‘quv qo‘llanma. – IQTISODIYOT DUNYOSI, 2022.
11. Tursunova M.R. ,Abduqodirova N. O’zbekiston Respublikasida tashqi iqtisodiy faoliyat ko’rsatkichlari, TKTI-«Умидли кимёгарлар-2021»Ёш олимлар, магистрантлар ва бакалавриат талабаларини XXIX ижтимоий-техникавий анжуманининг маколалар туплами Тошкент,2021, -Б. 299-300.

# O‘ZBEK XALQ OG‘ZAKI IJODI - YOSHLARIMIZNI O‘ZBEKONA QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASH POYDEVORI

**Turg‘unpo‘latov Diyorbek Ro‘zmamat o‘g‘li**
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti talabasi
Turgunpolatovdiyorbek2002gmail@.com

**Annotatsiya**: Maqolada xalqimiz mustaqillikka erishganidan so‘ng o‘zbekona urf-odatlar, rasm-rusmlar, asrlar davomida yaratilgan dostonlar, ertaklar, qo‘shiqlar haqida alohida g‘urur bilan gapirila boshlanganiga ta’sir etgan omillar xususida so‘z yuritiladi. O‘zbek folklorshunosligining yoshlar ma’naviyatiga ta’siri, bugungi kunda xalq og‘zaki ijodiga qaratilayotgan e’tibor, uning ahamiyati haqida fikr yuritiladi.

**Kalit so‘zlar:** xaql og‘zaki ijodi, maqol, matal, afsonalar, ertak, milliy g‘urur, iftixor tuyg‘usi, folklorshunoslik, topishmoq, latifa, ijodkor xalq.

O‘zbek xalq og‘zaki ijodini o‘rganish Respublikamizdagi hamma akademik litsey, umumta’lim maktablari va kasb-hunar kollejlari o‘quvchi - talabalariga bejiz tavsiya etilmayapti.

Yaqin o‘tmishda alla bilmaydigan kelinlarni, doston eshitmagan yigitlarni yoki askiya aytib ko‘ngil chigillarini yozmagan o‘zbeklarni uchratish mushkul bo‘lgan. Afsuski, endilikda biror odamni maqtaydigan bo‘lsak, alla ayta olishini, silliq so‘zlashini, askiyada qatnashishini fazilat qilib ko‘rsatamiz. Demak, bugungi kunda o‘zbek qadriyatlari bulog‘idan suv ichgan, o‘zbekona muomalani butun qalbiga singdirgan, to‘ylarda, azalarda, ishboshilik qiladigan, murosasi kelishmagan taraflar o‘rtasini totuvlashtiradigan o‘zbeklar biroz kamayib qolibdi-da! Ana shu mulohazalardan kelib chiqib umumta’lim maktablari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o‘quvchi - talabalariga xalqimiz og‘zaki ijodini alohida san’at turi sifatida o‘rgatish ma’qul topildi.

“Alpomish” dostonining ming yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimda O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Abdug‘aniyevich Karimov shunday degan edi: “Alpomish” - o‘zbekning o‘zligini namoyon etadigan, mard va

tanti xalqimizning yurak-yuragidan chiqqan, ota-bobolarimiz avlodlardan-avlodlarga o'tkazib kelayotgan qahramonlik qo'shig'idir"[1].

Ana shu fikrning o'zida og'zaki ijodimizni nima uchun o'rganamiz, degan savolga javob berilgan. Xalq og'zaki ijodini, qadriyatlarini bilmay turib, o'zbekman, deyish mumkin emas. O'zbek millatiga mansub insonning o'zbekman deyishga haqqi yo'q ekan, u odam xalqining yuziga oyoq qo'ygan, ota-bobolari hurmatini haqoratlagan hisoblanadi.

Umumta'lim maktablari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlarida xalq qadriyatlari xazinasi hisoblangan og'zaki ijodga o'quv yili bosqichida alohida-alohida soatlar ajratilishi har bir kelajak avlodning o'tmishni mukammalroq bilishi va idrok qilishi uchun zamin tayyorlanganidan dalolat beradi.

O'zbekiston Fanlar Akademiyasining Alisher Navoiy nomidagi adabiyot ilmiy tekshirish instituti folklor bo'limi xodimlari tomonidan 1987-, 1988-yillarda e'lon qilingan maqollar to'plamida o'n uch mingdan ortiq xalqimiz donoligi namunalari bor. Xalqimiz orasida hozirgi kungacha yashab kelayotgan minglab qo'shiqlarni, topishmoqlarni, latifalarni, yuzlab ertaklarni aytmaysizmi?! Biz ana shunday ijodkor xalqning avlodimiz.

Xalq og'zaki ijodi yoshlarimiz ong-u tafakkurida o'tgan ajdodlaridan faxrlanish, Vataniga bo'lgan muhabbat, yanada kuchliroq sevish, qalbida milliy g'urur va iftixor tuyg'ularini kurtak otishiga, barq urib rivojlanishiga sababchi bo'ladi. Zero, ertak, maqol, matal, afsonalar eshitib ulg'aygan bola buning aksi bo'lgan boshqa bolaga qaraganda so'zga chechan, mustahkam xotirali, Vataniga bo'lgan muhabbati kuchli bo'lib yetishadi (buni ko'plab yozuvchi va shoirlarimizning hayoti va ijod yo'lidan bilib olish mumkin).

**XULOSA**

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, keyingi yillarda qabul qilinayotgan davlat hujjatlariga nazar tashlar ekanmiz, o'zbek xalqi vakilining milliy g'ururini shakllantirishga alohida e'tibor berilganini sezamiz. O'ylaymizki, xalq og'zaki ijodini o'rganish umumta'lim maktablari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o'quvchi - talabalarining milliy g'ururini paydo qiluvchi asosiy omillardan bo'lib qoladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Islom Karimovning "Alpomish" dostonining 1000 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimda so'zlagan nutqi. "Xalq so'zi" gazetasi, 1999-yil 9-noyabr.

2. O. Madayev, T. Sobitova "Xalq og'zaki poetik ijodi". Akademik litseylar uchun darslik. Toshkent. "Sharq", 2010.

# MAKTABGACHA TA’LIM JARAYONIDA XORIJIY TILLARNI O’QITISHNING ZAMONAVIY METODIKASI

**Alijonova Himoyat Anvarjon qizi.**
Qo’qon universiteti, Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili)yo’nalishi talabasi,
**Abdurazoqova Marg'uba Muxammad qizi.**
Qo'qon universiteti, Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili)yo'nalishi talabasi,
Ilmiy rahbar: **Farxod Mulaydinov Murodovich**

**Anotatsiya.** Maqolada O’zbekiston Respublikasidagi maktabgacha ta’lim jarayonida xorijiy tillarni o’qitishning zamonaviy usullarini o’rgatish hamda ularni xorjiy davlatlari bilan taqqoslab o’rganishni o’z ichiga oladi.

**Kalit so’zlari.** Bog’chalarda xorijiy tillarni o’rgatish, tillarga oid turli xil o’yinlar, xorij o’qitish sistemasi, o’z faoliyatini o’quvchilarga moslashtirish.

Hozirgi kunda O’zbekiston Respublikasida xorijiy tillarni o’rganish eng dolzarb masalalardan biri bo’lib kelmoqda. Bu nafaqat yoshlarni balki maktabgacha ta’lim yoshdagi bolalarni ham chetda qoldirgani yo’q. Sababi bugungi bog’cha yoshdagi bolalar ham ingliz tilini o’rganishga ayniqsa chet tillarni turli xil o’yinlar orqali o’rganishga qizishmoqda. Chet tillarni o’yinlar orqali o’rgatish bolalarning eng sevimli mashg’ulotlaridan biri hisoblanadi, sababi bola olamni o’yin orqali kashf etadi. Agar tillarni o’yin orqali o’rgatilsa, bu bolalarning til ko’nikmalarining o’zlashtirilish samardorligini yanada oshiradi. Sababi o’yin yordamida organish bolaning o’ziga bo’lgan ishonchini oshirib, atrofdagilar bilan ijtimoiy munosabatlarni shakillantirishga ham katta yordam beradi. Shu sababli tarbiyachi murabbiylar chet tillarini bolalarga turli xil o’yinlar orqali o’rgatishni yo’lga qo’yishlari kerak. Bolalar aynan o’yin orqali bilim olib shu bilan birgalikda o’z iqtidorlarini ham xuddi shu

o’yinlar orqali kashf etadilar. Bunga erishish uchun esa ularni sezgi organlarini faollashtiruvchi muhit, visual eshtish, kabi faol ta’lim turlaridan foydalanish maqsadga muvofiq bo’ladi. Ta’limiy o’yinlarga: chet tilida turli xil qo’shiqlar kuylash, she’rlar aytish, raqsga tushish, qiziqarli o’yinlar o’ynash, videolar ko’rish, va qo’l mehnati orqali turli xil narsalarni yasashni o’z ichiga oladi.

Ana endi bir savol tug’ilishi mumkin ya’ni bolalarga o’zi necha yoshdan chet tillarini organish ossonroq va samaraliroq? Bu savolga esa dunyo olimlari quydagicha fikr yuritadilar. Ya’ni 10 yoshgacha bo’lgan davrdagi bolalar chet tillarni o’zlashtirishda boshqa katta yoshdagi bolalarga nisbatan ancha ossonroq ekan. Bu davrda bola tillarni tushunib emas balki, mexanik tarzda o’rganar ekan, shu sababli ular xorijiy tillarni qo’llashlari va talaffuz qilishlari osson o’zlashtiriladi. Bundan tashqari bola har qanday tilni taqlid qilish orqali tillarni tezroq o’rganishlari mumkin. Sababi inson miyyasini o’rganish orqali olib borilayotgan ilmiy tadqiqotlarni shuni ko’rsatadiki, bolaning miyyasi katta yoshdagi insonlarning miyyasiga nisbatan ikki barobar tezroq ishlar ekan shuning uchun ham yosh bolalarning miyyasi har qanday ma’lumotni tez qabul qiladi.

Quyida ingliz tilida bolalarni o’qitish prinsiplari haqida so’z yuritamiz. Odatda, kichik yoshdagi bolalar bilan ingliz tilini o’rganishning uchta asosiy printsipi mavjud bo’lib bular quydagilardir:

4. **Ketma-ketlik printsipi.** Agar bolani imlo va grammatikaning barcha nosozliklarini o’rgatishga shoshilmaganingiz maqul sababi, bunday vazifalarni bajarish ularni holdan toydirishi mumkin. Siz tayyor darsliklaringizni turli xil qiziqarli mashqlar yordamida o’rgating.
5. **Tabiiylik.** Odatda siz to’rt besh yoshgacha bo’lgan bolalar billan shug’illanishni boshlamaganingiz ma’qul. Chunki bu yoshdagi bolalar bilan chet tillarni o’rganish murakkabroq tuyiladi. Ammo, darslar to’g’ri tashkil etilgan bo’lib va bu darslar tabiiy shaklda olib borilsa, bunda bola ortiqcha yukni his qilmaydi.

6. **Qat’iyatlilik printsipi.** Albatta, darslar siz xohlagan darajada bo’lmasligi mumkin. Sababi siz tanlagan texnikalar kichik yoshdagi bolalarga qiyinlik qilishi mumkin. Vaqt o’tishi bilan mashg’ulotlarni davom ettiring.

Kichik yoshdagi bolalar atrof muhitga juda qiziquvchan bo’lganliklari uchun ham ular atrof muhitni o’rganish uchun o’zlaridagi barhca his tuyg’ularini ishga soladi. O’yin esa bolalarning asosiy va eng sevimli mashg’ulotlaridan biri bo’lganligi sababli bolaga atrof muhitni va undagi barcha zaruriy bilim va ko’nikmalar o’yin orqali tanishtirib borilsa, ko’nikmalarni o’zlashtirish samaradorligi bir necha barobarga oshadi. O'yin bolani nafaqat jismoniy faolligini oshiradi balki, u ruhiy tetiklikni ham shakllanitirshga yordam beradi. O’yin bolani nafaqat o’ziga bo’lgan ishonchini oshiradi, balki ularni atrofdagilar bilan ijtimoiy munosabatlarni shakillantirishda ham katta ro’l o’ynaydi. Shu sababli ota — ona va tarbiyachi murabbiylar bolalarga imkon qadar ko'proq o'yin orqali chet tillarni o'rganishni targ'ib qilishlari kerak. Sababi bolalar o’yin orqali ko’proq ta’lim olish bilan birga, ular o’z iqtidorlarini ham aynan shu o’yin orqali ko’rsatib beradi. Bunga erishish uchun esa sezgi organlarini faollashtiruvchi muhitni, jumladan vizual, eshitish, kinestetik kabi faol ta’lim turlaridan foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Ta’limiy o’yinlar musiqa asboblarnini chalish, qo'shiqlar kuylash, she’r aytish, raqsga tushish, o'yin o’ynash, videolar tomosha qilish, qo’l mehnati vositasida turli narsalar yasashni o'z ichiga oladi. Rangli ko’rgazmalar, kartalar, musobaqalar, rol o’yinlar, turli shakllar yasash kabi o'yinlar bolalarni jismoniy va aqliy faoliyatini rivojlantiruvchi eng qiziqarli usullardan biridir hisoblanadi.

Bolalar ham o’ynaydilar, ham rivojlanadilar, ham o’rganadilar. Bolalarga o’yinlarni ikkiga bo’lish orqali o’rgatishimiz mumkin. Ya’ni “badiiy o’yinlar, yoki “ijodiy o’yinlar”. Bularga esa o’z navbatida quydagilar kirib ketadi: dramatiziya, nozik o’yinlar hamda og’zaki ijodiy o’yinlar.

1. **Dramatizatsiya** (ya'ni ingliz tilida kichik sahnalarni sahnalashtirish) "O'rmonda" - masalan: chanterelle va ayiq o'rmonda uchrashib, ozgina dialog o'ynaladi (Salom! Men tulkiman. Yugurishim mumkin. Men baliqni yaxshi ko'raman); "Qizil qalpoqcha" va boshqalar.

2. **Nozik o'yinlar** masalan, grafik diktant, rasmni bo'yash va boshqalar. *Rasmlarni bo'yash*, bu tinchlantiruvchi, har doim ham informatsion emas, lekin juda keng tarqalgan faoliyat. Masalan, siz tayyor rasmni ko'rsatishingiz mumkin. Bola konturni o'rganayotganda o'qituvchi bu so'zni ko'p marta takrorlaydi, tafsilotlarni nomlaydi. Shunday qilib, biz yangi tilni bolaning o'zi nima qilgani deb nomlanishiga asos solamiz. *Grafik diktant* - masalan: sinfda bolalarga qaysi rangni bo'yashlari, bolalarga qanday rang berishini aytib berishadi, so'ngra ular hosil bo'lgan tasvirlarni o'qituvchi diktatsiya qilgan rasm bilan taqqoslashadi.
3. **Og'zaki va ijodiy** (kichik ertaklarning jamoaviy tarkibi, qofiyalar tanlovi), masalan: bolalar vaziyatli improvizatsiya o'yinlari orqali taniqli ertaklarning qahramonlarini oxshatib talqin qilishlari kerak bo’ladi. Masalan, "sholg'om" yoki "teremok" o'yini, unda o'yinchilar soniga va yangi lug'at assimilyatsiyasiga qarab yangi belgilar va izohlar paydo bo'ladi.

**Ingliz tilini o'rganishda audio ertaklar.** Maktabgacha yoshdagi bolalarning so’z boyligi oshib borgani sari darslaringizni ingliz tilidagi tur xil audio ertaklar yordamida ta’lim faoliyatingizni davom ettirishingiz mumkin bo’ladi. Ovozli hikoyalarga esa quydagilarni misol qilib olamiz:

– **Sof audio hikoyalar.** Ovozli hikoyalar bolalar uchun ingliz tilini o'rganishda katta yordam beradi. Birinchidan, inglizcha kichik hikoyalar to’plami bo’lsa. Ikkinchidan, siz bolalar bilan "Uchta mushukcha", "Uchta kichik cho'chqa" yoki "Juda ko'p Daves" kabi hikoyalarni tinglashingiz mumkin. Audio hikoyaning mohiyati aniq bo'lishi shart, aks holda bola tezda zerikib qolishi mumkin. To'g'ridan-to'g'ri ta'lim faoliyatiga oddiygina qiziqish unchalik samarali bo’lmaydi.
– **Audio hikoyalar illyustratsion material bilan birlashtirilgan.** Ovozli ertak jarayonida bolalar o'qituvchi bilan birgalikda rasmlarni ko'rib chiqishadi va shu bilan birga so'zlarni talaffuz qilishadi.
– **Ovozli hikoyalar va "to'liq suvga cho'mish" usuli.** Ingliz audio ertaklarini tinglashni yanada qiziqarli qilish uchun siz ertak terapiyasining usullaridan biri

- ertak chizishidan foydalanishingiz mumkin. Ammo tinglash paytida rasm chizish, agar ertak syujeti bolaga kamida bir oz tanish bo'lsa, ishlaydi. Shuning uchun ertak ikkinchi yoki uchinchi marta tinglanganda bolalarga qalam va qog'oz beriladi. Haqiqat shundaki, tinglash paytida rasm chizish - bu ma'lumotni bir vaqtning o'zida idrok etish va ko'paytirishning chuqur ko'nikmalariga ta'sir qiluvchi jarayon. Chizish jarayonida bola eshitganlari bilan assotsiativ aloqalarni shakllantiradi. Ixtiyoriy yoki beixtiyor, rasmda tasvirlangan syujet bilan bog'liq bo'lgan begona so'zlar esga olinadi. Yo'lda, u bir vaqtning o'zida tinglashi va eshitgan narsalarini chizish qobiliyatiga ega ekanligiga e'tibor berish kerak. To'rt yoshdan besh yoshgacha bo'lgan chaqaloqlarning aksariyati eshitgan ma'lumotlarini tezda ko'paytirish qobiliyatiga ega emaslar. Ammo olti yoshga kelib, eshitgan ma'lumotlarini takrorlash, rasm chizish, ilova va hk shaklida muntazam ravishda tinglaydigan va ko'paytiradigan bolalar bir vaqtning o'zida tinglash, eshitish, tushunish va talqin qilish qobiliyatini rivojlantiradilar.

Hozirgi kunda ingiliz tilini o’rgani uchun mahsus videolar mavjud bo’lib, bu videolarning maqsadi esa yosh bolalar tomonidan tillarni kommunikativ usuli yordamida o’qitishdir. Dastur materiallari bolalar uchun nafaqat qiziqarli balki, ular uchun ibratli hamdir. Leksik va grammatik materiallar ko'ngil ochish usulida kiritiladi. Bunda bola nafaqat so'z boyligi bilan tanishibgina qolmay, balki ba'zi bir narsalar bilan bajarilishi mumkin bo'lgan harakatni aniq ko'rsatib beradi, bu so'zlarni tez yodlashga va chet tilida oddiy suhbat qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi. Ona tilida so'zlashadigan kishining mavjudligi fonetik materialni muvaffaqiyatli o'zlashtirishga yordam beradi.

**Multfilmlar** ingliz tilini o'qitishda eng yaxshi yordamchilardan biri. Bolalar multfilmlarni yaxshi ko'radilar va ularni ketma-ket tomosha qilishdan zavqlanadilar. Shuning uchun ingliz tilidagi multfilmlar bir vaqtning o'zida bolalarga chet tilini o'rgatishning ko'plab muammolarini hal qilishga yordam beradi:

**6.** bolada "nima uchun bu so'zlarni o'rganish" degan savol yo'q;

7. u multfilm tomosha qilishga qiziqadi va belgilar iboralarini takrorlashni yaxshi ko'radi;
8. multfilmlar bolaga nafaqat yangi so'zlarni o'rganish va o'rganish, balki inglizcha nutq tovushlarini o'rganishda ham yordam beradi;
9. takrorlash - agar bolaga multfilm yoqsa, u xuddi shu multfilmni yoddan o'rganmaguncha qayta-qayta ko'rishga tayyor.

Bolalarni chet tiliga o'rgatish uchun videokliplarni maxsus tanlab olish kerak, eng yaxshisi bolaga 2-3 yoshga mo'ljallangan bolalar uchun animatsion qo'shiqlar va multfilmlar (masalan, Maisy Sichqoncha haqidagi videolar). Bolaga bunday multfilmlarni tushunish ancha oson bo'ladi - mavzular mavjudligi sababli - hisob qaydnomasi, hayvonlarning nomlari va boshqalar. va tinch sur'at.

Shunday qilib, **o'yin** O'yin - bu proksimal rivojlanish zonasiga yo'naltirilgan bo'lib, pedagogik maqsadni bola uchun jozibali faoliyat motivi bilan birlashtiradi.

**Ana endi xorij davlatlaridagi maktabgacha ta'lim tizimiga to'xtalib o'tamiz.** Chet el davlatlaridagi ta'lim tizimi O'zbekiston Respublikasining ta'lim tizimidan mutlaqo farq qiladi. Buni esa Korea Respublikasidagi ta'lim tizimi misolida ko'rib chiqamiz. Janubiy Korea Respublikasining ta'lim tizimiga deyarli barcha olimlar qiziqish bildiradi. Sababi ulardagi ta'lim tizimi ozgacha ekanligi bilan boshqa davlatlarnikidan ajralib turadi. Janubiy Koreada bolalar bog'chasi umumta'lim turiga kirmasligi bilan ajralib turadi. Ota-onalar farzandlarini xususiy magtabgacha ta'lim muassasiga beradilar. Sababi xususiy bog'chalarda kore ava ingliz tilida olib boriladi. Bolalarni bog'chalarga qabul qilish yoshi 3yoshdan 5 yoshgacha etib belgilangan. Boalar bog'cjhasining asosiy vazifasi bu oilalarni har tomonlama rivojlantirish uchun sharoit yaratishdan iborat. Korea bog'chalarida asosan musiqa, rasim, hisoblash kabi darsliklar bolalarga o'rgatiladi. Shu bilan bir qatorda ular bolalarda mustaqilliklni shakillantirish bilan ham shug'ullanishadi. Umuman olganda, Janubiy Koreyadagi barcha bolalar bog'chalari uch turga bo'linadi:

– Bolalar bog'chasi.
– O'rta guruhlar.

– Katta maktabgacha yoshdagi bolalar.

Koreyadagimaktabgachata'limmajburiyfanlardantashqarijismoniytarbiya, musiqa, xavfsizlikasoslari, ochiqhavodao'yinlarvabasseyndasuzishnio'zichigaoladi. Bolalar bog'chasi o'qituvchilari doimiy ravishda o'zlarining tarbiyalanuvchilarining ota-onalari bilan uchrashadilar, ular bilan konsultatsiyalar va tushuntirish suhbatlar o'tkazadilar. Xulosa qilish mumkinki, kichkina koreyslar go'daklikdanoq akademik bilimlarga mas'uliyat bilan yondashishni o'rganadilar.

**Xulosa.** Xulosa o’rnida aytib o’tish kerakki, farzandlarimizni biz hohlagandek yetuk va vataniga munosib farzand bo’lib yetishishlarida maktabgacha ta’limning o’rni katta ahamiyatga ega. Bunimg uchun biz farzandlarimizni zamonaviy ta’lim tizimi bilan birgalikda ularni zamonaviy texnalogiyalar bilan ham ta’minlab berishimiz lozim. Biz farzandlarimizning ta’lim olishiga katta e’tibor qaratishimiz kerak. Chunki maktabgacha ta’lim yoshdagi har bir bolaning rivojlanishi yani ularni kelajakda komil inson bo’lib yetishishlari bilan bir qatorda o’z ona yurtiga ham yetuk mutaxassis bo’lib yetishishlari uchun ularga yetarli shart-sharoitlarni yaratib berish biz ota-onalarning burchi hisoblanadi. Ayniqsa bolalarni chet tillarini o’rganishga qiziqtirish vac het tilini o’rgatish ularning kelajakdagi faoliyatlarida kattdan-katta imkoniyatlar eshiklarni ochadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati:**

– https://pozdravish.ru/uz/nachalnaya-shkola-v-yuzhnoi-koree-zhestokaya-realnost-shkolnoi-zhizni-v-yuzhnoi/
– https://monster-evo.ru/uz/studentu/metodika-obucheniya-angliiskomu-yazyku-detei-doshkolnogo-vozrasta-metodiki/
– https://moluch.ru/archive/316/72186/
– https://fayllar.org/ozbekiston-respublikasi-oliy-va-orta-maxsus-talim-vazirligi-te-v9.html?page=7

# JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

**Raxmanov Umid Samatovich**
magistrant, Samarqand davlat universiteti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada jismoniy tarbiya darslarida innovatsion texnologiyalar, darsda o'quvchilarni faolligini oshirishga va dars jarayonida interfaol metodlardan foydalanib qiziqarli o'tkazishga qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** innovatsion texnologiya, pedagogik texnologiya, interfaol, interaktiv, motiv.

Hozirgi kunda ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalar va interaktiv metodlarni qo'llashga qiziqish tobora keng tus olmoqda. Bunday metodlarni qo'llash ta'lim samaradorligi va ta'sirchanligini oshiradi, o'quvchilarning o'qish motivlarini o'stiradi.

Innovatsiya (inglizcha innovation) yangilik yaratish, yangilikdir. Demak an'anaviy ta'limdagi kabi bir xil shablonlar asosida emas, balki yangiliklar asosida ta'lim jarayonining ta'sirchanligini oshirishga qaratilgan ish shaklidan foydalanish innovatsiya demakdir. Ta'limda pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, o'quvchilarni faollashtirishga qaratilgan turli interaktiv metodlardan foydalanish ta'lim maqsadini samarali amalga oshirishga yordam beradi.

Bu texnologiyada kommunikativ metodlardan keng foydalaniladi, ularningn ayrim asosiy belgilarini ko'rib chiqamiz.

Hozirgi interfaol mashg'ulotlarni olib borishda ma'lumki, asosan interfaol usullar qo'llanilmoqda. Kelgusida esa bu usullar ma'lum darajada interfaol texnologiyasiga o'sib o'tishi maqsadga muvofiq. Bu interfaol usul hamda

texnologiya tushunchalarining o‘zaro farqini bizningcha, shunday ta’riflash mumkin.

Interfaol ta’lim usuli – har bir o‘qituvchi tomonidan mavjud vositalar va o‘z imkoniyatlari darajasida amalga oshiriladi. Bunda har bir o‘quvchi o‘z motivlari va intellektual darajasiga muvofiq ravishda turli darajada o‘zlashtiradi.

Interfaol ta’lim texnologiyasi – har bir o‘qituvchi barcha o‘quvchilar ko‘zda tutilgandek o‘zlashtiradigan mashg‘ulot olib borishni ta’minlaydi. Bunda har bir o‘quvchi o‘z motivlari va intellektual darajasiga ega holda mashg‘ulotni oldindan ko‘zda tutilgan darajada o‘zlashtiradi.

Interfaol mashg‘ulotlarni amalda qo‘llash bo‘yicha ayrim tajribalarni o‘rganish asosida bu mashg‘ulotlarning sifat va samaradorligini oshirishga ta’sir etuvchi ayrim omillarni ko‘rsatishimiz mumkin. Ularni shartli ravishda tashkiliy-pedagogik, ilmiy-metodik hamda o‘qituvchiga, o‘quvchilarga, ta’lim vositalariga bog‘liq omillar deb atash mumkin. Ular o‘z mohiyatiga ko‘ra ijobiy yoki salbiy ta’sir ko‘rsatishini nazarda tutishimiz lozim.

Tashkiliy-pedagogik omillarga quyidagilar kiradi: o‘qituvchilardan interfaol mashg‘ulotlar olib boruvchi trenerlar guruhini tayyorlash;

- o‘qituvchilarga interfaol usullarni o‘rgatishni tashkil qilish;
- o‘quv xonasida interfaol mashg‘ulot uchunzarur bo‘lgan sharoitlarni yaratish;
- ma’ruzachining hamda ishtirokchilarning ish joyi qulay bo‘lishini ta’minlash;
- sanitariya-gigiyena me’yorlari buzilishining oldini olish;
- xavfsizlik qoidalariga rioya qilishni ta’minlash;
- davomatni va intizomni saqlash;
- nazorat olib borishni tashkil qilish va boshqalar.

Ilmiy-metodik omillarga quyidagilar kiradi:

- DTS talablarining bajarilishini hamda darsdan ko‘zda tutilgan maqsadga to‘liq erishishni ta’minlash uchun maqsadga muvofiq bo‘lgan interfaol usullarni to‘g‘ri tanlash;

- interfaol mashg‘ulot ishlanmasini sifatli tayyorlash;
- interfaol mashg‘ulotning har bir elementi o‘rganilayotgan mavzu bilan bog‘liq bo‘lishini ta’minlash;
- mashg‘ulotlar mavzusi va mazmunini so‘nggi ilmiy-nazariy ma’lumotlar asosida belgilash;
- zamonaviy yuqori samarali metodlarni qo‘llash;
- o‘quvchilarning tayyorgarlik darajasini oldindan aniqlash va shunga mos darajadagi interfaol mashg‘ulotlarni o‘tkazish;
- interfaol mashg‘ulot uchun yetarlicha vaqt ajrata bilish va boshqalar.

Ta’lim jarayonini innnovatsion metodlardan foydalanib tashkil etish uchun avvalo darsning rejasi va loyihasi aniq ishlab chiqilishi zarur.

Dars loyihasini tuzishda o‘qituvchi o‘zining ish shakllari va o‘quvchilarning ko‘nikmani egallash jarayonidagi ishlari doirasini aniq belgilab olishi lozim. Shuningdek, u qanday o‘qitish metodlaridan foydalanishi ham muhim ahamiyatga ega. Metod tanlashda ko‘proq interaktiv metodlarga e’tiborni qaratish ta’lim samaradorligini oshiradi.

(Interaktiv so‘zi inglizcha – interaction, ya’ni, inter – aro, o‘zaro, act – harakat ma’nosini anglatadi.) Interaktiv usullar – bu o‘zaro harakat, ya’ni hamkorlik asosida o‘qitish demakdir. Interaktiv usullarning 4 asosiy turi mavjud. Bular:

- kognitiv usullar;
- o‘yinlar, eksperimental faoliyat;
- ishbilarmonlik o‘yinlari, modellashtirish;
- amaliyot orqali o‘qitish, bevosita faoliyat.

Interaktiv usullarning barchasida ham o‘qituvchi va o‘quvchi faoliyati o‘rtasidagi hamkorlik, o‘quvchining ta’lim jarayonidagi faol harakati ko‘zda tutiladi. Masalan, biror bir mavzuni o‘rgatishda uni **modellashtirish** qismida o‘qituvchi o‘quvchilarga modelni namoyish qilish oldida “Aqliy hujum” metodidan foydalanishi mumkin. YA’ni o‘quvchilar qo‘yilgan muammoni qanday tushunishlari va ko‘nikmani qanday egallashlari mumkinligi ulardan so‘ralib,

ularning fikrlari umumlashtiriladi. Bunda o‘quvchilar fikri mutlaqo tanqid qilinmaydi. **Amaliy boshqaruv** qismida o‘qituvchi “**Hamrohingga o‘rgat**” metodidan foydalanishi mumkin. Bu metod darsni optimal tashkil etishga imkoniyat yaratib, o‘quvchilrning o‘z faoliyatini tanqidiy nazorat qilish va xatolarni bartaraf etishga o‘rgatadi. Uni qo‘llash quyidagicha:

- Sinf birinchi va ikkinchi hamkor qismlarga bo‘linadi.
- Darsni o‘tish modelidan foydalanib birinchi hamkor ikkinchisiga, ikkinchi hamkor esa birinchisiga modeldagi qismlarni o‘rgatadi.
- O‘qituvchi xohlovchilarga ta’lim metodlari vositasida model qismlarini avval tushuntiradi keyin ko‘rsatadi. O‘quvchilar o‘qituvchi aytgan va ko‘rsatganlarini takrorlaydilar va bajaradilar.
- O‘qituvchi sinfni nazorat qilish uchun o‘ziga ixtiyoriy 2 nafar hamkorni tanlaydi. O‘qituvchi o‘z hamkorlariga modelni bosqichma-bosqich bajartirib ko‘radi. Tushunmaganlarini tushunib o‘rganishlariga yordam beradi.
- O‘qituvchi sinfdagi hamkorlarga birinchi qismni bir-birlariga o‘rgatishlari va bajarishlarini aytadi. Ularni ishlarini nazorat qilib, kamchiliklarni bartaraf etishga yordamlashadi. Shundan keyingina navbatdagi bosqichgsha o‘tiladi. O‘qituvchining hamkorlri esa sinfni nazorat qilishga o‘qituvchiga yordamlashadilar.
- Bu ish usuli modelning boshqa qismlarini ham bajarishda davom etadi. Bu o‘quvchilarni bir-biriga va o‘ziga talabchan bo‘lishga, xatolarni o‘z vaqtida bartaraf etishga, ishni tanqidiy baholay bilishga o‘rgatadi.

Tushunchalarni tekshirishda o‘qituvchi turli interaktiv metodlar (“Bumerang”, “Charxpalak”, “Aql charxi” va boshqalar)dan foydalanishi mumkin. Masalan, “Charxpalak metodi”. O‘quvchilar guruhlarga bo‘linib, ularga topshiriqlar yozilgan varaqa tarqatiladi.

O‘quvchilar topshiriqni bajarganlaridan keyin ularning ishlari guruhdagi boshqa o‘quvchilarga tarqatildi. Ular tegishli o‘zgartishlar kiritganlaridan keyin yana boshqa o‘quvchilarga beriladi va shu tarzda o‘quvchilarning har birining ishi guruhdagi barcha o‘quvchilar qo‘lidan o‘tadi va oxiri o‘ziga qaytadi. Har birlari

o‘zlari nuqtai nazaridan ishga o‘zgartirishlar kiritishlari mumkin. Keyin o‘qituvchi to‘g‘ri javobni ko‘rsatadi. Bu usulda o‘quvchilar ijodiy fikrlashga, o‘z fikrlarini erkin bayon etishga va o‘z kamchiliklarini bilish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

“Aql charxi” usulida o‘quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi, nutq ravonlashadi, tez va to‘g‘ri javob berish malakasi shakllanadi.

Jismoniy tarbiya darslari jarayonida o‘quvchilarning o‘qish motivini rivojlantirish katta ahamiyatga ega. Chunki motiv o‘quvchilarni ta’lim jarayoniga qiziqtiradi, o‘quvchilarning darsga faol qatnashishga, bilimlarni egallashga undaydi. Interaktiv metodlar o‘qish motivini rivojlantirishga katta yordam beradi.

Xulosa qilib aytganda interaktiv usullar darsning qiziqarliligi va ta’sirchanligini oshiradi, o‘quvchilarni ta’lim jarayonining faol subyektlariga aylantiradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

**1.** Azizxo‘jayeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – T.: 2003.

**2.** Azizxo‘jayeva N.N. O‘qituvchi mutaxssislari tayyorlash texnologiyasi. – T.: «Nizomiy TGPU». 2000.

**3.** Sariboyev Sh., Komilov J. Jismoniy rivojlanish darajasi turlicha bo‘lgan o‘g‘il bolalar bilan mashg‘ulot o‘tkazish. Xalq ta’limi jurnali. 2002 y.

# UMUMIY O’RTA TA’LIM MAKTABLARIDA OLIB BORILADIGAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING QO’LLANILISHI

**Kipchakov Baxodir Baxriddinovich**
Ilmiy rahbar dotsent, Samarqand davlat universiteti,
**Raxmanov Umid Samatovich**
magistrant, Samarqand davlat universiteti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada umumiy o’rta ta’lim maktablarida jismoniy tarbiya darslarida pedagogik texnologiyalarning ta’lim sifatini oshirishda muhim ro’l tutishi, maqsad va vazifalari, obyekti va predmeti yoritib berilgan.

**Kalit so’zlar:** pedagogik texnologiya, dars, jismoniy tarbiya, kuzatish, anketa, savol-javob, suhbat, pedagogik eksperiment, umumlashtirish, ilmiy-tadqiqot.

**Mavzuning dolzarbligi:** Mustaqil O‘zbekiston Respublikasining dunyo taraqqiyoti darajasidagi istiqbolini ta’minlash iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va madaniy sohalarida katta o‘zgarishlar bo‘lishi bilan bog‘liq. Bunday o‘zgarishlarda ishtirok etish insonlardan yuqori darajadagi umumiy va maxsus bilimlar, yuksak madaniyat, ma’naviyat va keng dunyoqarashni talab etadi. Ta’lim tizimini shu talablar asosida qayta qurish – jamiyatning kelajak avlod tarbiyasi sohasidagi ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiladi.

Aholining salomatligini yaxshilash, mehnatkashlarning ish qobiliyati va mehnat samaradorligini oshirish, o’quvchi yoshlarning ma’naviy - jismoniy kamolotini tarbiyalash yo’li bilan ularni kasb - xunar egallashlariga yo’naltirish masalalari Respublika hukumatining diqqat e’tiborida turibdi. Shu sababdan ham Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2020 yil 24 yanvarda "O’zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to’g’risida"gi farmonni imzoladi. Ularning mazmunida uzluksiz ta’lim jarayoni va sportni turlarini amalga oshirish, hamda

o'quvchi yoshlarning jismoniy barkamolligini tarbiyalashda ularni jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari hamda ommaviy sport musobaqalariga to'la jalb etish va shart-sharoitlar yaratish ko'zda tutilgan.

Shuningdek, dasturda: "Ta'lim berishning ilg'or pedagogik texnologiyalarini, zamonaviy o'quv - uslubiy majmualarni yaratish va o'quv-tarbiya jarayonini didaktik jihatdan ta'minlash umumiy o'rta ta'limning asosiy vazifalaridan biri sifatida belgilangan.

Hozirgi davrda yangi pedagogik texnologiya asosida o'qitish haqida matbuotda turli-tuman fikrlar bildirilmoqda. Ta'limga yangicha, texnologik yondashish haqida fikr yuritilishi tasodifiy hol emas. Yangi pedagogik texnologiya asosida o'qitishni yo'lga qo'yish, ta'lim jarayonini o'quvchilar uchun tushunarli va qiziqarli sohalarini yaratish uchun tinimsiz izlanish o'qituvchining muhim vazifasi bo'lib qolmoqda.

Barcha ta'lim turlari kabi jismoniy tarbiya darslarida ham pedagogik texnologiyalarni qo'llash muhim ahamiyatga egadir. Chunki jismoniy tarbiya darslari o'quvchilarning nafaqat jismoniy, balki aqliy rivojlanishini ta'minlaydi, o'quvchilarni faollashtirish, mutaqil ishlashga o'rgatish, ta'limning keyingi bosqichlarida o'quvchilarning ta'lim jarayonining faol subyektlariga aylanishlarida muhim ahamiyat kasb etadi.

Lekin pedagogik adabiyotlarda jismoniy tarbiya darslari ta'lim texnologiyasi masalalariga kam e'tibor berilgan. Pedagogik texnologiyalarni qo'llashda jismoniy tarbiya ta'limining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish muhimdir. Shuning uchun ham biz tadqiqotimiz mavzusini "**Umumiy o'rta ta'lim maktablarida olib boriladigan jismoniy tarbiya darslarida pedagogik texnologiyalarning qo'llanilish**" deb nomladik.

**Dessertatsiya ishning ob'ekti.** Tadqiqotning maqsad va vazifalarni amalga oshirishda asosan umumta'lim maktablari va Payariq tumani XTBga qarashli 5-umumiy o'rta ta'lim maktabi jismoniy tarbiya darslari faoliyati obekt qilinib olindi.

**Dessertatsiya ishning predmeti.** Ishning predmeti Umumiy o'rta ta'lim maktablarida olib boriladigan jismoniy tarbiya darslarida pedagogik

texnologiyalarning qo’llanilish. Asosan jismoniy tabiya darslari hamda pedagogik texnologiyalarning qo’llanilishi asos bo’lib hisoblanadi.

**Dessertatsiya ishning maqsadi.** Umumiy o’rta ta’lim maktablarida olib boriladigan jismoniy tarbiya darslarida pedagogik texnologiyalarning qo’llanilish.

Jarayonlarni tadqiqot jarayonlarida mukammal o’rganish va amalda qo’llash maktab o’quvchilarining umumiy jismoniy tayyorgarligini oshiradi.

**Dessertatsiya ishning vazifalari:**

1) ilmiy pedagogik adabiyotlar, tadqiqotlarni o‘rganish orqali jismoniy tarbiya darslari jarayonida pedagogik texnologilarni joriy etishning nazariy asoslari va omillarini aniqlash;

2) jismoniy tarbiya darslarida pedagogik texnologilarni joriy etishni ilmiy tahlil etish;

3) jismoniy tarbiya darslarida pedagogik texnologilarni joriy etishning o‘ziga xos xususiyatlarini va uni faollashtirish omillarini, o‘quvchilarning o‘qish motivlari va ularni rivojlantirish yo‘llarini tahlil etish;

4) jismoniy tarbiya darslarida pedagogik texnologilarni joriy etish tizimini ishlab chiqish va uning samaradorligini aniqlash.

**Dessertatsiya ishning o‘rganilganlik darajasi.** Abu Ali ibn Sinoning jahon Fani oldidagi xizmati shundan iboratki o‘tgan davrdagi ilmiy fikr yutuqlarini dastavval tibbiyot sohasidagi yutuqlarni umumlashtirib qolmay, o‘rta asrlar fanini yanada rivojlantiradi. “Kitob ul Qonun fit tibb” ya’ni “Tibb ilmlari qonuni” degan klassik asari uning shuxratini butun dunyoga taratdi.

Maktab yoshdagi bolalar jismoniy tarbiyasini ilmiy asoslab bergan rus olimi anatom, biolog, pedagog, jamoat arbobi Pyotr Fransevich Lesgaft (1837-1909) hisoblanadi. YE.N. Medinskiy so‘zi bilan aytganda P.F. Lesgaft o‘zining jismoniy ma’lumot nazariyasini yaratish bilan birga oila tarbiyasining nazariyasi bilan o‘z ishini yakunladi. ingliz olimi, filosofi Jan Lokni (1632-1704) o‘z davrida ma’lum

bo‘lgan fransuz olimi Jan Jak Russo (1712-1778) shvedsariyalik olim pedagog demokrat Iogan Genrix Pestolotsiy (1746-1827) asarlari kata rol o‘ynadi. J.J. Russo va I.G. Pestolotsiylarni pedagogik ta’siri asosida XVIII asrda Germaniyada yangi tipdagi maktab ochiladi. Bu maktablar filontroplar burjuaziya odamsevarlari maktabi nomini oladi. Bu maktablarda kuproq o‘rin jismoniy tarbiyaga berilgan edi. Jismoniy tarbiya bo‘yicha ma’lum bo‘lgan mutaxassislar G.Fit (1763-1836G‘, I.Guts-Muts (1759-1839) filontropida seki nasta keng ma’lum bo‘lgan nemets gimnastikasi Fridrix Lyudovik Yan asos solgan (1778-1852) va uning tarafdorlari gimnastikani maktabdagi boshqa umumta’lim fanlarining eng zaruriy fanlaridir deb ayDarsning tashkil etishning xilma-xil metodlari V.V. Belinovich, K.X. Grantin, N.A. Lupandina, Z.I. Kuznetsova, V.G. Yakovleva, K.D. Novikov, L.P. Matveyev va boshqa olimlar tomonidan ochib berilgan.

Keyingi yillarda jahon pedagogik ilmiy-tadqiqot ishlarida ta’lim texnologiyasiga qiziqish yaqqol ko‘zga tashlanadi.

Иными словами подростки оказываются в положении ни рыба, ни мясо. Они везде и при этом нигде. Учитывая же всемирный процесс глобализации у них также развито чувство никому не нужности. Сегодня даже взрослые зависимы от интернета и находясь постоянно " в сети " чувствуют себя менее одинокими. Подростки также стремятся окружить себя интернет друзьями и поделиться там своими проблемами, так они чувствуют себя более значимыми и уверенными в себе. Но именно это несоответствие своей интернет личности с его реальным характером и порождает конфликт внутри подростка. Тем самым конфликт внутренний перерастает во внешний, начинаясь от недовольства тем, что окружающие не воспринимают его таким каким он есть. Зачастую же подросток сам скрывает свою сущность опять таки в страхе быть отвергнутым.

Именно смена ценностей в современном мире, стали причиной появления персонажей типа «слабака» («Дневник слабака» Джефф. Кинни) и «изгоя» («Изгой» Ольги Черенцовой). Кроме этого черезмерное внимание на молодое поколение как объект изучения и критики литературоведения и психологии оказывает давление на них. Михаил Яснов по этому поводу отмечает, что созревание перестаёт быть событием личным и семейным. Состояние общества таково, что подросток чувствует себя дискомфортно. «Дети внушают оптимизм. За подростков боязно» считает он.

Читатель нашего поколения, пережив вместе с героем игнорирование со стороны окружающих, предательство близких обретает уверенность что он не один. А если ещё и этому персонажу удается добиться успехов, перебороть свою череду неудач и стать счастливым читатель- подросток получает надежду и веру, что и он добьется своих высот и сможет направить себя в нужное русло. Как это происходит в произведениях "Хорошо быть тихоней" Стивена Чбоски и "Бумажные города” Джона Грина.

Помимо этого, подростковая литература видоизменила дневниковые произведения. Если раньше персонаж убегал от реальности в свои записи, то сейчас все гораздо менее пафосно. Сегодняшний дневник подростка помогает переосмыслению, которому подвергает себя его автор. Эмоциональные излияния души сменяются ироническим комментарием событий происходящих вокруг. Все это можно увидеть в таких произведениях как Джеффер Кинни

(«Дневник слабака») и Сью Таусенд («Тайный дневник Адриана Моула»), Эдуард Веркин «Друг апрель».

Обзор современной подростковой литературы литературы позволяет выделить в ней типы конфликтов среди молодого поколения:

1) школьный конфликт

2) конфликт за первую любовь ( причем он бывает  как и с собой,  так и с соперником, предметом любви и даже со сложившимися обстоятельствами)

3) семейный конфликт

4) межличностный конфликт

Причем зачатки литературы о подростках  были заложены в произведениях классики. Так конфликт любовный мы видим в Тургеневской "Первой любви", а столкновение поколений и семейный конфликт рассмотрен в знаменитом романе того же Тургенева "Отцы и дети". Гений прозы Лев Толстой писал что, прежде, чем войти во взрослую жизнь молодой человек, должен преодолеть пустыню одиночества. И именно это преодоление одиночества, обстоятельств, испытаний является эпицентром всей подростковой литературы.

Обобщая, отметим, что современная подростковая литература позволяет выявить новизну в социально-критическом направлении, а также нового типажа героя подростка. Книга нового типа, становится посредником, превращаясь в некий мост связующий мир взрослых и мир детей. И именно в этой связи с миром нуждается современный подросток.

**Список использованной литературы:**

1) Людмила Петрановская. Тайная опора. Привязанность в жизни ребенка.

2)Михаил ЯСНОВ. «Детская поэзия — это игровое поле». [Электронный ресурс]. — URL: http://kidreader.ru/article/3058 (30.01.2015).

3) ПУШКИНА Е.В. Книги о подростках вчера, сегодня, завтра // Школьная библиотека. - 2014,- № 8. - С. 27-30.

4) Хомич Э.П. "Подросток в литературе нового типа." [ Электронный ресурс]. - URL:http://www.den-za-dnem.ru/page.php?article=1468

# ОСМЫСЛЕНИЕ РОЛИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПРАКТИКИ

**Туляганова Дилноза Улугбековна**
Национальный Университет Узбекистана
Магистр 1 курса Направление “ Психология” (по видам деятельности)

**Аннотация**

В статье анализируются “ осмысление роли психологической практики”. Также в статье рассматриваются систематичные взгляды на применение психологической практики в жизни. Целью настоящей статьи является анализ путей подготовки профессиональных практических психологов для оказания психологической помощи и как достичь наибольших достижений в сфере психологической практики.

**Ключевые слова и понятия:** психологическая практика, психологическая помощь, эффективность психотерапии, теоретическая психология, характеристика личности, индивидуальный дифференциальный подход.

# UNDERSTANDING THE ROLE OF PSYCHOLOGICAL PRACTICE

**Annotation**

The article analyzes “comprehension of the role of psychological practice”. The article also discusses systematic views on the application of psychological practice in life. The purpose of this article is to analyze the ways of training professional practical psychologists to provide psychological assistance and how to achieve the greatest achievements in the field of psychological practice.

**Key words**: psychological practice, psychological assistance, effectiveness of psychotherapy, theoretical psychology, personality characteristics, individual differential approach.

Психологическая практика является важнейшим разделом психологии, занимающийся практическим применением её знаний, и здесь же каждый может задать вопрос с чего вообще начать изучение практической психологии? Становление практической психологии происходит в тесной взаимосвязи с фундаментальными отраслями психологии, такими как общая, возрастная, социальная психология, педагогическая психология и психология личности, основу которых составляют теоретические принципы и методы психологического познания, закономерности существования и развития психической реальности.

Теоретическая психология предлагает практическую научно выверенные знания, а последняя, в свою очередь, дает взамен их подтверждение и ставит новые вопросы. Психологической же практике теория нужна как воздух. Но опять, так и возникает вопрос «Что» именно он может и должен делать, какова зона его профессиональной компетенции?; «Как» достигать нужных результатов?; «Почему» те или иные действия приводят именно к такому результату, каковы внутренние механизмы, срабатывающие при этом? Словом, психолог-практик ждет от теории не объяснения каких-то внешних для практики сущностей, а руководства к действию и средств научного понимания своих действий. Но кроме того, и это самое важное, психологическая практика нуждается в такой теории, у которой можно не только что-то взять, но которой можно отдать.

Практика психологии зачастую значительно опережает теорию. Различные препятствия, в частности, отсутствие методов, позволяющих экспериментально проверить необходимые в практике данные, значительно сдерживают развитие теории, которая порой с трудом обеспечивает постоянно растущие запросы практики. Для практических целей используются рабочие метафоры, никак теоретически не обоснованные, но удобные в применении. Эти построения и являются наиболее специфичной частью практической психологии как области знаний. Но здесь я несовсем согласна с мнениями автора, так как практика не всегда требует теоретических взглядов, то есть

здесь имеется ввиду соответствие психологической теории той проблеме или психологическому нарушению, с которым к психологу пришел человек. Например, если клиент на самом деле просто хочет улучшить качество своего общения, другое, если у него невротическое состояние, или же, он решает кардинальные проблемы жизни и смерти. Бывают и случаи, когда у человека на самом деле нет никаких проблем и он совершенно здоров (впрочем, нередко до той поры, пока не пообщался с психологом). Лично для автора очевидно, что, все перечисленные случаи, а их на деле значительно больше, не могут разрешаться с помощью какой-нибудь одной, даже самой современной психологической теории. Психологи же иногда берутся помогать во всех возможных случаях, переинтерпретируя проблемы клиента в благоприятном для их учения направлении. Как, мы знаем различают несколько видов психологической практики, например, в педагогической психологии, инженерной психологии, психологического консультирования, психотерапии, клинической психологии и т.д.

Я для анализа возьму психологическую помощь, во-первых, потому, что сегодня в нашей стране происходит быстрое развитие этой практики, во-вторых, потому, что на этой практике легче понять проблемы природы и эффективности психологических теорий и знаний. Еще одна причина, заставляющая обратиться к анализу психологической помощи, состоит в определенной оценке форм осознания работающих в этой области психологов. За редким исключением психотерапевты и другие психологи-практики, стремящиеся помочь людям, на мой взгляд, неадекватно осознают собственную работу. Сюда хочу добавить один пример и поделиться своим мнением. Как мы видим, что в нашей стране идет бурное развитие психологии. Спрос к психологам стало значительно больше, чем раньше. Больше всего анализируется проблемы в сфере семейной психологии, так как глобальными проблемами в нашей стране являются семейные межличностные отношения, супружеские конфликты в разных периодах жизни (но чаще всего в молодых

семьях) которые приводят к разрушению семьи. Особенно, что свойственно нашему менталитету, это – ссоры между невесткой и свекровью.

Как мы знаем, что в настоящее время психологи-практики работают дистанционно открыв свои каналы и группы который охватывает в себе множество подписчиков. Туда же отправляются различные советы даже указания, со стороны психолога-практика. Здесь возникает вопрос: «А как если все эти советы и указания выполнит каждый из этих подписчиков?» Естественно, кому-то эти указания могут идти в пользу, а кому-то, наоборот, во вред. Я хочу сказать, что каждая семья имеет своеобразную атмосферу. Для оказания помощи нужно учитывать психологические особенности не только самого человека, а людей, находящихся в его окружении. Я считаю, что профессионализм и секрет успешности психологической практики заключается именно в том. Психолог-практик лишь может ориентировать этого человека на правильное русло, чтобы этот человек в дальнейшем сам выбрал подходящую ему дорогу.

По мнению автора данной статьи практический психолог должен обладать широким спектром знаний для оказания  психологической помощи. Чтобы лучше понимать людей, необходимы хорошие представления о личности. Первое, на что специально обращает внимание С. Л. Рубинштейн, приступая к характеристике личности, это зависимость психических процессов от личности [1]. По мнению автора, этот принцип выражается, во-первых, в индивидуально-дифференциальных различиях между людьми. У разных людей, в зависимости от их индивидуальных, т. е. личностных особенностей, имеются различные типы восприятия, памяти, внимания, стили умственной деятельности. Здесь могу сказать, что каждый клиент нуждается в индивидуальном подходе.

Структура психики, по мнению А.Сосланда, включает такие элементы как «целое», «другой», «инстанции», «границы», «каналы», «влечения» и т.д. Дефект задается, например, через идею препятствия (источником нарушений могут быть препятствия, на которые неизбежно наталкиваются естественные

влечения человека, не позволяющие ему «безболезненно и безнаказанно овладеть желаемым объектом» [2].

Психотерапевтическое действие характеризуется как своеобразный вид игры, общения и контакта, внушения клиенту психотерапевтических идей, манипулирования его сознанием, преодоления сопротивления клиента, создания посредников, облегчающих работу психотерапевта. Исходя из этого, подводя итоги, можно сказать, что для наилучшего достижения практической психологии необходимо не только исходить из теоретических знаний.

По- моему мнению, для практических целей нужно использовать рабочие метафоры, никак теоретически не обоснованные, но удобные в применении. Эти построения и являются наиболее специфичной частью практической психологии как области знаний.

Основными задачами практической психологии являются познание психической реальности и выработка средств практической помощи и психологической поддержки личности, испытывающей затруднения в решении жизненных проблем, в организации оптимальных условий жизнедеятельности, способствующих наилучшей социальной и психологической адаптации. Мы психологи должны понимать, что каждый клиент представляет собой индивидуальность и нуждается в особом подходе, чтобы понять душу других людей, мы должны сами в себе испытывать те же переживания и события, которые чувствует этот человек на самом деле.

**Список литературы**

**1.** Абульханова-Славская К.А. Философско-психологическая концепция С.Л. Рубинштейна. М., 1989. 248 с.

**2.** Сосланд А. Фундаментальная структура психотерапевтического метода, или как создать свою школу в психотерапии. М., 1999. 155 с.

# ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Хайитова Шахноза Данияровна**
Hayitova87@gmail.com
**Абдулхаев Иброҳим Абдумажид ўғли**
ibrohimabdulhayev440@gmail.com
Самарқанд Давлат тиббиёт институти

**Аннотация**: Мақолада талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш усуллари, унинг турлари, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини шакллантиришда мустақил таълимнинг ўрни очиб берилган. ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантириш даражалари ва мезонлари, уни амалга ошириш босқичлари, мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти муаммоларини таҳлил қилиш йўллари белгилаб берилди.

**Калит сўзлар:** мустақил иш, мустақил фаолият, фаоллаштириш, назорат, ўз-ўзини назорат, талаба фаолияти, назорат турлари

**Кириш ва долзарблиги.** Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим жараёни иштирокчиларининг мустақил ишини такомиллаштириш, талабаларнинг шахсий-касбий, ижодий имконият ва интегратив тафаккурини шакллантириш, онлайн режимда ўқитишнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, тармоқлараро интеграциянинг педагогик-имкониятларини кенгайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари тизимининг долзарб муаммоларидан биридир. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунда мустақил фикрлайдиган, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими акс эттирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий

таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепция”сида “ ... мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш” [85]кераклиги таъкидланган.

Шу билан бирга, бугунги кунда таълим талабаларнинг мустақил иши компотенталарини ривожлантиришда замонавий дидактик воситалардан фойдаланиш, касбий йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш, мультимедиа, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, талабаларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларга ҳамда олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: биринчиси талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш бўлса, иккинчиси талабалар билимини рейтинг асосида баҳолашга қаратилади.

**Методлар ва ўрганилганлик даражаси:** Бугунги кунда таълим ахборот оқими шиддат билан ривожланаётганлиги сабабли талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ҳамда ўъз-ўзини назорат қилиш муҳим компонентлардан биридир. Мустақил таълим фаолияти талабага маълумотларни кенгроқ, кўпроқ тушунишига, таълим натижалари ўзининг фаоллигига боғлиқлигига, ўз билим ва кўникмаларининг тўғрилигини, шунингдек, босқичма-босқич назорат қилиш техникасини эгаллашга ёрдам беради.

---

[85]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепция”си

Ўз-ўзини назорат қилиш энг муҳим омиллардан бири бўлганлиги сабабли, талабаларнинг мустақил фаолиятини таъминлаш, муаммоси долзарб мавзуга айланмоқда. Ўз-ўзини назорат қилиш талабалар томонидан такрорланган нарсаларни солиштиришдан иборат жараёндир.

Ўз-ўзини назорат қилиш тузилишида қуйидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) талабалар томонидан фаолият занжирини тушуниш ва улар билан дастлабки танишиш якуний натижаларни олиш йўллари, қўлланиладиган иш усуллари ва олинган натижани солиштириш.

2) ишнинг бориши ва эришилган натижани намуналар билан таққослаш;

3) бажарилган иш натижасини баҳолаш, белгилаш ва таҳлил қилиш

4) ўз-ўзини баҳолаш маълумотлари асосида ишни тузатиш ва унинг режасини аниқлаштириш, амалга ошириш ва такомиллаштириш[86].

Ўз-ўзини назорат қилиш мустақил таълим фаолиятининг таркибий қисмидир, лекин мустақил фаоллик талабаларда дарҳол пайдо бўлмайди, у ўқитувчи раҳбарлигида таълим жараёнида шаклланади.

**Тадқиқот натижалари:** Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларинининг шаклланиши таълим олишнинг янада фаоллашишига олиб келади.

Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилишни шакллантириш усуллари қуйидагилар

1) намуна билан текшириш;

2) муаммони қайта ҳал қилиш;

3) тескари масалани ечиш;

4) муаммонинг ҳолатига кўра олинган натижаларни текшириш;

5) муаммони турли усуллар билан ҳал қилиш;

6) моделлаштириш;

7) исталган натижаларнинг тахминий баҳоси;

---

[86] Hayitova Sh.D. The Contents of Students’ Independent Education and Methods of Implementation// Psychology and education// 2021 58(02) 9-14

8) муайян ишни текшириш;

9) билвосита параметрлар бўйича олинган натижаларни синовдан ўтказиш .

Демак, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини шакллантириш узлуксиз жараёндир. Бу жараённинг барча босқичлари ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилади.

1-жадвал

Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини баҳолаш

| Мустақилликнинг таркибий қисмлари | Талабаларнинг асосий кўникмалари | Талабалар сони % да, муайян малаканинг ривожланиш даражасини баҳолаш | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Баллар | | | | | |
| | | 0 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Мустақил таълимини ташкил этиш | Умумий интеллектуал кўникмалар (маълумотларни интернет тармоғидан мустақил топиш ва уни анализ, синтез, таққослаш ҳамда қайта ишлай олиши, АКТлардан фойдаланиш, ва бошқалар.) | 0 | 22,8 | 40 | 34,3 | 2,8 | 0 |
| | Педагогик маҳорат (мобил технологиялардан фойдаланиш, ижтимоий тармоқлар, адабиётлар билан ишлаш, кузатиш ва бошқалар.) | 0 | 28,6 | 34,3 | 34,3 | 2,8 | 0 |
| | Мустақил фаолиятни ташкил этиш ва уни фаоллаштириш | 0 | 74,2 | 14,3 | 11,4 | 0 | 0 |
| | Ижодий тажриба | 0 | 45,7 | 28,5 | 14,3 | 11,4 | 0 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Мустақил таълим | Касб-ҳунар кўникмаларини мустақил олиш | 8,6 | 74,3 | 17,1 | 0 | 0 | 0 |
| Ўз-ўзини назорат қилиш | Хал қилиш усулини танлаш қобилияти | 27,5 | 45,7 | 17,1 | 11,4 | 0 | 0 |
| | Ҳал қилиш қобилияти | 57,7 | 23,4 | 10,3 | 8,6 | 0 | 0 |
| | Тўғри қабул килинган натижаларини баҳолаш қобилияти | 69,7 | 25,7 | 4,6 | 0 | 0 | 0 |

Тажриба талабалар томонидан мустақил ишларнинг моҳиятини тушунишни ва ўз-ўзини назорат қилишни аниқлашдан иборат.

10. 89 % талабалар ОТМда мустақил иш учун шарт-шароитлар яратилмаган, деб хисоблайди;

11. 75% талабалар охирги пайтда мустақил ишларни фақат берилган муддати тугагач бажарадилар;

12. 21% узоқ вақт давомида мустақил ишни бошлашга қарор қилади, чунки улар ўзларини хавфли ҳис қилишади;

13. 8% вазифани тушунишга ҳаракат қилади, уни диққат билан таҳлил қилади, кейин тез ва кечиктирмасдан ҳаракат қилади;

14. 63% талабалар мустакил ишлари натижаларини текширишни билмайди (бу борада биз томонимиздан ишлаб чиқилган мобил илова ижобий натажалар бермокда);

15. 72% вақт ажратишни ва мустақил ишларни режалаштиришни билмайди;

16. 81% ўз ишининг боришини назорат қилишни билмайди;

17. 42% мустақил ишнинг мақсадини тушунмайди;

18. 41% вазифани тушунмайди.

Талабаларнинг атиги 21% мустақил ишни таълимнинг энг жозибали турлари деб номлашган. Жадвалдан кўриниб турибдики, биринчи курс

талабалари ўз-ўзини ташкил этишда ҳам, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини назорат қилишда ҳам ўз қобилиятларини жуда паст баҳолайдилар. Респондентлар ўз касбий малакаларини эгаллашда энг катта қийинчиликларга дуч келадилар. Талабалар уларни жуда паст (8.6% ва 74.3%) деб баҳолайдилар.

Талабалар ҳам ўз-ўзини назорат қилиш бўйича паст балл: ечим танлаш ва уларнинг қарор натижаларини баҳолаш қобилияти (57,7% ва 69,7% баҳоланган паст балл).

**Хулоса:** Юқоридаги маълумотлар кўриниб турибдики талабалар мустақил ишларни бажариш ва фаоллаштириш жараёнида кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Бунинг учун биз қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик.

- мустақил ишни рағбатлантириш орқали талабаларнинг қизиқишларини ошириш зарур;

- берилган мустақил иш топшириқларининг мазмунини ва моҳиятини содда ва изчил ҳолатда етказиш;

- талабалар мустақил ишларини электрон шаклда бериш ва шу шаклда қабул қилиш тизимини йўлга қўйиш (қоғозбозликни камайтириш);

- фанларни мазмуни мобил иловалар кўринига келтириш ва мустақил иш топшириқларини талабаларни тезкор фикрлашга ундайдиган топшириқлар тизими келтириш.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига асосан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепция"

2.Daniyarovna H. S., Istamovich K. D., Ilhom U. The Contents of Students' Independent Education and Methods of Implementation //Psychology and Education Journal. – 2021. – Т. 58. – №. 2. – С. 1445-1456.

3.Шахноза Хайитова Таълим тизими самарадорлигини оширишда мустақил таълимнинг ўрни // Academic research in educational sciences. 2021. №4. URL:

https://cyberleninka.ru/article/n/talim-tizimi-samaradorligini-oshirishda-musta-il-talimning-rni (дата обращения: 03.02.2022).

4.Daniyarovna, Hayitova Shakhnoza. "The Main Features of Organizing Students' Independent Work in The Educational Process." *Central asian journal of literature, philosophy and culture* 2.2 (2021): 16-21.

5.Хайитова Ш. Д. и др. Талабалар Мустақил Таълим Олишини Фаоллаштириш Бугунги Давр Талаби //Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнали. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 153-158.

6.Хайитова Ш.Д., Розикова Л.Т. Талабалар Мустақил Таълимини Фаоллаштиришда Ахборот Технологиянинг Ўрни //Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнали. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 162-167.

7. Асқаров И.Б., Турматов Ж.Т. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш методикаси. - Т.:GOLD PRINT NASHR., 2018.– 80 б.

# ҚЎШМА ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАЛИМ ТИЗИМИДАН АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

**Соаталиев Элбек**
НамМҚИ Қўшма таълим бўлими 61К-ИҚТ-20 гуруҳ
талабаси

**Аннотация:** Мақолада хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма таълим дастурлари аҳамияти, уларда иштирок этиш учун таълим олувчиларга қўйилаётган талаблар, таълим олувчилар учун вужудга келаётган устунликлар ва афзалликлар тушунарли тарзда ёритилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, хорижий тажриба, қўшма таълим дастурлари, квалификация, қабул шартлари, тест синовлари, контракт тўлови.

Билимсиз ҳеч бир кимса келажакка ишонч билан қарай олиши даргумон. Айниқса, ёшларнинг ҳар бири келажакни янада ёрқинроқ, тинч ва фаровон қилиш учун кўп иш қилиши лозим. Олий таълим муассасасида ўқув жараёнларини такомиллаштириш, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим бериш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Халқаро тажрибаларни синчковлик билан ўрганиш орқали таълим тарбияда қотиб қолган, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган иш шакллари, услубларидан халос бўлиш билан бирга, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга эга бўламиз. Ишонамизки, муваффақиятли келажак учун кучли пойдевор қўйишнинг энг ишончли ва самарали усули бу чет элда таълим олишдир. Қўшма таълим, яъни икки дипломли дастури – Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари ўртасида имзоланган шартнома асосида кадрлар тайёрлашни ва битирувчиларга олий маълумот олганлиги тўғ‘рисидаги барча хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари жойлашган давлатларда тан олинадиган квалификация (диплом) берилишини назарда тутувчи таълим

дастури ҳисобланади. Қўшма таълим дастури асосида ўқиш жараёни хорожий хамкор давлат тавсия этган ҳамда шартномада белгилаб ўтилган тил асосида олиб борилади.

Қўшма таълим дастури асосида талабаликка қабул қилиниш учун абитуриентлар Ўзбекистон Республикаси олий талим муассасаларида ўқиш учун Давлат Тест Маркази томонида ўтказиладиган имтиҳон жавоблари эълон қилингандан сўнг, ҳамкор давлат шартнома таклиф қилган олий таълим муассасасининг ижтимоий тармоқдаги сайтида рўйхатдан ўтадилар. Керакли ҳужжатларни онлайн тарзда топширадилар. Кириш имтиҳонлари икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич хорижий ҳамкор университет дастури бўйича мустақил, танқидий фикрлаш ва хорижий тилни билиш даражасини аниқлаш учун амалий ёки суҳбат шаклида ўтказилади. Иккинчи босқич имтиҳонлари барча дастурлар учун Давлат Тест Маркази шартномада кўрсатилган хорижий тил бўйича тест синовларини ўтказади. Дастурдан қатъий назар биринчи босқич имтиҳонларида энг юқори балнинг камида 30 фоизини тўплаган абитуриентлар иккинчи босқич имтиҳонларига қўйиладилар. Иккинчи босқич имтиҳонларида энг юқори балнинг камида 40 фоизини тўплаган абитуриентлар дастурга кириш учун танловда қатнашадилар ва кириш параметрлари асосида ўқишга қабул қилинадилар. Хорижий ҳамкор университет тавсия этган тилни камида **Б1** даражада билиши ҳақида миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатга эга бўлган абитуриентлар иккинчи босқич имтиҳонларидан озод қилиниб, уларга ушбу босқич учун энг юқори балл берилади. Сўнг, квоталар сони бўйича тўпланган баллар асосида абитуриентлар талабаликга қабул қилинади.

Қўшма таълим дастури асосида таҳсил олувчи талабалар анъанавий тарзда таҳсил олаётган талабаларга нисбатан кўпроқ имкониятларга эга бўладилар. Мисол учун, хориж тажрибаси асосида таҳсил олиш имконияти; хорижий ҳамкор университет хизматидан тўлақонли фойдаланиш имконини; хорижий брифинглар, илмий марафонлар, кўргазмалар ва шу турдаги тажриба орттириш учун хизмат қиладиган кенг миқёсли тадбирларда қатнашиш имконияти;

хорижий ҳамкор университетнинг электрон электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти; ҳамкор олий таълим муассасасида таълим олиш жараёнида маънавий хордиқ олиш учун турли хил лагерларда дам олиш имконияти ва шу кабилар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўқиш жараёни ниҳоясига етгач талабага халқаро даражадаги диплом берилади ва талаба ушбу диплом асосида исталган давлатда ишлаш имкониятини қўлга киритади.

Барча нарсаларга эришишда қийинчиликлар бўлганидек, ушбу дастур асосида таҳсил олишнинг ҳам ўзига яраша талаблари ҳам бор. Ушбу йўналиш асосида таълим олмоқчи бўлган талаба албатта хорижий ҳамкор университет тавсия этган таълим тилини билиши ва эркин гаплаша олиши зарур. Таълим олиш жараёни тўлақонли, 100 фоиз тўлов-контракти асосида давом этади. Тўлов-контракти миқдори хорижий ҳамкор университетлардаги тўлов-контракти нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Яъни, анъанавий тарзда таҳсил олаётган талаба тўлайдиган тўлов-контракти миқдоридан кўпроқ бўлади. Талаба таҳсил олиш учун чет элга чиқиши ва таълим жараёни давомида ўша ерда яшаши лозим. Таълим олиш жойига бориш ва талабалар турар жойида истиқомат қилиш харажатлари тўлов-контракти миқдорига қўшилмайди. Яъни ушбу харажатларни хорижий ҳамкор университет қопламайди.

Призидентимиз таъкидлаганларидек, “дунёқарашни нима ўзгартиради - илм, даромад, манфаат”, шунинг учун ҳамки, таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш энг илғор хорижий тажрибани ўрганиш, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласи илгари сурилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар белгиланган. Ҳужжатда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги таълим муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш баробарида уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган. Ҳозирги пайтда ҳар бир соҳада чет эл тажрибаси асосида олиб бориш

лозим. Бу эса, қилинаётган ҳар бир ишни халқаро даражада қўлланиши замон талабларига тўлақонли мос келишни таъминлайди. Зеро бажарилаётган ҳар бир иш инсон манфаатларига хизмат қилиши даркор.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида Қонуни (янги таҳрири).
2. Янги Ўзбекистонни 2022 – 2026 йилларда ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегияси.

# ENERGIYA TEJAMKORLIGI VA ENERGETIKA RESURSLARINI BOSHQARISH

**Xamrayev Og`abek Oybek o`g`li**
Urganch davlat universiteti, Texnika fakulteti 2-bosqich talabasi
E-mail: ogabekxamrayev678@gmail.com

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada energiya samaradorligini oshirish, energiya resurslarni zamonaviy g'oyalar, prinsiplar asosida boshqarish lozimligi to`g`risida fikr yuritiladi. Bugungi kunda, energiya iste'moli samaradorligini sezilarli darajada oshirish muammolari alohida ahamiyat kasb etadi. Bu esa, jahon yoqilg'i energetika balansining katta ulushini tashkil etuvchi neft va gaz zahirasining yuqori sur'atlarda kamayishi, atrof-muhitning ekologik vaziyatini sezilarli darajada yomonlashuviga olib keluvchi energiya iste'molining salbiy ta'sirini ortib borishi va boshqa sabablar bilan bog'liqdir.

**Kalit so`zlar:** Energiya tejamkorligi**,** muqobil energiya, avtomatik nazorat, suv oqimi energiyasi, gidroelektr stansiyalari, issiqlik elektr stansiyalari.

Dunyoda aholi soni ko‘payib, texnik taraqqiyot ildamlagani sari energiyaga bo‘lgan talab ham ortib bormoqda. Tahlillar butun jahonda energetika resurslari tanqisligi kuzatilayotgani, ularning narxi muntazam oshib borayotganini ko‘rsatmoqda. Shunday bir sharoitda energiya resurslarini tejash, ulardan oqilona foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. Davr talabidan kelib chiqqan holda, “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonunga ko‘ra, “Energiyadan oqilona foydalanish to‘g‘risida”gi qonunga ma'lum o‘zgartirishlar kiritildi. Endilikda energetika tekshiruvi o‘tkazilishi shart bo‘lgan yoqilg‘i-energetika resurslari iste'molchilari bo‘lgan korxonalarning soni deyarli 3 barobarga oshishi belgilangan. Majburiy energetika tekshiruvlari o‘tkaziladigan korxona, tashkilot va muassasalar doirasining kengayishi

korxonalarning energiyani tejash zaxiralarini aniqlash imkonini beradi. Energetika tekshiruvlari doirasida amalga oshiriladigan tadbirlar yoqilg'i-energetika resurslari sarfi sezilarli darajada kamayishi va ishlab chiqariladigan mahsulot tannarxi pasayishiga xizmat qiladi. Hisob-kitoblar respublika bo'yicha korxonalarda energoaudit o'tkazilishi natijasida energiya resurslarini 5 foizgacha iqtisod qilish hamda yiliga o'rtacha 1 825 005,9 tonna shartli yoqilg'i iqtisod qilishga erishish mumkinligini ko'rsatmoqda. Elektr energiyasidan sanoat va qishloq xo`jalik sohalarida, transportda, aloqa tizimlarida, hamda maishiy xizmatda keng foydalaniladi. Elektr energiyasini ishlab chiqarish va uni tarqatish energetika sohasiga tegishli hisoblanadi. Shuning uchun energetika xalq xo`jaligining asosiy tarmog`i hisoblanadi. Insoniyat taraqqiyotida kishilarning turli energiya manbalariga bo'lgan ehtiyojlari, ularni tabiiy manbalar - o'tin, ko'mir, torf va boshqa yoqilg'ilardan, shamol, suv oqimi energiyasi (shamol va suv tegirmonlari)dan foydalanishga majbur qilgan. Keyinchalik fan va texnika taraqqiyoti, fan-texnika inqilobi tufayli XX-asrning II-yarmidan boshlab elektr energiyasiga bo'lgan ehtiyoj juda oshib ketdi. Ana shu omillar energetikani jadal rivojlantirishni taqozo qildi. Fan va texnika taraqqayotida energiya ishlab chiqarish va uni o'zgartirishning yangi usullarini ishlab chiqish, yangi samarali asbob uskunalar va texnologiyalarni yaratish, energiyani taqsimlashni markazlashtirish va boshqalar orqali ifodalanadi. O'zbekiston energetikasi rivoji uchun tabiiy iqlim sharoitlaridan oqilona foydalanish maqsadida qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan, xususan, quyosh energiyasi, shamol kuchi, yer osti suvlari harorati va kichik gidroelektr stansiyalardan foydalanish masalalari borasida keng tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Hozirgi kunda butun jaxon miqyosida dolzarb muammo bo`lib turgan elektr energiyasi olimlarni fikricha 2030 yilga borib 2 barobarga oshishi ta`kidlanmoqda. Bunga sabab kundan kunga mamlakatimizda zamonaviy texnika va texnologiyalarni paydo bo`lishidir. Shuning uchun mamlakatimizda energiya sarfini sezilarli darajada kamaytirishda hozirgi zamon elektron qurilmalaridan keng foydalangan holda noan'anaviy energiya manbalaridan samarali foydalanib tejamkor elektr ta'minotini tashkil

etish aholi turmush darajasini oshirishdan iboratdir. Sanoat korxonalarida elektr energiya iste‘moli strukturasi ko‘p tarmoqlidir. Mahsulotning elektr energiya sarfi ancha yuqori chegaralarda o‘zgarib turadi va bu butun dunyoning shu soxadagi elektr energiya iste‘molidan ancha yuqoridir. Shu sababli aksariyat korxonalarda energiya tejash va elektr energiyadan samarali foydalanish bo'yicha sezilarli natijalar yo'q. Shu munosabat bilan sanoat korxonalarining energiya samaradorligini oshirish uchun boshqaruv resurslaridan foydalanish usullarining ahamiyati oshib bormoqda. Elektr energiyani tejash tadbirlarining ko`rinishlari quyidagi pog`onalarga bo`linadi:

- Kamxarajat (tashkiliy) tadbirlar;
- Texnik tadbirlar. Avtomatik nazorat tizimlarini qo`llash shart sharoitlarini to`la ta‘minlash;
- Avtomatik nazorat tizimini to`liq qo`llash.

Energiya tejamkorligini boshqarishning maxsus organlarini tuzish va energiya tejamkorligi sohasida umumiy ma‘lumotlarni oshirish bo‘yicha har xil tuzilmalarni tashkil etish zarur.

Xulosa qilib aytganda zamonaviy sharoitda energiya tejamkorligini iqtisodiy o‘sishning asosiy omillardan biri deb qarash maqsadga muvofiqdir. Energiya tejamkorligi ishlab chiqarish korxonalarini hamda xalq xo‘jaligini iqtisodiy barqarorlashtirishga olib keluvchi asosiy omillardan biri bo‘lib hisoblanadi. Shuningdek energiya tejamkorligi ekologik muhitni barqarorlashishga ham olib kelib, buning asosiy sabablari esa organik moddalarning tejab ishlatishdan iborat. Shu sababdan energiya va resurs tejamkorligi davlat siyosatining dolzarb yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Energiya tejash tadbirlarini orqaga surish, mamlakatning iqtisodiyotiga va atrof muhitga o‘z ta‘sirini ko‘rsatadi. Elektr energiyasini tejash davlat dasturida ko‘rsatilgan texnika va texnologiyalarni jiddiy ko‘rikdan o‘tkazib, yaroqsizlarini almashtirish chora-tadbirlarini amalga oshirish zaruratini talab etadi. O`zbekiston Respublikasi yonilg‘i energitika majmunini rivojlantirishning strategik yo‘nalishi energiyadan oqilona foydalanish va energiya tejamkorligi masalalari hisoblanadi. Ushbu masalalarni ko‘rib chiqishda

elektr energiyani tejashning siyosiy, iqtisodiy, tashkiliy, boshqaruv, texnik va texnologik jihatlariga kompleks tarzda yondoshish lozimdir. O`zbekiston Respublikasi elektr va issiqlik energiyasini ishlab chiqarish, sanoat, qishloq xo`jaligi va iqtisodiyotning barcha sohalarida foydalanish uchun yetarli miqdorda energiya resurslariga ega mamlakat bo‘lib, mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab mazkur sohani rivojlantirishga alohida e‘tibor berib kelinmoqda. Tahlillarga qaraganda, ham jahon, ham milliy bozorda mahsulotlarga talabning oshib borayotganligi sababli ishlab chiqarish sohalarida elektr energiyasiga bo`lgan ehtiyoj ham yildan-yilga o`sib bormoqda. Elektr energiyasi resurslari qayta tiklanmaydigan energiya manbai hisoblanib, zaxiralari cheklangan, yangi havzalarni o`zlashtirish esa katta mablag`ni talab etadi. Shu boisdan ham bugungi kunda butun dunyoda muqobil energiya manbalaridan keng miqyosda foydalanishga o`tish barobarida, mavjud manbalarni oqilona va samarali ishlatish, ularni tejash masalasi dolzarb bo`lib turibdi. Zero, bu jarayon mamlakat taraqqiyoti, atrof-muhit muhofazasi va tabiiyki, aholi turmush darajasiga ta‘siri bilan muhim ahamiyat kasb etadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. F.A.Xoshimov., A.D.Taslimov., Energiya tejamkorligi asoslari. O`quv qo`llanma. Toshkent. Voris, 2014. Энергия тежамкорлиги

2. F.A.Xoshimov., A.D.Taslimov., I.U.Raxmonov., Elektr ta‘minoti tizimida energiya nazorati va hisobi. – T.: 2015.

3. A.Rajabov., N.Ibragimov.,va boshqalar, Energiya tejamkorlik asoslari. O`quv qo`llanma. Toshkent. Rizograf, 2009.

# HUDUDNI VERTIKAL REJALASHTIRISH LOYIHASINI ISHLASHDA TABIIY SHART-SHAROITLARNI INOBATGA OLISH MASALALARI

**Mirzayeva Zarnigor Alisher qizi**

Farg‘ona Politexnika insituti, Qurilish fakulteti, Bino va inshootlar qurilishi kafedrasi assistenti;

**Toshmatov Ulug‘bek Qodirjon O‘g‘li**

Farg‘ona Politexnika insituti, Qurilish fakulteti, 5-20 guruh talabasi

**Annotatsiya:** Maqolada hududni vertikal rejalashtirish loyihasini ishlashda tabiiy shart-sharoitlarni ya’ni iqlim sharoitlari, relyef va u bilan bog‘liq muammolarni inobatga olish, loyihalash jarayonida va hisob ishlarida yuzaga keladigan tuproq ishlaridagi muammolar yechimini ishlab chiqish masalalari keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** relyef, tabiiy sharoit, geomorfologiya, drenaj, konstruksiya, vertikal, gorizontal, kombinatsiya, galereyali.

Barchamizga ma’lumki, bugungi kunda hududlarni vertikal rejalash loyihalari amalga oshiriladi, lekin ushbu loyihalarda bir necha kamchiliklarga duch kelishimiz mumkin. Kamchiliklarning barchasi vertikal loyihalarni Qurilish me’yoriy qoidalariga mos keladigan hisob ishlarining yetarli emasligidadir.

Muammoning dolzarbligi shundaki, har qanday qurilish loyihalarini tayyorlash jarayonida belgilab qo’yilgan qonun hujjatlari va me’yoriy talablardan chetga chiqmagan holda loyihash shart deb hisoblayman. Chunki har bir qurilish loyihasining mahsulotida inson omili turadi. Shu jumladan, hududlani vertikal rejalarini loyihalash jarayonida loyihachilardan QMQ 2.01.09.19 – “Cho’kuvchan va o’ta cho’kuvchan gruntli hududlarda quriladigan bino va inshootlar”, QMQ 2.01.01-94 “Loyihalash uchun iqlimiy va fizik-geologik ma'lumotlar” va 2.07.01-03

“Shaharsozlik. Shahar va qishloq aholi punktlari hududlarini rivojlantirish va qurilishni rejalashtirish” kabi me’yoriy hujjatlarni to’liq o’qib-o’rganishlari zarur.

Har bir hududni o‘ziga xos tabiiy shart-sharoitlari, tashqi ta’sirlarni va fizik-geologik jarayonlari bo‘ladi. Unga yondosh hududlarda ham tabiiy sharoitlari o‘zgacha bo‘lishi mumkin. Shu sababli loyiha ishlarini amalga oshirishdan oldin tabiiy shart-sharoitlarni umumlashtirilgan holda hududni iqlim sharoitini mukammal o‘rganish kerek.

**Iqlim sharoit**i **-** shamolning yo‘nalishi, joyning past- balandligi, suv havzalariga yaqinligi, ko‘kalamzor maydonlarning mavjudligini bildiradi. Iqlim sharoiti ma’lumotlaridan foydalanib, sanoat korxonalarining aholi yashaydigan joydan qancha masofada bo‘lishini aniqlash, yo‘llarni rejalashtirish, qurilish usullarini tanlash, qor-yomgir suvlarini qochirish yoki sug‘orish tizimini asoslash, injenerlik tarmoqlarini loyihalash (yerning muzlash qatlamini aniqlash) kabi qator masalalarni yechishda hisobga olinadi. [1]

Iqlim sharoitidan kelib chiqilgan holda loyihalar (shaharlar, turar joy maskanlari va boshqa inshootlar) amalga oshiriladigan hududning o‘rtacha yil davomidagi oylik yog‘ingarchilik va uning shiddati, qor yog‘ish vaqti va uning qalinligi, davr bo‘yicha ob-havoning darajasi (past-yuqori, o‘rtacha va bir kecha-kunduzdagi o‘zgarish miqdori), shamolning kuchi, yo‘nalishi va takrorlanishi (yil davomida va fasllar bo‘yicha), havoning namligi, tumanning qalinligi va takrorlanishi, yil davomidagi quyoshli kunlar soni va boshqa holatlarini o‘rganiladi.[1] Turar joy maskanlarini qurishda asosan shamol yo‘nalishiga va uning ta’siriga ahamiyat beriladi. Bunda asosan shamolning asosiy yo‘nalishi "Shamol guli" deb nomlangan shakl asosida o‘rganiladi. Iqlim sharoit bir necha omillardan tashkil topgan bo‘ladi. Bular quyidagilarda iborat:

• Relyeflar;

• Qor-yomg‘ir suvlari;

• Yerosti sitoz suvlari;

• Daryo, ko‘l va suv havzalari.

Hududni shaharsozlik nuqtai nazaridan hisoblash, avvalambor joylarni tabiiy jarayonlar ta’sirida tabiiy relyef xususiyatlari va shakllariga bog‘liqdir. Bu bog‘liqlikni va mavjud relyeflar tarkibini "geomorfologiya" fani o‘rganib boradi.

Vertikal rejalashtirish hududni qurish, rejalash va obodonlashtirish talablardan kelib chiqqan holda tabiiy relyefni qayta shakllantirish, o‘zgartirish va moslashtirish ishlarini o‘zida mujassamlashtiradi. Tabiiy sharoitlardan kelib chiqib relyefni eng maqbul yechimi topiladi. Hududni sizot suvlari ta’sirida suv bosishidan saqlash, botqoqliklar paydo bo‘lishini oldini olish va boshqa tabiiy sharoitlar ta’sirida noqulayliklar kelib chiqishlarni yechimini "Vertikal rejalashtirish" asosida kurashish maqbul yo‘l hisoblanadi. Ko‘plab yog‘ingarchiliklar va qor suvlari paydo bo‘lishi natijasi yer osti qatlamini cho‘kishi kuzatiladi. Bunday muammolarni yechishda yer osti suv qochirish tarmoqlarining o‘rnatish bilan tashqi suvlarni qochirish, sizot suvlarining sathi baland bo‘lgan hollarda drenaj tarmoqlaridan foydalanish, ko‘chkili hududlarda tirgak devorlar o‘rnatish. To‘planib qolgan suvlarni va sizot suvlarini qochirish uchun drenaj qurilmasidan foydalanilish zaruratini keltirib chiqaradi. Bugungi kunda drenaj tizimini loyihalashning juda ko‘p zamonaviy usullari ishlab chiqilmoqda. Shu o‘rinda drenaj tushunchasi o‘zi nima ekanligini bilishimiz zarur.

**Drenaj -** sizot suvlarini sun’iy pasaytirish uchun mo‘ljallangan qurilmalarini iborat bo‘lib, u uzoq vaqt uzluksiz ishlashga mo‘ljallanadi.[2]

Drenaj tizimi alohida kanal va drenaj qurilmasidan iborat bo‘lib, yer usti qatlami to‘planib qolgan suvlarini qochiradi. Yer ostiga qo‘yiladigan maxsus quvurlar, quduqlar va nasos tizmalaridan iborat bo‘ladi. Konstruktiv xususiyatlaridan kelib chiqib vertikal, gorizontal va kombinatsiyalashgan turlarga bo‘linadi.

Qurilish amaliyotida o‘zining xususiyatlariga ko‘ra quyidagicha drenaj konstruksiyalari qo‘llaniladi:

1. Ochiq drenaj;
2. Sizuvchi materiallardan iborat yopiq drenaj;
3. Yopiq quvurli drenaj;
4. Galereyali drenaj;
5. Vertikal drenaj;

6. Mahalliy drenaj.

Xulosa, o‘rnida shuni aytish mumkinki, har bir bajarilayotga loyiha yuqorida qayt etilgan me’yoriy qoidalar asosida loyiha qilinsa, shaharsozlik va qurilish sohalariga bo‘lgan ishonchni ortishiga sabab bo‘lishi bilan birga qurilayotgan bino va inshootlarning mustahkamligini bevosita ta’minlashga hissa qo‘shilgan hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Shukurov.I.S, Xotamov.A.T "Shahar hududini injenerlik tayyorlash", "IQTISODIY-MOLIYA", Toshkent-2018.

2. Isamuxamedova.D.U, Ismoilov.A.T, Xotamov.A.T "Injenerlik obodonlashtirish va transport", Toshkent-2009.

# "RESEARCH AND EDUCATION"
## Scientific Research Center



# "INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING"

www.researchedu.uz